

Шарк юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЙЛИК АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОЙ-СИЕСИЙ ЖУРНАЛ



48-йил чиқиши



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1980

Мундарижа

Ҳ. Абдусаматов. Драматургиямиз сардори.	4
Л. Қаюмов. Коммунист санъаткор.	10
М. Раҳмонов. Узбек театрининг улкан муаллифи.	11
Мирмуҳсин. Қалби дарёлик ҳамда етуклик.	15
Туроб Тўла. Муҳаббат — айб эмас.	17
Э. Охунова. Эҳтиром ҳисси.	19
Е. Аҳмедов. Миннатдорлик.	21
М. Азимова. Адабий алоқаларимиз камарбастаси.	22
К. Яшин. Ҳамза. Роман. Давоми.	26
Ж. Жабборов. Кўлам жилолару. Шеърлар.	77
Э. Воҳидов. Руҳлар исёни. Драматик дoston.	83
Уйғун. Абу Али ибн Сино. Драма. Давоми.	94
В. Архангельский. Тарихнинг ўттиз дақиқаси. Ҳужжат- ли қисса. Давоми.	135
К. Тенякшев. Оддий операция. Қисса. Охири.	180
В. Имомов. Талантнинг муҳим қирраси.	222
Н. Худойбергaнов. Ҳамиша жанговар.	225

ИБН СИНО ТУҒИЛГАН КУННИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН


А. Ирисов. Ибн Сино «поэтикаси».	228
--	-----

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

М. Қодирова. Дилшоднинг «Тарихи муҳожирон» асари ҳақида.	231
С. Ирисхўжаева. Қанотли қўшиқлар.	233

ТАҚРИЗЛАР

П. Шермухамедов, М. Маҳмудов, Т. Искандаров. «Мен ҳақиқатни севардим...».	238
--	-----



Комил Яшин.

(Адибнинг 70 ёшига).

н. ИБРОҲИМОВ чизган расм.

Ҳафиз Абдусаматов,

филология фанлари доктори

ДРАМАТУРГИЯМИЗ САРДОРИ

«Литературная газета»нинг яқин кунлардаги сонларидан бирини варақлар эканман, Ангола халқ республикасининг президенти марҳум Агостиньо Нетонинг Комил Яшинга «Нилуфар» мукофотини топшираётгани акс эттирилган фото лавҳага кўзим тушди. Осиё-Африка мамлакатлари озодлиги курашининг буюк арбоби, таниқли шоир, халқлар дўстлигининг оташин ташвиқотчиси, ўзбек ёзувчиси Комил Яшинга мукофот топшираётди. Бунда рамзий маъно бор...

Яшин Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа қилувчи Совет Комитетининг раиси сифатида деярли 11 йилдан бери ишлаб, бу мамлакатлар ёзувчилари ўртасидаги дўстликни мустақамлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. У қаерда бўлмасин — Ангола ёки Ҳиндистонда, Эфиопия, ёки Эронда — Ватанимизни, унинг энг гоъвий, энг революцион адабиётини тарғиб қилди.

Мана унинг Осиё-Африка мамлакатлари ёзувчилари VI конференциясида сўзлаган нутқиға берилган баҳоларнинг бири: «Совет делегацияси раҳбарининг нутқи конференция қатнашчиларининг юракларида чуқур из қолдирди» («Литературная газета», 1979, № 28).

Уз Ватанининг ҳақиқий жонкуяр ватанпарвари Комил Яшин ўзининг ёрқин, чуқур мазмунли нутқлари билан, доклад ва мақолалари билан, энг асосийси — бадий асарлари билан кенг китобхонлар ўртасида катта обрў қозонди. Ўзбекистон ССРға Халқлар дўстлиги орденини топшираётдиб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўрток Л. И. Брежнев шундай деган эди: «...Совет Ўзбекистонининг маданияти ва фани катта шонли йўлни босиб ўтди. Мана шу байрам кунинда биз... ёзувчи Комил Яшин ва шоира Зулфияни... ва бошқа жуда-жуда кўп кишиларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Социалистик фанингиз ва маданиятингизнинг мана шу

атоқли намоёндалари ўз ижодлари билан умумхалқ таҳсинига сазовор бўлмоқдалар» («Совет Ўзбекистони», 1973 йил, 25 сентябрь).

Комил Яшин номи билан ўзбек совет драматургияси ва театр санъатининг кейинги эллик йиллик тарихи чамбарчас боғлиқ. Ўзбек совет адабиётининг таниқли арбоби, СССР Давлат ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг, «Нилуфар» мукофотининг лауреати, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Комил Яшин кўп қиррали ижодкордир.

Унинг пьесалари жамиятимиз тараққиётининг энг муҳим босқичларини ифода этади. Драматург асарларини кўздан кечириш жараёнида халқимизнинг ўтмишдаги ачинарли, фожияларга тўла ҳаёти ва жўшқин фаолияти ҳақида ҳам, меҳнаткашларнинг граждандлар, уруши давридаги ва Улуғ Ватан уруши фронтларидаги қаҳрамонлиги ҳақида ҳам, социализм қуриш жабҳасида меҳнатда кўрсатган жонбозлиги бобида ҳам, хотин-қизларнинг тўла озодлиги учун олиб борилган кураши тўғрисида ҳам муайян тасаввур оламиз.

Яшиннинг маҳорати янги-янги образлар яратишда ҳамда уларнинг ички кечинмаларини, қалбини кенг очиб беришида яққол намоён бўлди. Турли даврларда, ҳар хил шароитларда ҳаракат қилган қаҳрамонларнинг мақсад йўлидаги интилишларининг қаттиқ қаршиликларга, хурофот ва иллатларга дуч келиши уларда пайдо бўлган чуқур психологизм билан чатишиб кетади. Ички кечинмаларни, онгдаги чуқур эволюцияни Яшин ҳаётдаги ўзгариш билан, жамият диалектикаси билан узвий боғлаш олиши — характерларга табиийлик ва ҳаётийлик бахш этган.

Санъаткор бу ютуқларга ўқиб, ўрганиш, тинимсиз меҳнат, халқ оғзаки ижодини, классикларимиз, қардош халқлар рус адиблари маҳоратини изчил ўрганиш тўғрисида

Л. И. БРЕЖНЕВ

«Уша шароитда республика ёзувчилари съезди бутун совет маданиятининг байрамига айланиши муҳим эди. Биз Олмаотага М. А. Шолохов, Л. М. Леонов, Комил Яшин, Мирзо Турсунзода, Максим Танк ва бошқа машхур ёзувчиларни таклиф этдик. Шундан кейин композиторлар, актёрлар, рассомлар қўриққа тез-тез меҳмонга келадиган бўлиб қолишди. Ғалла учун жанг ҳақида очерклар ва қиссалар эълон қилинди. Кинофильмлар чиқарилди, спектакллар қўйилди, янги кўшиқлар янгради. Булар, шубҳасиз ўзининг ижобий ролини ўйнади».

(«Қўриқ» асаридан)

эришди. Яшиннинг ижодида устози Ҳамзadan ўрганишнинг алоҳида ўрни бор. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади: «Буюк социалистик революциянинг илк тонгиданоқ идея жиҳатдан аниқ шаклга кирган ва революцияни шоду хуррамлик билан қарши олган кишиликни бахт соҳилига бошлаган Коммунист (большевик)лар партиясининг йўлини энг тўғри йўл деб қабул қилиб ва сўнги нафасигача шу ғоя йўлида мардларча курашган Ҳамза Ҳакимзоданинг фалсафий-эстетик ва этик идеялар билан суғорилган адабий меросини — ижтимоий, сиёсий фаолиятини ўрганмоқ ва ундан ўрнатилган бизнинг энг шарафли ақтуал вазифаларимиздан биридир» («Улкан шоир ва санъаткор», «Шарқ юлдузи», 1949, № 9).

Ҳамза ўткир таланти, ажойиб қобилияти ва юксак инсоний фазилатлари билан Яшинни ўзига мафтун этган. Яшин болаликда Андижон мактабларида ўқиб юрган кезларида бир куни ўқитувчи «Дарсдан сўнг қолинглар, Ҳамза ҳузурига борамиз», дейди.

Бу фавқулодда бўлган учрашув пайтида 10 яшар бола — Яшиннинг фаҳм-фаросати, санъат ва адабиётга бўлган ҳаваси, ўзбек классик шоирлари шеърларини ёддан билиши Ҳамзада катта қизиқиш уйғотади.

Ҳамза труппа концертларининг бирида Яшинни сахнага чиқарганда, у мароқ билан ўз устозининг шеърларини ижро этади. У ўзининг жанангли овози, тўлқинли ҳаракатлари, қизгин эҳтироси билан томоша-

бинларнинг катта олқишига сазовор бўлади.

Ижоди — ҳаёт, партия сиёсати, рус адабиётидан ўрганиш намунаси, социалистик реализм методи ҳаётининг исботи. Ўзбек классик адабиётининг ажойиб билимдони бўлган Ҳамза қаноти остида ёш қаламкашнинг ижоди қамол топа боради. «Мен ёзганларимни, — деб ҳикоя қилади Яшин, — улкан шоир, драматург Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга юбориб, ундан маслаҳат ва ёрдам олиб турардим».

Ҳамзанинг ўлими шогирд учун, бутун ўзбек халқи учун оғир йўқотиш бўлди. Бундан қаттиқ таъсирланган Яшин устозининг қотиллариغا нисбатан ҳечсиз ғазабини акс эттирган «Нафрат» шеърини ёзади.

Эй иблислар, эй жаллодлар,
Эй йиртқич, эй ўғрилар,
Эй чидамас бағри ёнган
Эй оғзи қон бўрилар!
Яна ботир бир юракнинг
Қутлуғ қонин тўқдингиз!
Яна битта шеър арслонни,
Якка чопиб бўғдингиз!..
Нафрат,
Нафрат,
Нафрат сизга,
Эй заҳарли илонлар.

Ижодий яқинлик сабабли у ўз устози аънаналарининг давом эттирувчиси ва ривожлантирувчиси бўлибгина қолмай, Ҳамза фаолияти ва меросининг жўшқин тарғиботчисига айланди.

Яшин Ҳамзанинг ижодига қайта-қайта муружаат қилади, унинг сўнмас бадиётидан куч олади. Ҳамза меросини чуқур ўрганиш, ўқиш билан устозининг янги-янги маҳорат қирраларини топади.

Яшин дастлаб устоз асарларининг кенг халқ оmmasига етиб бориши, босилиб чиқиши ҳамда саҳнада қўйилишига ҳормай-толмай киришди: У «Бой ила хизматчи» драмасини (тексти тўла сақланмаган эди) таҳрир қилиб чиқиб, совет театри репертуарини зўр бир классик асар билан бойитди.

«Бой ила хизматчи»нинг муваффақияти Яшинни Ҳамзанинг «Майсаранинг иши», «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллагилар иши» («Халисхон»), «Заҳарли ҳаёт»ни саҳналаштиришга руҳлантирди.

Яшин Ҳамзанинг асарларини саҳнага чиқариш ва нашр эттириш билангина қаноатланиб қолмай, устози тўғрисида драма (Амин Умарий билан бирга), фильм (Собир Муҳамедов билан ҳамкорликда), опера (композитор Собир Бобоев билан бирга) яратди, унинг жўшқин ҳаётини, жанговар фаолиятини, сермазмун бой ижодини ҳар томонлама, ҳаққоний ёритиб берувчи илмий-публицистик асарлар ва мақолалар ёзди. Яқинда эса Борис Привалов ва Шўҳрат Аббосовлар билан ҳамкорликда кўп серияли «Оловли йўллар» телефильмининг сценарийсини тугатди. Бу фильмнинг бир-неча серияларини Марказий телевидение орқали намойиш қилиниши, фильм қаҳрамони ва ижодкорларига ҳурмат нишонасидир. Кези келганда бу фильм «Ўзбекфильм»нинг муҳим ютуқларидан эканлигини ҳам таъкидламоқчимиз.

Яшиннинг Ҳамза ҳақидаги икки китобдан иборат романини алоҳида қайд этмоқ лозим. Асарда Ҳамзанинг фаолияти бутун қирралари билан эпик планда акс эттирилган. Асарни ўқиш жараёнида китобхон шоир тафаккурида содир бўлаёт-

ган ўзгаришларни кўриб ва сезиб туради. Ҳамзанинг реакцион уламолар билан тўқнашувлари, камбағал болаларини ўқи-тиш, илм беришга, эски мактаб азобларидан қутилтиришга уриниши каби ҳодисалар қизиқарли бадиий бўёқларда жиллантирилган. Романда шоирнинг рус ва ўзбек халқи ўртасидаги дўстлиқни улуғлаши, рус революционерлари билан биродарларча алоқалари ҳам ишонарли тасвирланган. Асарнинг ютуқларидан яна бири Ҳамза ҳаётини давр воқеалари билан чуқур боғлиқликда берилганлигидир.

Комил Яшин ҳар бир образни пухта ўйлаб, ўзига хос томонларини топиб яратган. Натижада хоҳ асосий қаҳрамон бўлсин, хоҳ иккинчи даражали образлар бўлсин, барчаси пухта чиққан. Унда давр руҳи китобхонга чуқур етказилади. Яшиннинг устози хусусида яратган асарлари Ҳамзага қўйилган бадиий ҳайкаллардек таассурот туғдиради.

Улуғ Октябрь, граждaнлар уруши мавзуини ўзбек совет адабиётига илк бор Ҳамза олиб кирган бўлса, Комил Яшин уни қаламқаш дўстлари Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, С. Абдулла, М. Шайхзодалар билан бирга давом эттирди. Унинг «Тор-мор» асари Ўзбекистонда граждaнлар уруши тўғрисидаги йирик бадиий полотнодир. Асарнинг биринчи варианты «Икки коммунист» (1928) номи билан маълум бўлган драма 1934 йилда қайта ишланиб «Тор-мор» номи билан саҳнага қўйилди. «Тор-мор» Яшиннинг биринчи йирик драматик асари — ёрқин талантининг илк куртакларидан эди.

Пьеса босмачилик ҳаракатининг моҳиятини очиш, Англия империалистларининг босқинчилик сиёсатини фош қилиш, икки синф курашида Коммунистик партиянинг раҳбарлик ролини кўрсатишга бағишланган.

Яшин асарига муваффақият бағишлаган фактлардан бири — тасвирламоқчи

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЕЗУВЧИЛАРИ ТАШКИЛОТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

Алоҳида мажлисда жюри 1977—1978 йиллар учун «Нилуфар» халқаро мукофотини олиш учун кўрсатилган Осие ва Африка ёзувчиларининг номзодларини қараб чиқди.

Қуйидагилар «Нилуфар» мукофотини лауреатлари қилиб тасдиқландилар: Межа Мванги (Кения), Нгуен Нгон (Вьетнам), Есие Хотта (Япония), Комил Яшин (СССР), марҳум Сами ал-Друби (Сурия), Абу салма (Абдул Карим ал-Карим) (Фаластин).

(ЎЗТАГ).

бўлган воқеликни яхши билишидир. Фаргона водийсида яшаб, комсомол ишларида фаол қатнашган ёш драматургга босмачиларнинг барча қилмишлари аён эди. Бугина эмас, Яшиннинг «Тор-мор» драматизининг ва бошқа асарларининг муваффақиятини таъминлаган омиллардан муҳими рус классик ва совет драматургияси анъаналарини мукаммал ўрганиш билан боғлиқ. Рус драматургияси ёш драматург учун гражданик ва гуманизм мактаби, юқори маҳорат лабораторияси бўлди. У Ленинградда ўқиб юрган кезларида Билл Белоцерковскийнинг «Шторм», Вс. Ивановнинг «Бронепоезд 14-69», Б. Лавреневнинг «Синиш», К. Тренёвнинг «Любовь Яровая» пьесаларини кўриб рус театрининг кучи ва сеҳрига мафтун бўлганди. Улардан икки синф курашининг моҳиятини очиб санъатини чуқур ўрганди, бу эса «Тор-мор»нинг муваффақиятини таъминлашга хизмат қилди.

Комил Яшин ижодида Ленин мавзуси муҳим ўрин эгаллайди. Драматург М. Горький, В. Маяковский, Н. Погодиннинг бой тажрибасига суянса-да, лекин босиб ўтилган йўлдан айнан юрмайди. Унинг «Йўлчи юлдуз» пьесасида Ленин томошабин кўз олдида фақат ички ва ташқи контрреволюцияга қарши умумхалқ ишининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки совет Шарқи халқларининг улкан дўсти, инқилобнинг дастлабки йилларида Туркистондаги шароитни аниқ ва нозик билувчи рақиб сифатида ҳам намоён бўлади. Драмада Коммунистик партия, В. И. Лениннинг совет Шарқи республикаларининг ташкил этилишидаги роли, Россия ишчиларининг қардошларча ёрдами, омманинг уйғониши ва ўз-ўзини англаб етиши ёрқин ва таъсирли очилган. Ҳақиқатнинг кескин драматизми курашнинг теран инсонпарварлиги, интернационализм — мана булар Яшин асарларининг пафосини ташкил этади. У театр саҳнасида туриб, тарихий ҳаққоният билан ўз халқи ҳаёти тўғрисида кишилар феъл-атворининг бутун гўзалликлари орқали рўй-рост ҳикоя қилади. Яшиннинг ҳеч қачон ва ҳеч кимни бепарво қолдирмайдиган асарларида кураш ва изланишнинг йўлини босиб ўтган шарқ кишисининг руҳиятидаги ажойиб ўзгаришлар рўй берганлиги ёрқин ифодасини топган. Гражданик уруши қатнашчиларидан бири кекса коммунист Бекмуҳамедов драманинг ҳаётийлиги хусусида шундай дейди: «...Йўлчи юлдуз» спектаклида биз жонли тарихни кўрдик» («Ўзбекистон маданияти» 23 ноябрь, 1957). Революция доҳийсининг образини яратишда Яшинга узоқ йиллар давомида бу мавзуда қалам тебратганлиги қўл келди. У ижодининг илк давридаёқ бу қутлуғ мавзуга мурожаат этиб, 1925 йилда «Ленин комсомоли» шеърини ёзади ва унда ёш авлоднинг революция ишига садоқати ҳақида фикр юритади. Шундан бир йил кейинроқ «Ленин ва Шарқ» шеъри ёзилиб, унда доҳийнинг шарқ халқлари тақдирида ўйнаган буюк

роли таъкидланади. Шундай қилиб Ленин образи Яшин ижодининг асосий қаҳрамонларидан бирига айланади. У бу мавзуга ҳар гал янги-янги томонлардан ёндашади. Шу жиҳатдан «Ленин мавзолейида» шеъри характерлидир.

Бироқ булар ҳаммаси доҳий образини яратишга бўлган уринишлар эди. Ўзининг асл ниятини Яшин «Йўлчи юлдуз» ва «Инқилоб тонги» асарларидагина рўёбга чиқаролди. Бу ижод йўли Яшиннинг улуғ доҳийнинг образини яратишда катта тажрибага эга эканлигини кўрсатиб турибди. Бу нарса «Инқилоб тонги»да Ленин образини ифодалашда драматургга муваффақият олиб келди. «Инқилоб тонги»даги илҳомбахш мавзунинг ўзига хос янги жиҳатлари айниқса, асарнинг бош қаҳрамони Фозилхўжа образи билан узвий боғланади. Фозилхўжа онгида бурилиш ясаган, уни социалистик революция томонига узил-кесил олиб ўтган доҳий Ленин бўлди. Ҳа, Фозилхўжа буюк мададкордан куч-қувват олади, маънавий озиқланади, онги нурга тўлади, ақли равшан тортади.

Санъаткорнинг хизмати шундаки, у олдин айтилган гапларни қайтармасдан, улуғ доҳий хусусиятларининг янги қирраларини, яъни Бухоронинг тақдири ва истиқбол ҳамда миллатлар ўз ҳуқуқларини ўзлари аниқлашлари масаласи билан боғлиқ жиҳатларини қаламга олади. Бу эса лениннома саҳифаси янги бир драматик асар билан боийганлигини кўрсатади.

Яшин зиддиятли ҳодисаларни, турли тоифадаги кишилар характери яратишда юксак маҳоратни, чуқур зийракликни намоён қилди. Санъаткор ўтмишга замондош кўзи билан қаради, уни тарихчи-тадқиқотчи сифатида марксча-ленинча позицияда мустаҳкам турган ҳолда бадий таҳлил қилди. Тарихий ҳақиқат ва бадий баркамоллик — «Инқилоб тонги» драматизининг иккита ишончли қаноти бўлиб хизмат қилди.

Энг асосий гап — замон руҳини ҳаққоний акс эттиришда, мураккаб инсонларнинг қалбини очиб кўрсатишдадир.

Ҳамза номидаги Ленин орденли академик драма театримиз саҳналаштирган «Инқилоб тонги» спектаклидаги асосий ролларни ижро этган бир группа артистларни СССР Давлат мукофоти билан тақдирланиши — асарнинг қанчалик юксак гоёвий-бадий савияда эканлигини далолат бериб турибди.

Драматургнинг Улуғ Ватан уруши мавзуга бағишланган асарлари алоҳида хислатларга эга.

Айниқса биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов ҳақидаги «Генерал Раҳимов» драматизми ва унинг асосида яратилган кинофильм катта шўҳрат қозонди. У мамлакатимизнинг барча кинотеатрларини кезиб чиқди, чет элларда ҳам машҳур бўлди. Яшин драматургиясининг жанговарлиги ва новаторлиги В. Маяковскийнинг «Пьеса — бизнинг кураш қуролимиз» деган сўзларининг ҳаққонийлигини тасдиқлайди.

Уни жонажон Ўзбекистоннинг солномачи-драматурги дейиш мумкин. Чунки у ўз асарларида чоризм даврида ўз ҳолига ташлаб, бўйғиб қўйилган ўлкада социалистик республика барпо қилишнинг бутун тарихини кўрсатган. Совет ҳокимиятини қуриш учун халқ кураши, буржуа миллатчилигига қарши кураш, ўзбек хотин-қизлари тақдири, коллективлаштириш учун кураш — буларнинг ҳамма-хаммаси унинг мавзудир.

Николай ТИХОНОВ.

Фақат юқоридаги пьесаларигина эмас, Яшиннинг ҳар бир муҳим ва актуал масалаларни кўтариб чиққан асарлари олға босишимиз учун халақит бераётган нарсаларга ўт очиб, коммунизм идеаллари учун кураш кўроли бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, «Уртоқлар» (1930) музикали драмаси қўйилган даврни ва унинг аҳамиятини есарга музика ёзган композитор, Ўзбекистон халқ артисти Тўхтасин Жалилов қуйидагича ҳикоя қилади: «Коллективлаштириш йиллари театрларимизнинг аксарияти, партиямизнинг кўрсатмасига биноан, қишлоқларга сафарбар қилинган эди. Бир куни қизиқ ҳодиса рўй берди. Биз Андижон областининг бир қишлоғида «Уртоқлар» спектаклини ўйнадик. Спектаклдан сўнг колхозчилар тарқалишмай, тик туриб қолдилар. Бошланган ғовур-ғовур борган сари зўраймоқда эди. Шу дақиқанинг ўзидаёқ колхоз мажлиси бошланиб кетди. Томошабин колхозчилар қўллари билан муштумзўрларни ва уларнинг лаганбардорларини кўрсатиб бердилар. Уларни дарҳол колхоздан ҳайдашни ва жазо беришни талаб қилдилар. Биз артистлар асаримиз ғояси халқимиз онгига тўла етиб борганидан мамнун бўлдик. Шунга ўхшаш мажлис ва митинглар бир неча жойларда бўлиб ўтгани ҳали-ҳали ёдимда...»

Қишлоқ хўжалик мавзуга Яшин 1925 йилдаёқ мурожаат этган эди. Шу вақтда ёзилган «Олтин чечак» шеърида зўр қизиқиш ва илҳом билан пахта тераётган пахтакорлар, «оқ олтин» ижодкорлари куйланади. Булар қишлоқларимизнинг «ўз бахтига посбон, эски дунё ғолларини ўпирган, тоза, соғлом ҳисга тўлиқ» янги кишилардир:

Чеки йўқ кенг далаларда
Пахталар кўп очилибди.
Пахта деманг, балки оппоқ —
Атиргуллар сочилибди.

Меҳнат самарасини, янги инсон қалбини кенгроқ ёритиш учун каттароқ бадийи полотнолар яратиш лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилади. Натижада «Уртоқлар», «Ёндирамит», «Номус ва муҳаббат», «Сайил ва колхоз тўйи» ва «Офтобхон» каби социалистик коллективлашган қишлоқдаги ғалабани қўлга киритиш учун олиб борилган кураш жараёнини, кишилар руҳияти-

даги ўзгаришларни акс эттирган асарлар яратилди. Уз мазмуни, ижобий қаҳрамонлари характери билан типик ва актуал бўлган бу асарлар қишлоқда социализм учун курашда муҳим роль ўйнадилар. Социалистик ҳаёт учун курашувчи Бутақўз ҳам («Уртоқлар»), Самсоқ ота ҳам («Ёндирамит») Онахон ва Гулом ҳам («Номус ва муҳаббат»), Офтобхон ҳам («Офтобхон») ўз ижтимоий ҳаёти, таржимаи ҳолига эга, бу эса халқ тарихининг бир бўлаги, ўзбек халқининг яқин ўтмишидир.

Яшиннинг ўзбек драматургиясини ривожлантиришда, уни Бутуниттифок миқёсига олиб чиқишда бениҳоя катта хизматлари бор. Унинг пьесалари халқ оммасининг севимли асарлари бўлиб қолди. Бу асарлар эллик йилдан бери республика театрлари сахнасининг кўркига айланди, бошқа халқлар драматургиясининг ўсишида ҳам роли ҳазилакам бўлмади. Яшин «пьесалари фақат Ўзбекистон театрларидагина эмас, — деб ёзади Мирзо Турсунзода, — балки Тожикистон ва совет Шарқидаги бошқа республикаларнинг театрлари репертуарларидан ҳам мустаҳкам ўрин эгаллади». Тожик халқ театрининг пардаси Яшиннинг «Икки коммунист» асари билан очилганлигини фахр билан тилга оламиз.

Яшин кўп қиррали санъаткор. У ўзбек операсининг янги намуналарини яратди. «Бўрон», «Улуғ канал» либреттолари билан ўзбек опера драматургияси ташкил топди, «Гулсара», «Дилором», «Ҳамза» сингари либреттолари билан эса у янги-янги поғоналар касб этди.

Академик адиб Яшин адабиёт ва санъатни ривожлантириш учун ўз пьесалари ва ташкилотчилик фаолияти билангина эмас, балки илмий-назарий ишлари, мақолалари билан ҳам кураш олиб борди.

Назарий мақолаларида унинг фалсафий, эстетик ва танқидий қарашлари яққол намоён бўлади. Шуниси характерлики, республикада ҳали марксча-ленинча эстетик масалалари ишлаб чиқилмаган, уни бевосита миллий адабиётга тадбиқ этилмаган бир вақтда Яшин адабиёт ва санъатга, ундаги воқеаларга партиявийи позициядан, социалистик реализм нуқтаи назаридан ёндашди ва таҳлил қилди. Шу жиҳати билан бу мақолалар бугунги кунда ҳам ўз оҳорини йўқотмаган.

Яшиннинг публицистикаси айниқса, кейинги йилларда ёзган мақолалари Бутун-

иттифоқ ўқувчиларининг ҳурматига сазовор бўлди. Улар чуқур мазмуни, янгича шакли билан ажралиб турадилар. У «Минг бир кун», «Халқ муҳаббати ёғдуси» каби мақолалари билан Иттифоқимиздаги энг талантли публицистлар қаторидан жой олди. Яшиннинг «Известия» газетасида босилган «Минг бир кун» публицистик мақоласи Тошкентни қайта бунёд этишда иштирок этган мамлакатимиз халқларига раҳматномадай жаранглайди. Мазкур мақола Иттифоқ публицистлари йиғилишида юқори баҳога сазовор бўлди, муаллифга эса Ватанимизнинг турли бурчакларидан миннатдорчилик билдирувчи кўплаб хатлар келди. Мана улардан бири Улуғ Ватан уруши ветеранлари советининг аъзоси Б. Я. Пактер ёзади: «Сизнинг «Минг бир кун» мақолангиз — бу халқнинг фикри, сиз эса поэма — мақолага уни жамлагансиз. Бу мақола-поэма сизнинг гўзал Ватанимизга, серқуёш Ўзбекистонга, унинг маркази Тошкентга муҳаббатингизнинг изҳоридир».

Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи правлениесининг биринчи секретари Комил Яшин учун икки-чикир нарсалар йўқ, у инсонлар тақдирига самимият, ҳамдардлик билан қарашни, уларга меҳрибонлик кўрсатишни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайди.

Асосий вазифалари... Адибда улар қанчайкин? Бир киши шунча кўп, ранго-ранг хислатларни ўзида мужассамлаштирганлигига ақл бовар қилмайди. Узи йигирма бир йилдан ортиқроқ вақтдан бери раҳбарлик қилиб келаётган республика Ёзувчилар Союзидagi вазифаси осон эмас. Ҳамид Олимжоннинг фаолиятига тўхтаб Яшин қуйидагиларни ёзган эди: «Ёзувчилар ташкилотига раҳбарлик қилиш ғоят катта меҳнат, чинакам сабот ва матонат, узлуксиз ижодий сафарбарликни талаб этар эди ва шоир, ахлоқий жиҳатдан фавқулодда кучли бўлган бу одам, ниҳоятда жиддий ҳисобланган ижодий ишга раҳбарлик қилиш учун ўзида куч-қувват топади».

Бу сўзларни Яшиннинг ўзига тадбиқ этсак бўлади. У ҳам юқоридаги хусусиятларга тўла эга: турли авлодга мансуб, турли ёшдаги, ғоят турли-туман феъл-атворли кишилар ижодий бирликни ташкил этадилар бу Союзда. Уларнинг бутун кучи улкан ягона мақсадга — адабиётни раванак эттиришга қаратилган. Яшин ўзининг ҳамқалам дўстлари билан муносабатда шунчалик бағри кенг, холис ва зийрак бўлмаганида эди, у балки катта авлодга мансуб ёзувчилар билан ҳам, ҳали керакли билим ва маҳоратга эга бўлмаган ёшлар билан ҳам умумий тил топиша олмаган бўларди. Яна ўйлаб қоласан: нуруний, лекин ёшлардек тетик, серғайрат, толмас бу кишининг зиммасида қанча ташвиш бор-а! Бу толмасликнинг сирини нимада экан? Табиат унга ноёб мукофот — атрофида дўстона, самимий ўртоқлик, меҳрибонлик муҳитини яратиш мукофотини тақдим этган. Бу фазилат унга кишилар қалбига йўл



К. Яшин мактаб ўқувчилари даврасида.

топишига ёрдам беради. Унинг дўстлари кўп. Алексей Толстой, Николай Погодин, Якуб Колас ва Николай Тихоновлар у билан дўст тўтинган эдилар. Яшиннинг дўстлари орасида Георгий Марков, Алексей Сурков ва жанубий африкалик ёзувчи Алекс ла Гума, покистонлик шоир Файз Аҳмад Файз, қаршилик чўпон, фарғоналик ғаллакор, тошкентлик қурувчи бор... Бу ёзувчи чин маънода замонавий адиб — у ҳамиша изланишда. Уни яқин ва йироқ йўллар, турли-туман кишилар билан учрашувлар ўзига чорлайди. Уни уйда топиш қийин: Яшин бугун пахтачилик совхозида, эртага «Ташсельмаш» цехларида, индинга эса у саҳарлаб самолётга ўтириб, узоқ мамлакатларга сафарга чиқади. Уни Африка ва Осиё ёзувчилар ҳаракати бўйича ҳамкасблари орзиқиб кутишмоқда. Шундай қилиб у доимо йўлда, ишда.

Режалар, поёни йўқ режалар, ахир, амалга ошиши керак.

Ҳаёт санъаткорга ижод қилиш учун энг бой ва ранг-баранг мавзулар тақдим этади. Комил Яшин бунга қаттиқ ишонади, аммо кишиларни тўлқинлантираётган, ёнидан индамай ўтиб кетиб бўлмайдиган, умуман буларсиз яшаш мумкин бўлмаган мавзуларни таллаб ола билинг, холос. Мана мавзу: Ленин ва шарқ. Чексиз мавзу! Ёки

бўлмаса, айтайлик янгидан туғилган Тошкент. Ёки мана яна: Қизилқум саҳросида қад кўтарган янги шаҳар — Навоий... Булар адабиётнинг барча жанрлари учун материал бўла олади. Шунингдек, драматургия учун ҳам... Бунга Яшиннинг ишончи комил. Даврнинг юрак тегишларини нозик ҳис эта оладиган, келажакни кўра оладиган зийрак санъаткор Яшин ҳақидаги мақолани унинг ўз сўзлари билан яқунламоқчимиз:

«Аммо қўлга киритилган бу ютуқлари-

миз билан қаноатланиб қолсак, улкан ҳа-тога йўл қўйган бўлур эдик. Чунки ҳали «теша тегмаган» темалар адабиётимизнинг ҳал қилинмаган муҳим масалалари кўп. Партиямиз адабиёт олдида қўяётган масъулиятли вазифаларни эътиборга олиб, асарларимизнинг тематик доирасини яна кеңгайтиришимиз, ҳаёт ичига, совет ки-шисининг руҳий дунёсига янада чуқурроқ кириб боришимиз, танқидий қуролимизни эса янада такомиллаштиришимиз керак».

Лазиз Қаюмов,

профессор, Ҳамза номидаги ЎзССР
Давлат мукофоти лауреати

КОММУНИСТ САНЪАТКОР

Ижод сирларини яхши билган улкан олим В. Г. Белинский драматургия — ба-дий ижоднинг гултожи эканлигини, у санъаткор талантининг энг такомил топган даврида пайдо бўлишини таъкидлаган. Бу фикр айни ҳақиқат эканлигини ўзбек дра-матургияси мисоли билан ҳам исботлаш мумкин.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасида ўзбек драматургияси ҳали қо-лоқ бўлиб, унинг илк намуналари анча при-митив ва насихатгўйлик руҳида эди. Ҳам-за Ҳакимзода Ниёзий социалистик инқилоб воқеалари ва унинг ҳаётдаги улкан даво-минин саҳнага олиб чиқди, натижада шоир-нинг кўп қиррали ҳамда ноёб таланти ту-файли ўзбек драматургияси ва театр санъати камолот бўсқичига етди.

Ҳамза ёлғиз эмасди. Унинг қатор саф-дошлари ва издошлари бор эди. Улар ҳамкорлик ва биргаликда санъатимизни социалистик реализм йўлидан тараққий эт-тирдилар. Ҳамзанинг изидан бориб, унинг анъаналарини давом эттирган, унинг шахсий тарбиясини олган ва Ҳамза ижо-дий меросини кўз қорачиғидек асраб, кем-тигини тўлғазиб халқимизга етказган атоқ-ли адибларимиздан бири Комил Нўъмоно-вич Нўъмонов — Яшин бўлди.

Ўзбек совет драматургияси ва театр та-рихини Комил Яшин ижодисиз тавсиф қи-линадиган бўлса, у анча камбағаллашган бўлур эди. Зотан, бу адиб ўз талантининг бутун кўрнини, умрини, фикрининг зўрини, драматургиямиз ривожига бахш этди. Бу ҳол амалда катта натижалар берди. Бу на-тижа гоҳ революцион драма жанрида кў-ринса, гоҳ опера либреттоси бўлиб ифода-ланди. Гоҳ бадий фильм сценарийси бўл-са, гоҳ ҳужжатли фильмнинг асоси бўлди. Гоҳ музикали драмада намоён бўлса, гоҳ санъат назарияси ҳақидаги мақола шакли-га тушади. Шундоқ қилиб, Ҳамзанинг бу шогирди ва издоши ўз фаолиятида устоздек кўп қиррали ижод соҳиби

бўлди.

Ҳамза драматургиясининг энг характер-ли хусусияти — унинг халқ билан, халқ ҳаё-ти билан энг яқин алоқаси эди. Бу алоқа мавзунинг долзарблиги, ижоднинг опера-тивлиги, масалаларни ҳал қилишдаги пар-тиявий принципиаллик каби конкрет ҳол-ларда намоён бўларди. Шу санаб ўтилган ҳоллар устоз ва шогирд ижодининг умумий белгиларидандир. Чиндан ҳам «Гулсара» — хотин-қизларни эскилик сар-қитларидан озод қилиш мавзусида ёзил-ган энг яхши асарларимиздан бири — ўз вақтида айтилган ҳаёт учун ғоят зарур бўлган гап эмасми? Ва бу асар мазкур мавзунинг юксак бадий ифодаси сифати-да шу кунгача халқ ҳурматиға сазовор эмасми? Ва яна мазкур мавзу адибнинг биргина бу асарида эмас, балки бошқа асарларида ҳам атрофлича ишланган ва Улуғ Ватан уруши йилларида ёзилган «Оф-тобхон» ҳамда ҳаммамизга маълум «Нур-хонлар» ҳам жам бўлиб бутун бир тур-кумни ташкил қилмайдими?

Комил Яшин драматургиясининг кучи фақат ижтимоий асоснинг тўғрилиги ва бу-тунлигида эмас, балки ўша улкан ва дол-зарб масалалар юксак бадий савияда ҳал қилинишида, яратилган образларнинг пси-хологик характеристикаси хилма-хиллиги-да, драматургиянинг инжиқ қонун-қоидала-рини тўла эгаллаганида ҳамдир. Бу даъво-мизнинг энг ёрқин далили «Йўлчи ялдуз» драмасидир. Мазкур драма совет адабиё-тида ўз ўрнига эга ва совет ленинномаси-дан муносиб ўрин эгаллаган. Агар совет адабиётидаги мазмунан ўхшаш бошқа асарларда «Ленин ва халқ», «Ленин ва ре-волюция», «Ленин ва ГОЭЛРО» каби ма-салалар қўйилган бўлса, бу асарда «Ленин ва Шарк» проблемаси қўйилган ва у сиёсий жиҳатдан тўғри, бадий жиҳатдан ўткир равишда ҳал қилинган.

Буларнинг ҳаммаси Ҳамзадек улуғ усто-зи изидан борган драматург Комил Яшин

...Драматургия асарлари орасида Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги» пьесаси муносиб ўрин олди.

Шароф РАШИДОВ.

Ўзининг ярим асрлик ижодий фаолияти давомида ўзбек драматургиясида янги саҳифалар очган, унинг мавзу доирасини кенгайтирган ижобий образлар силсиласини бойитган, узоқ умрлик асарлар яратган адиб сифатида ўзи устозлар қаторидан жой олганлигини кўрсатади. Бугунги ўзбек адабиётининг жарангида Комил Яшин овозига эргашган, унинг тарбиясидан баҳраманд бўлган ижодкорлар ҳам оз эмас. Мазкур мақола муаллифи ҳам ўзини шулардан бири деб билади.

Халқимиз ва ҳукуратимиз Комил Яшиннинг ижодий фаолиятини юксак қадрлади, уни «Ҳамза мукофоти лауреати» унвонига сазовор этди. Ундан аввалроқ адиб СССР Давлат мукофоти лауреати бўлган эди. Унинг юксак илмий хизматлари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги деган улўф даражада ўз ифодасини топган.

Адибнинг хизматиға яраша берилган халқ баҳоси уни СССР Олий Совети депутатлигига сайланганда, Ўзбекистон халқ ёзувчиси фахрий унвони берилганда яна бир бор намоён бўлди. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди.

Комил Яшин бутун ижоди ва фаолиятини совет халқ хизматиға бағишлаган коммунист ёзувчиларнинг ажойиб вакиллари сирасига киради. У узоқ вақтдан буюн Ўзбекистон ёзувчилар союзи правленийсининг биринчи секретари, СССР Ёзувчилар союзининг секретарларидан бири. Сўнги вақтда у Осиё ва Африка ёзувчилари билан ҳамкорлик қилиш совет комитетининг раиси сифатида улкан ишларни амалга оширмоқда. Бу соҳадаги хизматлари «Нилуфар» мукофоти билан тақдирланган.

Комил Яшин — коммунист санъаткорнинг ажойиб ижобий намунасидир.

Мамажон Раҳмонов,

Ўзбекистон Фанлар академияси
мухбир аъзоси

ЎЗБЕК ТЕАТРИНИНГ УЛКАН МУАЛЛИФИ

Ўзбек театр санъати аҳллари Комил Яшин номини жуда фахрланиб тилга оладилар. Бунинг боиси шундаки, ўзбек совет театрининг дунёга келаётганидан бошлаб, то ҳозирги кунгача бўлган тарихи ва унинг қўлга киритган барча ютуқлари бевосита Яшин номи билан алоқадордир. Ўзбек саҳнасини бадийи ва ғоявий жиҳатдан юксак чўққиларга кўтарган, унинг ижодий изланишларига, ютуқларига асос бўлган, режиссёр ва актёрлар қалбига олов ёққан, томошабинни тўлқинлантирган, курашга етаклаган, юксак бадийи фазилатга эга бўлган асарлари ҳамон театр афишаларидан тушмай келмоқда. Яшиннинг муборақ номи ўзбек театрлари зарлаваҳаларига абадий битилиб қолди.

Ўзбек совет театрининг ташкилотчилардан бири сифатида танилган Яшин ўзининг 50 йилдан кўпроқ умрини ўзбек театрининг ташкил топишига, ривожланишига сарфлади. Яшиннинг инқилоб руҳи билан тобланган ижоди, таланти ва фаолияти-

нинг бениҳоя юксак кадр-қиммати шундаки, у маданий қурилиш йилларининг энг мураккаб даврида мафкура майдонида синфий курашнинг кескин тус олган бир пайтида ўзининг юксак ғоявий асарлари билан саҳнага кириб келди. У социалистик театр санъатини майдонга келишида, уни замонавий ва революцион асарлар билан таъминлашда бевосита олдинги сафда турди, Ҳамза бошлаб берган ишнинг содиқ давомчиси бўлди. Ўзбек совет драматургияси ва театри эстетикасининг шаклланишида, социалистик реализм принципларини санъатда барқарор топишида катта ҳисса қўшди.

Мен архив материаллари орасида йиллар ўтиши билан сарғайиб кетган, театр тарихига алоқадор ҳужжатларни варақлайман. Ўзбек театрининг бадийи эстетик принциплари ҳақидаги, ўз вақтида салмоқли самаралар берган, партианнинг театр санъати соҳасидаги сиёсатини амалга оширишда саҳна ходимларига йўл-йўриқ бўл-

ган ва ҳозирда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмаган, Яшин томонидан турли йилларда ёзилган «Социалистик театр учун» (1929), «Мейрхольд ва унинг назариялари» (1930), «Олтин камар» (1928), «Ўзбек совет драматургияси ва унинг вазифалари» (1935), «Навбат драматургияга» (1935), «Оригинал ўзбек совет операси яратилик» (1938) каби юзлаб мақолаларни, танқидий фикрларни, ёзишмаларни, доклад ва маърузаларни, айрим пьесаларнинг дастлабки нусхаларини, репетиция жараёнида режиссёр ва актёрларнинг Яшин билан бўладиган қизгин суҳбатларининг ёзувларини, ўша давр иш жараёнини тасвирловчи суратларни кўздан кечиранган; ўзбек саҳна тарихининг бош негизи бўлган Яшин пьесаларини яна бир бор ўқийман, уларнинг маъносини, уларнинг ўзбек театри тараққиётидаги аҳамиятини яна бир бор тушунишга интиламан...

Бу қандай ноёб талант, бу қандай ўтли товуш, бу қандай шиддат, донишмандлик... ёш ўзбек театрини совет воқелиги мавзудаги репертуар билан таъминлаш, уни тўғри йўлга етаклаш, саҳнамизнинг ғоявий бадий камолотини таъминлаш... санъатнинг муҳим масалалари устида бош қотириш, жонкуярлик қилиш, ёш саҳна кучларини ўстиришга, тарбиялашга ғамхўрлик қилиш... Булар ҳаммаси ўзбек театри тарихидаги Яшин фаолиятининг ноёб аҳамиятга эга бўлган ҳақиқатлардир.

Яшиннинг драматургия соҳасидаги ижодий фаолияти жуда кенг ва кўп қиррали. У театр санъатининг драма, музикали драма, опера каби драматургиянинг ҳамма жанрларида ижод қилган санъаткордир. Яшин театр ва драматургия назариётчиси ва оташин театр танқидчиси сифатида ҳам машҳурдир. Бинобарин, унинг улкан санъатини бир мақола ҳажмида ёритиб бериш қийин. Биз бу мақолада Яшиннинг фақат ўзбек музика театри соҳасидаги ижодий фаолиятигагина тўхтаётимиз.

Яшиннинг музикага қизиқиши ёшлиқдан бошланган. У Фарғонанинг шўх, лирик, жўшқин, серзавқ музика ҳаёти муҳитида вожа етган. Яшин адабиёт ва санъат майдонига чиқаётган даврда Андижонда Мўйдин Хожи, Тўхтасин Жалилов, Беркинбой Файзиёв, Ориф гармон Тошматов каби йирик созанда ва хонадалар ижодидан баҳраманд бўлган, ўзи ҳам дуторда яхши машқ қилишни ўрганиб олган. У мактабда ўқиб юрган кезларида эса, ўша вақтда халқ ўртасида кенг тарқалган Ҳамзанинг шеър ва ашулаларини ўз тенгдошлари билан машқ қилар, шарқия қилиб айтишарди. 1919 йилда эса Ҳамзанинг Андижонда ташкил қилган оммавий театр кечаларида бўйнида қизил галстуги билан унинг «Ишчи бобо» ашуласини ижро этганини эсласак, Яшиннинг музикага қизиқишида устозининг инқилобий ашулалари таъсири ҳам кам бўлмаганини тушуниш қийин эмас. Яшин ўзининг театр ва драматургия соҳасидаги дастлабки қадамларида музикани театр санъатидаги ўрнини чуқурроқ ҳис эта бошлади. У музикага

саҳна асарларини бадий таъсирини кучайтиришда муҳим омил сифатида қарайди. Унинг 1927 йилда Ҳалима Носирова иштирокида катта муваффақият билан ўйналган «Лолахон» асарини музикали жанрда ёзгани (музикасини Тўхтасин Жалилов басталаган) ҳам бежиз эмас эди. Ёш драматургнинг бу биринчи асариеқ музикали драманинг ўзига хос хусусиятларини эгалаётганини кўрсатар эди.

1928 йилда ёзилиб Андижон ва марказий труппада ўйналган машҳур «Икки коммунист» асарида ва ундан кейинги ёзилган соф драматик асарларида ҳам музикадан унумли фойдаланилган.

Бироқ Яшиннинг музика театридаги фаолияти ва бу соҳадаги ижодининг камол топа бориши 1929 йилдан бошланади. Худди шу йилда Самарқандда Муҳиддин Қориёқубов ўзининг этнографик ансамбли асосида биринчи мартаба ўзбек музика театри ташкил этади. Театрнинг биринчи артистлари Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Гавҳар Раҳимова, Уста Олим Комилов, Бегимхон Комилова, Бобораҳим Мирзаев, Зухур Қобулов каби ўнлаб ёшлардан иборат эди. Ўша даврда музика театри санъати саҳнасида ўзининг дилрабо товуши билан танилиб бораётган Ҳалима Носирова ва ёш драматург Комил Яшиннинг янги музика театри ташкил қилишда ҳал қилувчи роль ўйнашларини англаган Муҳиддин Қориёқубов 1929 йилда Андижонга келиб уларни Самарқандга олиб кетади. Яшин эса театрнинг адабий эмакдоши қилиб тайинланади. Шунинг ҳам эслатиб ўтиш керакки, ўша даврларда театрнинг адабий эмакдошлари театр бадий раббарларидан кейинги иккинчи шахс ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам Яшин зиммасига катта масъулиятли вазифалар, янги оригинал асарлар яратиш, театр атрофида ёзувчи ва композиторларни жалб қилиш, артистларга ўқиш ташкил қилиш, саҳна тили устида ишлаш каби жуда мураккаб вазифалар юклатилган. Негаки бу йилларда музика театри спецификасига тўғри келадиган Ғулум Зафарининг «Ҳалима» асаридан бошқа бирон оригинал асар йўқ эди. Айниқса замонавий мавзуда ёзилган асарларга театрнинг ташналиги яққол сезиларди. Ўша йилларда бунинг фақат Яшинга ўхшаш санъаткорлар ҳал қилиши мумкин эди. Бу тўғрида Муҳиддин Қориёқубовнинг қуйидаги эсдигини жуда қимматлидир: «Яшиннинг музикани яхши ҳис этиши унинг либретто ёзиши учун ўнгайлик туғдирарди. У композиторлар билан ҳамкорлик қилиш иш услубини яхши биларди. Яратилган ҳар бир куй, арияни ўзи шахсан эшитарди ва либреттонинг мазмуни ва ғоясини очиб берадиган музика бўлишини талаб қиларди». Шундай қилиб, Яшин театрда совет воқелигини акс эттирувчи репертуар яратиш устида қизгин иш бошлаб юборади. Театр ҳаётида ёзувчи ва композиторларга ижодий ёрдам берадиган лаборатория ташкил қилиб, ўзи раҳбарлик қилади. Биринчи бўлиб ўзи асар ёзади. 1930 йилда театр билан ҳамкорлик-

Яшин сахна асарларининг устасидир. У халққа танилган, ўзбек ёзувчилари орасида энг сермахсул драматургдир. Унинг ижодий фаолияти ранг-баранг. У жуда кўп пьесалар ёзган. Яшин драмалари, опера либреттолари, музикали драма текстлари ва фильмлар учун сценариялар яратган. Яшин кишининг қалбига тўқинадиган психологик ҳолатларни тасвирлашга ҳақир ёзувчидир.

Ҳамид ОЛИМЖОН.

да «Уртоқлар» музикали пьесасини ёзиб, репетицияни бошлаб юборади. (Музикасини Тўхтасин Жалилов жуда моҳирона ёзган эди.) Яшин янги театр учун ёзган биринчи асаридаёқ ўша замон муҳим масаласини кўтариб чиқди. Унда қишлоқларни коллективлаштириш давридаги синфий кураш акс эттирилди. Янги ҳаётнинг қарор топиши кўрсатилди. Бу асар театр коллективи томонидан шу қадар муваффақият билан саҳналаштирилдики, бунинг натижасида 1930 йилда Москвада ўтказилган СССР халқлари олимпиадасида пойтахт томошабинларига «Уртоқлар» спектакли кўрсатилди. Фестиваль комитетининг қарори билан спектакль ижобий баҳоланди.

Бу йилларда Яшин музикали драма театрдан ташқари, Ҳамза номли драма театри репертуари хусусида ҳам қайғуради. 1933 йилда музикали театр учун «Ичкарисида» музикали драмасини ёзиш билан бирга, у Ҳамза номли драма театр ходимлари билан ҳам ижодий ҳамкорлик иши олиб борди. «Ёндирамиз», «Номус ва муҳаббат» драмаларини яратди, «Тор-мор» асарини қайта ишлаб берди.

Аммо музика театри ўттинчи йилларнинг биринчи ярмида замонавийликдан чекиниб, кўпроқ афсонавий асарларни қўйишга берилиб кетади. Музика театрида мана шундай ғоявий парокандалик рўй берган пайтда Яшин яна театрга ёрдамга келади. У 1935 йилда «Эсанкираб қолган театр» сарлавҳали мақола билан матбуотда чиқади. Мақолада театрнинг ютуқ ва камчиликларини мукаммал таҳлил қилиш билан бирга, унинг келгусидаги вазифалари ҳақида ҳам қимматли фикрларни илгари сурди. Яшин кўтарган масалалар ичида энг муҳими ўзбек музика театри ижодий коллективини рус музика театри маданиятидан ўрганишга, унинг тажрибалиридан ўрнак олишга чақирибди. У бу борада нота илмини эгаллаш, Европа оркестрига ўтиш ўзбек музика маданиятининг ривожига катта роль ўйнашини алоҳида уқтириб ўтади. «Ўзбек куйларини нотага олиш, Европа оркестрига солиш натижасида дастлабки самарали тажрибалар қилинди. Лекин кейинги йилларда бу соҳада театр коллективи ишни сусайтириб юборди...» «Баъзи асарларнинг музикаси аста-секин Европа оркестрига кўчирилсин, лекин бу ишнинг самарали ва бадий ифодаси юксак бўлиши кўзда тутилсин» деб ёзади. Мақола муаллифи театрининг замо-

навий репертуар яратишда ҳам самарасиз иш олиб бораётганликларини, театр раҳбарлари замонавий асарга эътиборни бўшаштириб юборганликларини, бунинг натижасида замонавий мавзуда яратилган «Ойхон» (Собир Абдулла асари) спектакли муваффақиятсизликка учраганлигини ҳам қайд қилиб ўтади. Мақолада муаллиф театрининг музика санъатига, режиссёр ва актёрлар маҳорати масалаларига ҳам тўхталади ва «Театрда режиссёрлик иши маълум системада эмас, артистларнинг маданий савиялари паст, профессионал билимлари оз, ўз устларида ишламайдилар», деб ёзади. Театрга вокал санъати ва музика саводини ошириш учун рус муаллимларини, композиторларини ва режиссёрларини таклиф қилишга, театрда ишлаб турган «режиссёр, расом, композиторлар учун шароитлар туғдиришни» даъват этади.

Яшин мақола ёзиш билан чегараланмай, театрни замонавий репертуар билан бойитишда унга амалий ёрдам бера бошлади. Музаффар Муҳамедов билан биргаликда, 1935 йилнинг ўрталарида «Ичкарисида» музикали драмаси асосида йирик ва бадий жиҳатдан юксак «Гулсара» музикали драмасини яратади. Бу ўзининг замонавийлиги ва муҳимлиги билан катта аҳамият касб этади. Асарни саҳнага қўйишда ўзи шахсан қатнашади ва унинг муваффақиятли чиқиши учун режиссёр билан бирга ҳамкорлик қилади. Шундай қилиб, театр замонавийнинг илғор ғояларини партия сиёсатини тарғиботчисига айланди. Яшиннинг «Гулсара» музикали драмаси ўзбек хотин-қизларига нақадар таъсир этганлигини кўрсатувчи бир воқеани эслаб ўтамыз.

1935 йилнинг 5, 6, 7, 9 июнларида Свердлов номли концерт залида «Гулсара» спектаклининг премьераси бўлди. Театр томошабинлар билан тўлди, томошабинларнинг асосий қисмини театрга паранжида келган хотин-қизлар ташкил қиларди. Ҳалима Носирова (Гулсара), Лутфихоним Саримсоқова (Ойсара)нинг ажойиб ижролари паранжида ўтирган хотин-қизларга шу қадар таъсир қилганки, спектаклдан сўнг кўпгина аёллар ўз паранжларини ўтирган жойларига ташлаб кетганлар.

Буларнинг ҳаммаси музика театрининг ташкилий даврдаги дастлабки ютуқлари бўлиб, энди унинг олдида Европа музика маданияти даражасига эришиш, музика театри санъатининг юксак поғоналарига

Катта Фарғона канали қурилиши... Чордона қурган мингларча халқ Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» асарини жуда ҳаяжон, юксак туйғу билан томоша қилган. Яшилкўприкда Яшиннинг «Гулсара» ва «Бўрон»и ҳам халқ денгизини жалб этди. Катта муваффақият қозонди. Халқ шулардан завқ олди.

ОЙБЕК.

кўтарилиш, опера ва балет театрини ташкил этиш масалалари турарди. Бунинг учун биринчи навбатда Москвада ўзбек опера студияси ташкил қилиб талантли ёшларни ўқишга юбориш керак эди.

Ўзбек опера студиясини ташкил қилишда Муҳиддин Қориёқубов ва Яшин катта ташаббус кўрсатдилар. 1935 йилнинг октябрида Ўзбекистон ҳукумати Москва консерваторияси қошида ўзбек опера студиясини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Атоқли музика арбобларимиз: Муҳиддин Қориёқубов, Бобораҳим Мирзаев, Ҳалима Носирова, Мухтор Ашрафий, Карим Зокиров, Толибжон Содиқов, Мутал Бурҳонов, Манас Левиев, Сулаймон Юдаковлар биринчилардан бўлиб мана шу студияда Глиэр, Василенко, Нежданова, Спиранский, Аскоченский, Столеров каби рус музикасининг атоқли арбоблари қўлида таҳсил кўрдилар. Энди эса профессионал опера артистларига композитор, дирижёр ва хормейстер тайёрлашдан ташқари, бўлажак опера театри учун оригинал опера асарлари яратиш вазифаси турарди. Бу жуда муҳим ва мураккаб вазифа Комил Яшинга юкланди. Шу мақсадда Яшин студиячилар билан бирга Москвага юборилган эди.

Яшиннинг рус ва Европа музикасига, опера санъатига бўлган қизиқиши унинг Москвада 1925—1927 йилларда ўқиб юрган вақтларида ва кейинчалик ўзбек музика театрида ишлаб юрган кезларида сезила бошлаган эди. Бу, айниқса, 1935—36 йилларда Москвада ўзбек опера студияси ишларига қатнашиб юрганида жуда унумли бўлди. У Ҳалима Носирова билан бирга, Москва музика аҳллари кучоғида, студиянинг домлалари, рус музикасининг намояндалари ёрдамида рус музикаси, айниқса, опера санъати билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлган эди. Шундай қилиб, биринчи оригинал ўзбек опера асарлари яратиш ҳаракати мана шу Москвадаги ўзбек опера студиясида бошланди ва бу ишда С. Василенко, Мухтор Ашрафий, Р. Глиэр, Толибжон Содиқовлар ва Яшин ўртасидаги ажойиб ижодий ҳамкорлик юзага келади.

1936 йилнинг бошида Яшин атоқли рус композитори, Москва консерваториясининг профессори С. Василенко ва унинг талантли шогирди Мухтор Ашрафий билан ижодий ҳамкорликда «Бўрон» операсининг либреттоси устида ишлаб бошлайди. 1937 йилда операнинг биринчи пардаси ёзиб

тугатилди. Лекин бу опера устида ишлаш бир оз кечиктирилди, чунки 1937 йилда ўзбек адабиёти ва санъати декадасига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. 1937 йилнинг бошида, студия ўқувчилари Тошкентга қайтиб келганларидан сўнг, Яшин атоқли композитор Р. Глиэр ва Толибжон Содиқов билан биргаликда декада кунлари Москвада кўрсатилиши лозим бўлган «Гулсара» музикали драмасынинг янги варианты устида иш олиб борди ва бу асар катта муваффақият қозонди. Бу Р. Глиэр, Толибжон Содиқов ва Яшиннинг ижодий ҳамкорликларининг натижаси эди.

1938 йилдан бошлаб театр опера спектакллари қўйишни тажриба қила бошлади. Биринчи маротаба Брусиловский қозоқ операси «Эр Тарғин»ни сахнага қўйди. Шу муносабат билан Яшин 1938 йилда «Оригинал ўзбек совет операсини яратайлик» деган мақола билан чиқди. Унда ўзбек музика театрида «Эр Тарғин» операсининг қўйилиши бизга оригинал ўзбек операсини яратиш вазифасини кўндаланг қилиб қўяди, деб ёзди. Декададан сўнг «Бўрон» операси ёзиб тугатилди. Шундай қилиб 1939 йилда биринчи ўзбек операси «Бўрон» дунёга келди.

Яшин биринчи ўзбек операси либреттосини яратишда тарихий-инқилобий мавзуга мурожаат қилди. 1916 йил кўзғолонларида ўзбек халқининг озодлик учун олиб борган курашларини ифодалаб берди. Бўрон каби ажойиб романтик халқ қаҳрамонларини яратди. Либреттонинг юксак ғоявий ва бадий фазилатлари талантли композиторлар С. Василенко ва Мухтор Ашрафийларнинг ажойиб музика яратишларида илҳом манбаи бўлди. Шунинг учун ҳам Мухтор Ашрафий «Яшин фавқулодда яхши либретто яратган. Бу композитор, режиссёр, актёрларнинг ишида, изланишларига аниқ йўл кўрсатар эди. Либретто ўзбек операси учун либретто ёзмоқчи бўлган бошқа муаллифлар учун намунадир», деб ёзган эди. Ҳозирги кунда Алишер Навоий номидаги Академик Катта опера ва балет театр коллективи «Бўрон» операсининг яратилишига 40 йил тўлиши муносабати билан операни қайтадан сахналаштириш устида ишламоқдаки, Яшин, Ашрафий, Василенко яратган образлар сахнада яна жаранглайди.

Биринчи операнинг жуда катта муваффақият билан сахналаштирилиши режиссёр Юнгвальд Хелькивич шарофатида ҳукумат қарори билан илгариги музика

Комил Яшиннинг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодини рўёбга чиқаришдаги улғу хизматларини биламиз. Шу жасоратнинг ўзиёқ бир ижодкор умрини безай олади.

Комил ЕРМАТОВ.

театри 1939 йилдан бошлаб опера ва балет театрига айлантирилди. Бинобарин, Яшин биринчи ўзбек музыка театрининг майдонга келишида Муҳиддин Қориёқубов ёнида туриб катта ҳисса қўшган бўлса, энди эса композитор Мухтор Ашрафий билан бирга театрининг опера ва балет театрига ўсиб чиқишида ҳам ташаббус кўрсатди.

«Бўрон»дан сўнг ҳам Яшин ўз ижодини театр билан муттасил ҳолда боғлаб олиб борди. Успенский, Мушель, Тўхтасин Жалилов, Мухтор Ашрафий, Толибжон Содиков, Собир Бобоев каби композиторлар билан бирга ижодий ҳамкорлик қилди. Айниқса, Мухтор Ашрафий билан дўст-

лиги жуда унумли бўлди. Шунинг натижа-сида «Гулсара», «Дилором», «Ҳамза» опералари майдонга келди.

Ўзбек музыкали драма жанрининг ривожига ҳам Яшиннинг ҳиссаси катта. Муаллиф бу соҳада 1927 йилдан буён иш олиб боради. Унинг «Даврон ота», «Офтобхон», «Фарҳод ва Ширин», «Равшан ва Зулхумор» каби қатор музыкали драмалари ҳозиргача республикаимиз театр сахналарини безаб келаётир.

Шундай қилиб, Яшин ўзбек музыка театри, шунингдек, ўзбек опера ва балет театрининг ташкилотчиларидан бири сифатида танилди. Унинг номи тарих саҳифаларидан абадий ўрин олади.

Мирмуҳсин

ҚАЛБИ ДАРЁЛИК ҲАМДА ЕТУКЛИК

Буюкликни ҳамма ҳам дахвтанги сеза-бермайди. Алишер Навоий атрофида юрганларнинг ҳаммаси ҳам катта дарё ёқасида эканликларини, бошқа тил билан айтганда, келгуси асрнинг алломаси билан ёнма-ён турганликларини хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Мозини кўяйлик, ўзимизнинг даврда Ҳамза ёки Николай Тихонов атрофида юриб, бу дарёлар буюкликни сезмаганлар ҳам бор. Бу гуноҳ эмас, албатта. Ғоятда камтарин ва улкан қалам соҳиби Комил Яшиннинг дарё қалбини биз яхши биламиз ва шунинг учун ҳам устознинг етмиш ёшга тўлиши муносабати билан бир неча сўз айтишни юрак даъват этди. Бизнинг ҳаяжонли сўзларимиз меъёридан ошса, у кечирар. Шундай асарлар Борки, бир ўқишда дастлабки маънони англайсиз. Иккинчи бор ўқийсиз, сиз бир талаба ёки китобсевар сифатида эмас, албатта. Сиз тажрибали, турмуш икир-чикирларини билган одам сифатида ўқийсиз—яна ҳам чуқурроқ маънолар уқасиз. Сиз учинчи бор, мутафаккир сифатида ўқийсиз, асардан яна янги, теран ва мислсиз маънолар англайсиз. Буни етуклик дейди халқимиз. Бизнинг ёшимиздаги ўртоқлар бирон қирқ йил мобайнида устоз Комил Яшинни биламиз, асарларини ўқиганмиз, сахна асарларини кўрганмиз, у билан шахсий мулоқотда ҳам кўп марота-

ба бўлганмиз. Аммо, инсоннинг буюклиги шундаки, сиз, юқорида айтганим классик асарлардай, қанча ўқисангиз шунча чуқур маъно топгандай, устоздан теран фалсафий маънолар англайберасиз. Мен ҳали бу алломанинг жуда кўп олмос қирраларини кўра олганим йўқ, аммо ҳар қалай етуқ замондошимизни севиб, у ҳақда фикр айтаётганим билан бахтиёрман. Комил Яшин дастлабки «Икки коммунист» асари ила санъат ва адабиётимизда баъдий пухта, ғоявий чуқурликни намоиш қилган эди. Ҳамзадан кейин адабиётда инқилобий қадам ташлаган албатта, Яшин оқсоқолдир! Ўттинчи йиллар боши, ҳали мактабда ўқиб юрган вақтларимизда, Тошкентнинг эски шаҳари расталарида бу асар афишалари ёпиштириб кўйилгани ҳамон кўз олдимда. «Ёндираимиз», «Ўртоқлар», «Гулсара», «Номус ва муҳаббат», «Нурхон», «Генерал Раҳимов», «Йўлчи юлдуз», «Ҳамза, «Инқилоб тонги»... яна қанчалаб асарлар, образлар серияси дунёга келди. СССР халқ артисти деган буюқ унвонларга сазовор бўлган кўпгина санъаткорлар бу пьесаларда ўз маҳоратларини кўрсатиб, чиқиқдилар. Бу даврда бошқа драматик асарлар ҳам бўлган, лекин ҳеч қайсиси Комил Яшин асарларичалик юксакликка кўтарилмаган. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдан эстафетани олиб, бизнинг драматургиямиз-

Комил Яшин — улкан қалб соҳиби. У ўз ҳаёти ва ижоди билан кишиларга шодлик келтиради. Бундай умр уфқи фақат она юртинигина эмас, балки бошқа юртлар ва қитғаларни ҳам қамраб олади.

Мирзо ТУРСУНЗОДА.

нинг ҳозиргидек юксакликка кўтарилишида Комил Яшиннинг хизмати бениҳоя. Гулсара — ўзбек аёлининг ўтмишидаги қисмати, курашининг ёрқин инъикосидир. Арслон ёки генерал Рахимов — қаҳрамонлик, жасорат тимсоли, Фозилхўжа ёки Ҳамза — оташин инқилобчилар образи. Мен, ҳатто Яхшибой образини («Номус ва муҳаббат») бетакрор ихтиро, адабиётшунослар тили билан айтганда, классик образ деб атардим. Бундақа кутилмаган образлар Гоголда, Шекспирда бўлиши мумкин. Мен, устознинг сахна асарлари устида эмас, бу қалам соҳибининг ҳаммамиз муҳаббатимизни қозонган, уч ноёб фазилати — илгари айтганимдек, олмоснинг ярқираб турган кўп қирраларидан фақат учтаси ҳақида фикр айтмоқчиман ва унинг ниҳоятда зўр ибрат кучи ёшларга, ёки сал-пал каттароқларга ҳам таъсир қилса керак деб ўйлайман. Баъзан, ўзини йўқотиб, талтайишликлар, халқдан ўз шахсини баланд қўйишликлар, меҳнат қилмай, пўрсилдоқ гаплар билан ўзини алдаб юришликлар ҳар қалай бўлиб турибди. Яшин — кишини ҳайратга соладиган даражада камтарин инсон. Ҳаммага қуллук қила бериш — камтарлик эмас, камтарлик — кишиларга ҳурмату меҳрибонлик, юртни севиш, ноҳақ хиёнатга тўғриш, меҳнат қилиб, йиқилиб қолганларни турғазиб қўйиш, авлодга ғамхўрлик, аждодга ҳурмат... мана, булар тўла маънодаги камтаринликдир. Мен, Яшин ака қалбида мана шуларни кўраман. Вақти келганда Навоий ҳам ҳассаси ичига яширинган қилчичи суғуриб, Ёдгор Мирзо кўксига қадаган. Чунки бу темурийзода бир кишига эмас, халққа хиёнат қилган эди. Яшин умрида бирон кишининг дилини бесабаб оғритган инсон эмаслиги, унинг қалбидаги саботу ирода ўзоқ тенгдошлари — адабиётимизнинг доимо тилга олиниб турадиган валлакатларига маълум. Шу ноёблик уни жуда ўзоқ йиллардан буён Ёзувчилар союзи раислигига олиб келди, бир неча бор бу шарафли постга келди. У жуда ёш — йигирма неччаларда ҳам адабиётимиз тепасида бўлган. Лауреатликлар, академикликлар, ордендорликлар... ва бошқа шарафлар етмиш, саксон ёшда, соқоли тўрва бўлганда эмас, қирчиллама йигитлигида орқасидан эргашиб, мени ола деб, келган. Талант, беқимс меҳнат бу бахтни олиб келган эди. Доимо билқилаб қайнаб турган Ёзувчилар союзи қо-

зонини тошириб юбормаслик, ўчириб, совитиб қўймаслик ҳам муҳим гап. Вазминлик, ироданинг кучлиги, донолик — ёзувчилар, жуда кўп талант эгаларини Комил Яшин атрофига тўплади. Бир кичик жуссада шунча ноёб фазилат. Баъзи иродали деб ном қозониб юрган паҳлавон рустамнамо, елкалари тепадек ошналари мизнинг юзтаси унинг кичик жуссасидаги улкан қалбига жо бўлиб кетади. Унинг қалби жуда кенг ва жомсомоллар қалбидек доимо қайноқ. Бетиним меҳнат, сабру тоқат, мамлаката берган шарафни суистеъмол қилмаслик, мансаб эътибори билан кишиларни табақага ажратмаслик бу адибни юксакликларга олиб чиқди. Озгина мартаба терса ўзини йўқотиб қўйиб, салом-алиги ҳам узилган баъзи ошналари мизни кўриб, ёқамизни ушлаганимизда Комил Яшиндек мўтабар оғанинг камтаринлиги бизни «поқ этиб ёрилиб кетиш» дан асрайди. Қизиқишмасликка, иродали бўлишга, ўпкаси йўқ кимсаларга нисбатан ҳам ақли кириб, оқ-қорани таниб олишига умид боғлашга даъват этади. Бу сабот олдида биз ҳаммамиз мафтун бўламиз.

Ўзбек совет адабиётининг ўзимиз қатори ҳамма ёзувчилари билан у қадрдон, ёш жиҳатидан биздан ҳам кичикроқ, кичикроқлардан ҳам кичикроқ қалам аҳли билан қадрдон дўст, маслаҳатгўй, салобати босмай бемалол гаплаша оладиган кимса у. Бу хислату фазилатлар етуклик — буюкликка номзоддир. Лекин ватан олдидаги хизмати, ижоди билан у Шолохов, Фадеев, Марков, Тихонов, Мухтор Аvezов, Агостиньо Нето, Файз Аҳмад Файз, Мулк Рож Ананд, Пабло Неруда, Хемингуэй, Нозим Ҳикмат, Бертольд Брехтлар қаторида туради. Биз, ўзбеклар, камтарликни баъзан жуда жўнлаштириб, сохталаштириб меъёридан ўтказиб юборамиз. Қанча ишлар қилиб қўйиб, ҳақир бўлиб кўринамиз. Бу ҳам тўғри эмас!

Яшин ака — устоз, қадрдон раисимиз — маликул шуаро — етмиш баҳору етмиш қишу етмиш кузу етмиш саратонни кўрдилар. Негадир «етмиш баҳорни» деймизу, йилнинг бошқа фаслларини айтиш одатга кирмаган. Фаслларнинг ҳеч ёмони йўқ. Мен севиқли оқсоқолга ўзоқ ва соғсаломат яшаб, ижод қилаберишларини тилайман, яна гўзал фаслларимиз шарбатини ичиб, офтобда яшнаб барқ урсинлар.

МУҲАББАТ—АЙБ ЭМАС


Тезоқар сув ўзини ювиб-тозалаб боради, дейди халқимиз. Замон ҳам шундай! Ўзини-ўзи ювиб-тараб, замондошларини саралаб боради. Бадий адабиёт ҳам ана шундай! Яратувчиларини саралаб боради, замониға ардоғли қилиб, халқига, китобхонига севимли қилиб, тиниқ кўзгу сингари. У шундай тиниқ кўзгуға айланадики, китобхон ундан ўзини, замонини, шарафли тарихини, ўтмиши ва келажагини ёрқин кўради, танийди, мамнунлигидан фахр оқимида оқади, шундай «кўзгуси» борлигидан кўнгли ярақлаб қаноат топади!

Комил халқимиз озгина тарих соҳибимас, унинг бошини кўка етказган яратувчилари — алломалари, қошифлари даврларни долғалантирганлар, башар, умумбашар эҳтиёжига ўлмас ихтиролар қолдирганлар. Наинки йироқ тарихларда, замонларда, яқин-яқинларда ҳам уларнинг суюкли авлодлари қомусий идроклари билан замонини, халқини, юртини бошиға кўтарганлар.

Бугун муборак умри довонини ардоғлаётганимиз устод Комил Яшин ана шу ёрқин ва шарафли йўл ва буюк умрларнинг давоми, яна ҳам аниқроғи — давомчисидирлар. Суюкли замондошларимға, китобхонларға айтардимки, кенроқ мушоҳада қилинг, узоққа интилинг, узоқни мўлжалланг, кўп, жуда кўп нарсаларни истанг, юртингизни, замонингизни, тузумингизни яхшилаб севинг, шунда сиз сизға, ҳаётингизға,

хонадонингизға энг зарур ва қимматли нарсаларни аён кўрасиз ва улардан мамнун бўласиз, ҳаётға келганингизға, унда узоқ яшай олганингизға қайта-қайта шукрона айтасиз! Бу ажиб замонингиз, бетакрор кўнларингиз сизни ёнлаб ўтиб кетмасин! Буюк Ҳамзани кўролмай, ўқий олмайсиз, севолмай қолганлар бор, оташқалб Ҳамид Олимжонни кўролмай, уни ўқий олмайсиз, уни тинглолмай қолганлар бор. Шундай ҳол сизни ёнлаб ўтсин! Биз «Навойи» романи муаллифига, «Кўкан батрак» муаллифига, «Мирзо Улуғбек» қошифига шоғирд тушганмиз, бугун ўнлаб тарих яратган, ўлмас асарлар кашф этган, ниҳоят «Ҳамза» романининг муаллифи етагидамиз! Унинг идроки, тафаккури, унинг сеҳргар тили ва таважуҳи таъсирдаммиз!

Бу муаллиф ўзининг илк саҳна асари «Тор-мор» биланоқ китобхонини, томошабинини сеҳриға олган эди, у адабиётға кирибоқ буюк Ҳамза тили, назари билан, Ҳамза мушоҳидаси билан халқига қараган ва гапирган эди, Ҳамзанинг назарига тушган эди. Томошабин, китобхон янглишмади, Ҳамза ишини муносиб давом эттира оладиган, янги совет драматургиясини тиклай оладиган, унга катта йўл сола оладиган, уни ана шу катта йўлга олиб чиқа оладиган санъаткор туғилган эди. «Ёндирамиз», «Номус ва муҳаббат», «Офтобхон», «Нурхон», «Ўлим босқинчиларға», «Йўлчи юлдуз», «Инқилоб тонги» сингари қатер дра-



К. Яшин чет эллик ёзувчилар билан ижодий суҳбатда.

...Мен ташқи босиқлик тагида ҳақиқий ёзувчининг эҳтиросларига лиммо-лим қайноқ қалбини кўрдим. «Комил бекора драматург бўлмаган, бу унинг табиати тақозоси экан» деб ўйладим. Чунки драматургия адабиётнинг бошқа жанрларига қараганда ёзувчидан кўпроқ жиддий ҳарорат, руҳий куч, эҳтиросларни бир жойга тўплашни талаб этади-да, ахир! Худди мана шу ажойиб фазилатлари туфайли асарларининг умри боқий, кўп миллатли совет китобхони ва томошабини муҳаббатини қозонган.

Мирза ИБРОҲИМОВ.

матик асарлар галереяси ўзбек совет театри санъати такомилланиши белгилаб қўйди! Уни умум совет драматургияси, театри равоқига — биноси пештоқиға кўтарди. «Гулсара»да аёл санъаткорлар ўз ҳаётларини ҳикоя қилдилар» деб ёзди «Правда». Юзлаб муштирап аёллар бу асарга паранжида кириб, паранжисиз чиқиб кетдилар томошадан.

Бу бахтли муаллиф ўзининг узоқ ва табарруқ умри асносида жуда кўп авлодларга муаллимлик қилди, коммунистик тузумимизга, унинг қурилишларига қаттиқликлардан чекинмас, енгилмас, матонатли ватанпарварлар етказиб берди, унинг мактабини ўтганлар йўлдан тоймади, оғир жангларда ҳам, мураккаб курашларда ҳам! У ва унинг сафдошлари ҳақиқий муаллимлар, қомусий муаллимлар эдилар.

Бу муаллим ўзбек адабиётида совет Шарқи республикалари адабиётида биринчи бўлиб буюк доҳий Ленин образини қаламга олди, унинг неча йил қаттиқ ва ихлосий меҳнати натижасида муродига етди, буюк лениннома, драматик лениннома яратди, томошабинлар қўловига, савимий қўловига муваффақ бўлди. Бу унинг севимли ва ардоқли халқига, севимли ватанига, сўнмас замонага қилган унутилмас ва теран хизмати эди. Томошабин буни ҳақли қадрлади, бошига кўтарди.

Ҳали жуда ёш эканмиз, «Ёш ленинчи» газетаси қошидаги адабиёт тўғралиги қатнардик, унда бугунги оқсоқолларимиз таълим беришгучийди. Бир куни Абдулла Қодирий билан учрашув эълон қилинди. Усмон Носир олиб борарди кечани. Учрашув тугаб, ҳамма тарқала бошлаганда, Абдулла Қодирийни, ҳурмати учун кузатиб чиққан Усмон Носир шошиб қайтиб кирди ва ниманидир излади ва топиб зудлик билан кўчага йўланган эди, ачиқроқ тил ўртоқларидан бири унинг қўлида Абдулла Қодирийнинг курсида қолдирган папқасини кўриб учирик қилди: «уни умрбод кўтариб юришга уриналсанми?» Бу албатта ҳазил эди, аммо унга қаттиқ малол келмай қолмади ва зинадан кўтарилар экан, тўхтаб деди у ҳам: «Бу папкани оғзимда олиб юришга ҳам тайёрман, агар рухсат берса, муҳаббат айбмаску»... Бу умрбод менинг хаёлимда қолди. Усмон Носирдек ўша вақтидаёқ китобхон меҳрини қозониб қол-

ган ниҳоятда иқтидорли шоирнинг муаллимига, қолаверса ўз касбига, ҳа ўз касбига кўргазган иззати мени ларзага солган эди! Абдулла Қодирий халқимизнинг, қолаверса тарихимизнинг тирик қомусийди. Унга ҳурмат, суюкли адабиётимизга, унинг нуфузига ҳурматдан ўзга нарса эмасди. Яши шогирд устодиға, яъни пирига қўл берган. Аммо Абдулла Қодирий Усмон Носирни ҳали ўғли тенги бўлишиға қарамай ўзи тенги деб биларди, унинг талантини қаттиқ иззат қиларди, тенги-тушидай сўзлашарди. Шунинг учун ҳам дейдилар — талантинг кекса-ёши йўқ, у ҳамма авлодга ҳам тенг, ўз тенгдошларига ҳам, ўз шогирдларига ҳам! Бизнинг суюкли устозимиз ана шундай ҳаммага баробар. Халқимиз айтганидай — барчаға баробар, ҳам суяди, ҳам суйди!

Биз унинг шогирдлари «Яшин ака» деб ўрганганмиз. Шундай деб атасак худди ҳурматиғни ўрниға қўйгандек бўламиз ва муродимиз ҳосилдек кўринади. Яшин ака билан мулоқотга тушсанг худди бир мактаб ўтаётгандек, кўп нарсани ҳали билмаслигини англайсан киши. Унинг ўз адабиётини билишиға, умум шарқ адабиётини, тарихини нақадар теран билишиға, нанки ўз адабиёти ё тарихини, жаҳон адабиётини нақадар мукамал билишиға имон келтирасан киши. Ғафур ака шундай эди, Шайх ака ҳам, Ойбек ака ҳам... У, ҳақиқатан ҳам том маъноси билан раҳбар, муаллим, аллома. Унинг бугун орамиздалиги билан, тетик ва сихат-саломатлиги билан бағримиз бутун! Союзимиз тахти равонида бир донишманд, бир мутафаккир, бир маслаҳатгўй ўтиришидан фаҳр қиламиз. Муаммо олдида ҳеч қачон бош эгмайди, уни ўзининг теран ақли билан ҳаммиша енгади, унинг олдида ҳар қандай муаммо енгилиб, ечилиб чиқади, қоронғи ёришади, сўлғун кўнгул равшан тортади, у ҳамма нарсаға амал топади. У шуниси билан ҳам ҳамкасабаларининг, шогирдларининг муҳаббатини қозонди ва мангу қолди улар қалбида.

Мен бугун у кишининг муборак ва муқаддас, табарруқ ва шодиёна кўнларида дилимда муштлашиб ётган ана шу фикрларим билан муборакбод қилишға жасорат этдим. У кишиға, адабиётимизга, у киши мансуб суюкли авлодга чуқур иззат ва эҳтиром билан.

ЭХТИРОМ ҲИССИ

Улуғ сиймолар адабиётимизнинг бобоклонлари, улуғлари ҳақида бирор нима демоқ олимларга ярашади, албатта. Лекин оталар ҳақида эҳтиромли сўзларни айтмоқ учун фарзандларга ҳам ижозат берилади гоҳи. Зеро, бу таъзим ва ташаккур изҳоридир. Нега?

Негаки, биз улардан яшашни, қалам ушлашни, фикрлашни ўрганамиз ҳамиша. Биз улардан сабоқ оламиз, биз уларнинг ўғитларига қулоқ тутамиз, улар босган изларни орзу қиламиз, устозларга эҳтиромда яшаймиз ҳамиша.

Мен домла Яшин китобларини болалигимда ўқидим. Ширин забонлики, меҳнат, одобни ўргандим. Мен устоз битган асарларни ўрта мактаб партасида ўтирган чоғларимда ҳам ўқидим. Фикрим чархланди, билимим ортди. Унинг муборак, азиз ҳисларидан яралган асарларни мен балогат ёшимда ҳам ўқидим. Севишни, севилишни, покиза муҳаббатни ардоқлашни ўргандим. Муҳаббат учун жон фидо айламоқни, ўтли байтларни ёд олмоқни, дунёга завқли, сурурли нигоҳлар билан қарамоқни ўргандим. Мен устоз асарларини оналик чоғларимда ҳам севиб қўлимдан қўймадим. Улар менинг уйимга, ўйимга мунавварлик олиб кирди. Масъуд оналик, ўланли бешик учун жозиб аллалар куйламоқни ўргандим.

Мен бу асарлардан ўтмиш аёлларнинг ҳаётини ўргандим. Уларнинг тутундек кўкка чирмашган кўнгил афгонлари билан ошно бўлдим. Ақли теран, закий, фозила, ўктам қизларнинг кўнглидаги алам-аңгизларга дуч келдим. Улар чеккан фарёдларини тинглаб зирқиради юрагим.

Шукрона айламоқни, мунаввар, бахтли замонага таъзим этмоқни менга унинг асарлари ўргатди.

Ростини айтсам, у менинг кўзимга хотин-қизлар дунёсининг халоскорига ўхшаб кўринади. Худди кабутардай тўрт девор кўйида патирлаб нола чекаётган Гулсара, юзлаб гулсаралар ҳақида биринчи бўлиб алам чеккан, уларнинг озод бўлишини қутлаб асар ёзган, алқаган муҳтарам қалам соҳибини халоскор демай, нима дейин.

У бизнинг бахтимизни орзу қилади. У бизнинг саҳнада, умид боғларида, шеърят гулшанларида, давраларнинг тўрида бўлишимизни орзу қилади.

Ўрта Осиёда хотин-қизлар озодлиги масаласи энг асосий ва энг мураккаб масала эди. Буни бадий асар тили билан тушунтириб бериш керак эди. Эскилик сарқитларини фош этиш, қиз-жувонларнинг қурагига паранжи ташлаш иштибосини сола билиш санъати, салоҳияти керак эди.

Худди ана шу масала Яшин домла ижодида биринчи планда турди ҳамиша. Ана шу санъат, ана шу салоҳиятни мен устозим асарларидан топдим. Бу «паранжингизни ташланг, хотин-қизлар» деган оддийгина гап эмас эди. Бу — муҳаббат ҳисларига йўғрилган қижронлар, бардошлар имтиҳон қилиб кўрган, ўртанган, қоврилган, иродали ўзбек қизларининг бутун бир ҳаёти, кечмиши эди. Турмушнинг, ичкарининг барча ғурбати, малолини энгиб паранжи ташлаган, ўлимларга рўбарў бўлган, ғолиб оналаримизнинг кечмиши эди бу.

«Нурхон» спектаклини томоша қилганимда залда дод солиб йиғлаган аёлларни кўрдим. Саҳнага қараб, мушт ўқталган йигитларни учратганман. Золим ота, бағритош акани қарғаб, дуобад қилган кексаларни кузатганман. Бу нима? Асарнинг ҳаётийлиги, халқчиллиги эмасми? Худди шундай. Унинг ўлмаслиги ҳам шунда.

Биз аёллар учун оила, рўзғор, бола, алла — оддий нарсалар эмас. Ҳаётнинг симфониясидир. Улар — тирикликнинг дostonлари. Улар — бахт, шодлик. Улар — пинҳона кўз ёшлар ҳам.

Яшин домла қаламга олган янги роман «Ҳамза»ни ўқиб бораяпман. Ўқиб бораяпман эмас, уни симириб, роҳатланиб, худди ой нурида кашта тикаётган келинчақдай завқланиб юрибман. Нега? Бунда ҳам талай аёллар образи, севгиси, армонлари қат-қат. Аёл бахти, унга шодлик ҳада эгачи сониялар, унинг қалбидан қўчган кўчқинлар, туғёнлар жанги, силсиласи... Худди қилқалам тутган рассомдай тизиб кўйибдилар. Икки ёниқ дилнинг муҳаббати, ҳаяжонлари, айрилиқнинг ҳазонрез боғлари, ҳувиллаб қолган юракнинг жунбушлари, ҳақсизлик, тўхмат балолари... Эҳа, булар қанча сурон, қанча бўрон солганикин устоз дилига. Лекин бу туғёнларни у усталик билан санъаткорона оҳишта-оҳишта ўқиладиган қилиб қоғозга туширади. Аёллар юрагига бу қадар дардкашликни кўриб, тасанно айтмай иложимиз йўқ. Изтиробларимизни ўқий олган одамга, ғуссаларимизни баҳолай олган устозга, ўкинчларимизни илғай олган ҳамдард дўстга, муносилигимизни силай олган отамизга таъзим қилгимиз келади. Нега? Биз ҳам Зубайда авлодидан, Шаҳзодаҳонлар наслидан, Ачаҳонлар зотиданмиз. Ўтмишдаги тақдири қайта ёзилган аёлларимиз.

«Узум она тупроқ шарбатини эмиб болга тўлади, шоир, ёзувчи ўз асарини халқнинг донолиги билан сўғоради», — деган эди аллома Ғафур Ғулом.

Яшин домланинг мазкур «Ҳамза» асарига ҳам халқ донолиги муаллифнинг муктадонлиги, закоси мана мен деб ту-

...Комил Яшин айниқса ижобий образларининг талқини устидан мен билан кўп торттишарди. Аброрнинг репетиция процессида яратган Арслон образининг дастлабки трактовкаси Яшинга ёқмади. «Арслонда ҳали душманга қарши қақшатқич куч, юксак коммунистик ирода етарли эмас, инсонлик фазилатлари ҳам тўла очиб берилмаган», деб бу образ устидан Аброрни ҳам, мени ҳам қайта-қайта ишлаганга мажбур қиларди.

Маннон УИФУР.

рибди. Айниқса, аёллар салтанатининг бир замонлари қуйма тарих китобининг саҳифаларига ўчмас бўлиб муҳрланибди. Мен ростини айтсам, шундай тасаввурданман. Яшин домланинг хаёллари оламида, умидлари, орзулари оламида аёлга ҳам хаёлий бир ҳайкал яратилибди. Мен буни шу янги роман давомида ҳис қилдим. Бу ҳайкалда азиз туйғулар, хаёллар, изтироблар юкини қалбига яширган мағрур, исёнкор аёлни кўрдим мен. Мен бу асарнинг баъзи жойларини ҳарфма-ҳарф ҳижолаб ўқидим. Совет мамлакатининг адаби бўлиш — ўз сўзи билан кишини руҳлантириш унда юксак фикр ва туйғуларни вужудга келтириш, унга қувонч ва эстетик завқ бағишлаш демакдир. Мен ана шундай совет адабининг юзлаб балки неча юзлаб шогирдларидан бири эканим билан фохрланаман. Шогирдлар одатда устозлари ҳақида юрагида жуда кўп гапларни сақлаб юрадилар. Мен ҳам шундай. Домла Яшин билан ҳамюрт бўлганим учун ҳам гоҳо хотиралар дафтарида унинг муборак сўзларини тез-тез ёзиб боришга тўғри келади.

Наврўзи олам эди ўшанда. Баҳор ўз гулларидан чаман тўқирди. Булбул ўша чаманларда ғазал ўқирди. Қуёш ҳам ёғдуларидан офтоб тўқирди. Қалдирғочлар но-зик тумшүқчалари билан «меъмор»лик санъатини бажарарди. Асаларилар гулдан-гулга кўниб бол хўпларди. Сярсар еллар тоғларда жилғаларни уйқудан уйғотарди. Ажаб, бу оламда ҳамма нарса санъат асари бўлиб кўринади кўзга. Андижоннинг шоир, фозил қалам аҳллари, музика аҳлидан иборат меҳмонлар Арслонбобга саёҳат қилган эдилар. Бир томони тоғ, бир томони сой, ўртада сайхон майсазор. Анвойи гуллар, тоғ райҳонларининг бўйи уфуриб турарди. Бу диёр — шеърятнинг ўзи, мусиқий куйларнинг қаноти, кўшиқларнинг парвози эди. Уйноқлаб оқаётган сой йўл-йўлақай кўшиқ куйлаб борарди.

Меҳмонлар шундоққина сойнинг бўйига сайхонликка ҳозирланган жойга етиб келганларида қозонга олов ёқилган, самоварлар қурилган, дастурхонлар тузатишган эди.

Қўй сўйилди. Беҳи дарахтига осиб кўйилди. Қўй эндигина сўйилган бўлганидан, баданидан ҳарорат кетмаганди. Домла чақириб қолдилар. — Қаранг, қизим. Яхшилаб қараб олинг, керак бўлади бу! — дедилар. Во ажаб, қўйнинг юраги уриб турар-

ди... Соининг кўшиғи негадир мунгли эшитила бошланди менга. Негаки, жүзим ўнгидан юрак нотинч уриб турибди. Уша куни хаёлимдан, тушларимдан ҳам уриб турган юрак кетмади сира.

Мен Қўқоннинг баланд минорасидан ўзини ташлаб, ҳалок бўлган Зубайдани кўрганимда, бундан йигирма йил аввал кўрганим уша — уриб турган юракни эсладим. Одамзоднинг юраги нималарга қодир эканини ҳис этдим.

Ушанда Яшин домла меҳмонлар даврасида ёнларидан кичкинагина ён дафтарчасини чиқариб, унда ёзилган бир рубойни ўқиб берган эдилар. Рубой кимники эди ёдимда йўқ. Лекин маъноси шундай эди. «Одам олтин. Унинг закоси олтиндан ҳам қиммат, дейдилар. Лекин нима учун одамзодни кўмгач, қайта қовлаб олмайдилар. Олтинни эса минг йиллардан кейин ҳам қовлаб оладилар ердан».

Уша ўқилган рубой ўтмиш шоирининг рубойи эди менимча. Ушанда Яшин домла шоирни, адабни мангу қиладиган, олтиндек бебаҳо бўлишини таъминлайдиган нарса бу — унинг юраги, — деган эдилар. Юрак қони билан битилган асар ҳеч қачон ўлмайди, — дегандилар яна. Бу ўғит шогирдлар учун бир умр йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади.

Катта адабиётда заррадек бўлса ҳам бизнинг борлигимиз озми-кўпми шу оламнинг қаламдан яралган заҳматлари билан ошно эканимиз китоблар чоп этганимиз ҳам шу ўғитларни мевасидир.

Яшин домла бизга ёшлар билан қилган суҳбатларнинг бирида: — Катта уфқларни кўзлаб, кенг даврларни ўйлаб, талабчан китобхонни кўз олдингизга келтириб, партияннинг содиқ солдати эканлигини ҳаммиша ҳис этиб қўлга қалам олмоғингиз даркор, — деб ўқтирдилар. У киши билан давра столи атрофида қалдирғочдай тизилишиб ўтирган шогирдлар қаторида ўтириб, ён дафтаримга ёзиб олган қатор насухатлар, ҳикматлар, ҳаёт сабоқлари ҳар куни менга ҳамроҳ, ҳар куни менга қибланомадай йўл кўрсатиб туради ёзув стопилмада.

Яшин домладай камтар яшамоқни, у кишидай бой ижод қилмоқни одамхун бўлмоқни жуда-жуда истаймиз бизлар. Киройи раҳбаринг бўлса, шундай бўлса. Бошингни силайди, меҳри-муруватини аямайди, нуқсонингни отадай фидойилик би-

лан тузатишга ёрдамлашади. Тойсанг, суяб қолишга шошади, йиқилгани қўймайди. Бағрингнинг бутунлиги сени ардоқлай билган шундай устозларнинг борлигидан.

Биз кўпинча инсон маданияти нима,— деган саволни ўйлаб кўришни ўзимизга эп кўрмаймиз ҳам. Баъзан шундай ҳам бўлади, баъзи бир ёзувчининг ҳузурига кириб борсангиз, хижолатдан тер босиб кетади сизни. Сизни ўтиришга таклиф этмаганидан дилингиз озор топади-ю, индамайсиз, у кишининг кибри-ҳавосидан озор топасиз, яна индамайсиз. Ҳолбуки, ёзувчи аввало инсон ахир. У асар ёзган пайтдагина ёзувчи. Бошқа пайтда у инсон. Инсон бўлганда ҳам улуғ Горький таъриф этган чин инсон. У инсондай яшаши, инсондай муомалани билиши, камтарин, меҳрибон одам бўлиши керак. Айтмоқчиманки, нега ўша баъзи ёзувчилар ўз устозларидан ўрнак олмайдилар, нега улар Яшин домлага ўхшамайдилар деб ўйга толамиз.

Куни кеча Самарқандда ўзбек адабиёти кунлари бўлиб ўтди. Шоирлар, олимлар, фозиллар ватанида бизни олқишладилар.

Китоб кўргазмалари, китоб магазинларида бизлар ўз китобларимизни устозларнинг китоблари қаторида кўрдик. Пахта далаларида, саноат корхоналарида, сув омбори, қандолатчилик, тикув устахоналарида, университет, театр залларида —

ҳамма-ҳамма ерда бизни гуллар тутиб, кучоқ очиб кўтиб олдилар. Шеъриятимизни муҳаббат билан тингладилар.

Шоирларимиздан дастхатлар, дил сўзларини ёздириб олдилар. Меҳмоннавозлиқлар, лутфли сўзлар, оловли кўзлардан биз шуни ўқиб олдик: Халқ шеърятга чанқоқ, жуда чанқоқ. Одамлар насрий асарларимизга чанқоқ, Адибларимизнинг ҳар бир меҳрли сўзига, мададкор сўзларига чанқоқ пахтакорлар.

Ҳамма ерда шеър сўрайди одамлар. Ҳамма ерда оташнафас адибларимизни танишади, сўрашади, севишади. Бизда қалам аҳли иззат-икромда. Қалам аҳлининг нуфузи, иқтидори обрўи баланд. Қалам аҳлининг сўзи баланд, овози тиник. Унинг чеҳрасида нур ўйнамоқда. Қалам деҳқонларининг кўксига ғурур тошқини.

Ўзбек шеърятини, ўзбек адабиётини, ўзбек насрини бугун бутун дунё ўқимоқда, тан олмақда.

Бу иззат-икромлар, бу шуҳратларнинг боисини излайман. Излайман ўзим жавоб топаман. Бу — адабиётимиз заҳматкашларининг меҳнати эвазига келган иззат-икромлардир. Бу эҳтиромлар — ўзбек совет адабиётимизнинг Яшин домладек саркори бор бўлганидан ҳамдир.

Биз бугун ана шуларнинг ҳаммаси учун саркоримизга таъзим қиламиз.

Ёқуб Аҳмедов,

Ўзбекистон халқ артисти

МИННАТДОРЛИК

Биз актёрлар учун йирик ўзбек драматурги Комил Яшин асарлари билан бўлган ҳар галги учрашув катта ижодий байрамга айланади. У асарларидаги ҳар бир сўзни томошабинларга етиб бориши ва қаҳрамонининг хатти-ҳаракатлари бутун жозибаси билан намоён бўлиши учун актёрлар билан ҳамкорлик қилади ва бу йўлда бутун қалб кўрини бахшида этиб келмоқда. Шунинг учун ҳам унинг пьесалари ва уларни ҳаракатга келтирувчи қаҳрамонлари театримиз саҳнасини безаб турибди. Комил Яшин яратган образлар халқ бахтсаодати йўлида, ҳақиқатни барқарор қилиш борасида курашади ва бу йўлда керак бўлганда жонини ҳам аямайди.

Мен бир актёр сифатида Яшиннинг қатор пьесаларидаги ролларни ижро этгани билан фахрланаман. Ва ҳар гал бу образларни жозибали қилишга интиламан. Драматургнинг «Йўлчи юлдуз» пьесасидаги Войтинцев образи ўзимнинг кўнглимга маъқул бўлган ролларимдан биридир.

Яшиннинг «Инқилоб тонги» пьесаси асосида қўйилган спектакль устида олиб борган ишларимиз ҳеч қачон ҳаёлимдан кетмайди. Бу асар бор-йўғи бир ой ичида тайёрланиб саҳнага чиқарилди. Асарни бундай тез саҳнага чиқиши спектакль режиссёрлари Александр Гинзбург ва Олим Хўжаевларнинг Комил Яшин билан олиб борган тинимсиз меҳнатлари эвазига юзага келди.

Бу спектаклдаги образларни ижро этган бир гуруҳ актёрлар СССР Давлат мукофотига сазовор бўлдилар. Жумладан, мен ҳам Фозилхўжа образини яратганим учун шундай юксак унвонга муяссар бўлдим. Театримизнинг доимий ҳамкори, устозимиз Комил Яшинни муборак етимиш ёшлари билан чин қалбимдан кутлайман. Ҳамза театри актёрлари учун халқимиз тарихининг муҳим даврларини акс эттирувчи янги-янги пьесалар ёзиб беришларини истайман ва бу йўлда ижодий баракка, ҳамда толмас қувват тилайман.

Ҳамза изидан борган ва Ҳамза мактабининг давомчиси бўлган истеъдодли ёзувчи шу кунга қадар ўзбек совет драматургияси-ни бойцтишида замонавий мавзуда кўп асарлар яратди.

ҒАЙРАТИЙ.

АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИМИЗ КАМАРБАСТАСИ

Кўп миллатли совет адабиётининг ривожига адабий алоқалар масаласи катта аҳамиятга эга. Қардош адабиётларнинг бири-бирига таъсирини ўрганиш адабиётшунослик ва адабий танқид олдида турган жиддий вазифалардан биридир. Бу жиҳатдан атоқли драматург Комил Яшиннинг ижодий фаолияти ибратли. Комил Яшин ижодида адабий алоқалар ва ўзаро таъсир масалаларини кенг миқёсда ёритувчи мақолалар салмоқли ўрин тутлади.

Комил Яшин «Улуғ устоз» мақоласида адабий таъсирнинг бадий ижод тараққиётида ўйнаган роли, хусусан рус адабиёти вакиллари, айниқса Горькийнинг ўзбек адабларига кўрсатган самарали ва ҳаётбахш таъсири хусусида тўхталиб шундай ёзади: «А. М. Горькийнинг асарларини таржима қилиш натижасида ўзбек ёзувчилари ихчам, аниқ образли қилиб ёзишга, Шарқнинг серҳашам жимжимадорлигидан халос бўлишга, социалистик реализм методи билан мустақкам боғлиқ бўлган бадий ҳаққўйликка эришганлар» (3-том, 148-бет).

Дарҳақиқат, А. Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғуллом, Ҳ. Олимжон, Ғайратий, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Ойдин Собирова, Ҳусайн Шамс каби ўзбек ёзувчилари ўз асарларида ихчамликка эришишда Горькийдан кўп нарсани ўрганганлар. Шу билан бирга инқилобий ҳодиса ва инқилобий характерларни образли қилиб яратиш, улардаги ўсиш-ўзгаришларга алоҳида эътибор бериш борасида ҳам Горький ижоди қатор ёзувчиларимизга сабоқ бўлди.

Шунинг учун ҳам Яшин ҳақли равишда Горький ижоди, умуман, «республикамиздаги ижтимоий онг тараққиёти»га кучли таъсир кўрсатди, деган хулосага келади.

Яшиннинг адабий таъсир ва адабий алоқалар ҳақидаги қарашларини, мақолаларини шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси, ўзбек адабиётининг СССРдаги қардош халқлар адабиёти билан алоқаси ҳақида фикр юритилган, декадалар ва ҳафталиклар муносабати билан ёзилган умумлаштирувчи характерда-

ги мақолалар («Дўстлигимиз байроғи», «Дўстлик ва ҳамкорлик бойлигимиз» каби). Иккинчиси, юбилей муносабатлари билан ёзилган муайян санъаткорларнинг ижоди ва ижодкор асарларининг ўзбек ёзувчилари ижодига таъсири ҳақидаги мақолалар («Қитъалар оша», «Шарқнинг донишманд фарзанди» каби). Учинчиси, ўзбек адабиёти ҳамда совет шарқи халқлари адабиётлари билан чет эл, жумладан Осиё ва Африка халқлари адабиётларининг ўзаро алоқалари, уларга совет адабиётининг таъсири масалаларига бағишланган умумлаштирувчи характердаги тадқиқотлар. Буларга асосан Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференцияларида сўзлаган нутқлари ва мақолалари киради («Қудратли манба», «Бирдамлик», «Ленин даҳосининг самараси», «Одабийлик мадҳияси» сингарии).

Бу шартли таснифнинг ўзиёқ Яшиннинг адабий таъсир ва адабий алоқаларга доир тадқиқотлари қанчалик кенг ва ранг-баранг эканлигини кўрсатади.

«Одабийлик мадҳияси» мақоласида Яшин Шекспир ижодининг ўзбек халқи учун даставвал «жуда катта маърифий аҳамиятга молик» эканлигини таъкидлаб, «биз учун Шекспир чет эллардаги шекспиршунослар ифодалаётганларидай «турмушнинг томошабини» эмас, биз учун у юксак инсонпарварлик идеаллари курашчисидир» (4 том, 212-бет), деб ёзади.

Ҳозирги даврга келиб ўзбек ёзувчиларининг адабий алоқалари Иттифоқ чегарасидан чиқиб, жаҳон миқёсига кўтарилди. Адибларимизнинг, айниқса Осиё ва Африка ёзувчилари ҳамда болгар, немис ижодкорлари билан адабий алоқасини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ зарур. Булар орасида Осиё ва Африка ёзувчилари билан олиб борилаётган адабий алоқалар, кенгашлар, конференциялар алоҳида аҳамиятга эга. Комил Яшин Осиё ва Африка тараққийпарвар ёзувчиларининг Дехли, Тошкент, Қоҳира, Байрут, Боку, Олмаота шаҳарларидаги учрашув ва конференцияларида совет делегацияси раҳбари ва раҳбарларидан бири

Комил Яшин либреттоси ишимизнинг яхши кетишига ёрдам берди. Бу асар ҳаётийлиги ва ёрқинлиги, ўткир динамикаси билан ўзида тартади. Либреттонинг энг қилматли жиҳати унинг муқаввийлигидир.

Сергей ВАСИЛЕНКО.

сифатида иштирок этади. У шунингдек, Осиё ва Африка ёзувчилари Ассоциациясининг актив намоёндаларидан бири сифатида танилди. Бу учрашув ва анжуманлардан кўзланган мақсад ва уларнинг моҳияти ҳақида Яшин шундай деб ёзади: энг аввало бу алоқа, учрашув ва анжуманлар ўнлаб миллий адабиётларни ягона интернационал оқимга келтириб бирлаштирди, натижада «ғоявий программаси» ва «гуманистик идеаллари» қудратли бўлган, жаҳонда тенги йўқ «ижодий бирлашма» юзага келди. Бу уюшманинг асосий хизмати ижтимоий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлди. У ўз фикрини давом эттириб: «Бу ҳаракат, яқинда озод қилинган мамлакатларнинг ёш адабиётларининг ривожланишини тезлаштирди, халқаро адабий алоқаларни кенгайтиришга ёрдам берди, икки қитъа ижодкор зиёлиларининг илғор, демократик кучларини империализмга қарши кураш негизига яққалам қилди», деган эди Яшин Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмасининг Деҳлида (1971) бўлган конференциясида сўзлаган нутқида (4-том, 286-бет). Ана шу яққаламлик суфайли интернационализм руҳи билан сўғорилган дағомеялик Ришар Догбо, ливанлик С. Идрис, турк Ф. Х. Давларжи, араб Юсуф-ас-Сибойи асарларига Комил Яшин юқори баҳо беради.

Ҳозирги даврда йилдан-йилга адабий алоқаларга эътиборнинг кучайиши ёзувчилар олдига яна бир муҳим масалани кўндаланг қўяди. Тинчлик учун кураш ва гуманизм, «ҳар бир адабиётчидан ўз мамлакати чегараси миқёсида ўралашиб қолмасликни, фақат ўз халқи учунгина ижод қилмасликни, балки халқи номидан ер қуррасида яшовчи миллион-миллион аҳолининг оңига, қалбига мурожаат этишни ҳам талаб этади. Бунинг маъноси шуки, ёзувчининг ижодиёти фақат миллийгина бўлиб қолмай, ўзида интернационал белгиларни ҳам ташиши керак» (4-том, 290-бет).

Осиё ва Африка ёзувчилари анжуманларида ҳам ташкилотчи, ҳам совет адиби сифатида иштирок этар экан, Яшин бу икки қитъа ижодкорлари адабий алоқаларининг зарурияти ва моҳиятини эътироф этиш билангина чекланиб қолмайди. У бу икки қитъа адиблари олдига муҳим вазифалар ва талаблар қўяди. «Даставвал биз аравани қуруқ олиб қочмаслигимиз, осмонда учиб юрадиган хаёлпараст реалистлар бўлмаслигимиз лозим. Биз куч ва имкониятларимизни эса аниқ ва ҳушёрлик

билан баҳоламоғимиз лозим. Куч ва имкониятларимиз эса улкан, аммо чексиз эмас. Шу сабабли ҳам ҳайбаракаллачилик билан амалга ошириб бўлмайдиган қарорлар қабул қилиш бизга тўғри келмайди, лекин айтиш чоғда конференциямиз томонидан қабул қилинадиган қарорлар ҳаётда, албатта кам-кўстисиз амалга ошириладиган бўлсин»,— деган эди у Деҳли конференциясида сўзлаган нутқида (4-том, 301-бет). Партиявий принципиаллик билан қўйилган бу муҳим масала конференция ишининг, унда қабул қилинадиган қарорларнинг конкрет ва ҳаётийлигини таъминлашга муайян таъсирини кўрсатмай қолмас эди, албатта.

Яшин адабий алоқаларнинг ривожини ва тараққиётида таржима муҳим ўрин туттишини алоҳида қайд қилади. Бадий асарларнинг сон жиҳатдан кўплаб таржима қилиниши бу ҳали адабий алоқалар ривожининг кенг йўлга қўйилганини билдирувчи бирдан-бир факт эмас, деб таъкидлайди. Чунки «миллий маданиятларнинг йилдан-йилга теранлашиб, органик тус олиб бораётган ўзаро яқинлашуви жараёнидаги миқёс ва суръат кўп жиҳатдан таржима савиясининг даражаси ҳамда сифатига боғлиқдир», деб ёзади Яшин «Эзгу идеалларимизни қарор топтирайлик» номли мақолада (4-том, 231-бет).

Аримизнинг улуғ ёзувчиси М. А. Шо-



К. Яшин ва С. Мукержи (Ҳиндистон).

...Ҳа, кўрган-кечирган баҳори етмишдан ошиб бораётган бу мўл умрли мўътабар шахснинг номини тилга олганда улкан бадиатимиз рицари, санъатимиз ифтихори рўйирост кўзимиз ўнги-га келади, ярим асрдан бери, ҳақиқий халқоний жамият аҳллари-нинг ҳам яратувчилигида, ҳам бунёдкорлигида кўмакдош бўлиб, уларнинг қалби ҳамда ҳаётини безаишда самарадор иштирок этиб ва коммунист ёзувчи деган муқаддас номни оқлаб келаётган ажойиб сиймо гавдаланади, бадиатимизда ўз йўналиши — мактабини яратган ва ёш қаламкаш авлодларга маҳсулдор мураббийлик ва-зифасини ўтаб келаётган ажойиб устоз ҳаёлда намён бўлади.

Воҳид ЗОҲИДОВ.

лохов туғилганига 70 йил тўлиши муноса-бати билан ёзилган «Юксак парвоз» номли мақоласида Яшин адиб ижодини юқори баҳолайди. Ёзувчи ижодининг асосий қим-матини, у «халқ ҳаётини тасвирлашда ҳа-қиқатдан сира ҳам чекинмаслигида», дав-рининг мураккаб зиддиятларини ва қийин-чиликларини рўй-рост кўрсатишда булар-нинг ҳаммасини келажак нури билан ёри-тиб бера олишда кўради. «Мен Шолохов асарларидаги образлардан («Тинч Дон»да-ги Штокман, Котляров, Бунчук, Анна По-гудко сингари коммунистлар образи) қаттиқ таъсирланганман ва илҳомланган-ман», «мен Шолохов асарларида кўп нар-сани ўрганганман», эътироф этар экан Яшин, 30-йилларда ёзган саҳна асарлари-даги коммунистлар образини яратишда бу таъсирни чуқур ҳис этганлигини айтади. «Очилган кўриқ» романининг образлари ҳам менга яқин ва қадрдон,— деб ёзади Яшин яна шу мақоласида,— мен ўттизин-чи йилларда «Номус ва муҳаббат», «Ёнди-раміз» сингари асарларим устида ишла-ганимда Шолоховнинг образлари доимо кўз ўнгимда турди. Устоз адибнинг асар-лари ҳаёт ва ундаги курашлар, янгилик-лар, истикболларни тушуниб, илғаб олиш-да жуда катта роль ўйнади».

Яшин партия ва ҳукуматимиз ташаббу-си билан амалга оширилаётган қардош халқлар адабиётларининг ажойиб анъана-ларига айланган декада ва ҳафталиклар-ни, учрашув ва кечаларни ҳам адабий, ҳам сиёсий жиҳатдан юқори баҳолайди. Бу ҳо-дисаларни ёзувчиларни буюк вазифаларни амалга ошириш учун «сафарбар» этувчи муҳим омил деб билади.

Чиндан ҳам ёзувчилар бундай ҳафталик ва декадаларда қардош халқлар ҳаёти би-лан чуқурроқ танишадилар, завод, фабри-ка, колхоз далаларида китобхонлар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг қалбларига қулоқ тутадилар, нақазларини қабул қила-дилар, ўзларининг асарлари бошқа халқ-лар қалбида қандай акс-садо бераётганли-гининг гувоҳи бўладилар.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда Украй-на, Арманистон, Москва, Тожикистон, Қо-зоғистон, Озарбайжон адибларининг ҳаф-талиги ва айни вақтда Ўзбекистон ёзувчи-

ларининг ҳам деярли барча миллий рес-публикаларда бўлиб ўтган декада ва ҳаф-таликларининг ўзбек адабиёти ривожига муайян даражада таъсир этганини Яшин ўз мақолаларида такрор-такрор эслатиб ўта-ди. Бунинг исботи учун Қозоғистонда Ўз-бекистон адабиёти ва санъати декадаси-нинг ўтиши муносабати билан ёзилган «Адабий дўстлигимиз — абадий дўстлиги-миз» мақоласига назар ташлашнинг ўзи кифоя қилади.

Яшиннинг фикрича миллий адабиётлар-нинг бир-бирига ўзаро таъсири ва адабий алоқалар масаласи адабиётимиз равнақи учун зарур бўлган хусусият эмас, муҳим бир қонуниятдир. Шу боисдан ҳам у «...миллий адабиётларнинг ўзаро алоқала-ри ва ўзаро таъсири тўғрисида, бутун со-вет адабиётини яққалам қилиб бирлашти-риб турадиган доимий ва актив ўзаро ал-машув, бир-бирдан баҳраманд бўлиш тўғрисида гап бўлмаганида бу янги мада-ниятнинг табиати охиригача очиб берилма-ган бўлур эди» деганда ҳақлидир.

Бу ҳамкорлик ва адабий таъсирнинг ил-дизларини Яшин фақат совет ёзувчилари бадиий ижодининг ўзига хос хусусиятла-рида эмас, балки энг аввало совет тузу-мида, социалистик системада кўради. «Чунки социализм,— деб ёзади Яшин,— ўзининг дастлабки поғонасидаёқ бир-би-ридан жуда узоқ босқичларда турган мил-лий адабиётларни бирлаштирди».

Бунинг натижасида «энди маънавий бой-лик алмашув жараёни икки томонлама со-дир бўлади»,— дейди Яшин ва ўзининг бу фикри билан танқидчилигимизда муҳим методологик фикрни илгари суради. Чун-ки адабий таъсир масаласи ўрганилганда рус адабиётининг миллий адабиётларга таъсири кенг ёритилади-ю, лекин масала-нинг иккинчи томони, яъни ўзбек (Ойбек, Ғафур Ғулум ижоди), қирғиз (Чингиз Айт-матов ижоди), авар (Расул Гамзатов ижо-ди) адабиётларининг рус ва бошқа қар-дош халқлар адабиётларига кўрсатган таъ-сири ҳақида кам гапирилади. Яшин ада-бий таъсир ва адабий алоқалар тарихини ҳар томонлама чуқур, атрофлича кенг ўр-ганиш ғоясини илгари суради.

Яшин фақат совет адабиёти ва унинг

бой классик меросини мукаммал билувчи адабиётшунос — ёзувчигина эмас, балки маълум маънода жаҳон адабиётининг ҳозирги аҳволи, айниқса Шарқ адабиётини ҳам улкан билимдонидир.

Бунга 200 томлик жаҳон адабиёти кутубхонаси туркумининг 20-жилдига кирган ўрта аср араб поэзияси дурдоналаридан тузилган мажмуага Яшин томонидан ёзилган сўзбоши далил бўла олди. «Олтин ҳалқа» деб номланган бу сўзбошида у, ўрта аср араб поэзиясининг асосий хусусиятлари, унинг ютуқ ва камчиликлари, жаҳон адабиётида туган ўрни ҳақида чуқур илмий маълумот беради. Урта аср араб поэзияси деганимизда биз фақат араб халқининг адабиётинигина эмас, деб ёзади Яшин балки араб тилида ёзган халқларнинг адабиётини назарда тутмоғимиз лозим бўлади. Чунки жуда кенг территорияга тарқалган араб поэзияси забт этилган орамейлар, юнон ва форслар, тожик ва турклар, барбар ва ҳабашларнинг маданияти ва анъаналаридан ҳам ўзига озиқ олади. Аббосийлар давридан бошлаб эса, араб тилида ижод этувчи халқлар поэзияси майдонга келади. (Қаранг: Библиотека Всемирной литературы. Арабская поэзия средних веков. 20-том, изд. «Художественная литература», Москва, 1975, стр 5—8. Вступительная статья К. Яшена. «Золотое звено»). Демак, ўрта аср поэзиясининг дурдоналарига кўп халқларнинг бир-бирига адабий таъсири сифатида юзага келган бадий ёдгорлик сифатида қаралмоғи лозимдир. Шунинг учун ҳам у юқоридаги сўзбошида VIII—XII асрларга келиб араб тилидаги поэзия мусулмон халқлари маданияти анъаналарининг кучли таъсири остида гуллаш даврига кирди, деб ёзганида ҳақ эди.

Умуман Яшин жаҳон адабиётининг тараққиёт омилларидан бирини адабий таъсир ва адабий алоқаларда кўради. Шунинг учун ҳам юқоридаги мақоласида: Абу Нувос, Абул-Али-ал Маорий, Ибн Кузман ва бошқаларсиз жаҳон поэзияси анча камбағаллашиб қолган бўлар эди, зеро бу каби санъаткорлар ижодининг таъсирини на фақат шарқ адабиёти, балки сўнги даврлар илғор Европа халқлари поэзиясида

ҳам сезиш мумкин, деган қатъий хулоса чиқаради.

Адабиёт тарихини, адабий меросни чуқур ва яхши билиш Яшин-драматург ва Яшин-адабиётшуноснинг ижодий камолотида жуда катта роль ўйнайди.

Адабий меросга тўғри муносабатни эса, у совет адабиёти муваффақиятларини белгилувчи муҳим омиллардан бири деб билди. «Кўп миллатли совет маданияти ўзининг фақат революцион новаторлиги ва қудратли ғоявийлиги билангина эмас, юз йиллар давомида халқларимиз томонидан йиғнаб келинган меросни авайлаб, эъзозлаб, чуқур ижодий ўзлаштириб келаётганлиги учун ҳам кучлидир», деган эди Яшин. (Степные струны. Стихи каракалпакских поэтов. Москва, «Худож. лит-ра» 1973 г.)

Яшиннинг адабий алоқалар ва адабий таъсир масалаларига оид ёзган мақолаларида, билдирган фикрларида совет адабиёти, жумладан ўзбек совет адабиётининг интернационал моҳиятига доир қарашлари алоҳида ўрин тутади. Зеро, бу масала ҳозирги давр жаҳон тараққийпарвар адабиёти, маданиятининг кун тартибида турган энг муҳим масалаларидан бири бўлганидек, бу масалани илмий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ этиш ҳам санъатшунос ва адабиётшунослар олдида турган зарур, сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан аҳамияти катта масаладир.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек адабиётининг рус ва қардош халқлар ҳамда тараққийпарвар Осиё ва Африка халқлари билан адабий алоқаларининг ривожланишида Яшиннинг ижоди ва фаолияти алоҳида ўрин тутади.

Адабиётлар дўстлиги, моҳият эътибори билан халқлар дўстлигининг ажралмас узвий қисмидир. Шу нуқтаи назардан қараганимизда адабиётлар дўстлигидаги камарбасталик фаолияти билан Яшин ўзбек халқининг Иттифоқимиздаги қардош халқлар ва жаҳон миқёсидаги тараққийпарвар халқлар билан дўстона муносабатларининг янада чуқур илдиз отишига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Матлуба АЗИМОВА,
филология фанлари кандидати



Комил Яшин



РОМАН¹

ИККИНЧИ ҚИСМ

Биринчи боб

Самарқанд

ХАЗОНРЕЗ куз кунлари боғ-роғлар ясан-тусанни, кўм-кўк либосини ташлаган. Аравалар, эшак минган одамлар кўчаларда у ёқдан бу ёққа қатнашади. Бир пайт бозор майдонидаги оломонни икки ёққа ёриб келаётган ғалати бир карвон пайдо бўлди. Олдинги туя устидаги тахтиравонга машшоқлар жойлашган. Туя роса безатилган, ундан кейинги туяларга плакат ва шиорлар осиб ташланган. Бу карвонда Ҳамза трупасининг грим қилиб олган артистлари келишарди. Уларнинг бири бой, бири шайх, бири эшон, бошқа бири деҳқон, ишчи, савдогар ва қизил аскар қиёфасида.

Битта туянинг бошига цилиндр кийгизишиб, Чемберлин тусига келтиришибди.

Ташвиқот карвоининг энг охирида битта эшак сансоларчи тусига киритилибди. Унга каттакон қалам, давот ва папка ортилган.

¹ Давоми. Боши журналнинг ўтган йилги 7, 8, 9-сонларида.

Бу карвон бир лаҳзада одамларнинг диққатини ўзига михлаб олди-қўйди. Самарқандлик ёш шоир Ҳакимжон қаҳ-қаҳ отиб кулганча карвон кетидан эргашди.

Кўча ҳаракати тўхтаб қолди. Ҳамманинг кўзи карвонда, туянинг устида керилиб ўтирган Юсуф қизиқ — жарчи одамларга қараб мурожаат қилди: «Ҳой яхшилар, кимда-ким суви қочмаган гап эшитаман деса, умр бўйи «во нафсо!» деб югурган, шу кунларда биқинига от тепган бедаво суқ, очкўз, текинхўр, «олма пиш — оғзимга туш!» деб кечаю кундуз тасбеҳ ўгирадиган бадзотларни кўраман, куламан деса, карвонга яқин келсин!»

У, туяда кеналиб, савлат тўкиб ўтирган «казо-казоларга» ишора қилиб, уларни халққа танитишга киришди:

Томга қўйган шотидек,
Амир лашкар отидек
Сўмакайи чўзилиб,
Кўзи ўйнар мокидек,
Домла поччамга салом!
Бозордаги совундек,
Ичи тушган қовундек
Бойбувамларга салом!
Ойболтадек салмоғлик,
Эшониймдек димоғлик,
Муридлари қушмоғлик,

Эшон поччамга салом!
Олти пуллик тақадек,
Кўзи ирғиб бақадек,
Оч мухлиснинг кўлида
Утмай қолган чақадек
Шайх ҳазратларига салом!
Ариқдаги балиқдек,
Мита тушган тарифдек
Гўнг тепади шўрлашиб
Хаққа етган чорикдек
Мингбоши поччамга салом!

Одамлар «гурр» этиб кулиб юборишди.

Карвон аста олдинга силжиб борар, халойиқ унинг кетидан эргашарди.

Карвон тўхтади. Бир туя устида ўтирган «эшон» ўрнидан турди. Унинг бошида катта салла, эғнида узун оқ авра камзул, қўлида тасбеҳ. У оломонга хирилдоқ овоз билан мурожаат қилди:

— Аюҳаннос! Эй аҳли халол. Ҳар ким мени билса, билсин. Билмаса мендирман маққори замон, золимижаҳон, манбаи фиқу фахш ва хонайи қуллинахс шайх Исмоил ба лақаби «оқ эшон».

Кулги, қийқириқ сал босилгач, Юсуф қизиқ эшонни таърифлаб кетди.

— Эшонимизнинг семизликлари шу қадарга етдиким, бу зотни тарозининг бир палласига, иккинчи палласига олмон ҳўкизни солиб тортсангиз, иншоолло, паллани эшонимиз босгайлар. Бунга шубҳа қилган кишининг ўзи кофир, хотини талоқ бўлғай. Семизлик эшонимизга падар бузрукворларидан мерос. У зотнинг хотин важҳига ҳам суяклари йўқ эди. Зоти олий ҳозир тупроққа айланиб, замондан халос топди. У кишининг эшонлик маснадларига бу фарзанди қобиллари ўлтирдилар. Бу киши ҳам мурид, мухлис ва Шоҳимардон зиёратчиларининг текин овқатлари, назр-ниёзлари ва мозорга вақф этилган ерларидан келган нез-неъматлар билан, назр этилган дилосо, маҳбубаи жононлар билан ўйнаб-кулиб, чунон ҳам семирдиларким, истибро вазифасини бир муридга, истинжо вазифасини иккинчи муридга топширмоқдан бошқа илож тополмадилар.

Яна қаттиқ кулги кўтарилди.

Юсуф қизиқ халойиққа қараб яна мурожаат қилди:

— Биродарлар! Ҳа, хаста пирим, бир кўзлари мағрибада, бир кўзлари машриқда, сер ҳаракату бебаракат. Гармсел тегиб, кутилмаган жойда қора косов бўлиб, ҳозирча ўчоқ кавлашдан бошқа нарсага ярамай қолганлар. Хаста пиримнинг сизларга яқинда бўладиган меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий шўро сайлови олдидан яна бир арз-додларини тиллари билан айтмоқчилар, қулоқ бериб арзларини даражаи қабулга олгайсизлар.

Ҳамма «эшон» ўтирган туяга кўзини тикди. «Эшон» одамларга қараб сурбетлик билан насиҳатомуз гап қотди:

— Омин, оллоҳу азимушшон бандам дегай:

Мени сайланг, мени сайланг;
Муридим, мухлис элим!
Икки дунёдаги мушкул —
Ларинг осон қиламан.

Ҳақ таолонинг ҳақиқат
Йўлига бошчи бўлиб,
Тонгла маҳшарда сизи
Лойиқи ғуфрон қиламан.

Энди Юсуф қизиқ жиддий тус олиб, «эшон»га зарда билан қаради-да, кейин халққа мурожаат этди:

— Даврадан қочган беданадай сўзни бошқа томонга бураверманг, эшон пирим. Бошингизга шунча калтак тушса ҳамки, боягидай оёқ-қўлингиз эпчил, тилингиз бурро, тиғингиз бутун кўринади. Лекин пухта гап шуки, тақсир, илтимос, ҳа деб диққи нафас бўлаверманглар. Узингиз айтгандай пешона қолубало.

Буни ҳайданг, буни ҳайданг,
Тез орадан, жўралар!
Яна ёлғонлар ила кўп
Сизни сарсон қиладир.

Парча нонга, яна-чи,
Кўз ёшингиз қон қиладир.

Йилда бир қизни олиб ул,
Бору йўғингизни шилиб,

Чиқ орадан, кета қол!
Мурдангни марвон қиламан.
Теп-теп, теп тагидан
Ер билан яксон қиламан.

Юсуф қизиқ одамлар нигоҳини «бойга» қаратди. Кейин уларга:

— Оғайнилар, бойбувамнинг гапларини қулоқларингизни қамчи қилиб эшитинглар,— деди.

— «Бой» дарҳол ўрнидан туриб, оломонга насиҳат қилишга тушиб кетди:

Мени сайланг, мени сайланг,
Менинг фарзандларим!
Давлатим бирла сизни
Ўлгунча меҳмон қиламан.

Ер-сув кетди-ку, майли,
Сизни бир нав қилиб,
Баъзи ишда жуда, ҳа!
Шод ила хандон қиламан.

Юсуф қизиқ бу гапни эшитиб, афтини буриштирди. «Бой» томон кўрсатгич бармоғини қадаб, одамларга буюрди:

— Шод ила хандон қилармиш. Бирор марта чорикорнинг бошини силаб, ёшини артиб қўйгандек гапиради-я, муттаҳам!

Буни ҳайданг орадан,
Қонсираган оч бўри бу!
Яна кирса орага
Ҳийла ҳаросон қиладир.

Яна аввалги дўку
Тўртки-ю тухматга ўтиб,
Кўча-кўйларда сизни
Зор ила ҳайрон қиладир.

Бойнинг юзига бир лаҳза тикилиб тургач, унга қараб ҳайқирди:

Орадан чиқ, коса кўз!
Хумча қорин, сен текинхўр!
Бир тепиб тумшуғингга
Миянгни талқон қиламан.

Яна қаҳқаҳа, қарсак, «Артистларга балли!», «Ҳамзага раҳмат!» деган хитоблар авжга чиқди.

Бир нафас томоша кўрсатгач карвон олдинга жилди, одамлар унга эргашди. Дўкондорлар, савдогарлар карвонга ҳайрат билан тикилиб туришарди. Бир дўкон олдида карвонга маҳлиё бўлиб қараб қолган йигит ёнидаги одамнинг гапидан ўзига келди. Дўкондор бошини тебратиб, учинчи одамга норози оҳангда уқдирар эди:

— Буни яна ўша Ҳамза чиқарган!

— Ҳа,— дея ҳалиги одам дўкондорнинг гапини қувватлаб тушди.— Ҳалол одамларни бутун шаҳар аҳлига шарманда қилиб кўрсатишга ўша шаккоккина ботинади. Тавба, қандай кунларга қолдик, пичоғимизнинг дами қайтган, на тошга ўтади, на сувга.

Йигит унга норозилик билан бир қараб қўйди-да, ундан нафратлангандай ўзини нари олди.

Қарвон йўлида аста давом этди...



Самарқанд регистони майдонига автомобиль келиб тўхтади. Унда Соколов билан Олчинбек Назирий ўтирар эди. Соколов Олчинбекдан унинг сафари таассуротларини сўради:

— Шоҳимардон қандай, яхши бориб келдингизми?

— Ҳеч нарса тасдиқланмади, ҳаммаси қуруқ туҳмат экан, Степан Петрович,— деди у бепарволик билан, кейин гапни бошқа ёққа буришга интилди.— Шоҳимардон ажойиб ер... ўриқлар оппоқ бўлиб гуллаб ётибди.

— Уртоқ Охунбобоевга шундай деб айтдингизми?

— Ҳа, худди шундай деб хабар қилдим.

Соколов Олчинбекка каттакон тахтага ёзиб қўйилган рекламани кўрсатиб сўради:

— Сиз бу пьесани ўқидингизми?

— Ҳа... Лекин...

— Хўш, қандай фикрдасиз?

Ёмон эмас, аммо шоир Ҳамза илгарилари яхшироқ ёзар, пьесада масалани ўткирроқ қўяр эди...

— Қачон у илгарилари деганингиз?— деб сўради Соколов енгил кино билан, Олчинбек жавоб беришга шошилмади, ўзини бу сўроқни эшитмаганликка солиб, индамай тураверди. Соколов ҳам уни ортиқча танг қилиб ўтиргиси келмади чамаси, машинадан тушаркан:

— Ҳа, хўп... Бу тўғрида кейин лавҳа осиб қўйилган эшикка

киришди, уларни профессор Степанов қарши олди. Ҳол-аҳвол сўрашишди.

— Хўш, Сергей Иванович, шогирдларингизни бизга бир кўрсатингчи,— деди Соколов чолнинг елкасига қўлини оҳиста қўйиб.

— Марҳамат, ўртоқлар, қани, ичкарига,— деб профессор йўл бошлади.

Узун йўлакнинг икки томони бўйлаб кетган ҳужралардан музыка садолари янграр, кимдир рояль, ким скрипка, ким най чалар эди. Улар Шердор мадрасаси ҳужраларида қизгин машғулотлар кетаётганлигига қаноат ҳосил қилиб, билим юрти эшиги олдига чиқишди. Соколов ўйчан эди. «Йўқ, одамлар ўзларининг ажойиб орзуларини амалга ошириш учун асрлар давомида бекорга интилмаганлар, бу йўлда қурбон бўлганларнинг қонлари бекор кетмаган. Мана, уларнинг самараларини кўриб турибман. Тез кунларда бу даргоҳдан биринчи ўзбек бастакорлари, пианиночилар, скрипкачи, чангчи ва ашулачилар етишиб чиқади» деган фикр унинг кўнглидан ўтди-ю, профессорга қараб мамнун жилмайди:

— Бу ажойиб ютуқ, Сергей Иванович. Менинг бир дўстим бор. Сиз шоир Ҳамзани танийсизми?— деб сўраб қолди Соколов профессордан.

— У киши ҳақида эшитганим бор. Ашула, шеър, пьесаларини биламану, лекин у билан шахсан таниш эмасман.

Ҳамзанинг номини эшитиб, Олчинбек ҳушёр тортди. Унинг бу ҳолатини Соколов сезиб турса ҳам, ўзини лоқайд тутиб давом этди.

— Мен у билан бир вақтлар, қаттиқ уруш суронлари пайтида кўп ҳамгап бўлганман... Поезд бизнинг платформамизни янги жанглар сари олиб борар экан, биз мана шу ёруғ кунларни биргалашиб орзу қилар-

дик. Унинг бирдан-бир орзуси катта музика асари ёзиш эди. У ажойиб одам. Сиз у билан, албатта, танишиб олинг, профессор.



Шоҳизинда даҳмаси йўлагиди Олчинбек Назирий билан янги ал-фавит қўмитасининг секретари Шавкат турарди. Иккаласининг ҳам кайфияти яхши эмас, юзлари тунд, нимадандир диққат эди улар. Ойдин кеча. Феруза гумбазлар ой қўйнида кўк аланга таратиб кишининг хаёлини олиб кетади. Қусам Ибн Аббос даҳмаси томондан қуръон тушираётган қорининг ҳазин овози эшитилди. Олчинбек Назирий деворларга бир лаҳза хаёлчан тикилиб турди-да, замзама қилди:

— Яша, шўро! Яша шўро!

Шавкат тоқат қилолмай, «портлаб» кетди:

— Аввал Тошкент билан Қўқонда ишладим, сўнг Хоразм ижтимоий шўролар жумҳуриятининг маориф нозири бўлдим. Бу Ҳамза Ҳакимзода деган зот билан тўрт йил биргаликда ишладим. Ишладим эмас, жанг қилдим. Бунинг «Яша шўро» сидан тўйган эдим, яна йўлиқдим шунга, бахтим қурсин...

У чуқур хўрсиниб қўйди-да, кўнглида чўкиб ётган дарди қатларини очиб гапира бошлади.

— Унинг қўшиқлари бизни тобора қамалга оляпти,— деди ташвишланиб.— Ҳамма ерда куйлашяпти, ҳаттоки сиз ҳам... У миллатларимизнинг асрлар мобайнида шаклланиб қарор топган анъаналарини поймол қияпти, маънавий дунёмизни вайрон этяпти, одамларнинг, хусусан ёшларнинг ихлосини қозоняпти... Концерт беради. Ваъз айтади. Шўро ҳукуматининг моҳиятини тушунтириб, русларнинг маданиятини мақтаб сўзлагани-сўзлаган.

Олчинбек Шавкатнинг кўнглини аён кўриб турарди. Шундай бўлса ҳам гапни айлантирди. Охирида босиқлик билан уни қувватлаб, аниқ таклифларини дангал айтди.

— Сўзловчи нодон бўлса, тингловчи доно бўлмоғи керак. Сиз доно бўлинг, Шавкат афандим,— деди Назирий.— Китобларининг нашр этилишига, пьесаларининг қўйилишига йўл бермаслик керак, ана шунда унинг нафаси ўчади. Биламан, бу хавфли, лекин начора, бошқа иложимиз ҳам йўқ-да.

Улар йўлак майдончасига чиқишди-да, тўхташди. Олчинбек Назирийнинг юзида қаттиқ ташвиш аломати бор эди.

— Бу ҳам майли эди-я,— деди Шавкат жиғи-бийрон бўлиб,— аммо энг даҳшатлиси бу ёқда — биз нуфузимизни йўқотиб қўймоқдамиз. Халқнинг энг яхши одамлари биздан юз ўгирмоқда!

Олчинбек Назирий индамади. У, мовий рангда товланиб турган гумбазнинг нақшинкор қобиргаларига хаёлчан тикилиб тураркан, зах деворлараро ўрмалаган ҳашоратлар, калтакесакларга кўзи тушиб, сесканиб кетди. Шавкатнинг куйиб-пишаётганига эътибор бермай, тагдор қилиб жавоб қилди.

— Уз одамларимизни тайёрлашимиз лозим. Ёшлардан ишончилиларини танлаб Лондон, Берлин, Стамбулга ўқишга юборишимиз керак. Тўрт-беш йил ичида одам бўлиб келиб, бизга керакли ўринларни эгаллашади, етти-саккиз йилдан кейин эса, давлатни бошқаришади. Ана ўшанда...

У фикрини давом эттиролмай қолди. Улар томон кимдир келаётганини кўриб, сир бой бермай, иккаласи икки томонга йўл олди.

Иккинчи боб

ОЧИҚ ХОТИН

Эски шаҳар кўчаси. Кўчанинг икки чеккасидаги йўлдан ўткинчилар тинмай қатнаб туришибди. Улар орасида бир аёл киши кўзга яққол ташланади, чунки унинг юзи очиқ, на паранжиси, ва на чиммати бор. Ўткинчилар ичида бошига худди қоп кийиб олгандай кетиб бораётган аёллар билан ҳеч кимнинг иши йўқ, лекин ҳамманинг кўзи ҳалиги аёлда. Биров ҳайрат билан, биров ғазабланиб, яна биров бу ҳодиса тушида эмас, ўнгида содир бўлаётганлигига ишонгиси келмай уни кузатади. Бу аёл — Зулфизар эди. У ниҳоятда келишган, ёқимтой. Гўё ўз ҳусини кўз-кўз қилгандай, одамлар орасида бошини кўтариб, мағрур борар, аммо баъзи-баъзида атрофига ҳадик билан олазарак қараб қўяди. Бирдан унинг жовдираган кўзлари рўпарасида турган бадбашара, бадқовоқ, чеҳраси тунд номаълум йигитга тушиб, юраги «шиғ» этиб кетди. Зулфизар юзини шарт ўгириб, тар мевалар дўконига бурилди. Пештахта олдига бориб, саватдаги узумдан бир бош танлади-да, тарози палласига қўйди. Унинг бу ҳаракатини кузатиб турган дўкондор жаҳл билан тарози палласини олиб, узумни зарда билан саватга улоқтирди.

— Йўлингдан қолма!— деди у Зулфизарга ўқрайиб.— Сендақаларга сотадиган узумим йўқ! Шарманда!

Зулфизар нима қилишини билмай, бир лаҳза қизариб-бўзариб тургач, ўсал бўлиб, орқасига ўгирилди, йўлида давом этди. Сартарошхона олдидан ўтиб кетаётган эди, ичкаридан бир одам бошини чиқарди, қўлида устараси, бошида гули кўринмай кетган эски дўппи, икки қўлини кўксига қўйиб, тиржайиб, унга гап қотди:

— Хуш кўрдик, дўндиқча. Самарқанд сизга пешкаш. Хизматингизга шаймиз. Қани, ичкарига кирсинлар, озиб-ёзиб келиб қоптилар, жонидан сочларини тарашлаб қўямиз. Қовоқ солишингиз шунчалар чиройли, кулишингиз қанақайкин? Қандай хизматлари бўлса, кўнгилларидагидек адо этамиз-у, ранг-рўйингизга қараб, ўзингизга ўзингиз маҳлиё бўлиб қоласиз. Ҳа, ўзим игначидек нимжон бўлсам ҳам қўтосга ўхшаган одамларни даст кўтариб ота оламан...

У устарасини қайраб, шилқимлик қилар эди. Аммо Зулфизар ўзини унинг гапини эшитмаганга солиб, аланг-жалаанг бўлиб қадамини тезлатганча у ердан ўтиб кетди.

Дўкондорлар ҳам унга оғизларига келганини қайтармай, уятли гаплар отишарди. У буларга ҳам парво қилмади, йўлида давом этди. Чойхона олдидан юрагини ҳовучлаб ўтиб борар экан, у ердаги бекорчилар жонланиб кетишди.

Битта хомсемиз, рангида қони йўқ — заҳил кўса йигит бор-йўғи олти-еттитадан ошмайдиган қилни мўйлов сифатида олифтагарчилик билан бураб, қўлида пиёла, ирғиб ўрнидан турди-да, Зулфизарнинг йўлига кўндаланг бўлди.

— Жонон, шундан бир хўплаб, табаррук қилиб берсалар, савоб иш қилган бўлардилар, сазамни ўлдирмасалар, бўлмаса, уволимга қоладилар. Ҳусн жиннисиман-а... жудаям орийтли жувон экан-ку...

У Зулфизарнинг дағани тагига келиб, ғазаб билан вишиллади:

— Мана, дучма-дуч ҳам келдик. Сени ўлдириш ҳам камлик қилади... Даҳрий Ҳамзанинг сўзларига учиб, шу алфозга тушдингми, бузуқ?

Зулфизар ичида «худо кўтарсин сени», деди-ю, қадамини тезлатди

Унинг авзойидан ғазаб ва нафратини, алам-аччиғини зўр-базўр босаётганлиги яққол кўриниб турар эди.

Бутун чойхонадагилар қийқиришиб, йўталиб, томоқ қириб қолишди. Зулфизар қадамини яна тезлатди. У, худди бу ҳақоратли бақриқ-чақриқларни сидириб ташламоқчи бўлгандай, қўлини кўтариб, пешонасига қўйди. Унинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, қулоғи остида ҳар хил ваҳшиёна бақриқлар янграр, назарида ер бир томонга оғиб кетаётгандай чайқалар эди.

Кўз олдидан хилма-хил бадбашара нусхалар галаси сузиб ўтди-да, даҳшатли бир доирага келиб қўшилиб кетишди.

Зулфизар кафти билан юзини бекитди, оёқларининг дармони қуриб, чайқалиб борди-да, деворга мажолсиз суяниб қолди.

Шу пайт унинг олдига паранжили бир кампир келди, даҳани бурни билан уришгандай бўлиб, қарғай кетди:

— Хў, сузилмай ўл, шарманда! Бетинг қурсин, уятсиз! Қасофатинг ўзингга ургур, мегажин!— Ах-туф қилиб, Зулфизарнинг бетига қараб туфлади, кейин ўзича нималарнидир гудранганича пилдираб йўлига жўнаб қолди.



Шердор мадрасаси ҳовлиси. Унинг бир чеккасидаги скамейкада артистлар ўтиришибди. Улар ўз ролларини қайтариб, репетиция қилмоқда эдилар. Ҳамза шартли сахнадан сал четроққа ўтириб олиб, уларнинг ўйинларини кузатарди.

— Келинлар, мана шу кўринишни яна бир карра қайтариб кўрамиз,— деди у артистларга мулойимлик билан. Артистлар дарҳол ишга киришишди. Улар «Майсаранинг иши» комедиясидан Майсара шариат пешволарининг ҳақиқий башарасини очиб ташлайдиган кўринишни аллақандай кўтаринки руҳ ва катта маҳорат билан ижро этишди.

Шу пайт роль ролда, сахна сахнада қолиб, ҳамманинг уни ўчди. Ҳамза ҳайрон бўлиб сўради:

— Нега ўйинни тўхтатиб қўйдинглар?

У ҳам артистлар тикилиб турган томонга ўгирилиб қаради.

Ғишт зинадан Зулфизар аранг чиқиб келар, у бемажол, рангида ранг қолмаган эди. Ҳамза дарҳол унга пешвоз югурди. Актёрлар ҳам Ҳамзанинг орқасидан унинг олдига югуриб боришиб, уни оҳиста кўтариб олишди.

Зулфизарнинг сочлари ёйилиб кетган, пешанабоғи елкасига осилиб ётар эди. У жуда ҳам хафа, шахло кўзларида нам мунғайиб қолган эди. Бирдан ички титроқ забтига олди, ёқасини йиртди-ю, тебраниб туриб фарёд кўтарди:

— Мен энди ортиқ чидолмайман! Улар таҳқирлашади. Ҳақорат қилишади, аёлларни хўрлашади... Ҳаммамизни кўргани кўзлари йўқ уларнинг!

Зулфизар қора ёлқин чиқиб турган кўзлари билан артистларга бир-бир тикилди. Ҳамза нима ҳодиса юз берганлигини тушунди. Унинг юзига қалбида жўш ураётган ғазаб қалқиб чиқди, у ҳушёр тортди. Худди бундай бебошликларга шу лаҳзада кескин зарба бермоқчи одамдай ҳамлага тайёр бўлиб чирпиниб қўйди. Орага оғир жимлик чўкди. Бир муддатдан сўнг у Зулфизарнинг қўлидан ушлаб олдинга бошлади.

— Кетдик!

Ҳамза Зулфизарни етаклаганича майдон томон гурс-гурс қадам ташлаб тез юриб борарди. Уларнинг орқасидан қолганлар эргашишди. Ҳамза билан Зулфизар Шердор мадрасасидан югуриб чиқиб майдон бўйлаб чопиб кетишди, артистлар Ҳамзанинг бу хатти-ҳаракатига ту-



М. Иброҳимов чизган расм.

шунолмай, халлослаб боришар эди. Ҳамза Зулфизарни майдоннинг ўртасидаги супага етаклаб чиқди. Қолганлар ҳам етиб келиб, супа тагида тўхташди. Ҳамза кўча томон ишора қилиб, Зулфизарга гўё халқни кўрсатаётгандай унга буюрди:

- Қўшиқ айт!..
- Айтолмайман...
- Айтасан!
- Қўлимдан келмайди...
- Айтишинг керак!

Зулфизар унинг сазасини ўлдиргиси келмай ашула айтишга чоғланди. Ҳамза супани ўраб турган артистларнинг олдига тушиб борар экан, қулоғига куйнинг шиддатли садоси келиб урилди. Маҳобатли гумбазлар остида Зулфизарнинг денгиз сувидай тўлқинли овози янгради, у гоҳ мунгли тус олиб, юракларни тирнар, гоҳ гулдираб, ҳис-туйғуларни жунбишга келтирар эди.

Зулфизар алам билан «Ушшоқ»ни куйларди, унинг ёноқларидан аччиқ кўзёш милдираб оқар, гўё бу ушшоқ азоб-уқубат, дарду алам ҳамда бўй бермас норозиликдан туғилгану, айни ноҳақликларга қарши исён бўлиб, уларга бир йўла зарба беришга қодир қудратли куч бўлиб янграрди.

Асрий гумбазлар остида унинг овози, ёқимли, шиддаткор куйи аксадо бериб, одамлар билан ғавжум кўчага яққол эшитилиб турарди.

Ўткинчилар йўлларида тўхтаб, унга қулоқ солар, уларнинг аксарият қисми майдонга бурилиб, аста-секин уни тўлдира борарди.

Зулфизар йиғи аралаш куйларди «Ушшоқ»ни.

Ҳар тарафдан одамлар келиб, супа атрофига тўплана бошлашди. Улар Зулфизарга маҳлиё бўлиб қараб туришар, ундан кўзларини олишга маҳоллари етмас эди.

Зулфизар «Ушшоқ»ни куйлар эди. Тобора кўпайиб бораётган халққа мағрур боқиб, уларни қаршиларди.

Ҳамза эса, қизга ифтихор билан тикилиб, ўзича типирлар эди:

— Мана, кўрдингми? Майдонга сенинг қўшигинг керак одамлар тўпланди. Сен уларни деб яшашинг, ижод қилишинг керак!

Зулфизарга унинг дўстлари — артистлар тантанавор қараб туришарди. Зулфизар ўз қўшиғини завқ-шавқ билан айтмоқда эди. У бирдан оқариб, лаблари титраб жимиб қолди. Унга ғазаб, ўч, кин, ваҳший ҳисларга тўлиб, ўқдай тикилиб турган одамни таниб қолган эди. Ясама соқол, мўйлов қўйиб, тусини ўзгартириб олган бу одам — ўша босмачи Қора Қоплон эди.



Эртаси куни Ҳамза дўкондорлар растаси олдидаги йўлқадан кетаётган эди, бир дўкондор уни кўриб қолиб, тавозе билан дўконига таклиф қилди:

— Домла Ҳамза! Қани, қулингизнинг дўконига марҳамат. Ўзим кўриб қолиб чақирмасам, бизни бостириб ўтиб кетаверасиз. Сазамни ўлдирманг, бир пиёла чойимиз бор.

Унинг астойдил гина қилаётганини кўриб, Ҳамза дўконга ноилож бурилди.

Дўкондор ҳамон гина қилар, алланималар деб жаврарди:

— Молимиз ёқмаса, чойимиз бор, бир пиёла чой ичиб кетсангиз нима қипти. Қани, қани, келинг, бу ёққа ўтиринг.— У ёнидан Ҳамзага жой кўрсатди. Уни қўярда-қўймай ўтқазиб, мўъжазгина пиёлада чой узатди.— Қалай, соғ-омон, ўйнаб-кулиб юрибдиларми? Уй ичингиз тинчми?

— Шукур,— деди Ҳамза чойдан хўплар экан.

Дўкондор бир хўрсиниб қўйди-да, уни мақташга киришиб кетди:

— Биласизми, домла Ҳамза, сизни бартун аҳли раста яхши кўради... Масхарабоз, яъни артист, аскиячи, суҳбати ширин шоир, ҳаж қилган, ўрис, форс, араб тилларини ичиб юборган киши, деб мақташади. Томошаларингизни кўрганамизда ичакларимиз узилгудек бўлиб қотиб-қотиб куламиз, отам раҳматликдан эшитган эдим. Ун учинчи йилда «Падар куш» деган театр қачон ўйналади?— деб берилган саволга «Ойна» мажалласи мундоқ жавоб ёзган экан:

«Ўйнаётурғон одам йўқ, азбаски Туркистонда бекор одам йўқки, театру саҳнасига чиқиб, халқ учун маҳарабозлик қилса...»

Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи-ҳи... сизнинг яхши масхарабозликларингиз бор... Айниқса, жилвабоз бир қиз бор... Маҳбубаи жоний... Лекин, ҳайронман, сиз нега бизни бунчалик масхара қиласиз. Раммол, фолбин, дуохонларни роса расвосини чиқарибсиз, сизга биз қойил. Тўғри, амир ёмон, подшо полискаси ҳам ёмон. Майли, домла Ҳамза, нима учун савдогарнинг яхшилигини ёзмайсиз. Савдогарлар олийҳиммат одамлар, камсуқум, халолхўр бўлишади. Савдогарчилик ҳам хуноб иш, нафақан аҳли аёл, деб эртадан то кечга қадар сарғайиб, молига харидор кутади. Унинг шинавандалагини айтмайсизми... Ҳаммамиз мўмин-мусулмон одамлармиз, орамизга нифоқ солишнинг нима кераги бор. Сатта савдогарни ажива-жинни қилиб кўрсатасиз. Уйдаги мушуклар ҳам устимиздан куладиган бўлиб қоляпти...

Ҳамза унга ер остидан қараб қўйди-да, деди:

— Дардимни бир айтиб олай деб аза-база йўл пойлаган экансизда, тақсир. Дўконни ёпинг-у, бизнинг сафга ўтинг.

Дўкондор унинг ҳазилини тушуниб қолди.

— Биласизми, домла,— деди у кулиб,— дўконим билан кўзимни кечаси ёпиб, тонг отиши билан очаман. Уни бутунлай ёпиб қўйган пайтимни кўрсангиз, мени ўлибди, деяверинг.

Иккалови хохлаб кулиб юборишди.

— Биламиз, савдогар аждар нафс бўлади, ҳеч тўймайди,— деди Ҳамза кулиб. Бу орада дўконга иккита актёр ҳаллослаганича келиб, Ҳамзага мурожаат қилишди:

— Домла Ҳамза, қаёқларда қолиб кетдингиз, сизни изламаган еримиз қолмади.

Ҳамза хавотирга тушиб сўради:

— Нима гап, тинчликми?— унинг кўзлари қинидан чиқиб, ўрнидан туриб кетди.— Нима гап? Нега индамай турибсизлар, ахир!— Ҳамза артистларнинг ерга қараганича индамай қолганликларидан бетоқатланиб, уларга илтижоли кўзларини тикди...

□

Зиндонга ўхшаш нимқоронғи совуқ ҳужрага юзини шойи чорси билан ярим бекитиб олган Болта ниманидир кўтариб кириб, ҳужранинг бурчагида кўзлари чақнаб, юраги гурс-гурс уриб ўтирган Қора Қоплоннинг оёғи остига қўйди.

— Мана, катта, айтганингиздан ҳам зиёда бўлди,— деди у ҳансираб, кейин совуқ тиржайиб унга таъзим қилди.

Қора Қоплоннинг оғзининг таноби қочди, лекин эҳтиросини босишга тиришиб, бир лаҳза сукут қилгач, сўради:

— Ҳеч ким пайқамадими?

— Йўқ, фариштанинг ҳам кўзини шамғалат қилиб, носимизни тутуриб қолдик-да. Ахир, бунақа юмушларни энди қилаётганимиз йўқ, бу ёғидан кўнглингизни тўқ қилинг,— деди Болта.

— Кўнглим тўқликка тўқ-ку-я, одам ҳодис дегандай, эҳтиёт яхшида, Болтабой, иним.

— Шунинг орқасидан нон егандан кейин, эҳтиётини қилмай бўлмайди, катта, гапингиз ҳақ.

— Қўлга қандай туширдингиз?

— Э, бу ёғини сўраб нима қиласиз, катта. Қасалнинг тугалгиси келса, табиб ўз оёғи билан кириб келади, дейишади. Шунга ўхшаб, бу ҳам ўз оёғи билан келди. Қоронғида теварак-атрофга олазарак қараб, ўзини Шердор мадрасасига урди. Чамаси, биронта жазман артистнинг ҳужрасига келаётган экан... Биз ҳам фурсатни ганимат билиб, бошига қопни шаппа ташладиғу... вассалом...

— Баракалла, шоввоз,— деди Қора Қоплон руҳи кўтарилиб, кейин даромадга ўтди.— Аммо лекин замон нозик, қил устида қалқиб турибди. Эҳтиёт бўлмасак, битта қанжиқни деб умримиз турмада чириб кетади, Болтабой. Мана ҳалол хизматингиз ҳаққи.— У Болтабойга бир даста пул берди-да, қўшиб қўйди.— Бизда қолмайди, омонлик бўлиб, иш юришиб турса, яна оласиз.

Болта пулни қўлига олиб чамалаб кўрди, кўнгли тўлмади шекилли, норози оҳангда деди:

— Чўғи сал озроқми, хўжайин? Ахир қадрдон, сирдон аравакашингиз эдим...

Қора Қоплон Болтанинг юзига қараб,— ҳали иш кўп, азамат,— деб муғомбирона тиржайди. Болта унга совуқ кўзларини тикиб турар эди. У бу кўзларга бардош беролмади, эти сесканиб кетиб мулойимлашди, тангилик юзасидан, унинг кўнглини кўтариб қўйишга ошиқди:

— Ҳа, майли. Ўғил болалик қилдинг. Шу бугун кечгача яна мишг сўлкавой оласан.

— Куллуқ, меҳнатингни қадрига етадиган одамнинг садағаси бўлсанг арзийди... Ҳа бизга кўпроқ узатсангиз давлатингиз камайиб қолмайди, катта. Хизматингиз бўлса, ақчани бегона қилмай, эски аравакашингизга айтаверинг, ҳамма вақт камарбастамиз.

Қора Қоплон унга мамнун жилмайди.

— Туя кўрдингми?

— Ҳа-да, биламиз. Соколов деган чека уч-тўрт йилдан бери Қоплонбек қўрбошини қидираётганидан хабаримиз бор... Лекин биздан кўнглингиз тўқ бўлсин, катта!

Улар ҳужранинг эшигини аста очиб чиқишди-да, хайрлашишди. Қора Қоплон ичкарига қайтиб кириб, ҳужра эшигини қулфлади. Кейин қопнинг боғичини ечди. Ярим ҳушсиз Зулфизарнинг юзига сув урди, унинг қўлини бўшатди, оғзидаги рўмолни олиб ташлади. Шу пайт Зулфизар «дод» солди. Овози жонсиз чиқди. Шундай бўлса ҳам Қора Қоплон унинг оғзини кафти билан шаппа ёпди.

— Жим! Минг дод денг — фойдаси йўқ. Ҳеч ким эшитмайди! Мен сизга жабр қилмайман. Бежо ҳаракат қилмай, гапимга яхшилаб қулоқ солинг. Биргина ваъда берсангиз, сизни ҳозироқ чиқариб юбораман. Мана, ўртага каломуллони қўйиб онт ичаман. Хўп дейсизми?

Зулфизар боши билан розилик ишорасини қилди.

Қора Қоплон унинг оғзини бўшатди.

— Мана, кўрпачага чиқиб бемалол ўтиринг. Қўрқманг, қани, дастурхонга қаранг, иссиқ чой ҳам бор, бир оз ором олинг, гап қочмайди,— деди у юмшоқлик билан.

— Жон ака, ялинаман. Ҳар қанча гапингиз бўлса ҳам кейин айтарсиз, мени қўйворинг. Дугоналарим кутиб ўтиришган эди,— деди Зулфизар кўзёши қилиб.

— Мени кўч алдаб кетгансиз...

Қачон? Ахир мен сизни умримда биринчи марта кўряпман-ку!

— Наҳот мени танимасангиз. Ҳажрингизда қонлар ютган, фироқингизда куйиб юрган бағри сўхталардан бириман. Шунча ялиндим, ёлвордим, ҳатто битта қиё боқшингизга арзитмадингиз. Энди таниган бўлсангиз керак?— деб Қора Қоплон юзидаги рўмолни ечиб ташлади.

— Қора Қоплон!— Зулфизар қичқириб юборди.

— Ҳа, сизнинг ишқингизда сарсон-саргардон юрган ўша Қора Қоплон.— Унинг кўзлари совуқ йилтираб кетди.— Менинг ишқимни хор қилдингиз.

— Нима ҳам қила олардим. Суқсурдай хотинингиз, гулдай-гулдай учта болангиз бор эди...— деди Зулфизар лаблари титраб. Қора Қоплон хираликда давом этди.

— Мен сизни жонимдан ортиқ севардим. Сиз мени тоғ-тошга ташлаб, қаёқдаги масхарабозлар билан қочиб кетдингиз, бузуқлик йўлини танладингиз.

— Мен бузуқлик қилганим йўқ, йўлим пок йўл, унақа деманг.

— Бас! Мана, ишқингиз ғолиб келди, сизни деб яна бегона шаҳарларда сарсон бўлиб юрибман, неча ойдан буён изма-из қувлайман, соянгиздай ҳамиша ҳамроҳману, назарингизга илмайсиз. Мана, охири муродим ҳосил бўлди, қўлга туширдим, лекин бу осонликча бўлмади. Минг-минглаб дунё тўқдим.

— Матлабингиз нима?

— Матлабимми? Сизни ёмон йўлдан қайтариб, савоб топиш. Сиз ёш жонингизга жабр қилманг. Ота-онангизни эл-юрт олдида юзини ерга қаратиб, қаддини букдингиз. Сизни Самарқанддан ўзимизнинг Қўқонга — Мастура онангиз ёнига олиб кетаман!

— Қетмасам-чи? Ахир, яхшигина ўқиб, ишлаб юрибман-ку?

— Қетасиз, тасаддуғингиз кетай, кетасиз, ундан ҳажга кетамиз, оппоқ қиз!

— Ҳажда нима қиламан!

— Равзага юзингизни суртиб пок бўласиз. Менинг офатижон, дўндик хотиним бўлиб, уйда ўтирасиз. Мен эсам, умрим борича қулингиз бўлиб хизматингизни қиламан. Ипак отган кўйлақликлар, олтин зебу зийнатларга кўмиб ташлайман.

— Йўқ, сиз мени қул қилмоқчисиз, тўғриси айтсам, яна бурунгидай пул қилмоқчисиз! Ҳозир тилингиздан бол томаётган бўлса ҳам, ичингизни кўриб турибман — у ерда оч бўрилар улиб ётибди. Сиздан илтимос қиламан, мени олтин қафасга соламан, деб беҳуда уринманг. Мен озод қушчаман, эркинликнинг лаззатини озми-кўпми татиб қўйдим, энди бу қафасда туришга бардошим етмайди.

— Ахир у ишқ-муҳаббат қафаси-ку! Наҳотки, ҳалол муҳаббатдан кўра ҳою-ҳавасни, ҳар куни бир бузуқ йигит қучоғини обод қилишни ортиқ кўрсангиз?— деди Қора Қоплон заҳрини аранг ютиб. Зулфизар унинг ичидаги кин-адоват, заҳарни лайқамай сал дадилланди.

— Озодлик бўлмаган жойда ҳақиқий муҳаббат ҳам бўлмас,— деди киноямуз.

— Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи! Устозингиз Ҳамзапнинг сўзини китоб сўзидай кўрагингизга жо қилиб олибсиз-да, пошшоҳон!

— Устозим ҳақ бўлгандан кейин...

— Биламиз ўша имонсиз устозингизни!— деди Қора Қоплон Зулфизарнинг сўзини шартга кесиб.— Ёш қиз-жувонларни йўлдан уриб, домига туширадиган бир хотинбоз устозингиз-да, ўша! Тиятр баҳона, уларни ўйнатиб нафсини қондириб юрибди у фосиқ. Тупураман ўша сен айтган санъатга!— Унинг кўзларига қон тўлди. У қаҳрланиб кетган эди.

— Санъатни ҳақорат қилманг. Ҳамзага туҳмат қилияпсиз...

— Бас! Шарманда! Шунча ади-бади айтишиб ўтирганимиз етар! Ё мен билан ҳозир Қўқонга кетасану, измимдан чиқмайдиган хотиним бўласан. Поездга иккита билет тайёр. Ё бўлмаса, сени бир бузуқ, са-танг, шарманда қатори мана шу ҳужрада расво қиламан. Шунга амин бўлгинки, сени тирик ҳолда бу дунёда ҳеч кимга бермайман. Сен ўла-сан! Мана, кўриб қўй!— Қора Қоплон катта пичогини суғуриб, Зулфи-зарнинг бўғзига тақади.— Нега миқ этмайсан? Гапир!

— Кутиб турибман.

— Нимани?

— Нимани бўларди, жаллод. Муҳаббат, муҳаббат деб оғиз кўпир-тириб ялаб-юлқамоқчи бўласан-у, қўлингда пичоқ. Ҳаммаси маълум. Ниятинг ҳам энди менга аён... Фақат муҳаббатни харом қилма. Ҳамза аканинг душманлари сени ёллаган, ақчани аямай йўлга солган. Уша-ларнинг ювиндисини оқлашинг керак!— Зулфизар бўйнида пичоқнинг совуқ тиғи тақалиб турганига қарамай дадил гапирди. У пичоқнинг ху-нук бетига тик қаради. Бунинг охири нима бўлиши мумкинлигини ўй-ламади, балким бунга фурсати йўқ эди.

— Ҳамзанг ҳам ўлади, ҳамманг ўласан,— деди Қора Қоплон қиз-нинг дадиллигидан ҳайратланиб. У буни кутмаган эди, ялиниб-ёлбора-ди, оёғимга юзини суркайди, жони кўзига ширин кўринади, деб ўйлаган-ди. Зулфизар эса, аксинча қилди, пичоққа бўғзини тутиб берди. Ичи-даги гапини айтиб олишга шошиларди у.

— Мана энди чин башаранг равшан бўлди. Биламан, Ҳамза акани ҳам ўлдирасанлар! Ахир у бечорада нима гуноҳ, у шўринг қурғур хал-қига, мазлумларга бахт, ёруғ кун тилайди. Бор-йўқ гуноҳи шу унинг. Мана, ўлдир! Мен кўрқмайман ўлимдан. Биламан, бутун кирдикорла-рингдан хабарим бор, Содиқжон бойваччанинг қотили ҳам сенсан, сен қирқ саккиз қизил аскарни мазорга қўшиб куйдирган жаллод кўрбоши Қоплонбексан!

— Учир унингни, манжалақи — деди Қора Қоплон телба-ланиб.

У ҳали Зулфизарни анча эрмак қилмоқчи эди. Ўзининг шум нияти-ни амалга оширмоқчи, кейин бир зарб билан уни тамом қилмоқчи эди. Унинг ўйлагани бўлмади, тўғриси, Зулфизар бунга имкон бермади. Ўр-нидан даст туриб, телбалардек пичоққа ёпишди, «Ҳамза ака!» деб қич-қирди-да, ўзини жони борича ҳужранинг эшиги томон отди, отдию ўша онда ерга гурсиллаб ағдарилди. Қора Қоплон ғазаб, кўрқув, ҳадикдан қалт-қалт титраб, унинг сочларидан чангаллаб, тошдек мушти билан бошига бир урди.

— Охирги марта сўрайман,— деди у ҳансираб,— Зулфизар, бу шар-манда йўлдан қайт! Менга шаърий хотин бўл! Санъат-панъатингни ташла, ичкарига кир!

— Йўқ, бу йўлга ундан қайтиш учун кирмаганман. Ичкаридан унга яна қайтиб кириш учун чиқмаганман. Санъат йўлида жон бериш бор, лекин ундан қайтиш йўқ!

Қора Қоплон аввалига қўлида ушлаб турган сочини шартта қирқиб ташлади, сўнг бўғиб, товушини ўчирди-да, ана шундан кейин дудамани Зулфизарнинг бўғзига босди. «Мана сенга артистик!» деб тўғри келган ерига ботира бошлади. Зулфизар аллақачон тугаган эди. Қора Қоплон ногоҳ унга қараб, кўрқиб кетди. У таниб бўлмас даражада чавақланиб ташланганди... «Увалло ялиндим, кўнмадинг. Бунга ўзинг сабабчисан, мен эмас», деди у фикран. Бу фикр билан маънавий қаноатланди-да, ясама соқолини иягига илиб, ҳужрадан аста чиқди, эшикни маҳкам-лаб ёпиб, ўзини қоронғилик қаърига отди.

* * *

— Зулфизарни ўлдириб кетишибди!

Ҳамза бу машъум хабарни эшитиб, бир лаҳза қотиб қолди. Заҳарли бир ҳис юрагига чанг солган эди. Юзларида жудолик алами. Ғам-қайғу кўзларидан қайноқ кўз ёши бўлиб оқарди.

Айниқса, Саодатхон бу мусибатга чидолмади. Зулфизарнинг тобути ёнида озодлик душманлари дастидан «дод!» деб қон-қон йиғлади, ёқасини чок қилиб, сочини юлди, кейин ҳушидан кетиб йиқилди.

Ҳаво булут, оламни туман қоплагандай нимқоронғи. Жуда пастга тушиб қолган қора булут увадаларини шамол худди подадай олдига солиб ҳайдайди. Бутун Самарқанд Зулфизарга мотам тутгандай, кўчаларда одатдаги ғовур-ғувур йўқ, ҳатто кўча четидаги дарахтлар ҳам бош эгиб тургандай...

Тобут почасининг бирини Ҳамза, бирини Соколов, бирини Назирий, яна бирини Хўжаев кўтарган. Уларнинг орқасидан минг-минглаб одам кўчадан оқиб борарди. Улар орасида Зулфизарнинг дугоналари, артистлар ҳам кўзга ташланади. Кўпчиликнинг юзида мунг, кўзида ёш, оҳиста одим ташлайди...

Зулфизарни қабристонга элтиб, дафн қилиб келишганда ҳавонинг авзойи бузилиб, қоп-қоронғи бўлиб қолди. Ҳамза уйга кириб тўғри роялнинг олдига борди-да, унга узоқ тикилиб қолди. Оҳиста курсига ўтириб, қопқоғини очди. У хаёлини зўрға жиловлаб олди.

Бармоқлари роялнинг тиллари устидан секин сузиб ўта бошлади.

Аллақандай ҳазин бир куй хонани тўлдирди. Ҳамзанинг кўзида жиққа ёш, бармоқлари бугунги мусибатни худди шу музика асбобига парчинламоқчи бўлгандай шахт билан ҳаракат қилар эди. У бутун тун бўйи рояль олдидан турмади. Такрор-такрор чалгани сайин, бу куйнинг мунги унинг кўзларидаги ёш ҳалқаларини худди силкитиб юборгандай дув тўкар эди. Ҳамза йиғлар эди. У чалаётган рояль ҳам йиғларди. Мана, ниҳоят, куйнинг охирида мунгли садолардан кейин даҳшатли бўронни эслатувчи гулдурослар янгради, сўнг у қалбада оғир тошдай чўкиб ётган ғамни, алам, андуҳни қувиб чиқарди. Пардалардан оқиб чиқаётган куй энди қалбга қуйилиб кириб, у ердан зулматни ҳайдади. Шу пайт Шарқ томондан тонг бўзариб, тоғ орқасига қуёш ўзининг олтин байроғини тикди. Бир фурсатдан сўнг Ҳамзанинг қоронғи кулбасига бир этак заррин нурларини тўкди...

Шердор мадрасаси остонасида Соколов бир лаҳза тўхтади-ю, Ҳамзанинг хонасига қараб, уни кўриб қолди, олдига борди.

Ҳамза ҳорғин, ҳаяжонли, лекин бугунги тун заҳматидан мамнун ўтирар эди.

Соколов унинг олдига кирди, ҳамон ёниб турган шамни пуфлаб ўчирди.

— Ухламадингми?..

— Йўқ... Ухлай олмас эдим... У ҳамма вақт кўз олдимга келиб туриб олди. Биз бу янгиликларга қандай катта қурбонлар бериш эвазига эга бўляпмиз-а, қарагин...

— Шундай, дўстим. Душман панага биқиниб олиб, нақ юракни мўлжаллаб уряпти. Аммо очиқ жойда у биздан кўрқади... Лекин биз ҳамма вақт ҳушёр бўлишимиз керак...

Уйга кириб келган Саодат Соколовни кўриб, севишиб кетди.

— Салом, Степан Петрович... Келганингиз яхши бўлибди. Қани, ўтиринг, бир пиёла аччиқ чой...

— Йўқ, овора бўлиб уринманг, азизларим. Мен сизлар билан хайрлашгани кирдим, вақт зиқ,— деб жавоб қилди Соколов.

— Қаерга кетяпсиз, яна?— деб сўради Ҳамза ҳайрон бўлиб.

— Москвага. Шошилинич иш билан чақиришибди. Тез кунда қайтаман,— деди Соколов кўзини қисиб. Кейин қўшиб қўйди.— Китобларинг нашр қилинади. Назирийга кўрсатма берилди.

Ҳамза ўйланиб турди-да, дўстига қаради:

— Мен ҳам жўнасам деб турибман. Бу ерда жуда қийналиб кетдим. Музыка билан жиддий шуғулланмоқчиман. Халқ куйларини, қўшиқларини тўпламоқчиман.

— Қаерга жўнамоқчисан?

— Фарғонага бораман, ўшанақаси Шоҳимардонга ўтсам керак.

— Шоҳимардонга?— Соколов кўзларини катта-катта очиб, Ҳамзага хавотир билан қараб қолди.

Орага оғир жимлик чўкди. Соколов Ҳамзанинг елкасига қўлини ташлади-да, деди:

— Бир оз шошмай тур, мен тез кунда қайтиб келаман. Кейин бу тўғрида бафуржа маслаҳатлашамиз, ҳўпми? Энди менга рухсат, ҳаяллаб қолдим.

Соколов Саодатнинг олдига бориб, у билан қўл бериб хайрлашди-да, эшик томон йўналди. Ҳамза уни кузатиб ташқарига чиқди.

Соколов Ҳамза билан қучоқлашиб хайрлашди, унинг елкасига қоқиб, ҳалиги гапни қаттиқ тайинлади:

— Мен келгунча ҳеч қаёққа жилма, кейин бир тўхтамга келармиз, ҳўпми.

У қайта-қайта хайрлашиб, жўнаб кетди...

Учинчи боб

Кураш

Олчинбек Назирий мугуз гардишли қора кўзойнагини стол устига қўйиб телефон трубкасини олди-да, аллақандай номерни терди. Унинг оёғида ялтироқ этик, эғнида дид билан тикилган нархи баланд костюм, ҳаммаси нав нусха, тахи бузилмаган, игнадан янги чиққан. Истаган одами трубкани олди чамаси, қибрили овоз билан қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади.

— Нима дейсиз? Ҳамзанинг китоби? Йўқ! Асло! Тўпламни нашр қилишга шошмаслик керак. А? Ким қистаяпти? Нима? Ахир ўртоқ Соколов бизнинг тилимизни билмайди-ку, у танишган бўлса, сўзма-сўз таржимасини ўқиган. Умумий мазмунини билади, шакли ҳақида ўйлаб кўриш керак ҳали. Ҳа! Ўртоқ Ленин мазмунни шаклдан ажратмаслик кераклиги тўғрисида таълим берган. Ҳа, мана шунақа... Демак, алоҳида кўрсатма берилмагунча нашр қилмай турасиз. Ҳа, шундай. Йўқ, йўқ, деяпман-ку, ахир. Уқдингизми?

Назирий трубкани илиб қўйди-да, пешонасидаги терларни артди. Шу пайт унинг кабинетига Шавкат билан шоир Урфон кириб келди. Улар, хусусан Шавкат ичкарига кириши билан жағи тинмай жавраб кетди.

— Олим, фозилларни беҳурмат қиладиган, одоб ва маошаратдан беҳабар тўнг кимса билан худо ҳаттоки гўр қўшни қилмасин.

Шавкат эғнидаги банорас авра-астарли чопонининг ички чўнтагидан бир варақ қоғозни чиқариб писанда билан «тап» эткизиб стол устига қўйди-да:

— Бизни хизматдан бўшатиш, мана ариза! Мендай даққи бўлиб қолган одамдан энди, рухсатингиз билан биз сизга арз қилсак, миллатга наф йўқ,— деди овозини баланд кўтариб. Урфон уни қувватлаб тушди:

— Бундай бемаънигарчиликка чек қўйиш керак! Бас-да! Бошқаларнинг жони жон эмас эканми?— Унинг кўзида гўладек оқи ўйноқлаб, салқи юзидан қон қочди.

— Ахир бу Ҳамзанинг галваю жанжалидан қутуламанми-йўқми,— деди Шавкат қўлидаги учи попукли садаф тасбеҳни зарда билан ўғираркан, яна баланддан келиб:

— Менга Хоразмда кун бермади. Энди Самарқандда ҳам тинч қўймайди, мени бу девсифат Ҳамза!— деди тўнғиллаб.

Олчинбек уларни вазминлик билан тинчлантирди. Мулойим товуш билан насиҳат қилди:

— Тинчланинг, дўстлар. Нима гап ўзи? Ғазабингиз мунча шуъла урмаса...

Урфон китобни кўрсатиб бир варакайга бидирлаб кетди:

— Мана бу китобни ҳамма билади, ўқиган. «Ўзбек халқи санъатининг тарихи!» Муҳтарам устод Шавкат афандининг пурҳикмат китоблари. Юнон файласуфи Суқротдан тортиб Хўжа Аҳмад Яссавийгача бу китобда муҳим гаплар бор. Кўряпсизми, бу керакли китоб Ҳамзанинг таъбига тўғри келмаган эмиш!

— Э-ҳа, гап бу ёқда денглар, жиққа муштга тушибсизлар-да. Нима учун тўғри келмабди!— деди Олчинбек ранги оқариб.

— Бу китоб халқ зеҳнига ўтирмас эмиш, синфий кураш йўқ эмиш,— деди Урфон.— Ҳамза худди шундай деб айтди! Қизиқ, ўзбекда синфий кураш нима қилсин. Ҳайронман, ўзбек ўзининг эзилгани етмай, энди бир-бири билан ёқалашадими?

— Уни сиз таҳрир қилганлигингизни билганида, роса масхара қилиб куларди,— деб қўшиб қўйди Шавкат.

— Ҳа, Ҳадафга тўғри урасиз. Ҳамза Самарқандга келгандан бери узун қулоқ сўзлар бесаришта кўпайиб кетди. Майли, ҳали кўрамиз!— деди Олчинбек ҳар иккаласига мурожаат қилиб.— Шунга ҳам хафа бўлиб юрибсизми. Ҳамза ҳақ. Ўзбек ҳам бир-бири билан курашади. Мана Ҳамза билан курашяпсиз-ку. Яна нима дейсиз. Ҳаёт курашлардан, зиддиятлардан, қарама-қаршиликлардан иборат. Буни диалектика дейдилар. Бу буюк ҳикматни очган юнон алломасини, ахир, биласиз-ку. Динсиз, худосиз Лансагор, Арастулар таълимоти амир Алишер Навоий, Улуғбек, Али Қушчидек забардаст зотларни йўлдан адаштирди, имонига чанг солди.

— Гераклит... Лекин, масалан, мен Гераклитни тан олмайман. Демокритнинг тарафдори эмасман. Суқрот, Пифагор, Афлотун руҳига таъзим қиламан,— деди киноя билан Шавкат.

Нима бало, сиз ҳам ҳақим Суқрот сингари қамоқхонада заҳар ичиб ўлмоқчимисиз? Ҳа-ҳа-ҳа!— ўзининг лутф сўзидан завқланиб кулди Олчинбек.

— Тангри ўз паноҳида асрасин,— деб қўйди Шавкат.

— Баракалла, енгилсангиз, билкул йўқ бўласиз, енгилсангиз йўқ қиласиз, ўзингиз яшайсиз... Бу чаппа дунёда фалокатдан танг қолмай десангиз, Суқротни эмас, Марксни, Ленинни ўқинг, тақсир!

Назирийнинг бу насиҳатини Шавкат эшитмасликка олиб, гинасини давом эттирди.

— Кўпчилик бизнинг фикримизга қарши чиқди. Улар Ҳамзани қўллаб-қувватлашди. Садриддин Айний бўлса, уни ҳатто янги даврнинг азамат шоири, деб эълон қилди. Дилни тилка пора қилиб ситиб чиқмаган шеър, шеър эмас. Ҳамзанинг шеърлари бўлса сўз бўтқаси!

— Залдагилар унинг бу гапига қандай муносабат кўрсатишди?— деб сўради Олчинбек Назирий.

— Ҳамма гулдурос қарсақ чалди,— деди Урфон тўнғиллаб.

Шу пайт кабинетга Ҳамза отилиб кириб келди. Шавкат билан Урфон ҳеч нарса билмагандек юмшоқ креслоларга ўтиришди.

— Ассалому алайкўм, ўртоқ Назирий!— деди Ҳамза кескин оҳангда.— Тўғри айтасиз, Шавкат, дилни йиғлатмаган шеър шеър эмас, шунингдек дилга руҳ, завқ, ором, қувват бахш этмаган шеър ҳам шеър эмас, марсиядир. Мен ҳаёт, кураш ҳақида шеър ёзаман.

— Сизни кўрганимдан гоят мамнунман. Марҳамат, Ҳамзахон,— дея илтифот кўрсатди Олчинбек Назирий.— Қани, ўтиринг. Эшитишимча, сизлар баҳслашиб қолибсизлар...

— Йўқ, баҳс эмас, жанг қилдик,— деди Ҳамза кескинлик билан.

— Нима ҳақда баҳслашдингиз?

— Шавкат афандининг китоби тўғрисида. Менимча, бундан баттар сохта асар бўлмайди.

Назирийнинг оғзи очилиб қолди. Яна ўзини йиғиштириб олиб, Ҳамзага тикилди.

— Хўш-хўш, сиздан ҳали фавқулодда бир ҳикмат эшитгандайман, лекин биласизми, Ҳамзахон, буни исботлаш керак.

Назирий вазиятни юмшатиш учун уни атайлаб, «Ҳамзахон» деб атади. Бу билан иккаласининг маслакдошлик йилларини писанда қилмоқчи, Ҳамзани ҳовридан туширмоқчи эди, лекин Ҳамза ҳовридан туншадиган ҳолатда эмасди. У бир байт келтирди:

Киши яхшилиги ишидан маълум,
Яхши йил баҳору қишидан маълум.

Кейин қизишиб, давом этди:

— Исбот керак бўлса, мана, эшитинг,— деди Ҳамза зарда билан. Назирийнинг олдига асарнинг нуқсонларини тизиб ташлайверди.— Ўзбек халқининг санъати тарихи бузиб кўрсатилган, синфий кураш ҳақида бир калима ҳам гап йўқ. Рус маданиятининг таъсири қани ахир? У эмасми бизни курашга ўргатган? Мана, эшитинг, мавлоно Шавкат классикамиз ҳақида нима дейди? Унингча, Навоий асарлари халққа керак эмас! У адабий мероснинг устига чизиқ тортади. Буларнинг барчаси ёлғон! Бу — душман тегирмонига сув қуйишдир. Хўш, агар мавлоно Шавкат ана шу мақсадни назарда тутар экан, у ҳолда, ўзининг бу китобини нима учун Ўзбекистонда нашр эттирди?

Ҳамзанинг сўзи Шавкатни ўйлантириб қўйди. У анчагача ғиқ этмади. Ҳамза унга тикилиб турар эди. Шавкат бошини кўтарди ва Ҳамзага жавоб берди.

— Ҳамза афанди, Навоийнинг мистиқ руҳ билан йўғрилган ғазалларини зинҳор нашр этиб бўлмайди! Бизнинг замондошимиз унга туншунмайди. Улар биз, большевикларга мафкуравий жиҳатдан ҳам бергана,— деди Шавкат истеҳзо билан.

Ҳамза Шавкатнинг бу сохта «қизил» сўзидан қаттиқ ғазабланди-ю, лекин ўзини қўлга олди-да, киноа билан эътироз билдириб сўради.

— Сизга ким ёқади ўзи, Шавкат?

— Ҳеч ким! Ҳеч кимни ёқтирмайман. Ҳатто сизни ҳам, Ҳамза!— деди илондек совуқ тус олиб, калондимоғ Шавкат.

— Ҳеч кимни ёқтирмайдиган киши ҳеч кимга ёқмайдиган кишидан бахтсизроқ,— деди Ҳамза ҳам фурсатни қўлдан бой бермай узиб олиб.

— Тўғри, мен сиздан бахтсизроқман... Сизнинг кўчангизда тўй, карнай устига карнай...— учирик қилди Шавкат.

Ҳамза ён бермади. Қатъияти, дадил мантиқи билан уни бурчакка қисиб қўйди:

— Ўзининг қонуний меросига қандай муносабатда бўлишни халқнинг ўзи билиб олади. Зинҳор-зинҳор бу хил ўта зарарли фикрларни ёқламайди. Навоий яратган Фарҳод, Мажнун, Ширин ва Лайли тим-соллари ҳам, сизнингча, хурофотми? Буларни ҳам улоқтириб ташлайликми? Биз, Лениннинг кўрсатмаларига амал қилиб, халқнинг маданий меросини кўз қорачиғидек сақлашимиз лозим-ку.

Ҳамза Шавкатни қарийб мот қила ёзди. Шавкат ҳеч нарса демади, сиз нима дейсиз, дегандек қилиб Назирийга қаради.

Назирий баҳснинг кескин тус олиб кетишини истамас эди. Шунинг учун гапни бошқа ёққа буриб юборишга шошилди:

— Азизлар, етар, арзимаган кичкина бир гап билан дўстлар муноқаша қилиб ўлтирсалар яхши эмас, муноқашани қўяйлик, дўстини ёмонлагандан ҳеч яхшилик кутма, деган. Ҳа, бу оталар сўзи,— деди-да, Ҳамзага қараб қўйди. «Ҳамза улуғворлик сотяпти. Бунинг қитиқ патини ўлдириб, ром қилиб олишим керак»,— деган фикр ялт этиб ўтди унинг миясидан.— Гап бундай, азиз дўстим Ҳамза, сизнинг асарларингизни ўқиб чиқдим, бунга афсусланмайман. Умуман олганда, уларнинг барчаси менга маъқул. «Бой ила хизматчи» ажойиб, «Майсара» гўзал, «Фаргона фожиалари» нуқул ҳақиқат. Нашр этамиз, деган ниятдамиз, уларни саҳнага ҳам қўямиз. Сизга катта қалам ҳаққи тўлаймиз, лекин, ўтиниб сўрайман, ўрталарингдаги гина-қудуратларни кўтариб ташланглар. Яхши эмас, ади-бади айтиб юриш. Бир соҳанинг одамимиз, ахир...

— Яъни қандай, ўртоқ Олчинбек Назирий! Сиз курашни шунчаки муноқаша деб ҳисоблаётисиз чамаси? Дўстлик ҳақидаги мақолни эсга солдингиз... Лекин қалбаки дўстлик туз қўшилган асал, деган ҳикматли сўз ҳам бор.

— Бўлди, ўртоқ Ҳамза,— деди Олчинбек, овозига расмий тус бериб, ахир маслаҳатга юриш керак-да. Сиз бир нарсани унутмангки, биз ҳаммамиз бир миллатнинг фарзандимиз... Дўстмиз, гумон дўстни дўстан ажратади.

— Тўғри, дарахт илдизи билан кучли, одам дўстлари билан. Лекин бизлар ҳар хил илдизлардан ўсиб етишганмиз! Фикрларимиз ҳар хил.

— Биламан,— деди Шавкат тиржайиб.— Ленинни мен ҳам ўқиганман. Ҳар бир миллий маданиятда, гарчи ривожланмаган бўлса-да, демократик ва социалистик маданият унсурлари бор, чунки ҳар бир миллатда меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи омма бор, бу омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократик ва социалистик идеологияни туғдиради, деган маълум таълимотни яхши биласиз. Шунинг учун ҳам илдизимиз бошқа.

— Тўғри айтасиз, мавлоно,— деди Ҳамза ачитиб туриб.— Сиз, жадидларнинг яна бир машҳур устозининг «биз, мусулмонларга коммунистлар партиясига кириш катта зарар етказди. Иштирокион программаси шариатга хилофдир», деган таълимотини биласиз. Ҳа, сиз бунга Хоразмда ўзингиз маориф нозири бўлиб турганингизда ҳам амал қилгансиз. Бунга юзингизга солмасликка менинг виждоним йўл бермайди.

— Чунки товон тешарсиз, Ҳамза сиз,— деди Шавкат.

— Ўҳ-ҳў, яширин таҳаллусимни ҳам билдиришибди-да.

— Товон тешар — сув чаёни эканингизни ким билмайди. Миллатдошларнинг товонини тешасиз.

— Йўқ, хоинлар, мунофиқларнинг товонини тешмоқ мақсадим. Чунки виждондан бўлак ҳамма нарсани сув билан ювиб тозалаш мумкин. Аммо виждонни-чи... Йўқ.

— Агар сизда виждон бўлса нозирлигингиздан фойдаланиб...

Ҳамзанинг бу гапи Шавкатга худди илон чаққандек таъсир қилиб, у сапчиб ўрнидан туриб кетди. Ҳамза ҳам ўзини тутиб туролмади.

— Шанги кампирдан фарқингиз йўқ.

— Одамнинг ҳусни — инсоф, инсоф билан гапиринг, бу сўзингиз учун мушт еб қолишингиз мумкин-а.

Назирий ҳам Ҳамзага бир ўқрайиб қўйди-да, ҳаммага эшитарли қилиб тўнғиллади...

— Ҳа... Бундай гапларни айтишга фақат хоиннинггина оғзи боради.

— Аҳа, қалай, ёмон ботиб кетдимиз? Ундай бўлса мана эшитинг,— деди Ҳамза чўрт кесиб.— Бизнинг санъатимизда Шавкат билан Урфонга ўхшаганларга ўрин бўлмаслиги керак.

Шавкат газабдан титраб, бақириб юборди:

— Жим бўлинг! Айиқ тулумига ўхшаган дарди йўқ, ҳиссиёти йўқ, шимиға қовун боғлаб олган одам!

Бундай аччиқ гапни биринчи марта эшитган Ҳамза ўрнида шайндай қотиб қолган эди. Ахири у эс-ҳушини жамлаб олди-да, Шавкатга яқин бориб, унга тик қаради. Паст овоз билан чертиб-чертиб гап қотди.

— Менинг тили қисиклик ерим йўқ. Сиз, ота-боболар тупроғини савдога қўювчи уятсизлар қўрқишларингиз керак. Менинг виждоним пок. Мен туғилиб ўсган еримга содиқман!

Ҳамза Олчинбекдан асарларини талаб қилди.

— Менинг асарларимни қайтариб беринг.

Назирий энди ўзини босиб туролмади, сакраб ўрнидан туриб кетди-да, Ҳамзанинг стол устида ётган дафтарларини олиб ерга улоқтириб юборди.

— Мана, марҳамат, олинг мана бу «Майсара»нгиз, мана бу ўзбек халқини ҳақоратлаб ерга урган «Паранжи сири» деган бўлмағур лаш-лушларингиз! Тағин бу киши фирқалик даъво қиладилар.

Ҳамзанинг дили қаттиқ оғриб, ичи ўртаниб кетди.

— Бўлмағур лаш-луш? Демак, дудмал ваъдалар менинг кўнглимни овлаш учун экан-да. Мен анойи эмасман! Тўғри, асарларим, балки ўртачадир, бенуқсон эмасдир. Бироқ кишининг тўни ямоқ бўлса ҳам, дили ямоқ бўлмасин. Ҳа, мен фирқага аъзман. Лекин сизмас. Маориф комиссарининг муовини Олчинбек Назирий. Содиқжон бойваччанинг ялоқхўри!

— Шоир эмас, туҳматчи, ифвогарсиз! Шунинг учун ҳам фирқадан ҳайдаш керак сизни,— дағ-дағ қилди Назирий.— Сиздек, нопок одамларга шўролар адабиётида ўрин йўқ! Устингиздан бир қоп материал бор!

Бу билан, у гўё Ҳамзани енггандай, майда тишларини кўрсатиб тиржайди.

Олчинбек очиқ фитначилик йўлига ўтганидан Ҳамза унинг қуруқлигини аён кўриб турарди. Ўзини вазмин тутиб, Назирий нимага шамма қилаётганини сезиб қолди. «Бир қоп материал бор» деган ибора унга заррача ҳам таъсир қилмади.

Лекин ўша «материал» кимлар томонидан тўқилганини Олчинбекка изоҳлаб беришни лозим топди-да, вазминлик билан тушунтирди.

— Мен «Хива инқилоби» деган асаримда ўша бевурд, расво, халқнинг этини омбир билан бураб, эзиб, мутаб, қонларини ичиб ётган сохта инқилобчиларнинг юзидаги пардасини йиртиб ташладим, уларнинг ҳақиқий башараларини халқ олдида фош қилдим. Мен халқ учун мактаб очдим, театр очдим. Жафокаш халқимдан қўлимдан келган хизматимни аямадим. Лекин душманимни ҳам аямадим. Аямайман ҳам. Шавкат афанди бўладими, отахон шоирингиз Урфон бўладими, ҳатто жаноб

комиссар, сиз бўласизми, кимки шўрога қарши турса, ўшанга тинчлик бермайман. Шундай, Содиқжон бойваччанинг пичоғи!

Охирги иборадан Олчинбек бир сапчиб тушди, ҳужумдан энди ҳимояга ўтди.

— Елғон! Тухмат! Мен Содиқжон бойваччанинг қўлида эзилган қул, хизматкори бўлганман. Сиз эмас, мен қамаганман, мен!

— Тўғри, Олчинбек! Унинг ўлимига сабаб бўлган ҳам, хотини Шаҳзодага илакишиб юриб, унинг сандиқ-сандиқ олтинларига эга бўлган қалбаки инқилобчи ҳам сиз бўлгансиз!..

— Йўқол, лаънати, фисиқ-пасодчи!— Олчинбек стол устида турган сиёҳдонга ёпишди.

— Ҳа, шунақа! Ҳақни айтсанг урарлар! То танамда жоним бор экан, сиздақа бебурд, ясама, қалби кирларга омонлик бермайман!

У кескин бурилиб, эшикни қарсиллатиб ёпди-да, ташқарига чиқиб кетди. Соколовнинг ҳалиги гапидан қаноатланиб келган эди у бу ерга. Булар эса, унинг ана шу қанотларини қайиришди, умидларини пучга чиқаришди...



Самарқанд кўчаларига қуёш гўё олов селини пуркар, ҳаво мисдай қизиб, барча жонзот ўзини панага олган. Ҳамза куннинг иссиғига қарамай, худди шошилиш иш билан бир ёққа кетаётгандай Самарқанд кўчаларида шитоб билан юриб борар эди. Унинг ёқаси вайрон, дилини алам зулмати қоплаган, гоҳ у кўчага, гоҳ бу кўчага бурилар, қаёққа бораётганини ҳам билмас, кўнглида бир-бирига қарама-қарши шубҳалар, изтироблар қайнаб тошарди.

«Бу қандай гап, адолат, ҳақиқат замонини тиклаган эдик-ку, ахир! Золимлар, бадкирдорлар даври яқсон қилинган эди-ку?.. Ут демай, сув демай халқ учун инқилоб йўлида жонни биз фидо қилсагу, унинг роҳатини бировлар, ўроқда йўқ, машоқда йўқ кимсалар кўради? Шавкат қори шўрога ким? Унинг нима ҳақи бор менга таъна қилишга. Ахир, қайси гуноҳим учун менга ишонишмайди, гумонсирашади, шўро маҳкамаларида бири комиссар, бири бошлиқ бўлиб ўтирганлар ёмон кўришади, таъқиб остига олишади? Бойлар, подшо амалдорлари, шайху эшонлар, жадиду миллатчилардан тортган кулфатлар етмасмиди менга? Ё бўлмаса, асарларим чиндан ҳам ожиздир. Шавкат, Урфон, Олчинбек Назирийларнинг отаётган таъна тошлари балки жоиздир. Ундай бўлса, нега улар халққа ёқади? Оддий фуқаро уларни астойдил севади-ку, ахир!»

Ҳамза кўнглида қайнаб тошаётган изтироб аламидан худди маст кишидай чайқалиб, гандираклаб илгарилар экан, ёнидан тез-тез рўмолчасини чиқарар, теварак-атрофга қараб-қараб қўйиб, намли кўзларини артар эди.

Ҳамза зарда билан эшикни ёпиб чиқиб кетгач, қабулхонада туриб ҳамма гапни эшитган Саодатхон индамай Олчинбекнинг кабинетига кириб, ерда сочилиб ётган дафтарларни йиғштириб олар экан, аламига чидолмай, Назирийни ачитиб-ачитиб, кўнглини бўшатгиси келди:

— Бу ердаги ҳар битта мисра унинг ёрак қони билан ёзилган,— деди Саодатхон.— Агар сизлар бунинг қадрига етмасаларингиз, ёшлар етади, халқ етади. Бу қилмишларингиз учун келажак сизларни кечирмайди!— у шундай деди-да, уларнинг жавобларини ҳам кутмай эри Ҳамзанинг орқасидан югурди.

Саодатхон терлаб-пишиб, «Аббосхон! Аббосхон!» дея қичқирганича унинг орқасидан ҳаллослаб борарди. Ҳамзанинг қулоғига шу топда ҳеч

нарса кирмас, у ўзининг қарама-қарши ҳислари билан банд ҳолда боши оғган томонга интиларди. Уни яна мудҳиш хаёллар чулғаб олди.

«Йўқ, бу хўрлик, ҳақоратга асло тоқат қилиб бўлмайди. О, ҳасадчилар, ичи қоралар, ғаламислар!»

У борган сари кўтарилар, руҳи денгиздай беомон чайқалар, кўпирарди. Шу дамда хаёлида ҳаммаёқни бўрон ларзага келтирди, момақалдироқ гулдиради. Унинг кўзида чақмоқ ёнди-да, бехосдан қичқириб юборди:

— Қани ҳақиқат! Кимга дод дейман?! Қим менга қулоқ солади?! Асарларимни эмас, ўзимни улоқтириши нокерак буюмдай! Қимлар яна! Бойлар, муштумзўрларми, контрларми? Йўқ, йўқ! Шўро кишиси, бунинг устига бир идора раҳбари-я!— у энди ўпкасини босолмай йиғлаб юборди. Бир дам тўхтаб, кўз ёшларини артди. Босиб ўтган йўлини бир лаҳза хаёлдан ўтказди, кўз олдида Назирий, Шавкат, Урфон номён бўлиб, «ҳолинг шу экан-ку» дегандай сурбетлик билан тиржайиб қўйгандай бўлди. Хаёлидан «наҳотки бутун ишларим, умидларим, тупроққа кўмилса. Бутун ёзганларимни шулар йўқ қилиб юборишса... Наҳотки ишчи-деҳқон ҳукумати шулар қўлида қолса...» деган фикр чақмоқдай ўтди. У шу топда ўзини ҳар нарса қилишга тайёр эди. Оссинми ўзини, ё сувга ташласинми? Яхшиси, бир мисқол заҳар... Ҳаммасидан бира-тўласига қутилади-қўяди...

У бир қарорга келди... Фақат мана шу қарорни амалга ошириш қолди. Хўш, қандай қилиб? У қайсинисини танласин? Ҳамза хаёлларининг сарҳадига етгандай бўлди, ҳатто ўзини бир оз енгил ҳис қилди ҳам. «Соколов нима дейди бунга? Фрунзе-чи?» бу савол уни мот қилиб қўйди. Ҳозирги хаёллари хомлигини фаҳмлагандай бўлиб, кўзи очилиб кетди. Дилини қоплаб олган зулмат чекинди, чақмоқ тезлигида ишлаган онги ёришиб кетгандай бўлиб, руҳида ҳукмронлик қила бошлаган ноумидлик кайфиятини тонги тумандай тарқатиб юборди.

«Йўқ, йўқ!— деди у қатъий қилиб фикран.— Ҳамза, сен бу хом-хаёлларни унут!— Булар — кураш, кураш ва яна курашдир. Сен нега энди чекинмоқчи бўляпсан. Ҳамиша ҳужум қилиб келган одам эдингку, сен! Адашма, ўзингни тут, сабру бардош қил. Асарингни бугун бошишмаса, эртага босишади. Назирийнинг битта таънасига дош беролмай патинг тўзиб кетди-я! Эҳ афсус! Шу ўринда жиндек худбинлик қилдинг. Тан ол, ҳа! Аслида курашчи эътиқод учун курашади. Ўзини ўйламайди. Ўзини ўйладими бас, ўша онда у тор-мор бўлади. Сенинг олдинда ҳали каттакон курашлар турибди. Улардан омон чиқиш учун эътиқод, эзгу мақсадларинг ҳаққи, бардам бўлишинг керак. Ушанда сени ҳеч ким буколмайди. Қаддингни баланд кўтар!...»

Унинг кўз олдида Хоразмда бўлиб ўтган воқеалар суратланди.



...Хоразм. Қадимий юксак маданият ва санъат, хусусан, муסיқий ва рақс, халқ театрини авлоддан авлодга ўтказиб келган санъатнавоз Хоразм халқи не-не обидаларни яратмаган... Лекин булардан хонлар баҳра олганлар. Хива хонининг саройини хонандалар, созандалар, қизиқчи ва ўйинчилар беаганлар. Лекин шундай бўлишига қарамай, халқ профессионал театр ҳақида мутлақо тушунчага эга бўлмай қолаверган. XX аср бошларида Хоразм жадидларининг Россияга қилган кетма-кет сафарлари натижасида маърифатпарварлик майллари ривожланди, театр сингари маданий-оқартув воситаларига эҳтиёж кучайди. Бироқ хонлар истибдоди шароитида бу истакларни амалга оширишнинг имкони бўғиб ташланган эди. Театрга ва маорифга қизиқиб қарагани учун

хоннинг бош вазири Исломхўжа 1911 йилда мустабид хон томонидан қатл қилинди. Бу даврда Хивага татар артистлари келганлар, лекин улар фақат концертлар кўрсатиш билан чекланганлар. Бу концертга халқни йиғиш осон бўлмаган, «татар муллалари қуръон ўқиб берадилар», деб уларни концерт кўришга тўплаганлар.

1920 йил февралда Хивада инқилоб бўлиб, апрель ойида Шўро халқ республикаси тузилгач, янги маданият, маориф, санъат ишлари учун чинакам имконият туғилди. Аммо бу ишларни инқилобнинг дастлабки кунларидаёқ тезда бошлаб юборишнинг иложи йўқ эди, чунки жаҳолат гирдобиди маърифатдан бебаҳра қолиб келган халқ ичидан етишиб чиққан, инқилобни ёқлаб, уни ҳимоя қиладиган зиёлилар йўқ даражада эди. Шуни ҳисобга олиб, Туркфронт сиёсий бўлими Октябрь курашида пишган Ҳамза сингари маҳаллий коммунистларни маданий инқилоб ишларини ривожлантириб юборишга ёрдамлашиш учун Хоразм республикасига сафарбар қилган эди. Айниқса Ҳамза учун партиянинг бундай топшириғи айтилган бўлиб, уни бажаришга астойдил бел боғлади.

Ҳамза сиёсий бўлим йўлланмаси билан 1921 йил август ойида Хоразмга борди, у ерда маориф ишларини йўлга солиб юбориш, театрчиликни тиклаб, унга маҳаллий кадрларни жалб этишга, бу билан халқ онгини ёритишга киришиб иш бошлаб юборди...

Ҳамзанинг эсига ўзининг Хивага боргач, ишни нимадан бошлаганлиги тушиб кетди.

Хива. Унда на театр, на клуб бор. У хивалик бир-икки машшоқ ашулачини топиб, шу ерда «кеча» ўтказмоқчи бўлди. Лекин уни ўтказадиган жой йўқ эди. Уша ерлик катталар билан маслаҳатлашиб, Нуриллавойнинг ичкарисидидаги илгари хон оиласи турадиган жойни тузатди, у ерга саҳна қурди, саҳна олдини парда билан тўсди. У пайтда эълон-афиша деган нарса ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди. У битта жарчи топиб, Нуриллавойга боравер, Шерозий ашула айтиб беради», деб жар солдирди. Шерозий бошчилигида уч-тўрт киши кўчада гармон чалиб, ашула айтиб, халқни қизиқтириб, ичкарига олиб киришди.

Ҳамза Шерозийга:

— Сиз мана шу саҳнанинг олдида курсичада ўтирасиз. Қачон мен «чалинг» деганимда чаласиз, «тўхтанг» десам, тўхтайсиз,— деди.

Бирида гармон, бирида чилдирма, яна бирида балабон, саҳнанинг олдида чиқиб чалиб туришди. Халқ нима гаплигини билмайди. Шерозий пастда ашула айтиб турарди. Ҳамза саҳнанинг олдида чиқди. Шерозий ашулани тўхтатди. Шунда Ҳамза халққа қараб:

— Ҳозир бир манзара кўринади, шуни томоша қиласизлар,— деб эълон қилди. Кейин парда катта очилди. Саҳнада шундай манзара намойиш бўлди:

Бойнинг ери. Унда камбағал бир чол инқиллаб-синқиллаб меҳнат қилмоқда. Шу пайт иш тепасига бой келиб қолиб чолнинг ишидан кўнгли тўлмай, уни қамчи билан савалаб-савалаб чиқиб кетди. Бой чиқиб кетгач, ҳалиги мардикор чол халққа қараб шундай деди:

Ҳой ишчилар, эзилган меҳнатчилар,
Битсин золим бойлар, яша хизматчилар!

Бу нарса халққа қаттиқ таъсир қилди. Кўп кишилар кўзларига ёш олишди...

Лекин халқ онгини ёритиш, унинг йўлига чироқ тутиш йўлидаги бу биринчи қадамлардан у мамнун бўлса ҳам тўла қаноатлана олмасди. Ишни кенгроқ миқёсда олиб бориш учун санъатга ҳаваскор уч-тўрт

одам кифоя қилмаслигини англаган Ҳамза Тожизода раҳбарлигидаги труппани Хоразмга чақиртирди.

Бу воқеалар унинг кўз олдидан худди кинолентасидек бир лаҳзада ўтди...

Ҳамза мадорсизланиб, йўл ёқасидаги харсанг тош устига ўтирди. Ҳозир чеккан изтиробларидан асаблари узилар даражада таранглиниб кетган эди. У боши лўқиллаб оғриётганини энди сезди. Икки кафти билан бошини ушлаб сиққанича бир нафас жим бўлиб қолди. Шу топда унинг қалби бўм-бўш эди, бутун хаёллар, ўтмиш хотиралари, Олчинбек, Назирий, Шавкатлар аллақадёққа чекинган, у бир нуқтага ҳиссиз кўзларини тикканича жим ўтиради. Харсангга сада ола-чалпоқ соя ташлаб турган бўлишига қарамай, қуёш ғарб томон огиб қолган бўлса ҳам, олов сепини гўё унинг миясига пуркарди.

У шу алпозда ўтирар экан, Саодатхон қўлтиғида бир даста қоғоз, терлаб-пишиб етиб келди. Оҳиста бориб, унинг қўлтиғидан олди-да, индамай олдинга қараб юриб кетишди. Улар қанча юришди, Ҳамза билмас, бутун ихтиёрини Саодатхоннинг иродасига қўйиб берган эди. Юраюра бир маҳалда улар катта сув лабига чиқишди. У ерда азим туп тол ерга бутун кўланкасини ташлаб турар, унинг сояси одамни сеҳрлаб, ҳузурига чорлар эди.

Улар тол соясига бориб, кўкат устига ўтиришди. Пастда жимирлаб оқаётган лойқа сувдан ёқимли шабада эсиб, димоққа урилди. Ҳамза бошини кўтариб, салқин ҳавони тўйиб шимирди, юзларида жонланиш аломати аксланди. У Саодатга энди ўгирилиб қаради. Унинг қўлтиғидаги бир даста қоғозга кўзи тушиб сўради:

— Шундай пайтда нимани қўлтиқлаб юрибсан?

— Нима бўларди. Булар сизнинг қўлёмаларингиз-да,— деди Саодатхон, ўз ишидан мамнун одамдай керилиб, Ҳамза унга меҳр билан жилмайиб қараб турарди.

— Юринг, уйга кетайлик, чарчадингиз, дамингизни олинг. Қурибгина кетсин ўша ғаламислар.

Ҳамза анча юмшади, уйга томон йўл олишди. Саодатхон эрининг атрофида парвона бўлиб, тагига кўрпача ташлаб, ёнбошига ёстиқ қўйди. Ошхонага ўтиб самоварга олов ташлади, қозон осди. Ҳамза ҳамон ўй сурарди.

Саодатхон боя Назирийнинг Ҳамзага таъна қилиб, «партиядан ҳайдалгансан» деган сўзини эшитиб ғоят таажжубланган, қулай фурсат топиб, нега бундай деганини сўраб олмоқчи эди. Ҳозирги фурсатдан фойдаланиб, ёнига тиз чўкиб, қўлларини силаб туриб эридан сўради:

— Аббосхон, Назирий нега сизни партиядан ҳайдалган, деб таъна қилди. Шу гап ростми?

Ҳамза ялт этиб Саодатга қаради. У ҳозиргина ўша воқеаларни кўз олдидан бирма-бир ўтказган эди. Рафиқасидан бундай саволни кутмаганлиги учун унга тикилганича бақрайиб турди-да, кейин юмшади. «Нима, у ҳақиқатни билмасинми? Азбаройи юраги ачиганидан сўрайди-да. Анавиларга ўхшаб мени таҳқирлаш учун сўраётгани йўқ-ку!»— деган фикр ўтди Ҳамзанинг кўнглидан. Юрагини бўшатгиси келиб, унга маъноли қилиб жилмайди. У гапни узоқдан бошлаб, ўша йил воқеаларини бир бошдан айтиб берди.

□

— Мен Хоразмга боргач,— дея гап бошлади у Саодатхонга қараб.— Хоразм республикасининг маданий ҳаётида ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, келса ҳам навбат кутиб ётган ишларни жонлантириб юбордим, партия сиёсатини халқ ўртасида кенг тушунтириб, ташвиқот-тар-

ғиботни қизитишга бор кучимни сарф этдим. Бу ишлар натижасида халқ ўртасида озми-кўпми эътибор қозондим. «Уйғон, уйғонмоқ даври-дир» деган шеърларимни оёққа туриб, ҳар жойда, ҳар бир йиғилишда айтиладиган бўлиб қолди. Бу орада менга катта ёрдам бериб турган То-жизоданинг труппаси Хоразмдан жўнаб кетгач, менинг қўлим кесилиб қолгандай бўлди. Лекин умидсизликка тушмадим. Маҳаллий ёш ҳа-васкорларни тўплаб, шу асосда Хива театрини ташкил қилишга кириш-дим. Бу труппага ёш ҳаваскорлар билан бирга машҳур Шерозий, Сафо Мўғанний, Жуманиёз сурнайчи, Қурбон созчи каби халқ театрининг артистлари ҳам жалб қилинган эди. Тез кунда труппанинг состави ет-миш кишидан ошиб кетди. У менинг «Хива инқилоби», «Хоннинг зул-ми», «Бой ила хизматчи», «Тухматчилар жазоси» асарларимни халққа кўрсатди. Лекин бу ишларим Хоразм шўро жумҳурияти раҳбар идора-ларига ёқмади. Суқилиб кириб олган ёт унсурларга ёқмади. Улар мен-дан кутулиш чораларини излай бошладилар, менга ҳар хил бўхтонлар-ни чаплашга уриндилар. Мени бадном қилиш учун ҳеч кимнинг хаёлига келмаган найрангларни ўйлаб чиқара бошладилар.

Менга нисбатан бундай муносабатдан қаттиқ ранжидим. Бу етма-гандек, мени таъқиб қилишаётганини сезиб қолдим, Қорақалпоғистон-нинг Хўжайли районида бориб туришга мажбур бўлдим. Бор гап шу, гўзалим, — деди Ҳамза чуқур уҳ тортиб.

Саодатхон унинг бу саргузаштларини қулоқ қоқмай тинглаб ўти-рарди. Ҳамза жим бўлиб қолганини кўриб, яна уни саволга тутди. У ёстиқдоши ҳақидаги ҳамма гапларни билиб олишни истар эди.

— Хўжайлида нима юмуш билан шуғулландингиз?

Ҳамза у ерда ҳам санъат ва маориф соҳасидаги ишларини давом эттирганини, маориф фойдасига сайил уюштиргани, мактаб қургани, узоқдан бўлса ҳам, Хивадаги труппадан хабар олиб тургани, лекин Хи-вада раҳбарсиз қолган театрнинг репертуарини Шавкат афандилар ис-таганча булғаганлари, «Андалусининг сўнгги кунлари» каби татуриқсиз асарларни қўйдирганлари — ҳамма-ҳаммасини айтиб берди.

Кейин у жим бўлиб қолди. Лекин фикран ўзига савол берди: «Нега ҳамиша мана шу Шавкат қори йўлимга тўғаноқ бўлаверади?» У Шав-катни кўз олдига келтирди. Шавкат европача кийинган, оқ кўйлагининг қайтарма ёқасига қизил матодан галстук таққан, галстуги тугуни шун-чалик катта эдики, қилтириқ бўйинини кўкрагининг тепа қисми билан яшириб турарди. Қулоғи сал шалпангроқ, кўзлари ўткирлиги билан занчалиш юзида шафқатсиз бир ифода касб этар, қирра бурни тагида-ги қопқора мўйлови туморча шаклида қирилган бўлиб, юқори лаби усти-га худди ёпиштириб қўйилгандек таассурот қолдирарди. Гардиш нуса-хада тикилган қоракўл қалпоғини энлик, лекин сийрак қошлари усти-га бир энлик қолгунча бостириб кийган. Бир сўз билан айтганда, пў-рим эди у.

Ҳамза у билан даставвал Хоразмда танишди, у маориф ноziри эди ўшанда. Маориф назоратида ўшанинг бошчилигида хизмат қилди...

Унинг кўнглида яна қатор саволлар туғилди.

«Нега ҳам Хоразмга бора қолдим, сабаб нима? Хоразм ҳамда Қо-рақалпоқда тўрт йилдан зиёдроқ яшадим. Шунча узоқ қолиб кетишга мени ким мажбур қилди. У ерда нима мақсадда шунча қолиб кетдим?»

Бу сўроқларга ўз-ўзидан жавоб туғилади:

Улуғ Октябрь инқилоби шарофати билан Хоразмда ҳам тонг отди. Асрлар бўйи эзилган Хоразм халқи ҳам хонлик тожу тахтини ағдариб ташлаб, Ўрта Осиёда биринчи бўлиб халқ республикасини тузди. Унинг елкасига офтоб тегди. «Демакки, менинг бутун орзуларим у ерда рўёб-га чиққан, фаолиятим, ижодим учун кенг майдон очилган эди. Шуниси ҳам борки, Хоразмнинг тарихидан, қадимий бой санъатдан, айниқса

муסיқий санъати тарихидан унча-мунча хабардор эдим. Шу воситалар олиб борган мени у ерга.

Аслида ҳам Ҳамза отаси — аллома табиб ибн Яминнинг кутубхонасидаги Абулғозиннинг «Шажараи турк», Муниснинг «Фирдавсул иқбол», Огаҳийнинг «Риёзуд давла», «Восифий ва Баёнларнинг тарихий асарларини зўр мароқ билан қайта-қайта ўқиган эди.

Хоразмда бўлиб ўтган саноксиз даҳшатли қонли воқеалар, хусусан 1592 йилдан инқилобгача Хиванинг биринчи хони Ҳожимуҳаммадхон Уктайхон ўғли, Арабмуҳаммадхон Элборс, Абулғози, Ҳабаш Ануша, Элтузар, Муҳаммад Раҳим, Асфандиёрга ўхшаган ўттиз саккиз хоннинг ва уларнинг фарзандларининг тожу тахт талашиб ўзбек, туркман, қорақалпоқ халқлари бошига солган қирғинлари, кўрсатган жабру зулм, макру дасисаларини ўрганиб, бу воқеалар ҳақида бадий асарлар ёзмоқчи эди у.

У Урганчдан Хивага борибоқ, машҳур эл ҳофизи Мадраҳим Ёқубов Шерозий ва у орқали Сафо Муғанний, Мутриб хона Харобий, Матюсуф Харратовлар билан танишди, уларга ҳамдард, ҳамдам бўлди. Хусусан, Шерозий ва Матюсуф Харратов билан доим бирга бўлиб, уларнинг суҳбатларидан баҳра олди. Бу жонли қомуслардан санъат тарихи ҳақида кўп нарсаларни эшитиб билди. Муҳаммад Раҳим аввал замонида хивалик машҳур муסיқийшунос Ниёзхон хўжанинг Бухорога бориб, шашмақомни танбур билан ўрганиб, Хивага қайтгани, Муҳаммадхон сандиқчи, Абдусаттор Маҳрам, Хўжаш Маҳрам ўғли сингари ўнлаб сеҳни тез шашмақомчилар тарбияланганини шулардан эшитиб билди.

Матюсуф Харратовникида қурилган суҳбатда гап Хоразм нота чизғининг яратилиши ва интишори ҳақида кетган эди.

Ҳамза ногоҳ Матюсуф Харратовнинг сўзларини эслаб кетди. Харратовнинг айтишига қараганда, забардаст муסיқийшунос, камёб бастакор паҳлавон Ниёзмирзабоши («Девони Комил»нинг муаллифи) танбур устида кеча-кундуз бош қотириб, унинг ясалиши, пардаларининг ҳолати ва улар ўртасидаги масофа даражаларини дастуриламал асос тутиб, ниҳоят, «Рост» мақомини чизиққа — нотага туширади. Шу тариқа, бу устод бастакор Хоразм нотасининг ихтирочиси сифатида донг чиқаради.

Паҳлавон Мирзабошининг бу ажойиб қутлуғ ишини унинг ўғли Муҳаммад Расул Мирзабоши давом эттиради. У ана шу чизиқ — нота қондасини асос тутиб, етти мақомни — «Рост», «Наво», «Сегоҳ», «Дугоҳ», «Бузрук», «Ироқ», «Панжоҳ»ларни минқорлари мавзулари, тасниф, мушкулотлари ва ифори, тароналари билан қоғозга ёзади ва ғоят катта ижодий меҳнат натижасида икки жилдлик улкан бир маданий мерос қолдиради.

Муҳаммад Расул Мирзонинг ғайрати ва файзу баракали ижодий меҳнати туфайли яна ярим мақом қўшилиб, Хоразмнинг олти ярим мақоми еттига етади.

Лекин Хоразм хони ўзига устоз бўлган бу санъаткорларнинг қадрига етмайди. Уни ҳам оқибатда отаси каби хор-зор қилади.

Паҳлавон Ниёзнинг хон олдидаги айби шу эканки, у Москвада, Тошкентда бўлиб, рус маданиятини мақтаган, Тошкент ҳақида қасида ёзган экан. Бу наққош, ҳаттот, шоир, муҳаррир, ноёб муסיқашуноснинг охири икки кўзи кўр, қўл-оёғи шол бўлиб қолади. Шунга қарамай, у ўз шеърларига хону беклардан, сипоҳлардан, бою тўралардан маънавий устуналигича қолиб, оламдан кўз юмади. Ўғли Муҳаммад Расул Мирзабоши отасидан қолган ва ўзи тўплаган икки мингдан зиёд бебаҳо, водир китобларни ҳеч кимга бермай, келажак учун асрайди.

Ҳамза бу ҳикоядан ўшанда қаттиқ таъсирланган эди. Кейин гап

Хоразмнинг мумтоз санъаткорлари Қанбар бобо, Муҳаммадёқуб пода-чи, Худойберган Муҳркан, Дўнмас, Ризобахшилар ҳақида кетади. Ризобахшининг:

Чархини товлаб, соз этган,
Йигит кўриб ноз этган.
Манғитликнинг қизлари.
Кокиллари сачоқли,
Узун бўй, кенг қучоқли.

Хиваликнинг қизлари.
Алинда бор билак узук,
Ажаб беллари нозик
Урганчликнинг қизлари.—

деган шеърини ўшанда Ҳамза ён дафтарига ёзиб олганини эслади. Айниқса, бутун Хоразм ва Бухорога донғи кетган созчи Дўнмас тўғрисидаги ҳикоя Ҳамзага қаттиқ таъсир қилган эди.

Бу санъаткор танбур, дутор, рижжак, сурнай, балабон, пианино, рубоб, камон, скрипка, чанг, қўбиз, борингки, кўп мусиқий асбобларда машқ қилиб эшитганларни масту лол этар экан. Ҳатто у етти мақомни Хоразм нотасига қараб туриб органда ҳам ижро қилиб, ҳаммани қойил қолдирган экан. Бу тенгсиз санъаткорнинг бирон иши хонга ёқмай қолди, шекилли, орқасидан қотил қўйиб, ўлдиртириб юборди. Хоразм санъаткорларининг бу даҳшатли тақдири Ҳамзанинг ичини қон қилди. Унинг кўзларида ёш ҳалқаланди, дилида зolimларга қарши ғазаб ёлқин урди.

Ҳамза ўша пайтда икки жилдлик Хоразм нотасини Самарқандга олиб келиб, чоп эттиришни кўнглига туғиб қўйган эди. Лекин уларни Шерозий ҳам, Матюсуф Харратов ҳам топиб беришолмаган. Ҳамза улардан бу мўътабар ҳазина қаерда сақланишини сўраганида, улар: «Китобларни маориф нозирингиз Шавкат қори Абдурахмон ўғли, булар энди давлатнинг мулки ҳисобланади, бинобарин, давлат муҳофазасида туради, деб олиб кетганича, биз қайтиб кўрмадик, уни нозир Шавкат афандимдан сўрайсиз», дея жавоб беришди...

Ҳамза ўша Шавкат билан Хоразм ва Қорақалпоқда ўтказган тўрт йиллик умри давомида олишди, тортишди. Бугун эса, у билан яна Самарқандда учрашди.

Хўш, бу профессор Шавкат афандининг ўзи ким? Шавкат дегани хоннинг яқин аъёнларидан бирининг ўғли. У ёшлигида отасининг давлати соясида Истамбул дорилфунунида ўқиди, уни битириб, докторлик унвонини олди. Бунинг учун хивалик йигитнинг ўн тўрт йил умри Туркияда ўтишига тўғри келди. Бу давр мобайнида у араб, форс, инглиз тилларини яхшигина ўрганиб олди. Хоразм инқилобидан кейин қандайдир йўллар билан ўз юртига қайтиб келиб, маориф нозир лавозимида хизмат қила бошлади. Ҳамза ҳам ана шу маориф назоратида санъат бўлими бошлиғи вазифасида эди. Хизмати юзасидан у ердаги маҳаллий санъаткорлар Ҳамзанинг атрофига тўпланишган эди. Бир куни Шерозий унга «Яхшилар» деган шеърни куйга солиб, гармонда чалиб берди. Бу шеър Ҳамзада чуқур таассурот қолдириб, кўнглида бунга жавобан бир нима ёзиш иштиёқини туғдиради. Шу тариқа, унинг «Яхши» радифли ғазали майдонга келади.

Ҳар дилнинг ўзин севдиги жононаси яхши,
Жонона ўзин севдиги девонаси яхши.
Ишқ мазҳабида куфр эрур жаҳл ила тақво,
Дониш вера зуннор ила бутхонаси яхши.

Бу шеърни Шерозий гармонда куйга солиб, бутун Хоразм ўлкасига тарқатади.

Бу асар Ҳамзанинг Хоразмда яратган дастлабки асари эди. Кейинчалик унинг пьесалари бирин-кетин юзага кела бошлайди. Уларни қанча меҳнат-машаққатлар билан саҳнага қўяди, лекин қандайдир кўринмас куч бу асарларнинг саҳнада халққа кўрсатилишига монелик қилар, баъзан томошабинлар ўртасида ғурув чиқиб, спектакль бузилган

пайтлар ҳам бўлиб турарди. Кейин аниқланишича, ўша бузгунчиликларнинг тепасида ҳам Шавкат қори турганлиги маълум бўлди.

У фақат бу билан чекланиб қолмаган. Хоразмдаги барча шўро мактабларига бу ерга урушда асир тушиб келиб қолган турк зобит-офицерларини муаллимлик вазифасига тайинлаган. Улар эса мактаб болаларга пантуркизм ғояларини сингдиришга жон-жаҳдлари билан киришиб кетадилар. Бу ҳол Шавкатнинг айти муддаоси бўлганлиги учун турк офицерларининг «Ас ол! Соға чарх! Илари арш!» сингари ҳарбийча тарбия усулларини ҳар ерда қувватлар, ҳатто рағбатлантирар эди.

Ҳамза бу қабих ишларни кўриб тоқат қилиб туrolмасди. Шунинг учун ҳам нозирнинг бу бузгунчилик ишларига қарши бош кўтарарди. Даставвал у енггандай бўлди. Софдил большевиклар, виждонли зиёлилар, Хоразм меҳнаткашлари Ҳамзанинг тарафини олишди, унга мадад беришди. Натижада Шавкат ҳатто қамоққа ҳам олинди. Лекин қаредандир забардаст ҳимоячилар топилди-ю яна сувдан қуруқ чиқди. Бироқ Ҳамза тарафдорлари ҳам жим ётишмади, у яна қамалди. Шуниси таажжубки, «Шавкатсиз маориф ишлари тўхтаб қолди», деган баҳона билан Шавкатни кечасиликка қамоқда сақлаб, кундузи нозирлик вазифасида ишлатиш ҳақида қарор чиқаришди. Милиция Шавкатни эрта билан ишга олиб келиб, кечқурун қамоқхонага элтиб қўядиган бўлди...

Бугун Самарқандда бўлиб ўтган ҳодиса ана ўша эски курашнинг давоми эди.

Қизиқ, Шавкат юқори идораларда, нима қилиб ўралашиб юрибди... Ҳамза бошини кўтарди.

— Йўқ!— деди у ҳовлининг нариги бетидаги гулзорга тикилиб.— Халқ, келажак авлод менинг халол хизматларимни назарга олади, ҳурмат қилади ҳам. Чунки мен фақат халқни деб, келажак авлодни деб яшадим ва курашдим!

Чуқур хаёлга ғарқ бўлиб ўтирган Саодатхон бир чўчиб тушди. Эрига қаради. У буни кўрмас, кўрса ҳам бутун хаёли бошқа ёқда эди, кимлар биландир қизғин баҳслашишда давом этарди.

У бир фурсатдан кейин ўрнидан турди-да, ҳали ҳам ҳайратланиб турган Саодатга кўзи тушиб, хаёлларини йиғиштириб олди. Гуё бошига йиқилган ҳозирги ғам-алам юкини елкасидан итқитиб ташлагандай қаддини фоз тутиб Саодатни бағрига тортди, ўпди. Саодатхон кўча эшиги томон йўл олди, ғарб томон оғиб, уфқни қизил алвонга безаган қуёшга қаради, кейин эрининг қотма, абжир гавдасига назар ташлади. Кўнгли жойига тушди чамаси, ички бир мамнуният билан ундан фикран фахрланиб қўйди...

Ҳамза Саодатхонни олиб Қўқонга кетди. Бирқанча вақт ўша ерда яшаб қолди.

□

Бир куни Олчинбек Назирий Шавкатнинг уйига хотини билан меҳмон бўлиб келди. Унинг дили ғаш, кимдандир махфий буйруқ олган эди.

Қўшқаватли дарвоза, ўртада кенг гулзор ҳовли, бир-бирига туташиб кетган олди айвон уйлар, нозик нимпушти ва ложувард бўёқларга бўялган жимжима нақшлар ўйилган устунлар, насталик хати билан оятлар ёзилган шифтлар... Бу ҳовлини Шавкат катта пулга сотиб олган эди. Шавкат роялда аллақандай куйни чалиб ўтирарди. Ҳамза билан ўша куни бўлиб ўтган баҳс Назирийнинг ҳаловатини йўқотган, унинг шу топдаги фикри-зикри нима қилиб бўлса ҳам Ҳамзанинг кўнглидан гина-қудуратни чиқариб ташлаш эди. Шавкат Олчинбекни охиқ чеҳра билан қарши олди. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, ундан сўради:

— Сиз, азизим, Пушкинни ўқиганмисиз? Афтидан ўқимагансиз. Шу сабабли ҳам оёғингизни узатиб, тинчгина ухлаб ётибсиз.

— Гап шеъриятда эмас,— деди Олчинбек хомуш ҳолда.— Соколов Ҳамзани бу ёққа чақириб олишни буюрди. Ҳамза Самарқандга қайтиб келмаслиги керак. Охунбобоев ундан нега кетиб қолганлигини, албатта суриштиради, у, бўлган гапни айтиб беради. Уни Қўқонга худди ҳайдаб юборгандай жўнатганимизни Соколов билиб қолса, ундан яхшилик кутманг...

Шавкат иложи борича ўзини вазмин тутишга тиришди.

— Мен ҳозир, сиз келишингиздан сал олдин, Моцарт билан Сальерини эслаб ўтирган эдим,— деди Шавкат, лоқайдлик билан гапни айлантириб,— агарда Ҳамзанинг салоҳияти менда бўлганида, мен сиёсат билан шуғулланиб ўтирмас эдим. Унинг камёб иқтидори бор, лекин уни аллақандай ариқ қазиш, паранжи олишга ўхшаган бўлмағур ишларга сарф қилмоқда, бунда ҳатто сидқидиллик кўрсатмоқда.

Мана, сиз, ҳузуримга таъбингиз тирриқ аҳволда кириб келдингиз. Нима қилиш керак, деб сўранг, мен сизга йўл-йўриқ кўрсатай. Ҳамзага хат ёзинг: «Азизим Ҳамза! Уртадаги ачкиқ-тиззиқ гапларни унутайлик, денг. Ижод жараёнида қандай баҳслар бўлмайди, бунақа икир-чикирлардан юқориқ юрайлик. Ҳаммамиз учун эзгу бўлган миллий санъат олдида сиз билан бизнинг бу баҳсларимиз, ҳатто бир-биримиздан ўпка қилиб юришимизга ҳам арзимайди. Биз сизга чин дўстмиз... Биз сиздан бари бир катта асарлар кутамиз. У халқимизнинг шон-шуҳратини, сизнинг донингизни оламга ёйишига ишонамиз...» Мана шу руҳда бўлсин. Мактуб тайёр бўлгандан кейин содиқ бир кишингизни зудлик билан Қўқонга йўллаймиз. Ана шу мактуб уни ўша ерда ушлаб туради. Қалай, маъқулми?

Олчинбек Шавкатнинг ичидан пишган, айёр тадбиркорлигидан хабардор бўлса ҳам, бунчалик доғули эканлигини энди кўриб туриши эди.

Шавкат роялнинг олдида борди, уни чалар экан, деди:

— Бу Ҳамзанинг куйи. Қандай оддий куй. Уни мен қанчалик тушунаман. Санъатда ўртача бўлиш қанчалик оғирлигини билсангиз эди, азизим Олчинбек. Сиз бу дардни билмайсиз. Сиз Пушкинни билмайсиз. Берлин қамоқхоналарида айтиладиган тўртликлардан ҳам беҳабарсиз, аммо шунга қарамай, ўзингизни европалик ҳисоблайсиз...— У Сальерининг Моцартга заҳар бергач, муродига етган одамдай қувониб айтган гапни ўқиди. Кейин оғир хўрсиниб қўйди.— Тақдир менга ижодкор бўлишни раво кўрмади. Мана, мен сиз билан биргалашиб қотиллик йўлига кирдим. Бундан қайтиш ўлим. Зулфизар...

Орага жимлик чўкди. Шавкат Олчинбекка тикилиб қолди. У ҳам миқ этмай турар эди. Кейин эшик томон ўгирилди-да, қичқирди:

— Қоровой ака!

Қора Қоплон ичкарига югуриб кириб келди:

— Лаббай, тақсир!..

Тўртинчи боб

Тошқўлат

Ҳамза яна Самарқандга қайтди. У истиқомат қилиб турган хона деразалари ёпиб қўйилибди. Ҳовлидаги ҳовузча бўйида садалаб кетган каттакон атиргул чамандай очилиб ётибди. Саодатхон айвон дамида қошига ўсма қўйиб ўтирибди. Ичкаридан ҳар замон-бир замонлар пианинонинг баъзан шўх ва янгроқ, баъзан ҳазин, айни чоғда мунгли садоси эшитилиб қолади.

Саодатхон бир фурсатдан сўнг ўрнидан қўзғалди. Оҳиста юриб бориб, атиргулдан биттасини узунроқ бандли қилиб узди-да, бурнига тугиб ҳидлади. Гулнинг атридан роҳатланиб, хумор кўзлари сузилиб кетди. У музыка садолари чиқаётган томонга юрди, эшикни оҳиста очиб, хона ичига кирди. Пианино олдида Ҳамза чуқур хаёлга ботиб ўтирар эди. У аҳёнда бир бошини кўтарарди-да, қўллари ҳаракатга келар, ҳавода муаллақ сузар, кейин пастга беозоргина шўнгиб бармоқлари клавишларни туртар, хона ичи аллақандай сеҳрли, мўъжизавий куйга тўлиб, кўнгилни эритиб юборгудай бўлар эди.

Саодатхон эрининг олдига бориб, бир муддат унга маҳлиё бўлиб тикилиб турди, гажимли ҳаворанг рўмолчаси билан унинг юзидаги тер томчиларини авайлаб артди-да, кейин тортинибгина бўйнидан қучоқлади. Ҳамза димоғига урилган ёқимли ҳиддан кўзлари сузилиб, ўзини гўзаллик оламида ҳис этди. Ҳамон чалишда давом этар экан, орқасига ўгирилиб ўзининг елкасидан қучиб турган Саодатхонга меҳр билан термилди. Хотинининг нозик таъби, фаросати, озода такаллуми, келишган қадду қомаги, оловранг гул ғунчасига ўхшаган лаблари Ҳамзанинг хаёлини узоқ-узоқларга олиб қочди. У, ёшлигини ўйлаб кетди.

Хўш, у айни камолга етган ўктам барно йигит бўлиб етишган кезларида бахтиёр эдимиз? Йўқ, у ўша бахтга зор бўлди. Ишқ-муҳаббатнинг фараҳбахш завқига тўлиб тошган кўнгил шишаси чил-чил қилинди. Еш Ҳамза шамолда турган мум шамдай ўзини ҳар ёққа уриб ёнди, куйди. Жон-дили вайрон бўлди, ўз кўкрагидан қўпорилган фарёд тоши билан кажрафтор фалакни ағдармоққа хезланди, лекин ўзи ағдарилди. Ҳақсиз жаҳолат, нифоқ, адоват унинг ўзини шундай қовуриб, ағдариб, эзиб, янчиб ташладикки, қалбини ўз юртида қолдириб, сўққа, ғариб, жафокаш, аламзада бошини олиб ўзга элларга кетишдан бўлак илож тополмади. Бир неча йил сарсон-саргардонликда мусофирлик тузини ичди.

«Илк муҳаббатим — Зубайдани мендан зўрлик билан тортиб олишди. Гўзал Аксиньяга кўнгил қўйдим — «оқ» қилишгача олиб боришди. Агар менга чинакамга ачинадиган ёр-дўстларим бўлмаганида сўққа бош, тан-маҳрамсиз юрардим. Яхшиямки ўшалар бор экан, ўзлари бош қўшиб, йўлга солиб, мана шу қўқонлик жувон Саодатни олиб берманлариди, билмадим, бу ноҳақликларга қандай бардош берардим... Саодатхон ақлли, меҳрибон, туйғун аёл экан бахтимга...»

Ҳозир Ҳамзанинг қоронғиликка тикилиб қолган кўз ўнгида ана шу оғир саргузашти жонланиб кетган эди.

□

Тоғлардаги қорлар эриб, ўт-ўланлар кўкарган. Ҳаво очиқ. Дарадан чиқаверишдаги кенгина сертош йўлдан эшакка минган иккита йўловчи хангомалашиб чиқиб келди. Баҳайбат қояли баланд тоғлар аста-аста орқада қолавериб, устини кўм-кўк ўтлар қоплаган далаларга уланиб кетди. Йўловчиларнинг уст-бошларига қараганда унчалик назарга тушмас, сиртдан қараган киши уларни, йўллари шунчаки тўғри келиб қолган йўловчилар деган хаёлга борар эди. Уларнинг ҳар иккови ҳам куннинг иссиғидан буғриқиб кетган, юзларидан тер томчилари тинмай оқар эди.

Рўпарадаги тепа устида қўйлар ўтлаб юрибди, пастда, йўлнинг шундоққина ёқасида чашма суви шарқираб оқиб турибди. Сув шунчалик тиниқки, тагидаги тошлар кўзгудагидай барча рангларини кўз-кўз қилгандай товланиб аксланади. Тепанинг энг баланд ерига чиқиб ўтириб олган чўпон йигит овозини баралла қўйиб аллақандай бир қўшиқни айтмоқда.

Иўловчилардан ёши каттароғи — Гиёсхўжа сувга ҳавас билан тикилди, кейин қўшиқ айтаётган йигитга ер тагидан бир назар ташлади-да, ундан кўзини олиб, йўлида давом этди.

Орқадаги одам чашмага етар-етмас эшакдан тушди-да, ўзини сувга урди. Ташналигини обдан қондириб олгач, чўпон йигитга қаради.

— Ҳормасинлар! Қўшигингиз мунча ёқимли? Уни кимдан ўрганиб олдингиз?— деб сўради.

Чўпон аввалига ҳайрон бўлиб қаради, кейин ўйлаб билгач, жавоб берди:

— Саломат бўлсинлар. Нима, бизнинг Ҳамзани танимайдиларми, дейман-а. Бу ерлик эмасмисиз. Қўшиқни Ҳамза Ҳакимзода ёзган-ку...

□

Кенг, ёруғ хонада Олчинбек столда хаёлчан ўтирарди. Унинг юзи аёлларникидай лўппигина, ранги заҳил, кўзи ичига ботган, қотма, авж олмаган мўйлови гўё юқори лабига ёпиштириб қўйгандай беўхшов. Кўзи сира уйқу кўрмагандай қип-қизариб киртайган. Аммо кийимлари башанг. Бу эса уни аллақандай салобатли қилиб кўрсатиб турарди. Гапирганда ўзини сипо кўрсатиш учун керилиб қўяди. Қаршисида мўйлови сабза урган оқ юз, қирра бурун, навқирон Тошпўлат ўтирибди. Тошпўлат асли шоҳимардонлик. Бир пайт телефон жириглаб қолди. Олчинбек трубкани олиб, ўзини танитди, аллақандай нохуш хабарни эшитди шекилли, авзойи бузилиб, ранги ўзгарди, кейин у трубкага бор овоз билан бақирди:

— Йўқ, йўқ! Бу ишга йўл қўймаслик керак.— У хавотирга тушиб овозини пасайтирди.— Қим қисталанг қияпти? А-а? Яхши. Мен ўзим гаплашиб кўраман. Ҳа, шунақа. Уртоқ Соколов уч-тўрт кундан кейин Москвага қайтиб кетади, биз буни бафуржа ўйлаб кўрамиз, ошиқининг кераги йўқ, шошмай бир қарорга келармиз. Демак, келишдик-а? Сиз алоҳида буйруқ бўлмагунча... Тушунарлими? Хўп, хайр!

У трубкани олиб қўйди, кейин Тошпўлат томон юзланиб, узр сўрагандай бўлди:

— Мени афв этинг, азиз ўртоқ. Ўзингиз кўриб турибсиз, гапнинг белига тепишгани-тепишган. Эртадан то кечгача шу аҳвол. Бир дақиқа ҳам тинчлик йўқ.

У пиёлага чой қуйиб, Тошпўлатга узатди.

— Мана энди сизнинг ишингиз тўғрисида гаплашиб олсак ҳам бўлар. Шунча узоқ йўл босиб келишга сизни нима мажбур этди?

— Менга, бизнинг аризамиз сизга топширилганини айтишди.

— У ариза нима хусусда экан, ҳурматли меҳмон?

— Бизнинг Шоҳимардонда содир бўлаётган қинғир ишлар ҳақида.

— Шоҳимардонда дейсизми?— Олчинбек бир лаҳза ўйланиб қолди.— Ҳа-а-а, айтмоқчи, шунақа аризага кўзим тушгандай бўлиб эди. Демак, уни сиз ёзган экансиз-да?

— Мен эмас, Омонтой, Алижонлар ёзиб беришган. Аммо лекин аризамиздан барча батрақлар бохабар, ундаги гапларни тасдиқлашди.

— Демак, тасдиқлашади денг?— Олчинбек ўйланиб қолди.— Гап бундай, ҳурматли ўртоқ. Сиз мутлақо бекорга безовта бўлибсиз. Сизнинг аризангиз ишончли одамлар қўлига топширилган. Текширамиз, ҳаммасини аниқлаймиз. Аризада: бундан олти-етти йил муқаддам мазорга қамаб қирқ саккиз қизил аскар ёндирилган эди. Мазор қайтадан тикланди, қизил аскарларни ёндирган қўрбошилар, Ҳазрат Али мазорига яна шайх бўлиб олишиб, Урта Осиёдан келган барча мусулмон зиёратчиларни алдаб, бор-йўғини қоқиб олиб, ўзлари кечаю кундуз кайфу сафо қилиб, бемалол юришибди, деб ёзасизлар. Тўғрими?

— Жуда ҳам тўғри,— деди энтикиб Тошпўлат.— Ҳа, мен буни ўз кўзим билан кўриб юрибман. Ҳаммасини биламан. Мақбарани ёндиришга шайх Исмоилнинг ўзи фатво берган.

Олчинбекнинг баданидан чумоли ўрмалаб ўтгандай сесканиб кетди. Узини босиб олиб сўради:

— Ушанда неча ёшда эдингиз?

— Ун етти-ўн саккиз ёшларда эдим.

— Шундайми?.. Ушанда ўзингиз шайх Исмоилнинг ёнида эмасмидингиз?— Олчинбек Тошпўлатга ер остидан синчковлик билан қаради. Тошпўлат унинг «ўзингиз шайх Исмоилнинг ёнида эмасмидингиз?» деган гапидан қути учиб кетди ва илмоқли гапга дарҳол жавоб беришга шошилди.

— И-я, нима деяпсиз ўзи, муллака, худо асрасин. Менга нима бор эди унинг ёнида?

Тошпўлатнинг жавобидаги қатъият Олчинбекнинг найрангини пучга чиқарган эди, шу сабабли у ҳаспўслашга тушди.

— Ҳазиллашдим, азизим, ҳазиллашдим. Мен ҳам бу даҳшатли воқеани яхшигина ўрганиб чиққанман. Отряд командири Соколов Степан Петрович менинг дўстим эди. Йўқ-а, у киши барҳаёт... Ҳа, ўшанда мен Марғилонда эдим. Бу фожиали воқеани текшириш комиссияси аъзоси сифатида Шоҳимардонга борганман... Шайх Исмоил... Бу оғзи қон бўри ҳали ҳам созорга мутавалли денг?..

— Нимасини сўрайсиз, муллака, бир томони ўзингиз ҳам хабардор экансиз,— деди Тошпўлат дадилланиб.

— Хабардорман, укажон, ҳаммасидан хабарим бор. Биз бундай бузғунчи шайхни худди канадай эзғилаб ташлаймиз, сиз асло ташвиш тортманг. Бу гапни ўртоқларингизга ҳам айтиб, уларни хотиржам қилинг. Ҳа, шундай бўлсин, иним.

Олчинбек Назирий Тошпўлатни хотиржам қилиш учун унинг кўнглини кўтарар, катта-катта ваъдаларни қалаштирар эди.

— Ҳазрат Али мазоридан кечалари эшитиладиган овоз нима эканлигини ҳам аниқлаймиз, нималарни тескари ташвиқот қилаётганини билиб, уларнинг таъзирини бериб қўямиз, бундан, албатта, хотиржам бўлинглар.

У Тошпўлатнинг диққатини асосий мавзудан чалғитиш йўлини изларди. Бўлар-бўлмас ваъда бераверса, гапининг сохталиги маълум бўлиб қолишини фаҳмлади чамаси, Тошпўлатга мулойим қараб, меҳрибонлик билан сўради:

— Қаерга қўндингиз?

Тошпўлат ноқулай аҳволда қолиб, қизариб кетди. Кейин ҳижолатдан бошини кўтаролмай жавоб қилди:

— Дом деҳқонга тушдим... Фақат мен...— у чайналиб қолди. Олчинбек тугал жавоб кутиб тикилиб турарди. Тошпўлат давом этди.— Алоҳида хонага қурбим келмай, ҳовлида, отлар ёнида ётиб турибман, ҳар қалай арзонроқ.

— Ана холос, нега энди ҳовлида ётибсиз, ахир ҳозир куз, кечалари анча салқин тушиб қолган бўлса... Мен ҳозир кўрсатма бераман, сизга қулай хоналардан бирини банд қилиб, яхши жойга ўтказиб қўйишади. Аризангиздан хотирингиз жам бўлсин. У аллақачон ҳаракатга тушиб кетган.

Олчинбек кейинги жумлага алоҳида урғу бериб гапирди. Тошпўлатнинг юзида хотиржамлик белгилари акслаганига қаноат ҳосил қилгач, қўнғироқ тугмасини босди. Сўлақмондай барзанги эшикни очиб, бўсағада ҳайкалдай қотди. Олчинбек Тошпўлатга қараб давом этди:

— Уч-тўрт кундан кейин ҳузуримга кириг. Сизнинг ишингиз бўйича қандай чора-тадбирлар белгиланганлигини бетафсил айтиб бера-

ман. Дом деҳқонда баҳузур тураверинг, қисинманг. Барча харажатларни биз ўз устимизга оламиз... Қоровой ака (у «Қоплон»ни қўшмади), бу ўртоқни Дом деҳқонга бошлаб бориб, у ердагиларга айтингки, алоҳида хона беришсин... ҳалиги болохоналиги бор-ку, ўшани, хўпми?

Тошпўлат эшик олдига бориб, бир оз тараддудланди-да, орқасига ўгирилиб, Олчинбекка мурожаат қилди:

— Биз хатни ўртоқ Охунбобоевга ёзган эдик, у эса, сизнинг қўлингизга келиб тушибди, нега бундай бўлдийкин-а?

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, иним. Бизнинг ҳурматли ва мўътабар ўртоқ Охунбобоев — давлат одамилар. У кишининг қимматли вақтларини ҳар хил майда-чуйда ишлар билан банд қилаверсак яхшими? Буни ўзимиз текшириб кўрамиз. Бундан ҳеч ташвиш тортмасангиз ҳам бўлаверади...

Тошпўлат энди гапни айлантриб ўтиришга ўрин қолмаганлигини тушунди, ташқарига ноилож чиқиб кетди.

□

Тошпўлат Деҳқон уйида бир хонага жойлашди. У ерда иккита каравот бор эди, биттасини Тошпўлат эгаллади, биттаси бўш қолди. Уртага стол қўйилган. Хонанинг иккита эшиги бўлиб, бири йўлакка, бири ойнавандлик болохонага олиб чиқарди. Шифтда электр лампа ёниб турарди. Тошпўлат обдан жойлашиб олгач, русча алифбо китобини тиззасига қўйиб, саҳифадаги лавҳага тикилганича кўрсатгич бармоғини сатрлар устидан оҳиста юргизиб, ҳижжалашга тушди. Унинг бутун диққат-эътибори китобга михланган эди. Гоҳ пешонасини тириштириб, ҳарфларга энгашади, гоҳ улардан кўзини олади-да, лаблари пичирлаб, ўқиётган сўзларидан жумла чиқаради, нотаниш сўзларнинг маъносини чиқаролмай бошини қашийди. Кейин хуноб бўлиб кетганидан ўзича ғудраниб қўяди:

— Шунча уринсам ҳам бари бир ҳеч гап чиқмаяпти, қани, овозимни чиқариб кўрай-чи, бирон нарса тушунармиканман,— овозини чиқариб ўқий бошлади:

— Ми-не... Мине... Р-а-би... Раби. Минераби! Бу нима дегани экан-а? Бунақа русча сўзни эшитмаган эдим-ку, тавба... Тўхта-чи, бу сўз бўлиб-бўлиб ёзилган, демак, биттамас, у учта бўлса керак. Ми-нераби. Ҳа, ана энди чиқараётганга ўхшайман.— Ми не раби!— у тўсатдан ўрнидан туриб кетди.— Топдим, энди тушундим! «Биз қуллар эмасмиз». Осонгина экан-ку, шунга хуноб бўлиб ўтирибман-а, боятдан бери!

У китобни каравотга ташлади, ўзича ғудранди:

«Бу рус тилини ўрганишнинг иложи бўлмайдиганга ўхшайди. Аммо ўрганмагунча қўймайман, вассалом!»

Бутун умри чоракорликда йўқчилик билан ўтган оилада дунёга келган Тошпўлат туғилган кунидан бошлабоқ кулфат, ғам-қайғуга йўртакланди. Қишда совуқ, ёзда иссиқ уни қийнар, жонига қасд қилар эди. У бошқаларнинг боласига ўхшаб ўйнаб-кулмади, ёлчиб кийинмади, тўйиб емади. Ака-укаларига ўхшаб оч-яланғоч, думаланиб юриб эсини танийдиган ҳолга етиб келди. Қўлидан иш келадиган бўлгач, отасининг қўлтиғига кирди, бойнинг боласини кўтарди, сувини ташиди. Саҳармардондан қош қорайгунча юмушдан бўшамади. Шундай бўлса ҳам, қулоғи кўпол сўз, аччиқ сўкишлардан бошқа мулоим гапни эшитмади.

Орада кунлар ойлари, ойлар эса йилларни қувлаб ўтаверди. Тошпўлат улғайди. Балогатга етган сайин меҳнат-машаққат юки тобора орта борди. Ун олти ёшидаёқ росмана кетмончи бўлиб қолди. Эрта-кеч оч-тўқ, иссиқ-совуқ демай отаси билан баббаравар кетмон урди. Ота-бола водиллик Бузрукхўжа деганнинг ерида ишлашди. Баҳорда ер ҳай-

даб уруғ қадашар, ёзда парваришини қилишар, кузакда ҳосилини кўтариб, қишда ишчи ҳайвонларини боқишарди. Йил — ўн икки ой бутун оиланинг умри заминдорнинг эшигида шу тариқа ўтар, у ташқи дунёдан бутунлай ажратиб ташланган, бу ҳақда ўйлашга фурсати ҳам етмас, ҳар кунги иш тартиби унинг учун одат даражасига айланиб кетган эди. Ишлаб-ишлаб ҳаммасини заминдорга беради-ю, лекин роҳатдан дарак тополмасди. Бунинг устига, заминдорнинг қарзини ҳеч узолмас, аксинча, унинг домига баттар чулғаниб борарди. Додини тинглайдиган мураббий тополмасди. Замона бойларники, амалдорлари ҳам, мулласи, қозиси, шариати ҳам ўшалар қўлида эди. Сал норозилик қилиб, ишдан бўйин бурганларнинг боши балога қолар, бундайларга сургун, бадарга доимо таҳдид сөлиб турарди.

Ҳўп, булар-ку, золим бойлар замонида бўлар эди, ҳозир меҳнаткашлар замони-ку, ахир. Нега энди Шоҳимардон қишлоғида ҳали ҳам ўша бойлар ҳоким? Нима учун биз ҳамон шайхнинг урса уриги, сўкса сўкигида бўлиб, уларнинг зулмини чекамиз? Нега Шоҳимардонда азобуқубат, зулм-таадди тугамаган? Нима учун? Ахир, халқ жабр-зулмдан тўйиб кетди-ю!

Шайхларнинг қилмишларидан дод деб мана, у адолат истаб, ёрдам истаб Самарқандга келди. Бу ёғи қандоқ бўлар экан...

Тошпўлатнинг мясиди бир-бирига зид фикрлар талашар эди. Лекин у буларга ўринли жавоб топиб беролмас, хусусан Назирийнинг мулойим қиёфаси, тилёғламалик билан қилган муомаласини эслади-ю, фикрлари яна айқаш-уйқаш бўлиб кетди. У алифбони яна қўлига олди, чала қолган машғулотни давом эттирмоқчи бўлиб турган эди, шу пайт хона эшиги оҳиста очилди-да, ҳалиги сўлахмондай барзанги — Қоравой ака ҳеч қандай савол-жавобсиз ичкарига кириб, сурбетлик билан салом берди.

— Ассалому алайкўм, меҳмон, қалай зерикмай ўтирибсизми?

— Ваалайкўм ассалом, келинг, марҳамат, ўтиринг.— У бўш каравотга ишора қилди.— Саломатмисиз? Келганингиз яхши бўлди. Бир ўзим зерикиб ўтирган эдим.

— Ҳаммаси яхши, меҳмон, саломат бўлинг. Ҳар қалай тупроқдан ташқари дегандай... Аслини сўрасангиз, ҳаммамиз бу ёлғондакам дунёга меҳмонмиз. Лекин бандаси шуни била-кўра туриб, бир-бирининг тагига чох қазийди. Ҳай, энди дунёнинг ўзи шундай қурилган бўлса, биз, бандаларида нима ҳад. А, лаббай?

Тошпўлат унинг тагдор гапларига дафъатан тушунмади, ўзини лоқайдликка солиб, уни қувватлаган бўлди. Қора Қоплон ҳам Тошпўлатни кўп куттирмай, келишининг сабабини айтиб қўя қолишни лозим топди, чамаси, «менинг бошлигим ҳурматли Олчинбек Назирий («ҳурматли» деган сўз ўрнида «жаноб» деб юборишига сал қолди) сизнинг қандай ўрнашган-ўрнашмаганлигингизни билиб келиш учун ҳузурингизга юборган эдилар, шунга келган эдим»,— деди.

— Кўп раҳмат, менга жуда яхши илтифот кўрсатишди, миннатдорман. Бола-чақаларининг орзу ҳавасини кўришсин.

— Уртоқ Олчинбек Назирий сизга бир оғиз сўз айтиб қўйишимни буюрдилар,— деди ясама соқол, мўйлов қўйиб олган Қора Қоплон

— Қандай сўз экан, бемалол айтаверинг, қулоғим сизда.

— Фақат меҳмоннинг ўзларига холи айт, бегона одам эшитиб қолмасин, деб тайинладилар. Яхшиси, болохонага чиқайлик, тағин битта-яримтаси эшик орқасидан қулоқ солиб ўтирган бўлмасин. Дўстдан кўп душман, дегандай... Эҳтиёт шарт-да, а, лаббай?..

— Майли. У ерга чиқсак, чиқа қолайлик, Юринг бўлмаса.

— Болохонада иккаламиз турганимизни тағин биров кўриб қолмасин, чироқни ўчириб қўя қоламан.

— Майли, ихтиёрингиз.

Тошпўлат болохонага олиб чиқадиган эшикни очиб юқорига чиқди. Болохонадан пастга қаради-ю, юраги орқасига тортиб кетди.

— Бу — кўча эмас, аллақандай жарлик-ку! Пастдаги тошларни қаранг,— деди у хавотирланиб.

Тошпўлат орқасига қаради, шу пайт пастда чироқ ўчди. Қора Қоплон зинадан оҳиста чиқиб келди, жарликка ваҳима билан қараб турган Тошпўлатга сўз қотди:

— Бу ҳозирча — жарлик, ўн йилдан кейин бу ерда нималар бўлишини хаёлингизга ҳам келтиролмайсиз. Меҳмон, ҳу ана у ёққа қаранг-га,— деди у хотиржамлик билан, Тошпўлат у кўрсатган томонга қаради. Шу пайт унинг гарданига қаттиқ нарса келиб урилди-да, кўз ўнги қоронғилашиб, нафаси ичига тушиб, овози ҳам чиқмай, харсанглар аястани ётган жарликка қараб учиб кетди.

Қора Қоплон чаққонлик билан пастга тушиб, чироқни ёқди, қўлини тўни барига артди, ёнидан бўшаган арақ шишасини олиб полга қўйди, худди шундай иккинчи шишани яримлатилган арағи билан стол устига қўйди-да, ёнига бир неча бурда нон ҳам ташлади. Хонанинг у ёқ-бу ёғига кўз ташлаб чиқиб, каравот устида ётган китобни кўриб қолди. Уни қўлига олиб, ғазаб билан ғижимлаб-ғижимлаб чўнтагига тикди. Кейин эшикни оҳиста очиб, йўлакка сирғалиб чиқиб кетди.

Бешинчи боб

Дўстлар

Ҳамзанинг кенг, ёруғ хонаси. Бир бурчакда пианино, бир бурчагига Ҳашаф қўйилган. Уртасидаги столга дастурхон ёзуғлиқ, сал четдаги стол устига китоблар тахланиб қўйилибди. Девордаги катта расмда атрофи тепаликлар занжири билан ўралган унча катта бўлмаган ям-яшил текислик тасвирланган. Мусаввирнинг усталиги унча сезилмаса-да, ундаги бўёқлар жуда ёрқинлиги билан диққатни тортади: Расмнинг олдинги томони бўйлаб темир йўл изи ўтган. Бу манзара марказини ташкил қилган яшил текисликда жанг акс эттирилган. Душманнинг йирик кучи қизил аскарларнинг кичик бир отрядини қисиб, танг ҳолатга солиб қўйган. Унг томондаги тепа устида бир гуруҳ отлиқ кўриниб турибди. Уларнинг олдиндагиси дурбиндан жанг манзарасини кузатмоқда...

Хонада Ҳамзанинг ёлғиз ўзи. У ёзув столига энгашиб, нота ёзилган саҳифадан ниманидир чизиб, ниманидир тўғрилади. Кейин у пианино олдига келди-да, курсига ўтирди. Шу пайт ташқаридан Саодатнинг хушчақчақ овози келди, лекин Ҳамза унга эътибор бермади. У бармоқларини клавишларга уриб, аллақандай куйни чала бошлади. Куй бошида анча қовушмай, кейин аста-секин жиддий оҳанг касб этиб, жанговар тус ола бошлади. У излаётган нарсасини топганига ишонч ҳосил қилиш учун ҳалиги куйни бир неча бор такрорлади-да, кейин ундан кўнгли тўлиб, музикани шартта тўхтатди. Саҳифага яна алланималарни қайд қилиб қўйди-да, куйни бошдан-оёқ завқ билан чалиб чиқди. Шу пайт орқа томондан қарсақлар чалинганини эшитиб, ўгирилди-ю, дик этиб ўрнидан туриб бориб, қулочини ёзганича дўстлари томон отилди. Хона ўртасида Степан Соколов, Низомиддин Хўжаев ва Степановлар жилмайиб туришар эди. Шу онда эшикдан Саодат хурсанд бўлиб, гапириб кириб келди.

Республика партия аппарати ходими Соколов — оқ мағиздан келган, миқти, елкадор, қирқ беш ёшларга бориб қолган одам бўлиб, эгнига ёқаси ён томондан очилган русча кўйлак ва галифе шим кийиб, бегига жуда энлик ҳарбий камар боғлаб олган эди. Низомиддин Хўжаев Соколовдан уч-тўрт ёш каттароқ кўринар, сочини оқ босиб кетган, у ҳам ҳарбий форма кийган. Степановнинг кийим-боши уларникидан тамоман ўзгача, костюм-шим кийиб, бўйнига капалак нусха галстук тақиб, бурнига олтин гардишли пенсне кўндириб олган. Оқ оралаган узун сочларини орқага қараб текис тараган. У элликларга бориб қолган эди.

Ҳамза дўстларини маҳкам қучоқлаб олган ҳолда ҳаяжон билан хитоб қилди:

— Степа, Низомиддин қайси шамол учирди? Москвадасизлар деб эшитган эдим-ку, ахир?!

— Эрталабки поезд билан келиб тушдик,— деб жавоб берди Соколов Ҳамзага қараб жилмайиб.

Ҳамза бир лаҳза довдираб қолди, кейин ўзини тутиб Степановга қараб қучоғини очди.

— Салом, профессор! Хуш келибсиз!

Степанов Ҳамзага ўнг қўлини узатиб кўришгач, сўради:

— Айтинг-чи, ҳозир сиз қандай куйни чалдингиз?

— Ҳазим... Шундай... машқ қилаётиб эдим,— деб жавоб берди Ҳамза хиёл қизариб.

— Э, э, э, унақа эмас! Сен, ошна, лақиллатма бизни!— деди Соколов жиддий тус олиб.— Биз Сергей Ивановичга сенинг бастакор эканингни айтиб берганмиз. Сен бизларни муттаҳам қилиб қўйма тагин. Биз Сергей Ивановичга, унга ёрдам беринг, деб илтимос қилиб олиб келдик.

— Менга сизнинг «Қорасоч» деган музыкали асар ёзаётганлигингни айтишди,— деди Степанов.

— Анчадан бери ёзади,— деб тасдиқлади Хўжаев.— Лекин қийнал-япти. Бунақа нарса илгари бизда бўлмаган-да!

— Мен ёзаётганим йўқ... Сергей Иванович,— деди Ҳамза Степановга жовдираб қараб.— Ҳозирча шунчаки уриняпман, чиқадими, йўқми ҳали бу номаълум...

— Чиқиши керак,— деди Степанов ишонч билан.— Агар ҳозир чалаётган нарсангизни сиз ёзган бўлсангиз, унда, албатта, чиқади.

— Сизга маъқул бўлдимиз?— деб сўради Ҳамза севинч билан.

— Маъқул бўлди,— деди Степанов Ҳамзага умид бағишлаб.— Шу ҳолида камчиликлари ҳам йўқ эмас, лекин уларни тўғриласа бўлади.

— Ҳазил қиляпсизми, Сергей Иванович?— деди Ҳамза куйиб-пишиб.— Мана бунга қаранг-а.— Ҳамза уни қўлтиғидан оҳиста олиб, кичкина столча олдига бошлаб борди. Иккаласи нота ёзилган саҳифага энгашиб тикилиб қолишди.

— Қани, Низомиддин,— деди Соколов, ҳафсаласи пир бўлиб қўлини силтаб,— назаримда энди сен билан менинг керагимиз бўлмай қолди уларга, уларнинг энди фикр-зикри музыкада бўлади...

— Бир нафас сабр қил, бир нафас,— деди Низомиддин Хўжаев Соколовни қўлидан ушлаб.— Ҳазимиз қилган ошни айланиб ҳам ичамиз, ўргилиб ҳам ичамиз. Бошқа чора йўқ.

Бу орада Саодат дастурхон ёзиб, стол устига майда-чуйдаларни олиб келиб қўйди-да, эрининг олдига бориб, тирсагидан аста ушлади.

— Аббосхон, меҳмонларни дастурхонга таклиф қилинг. Аввал чой-пой ичиб олинглар, гап бўлса, кейин баҳузур гаплашаварасизлар.

Ҳамза бошини кўтариб, хомуш бўлиб турган икки дўстига кўзи тушиб, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди:

— Узр, дўстларим! Сал бўлмаса сизларни унутиб қўя ёзибмиз. Қани, дастурхонга марҳамат қилинглар.

Ҳамма столга ўтирди. Ҳамза қадаҳларга вино қуйиб чиқиб, меҳмонларга бирма-бир узатди, биттасини ўзи қўлига олиб, уларга мурожат этди:

— Дўстлар, ушбу қадаҳни эски дўстларим Степа билан Низомиддин, янги дўстим Сергей Ивановичнинг саломатликлари учун ичишни истар эдим.

Соколов хулосалаб қўя қолди:

— Дўстларимиз учун!— қадаҳни кўтаришди.

— Нега Москвадан гапирмайсизлар? Пленум қандай ўтди?— деб сўради Ҳамза, қадаҳни столга аста қўйиб.

— Яхши ўтди,— деди Низомиддин Хўжаев,— Москвада бизга, пахтани кўп экасиз — бу жуда яхши, лекин ҳосил кам — бу ёмон, бу билан келишиб бўлмайди. Ҳосилни икки ҳисса ошириш лозим, ана ўшанда биз яхшигина эмас, балки аъло деймиз, деб айтишди.

Соколов ўрнидан туриб, столни айланиб ўтди-да, Ҳамзанинг олди-га бориб, унинг елкасига қўлини ташлади.

— Эҳ, Ҳамза! Шоир дўстим. Қандай ажойиб замонда яшаш насиб қилган сен билан бизга. Социализм жамияти томон юз бурдик. Бу жамиятни ўз қўлимиз билан қураимиз!

— Социализм...— деб қўйди Ҳамза ўйчанлик билан жилмайиб,— наҳотки биз социализм жамиятини кўзимиз билан кўриб, унда яшаймиз? Наҳотки, Степа, ўша кун бизга насиб бўлса...

— Насиб этади, Ҳамза, насиб этади,— деб жавоб берди Соколов ишонч билан.— Қолхозларни қуриб, муштумзўрларнинг томирини қирқиб ташласак бас. У ёғи унча қийин бўлмайди.

— Ҳм... ҳа, муштумзўрлар билан жанг қилишга тўғри келади,— деб қўйди Сергей Иванович гапга аралашиб.

— Томирларигача кундаков қиламиз,— деди Низомиддин Хўжаев ишонч билан.

— Ҳа, азизларим,— дея жавоб берди Степан Соколов, икки қўлини бошига қўйган ҳолда узоқ-узоқларга тикилиб.— Афтидан, биз давлатимиз ичидаги синфий душманга қарши сўнгги жангга бораётганга ўхшаймиз. Кескин кураш бошланмоқда. Бу жанг ҳаёт-мамот жангги бўлади, шафқатсиз жанг бўлади.

— Кураш!— Ҳамза ҳаяжонланиб кетди.— Қелинг, дўстлар, шу курашимиз ва унда қозонадиган ғалабамиз учун ичайлик!

— Биз яхши кўрадиган куйни чалиб бер, дўстим,— деди Хўжаев оқ ичилган қадаҳни столга қўйиб.

Ҳамза пианино олдидаги курсига ўтирди. Олдинига қалбларни жўштириб юборадиган шўх куй янгради, кейин Низомиддин Хўжаев «Яша Шўро» қўшиғини айта бошлади. Унга Соколов билан Саодатхон қўшилишди. Сўнг «Ҳой, ҳой отамиз»га ўтишди. Сергей Иванович бўлса икки тирсагини столга тираганича диққат билан тинглаб ўтирди.

— Буларни қачон ёзган эдингиз?— деб сўради у куйнинг сўнгги банди тугагач.

— Эҳ-ҳа, анча бўлиб кетди...— деб жавоб берди Ҳамза жилмайиб. Кейин Соколов Хўжаев билан кўз уриштириб олди.— Бу куй жанг майдонларида тугилган.

Олтинчи боб

Охунбобоев хузуридаги

Г а п

Қабулхона. Ташқаридан кириб келган кишининг кўзи рўпарадаги эшикка қоқиб қўйилган лавҳага тушади. Унда «ЎзССР МИК раиси ўртоқ Охунбобоев» деб ёзиб қўйилган эди.

Қабулхонадаги столда бир қиз ўтирибди. Телефонларнинг қўнғироқларига дадил-дадил жавоб қайтаришидан у Охунбобоевнинг котибаси эканлигини англаб олиш қийин эмас. У ҳар кимга топиб-топиб жавоб қилмоқда:

— Ҳа, худди шундай, ўртоқ Охунбобоев сизни ўша белгиланган вақтда қабул қиладилар. Йўқ, йўқ, роппа роса қирқ минутдан кейин. У телефон қўлөгини илиб қўйиши билан бошқаси қўнғироқ қилиб қолди. Қиз қулоқни олди.

— Йўқ,— деди у кескин оҳангда,— ўртоқ Охунбобоев сизни қабул қилолмайдилар. У киши сизга: ерингизни бошқа одамга тортиб олиб бериб, тўғри қилишганлигини айтиб қўйишимни буюрадилар. Прокурор? Начора, агар сиз совет қонунини бузган бўлсангиз, ўртоқ Охунбобоев сизни суддан қутқазиб ўтирмайдилар. Марҳамат!— қиз телефон қулоғини илиб қўйди.

Қабулхонага бир кекса аёл тортинибгина кириб келди, кийим-бошлари чангга ботган. Эшик олдида тараддуланиб қолди.

— Сиз ўртоқ Охунбобоевнинг олдиларига кирмоқчимисиз?— деб сўради тортиниб турган ўша кекса аёлдан котиба.— Фамилиянгиз?

— Фамилиям Раҳимжонова,— деб жавоб берди аёл,— кейин қўшиб қўйди.— Мен Ургутдан келдим.

Котиба қиз столи устида ётган рўйхатга кўз югуртириб чиқди-да, ҳалиги аёлга қаради.

— Ўртоқ Раҳимжонова, бу қанақаси, кечикиб келибсиз? Сизнинг киришингиз ўнга белгиланган эди-ку, ахир. Ҳозир эса, ўн бешга яқинлашиб қолди.

— Мен Ургутдан келдим... Пиёда...

— Ўтира туринг. Мен ўртоқ Йўлдош Охунбобоевга айтиб кўрай-чи.

Котиба ичкарига кириб кетди, лаҳза ўтар-ўтмас қайтиб чиқиб, аёлга жавоб қилди.

— Сиз Ургутдан пиёда келганингизни тушунтирдим. «Ўн минутдан кейин қабул қиламан. Чиқиб айтинг», дедилар. Аёл котибани дуо қилди.

Охунбобоев кабинетда ўтирган Соколов, Низомиддин Хўжаев ва Назирийлар томон ўгирилди. Уларга диққат билан бирма-бир қараб чиққач, мурожаат этди:

— Мен сизлар билан яна бошқа бир масалада маслаҳатлашиб олмақчи эдим, ўртоқлар. Шоҳимардонга кимни юборамиз?

Назирий буни эшитиб, бир сапчиб тушгандай бўлди, лекин сездириб қўймаслик учун ўзини Охунбобоевнинг гапини диққат билан эшитаётганликка солиб, бепарво ўтираверди. Охунбобоев давом этди:

— У ердаги муқаддас мазор атрофида ғалати ишлар содир бўлаётган эмиш. Бу ҳақда бизни шоҳимардонлик батраклар хабардор қилиб туришибди. Шоҳимардонга каттароқ бир ташкилотнинг ходимини юбориш лозим.

— Назирий ўзини босиб олиб, ўрнидан турди.

— Дарвоқе, менга ҳам етиб келган эди ўшандай хабарлар, тўғри, уларда аниқ бир гап йўқ эди, шунинг учун ўнга ортиқча эътибор бер-

маган эдик. Ҳурматли ўртоқ Охунбобоев жуда ҳақ гапни айтдилар. Шоҳимардонга қаттиқ қўлли, лекин «каттаман» деб керилмайдиган, кичикфеъл бир ходимни юборишнинг айна хонаси келди. Уша ходим бориб, у ерда чинакам тартиб ўрнатмаса, бунга токайгача чидаб турамиз!

Назирий «қаттиқ қўлли» иборасини айтган пайтида Низомиддин Хўжаев унга ялт этиб қараб қўйди. Соколов бўлса, бошини кўтармай, стол устида ётган блокнотига алланималарни чизиб ўтирарди. Бир неча дақиқа ўртага жимлик чўкди.

— Қани, у ерга кимни юборсак экан?— деб сўраб қолди Йўлдош Охунбобоев жимликни бузиб.

Назирий яна ўрнидан турди.

— Агар сиз, ҳурматли Йўлдош ака, менга ишонч билдирсангиз, истаган пайтингизда ўша ерда бўлишга тайёрман...

Охунбобоев унинг гапини бўлди:

— Демакки, биз ишга зиён етказмасдан туриб, сизни ўз ишингиздан бўшата оламиз, шундайми? Сизнинг ишингиз кам-а?

— Нима деяпсиз, ҳурматли ўртоқ Охунбобоев, ишим бошимдан ошиб ётибди-ку-я! Лекин шундай бўлса ҳам...

— Қани айтиб беринг-чи, кейинги пайтда Ҳамза қандай янги асар ёзди,— деб сўраб, Охунбобоев яна унинг гапини бўлди.— Сиз унинг сўнги асарини ўқидингизми?

Олчинбек Охунбобоевга ҳайрон бўлиб қараб қолди.

— Ҳамза яқинда менга «Майсаранинг иши» пьесасини олиб келган эди,— деб жавоб берди Назирий тутулиб,— мен уни деярли ўқиб чиқдим...

— Хўш, қалай, маъқул бўлдимми?— Охунбобоев қизиқиб сўради.

— Емон эмас, лекин, очигини айтганда, Ҳамза илгарилари бир-мунча яхши ёзар эди. Улар жуда ўткир бўларди. Ойнинг доғи бўлади, дегандек...

У бошлаган гапини тугатолмай чайналиб қолди.

— Бу фикр хато. Ҳамзанинг бир умр доғи бўлмаган,— деди Низомиддин Хўжаев кескин қилиб.

Олчинбек Низомиддин Хўжаевга жавоб қайтармоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаган эди, у Охунбобоев томон ўгирилиб олди-да, унга ўз фикрини қизгин баён қила бошлади:

— Жуда тўғри маслаҳат, Шоҳимардонга бақувват, ташкилотчи одамни юбориш керак. Лекин у одамни у ердагилар танийдиган, ҳурмат қиладиган бўлсин. Сиз ҳақсиз, ўртоқ Охунбобоев, Ҳамза энг яхши номзод бўлади.

— Бундай ишга шоир, хаёлпараст, қизиққон бир одамни юбориш. Сизга бир нима бўлганми ўзи, ўртоқ Хўжаев! Наҳотки сиз буни жиддий айтаётган бўлсангиз?— дея Назирий қаттиқ изтироб чекаётган одамдай қўлини кўтарди.

— Демак, иккита номзод бор,— деб жилмайиб қўйди Охунбобоев,— Олчинбек Назирий билан Ҳамза Ҳакимзода. Бу масалада сиз нима дейсиз, ўртоқ Соколов?

Соколов Охунбобоевга диққат билан қараб турди-да, қатъий ишонч билан жавоб берди:

— Менга қолса, Ҳамзани юборар эдим.

— Маъқул, мен ўйлаб кўраман. Раҳмат сизларга, ўртоқлар,— деди Охунбобоев, ҳамсўҳбатларига руҳсат бериб.

Ҳамма ўрнидан турди, хайрлашишди. Олчинбек Назирий эшикка яқинлашиб қолганида Охунбобоев уни тўхтатди, жиддий қиёфада уқтирди:

— Сизга, ўртоқ Олчинбек Назирий, «Майсаранинг иши»ни ўқиб

чиқишингизни қаттиқ маслаҳат кўраман. Қанча тез ўқисангиз, шунча яхши. Керакли асарга тўғаноқ бўлиб туришингиз дуруст эмас. Уни томошабинларимиз анчадан бери зориқиб кутишмоқда.

* * *

Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси биноти дарвозасидан Хўжаев, Соколов ва Назирийлар чиқиб келишди.

— Ҳар ҳолда сиз ноҳақсиз, ўртоқ Хўжаев, сиз ҳам ўртоқ Соколов. У ерга Ҳамзани юбормаслик керак. У бунақа тоифадаги одамлардан эмас,— деб қўйди Олчинбек тагдор қилиб.

— Вақт кўрсатади,— деди Низомиддин Хўжаев энсаси қотиб, кейин Соколов томон ўгирилиб, уни ўзига ҳамроҳ бўлишга таклиф қилди.— Стёпа, қаёққа борасан? Менга ҳамроҳ бўлсанг, извошда олиб бориб қўяман, ўтир.

Иккаласи извошга ўтиришди. Олчинбек Назирий уларга ҳурмат юзасидан тавозе қилиб хайрлашиб қолди. Унинг юзида аллақандай яхши ифодалар ўйнади, у, чамаси, ўз-ўзидан мамнун эди. Уни кутиб турган извош ҳайдовчи олдига келди-да, амр қилди:

— Узинг жўнайвер. У ердагиларга айт, бугун ишга қайтиб бормайман. Тобларни қочиб қолибди, деб қўя қол.

Извошчи жўнаб кетиши билан Назирийнинг юзидаги ҳалиги яхши ифодалардан асар ҳам қолмади. У қовоқ-тумшуғи осилиб ҳеч қаёққа қарамай аста юриб кетди. Театр олдидан ўтаётганида реклама тахтасига ёпиштириб қўйилган бир неча эълонни кўрди. Улардан бирига диққат билан қараб қолди, бадтар авзойи бузилди, ичидан ғижинди.

Эълон Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» драмаси кўрсатилиши ҳақида хабар қиларди. Назирий ногоҳ театр кассаси томон қаради, у ерда билет олиш учун навбатда турган одамларнинг узун сафини кўриб, дами ичига тушиб қетди. Лекин ўзининг бу ҳолатини бирон кимса сезиб қолишини кўнгилдан ўтказди-да, гўё хурсанд бўлгандай, ясама илжайиб қўйди, навбатда турганлардан бирига кўзи тушиб, у билан узоқдан бўлса ҳам, имо-ишоралар орқали қуюқ сўрашган, унга муваффақият тилаган бўлиб, жин кўчалардан бирига бурилди.

У тепасини дарахтларнинг шоҳлари худди ишқомдай ўраб олган салқин кўчадан ўйчан борар эди, рўпара томондан келаётган икки кишига кўзи тушди. Бирининг эгнида тўпиқларигача етадиган узун малла тўн, бошқасининг костюми асл матодан тикилган. Улар бир-бирларига яқинлашиб, худди эски танишлардай қуюқ сўрашишди. Буларнинг бири Ғиёс, иккинчиси, Гилгитдан келган зиёратчи «оқсоқ дарвиш» эди. Зиёратчи Назирийга қўлини узата туриб, салом бериш ўрнига:

— Шайх Исмоилга Лондон салом йўллади,— деди.

Олчинбекнинг ранги қув ўчди, атрофга аланглаб қараб қўйди-да, Ғиёсхўжага тикилиб шивирлади:

— Нега қуппа-кундуз келдинглар? Ахир битта-яримтаси таниб қолса нима бўлади?— деди хавотир олиб. Кейин зиёратчи томон ўгирилиб, овозига бошқача оҳанг берди:

— Хуш келибсиз, азиз меҳмон. Сизни кўрганимдан ғоят хурсандман. Анчадан бери сизга орзуманд эдим. Қани, марҳамат қилсинлар.— У Ғиёсхўжага қаради.— Тақсир, меҳмонни бизникига бошланг, кўчада узоқ турмайлик,— деди-да, олдинга тушиб, тавозе билан йўл бошлади.

Еттинчи боб

Қўй терисидagi бўрилар

Назирийнинг ўрдадай ички-ташқилик ҳовлиси. Уймакор курсилар, нақшинкор данғиллама хоналар. Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Ичкари ҳовлидан кичкина ариқча кесиб ўтган. Ариқдан нилий ранг зилол сув жимирлаб оқиб турибди. Сув ҳовли ўртасидаги ҳовузчага қуйилиб, нариги томондан чиқиб, қўшни ҳовлининг девори тагидаги сопол қувурга кириб кўздан ғойиб бўларди. Мармар сарҳовуз атрофида арчалар кўм-кўк бўлиб яшнаб ётибди, беш туп атир гул чамандай очилган. Бу кўркам манзара ҳовлига алоҳида файз бахш этиб турибди. Улар серҳашамат, сержило бир хонага киришди. Уй шарқ услубида безатилган. Ерга туркман гилами тўшалган. Токчаларда қимматбаҳо чинни, мис, олтин, кумуш буюмлар, жонон чиннилар, хитой товоқ, лаганлар, тухум пўчоқ пиёлалар, аждаҳо нусха чойнак, кўзалар тартиб билан териб қўйилган. Хона ўртасидаги хонтахтага дастурхон тузалган, ундаги турли ноз-неъматларнинг барчаси камёб. Хонтахта атрофига атлас кўрпачалар тўрт қаватдан қилиб ташланган.

Мезбон меҳмонларни уйнинг тўрига ўтқазди, фотиҳа ўқилгач, дастурхонга таклиф қилди. Чиройликкина бир ўғил бола хитойи гардим чойнакда чой олиб келиб, чиний пиёлаларга оз-оздан қуйиб, меҳмонларга бирма-бир узатди.

Назирий новвотиранг жужун пойжома кийиб олган, кўрпачага чордона қуриб, тирсагини хонтахтага тираганча маънос ўтирар эди. Унинг рўпарасида Гиёсхўжа ҳам худди унга тақлид қилгандай ўша ҳолатда Назирийга маънос тикилганча қолган, зиёратчи — «оқсоқ дарвиш» бўлса, иккала оёғини хонтахта тагига узатиб юбориб, орқасидаги ёстиққа елкасини берганича узоқ йўлдан кейин ҳузур қилиб папирос чекар эди. Хизматчи бола чойнакни секин Назирийнинг олдига суриб қўйди-да, сас-садосиз ташқарига чиқиб кетди.

— Қани, тақсир, дастурхонга марҳамат қилиб, еб-ичиб, гаплашиб ўтиринглар,— деди Олчинбек, қонсиз заҳил юзи бир оз ёришиб. У ўртадаги ноқулай жимликни кўтариб ташлаш учун Гиёсни гапга солди.— Оламда нима гаплар, тақсир? Қадамжода аҳволлар қалай? Мана куйган мақбарани қайта тиклаб бердик. Энди шайхимизнинг пучайган ҳамёнлари тўлгандир. Бизни янгиликлардан воқиф қилинг, токи кўнглимиз таскин топсин.

— Оллога шукур, чоришқалнинг ҳаммаси ҳам бут, тақсир. Ҳазрат Али Шоҳимардон пиримнинг равзалари кундан-кунга гуллаб, яшнаб, обод бўлиб бормоқда,— деди Гиёсхўжа овозини пасайтириб.— Мақбара бутунлай тикланиб, асл ҳолига келтирилди. Туркистоннинг чор-атрофидан зиёратчилар келиб туришибди, назр-ниёзлар оқими ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Мана жанобларининг улушларини ҳам келтирдик, йигирма минг, камига шайхимиз қарздорлар,— деб бир халтачани узатди. Назирий чаққонлик билан халтачани Гиёсхўжанинг қўлидан олиб, ёстиқ тагига яширди. Гиёсхўжа сўзида давом этди.— Биз ғазовот йўлига катта маблағ ажратишимиз мумкин. Ислому лашкарларининг Афғонистон тарафларга улгурмаган қисми ҳазрат Али шер худо мақбарасининг сояйи давлатидан паноҳ топди.

— Улар кўпчиликми?— деб сўради Олчинбек.

— Қадамжодан унча узоқ бўлмаган тоғ оралиғида икки мингга яқин сарбоз бор. Мақбара ҳузурда уларнинг ўн иккита сардори истиқомат қилиб турибдир.

— Демак, бизнинг осор-атиқаларни тиклаш учун ажратган маблағимиз айни зарур жойга сарф этилибди-да, бундан чиқди?..

— Шундоқ, тақсир. Сизнинг ёрдамингиз мақбаранинг бутунлай вайрон бўлиб кетишидан сақлаб қолди. Мақбаранинг мутасаддис маслагада собит, аҳдида койим шайх Исмоил, гарчи эскича одам бўлса ҳам, бу ишни ғоят яхши уддалади.

— Қандай эскилик осор-атиқаси бўлар экан бу?— деди такаббурона керилиб ўтирган «оқсоқ дарвиш» аччиқ киноя билан.— Сизнинг бу қадам жойингиз атрофида Россия Туркистонга тумшуғини суққандан кейин бутун шов-шувни биз кўтардик-ку, ахир. Мақбаранинг қурилганига беш йилдан ортиқ муддат ўтгани йўқ. Агар Москва билиб қолса...

— Москов, эҳ-ҳа, қанча узоқда. У буни билиб олишига ҳеч ҳам кўзим етмайди. Билолмайди ҳам,— деди Олчинбек Назирий қўлини силтаб.— Ахир дину имонни мусулмон дилидан ситиб чиқариб бўлмайди-ку? Миён Қудрат ҳазратнинг аҳволлари қалай?— деди у Фиёсхўжага бир пиёла чой узата туриб.

— Миён Муршиди муқтадо эшон ҳазратлари ислоннинг куч-қувватини оширмақ учун барча, чора-тадбирларни ўзларининг муборак ақл-заковатлари орқасида амалга оширмақдалар. У кишининг йўл-йўриқларини бизлар ҳеч қандай гап-сўзсиз бажо келтирамиз. Носирхон тўра сизга шу гапни айтиб қўйишимни илтимос қилдиларким, ислоннинг шаҳар ичида яшириб туришга имкон бўлмаган ҳар қанча миқдордаги сипоҳиларини ўз нуфузларига қабул қилиб, уларни керакли барча ашёлар билан таъминлай олар эканлар. Носирхон тўра лашкар таъминотини зиёратчиларнинг назр-ниёзларига юклаганлар. У зот бобаракат бошчилик қилаётган ҳарбий ташкилот исталган кунда ғазовот туғини кўтариб чиқа олади, иншооллоҳ.

Олчинбек елкасини учириб қўйди.

— Ҳали бир оз сабр-тоқат қилиб туришга тўғри келади. Биз бу яқин ўртада бевосита ҳарбий тадбирлар қўллай олмаймиз,— деди у гижиниб.— Ҳа, кун беришмаяпти.

Шу дамгача бамайхотир папирос чекиб ўтирган «оқсоқ дарвиш» Олчинбекка кўзини ўқдай қадади. Папиросини ўчириб, ўрнидан турди. Олчинбек билан Фиёсхўжа ҳурмат юзасидан унга ўгирилиб қарашди.

— Жанговар ҳаракатлар келаси йили баҳордан бошланади,— деди «дарвиш» буйруқ оҳангида кескин қилиб.— Большевикларнинг кўклагини экиш кампанияларини барбод қилиш лозим. Бу тадбир янги тузилган артелларни барҳам топтиради, янгиларини тузишни эса мушкуллаштиради.

— Очиқ ҳарбий кураш учун ташкилотимизнинг ҳали кучи оз,— деди Олчинбек Назирий, эътироз билдиришга уриниб.— Кутиб туриш керак...

— Нега кутиб туриш керак?— Унинг сўзини бўлди «оқсоқ дарвиш»,— Сизлар бошладингиз дегунча, биз тасарруфимиздаги кучларни ёрдамга ташлаймиз. Фузайл махсум беш минг йигити билан Бухорога бостириб кириш учун ишора кутиб ётибди. Бошқа ерларда ҳам шай бўлиб турган кучлар оз эмас. Сизга кўз тикиб туришибди, сиз бўлсангиз, имиллайсиз. Ташкилотингиз бизга қанчалик қимматга тушаётганлигини ўйлайсизми ёки гўсхўр қиялпсизми? Хўш, ташкилотингизнинг раҳбари сифатида айтинг-чи, шунча берган маблағ, қурол-аслаҳаларимиз эвазига биз нима наф кўрдик?

— Ишлаш хавfli бўлиб қолган,— деди Олчинбек Назирий ўзини оқлашга тиришиб.

— Қўрқманг... Сизга ёрдам берадиган одамлар Москвада ҳам бор. Аммо сиз бу ерда ҳеч қандай ташаббус кўрсатмаяпсиз. Қайси бурчакка қарама, большевикларнинг тарғиботчисига дуч келасан. Мен чега-радан ўтганимдан буён ҳар жойда большевик Ҳамзанинг номини эшитаман! Ҳар бир қишлоқда унинг «Яша шўро!» сини айтиб юришибди. Сизнинг эса сас-садойингиз чиқмайди. Сиз нима чора кўряпсиз бунга қарши?

— Ҳамза билан жанг қилиш осом эмас,— деди Олчинбек, меҳмоннинг даъвосига бирон мантиқли жавоб топиб беролмаганидан эзилиб.

— Нима учун сиз Ҳамзани ўз томонингизга оғдириб ололмадингиз?— дея сўраб қолди, «оқсоқ дарвиш», энди юзига қон югура бошлаган Олчинбек Назирийга тикилиб. Олчинбек Назирий ўзини оқлашга тиришди.

— Оғдириб олиб бўлмади,— деди у умидсиз оҳангда қўл силтаб.— Мен бунга кўп уриниб кўрдим... Ҳа, айтмоқчи, сал бўлмаса унута ёзибман. Менга яна бир хунук хабар етиб келди. Буниси анча ишқалроқ.

— Нима экан у ишқалроқ хабар?— деди «оқсоқ дарвиш» лоқайдлик билан. Гиёсхўжа қулогини динг қилиб, ичаётган чойини хонтахта устига қўйди.

Олчинбек воқеани айтиб берди.

— Шоҳимардонлик Тошпўлат исмли бир қўшчи йигит маст бўлиб, мусофирхона болохонасидан жарга қулаб ўлган эди. Ана ўшанинг этиги қўнжидан Шоҳимардондаги мақбара билан бирга куйиб кетган қирқ саккиз нафар қизил аскар тўғрисидаги маълумот ёзилган ҳужжат чиқибди. Уша воқеани у мактаб дафтарига батафсил қайд қилиб қўйган экан. Шу дафтар ҳозир Йўлдош Охунбобоевнинг қўлида эмиш. Ҳамза, ҳаммага маълум, Охунбобоевнинг энг яқин маслакдоши. Афтидан, Ҳамза махсус топшириқ билан Шоҳимардонга юбориладиганга ўхшайди.

Гиёсхўжанинг капалаги учиб, Назирийга, «энди нима бўлади?» дегандай савол назари билан қаради. «Оқсоқ дарвиш»нинг эса қути учиб, бир чўчиб тушди.

— Ҳамза! Шоҳимардонга?.. Бу — хавфли!

У, Гиёсхўжага қараб амр қилди:

— Агар бу гап ҳақиқатан ҳам рост бўлиб чиқадиган бўлса, ундан бир дақиқа ҳам кўзингизни узманг. Тагин сизларни доғда қолдириб, ишимизнинг пачавасини чиқариб юбормасин бу шоирингиз. Инқилоб эпкинни тоғлар орасидаги қишлоқларга ҳам кирган. У эпкин бора-бора тўлқинга айланиши турган гап. Биз ана шу тўлқиндан фойдаланмоғимиз лозим. Очироқ айтадиган бўлсак, бу тўлқин ўз гирдобига тушган бизга ўхшаган пароканда кучларни бир ҳасдай қаърига ютиб юборадиган қудратга эга ёки қирғоққа шундай уриши мумкинки, ўша кундан худо асрасин. Гап — мана шу тўлқин жилловини қўлимизга ола билишимизда. Бунинг учун эса, ақл ишлатиш, ҳар хил тадбирлар қўллаш, хуллас, заргардай нозик иш кўриш керак бўлади. Ҳалиги жарга қулаган одам воқеасидай қилиб эмас, албатта. Уни йўқ қилиш билан (у «ўлдириш билан» демоқчи эди, лекин айтмади) нима наф кўрдингиз? Бу билан ари уясига чўп тикқансиз, орқа этагингиз очилиб қолиши мумкин. Шарқда: «Отолмаган сопқон ҳам бошга, ҳам кетга тегар» деган мақол бор. Бу иш ҳам шу йўсинда бўлибди.

Узларингиз ҳам ўйлаб кўринглар. Кечагинга «ер ислоҳоти» деган балога гирифтор бўлдингиз. Бугун эса, «артель», «коллективлаштириш» деган гаплар кўндаланг қилиб қўйилмоқда...

Зиёратчи — «оқсоқ дарвиш» сомеларига разм солиб олди-да, пиёлада совуб қолган чойни хўплаб, қизғинлик билан давом этди:

— Большевикларнинг бу режасини барбод қилиш, иродасини кесиш керак.— У, ҳозиргина усталик, заргарлик, тадбиркорлик ҳақида

айтган насиҳатларини ўзи унутиб, дағал игво йўлини тарғиб қилаётганини сезмай қолган эди.— Бойларнинг юрагига ваҳима солинг,— деди у ҳамон қизишиб.— Қамбағал деҳқонларнинг, чоракор, қарол, батрак-чатракларнинг миясини дину шариатни рўқач қилиб чархланг. Хусусий мулкнинг муқаддаслигини тушунтиринг, мулкдорлар ҳуқуқини сақлаб қолишга интилинг, ялангоёқларнинг қулоқларига қуръон, оят, ҳадис, охират азоблари ҳақидаги гапларни такрор-такрор қуйинг. Бу йўлда ҳеч нимадан тойманг, керак бўлса, пулу маблағни аяманг.

Қолхоз нима ўзи? Қолхоз — товоқ-қошиқни битта қил! Қатта кўрпада бирга ёт, бирга тур, ош-овқат ҳам, хотин, бола-чақа ҳам ўртада, дегани. Халққа мана шу ҳақиқатни тушунтиринг. Бунда ҳеч нарсадан тортиниб ўтирмаслик керак. Ер эгаларининг енглаида, этиклари қўнжида ўткир пичоқлар ҳамма вақт шай турсин!

Яқин кунларда худосиз, Совет Иттифоқига қарши салб юришини бошлаймиз, Россияни биз инглизлар озод қиламиз. Борди-ю, сусткашлик қилсак, бизни тарих кечирмайди...

Улар алламаҳалгача гаплашиб ўтиришди. Ҳамма гапни бир ерга қўйиб олишгач, меҳмонлар мезбоннинг саҳоватидан миннатдор бўлиб ярим тун палласида хайрлашиб чиқиб кетишди...

Саккизинчи боб

Жасорат

Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Йўлдош Охунбобоев кабинетида у ёқдан-бу ёққа оҳиста бориб келарди. Кабинетнинг тўрига осиб қўйилган В. И. Ленин портрети қаршисида у бир лаҳза тўхтаб қолди. Унинг нима ҳақдадир қаттиқ ўйланиб турган юзига қараб туриб, доҳийнинг нима тўғрида бунчалик жиддий ўйланаётганлигини фаҳмлагандай, юзига табассум югурди. Шу пайт эшик очилди.

— Марҳамат, ўтиринглар,— деб жой кўрсатди эшикдан Ҳамза билан кириб келган одамга қараб.— Хўш, аҳволлар қалай? Ҳамзахон, «Қора соч» асарингизни тинглашга қачон муяссар бўламиз...

— Ишлаяпман, Йўлдош ака. Илгари битта ўзимга сал қийинлик қилаётган эди, ҳозир Сергей Иванович, москвалик профессор, кўп ёрдам бераптилар. Уша киши билан биргаликда ёзаяпман. Келаси ёзга тугалласак керак.

— Ўзбек операси,— деб қўйди Охунбобоев ўйчанлик билан.— Биринчи опера. У ўзбек халқига унинг қандай зўр, ажойиб музыкаси борлигини намойиш этади. Ҳозир қандай чароғон йўлдан кетаётганлигини кўрсатади. Жуда яхши бўлар эди у битса. У жуда ҳам керакли, қимматли асар бўлур эди. Бутун халққа керак.— У Ҳамза томон энгашиб, мамнун жилмайиб қўйди. Кейин овозини сал пастлатиб:— балки уни рус тилига ҳам ағдарिशар... Балки Москва артистлари уни айтишар, халқлар баҳра олар ундан...

— Билмадим... Эҳтимол, шундай бўлар... агар арзийдиган бўлиб чиқса,— деб жавоб берди Ҳамза, ҳаяжондан овози бўғзига тиқилиб.

— Уни шундай қилиб ёзиш керакки, азизим, арзийдиган бўлсин, токи Москвада ҳам қўйилиш шарафига эга бўлсин. Уни бутун рус халқи тингласин. Тинглаб туриб, Шарқда менинг ўзбек иним бор, десин. Бундай яхши, қобил, содиқ иним борлигидан фахрланаман, деб айтсин.

— Тушундим, Йўлдош ака.

— Сиз операда душманларимизни ҳам кўрсатинг. Ҳозир душманларимиз биздан қўрқиб қолишган. Улар бизга қарши очиқ курашишга юрак бетлатолмайдилар. Улар бошқа тўн кийишган. Сен билан ёнма-ён юришади, ҳатто бирга ишлашади. «Шўро ҳокимиятини севаман, унинг учун жонимни ҳам аямайман» деб гапиришади, лекин енгларидан пичоқ олиб юришади. Сал анқовсирадингми ва ё гумроҳ бўлдингми, бас, Шўро ҳокимияти елкасига ҳалиги пичоқни ҳам иккиланиб ўтирмай санчаверишади. Кўкракка эмас. Кўкракка уришга қўрқишади, орқадан келиб елкага уришга интилишади. Шу кунги душман жуда қўрқоқ, айна чоқда маккор бўлиб қолган. Уғри соясидан қўрқади, деган мақол бор-ку. Улар ҳам сояларидан қўрқишади. Улар аста-секин зарар келтиришга уринадилар. Лекин муғомбир бари бир тумшуғидан илинади. Кимнинг қўлида узук бўлса, Сулаймон ўша. Узук ишчи-деҳқон қўлида!

Охунбобоев ўрнидан туриб хонада у ёқдан-бу ёққа юрар экан, Ҳамзага муружаат қилди:

— Сизни ҳудди мана шу масалада чақиртирган эдим. Сиз, азизим, Шоҳимардонда бўлганмисиз?

— Болалигимда отам олиб борган. У ерга аталган назрни бериб келганмиз,— деб жавоб берди Ҳамза ҳайрон бўлиб.

Охунбобоев стол галадонини тортиб, ундан бир варақ қоғоз олди-да, Ҳамзага узатди:

— Мана буни бир ўқиб кўринг-а.

Ҳамза диққат билан қоғозга тикилди. Бу— Шоҳимардон батракларининг Йўлдош Охунбобоев номига ёзган аризаси бўлиб, унга шу сўзлар ёзилган эди:

«Шахсан қимматли ўртоқ Йўлдош Охунбобоевнинг қўлларига тегсин.

Биз, Шоҳимардон батраклари, Сизга, ҳурматли ўртоқ Охунбобоев, қишлоғимизда содир бўлаётган қинғир ишлар ҳақида мактуб йўллаган эдик.

Аммо бу мактубимиз жавобсиз қолди. Балки йўлда бирон кўнгли кир кимсанинг қўлига тушиб, сизга етиб бормагандир. Шунинг учун бу сафар дўстиниз Тошпўлатни ҳузурингизга йўлладик, унинг айтган гапларига ишонинишгизни сўраймиз. У сизни алдамайди.

Биз ҳаммамиз колхозга киришга қарор бердик, аммо яқин ўртада колхоз йўқ, ўзимиз тузиб олайлик десак, шайхлар рухсат беришмаяпти. Бу ҳақда Тошпўлат батафсил гапириб беради.

Кечалари ҳазрат Али Шоҳимардон пиримнинг мақбараларидан мусулмонларни пахта экмасликка даъват қиладиган овозлар эшитилади, колхозга кириб, бойларнинг мол-мулкни тортиб олмасликка ундайди. Бу овоз кимникилигини билмаймиз. Фикримизча, мол-мулкдан жудо бўлиб қолишдан қўрққан одамнинг найранги бўлса керак. Бу ҳақда бизнинг бутун гумонларимизни Тошпўлат айтиб беради.

Қишлоқ шўросида ўтириб олган Валихон тўранинг ўзи шайхлардан, шу сабабли у шайхларнинг измидан чиқмайди. Шайхлар нима дейишса, бажо қилади, ҳатто Шўро ҳукуматига зарарли бўлса ҳам, уларнинг айтганидан чиқмайди. У Шўролар ҳукуматидан кўра шайх Исмонил эшонга кўпроқ мойил. Бу ҳақда сизга Тошпўлат батафсил гапириб беради. Вали махсумни ишдан олиб ташлаш керак. Қишлоқ шўросига батраклардан қўйиш лозим.

Ўртоқ Йўлдош Охунбобоев, бизга ёрдам беринг, колхозга қандай киришимиз учун нима қилмоғимиз лозимлигини Тошпўлатга ўргатинг.

Бу аризага барча батраклар, шоҳимардонлик кўпчилик камбағаллар розимиз, аммо имзо қўёлмадик, чунки хат билмаймиз. Шу сабабли бармоғимизни босиб қўя қолдик. Бизни кечиришингизни сўраймиз...»

— Уша Тошпўлат билан шахсан гаплашиб кўрсак яхши бўлар эди.

— Бахтга қарши, бунинг имкони йўқ, азизим. Бу мактубни менга милиция ходимлари олиб келиб беришди... Буни аллақандай одамлар томонидан ўлдириб кетилган бир кишининг чўнтагидан топишибди.

Ҳамза сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Ким ўлдиради, қандай қилиб?

— Ҳозирча номаълум. Шунчаки бахтсиз ҳодиса бўлса керак, деб гумон қилишяпти. Биласизми, Деҳқонлар уйи болохонасидан йиқилиб тушган. Маст экан дейишяпти. Ким билади дейсиз, хона ичидан ичкиликдан бўшаган бир-иккита шиша топишибди.

Бир нафас иккаласи ҳам жим бўлиб қолишди. Бу жимликни Охунбобоев бузди:

— Ҳа, чиндан ҳам кишини ўйлатиб қўядиган ҳодиса бу. Хўп, бу ўртоқнинг ўлими тафсилотини аниқламай қўйишмайди. Бизнинг вази-фамиз мураккаброқ. Биласизми? Қолоқ кишиларнинг шахсий иши бўлган диний эътиқоддан душманларимиз ўзларининг қора ниятлари йўлида фойдаланишга уринадилар. Жуда ҳам зимдан таъсир кўрсатадилар, усталик билан иш кўрадилар. Шоҳимардон нима эканлигини биласизми, азизим?

— Фарғонанинг кун ботар томонидаги тоғ дарасида жойлашган кичик бир қишлоқ, — деб жавоб берди Ҳамза. — Алининг етти қабридан биттаси ўша ерда дейишади, диний жаҳолатнинг ўчоги у қишлоқ.

— Фақат диний жаҳолат ўчоғигина эмас. Мана бу нарсга бир эътибор беринг-а. Энг йирик босмачи тўдаларининг қўрбошиларидан Кўршермат, Оллоёр, Нормат махсум, Тўхтасин ва бошқа булар сингари тескаричилар Шоҳимардондан иш бошлаганлар. Буларнинг барчаси шайхларнинг авлодидан. Улардан омон қолган баъзи бирлари ҳозир яна бошқатдан эшон бўлиб олиб, халқни алдаб, унинг нонини бемалол туя қилиш йўлига тушиб кетишди. Шоҳимардон ҳақиқий илон ўрдасига ўхшайди.

— Хўш, нима қилиш керак шундай бўлса? — деди Ҳамза, ўз саволига жавоб кутиб ўтирмай, қизгинлик билан фикрини шартта ўртага ташлади:

— Қўлга олиш керак-да, бирма-бир йўқотиш керак.

Охунбобоев жилмайиб қўйди.

— Бирма-бир йўқотиш, албатта, айтишга осон, лекин бундай қилиш мумкин эмас.

— Нима учун?

— Бу авлиёлар, динни таъқиб қилишяпти, деб айюҳаннос кўтара бошлайди. Бунга кўпчилик — ҳалол, дўлвор одамлар лаққа тушишади, улар Шўролар ҳукуматидан хафа бўлиб қолишлари мумкин.

— Мени юборинг Шоҳимардонга! — деб мурожаат қилди Ҳамза бирдан.

— Мен ҳам бу ҳақда ўйлаб турган эдим, азизим Ҳамза. У ерга боргач нима иш қиласиз?

— Уроқда йўқ, машоқда йўқ — хирмонда ҳозир шайхнинг танобини тортиб қўямиз.

— Баракалла. Лекин қандай қилиб? Якка отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, деганлар. Халқ билан бир ёқадан бош чиқариб курашиш керак. Ахир ҳамма ҳам бирдай ишонавермайди. Шоҳимардоннинг батраклари оқ-қорани анча ажратиб қолган бўлишса ҳам, лекин ҳамон жаҳолат таъсиридалар. Руҳонийларнинг вас-васаларига ҳануз алданиб юрганларга ётиғи билан тушунтириш, уларнинг эътиқодларидан шайхлар, эшонлар шўролар ҳукуматига қарши фойдаланаётганликларини айтиш керак. Бой ҳам бойга беради, худо ҳам бойга! Ана шу ҳикматнинг мағзини чақиб беринг.

Шайхлар кимнинг ноғорасига ўйнаётганликлари бизга оидин. Нью-Йорк ва Лондондаги сармоядорларга озод Ўзбекистон ёқмайди. Улар бизнинг пахтамизни, қоракўлимизни ўзимиздан қизғонишади. Ана шу бойликка қараб сўлаклари оқади. Халқни шайхларнинг таъсиридан халос қилиш керак. Фақат унутманг, азизим! Халқни орқангиздан эргаштиринг, лекин ҳамма вақт унинг гапира қулоқ солиш, кўнглини овлашни ҳам унутманг. Халққа қаттиқ гапирманг. Буйруқ берманг. Нарса ва ҳодисаларни тушуниб олишига юракни кенг қилиб ёрдам беринг. диндан чиқсанг чиқ, элдан чиқма, деган гап бор. Эл ичида бўлинг. Шайхлар уйига тушманг. Душман уйида яшагандан кўра, дўст уйида ўлган яхши, дейди халқ. Қаттиқ бўлинг, сув ҳам заранг ерда тўхтайди. У ерга боргач, биринчи қиладиган ишингиз — қишлоқ шўросидан шайхларни ва уларнинг тарафдорларини аста-секин ситиб чиқариш бўлсин. Биз сизга муддатидан олдин сайлов ўтказишга ваколат берамиз. Энди ҳаракатингизни қилаверинг. Ишингизда батраklar билан камбағалларга суюнинг. Шуни бир лаҳза бўлсин унута кўрмангки, шайх Исмоил ҳам мўлжаллаб ниш урадиганлардан. Халқ манфаатига шайхлар зимдан захар солишга интиладилар. Лекин бутун ҳаракатлари беҳуда. Чунки кимки халқ бахт-саодатига қўл кўтаришга журъат этса, кимки омма ўртасида хурфот ва миллатчилик уруғини сочишни хаёл қилса, кимки Ватанимизга зиён-заҳмат етказишни ўйласа, янчиб ташланади. Биз бахт-саодатимизни асраб қола оламиз. Чиданг, чидаган енгади, Ҳамза. Мана бу дафтарлар ҳам Тошпўлатнинг этиги қўнжидан топилган. Ўқиб чиқинг, ёзувчи одамсиз, асқотиб қолар.

Ҳамза Охунбобоевнинг бу кўтаринки ва ишонч тўла гапларидан қанотланиб, Тошпўлатнинг дафтарларини қўйнига солиб, хайрлашиб чиқиб кетди.

□

Тун яримлаган. Саодат ва ўгли Аббос ширин уйқу оғушида. Ҳамза стол устидаги электр лампани ярим қоронғилатиб, Охунбобоев берган дафтарларни зўр қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқиб ўтирибди. Ҳарфлар қинғир-қийшиқ бўлса ҳам Тошпўлат айтadиган гапларини равон ифодалаган эди.

Ҳамза Тошпўлатнинг эшитган, кўрган, билганлари тарзида ёзган хотираларини ўқиб, ўз кўзи билан кўрган фожиа эсига тўшиб қаттиқ эзилди, гоҳ газабига чидолмай бир неча марта ўрнидан туриб кетди, гоҳ чуқур хаёлга ботиб, шу пайтгача ўзи учун жумбоқ бўлиб келган кўп саволларни ечди. Бунинг учун дафтарларнинг эгасига ичида чуқур миннатдорчилик билдирди. «Қани энди бу бамаъни сатрларни қўлидан келганча қоғозга туширган одам тирик бўлсаю, у билан бамайлихотир гаплашиб, баъзи тафсилотларни билиб олса. Ёки унинг ўзига бор оз қайта ишлатиб, китоб қилиб чиқартирса! Бу китобни ўқиб, йиллар оша шайху эшонлар томонидан алданиб келаётган оддий халқ риёкор шайхларнинг ҳақиқий башаралари, краklarини босиб ётган чирик ва кир ғуборларни кўрса!..

Қизиқ. Бу гапларни ёзишга Тошпўлатни нима мажбур қилди экан? Ё у бечора ҳам элимлардан шахсан жабр тортганларданми? Йўқ, бунда бошқа гап бор бўлиши керак. Шахсан ўзини ўйлаган одам бундай ёзмайди. Бунақа гаплар фақат катта мақсадни кўзлаган, Шўро ҳукуматида садоқатли чинакам большевикларга хос бўлади».

Ҳамза бу мулоҳазалар атрофида хаёл сурар экан, дафтарнинг ҳеч нарса ёзилмаган оқ саҳифаларини беихтиёр варақлади. Бир-икки варақ ўтгач, кўзи ногоҳ охириги саҳифадаги ёзувга тушди-ю унга қадалиб қол-

ди. Буни ўқиган сайин юқоридаги саволлар ойдинлашиб, Тошпўлатнинг ўзи унинг тасавурида бор бўйи билан ёрқин гавдаланиб борди.

«Шўролар ҳукумати ўрнатилганига мана, ўн йил бўлди. Бу орада шайх Исмоил тўдаси мозорни қайтадан тиклади. Илгариги шон-шавкати яна қайтиб келди. Гўё ҳеч нарса кўрмагандай, Шоҳимардонда яна хурофотни авж олдириб, бемалол айшини суриб юрибди. Шоҳимардонда ҳукумат ва халқ тақдири ҳали ҳам ўша қотил, одамхўр, динни пеш қилиб халқни тўғри йўлдан чалғитиб келаётган муштумзўрлар, шайх Исмоиллар қўлида... Ишлар мана шунақа!

Бу хотираномани комсомол аъзоси Алижон менинг илтимосимга кўра ёзиб берди. 1927 йил январь ойида».

Ҳамза охирги жумладаги аччиқ кинодан ғалати аҳволга тушиб қолди. Дилида Тошпўлатнинг: «Шўро ҳукумати ўрнатилганига ўн йилдан ошган бўлса ҳам, Шоҳимардонда ҳукумат ва халқ тақдири ўша муштумзўрлар, шайх Исмоиллар қўлида... Ишлар мана шунақа!» деган жумласини бир неча бор такрорлади-да, дафтарни ёпиб, узоқ ўй ўйлаб кетди. Аста-аста кўзларида ўт чақнади, бўғилиб кетиб ёқасини шарт ечиб ташлади, юраги дук-дук урарди. «Қани ҳақиқат? Қани адолат қиличи? Наинки ҳали ҳам қутилмасак бу оғзи қон бўрилардан?! Бу қандай даҳшат?!» У юраги бардош беролмай бу — хиёнат, бу — жиноят, бу — разолат, деб ҳайқиргиси келар, лекин нафаси бўғилиб, овози чиқмас эди. Фикран дерди: «Бу гулзорни харом қилиб булғабан, қон ялаган итларни Шоҳимардондан ким ҳайдайди?! Ахир, у Содиқжон бойваччалар, Эргаш, Қоплонбек қўрбошилар, Миён Қудрат, шайх Исмоиллар фақат Шоҳимардонда ёндирилган қирқ саккиз қизил аскар учунгина эмас, бутун Фарғона водийсида тўкилган дарё-дарё қонлар, йиллар бўйи ота-оналаримизнинг чеккан аччиқ нолалари, ёш гўдакларнинг қонга беланиб ётган ота-оналарининг ўликлари устидаги фарёдлари, келинларнинг никоҳ тўшагида сўйилган севгили ёрларини қучоқлаб, юлиб ташланган сочлари учун ҳам жавоб берадилар-ку!

Хўш, нега энди бу ваҳшийлар ҳали-ҳали бу ватанда нафас олиб, дин номидан меҳнаткашларнинг устидан яна ҳокимлик қиладилар?! Нега энди у қўли қон, бармоқлари қон, ичи, виждони қон бўлган маразлар жазосини тортмай, ўзларини дили пок, виждони тоза, одамийлиги беқиёс халққа дўст, ёш авлодга меҳрибон қилиб кўрсатиб, яна шу Шоҳимардоннинг шарбатдек ширин сувини ичиб, меҳнаткашларнинг тер тўкиб яратган ноз-неъматини уялмай ёйдилар? Нима қилиш керак?! Ҳа-ҳа... Демак, ҳали ҳам қўрқамиз, шундайми?! Хўш, нимадан қўрқамиз. Шайх Исмоилнинг қарғишидан, муқаддас мазорнинг бало келтиришиданми?

Муқаддас мазорни ёқиб юборганларга бало ҳам урмади-ку!.. У бу гапларни дилидан ўтказди-ю қандайдир бир кескин қарорга келган одамдай шахт билан ўрнидан турди.

Тўққизинчи боб

Шоҳимардон

Шоҳимардонга баҳор келди. Бўғотларда новвот дуридай бўлиб осилиб ётган «сариқ сумалак» ҳам тоғлар орқасидан зар сочиб чиққан қуёш тафтига бардош беролмай чак-чак ёш тўкиб, эриб кетди. Атлас қиррали тоғ тизмалари ҳам олислардан кўзга ташланиб қолди. Уларнинг чўққиларида тўхтаб қолган булултарни кўриб ҳайрон бўла-

сан. Салдан кейин булут эмас қор эканини биласан киши. Ҳамал ўз ишини кўрсатиб, дов-дарахтга жон кирди. Қиш сукунати бирдан бузилди-ю барча жондорлар ҳаракатга келиб, амал ола бошлади. Хашпаш дегунча қор остида ошган ҳамирдай кўпчиб ётган ердан буғ кўтарилиб, офтобрўя ерлар етилди. Иссиқ ўлкаларга кетиб қолган қушлар учиб келишибоқ, насл тараддудига тушишди. Мана, ниҳоят, далага қўш чиқди. Қоронғи оғилларда каллак кунжара еб, семириб чиққан ҳўкизлар етилган ерларни шудгор қилиб пишитишга киришишди. Шоввалар тилга кирди, шағиллаб ўз қўшиғини авжига миндириди. Сойлар тўлиб-кўпириб, бедов отдай водийларга чопа бошлади.

Барра ўтлардан гилам тўшалган кенг қир, адрлардан чўпоннинг ҳазин найи, «Хайт, чек!» деган қийқириғи янграб қолди. Олойдан эсган майин шабада қимиз ҳидини олиб кела бошлади.

Бу ўзгаришларни кўриб, деҳқон уйида ўтира олармиди? Кун чиқар-чиқмас у далага йўл олади.

Бир куни чошгоҳ пайтида камбағал деҳқон Шодмон ҳўжанинг қизи Санобар атрофи тикан қўра билан ўралган ҳовличадан отасига но-нушта олиб кетаётиб, йўлда тўсатдан Алижонга дуч келиб қолди. Улар бир-бирларига маҳлиё бўлиб тикилишар эди. Теварак-атрофдан зог учмайди, фақат тошдан-тошга урилиб, юқоридан отилиб тушаётган шовва шағиллайди. Лекин бу ҳам баҳайбат тик қоялар сукунاتини бузолмайди.

Санобар ўрта бўйдан баландроқ, эғнида лолагулли қизил бўғма ёқа бўз кўйлак, орқаси тўла майда соч, сарвқомат, оппоқ кулча ёноқлариди жоноқи олма ранги аксланади, кўкраклари тўлишиб келаётган ёши ўн олти билан ўн етти орасидаги дуркунгина қиз. Бир-бирига пайваста қуюқ қора қошлари остидаги шаҳло кўзлари шўхчан кулиб туради, «ажинаси» бор... Юзига соя солиб турган киприкларини айтмай-сизми? Лаблари энди очилаётган гунчани эслатади. У чимматини қайириб кифтига ташлаб, тоғ кийигидай ҳуркаклик билан атрофига аланглади-да, Алижонга ер остидан қаради. «Ирғайдек пишиқ йигит, эғнидаги ямоқ тушган яктаги ҳам ўзига ярашади», деди ичида. Бу ҳаракатдан ўзи уялди чамаси, кўзларини ерга тикиб, юзлари оловланди.

Улар Шоҳимардоннинг баланд-пастини, ҳар сўқмоқ, ҳар бир пастқам жойларини беш қўлларидек билишади. Ана ўшанақа жойларда гоҳ-гоҳ учрашиб, бир-бирларига хумор тикилишади, ҳеч қандай гап-сўзсиз дил розларини ифодалашади. Кейин ўз йўлларига кетишади. Орадан бир икки кун ўтади. Ҳар иккиси ҳам висол дамани соғинади, худди олдиндан келишиб қўйгандай, ўша шовва олдидаги қоя тагида учрашиб, бир-бирларининг висолларига термилишади. Бу ерга уларни кўзга кўринмас аллақандай қудратли бир куч олиб келади. Ҳар гал шундай бўлади.

Санобар чимматини қайириб елкасига ташлаганида кескин ҳаракат қилиб юборди шекилли, қўлида ёғимлаб турган рўмолчаси учиб тушди. Буни у сезмади ё ўзини сезмаган қилиб кўрсатди.

— Рўмолчангиз тушди,— деди Алижон, ердан дарҳол гажимли ҳаворанг рўмолчани олиб Санобарга узатаркан.

— Вой, эсим қурсин,— юраги каптардек талпиниб кетган Санобар ёноқлари ёниб қўлини узатди. Кейин қўшиб қўйди:— Қуллуқ, қўлимдан чиқиб кетганини сезмай қолибман.

Алижон рўмолчани эғасига бера туриб узатган қўлидан ушлаб, ўзига тортди. Ўзига тортди-ю дўндиқ қизнинг илиқ, муаттар нафасидан боши сал айлангандай бўлди. Санобар унинг бу ҳаракатидан қўрқиб кетди.

— Вой, сизга нима жин урди... уялмай-нетмай-а,— деди у юлқиниб. Алижон унинг қўлини қўйвормай лол бўлиб тураверди. Дилида ун-

га айтиш учун ардоқлаб юрган, кечалари ухламай ўйлаб қўйган гаплари кўп эди унинг. Лекин буларни ҳозир айтишга ҳарчанд уринса-да, тили дудуқланар эди-ю ўша ардоқли сўзларни ифодалай олмасди. Қиз ҳамон юлқинар, лекин тоғда ўсган бу бўз йигитнинг чангалидан нозик қўлини ажратиб ололмасди.

— Юлдузим,— деди жувоз кунда сингари гўлабирдан келган норғил Алижонга бир маҳал тили калимага келиб. Лекин бу сўзидан ўзи қаноатланмади. Назарида, бу сўз Санобарнинг сифатига муносиб келмаслиги у ёқда турсин, қулоғига жуда дағал, аини чоқда ғоят жўн бўлиб эшитилди. Айтмоқчи бўлиб юрган қанча ширин, ёқимли, эркалайдиган гапларни йиғиб юрарди у дилига. Улар шу топда ҳам дилида бор, лекин негадир тилига чиқмаяпти. Ажабо!

У бўшашиб, Санобарнинг қўлини қўйиб юборди. Санобар қўлини силкиб оғриғини ёзар экан, нозлаиб «пўписа» қилди:

— Вой, сизними, ҳали шошмай туринг. Ёмон йигит бўлиб кетганингизни дадамга айтиб бир калтаклатмасамми!

Алижонга бу ноз-адо далда берди, у бундан бир неча дақиқа олдин тўкилиб кетган эди, қизнинг бу эркалиги, ибо билан қилган эркалигидан кейин ўзини йиғиштириб олди, юраги анча дадиллашди.

— Қошки эди калтакласангиз,— деди у чуқур хўрсиниб.— Отангизнинг калтаклашигагина эмас, балки сизнинг қалинингиз учун унга бир умр қул бўлиб ишлаб беришга ҳам розиман. Фақат иккаламизнинг қовушишимизга йўл берсалар бўлгани менга. Елкамга қанча юк ортсалар «вой» демай кўтарардим. Лекин яқинларига йўлатгилари келмайди.

— Сабр қилайлик бир оз, инсофга келиб қоларлар.

— Сабр ҳам шунчалик бўлар-да! Лекин ҳайронман. Илгари бунақа эмасдилар отангиз. Мени кўрсалар, ўз ўғилларидек меҳрибончилик кўрсатардилар. Энди-чи? Энди олдиларидан борсам тишлаб, орқаларидан борсам тепкилагудек бўладилар.

Санобар ҳам кейинги пайтда отасида содир бўлган бу ўзгаришни сезиб юрарди. Алижоннинг гапини қувватлаб тушди.

— Гапингиз тўғри. Менга ҳам унча рўйхуш бермай қўйдилар. Кейинги пайтда жуда «ичимдагини топ» бўлиб қолдилар. Илгари бунақа эмасдилар. Ҳа, айтмоқчи, шу кунда анови шайхларнинг маслаҳатисиз иш қилмайдилар, улар чизиб берган чизиқдан чиқмайдилар. Қачон қарасангиз, уларнинг олдидалар. «Мулла Шодмон, мулла Шодмон» деб арзимаган ишлари бўлса ҳам отамни йўқлайдилар.

— Нима қилсак экан, Санобар?— дея сўради Алижон, Шодмон акадан иш чиқишига кўзи етмай.

Санобар бирон тайинлик жавоб тополмай елкасини қисди.

— Қўлимизни қовуштириб ортиқ кутиб туролмаймиз-ку, ахир. Чо-ра топиш керак.— Алижон бир лаҳза ўйланиб турди-да, кўнглида анчадан бери гимирилаб, унга тинчлик бермай келаётган шубҳасини айтди.

— Бу балохўр шайхлардан битта-яримтаси таърифингизни эшитиб, кўз остига олиб юрган бўлмасин яна?!

Санобар бу гапдан бир сапчиб тушди.

— Вой ўлмасам! Нималар деяпсиз, ўзи, Алижон ака? Авваламбор отам бунга ўла қолса ҳам кўна қолмас. Елғизгина қизини-я... Йўқ, бу шубҳангиз нодуруст.

Алижон худди бу гапни эшитмагандай, фикрини давом эттирди.

— Отангизнинг феълини мен биламан. Шунча баджаҳл бўлгани билан ўлгудай кўнгли бўш, мутаасиб одам. Аийқса, шайх Исмоил бир нима деса, унинг гапини икки қилмай, лаҳқа кўникиб қўя қолади. Унда, иккимиз ҳам хароб бўлдик, деяверинг.

— Вой, нима қил дейсиз, гапира қолинг,— деди Санобар бўшашиб.

— Битта йўл бор. Кетамиз!— деди Алижон шартта кесиб. У илгари ҳам Санобарга бу таклифни бир неча марта айтган эди.

Санобар бошини элаб, «йўқ» деган ишорани қилди.

— Нега?

— Ўзингиз дуп-дуруст йигитсиз, йўлбарсдай келбатингиз бор, ақлу-хушингиз ҳам жойида-ю бироқ менга нуқул «кетамиз», «қочамиз» деб қисталанг қиласиз. Хўш, шариятни оёқ ости қилиб, урф-одатга чап бериб қочамизми? Эл-юрт-чи, у бунга нима дейди? Ўзи емай едириб, киймай кийдириб мени катта қилган отам маҳалла-кўйда қандай бош кўтариб юради, агар мен сиз билан қочиб кетсам?!

Санобар Алижоннинг бунақа таклифларини шунчаки ҳазил деб жилмайиб қўя қоларди. Ҳозир эса Алижон буни жиддий айтаётганини фаҳмлаб, қайнаб кетди. Унинг ҳамма эътироз ҳамда мулоҳазалари мантиқли эди. Шунинг учун ҳам Алижон тилини тишлаб, бўйинини эгиб қолди. Санобар унинг қаттиқ ўсал бўлганига юраги ачиди, бу вазиятни юмшатишга тиришди.

— Мен сизнинг бу раъингизга қўнмасам «мени яхши кўрмайсан» деб таъна қилиб ўпкаланасиз. Хўп, қочдик денг. Қаерга қочиб кетамиз. Ҳозир осмон узоқ, ер қаттиқ бир пайт бўлса... Қандай кун кўрамиз? Бугини ўйламайсиз. Э, сизни қаранг-у...— У шу топда Алижоннинг кўнглини кўтариш учун унинг бўйнидан қучиб, юзидан ўпишга ҳам тайёр эди, лекин аллақандай ички бир куч бу истакнинг йўлини тўсди. Санобар унга термилиб, ажиб бир нозланиш билан чекланди.

— Омонтой айтди, ҳозир камбағал деҳқон билан ишчининг ошиғи олчи, қаерга борса ҳукумат уларнинг бошини силайди, деди.

— Қаерга борамиз қочиб, бирор мўлжаллаган ерингиз борми, ахир?

Алижон жонланиб кетди. Санобарнинг: «Бирор мўлжаллаган ерингиз борми, ахир?» деган гапи унга: «Тайинли бир жой бўлса, мен рози!» деган маънони англатган эди.

— Шаҳарга-да,— деди у ҳовлиқиб.— Фарғона икки қадам йўл... Кейин Самарқандгами ё бўлмаса, Тошкентгами кетамиз. Ҳозир эски вақт эмас. Қаерда бўлмайлик, Шўро ҳукумати бизни кўчага ташлаб қўймайди. Мен ўзимни заводга ишга ураман, кучим борича яхши ишлайман. Кўп ишлайман. Тирикчилигимизни сал тиклаб олганимдан кейин ўқишга кираман, машина тилини биладиган ишчи бўламан.

— Мен нима қиламан? Мен ҳам ўқийманми?— деди Санобар, Алижоннинг орзусидан ҳавасланиб.

— Йўғасам-чи. Сиз ўқимасангиз бўларканми?— Алижон шу топда ўзини аллақандай шаҳри азимда ҳис қилди.— Хотин дўхтирликка ўқишингиз мумкин.

— Мен хотин дўхтир бўлмайман.— Алижоннинг гапини кесди Санобар.

— Нега?

— Ашула айтишга ўқийман. Театрда қўшиқ айтишни ҳавас қилалан.

— Тиятрда дейсизми?— деди Алижон унинг бу орзусини ёқтирмай.— Санобар, ўзингиз ўйлаб кўринг. Сиз тиятрда қўшиқ айтасиз, юзлаб эркакнинг кўзи сизда бўлади. Улардан уялмайсизми?

— Э, пича тушинг, гапни қайриб келишингиздан, халитдан қизғонаётганга ўхшайсиз-а. Рашкчи!.. Мен саҳнага бир ўзим ёлғиз чиқарканманми? Ҳеч-да. Ёнимда бошқа қизлар ҳам бўлишади. Ҳалитдан кўрқмай қўя қолинг.

— Қўрқаётганим йўғу, лекин хотин дўхтирликками ё бўлмаса муаллимликками ўқисангиз деб эдим-да... Омонтой айтадики...

Санобар Алижоннинг гапини илиб кетди.

— Уша Омонтойингиз ўзининг Меҳрисига тўйдан кейин паранжисини ташлатиб, очишга ваъда қилибди. У айтибдики, Меҳри қаерда ўқишни хоҳласа, ўша ерда ўқийди, дебди... Сиз бўлсангиз ҳалитдан ичи қоралик қилясиз. «Сени яхши кўраман» дейсизу, янгича иш тутиб, паранжини ташлашимга раъйингиз йўқ...

Санобарнинг бу ўпкалаши шунчаки эркалик эди. Лекин Алижон қилиб қўйган «гуноҳи»дан қўрқиб кетди, дарҳол ялпизлашга тушди:

— Йўғ-э, ундай эмас. Мен терслик қиляпманми? Бемалол ўқийверинг. Ашула айтаман десангиз, яна ўзингиз биласиз. Мен сизга ишонаман.

Санобарга мана шу гап керак эди. Шунинг учун Алижонни атайлаб қайраб, синовдан ўтказмоқда эди. Унинг кўнгли жойига тушиб, Алижонга, ҳа, ўзининг Алижонига ғалати бир ишва ҳада этди. Алижон бундан журъатланиб, унинг қўлидан беозор тутди-да, ўзига тортди, қўрқа-писа қучди, овози тўлқинланиб пичирлаб сўради:

— Розимисиз? Кетамиз-а?..

— Қачон?— Санобар унинг кўксига бошини қўйиб саволга савол билан жавоб берди. Алижон қизнинг нафасидан нафас олиб, бир лаҳза ширин хаёлларга эрк берди. Бу оний хаёллар уни юксак орзу чўққиларига олиб чиқиб кетди. У кўзини юмди. Санобарнинг дук-дук қилиб тез-тез ураётган юрак садосини эшитиб, кўзини очди, қизнинг саволи жавобсиз қолганини эслади-да, паст овоз билан деди:

— Омонтой, Тошпўлат ака Самарқанддан келгандан кейин. Тошпўлат аканинг Тошкентда ҳам танишлари бор экан...

— Ҳа, айтмоқчи,— деди Алижон, бир фурсатдан кейин, энг муҳим гап эсига тушган одам тусига кириб, Санобар унинг қучоғидан аста сирғалиб чиқди-да, унга савол назари билан тикилди. Алижон яна жим туриб қолди. Кейин давом этди.— Тошпўлат ака кўрган-кечирганларини менга айтиб турди, мен бир неча кун овора бўлиб, яхшилаб ёзиб бердим. Саккизта дафтар тўлди. Ўзи билан олиб кетди. Назаримда шайхларнинг кирдикори, сирру-асрорларини катталарга айтиб, очиш ниятидага ўхшайди.

(Давоми келгуси сонда)





Жуманиёз Жабборов

— *Кўксал*
Ҳисолари —

1980

Мана, етиб келди шонли Саксон ҳам,
Қаранг-а, қанчалик баланд бир довон.
Бошинг гир айланиб кетгайдир бир дам
Босилган йўлларни ҳис этган замон.

Улар беҳисобдир, гўё минг ирмоқ
Қўшилиб, чўнг дарё яратган миссл,
Олис-олислардан оқиб келар, боқ,
Ҳар бири бир тарих, бир нурли тимсол.

Юрилди солдатдек кўп талотўпда,
Тирмашиб, неча бир қоя ошароқ,
Баъзан тик манзилда, баъзан оқонда,
Пешонада юлдуз, қўлда ол байроқ.

Олис-олисларда ётар йўл боши,
Жанглар гурросини тингларман яққол.
Бугуннинг бор мазмун ва тамал тоши
Ўшанда қўйилган — оти Истиқбол!

Ўпқонлар, тўфонлар йўлда кутарди,
Минг йиллар орзусин дилда тутиб ёд,
Бизни бу довонга дадил кўтарди
Ўша инқилобий, фидоий аждод.

Бу йўлнинг бошида Ленин имони
Чек қўйди минг йиллик оғир бардошга.
Ўнғай бўлмаганди ғариб дунёни
Рутубатдан олиб чиқмоқ қуёшга.

Мана, Саксонинчи азамат чўққи,
Қаранг-а, нечоғлиқ қудратли довон!
Бундай Коммунистик кенгликлар уфқи
Кўзга ташланмоқда ёрқин ва равон.

Талай беш йилликлар силсиласида
 Курашлар, меҳнатлар бўлиб мужассам,
 Барпо эта олдик Ер сийнасида
 Бахту эрк нуридан абадий кўклам.

Юртнинг ҳам, шахснинг ҳам бор ўз довони,
 Юксалиб эллик ёш аталмиш қирга,
 Кўраман умримнинг яна давомин,
 Ўзни пайваст сезиб янги асрга.

Минг ёш

Чиқиб келаётир кўҳна тарихнинг
 Бағридан минг ёшлик улуғ бир сиймо.
 Йўлига гул сендек буюк табибнинг,
 — Марҳабо! — валломат жаддимиз Сино.

Афсона қишлоқлик оддий Ҳусайн,
 Зарафшон сувини ичган бир фарзанд,
 Замон ўтган сайин, аср ўтган сайин
 Бунча қадр топмиш, бунча аржиманд!

Не бахтдир, бир дардга бўлмоқлик малҳам,
 Биров мушқулига бахш этмоқ ҳожат?
 Дунёвий фанларни ўзда этиб жам,
 Қомусий бир ақл сочди ҳарорат.

Она тупроғимиз, қадим-қадимдан
 Инжу тафаккурга қутлуғ ошиён,
 Чексиз идрокнингдан, теран қалбингдан
 «Аш-шифо», «Ал қонун» эмасми нишон?

Зулмат оғушида бор эди ёғду,
 Укинчли сасингда ёлқинли бир ҳис,
 Сино номи билан доврўғ солди-ку
 Бухоро фарзанди ул Шайхурраис.

Унга таъзим қилди Микеланжело,
 Данте ҳурмат билан солди китобга.
 Қалбига сен бериб табаррук жило,
 Шарафин кўтардинг бугун офтобга.

Бешигин тебратиб, алла айтган дам,
 Ситора исмли маъсума аёл,
 Бағрида қандайин ёрқин бир олам
 Тамшаниб ётганин этганми хаёл?

Қатрада — осмону, заррада — дунё —
 Ким бу ҳақиқатга бермоқ бўлса тан,
 Сино сабоғидан дарс олсин, зеро
 Унда мужассамдир бор инсоний фан.

Кўп ҳикматлар кўрмиш бу кўҳна замин,
 Ўтмиш кўп жаҳонгир, зобит қиличбоз.

Тарих суриб кетди улар қадамин,
Инсоний камолда бўлолмаи мумтоз.

Биз, эзгу ишларга ворис бир авлод,
Бугунги юксакдан боқароқ мамнун,
Замондош Синони дилдан этиб ёд,
Шонларга буркаймиз барҳаёт номин.

Бугун уйимизда иккита меҳмон

Бугун уйимизда иккита меҳмон —
Халил Ризо билан Абдулла Ориф.
Гўё Озарбайжон ва Ўзбекистон
Шеър айтадилар қимиз сипқориб.

Уртада ноз-неъмат, мевалар сархил,
Лекин биз қофия мавжларидан маст...
Очиб юракларнинг қатма-қат тархин,
Мисралар чирмалиб оқар чамбарчас.

Халил-ку шеърнинг олтин сандиғи,
Абдулла ёдида юзлаб жонли шеър.
Низомий шеърининг оташ яллиғин
Гўё ҳис этмоқда кичик Алишер.

Шеърлар акс этар асрлар баҳсин,
Тарихнинг тун билан тонги намоён.
Бир-бирга армону муяссар бахтин
Сўзлар Ўзбекистон ва Озарбайжон.

Авлодлар тизмаси минг бўғин-бўғин,
Ҳар айём яратур янги-янги ном.
Гўё меҳмон эди уйимда Вурғун,
Гўё шеър ўқирди Гафур ал Ғулом.

Муғон чўлларининг юлдузли туни
Ва Ҳазар мавжларин олиб келган дўст,
Ўзбек диёрининг бўлиб мафтуни,
Тошкентим шаънига айтар ўтли сўз.

Даврада Пушкину Байрон ҳам ҳозир,
Файласуф Гётею фожей Данте...
О, олтин мисралар жаҳонга арзир,
Ҳаётдай абадий, ҳаётдай танти!

Қанийди боболар, замон ўгрилиб,
Қўрсалар бу ёрқин, тиниқ базмни.
Қутлуғ замонамдан минг бор ўргилиб,
Муборакбод этса янги назмни.

Майли, беллашувдир, айтишувдир бу,
Майли, мушоира аталсин оти.

Буюк меросларга вориссан мангу
Эзгулик куйчиси, эй шоир зоти!

Бу базмга нуқта қўйилмас ҳали,
Бу шеър гулханида сўнмагай шуъла.
Бошла янгисини, қардошим Халил,
Янги шеърларингдан ўқи, Абдулла!

Болаликка қайтиш

Болаликка қайтдим мен тунов кеча,
Йиллар пардасини бир-бир очароқ.
Сал кам қирқ йиллик йўл —
Мен неча-неча
Дарёю тоғлару чўллар ошароқ,
Хотирот аталмиш йўллар ошароқ,
Хаёлнинг тизгинсиз, учқур отида
Сенга етиб келдим, олис болалик.
Ана, сен!
Қабул эт мени бир нафас,
Саломимга ол лаҳза алиқ.
Раҳмат!
Яна ўйинқароқ йилларим такрор,
Яна чиллак завқи, олишув, пойга.
Яна тупроқ кўча, чорбоғ, сарбозор
Ва хаёл ичида тикилмоқ Ойга.
Уттизинчи йиллар...
Илк синф, илк сабоқ.
Сокит кечаларнинг юлдузистони.
Елиб ялангбошу ва ялангоёқ
Топдим нақ ўшал ер, ўшал самони.
Ризқ эди адирда тактак бошоғи,
Ризқ эди янтоққа тушган шакар ҳам...
Сени, болалигим, қалбим ардоғи,
Наҳот бир умрга йўқотган бўлсам?
Олис-олисларда қолмиш у вақтим,
Ўртада масофа чексиз ва беҳад.
Асло йўқотмадим! Бугунги бахтим
Ўшал замин узра кўтаргандир қад.
Бир тунда гўё бир умр яшадим,
Лаҳзада жам эди буткул бир олам.
Ут ўрдим, қўй боқдим, сомон ташидим,
Дарс қилдим — теграмда қоғозу қалам.
Заъфар адирларга кетдим югуриб,
Буғдойзор олтини ёндирди кўзим.
Қайси ҳам бир боғга кирдим, улгуриб,
Ўғринча илинжим — бир бош бол узум.
Овга ҳам чиқолдим елкада милтиқ,
Бесамар титкилаб шоҳу шудгорни.
Кутдим жажжи қизни, йўлида интиқ,
Хатга жамлаб гўра ишқий изҳорни.
О, уруш йилларин даҳшати ёмон,
Оналар зорию нон қадри, ҳайҳот!

Бошпана исташиб келар биз томон
 Ғарбдан тенгдошларим — етим бир авлод.
 Аламлар ўртада, қайғу ўртада,
 Хушбахт истиқболга нигоҳни тикиб,
 Етиб бир хонада, битта партада
 Ғалаба тонгини кутдик энтикиб.
 Уйқусиз кечалар, ўт эҳтирослар
 Яна жонландилар асли-аслида.
 Елкада олача «алвон» либослар,
 Қизғалдоқ ҳам тердик баҳор фаслида...

Бир тунда айланиб чиқибман, қаранг,
 Болалик аталмиш диёрни буткул.
 Унда пайваст эди оқу қора ранг,
 Тикан бир ёнида, бир ёнида гул.
 Кечди кўз ўнгимдан шодлик, малолим,
 Ҳеч ўрин қолмади мубҳам тугунга.
 Раҳмат, болалигим! Раҳмат, хаёлим!
 Гўё яшариброқ қайтдим бугунга.

Рус тили

Рус тили аталмиш зўр хазинадан
 Қуёш нурларидай бўлдим баҳраманд.
 Рус тили аталмиш биллур зинадан
 Бугун қуёшгача етдим, ахир, ман.

Маъно водийсига дарвоза бу тил,
 Уни ўрганурман умрим борича.
 Жаҳондаги не-не ҳикматларга, дил,
 Шу тил калити-ла очар дарича.

Уни буюк тоғга этгумдир қиёс,
 Бу тил — инсоният бойлиги, кўрки.
 Бу тоғнинг азамат, мислсиз, олмос —
 Чўққилари: Пушкин, Толстой, Горький.

Афғон кўшиқчи қизларига

Икки афғон қизин кўрдим Кобулда,
 Бири Рухшонадир, Афсона бири.

Икки булбулдирки, сайрарди гулда,
 Бири хуш илҳому, мастона бири.

Ёнар куй мавжида бул икки кўнгил,
 Бирин гулхан десам, гулхона бири.

Бетакрор иккида ҳусну малоҳат,
 Бирин шам дейилса, парвона бири.

Карашма бунча шўх, ноз бунча кўркам,
 Бирин жоним десам, жонона бири.

Қўшиқда ўтмишу иқбол мужассам:
Бири вайронадир, кошона бири.

Гўзалсан бунчалик, о эрк садоси,
Бир авжинг тарона, дурдона бири.

Тутса қўшиқ билан бири олтин жом,
Тутар нозлар тўла поймона бири.

Бири илҳом билан куйлар диёрин,
Ҳаёт ишқин солар Афғона бири.



Ҳовлида ҳалиям қор уюмлари,
Ҳалиям қиш ўзи бўртиб турибди.
Унинг кўз илғамас аччиқ қуёнлари
Кўчаю боғларда йўртиб юрибди.
Осон жон бермоқчи эмасдир ҳали,
Ҳатто қуёшни ҳам совутмоқчидай.
Муз қалбли бир қизким, жафодир фани,
Шу билан ўзин ҳам овутмоқчидай.
Ва лекин ўз ишин қилур ҳарорат,
Тош қотган музни ҳам бир кун эритгай.
Бир кун бу жафолар топгайдир ғорат,
Баҳор жилолари кўзин элитгай.



Бир тикка дарахтдан нақ миллион дона
Гугурт чўпларини ясар эмишлар.
Лекин битта гугурт миллион дарахтни
Ёқиб юборишга етар, демишлар.





Эркин Воҳидов

РУҲЛАР ИСТЁНИ

ОТАШИН БЕНГАЛ ШОИРИ НАЗРУЛ ИСЛОМ ҚИСМАТИ ҲАҚИДА

ДОСТОН

МУҚАДДИМА

Бу дунёнинг
Кувончи кам,
Дарду ғами —
зиёда.
Аммо
ғамдан қочмоқнинг ҳам
Тадбири кўп дунёда.
Қимнинг дилдош
Бор улфати,
Дардин
унга тўкади.
Ёлғизларнинг бор кулфати
Дил тубига
чўкади.
Ким нажотни
сокин туннинг
Уйқусидан сўрайди.
Ким ғамини
Никотиннинг —
Тугунига ўрайди.
Дил заҳмига малҳам топар
Ким ҳабиб,
Ким табибдан.
Ким қочмоққа
айлар сафар

Ғам аталган
рақибдан.
Ғар буларнинг
Йўқ имкони,
Сўнгги чора этмоқ бор.
Кулфат тўла
бу дунёни
Шартга ташлаб кетмоқ бор.
Лек оламда
бир дард борки,
Унга сира нажот йўқ.
Бу азобга
ким дучорки,
Унга кун йўқ,
Ҳаёт йўқ.
Бу машаққат
Ичган билан
Дил тубига
чўкмайди.
Уни ҳеч ким юрагидан
Ҳеч кимсага
Тўкмайди.
Халос этмас
битта арқон,
Нуқта қўймас

Битга ўқ.
 Чидамоққа
 йўқдир имкон,
 Қочмоққа ҳам
 Чора йўқ.
 У жон билан
 кетса дилдан,
 Сукут қолса
 юракда,
 Одамзоднинг
 Руҳи билан
 Яшайберар фалакда.

Абадият ҳақида ривоят

Ровий айтар:
 Аллазамон —
 Аллақайси маъвода
 Фалокатга учраб карвон
 Поёни йўқ саҳрода,
 Бу ноғиҳон
 Тасодифдан
 Барча ўтиб дунёдан —
 Шу тасодиф
 амри билан
 Омон қолди
 Бир одам.
 Белбоғига осганича
 Қуруқ кўза —
 сувдонни
 Кезди неча
 Кундуз кеча
 Бу дашти бепоёни.
 Кеза-кеза
 охир толди,
 Умид узди жонидан.
 Бир пайт
 ногоҳ
 чиқиб қолди
 Бир чашманинг ёнидан.
 Йиқилганча сувга
 беҳол
 Лаб чўзганда ташна тан,
 Тўлқинланди
 бирдан зилол,
 Садо чиқди чашмадан:
 «Шошма, йўлчи,
 Ичурсан, бас,
 Муздек,
 тиниқ,
 тўламан.
 Аммо билки,
 Оддий сувмас,
 Оби ҳаёт бўламан.

Бу —
 шоирнинг дилин эзган
 Истибоднинг дардидир.
 Юракдан
 қон бўлиб сизган
 Истеъдоднинг дардидир.
 Тўлғоғида бу аламнинг
 Танҳо ингроқ —
 хониш бор.
 Абадият
 Жаҳаннамнинг
 Оташида ёниш бор.

Азоб чекдинг кўп
 саҳрода,
 Майли,
 Тўйиб ичиб ол.
 Мени ичган бу дунёда
 Мангу яшар
 безавол.
 Ол, ич,
 Яша даврон суриб
 Абадий бу даҳр аро.
 Аммо
 Мени ичмай туриб
 Фикр қилгин аввало.
 Ҳаётга-ку
 тўймас кўзинг,
 Яшайсанми умрбод?
 Мангу ҳаёт учун ўзинг
 Ярайсанми
 Одамзод?
 Мангулик дер
 одам насли,
 Лек
 инсоний тафаккур —
 Абадият надир асли
 Қилаолмас тасаввур.»
 Йўлчи ҳайрон,
 Йўлчи сергак.
 Бу қандайин чашмадир?
 Ичай деса —
 чўчир юрак,
 Ичмай деса —
 ташнадир.
 Узоқ-узоқ
 Уйга толди
 Сув лабида ўлтириб.
 Охир
 Оби ҳаёт олди
 Кўзасига тўлдириб.
 Уйлай-уйлай

Нари кетди —
 Ул сеҳрли булоқдан.
 Ногоҳ
 Ҳазин сас эшитди,
 Садо келди йироқдан.
 Борди,
 Э, воҳ,
 ётар бир бош
 Қум устида бенажот.
 Нола чекар,
 Тўкар кўз ёш,
 Лаънат —
 дейди —
 эй ҳаёт!
 Уша сувдан ичдим нега?
 Афсус!—
 деру
 ўкинар.
 Йўлчига у:—
 «Раҳм эт менга,
 Улдир —
 дея ўтинар.—
 Минг йил аввал
 Шу булоқдан
 Сув ичганман,
 чўмганман.
 Яшайвериб,
 Бу қийноқдан
 Узни қумга кўмганман.
 Умр кўрдим
 ҳаддан бисёр,
 Ҳеч тоқатим қолмади.
 Ер юзида
 Менинг бирор —
 Ҳамсуҳбатим қолмади.
 Азоб борми
 Бундан улғ,
 Даҳшат борми дунёда?
 Менга ерда тириклик йўқ,
 Улим ҳам йўқ
 дунёда.»
 Йўлчи боқди
 Ҳайратда лол
 Тирик инсон қабрига.
 Сўнгра
 қумга чўкди беҳол,
 Раҳмат айтди сабрига.
 Уз холига
 минг шукр этди,

Йиғиб сўнги саботни —
 Қум устига
 Тўкиб кетди
 Йўлчи оби ҳаётни.
 Йўлчи кетди:
 Бўлиб ҳоли
 Мангуликнинг ғамидан.
 Тотиб қолди
 Чўл ниҳоли
 Оби ҳаёт намидан.
 Илдизига унинг алҳол
 Томчи етди,
 Шу фақат.
 Йиллар ўтиб
 ўша ниҳол
 Чинор бўлди оқибат.
 Шундан чинор
 Узоқ яшар,
 Шундан чайир танлари.
 Мангуликдан кечиб башар
 Фоний умр танлади.
 Кел, эй кўнглим,
 Бизнинг ҳаёт
 Эмас экан жовидон,
 Бу дунёда
 изла нажот,
 Яша фақат
 шодумон.
 Бу ҳаётнинг
 ярми роҳат,
 Ярми ғамдир,
 шукр қил.
 Умринг узун бўлса —
 раҳмат.
 Агар камдир,
 Шукр қил.
 Шу офтобу
 Минг бир оҳанг,
 Минг бир рангли бу дунё
 Сеникидир,
 Ҳаёт эсанг,
 Ҳаёт эсанг аввало.
 Ҳам шавқ билан,
 Ҳам дърд билан
 Утар экан бу дамлар,
 Омон бўлсин
 Сен англаган,
 Сени англа
 одамлар.

БИРИНЧИ ФАСЛ

Шоир қалби

Тун билан кун,
 Ут билан сув
 Бир-бирига золимдир.
 Коинотда
 Азал,
 Мангу
 Исён руҳи ҳокимдир.
 Замин узра
 қор қуюнин
 Ёғдирганда
 чарх-фалак,
 Қиш қаҳрига
 этмай бўйин
 Исён қилар
 Бойчечак.
 Қора булут
 зулумотга
 Чулғаганда самони,
 Чақмоқ —
 нурсиз бу ҳаётга
 Еруғликнинг исёни.
 Туғиларкан,
 дод дер гўдак,
 Кўкси тўла фиғондир.
 Жажжи мушти
 Нақ ғунчадак,
 Бу — ўлимга исёндир.
 Қаро қилган
 Кўк дафтарин
 Қоронғилик қасдига

Назрул Ислому
 Бу дунёга
 Шоир бўлиб туғилди.
 Илҳом отли пок зиёга
 Гўдак қалби йўғрилди.
 Нигоҳидан
 Сеҳрли нур
 Борлиққа нур таради.
 Коинотга
 у таҳайюр
 Кўзи билан қаради.
 Тунлар унга берди хаёл,
 Шавқ атади
 кундузлар.
 Гуллар
 ғазал айтди хушхол,
 Эртақ айтди

Тонг йиғади
 нур лашкарин
 Шафақ туғи остига.
 Еру уммон,
 Буржлар аро
 Хоҳи ошкор,
 хоҳ пинҳон
 Ибтидодан
 то интиҳо
 Ҳукм сурар ғалаён.
 Собир инсон юрагида
 Қаноатки барқарор,
 Коса янглиғ
 сабр тагида
 Оташ янглиғ исён бор.
 Қуй,
 ғазали
 одамзоднинг
 Дарддир,
 эзгу армондир,
 Яралишдан,
 Истеъдоднинг —
 Табиати —
 исёндир.
 Шоир юрак —
 Пок тилаги,
 Имонидир башарнинг.
 Армон тўла
 юракдаги
 Исёнидир башарнинг.

□

Юлдузлар.
 Улғайди у,
 Усмир бўлди,
 Етди йигит ёшига.
 Ишқ отли қуш
 келиб қўнди
 Назрулнинг ҳам бошига.
 У ҳам ёнди бағри кабоб,
 Ҳам очилди
 чун баҳор.
 Ҳижрон берди
 тогли азоб,
 Висол этди
 бахтиёр.
 Гоҳ шодлик,
 Гоҳ алаmidан
 Дил чашмаси очилди.

Унинг хассос қаламидан
Ишқий байтлар сочилди.
Бу дунёга
Назрул Ислом
Шоир бўлиб туғилди.
Ибтидодан

ёниқ илҳом
Шуъласига йўғрилди.
Етти аср аввалгидек
Бўлса эди замонлар,
Балки
Хусрав Деҳлавийдек
Битар эди дostonлар.
Туғилсайди

Назрул агар
Ярим минг йил илгари,

Битар эди
рубойлар
Мирза Бобир сингари.
Агар
Неча замон ўтиб
Келмаса бу давронлар
Бедилонга ғазал битиб
Тузар эди

девонлар.
Ўзга эди
аммо фурсат,
Ўзга эди эл дарди.
Замон

унинг
ёниб турган
Юрагини сўрарди.

□

Шоирни
у туғилмасдан
Гадо қилган эдилар.
Ўз юртида
Ўз юридан
Жудо қилган эдилар.
Ураб унинг

нак юракдек
Она Ҳиндистонини
Зобитлар
оқ ўргимчакдек
Сўрардилар қонини.
Бир томонда
Ёвни эмас,
Бир-бирини беомон —
Сўяр эди
тақводан маст

Ҳинду билан мусулмон.
Бир томонда
На уй кўриб,
На бир тўшақ,
оч,

хароб.
Кўчаларда ҳаёт қуриб
Ўлим топган беҳисоб.
Ганг оқади
кўз ёш бўлиб,
Ҳинд оқади
бўлиб қон.
Бори бутун бардош бўлиб
Нажот кутар
Ҳиндистон.

□

Ҳар нечаким зўр истеъдод
Тошқин илҳом,
У нега,
Халқинг ётса

чекиб фарёд,
Ярамасанг кунига.
Шоир эсанг,
Шоир бўлиб
Нега келдинг ҳаётга,
Элинг ётса
дардга тўлиб,
Келолмасанг нажотга.
Не шоирсан,
Ташбеҳларнинг
Борми асли кераги,

Бўлмаса эл ғами —
дардинг,
Юрагинг —
эл юраги.

Назрул Ислом
Ҳинд халқининг
Зардобини ютарди.
Назрул Ислом
Ўз қалбини
Байроқ қилиб кўтарди.
Юрагида
то сўнгги дам
Исён ўти сўнмади.
Ҳақсизликка кўнди олам,

Аммо
 шоир
 кўнмади.
 Кўргилик бу,
 деди ҳинду,
 Тақдир,
 деди мусулмон.
 Лекин
 Зўрлар зулмига у

Тан бермади
 ҳеч қачон.
 Ўзни ўтга отди аниқ,
 Жони борки,
 курашди.
 Умри унинг
 Мангу ёниқ
 Қўшиқларга туташди.

Исён қўшиғи

«Сўйла инсон,
 Сўйла қаддинг
 Кўтариб баланд.
 Юксакликда сенинг қадринг
 Ҳимолой монанд.
 Сўйла,
 Сенинг пойингдадир.
 Бу улуг замин.
 Сўйла отиб золим аср
 Дарду аламин.
 Сен ўтмишни супиргувчи
 Кучли бўронсан.
 Осмонларга от сургувчи
 Соҳибқиронсан.
 Сен чақмоқсан,
 Қаро зулмат
 Бағрини ёққан.
 Сен Индра,
 Кўкда исмат
 Чироғин ёққан.
 Сен Шивасан, коинотни
 Барбод қилгувчи.
 Сен Гангасан, бу ҳаётни
 Обод қилгувчи.
 Сен — Дурганинг тош юраги,
 Шафқат билмайсан,
 Сен — Кришна қўлидаги
 Қуйлаган найсан.
 Измингдадир чексиз фазо,
 Замину замон.
 Бу оламга эга танҳо
 Ўзингсан, инсон!
 Тангриларни то осмон
 Кўтарган ҳам сен.
 Сажда қилган,
 Яна исён
 Кўтарган ҳам сен.
 Ҳам шафқат,
 Ҳам беозорлик
 Яшар қонингда.
 Ҳам фидойи исёнкорлик

Ёнар жонингда.
 Сўйла, инсон,
 Сўйла қаддинг
 Кўтариб баланд.
 Юксакликда сенинг қадринг
 Ҳимолой монанд.
 Қуллик сенга кўп малолдир.
 Аммо не учун
 Бошинг эгик,
 Тилинг лолдир,
 Қоматинг забун?
 Тангриларга бўйсунмаган,
 Бермаган бардош,
 Бандасига бугун нега
 Эгадирсан бош?
 Сабабкорми ёлғиз тақдир
 Ҳолинга санинг?
 Биласанми дўстинг кимдир,
 Кимдир душманинг?
 Асрий гафлат етар энди,
 Эй мазлум инсон!
 Уйғонмоқнинг вақти келди,
 Кўтаргил исён!
 Бош кўтаргил,
 Минг йил тўккан
 Кўз дуринг ҳаққи,
 Қўзғол,
 Асрий қуллик буккан
 Ғуруринг ҳаққи.
 Қўзғол,
 Буюк Тожмаҳалнинг
 Шукуҳи учун.
 Қўзғол,
 Улуг боболарнинг
 Пок руҳи учун.
 Эрк бонгин ур,
 Сен интиқом —
 Таблин баланд чол.
 Туғилгансан озод,
 мудом
 Озод бўлиб қол».



Назрул шеъри

мушоара —

Минбаридан янгради.

Ким деди:

Бу шеърмас сира,

Ким

дилидан англади.

Юрт оғзида бу шеър баҳси,

Эл тилида баҳоси:

«Қани шеърда гуллар рақси?

Қани булбул навоси?»

«Бу шеър

шарққа хосдир наҳот?

На ишқий,

На риндона...

Бундай ашъор Саъдийга ёт,

Ҳофиз учун бегона».

«Қоида бор,

Бузмоқ абас,

Исён эса гуноҳдир.

Ким шарият йўлин тутмас,

Эл биларки,

гумроҳдир».

«Ул кун Будда:

Мард агар сен

Дардни ичга ют, деган.

Ул юзингга урсалар,

сен

Бул юзингни тут, деган».

«У дунёда бахтинг таъмин,

Бу дунёда чексанг ғам,—

Шундай дея

Берган таълим

Ул...

алайҳи вассаллам».

Маломатга қолди энди

Шоир битиб ҳақ достон.

Ҳинду уни

«жобон», деди,

«Кофир»— деди

мусулмон.

«Бу исённи,

бу нифоқни,

Чиқармоқ не зоҳирга.

Сиёсат-ла ўйнашмоқни

Ким қўйибди

шоирга».

«У ҳали ёш,

Ҳали гўдак,

Зарра парво этмайди.

Эс-ҳуши йўқ ҳайиққудак,

Жон қадрига етмайди».

«Ҳа, зулм бор,

Ҳақсизлик бор,

Барчага бу аёндир,

Аммо

бунининҳор-зинҳор

Айтиб бўлмас замондир».

«Ҳамма билар,

Инсон эркин —

Яшаши шарт пойидор.

Биз ҳам айтсак бўлар,

лекин

Уйда бола-чақа бор...»



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.

Фидойилик тўғрисида ривоят

Қадим замон,
 Аёл дини.
 Фидойилик,
 деганлар.
 Эри ўлса,
 хотинини
 Қўшиб кўмар эканлар.
 Утиб
 неча авлод умри,
 Утиб
 чексиз кўп замон,
 Ҳеч бир давр
 Бу удумни
 Қилолмади қатағон.
 Даҳшат эди бу чинакам,
 Билар эди
 одамлар.
 Лек
 одатга қарши
 не ҳам
 Қилар эди одамлар?
 Ҳам ота,
 Ҳам онаизор
 Утди куйиб баробар,
 Қола берди
 чирқираб зор
 Бола-чақа
 Дарбадар.
 Асли
 ўша замонда ҳам
 Донишмандлар бор эди.
 Лекин
 улар ичра
 мард кам,
 Кўп —
 эҳтиёткор эди.
 Бош кўтармас эрлар,
 Исён —
 Аёллар ҳам қилмасди.
 (Чунки улар эри қачон
 Улишини билмасди)
 Утиб кетди
 Минг йил фурсат,
 Қарши қудрат йўқ эди.
 Кимда шафқат,
 Кимда ҳиммат,
 Кимда журъат
 йўқ эди.
 Бир кун
 Жангга кета туриб
 Бош кўтарди
 бир ўғлон.
 От бошини шартта буриб
 Елди тикка

Шоҳ томон.
 Деди:
 «Эй шоҳ!
 Олдимда бор
 Е ҳаёту ё ўлим.
 Қолаётир рафиқам зор,
 Қизалоғим ва ўғлим.
 Агар мен бу жангда ўлсам
 Содиқ қолиб удумга,
 Фарзандларим онасин ҳам
 Ҳукм этарсан ўлимга.
 Мен-ку,
 улар эрки дея
 Жангга кетаётирман.
 Фарзандларим меҳри дея
 Фидойиман,
 ботирман.
 Улсам,
 Улар онадан ҳам
 Етим қолса баногоҳ,
 Тор-мор бўлсин бутун олам!
 Бу не ваҳшат!
 Эшит шоҳ!
 Боқийси йўқ
 ҳеч одамнинг,
 Биз кетармиз тамомий.
 Аммо аёл —
 Бу оламнинг
 Келажаги,
 давомн.
 Шоҳим,
 ўлсам куним битиб,
 Сўнг ўтинчим шу бўлсин:
 Ерим эмас,
 Хамроҳ этиб
 Жанг қуролим кўмилсин.»
 Бу сўз
 Мисли очиқ кунда
 Бўлди момогулдирак.
 Келтирдилар
 Болта...
 Кунда...
 Бас,
 Тафсилот не керак...
 Бечоранинг очиқ қолган
 Кўзларини юмдилар.
 Мозорига
 Узи билан
 Қиличини кўмдилар.
 Бўлсин дея тавқи лаънат,
 Авлодларга таълимот,
 Қабри узра
 Ездилар хат:

«Бунда ётар
манфур зот!
Кўринг
бу кас ҳолатини,
Ётар
мисли хору хас.
Боболарнинг одатини
У билмади муқаддас.
Ҳис қилмади
У юракдан —
Аёл учун дунёда
Эри билан кўмилмакдан
Саодат йўқ зиёда!»
Қурбон бўлди
Битта юрак,
Қолди тавқи лаънатга.
Шундан аёл
Улса эркак
Қўйилмади лаҳадга.

Кел эй кўнглим,
Инсон асло
Яралмаган сабрга.
Сиғинайлик
ўша танҳо
Таҳқирланган қабрга.
Ҳақ учун
Бош тутган тикка
Мардлар руҳи
ёр бўлсин.
Бу дунёда
ноҳақликка
Кўнмаганлар бор бўлсин.
Зўрлик кўрсанг,
Қилма тоқат,
Ҳар бошга бир ўлим бор.
Фидойилар умри фақат
Бу дунёда
пойидор!

ИККИНЧИ ФАСЛ

Ғалаён

Калькутта. 1926 йил
Калькуттани
Қучди ғулу.
Бош кўтарди
оломон.
Қутлуғ жанг,
деб,
турди ҳинду,
Ғазот,
деди,
мусулмон.
Брахманлар
довул қоқди,
Фатво берди
Имомлар.
Кўча тўлиб
қонлар оқди
Тўқнашганда имонлар.
Фарзандидан она айру,
Отасидан —
қиз, ўғлон.
Будда ҳаққи,
Бос,
дер ҳинду,
Алқасос, дер —
мусулмон.
Ҳинду иши таҳқир бўлди,
Муслим иши —
таҳдидлар.

Бутхоналар вайрон бўлди,
Яксон бўлди
Масжидлар.
Рикшами бу,
соҳибми бу,
Гадоми ё
зодагон —
Фарқсиз,
Фақат —
Бир ён ҳинду,
Бир ён эса —
мусулмон.
Сиртга чиқди
Асрлик кин
Ва минг йиллик
кудурат.
Икки жондош эл аро дин
Яна солди
адоват.
Аслида-ку
Ҳаёт оғу,
Турмуш ўзи
зимистон.
Айбдор эмас
бунга ҳинду
Гуноҳкормас мусулмон.
Аслида-ку...
Беизтироб
Хўплаб қора қаҳвони,

Деразадан
 оқ тан жаноб
 Кузатар можарони.
 У кўп хурсанд,
 Лабда кулгу,
 Кўзи чақнар
 комирон.
 Мусулмонни сўқар ҳинду,
 Ҳиндни эса
 мусулмон.
 Жаноб шодон,

Назрул
 Жоҳил оломонга
 Қаради-ю
 оқ чекиб —
 Узни отди тик
 майдонга
 Еқасини чок этиб.
 Фарёд қилди:
 «Не ваҳшат бу,
 Бас, халойиқ!
 Ал омон!
 Қотилликни тўхтат,
 ҳинду,
 Фазотни қўй,
 мусулмон!
 Бизлар, ахир,
 Биродармиз,
 Фарзанд Одам атога!
 Ҳақ олдида
 баробармиз,
 Айтинг!
 Не бор низога?
 Ҳунрезлик қил демаган-ку
 На Ведаю,
 На Қуръон!
 Тиг уради
 нега ҳинду,
 Бош кесади
 мусулмон?
 Фарқ —
 ким меҳроб,
 ким бутга
 Сиғиниб бош қўядир.
 Шу фарқ учун
 Еқиб ўтга
 Эл бир-бирин сўядир.
 Бас адоват!
 Бас энди кин,
 Жангни қўйинг,
 Одамлар!
 Сизнинг асли ёвингиз ким —
 Билиб қўйинг,
 Одамлар!

Ушалмоқда
 Ниятнинг энг улуғи.
 Ҳосил берди шу тупроқда
 Эккан нифоқ уруғи.
 Бўлмасин деб
 қилар орзу
 Бу низога ҳеч поён.
 Майли,
 Кўпроқ ўлсин ҳинду,
 Кўп қирилсин
 мусулмон.

□

Улар!
 Узоқ юртдан келиб,
 Ерга букиб шонимиз.
 Бизни бизга
 Душман қилиб
 Сўрмоқдалар
 қонимиз.
 Босқинчининг
 Қадимданоқ —
 Фалсафаси аёнدير.
 Эл ичида
 бўлса нифоқ,
 Демак,
 золим омондир.
 Улар
 Мазлум ватанида
 Бўлмасин дер
 собиғлар.
 Жаҳолатнинг гулханида
 Иснади
 зобитлар.
 Элдан омад кетса,
 дастлаб
 Ҳамжиҳатлик йўқолгай.
 Бундай элни,
 Сиртмоқ ташлаб
 Ҳар босқинчи йиқолгай.
 Бу адоват
 Наҳот мангу?
 Наҳот битмас
 бу қирон?
 Дўст бўлолмас
 Наҳот,
 ҳинду —
 Жигарига
 мусулмон?
 Сен ҳиндмисан,
 Муслимми ё,
 Бирлик чоғи бу чоқдир.
 Босқинчини
 энг аввало
 Ҳинд баҳрига улоқтир.

Сўнг ушалгай
 Барча орзу,
 Яшар озод,
 тинч, омон

Ватанига эга ҳинду,
 Юртида бек —
 мусулмон.

□

Назрул айтган сўзларни мен
 Ундоқ баён қилмадим.
 Ушал ёниқ
 нафасга тенг
 Сўзлар топа билмадим.
 Таржима не?
 Асл шеърнинг
 Маъноси-ю
 ғояси.
 Аммо ул ўт,
 ул сеҳрнинг
 Фақатгина сояси.
 Назрул шеъри
 Банголага
 Қанот ёзди ноғиҳон.
 Алангали
 бу нолага
 Қулоқ тутди
 Ҳиндистон.

Кекса Токур¹
 шукр айтди шод,
 Оқ соқолин силади.
 Ёш шоирга
 Нурли ижод,
 Безаволлик тилади.
 Бу дунёга
 Назрул аммо
 Олов бўлиб келганди.
 Ўз ўтида ёниб
 адо —
 Бўлишни билганди.
 Асролди
 на халқ,
 на Токур,
 У сирмади замонга.
 Исёнкорлик
 Уни охир
 Олиб келди
 зиндонга.

¹ Робиндранат Тагор.

(Давоми бор).





Уйғун

Абу Али Чоми Сино

БЕШ ПАРДАЛИ ШЕЪРИИ ДРАМА¹

Учинчи парда

Тўртинчи кўриниш

Синонинг хоналаридан бири. Тонготар пайт. Тўрдаги тахтада Сино ухлаб ётибди, қўлида китоб, мазмуни у китоб ўқиб ётиб, ухлаб қолган. Ерда, хонтахта устида китоблар сочилиб ётибди. Хонтахтада, аввалгидай довод, қалам, қоғозлар. Шам ёниб турибди. Хонанинг бир чеккасида чироқ ёниб турибди, чироқ нурида Абу Файсал қиёфасида Азроил пайдо бўлади. Сино бошини аста кўтариб ўтиради, у туш кўрмоқда.

Сино

Кимсен? Абу Файсалмисен?

Азроил

Азроилмен!

Сино

Азроил?!.

Азроил

Худди шундай! Ҳайрон бўлма! Файсал қиёфасида
Хузурингга йўқлаб келдим!

Сино

Қасалмисен?

Азроил

Соппа-со!

Сино

Ундай бўлса нега келдинг?.. Хизматингга тайёрмен!

¹ Давоми. Боши журналнинг 12-сонига.

А з р о и л

Сино, ахир, қачонгача сад бўласен йўлимга?!
Не сабабдин қутқорасен тушганларни қўлимга?
Қачонгача менга қарши жанг қиласен?

С и н о

Ҳамма вақт!

А з р о и л

Ахир, менинг ғазабимдин қўрқмайсенми?

С и н о

Қўрқмаймен!

А з р о и л

Бир кун эмас бир кун, ахир, оламан-ку жонингни!

С и н о

Унга узоқ!

А з р о и л

Нега энди?

С и н о

Мен ҳаётни севамен!

Мен табибмен, одамларнинг ҳаётини ўйлаймен.
Мен ҳамма вақт бахтиёрмен, тирикларнинг бахтидин.
Менга минг жон ато қилур инсонларнинг севгиси...

А з р о и л

Бу сўзларнинг менга сира ҳожати йўқ, даҳли йўқ!

С и н о

Бу дунёда хасталар кўп, улар менга интизор,
Улар мендин нажот кутар, шифо истар ёлвориб,
Мен уларни қандоқ қилиб ташлаб кета олурмен?!

А з р о и л

Сен уларни ўйлама, қўй, сен ўзингни ўйлагил!
Яна гиди-биди десанг, жонгинангни оламен!

С и н о

Кўп жаврама, ҳали-бери ўладиган аҳмоқ йўқ!

А з р о и л

Сендин сўраб ўтирмаймен олганимда жонингни?

С и н о

Агар ўлсам беморларга ким қарайди, дардисар?
Ким тузатар хасталарнинг яраланган қалбини?
Йўқ, Азроил янглишибсен, сал эртароқ келибсен!

А з р о и л

Ибн Сино катта кетма! Ихтиёринг қўлимда!
Қачон сенга навбат келур, ёлғиз ўзим билурмен!

Сино

Битта эмас, мингта бўлиб келганда ҳам билиб қўй,
Менга асло тишинг ўтмас! Довдирамай жўнаб қол!
Ҳа, мен сенинг йўлларингга доим тўғон бўламен!
То тирикмен, олишамен, солишамен сен билан!

Азроил

Шу гапларинг учун бир кун тилларингни кесурмен!
Узоқламай, ёнгинагда ажал бўлиб эсурмен!

Сино

Сенда шафқат, мурувват йўқ! Қизми, ўгил, ёшми, чол,
Бойми ва ё камбағалми, ҳеч фарқига бормасдин,
Ўлдирасен, сўлдирасен, топтаб, янчиб ўтасен!
Гўдакларнинг қони билан панжаларинг қизил қон!
Қўлларинг қон! Йўлларинг қон! Кўзларингдин қон томар!
Ҳа, сен ҳаёт, тирикликнинг душманисен, беомон!
Мен-чи?! Сенинг душманингмен! Қушандангмен азалдин!
Сен инсонга ўлим олиб келасен, мен — саодат!
Соғлиқ, ҳаёт келтирурмен, узайтириб умрини!
Ҳа, сен мендин ҳайиқасен!..

Азроил

Ҳайиқасен?.. Сендин-а?!

Сино

Беморларнинг кулбасига сен тешикдин кирганда,
Мен эшикдин кириб келиб, ниятингни бузурмен.
Дори-дармон, шифо билан беморларни тузатиб,
Сенинг қонли қўлларингни шартта, шартта кесурмен!
У даргоҳдин сени уриб, кўппак қилиб қувармен! (*Кулади.*)

Азроил

(*Ғазабланади*)

Кулма, нодон! Эсингни йиғ! Ўйнашмагил мен билан!..
Ҳа, ажалинг етиб бир кун тушганинда қўлимга,
Тилларингни суғурурмен! Кўзларингни ўйурмен!
Жасадингни судраб бориб, ирғитурмен дўзахга!

Сино

Қўрқоқ олдин мушт кўтарур қабилидин гапларинг,
Мен сендин ҳам, ўлимдин ҳам тап тортмаймен, қўрқмаймен!
Бу дунёга келмас эдим, агар қўрқсам ўлимдин!
Жўна!

Азроил

(*Бўғилиб*)

Нима?!..

Сино

Ҳа, келурсен етганида ажалим.

Аммо, шуни яхши билки, ҳали-бери ўлмаймен!
Мен Синоман, қалби олов, асаблари пўлатдин!
Мен Синоман тани темир, иродаси мустаҳкам!
Мен Синоман, даҳшатларни, ўлимларни енгувчи!
Ҳали-бери дунёни тарк этолмаймен, ишим кўп.

Умидингни узу жўна! Жўна тезроқ бу ердин!
Жўна деймен, турқи совуқ, сўзи совуқ, бедаво!

Чироқ ўчади, Азроил ғойиб бўлади. Синонинг қичқирғини эшитиб, ичкаридан ич кийимда Ситора, Соҳибжамол чопиб чиқади, Сино уйғонади, ҳайрон бўлиб атрофга қарайди, рўмол билан пешонасининг терини артади. Савол назари билан онасига қарайди.

Ситора

Нима бўлди, болам?.. Гапир, не сабабдин қичқирдинг?

Сино

(Ҳайрон)

Қичқирдимми?

Ситора

Ҳа, қичқирдинг... Жуда қаттиқ қичқирдинг.
Нима, болам, бирор еринг оғридими?

Сино

Йўқ, соғмен..

Соҳибжамол

Босинқирадингиз, чоғи...

Сино

(Эсига тушиб)

Ҳа, мен қизиқ туш кўрдим...

Ситора

Қанақа туш?

Сино

(Кулади)

Суриштирманг... Жуда, жуда қизиқ туш..

Нима, қаттиқ қичқирдимми?..

Соҳибжамол

Ҳа-да! Чўчиб уйғондик.

Ситора

Қасал бўлиб қолдингми деб, тура солиб югурдик,
Соҳибжамол, кийиниб ол...

Соҳибжамол

(Устига қараб)

Вой, ўлмасам...

Соҳибжамол югуриб ичкарига кириб кетади.

Сино

Таажжуб...

Узр, она, жуда қизиқ... Жуда ёмон туш кўрдим...
Китоб ўқиб ётиб ухлаб қолганимни билмабмен...

Сино қўлидаги китобни хонтахтага қўяди, кийинади, ювингани ташқарига чиқиб кетади. Ситора ўринни йиғиштиради. Сино артиниб, қайтиб киради, Соҳибжамол, косада қатиқ олиб чиқади.

Соҳибжамол

Мана қатиқ.

Сино

(Қатиқни олиб шимиради).

Раҳмат... Раҳмат... Қандай маза!.. Қатиқжон!

Ситора

Мен нонушта тайёрлайин.

Соҳибжамол

Мен тайёрлай...

Ситора

Йўқ, ўзим. (Чиқиб кетади)

Сино

Хўш, қўл қалай?.. Оғриқлари босилдими, жонгинам?

Соҳибжамол

(Кулиб)

Биноидек... Ибн Сино муолижа қилганда,
Хатто, ўлик тирилармиш, деган гап бор халқда...
Синган қўлни тузатишда мислингиз йўқ, устозим.

Сино

(Кулиб)

Гап мендамас, мумиёда — мумиёи асилда!
Мумиёнинг қудрати зўр, таъсири зўр баданга.
Бу дорининг мўъжизаси маълум эрур қадимдин...
Қаранг, қанча тез ўтади фурсатимиз, вақтимиз...
Мана, уч ой бўлиб қолди бизга келганингизга.

Соҳибжамол

Бир йилга тенг бўлди менга бу уч ойнинг ҳар куни,
Бу уч ойда мен бебаҳо фазлу камол касб этдим.
Устоз, сиздин табобатнинг сирларини ўргандим.

Сино

Табобатнинг сирлари кўп, ҳали-бери тугамас.
Ҳали иш кўп, маҳкам боғланг белни, Соҳибжамолим.

Соҳибжамол

Мен муносиб шогирд бўлгим келур устоз Синога.
Табобатга, фанга бўлган садоқатим туфайли,
Игна билан қудуқ қазиш даркор бўлса тайёрмен!

Раҳмат киради.

Раҳмат

Уэр, устоз, сизни йўқлаб Балхдин биров келибди,
Бемор бўлса керак... Сизни кутар меҳмонхонада.

Сино

Ҳозир... Ҳозир... Қани, юрчи...

Раҳмат билан Сино чиқиб кетишади.

Соҳибжамол

Бир дақиқа тинчлик йўқ...
Тонгдин бошлаб уни йўқлаб кела бошлар беморлар,
Ҳеч бирига йўқ демайди, қайга деса боради.

Касаллардин ҳазар қилиш нима, сира билмайди.
Э, худойим, ўзинг асра уни бало-қазодин!

Кутилмаганда Соғиндиқ киради.

Соғиндиқ

Соҳибжамол...

Соҳибжамол Соғиндиқнинг овозини эшитиб, кўрқиб кетади.

Соҳибжамол

Сен?.. Соғиндиқ?..

Соғиндиқ

Кўрқма мендин.

Соҳибжамол

Кўрқмаймен!

Соғиндиқ

Сендин паноҳ излаб келдим... Сен кетдингу балога
Мен тутилдим... Жоҳил отанг роса урди мени ҳам.
Гўёки мен сени сақлаб қололмаган эмишмен,
Менда эмиш барча гуноҳ... Ҳайдаб солди мени ҳам.
Мана, икки ойдин бери ҳар ёқларда юрибмен,
Қилай десам бирор иш йўқ... Бошпана йўқ... Қийналдим.
Ахир, сени қора тортиб ҳузурингга йўл олдим.
Менга раҳминг келсин, мени ҳузурингдин қувлама!
Сен тутинган синглим бўлгил, ога бўлай мен сенга!
Хатоларга аллақачон тушунганмен, ишонгил.
Севишганларгина мурод-мақсадига эришир.
Севмаганга суйканма деб, бекор айтган эмаслар...
Сен Синога муносибсен, қўша қари! Бахтли бўл!

Соҳибжамол

Жуда яхши... Тушунганинг жуда яхши бўлибди...
Аммо, сенга қандай қилиб ёрдам бера олурмен?
Ахир, ўзим бировларнинг ёрдамига муҳтожмен.

Соғиндиқ

Синога айт, мени шогирд қилиб олсин ўзига.
Табобатга қаттиқ ишқим тушганини биласен.
Лаёқатим чакки эмас, хабаринг бор бундин ҳам...
Сингилгинам, ҳузурингда ишлай, яшай беозор.

Соҳибжамол

(Ўйчан)

Унармикин?..

Соғиндиқ

Унатасен! Сени Сино севади,

Рад этолмас Ибн Сино сен сўрасанг ҳеч қачон.

Соҳибжамол

Сўраб кўрай...

Соғиндиқ

Қул бўламен сенга умрим борича.

Сино билан Раҳмат киради. Сино Соғиндиқни кўриб ҳайрон.

Сино

Кутилмаган меҳмон! Келинг!

Соҳибжамол

Паноҳ излаб келибди.

Соғиндиқ

(Синонинг оёғига йиқилиб).

Шогирдликка қабул қилинг!

Сино

Бу қанақа хушомад!?

Тур ўрнингдин! Ёқтирмаймен қулларга хос таъзимни

Соғиндиқ

(Ўрнидан туриб)

Кечирасиз, улуғ ҳаким, одатланиб қолганмен.

Абу Файсал менга шундай таълим берган, кечиринг.

Сино

Нега энди устозингдин юз ўғирдинг?

Соғиндиқ

Ҳайдади.

Сино

Нима гуноҳ қилган эдинг устозингнинг олдида?

Соғиндиқ

Ҳеч қанақа гуноҳим йўқ. Соҳибжамол билади.

Соҳибжамол

Мен туфайли падаримнинг ғазабига учрабди.

Талабини қабул қилинг, менга оға тутинди!

Сино

Шунақами?.. Майли, майли... Хўш, табобат илмидин
Бирор нарса билурсенми?

Соғиндиқ

Унча-мунча билурмен.

Қолганини ўрганурмен... Сиздин умидим катта.

Мен жуда ҳам зийрак, чаққон, қиёмат бир йигитмен,

Унча-мунча сеҳрим ҳам бор,— сеҳрлаймен чаённи!

Авраб туриб илоннинг ҳам заҳарини олурмен!

Сино

(Кулади)

О, жодугар экансан-ку! Хўп, бўлмаса, Раҳматжон,

Нималарга қодир экан, олиб бориб синаб кўр!

Раҳмат

Юр, биродар, бир кўрайин сеҳру кароматингни.

Раҳмат билан Соғиндиқ чиқиб кетишади.

Сино

Хўш, кечаги сабоқларни ўқидингми?

Соҳибжамол

Ўқидим.

Сино

Абу Райҳон Берунийни мутолаа қилдингми?

Соҳибжамол

Жуда катта ихлос билан; ҳайрат билан ўқидим.
Жуда буюк олим экан Абу Райҳон Беруний.

Сино

Ҳа, дунёда, ҳозир унга тенг келолмас ҳеч олим.

Соҳибжамол

Сиздин бўлак!

Сино

Мендин ҳам зўр Абу Райҳон Беруний!..

Тўрт ой аввал, кета туриб Хоразмдан Гургонга,
Бухорода бир неча кун туриб эди Беруний.
Мен ўшанда танишганмен буюк аллома билан.
У бир кеча меҳмон бўлиб меникида тунаган.
Туни билан суҳбат қилдик, мунозара қилишдик.
Унинг улуг олимлиги, буюк донишмандлиги,
Ўша кеча мени тенгсиз ҳайратларга солганди.
У ўз фикри, ўз аҳдида жуда қатъий турувчи,
Бир оз дағал, бир оз ўжар, аммо, ҳалол, покиза,
Фаннинг барча соҳасини қамраб олган аллома!
Фалакиёт илмини ҳам жуда яхши билади.
Қуёш эмас, Ер айланур Қуёш атрофида деб,
Қўшилади машҳур олим Аристархнинг фикрига.

Соҳибжамол

Ахир, Қуёш тонгда чиқиб, кечга томон ботади,—
Бу маълум-ку?..

Сино

Кўзимизга шундай бўлиб кўринур.

Ҳолбуки, у ўз ўрнида қимирламай туради.
Табиатда кўп ҳодиса кўзга кўринганидай
Эмас, асло, ҳақиқатда бошқачадир! Чунончи:
Ер япалоқ кўринади кўзимизга, ҳолбуки,
Ер юмалоқ! Кўп олимлар айтиб ўтган бу ҳолни.

Соҳибжамол

Таажжуб..

Сино

Ҳа, табиатда кўп ҳодиса таажжуб.
Кимёгарлар айтганидек барча жисм совуқдан
Тораяди, сиқилади, кенгаяди иссиқдин.
Аммо, сувда бошқачадир — у, аксинча совуқдин
Кенгаяди, сув музласа чўяни ҳам ёради.
Шундай майин, юмшоқ сувда қандай қилиб бу қадар
Даҳшатли куч пайдо бўлур! Бу ҳам ғоят таажжуб...
Берунийнинг суҳбатлари жуда қизиқ, мароқли.
У сеҳрлаб олди мени поёни йўқ билими,
Тафаккури, иродаси, шижоати, мардлиги,
Ҳақиқатгўй, донолиги, одиллиги билан ҳам!..
Биз у билан дўст тутиндик, мулоҳаза, фикримиз,
Аҳду паймон, мақсадимиз бир-бирига вобаста!
Берунийдек олим билан бир замонда яшашдин
Каттароқ бахт йўқ мен учун!

Соҳибжамол

Бахтиёрсиз, азизим!
Табобатнинг юлдузисиз!— Шунинг ўзи катта бахт!

Сино

Ҳа, сўзлаб бер деган эдинг таржимаи ҳолингдин...
Отам Балхдин, онам эса Афшонада туғилган...
Менга илк бор таълим берган олим Абу Абдуллоҳ
Нотилий деб донг чиқарган буюк олим, файласуф...
Илми ҳайъат, фалакиёт, риёзатдин дарс олдим.
Табобатдин, тарихдин ҳам анча нарса ўргандим...
Бир кун устоз: «Неки билсам, ҳаммасини ўргатдим...
Билганларим тамом бўлди, лек, билимга қонмадинг,
Сенинг зеҳнинг жуда ўткур, истеъдодинг мислсиз,
Ахир, ўғлим, ўн ёшингда қуръонни ҳам билгансен!
Энди бошқа устоз ахтар, фанга бўлган муҳаббат,
Фанга бўлган кучли ҳавас ярим йўлда қолмасин!
Бундай нодир қобилият ҳаммада ҳам бўлмайди,
Сенинг йўлинг фан йўлидир, йўлдан қолма!» дедилар.
Шундин бери фаннинг оғир, машаққатли йўлидин
Бормоқдамен... Уқиш... Уқиш... Мушоҳида, тажриба,
Доноларнинг асаридин билим гавҳарларини
Аста-секин термоқдамен... Кўринмайди охири!
Хўжа Исҳоқ набототдин кўп нарсани ўргатди,
Дори-дармон бўладиган қимматбаҳо гиёҳлар,
Уша марҳум устозимнинг менга берган бойлиги...
Марҳум ҳаким Қамарийдин илми ташрих ўргандим.
Бир неча бор у зот билан ғариблар мозорига,
Қўрқа-пуса кечалари, яшириниб борганмиз,
Мурдаларни ёриб кўриб, ички аъзоларини
Ўрганганмиз...

Соҳибжамол

(Қўрқиб)

Бу гуноҳ-ку! Шариатга хилоф-ку!

Сино

(Қулиб)

Худди шундай савол берган эди менга отанг ҳам.

Соҳибжамол

(Ўзини ноқулай сезиб)

Уэр, устоз, бу гаплардин хабарим йўқ мутлақо!

Сино

Ҳа, бу гуноҳ... Ҳа, албатта, шариатга хилоф иш...
Аммо, бизнинг ниятимиз хизмат қилиш инсонга!
Шу муқаддас ният учун тангри бизни кечирар...
Агар бизни гўристонда ушлаб олса муллалар,
Шу оннёқ даҳрийликда, шаккокликда айблаб,
Ё тошбўрон қилишарди, ёки дорга осарди...

Соҳибжамол

Э, худойим, қандай даҳшат!

Сино

Ҳа, табобат илмининг

Даҳшат тўла йўллари кўп! Аммо, ҳақиқий олим,
 Бу йўллардин мардонавор, дадил, ўтмоғи керак!..
 Қасал, кўп вақт одамларнинг ички аъзоларида,—
 Хўш, чунончи, ичагида, буйрагида, жигарда,
 Ошқозону. ўпкасида юз беради... Буларни
 Урганмасдин туриб қандоқ даволайсен беморни?

Соҳибжамол

Ериб кўрар экансиз-ку мушукларни, итларни,
 Шу йўл билан ўргансангиз бўлади-ку, одамнинг
 Аъзолари уларники билан жуда ўхшаш-ку?

Сино

Ҳеч шубҳасиз, табиб учун фойда берур бу йўл ҳам.
 Ва локин мен инсонларнинг ички аъзоларини
 Билмоқчимен тўла-тўқис, мукамалроқ, аниқроқ.

Соҳибжамол

Баъзи касал юқади-ю баъзи касал юқмайди,
 Нега бундай?.. Сабаби не?

Сино

Сабаби кўп, азизим.

Беморлардин соғ одамга ҳаво ва сув орқали
 Қасал ўтар, юқар, аммо, қандай қилиб юқади?..
 Бу ҳолатга нима сабаб?.. Сувда иллат бормикин?..
 Назаримда ҳаво, сувда кўзга кўринмайдиган,
 Аллақандай майда жонвор, майда қуртлар, ҳашарот
 Борга ўхшаб туюлади... Шулар касал тарқатур.
 Ахир, тоза сув ҳам узоқ турса қуртлаб кетади,
 Бу қурт қайдин пайдо бўлур? Ҳаводанми? Сувданми?
 Ҳа, бу сирни топиш, билиш табибларнинг бурчидир...
 Бўлди, сени зериктирдим, бошқа гапга ўтайлик.
 Танбур чалиб берайинми?

Соҳибжамол

Жуда яхши бўларди!

Сино қўлига танбур олиб, ёқимли, майин бир куйни чалади, Соҳибжамол маҳлиё
 бўлиб, кўзларини Синодан олмай, куйни тинглайди. Сино бир оз танбур чалгач,
 Соҳибжамолга тикилиб, қуй остида ғазал ўқийди.

Сино

Қўлингда толеъим, бахтим,— бўлур бахтим қаро сенсиз.
 Ҳаёт сен бирла соз,— умрим ўтар мотамсаро сенсиз.
 Азизим, сен менинг Ойим, менинг порлоқ Қуёшимсен,
 Кўрингай беқуёш, беой кулиб турган само сенсиз.
 Висолингга етишган он муроду мақсадим ҳосил,
 Амалга эрмагай орзу умиду муддао сенсиз.
 Сочар гул атрини ҳар ён сабо сайр айласак бирга,
 Ҳузурбахш айламас менга чаманларда сабо сенсиз.
 Севинчим дилда жўш урғай агар бир йўл кулиб боқсанг,
 Севинч эрмас севинч сенсиз, сафо эрмас сафо сенсиз.
 Азизим, сен сабаб кўнглим ҳаёт завқига лиммо-лим,
 Бўлурмен завқу шавқлардин, севинчлардин жудо сенсиз.
 Мени ўз сеҳрига тортган ажиб оҳанграбо бўлдинг,
 Мени сеҳрига тортолмас бўлак оҳанграбо сенсиз.

Жаҳонда бойлигим, бахтим, илинжим, давлатим сенсен,
Жудо қилма висолингдин, бўлур Сино гадо сенсиз.

Соҳибжамол

Ҳаётим гулшани гуллар хазонсиз — навбаҳоримсиз.
Мунаввар айлаган дилни менинг порлоқ наҳоримсиз.
Агар ҳижрон азобидин қутилмоқ истасам, доим
Висолингиз шифо бўлғай — табибимсиз, мадоримсиз.
Қачонки сизни учратдим менга ёр бўлди бахт, толе,
Ўзимни бахтиёр дерман — жаҳонда бахтиёримсиз.
Умид, тақдиримиз бирга, ҳаёт сиз бирла ораста,
Учар бўлсам қанотимсиз, қўнар бўлсам диёримсиз.
Ҳаёт илдам қадам бос дер, сафарда, йўлдамен доим,
Юким қолмас ора йўлда, кўмакдошим ва норимсиз.
Мусаффордир, мунаввардир йўлим умрим давомида,
Йўлимни нурга тўлдирган менинг номусу оримсиз.
Вафо бобида мустаҳкам эрур Соҳибжамолингиз,
Суянган эзгу тоғимсиз, паноҳим, ғамгузоримсиз.

Сино

Тилинг бунча ширин сенинг, шакар борми тилингда?!

Соҳибжамол

(Ҳазиллашиб)

Сизга шундай туюлади... заҳар томар тилимдин...

Сино

Менга болдин тотли бўлиб туюлади у заҳар...
Сенга қараб севинамен ич-ичимга сиғмасдин,
Тангри сени фақатгина менинг учун яратган
Менга жоним, сендин бўлак ёр керакмас жаҳонда!

Соҳибжамол

Мен ҳам худди шундай дердим... Сизга бўлган ҳурматим,
Муҳаббатим поёнсиздир... Мени ёруғ жаҳонда
Ушлаб турган ўша севги... Ўша қудрат, ўша куч!

Сино

Тангри сени кўп кўрмасин менга, Соҳибжамолим!

Раҳмат, орқасидан Соғиндиқ киради.

Раҳмат

Азиз устоз...

Сино

Янги шогирд қалай экан?

Раҳмат

Жойида.

Табобатдан хабари бор...

Сино

Дуруст.

Раҳмат

Балойи азим.

Соғиндиқ

(Таъзим қилади)

Қуллуқ, қуллуқ... Хизматимдин, шаксиз, мамнун бўлурсиз.

Сино
 Хўш, нима гап?
 Раҳмат
 Сизни йўқлаб одам келди вазирдин,
 Ун тўрт яшар қизи бирдан бетоб бўлиб қолибди.
 Сино
 Хўп, бўлмаса, дори-дармон, асбобларни ол! Кетдик!
 Соғиндиқ
 Мен ҳам бирга борай, устоз, тегиб қолар ёрдамим.
 Сино
 Хўп, майли, юр, ўрганурсен...
 Соғиндиқ
 Қуллуқ, азиз устозим.
 Ситора киради.
 Ситора
 Хўш, йўл бўлсин, болам?
 Сино
 Вазир чақирибди... саройга.
 Ситора
 (Хавотирда)
 Саройга?! Э, парвардигор!
 Сино
 Қўрқманг, тезда келурмиз.
 Сино, Раҳмат, Соғиндиқ чиқиб кетишади.
 Ситора
 Сарой деса зиндон, қийноқ, дор тушади эсимга.
 Соҳибжамол
 Қўрқманг, эна, тангрим уни сақлар ўз паноҳида.
 Ғарибларнинг, хасталарнинг, бизнинг бахтимиз учун,
 Омон бўлсин, Ибн Сино, алломай замона!
 Ситора
 Агар замон тинчиб турса, бўлса агар омонлик,
 Кузга бориб тўйларингни қилиб бериш ниятим.
 Соҳибжамол
 (Бошини Ситоранинг кўксига қўйиб)
 Айтганингиз келсин, эна!
 Ситора
 Орузуларим бир дунё...
 Шошиб чўли бобо киради.
 Чўли бобо
 Сино қани? Ҳаким қани?
 Ситора
 Ҳозир саройга кетди.

Чўлибобо
Аттанг, чакки бўлибди.

Ситора
(Ваҳимада)

Хўш, бирон ёмон гап борми?

Чўлибобо

Шум хабар бор! Айғоқчилар кўча-кўйда изғишиб,
Босқинчилар ҳужумига йўл ҳозирлаб юрибди.
Олимларни диндан қайтган, имони йўқ қарматий,
Даҳрийлар деб, халқ ичида игво қўзғотмоқдалар.
Ҳеч шубҳасиз улар тушган Синонинг ҳам пайига.
Иликхонлар Бухорога яқинлашиб келмоқда.

Ситора
(Даҳшатда)

Вой худойим, ўзинг асра бизни бало-қазодин!
Кўчманчилар босиб келса бошланади қиёмат!
Кулфат ёғар яна шўрлик Бухоронинг бошига.
Яна юртда қирғин, ёнғин, ур-йиқитлар кўпаюр,
Яна дорга осилади алломалар, донолар.
Хур фикрли, ҳақиқатгўй олимларга омон йўқ.
Яна вайрон, кул бўлади гўзал, зебо Бухоро!..

Соҳибжамол

Бу даҳшат-ку! Ҳалокат-ку! Фалокат-ку, энажон!
Нега унга рухсат бердик, нега уни юбордик?!
Бир корихол бўлса унга не кечади ҳолимиз?!
Азиз бобо, бирор илож қилинг, уни қутқаринг!

Чўлибобо

Бухородан кетиш керак, ўтказмасдин фурсатни!
Ташвиш қилманг, мен Синонинг ҳузурига борамен.
Ингитларим билан уни ҳалокатдин сақлаймен!

Чўлибоб тез чиқиб кетади. Узоқ-узоқдан, аллақандай кўриқинчли товушлар, бақириқлар, йиғи, чуввс эшитилиб туради. Ситора билан Соҳибжамол даҳшатда.

Парда.

Тўртинчи парда

Бешинчи кўриниш

Яна Синонинг уйи. Ҳаяжонли, ваҳимали тун. Узоқдан чуввос, йиғи товушлари, бақириқлар эшитилмоқда. Сино, Ситора, Соҳибжамол, Раҳмат шовқинга қулоқ солиб, даҳшат ичида турибдилар.

Сино

Шўрликларга қийин бўлди... Кўкка етар фарёди.
Жудо бўлиш осон эмас ўн тўрт ёшлик фарзанддин...

Ситора

Ҳаммадин кўп она тортар бу ўлимнинг дардини.

Сино

(Ҳаяжонланади)

Нега ўлди?.. Уладиган касал эмас эдику?..

Ситора

Тақдир, болам.

Сино

Тақдир эмас! Менинг хатом, онажон!

Бу хатонинг оқибати олиб кетди беморни.
 Ун тўрт ёшлик бир ойжамол қора гўрда ётибди...
 Қандай даҳшат! Қандай даҳшат!.. Сира чиқмас ёдимдин!

Ситора

Хато қилган битта сенми? Болам, бунча куймасанг!

Сино

Хато қилмаслигим керак, ҳамма хато қилса ҳам!
 Мен табибмен, мен Синоман, янглишишга ҳаққим йўқ!
 Мендин нажот, ҳаёт истаб келишади беморлар,
 Мен уларнинг умидини пучга чиқаролмаймен!
 Емон бўлди... Вазир менга жуда ишонган эди,
 Мен ҳам уни ишонтириб, тузатурмен дегандим...
 Энди унинг кўзларига қандай қилиб қараймен?
 Бу фожиа ёвларимга топиб берур баҳона,
 Улар қабиҳ гаплар билан булғар менинг шаънимни!..
 Емон бўлди!.. Емон бўлди...

Соҳибжамол

Узингизни қийнаманг.

Инсонларнинг ҳаётида нималар юз бермайди?
 Тақдир экан, биров олдин, биров кейин ўлади.
 Бу тангрининг иродаси, нима қилса ҳаққи бор...

Ҳовлиқиб Чўли бобо киради.

Чўли бобо

Э, хайрият!.. Бормисизлар?! Жуда қўрқиб кетувдим.

Сино

Келинг, бобо.

Чўли бобо

Э, хайрият, омон-эсон экансиз.

Бир амаллаб ўтиб келдим, кўча-кўйда одам кўп.
 Одам қуртдай гивирлашар, майдонларга сигмасдин.
 Йиғи-сиғи, алам, фарёд — бутун шаҳар мотамда.
 Бош вазирнинг ўн тўрт яшар қизи қазо қилибди.

Сино

Бу мотамга мен сабабмен!

Ситора

(Бақиради)

Ўғлим! Ўғлим!

Чўли бобо

Алҳазар!

Шунинг учун муллаларнинг тўлиб-тошиб қазаби,
 Кўча-кўйда сенга қарши ёмон гаплар айтишиб,
 Қутқи солиб юрган экан оломоннинг ичига!
 Гўёки, сен иблис, шайтон, дажжол, даҳрий эмишсен,
 Кимки сенга тош ирғитса, жуда савоб бўлармиш.
 Юр, кетамиз Бухородан, ўғлим, фурсат ўтмасин!
 Отлар тайёр, ҳайё-ҳайт деб, Қизилқумга учамиз!

Ташқарида бақириқлар, қийқириқлар, сўкишлар, босиб келаётган одамларнинг оёқ товушлари эшитилади. Ҳамма саросимада, даҳшатда, Ҳовлиқиб, чопиб Соғиндиқ киради.

Соғиндиқ

(Ҳансираб)

Устоз, қочинг! Яширининг! Ғазабланган оломон
Уйга босиб келмоқдадир!

Сино

Дарвозани бекит тез!

Раҳмат чопиб чиқиб кетади.

Соғиндиқ

Сизга қарши вазир жуда дарғазабмиш... Ҳадемай,
Келиб сизни банди зиндон қилар эмиш, осармиш!..
Тезроқ юринг, мен шаҳардин олиб чиқиб кетамен!
Мен шаҳарнинг барча яширин йўлларини билурмен!

Сино

Ҳовлиқма кўп! Упкани бос!

Чўлибобо

Жон бор унинг гапида!

Соғиндиқ

Гўёки сиз... заҳар бериб, бош вазирнинг қизини
Ўлдирибсиз.. Шум хабарни тарқатмоқда муллалар..

Ситора

(Даҳшатда)

Э худойим! Бу қандай ҳол!

Соҳибжамол

Танграм, асра тухматдин!

Сино

(Жонланиб)

Заҳар?!.. Ҳа, ҳа!.. Кимдир унга заҳар бериб ўлдирган!..

Ситора

(Қўрқиб)

Нима дединг?

Сино

Ҳа, ҳа, унга кимдир заҳар бериши

Эҳтимолдин холи эмас!.. Билиш керак, ёвуз ким?!

Соғиндиқ секин чиқиб кетади.

Мендин қасос олиш учун шундай қилган душманлар!..

Заҳар берган?.. Буни қандай исбот қилиб бўлади?..

Минг афсуски, ўзим бориб кўролмадим мурдани.

Кўрсам агар, билар эдим!..

Чўлибобо

Ё алҳазар! Ё товба!

Сино

Биздин кейин кимлар келган экан вазирникига?

Қайси табиб?.. Қайси мулла?.. Қайси арбоб?.. Қайсиси?..

Агар билсам, дарҳол маълум бўлар эди ҳақиқат.

Раҳмат киради.

Раҳмат

Дарвозани тамбаладим.

Сино

(Аёлларга)

Сизлар уйга киринглар!

Маҳкам қилиб бекитинглар эшик, дарвозаларни.

Ситора билан Соҳибжамол ичкариги уйга кириб кетишади. Яқинлашиб келаётган оломоннинг шовқини кучаяди. Дарвозага келиб урилаётган тош, таёқларнинг овози эшитилади.

Чўлибобо

Ҳа, кеч қолдик! Аттангина!..

Сино

Зарари йўқ, бобожон.

Пешонага нима битган бўлса шуни кўрурмиз!
Осонликча жон бермаймиз! Қани, дўстим, Раҳматжон,
Қатта уйдан яроғларни олиб чиқиб улашинг!

Раҳмат чопиб чиқиб кетади.

Ҳо, Соғиндиқ қаердасен?

Соғиндиқ

(Пайдо бўлиб)

Шу ердамен, устозим!

Сино

Раҳматжонга ёрдамлаш!

Соғиндиқ

Хўп, жоним билан, устозим!

Соғиндиқ чопиб чиқиб кетади. Кўп ўтмай Раҳмат, Соғиндиқ аслаҳаларни олиб киради: қилич, қалқон, милтиқ, чўқмор, бир неча ханжар. Сино, Чўли бобо, Раҳмат, Соғиндиқ қуролланадилар. Ташқаридан дарвозанинг тақир-туқири кучаяди, бурқсиган тугун кўринади.

Раҳмат

Ут қўйишди!..

Сино

Қўлёмалар, китобларни сақлайлик!
Ҳамма нарса ёнса ёнсин, қўлёмалар ёнмасин!
Ҳаммадин ҳам қимматбаҳо қўлёмалар, китоблар!

Шу пайт ташқаридан ўқ овозлари, бақирлиқлар, одамларнинг қаёққадир чекингани, қочгани эшитилади. Шовқин аста-секин тинади. Дарвоза шиддат билан тақиллайди.

Раҳмат

Кимдир келди.

Сино

Чиқиб қара!

Чўлибобо

Узинг асра худойим!

Раҳмат чиқиб, вазирни бошлаб киради, у ғамгин, ёнида қуролланган соқчилар. Вазирни кўриб Соғиндиқ яна ғойиб бўлади.

Сино

(Ҳайрон)

Салом...

В а з и р

Салом... Ибн Сино...

Ч ў л и б о б о

Бандачилик.

В а з и р

Тангрининг

Иродаси шундай бўлди... Пешонамиз шўр экан...
Елғиз қиздин жудо бўлдим...

С и н о

Мен ҳам жуда дилгирмен.

В а з и р

Сизда айб йўқ, Ибн Сино, неки бўлса худодин.
Тангри ўзи белгилаган тақдирини қизимнинг...
Тангри берди... тангри олди... Бандасида не илож?...
Сабру тоқат, кўникишдин бошқа чора қолмади...
Ҳа, қизимнинг ўлимини бир баҳона қилишиб,
Елғон-яшиқ гаплар тўқиб, иғво билан жоҳиллар
Оломонни сизга қарши гиж-гижлабди...

Ч ў л и б о б о

Расволар!

В а з и р

Сизни ҳалок қилишмоқчи бўлибдилар... Шу гапни
Эшитдим, сарбозларни олиб ҳузурингизга
Қараб чопдим... Хайриятки, кечикмаган эканмен!

С и н о

Миннатдормен, улуғ амир, бу яхшилик эсимдин
Асло чиқмас... Хижолатмен, сиздек олий мақомнинг,
Улуғ зотнинг умидини, афсус, оқлай олмадим...

В а з и р

Маслаҳатим, Бухородин тезроқ кетинг, Рақиблар
Борган сари қутурмоқда, қонимизга ташнадир.
Босқинчилар яқинлашиб келмоқдалар шаҳарга,
Бухорога от сурмоқда султон Маҳмуд Ғазнавий,
Агар улар Бухорони забт этишиб олсалар,
Мен ҳам шу он Бухорони тарк этишга мажбурмен!
Қўлга тушсак, ўлдирурлар бизни даҳрий, шаккок деб.
Бинобарин, Бухорода сизга кўмак бергучи
Дўстлар энди топилмайди... Сизга менинг даъвом йўқ!
Хайр, азиз Ибн Сино, тангри сизга ёр бўлсин!

С и н о

(Вазир билан қучоқлашиб хайрлашади)

Яхши боринг, улуғ вазир, тангри мададкор бўлсин!

Вазир, соқчилар билан бирга чиқиб кетади.

Ч ў л и б о б о

Шўринг қурғур, ўз дардини, мотамини унутиб,
Сени офат, балолардин қутқаргали келибди.
Олижамоб инсон экан!..

С и н о

Олимларнинг ҳомийси...

Маълум бўлди, Бухородин кетиш керак...

Ч ў л и б о б о

Шубҳасиз!

С и н о

(Уйчан)

Фақат битта иш бор... Агар қилолмасам шу ишни
Бу дунёдин алам билан, армон билан кетурмен.

Соғиндиқ яна пайдо бўлиб, эшик орқасида туриб, буларнинг суҳбатига қулоқ солади.

Ч ў л и б о б о

Қанақа иш?

С и н о

Ҳозир тўғри гўристонга борамиз...

Ч ў л и б о б о

Қабристонда нима бор?

С и н о

Иш!

Ч ў л и б о б о

Шу қоронғи тунда-ям

С и н о

Нима учун бош вазирнинг қизи тўсатдин ўлди?...
Сабабини билмоқчимен!

Раҳмат

Кўмилган-ку, ахир у!

С и н о

Ҳа, қабрдин олиб унинг мурдасини кўрурмен!
Текширурмен... Не сабабдин ўлганини билурмен...

Ч ў л и б о б о

(Даҳшатда)

Е алҳазар!.. Худодин қўрқ! Ахир, бу иш гуноҳ-ку!

С и н о

Гуноҳи ҳам, савоби ҳам фақат менинг бўйнимга!

Соғиндиқ тез ғойиб бўлади.

Ч ў л и б о б о

Агар биров билиб қолса, алалхусус муллолар...

С и н о

Ҳа, тошбўрон қилишади, ёндиради гуяҳанда!
Бинобарин, биздин бўлак бирор киши бу сирни
Билмаслиги керак! Ҳатто, севгилим ҳам, онам ҳам!
Ҳа, айтгандай Соғиндиқ йўқ?

Раҳмат

Уралашиб юрувди,

Ташқарида бўлса керак...

С и н о

Зинҳор у ҳам билмасин!

Ниятимни билса онам, асло рухсат бермайди!

Чўлибобо

Э, худойим, ўзинг кечир осий бандаларингни.

Сино

Ҳеч шубҳасиз кечиради, даргоҳи кенг тангрининг!
Қани, Раҳмат, асбобларни ол! Жўнаймиз, Бобожон,
Арғимоқлар шайми?

Чўлибобо

Ҳа, шай.

Сино

Қани, кетдик, бўлмаса!

Сино, Чўли бобо, Раҳмат чиқиб кетишади. Бир оздан сўнг Ситора, билан Соҳибжамол
киришади.

Соҳибжамол

Ҳеч ким йўгу!

Ситора

Бирор ёққа кетишгандир, касал кўп.
Кечаси ҳам, кундузи ҳам тинчлик бермас табибга.
Ким бўлмасин, чақирдими, кетаберар йўқ демай.

Соҳибжамол

Аллақандай ваҳималик, даҳшат тўла зулумот.
Узоқлардин эшитилур аллақандай товушлар,
Фарёдми, ё қаҳқаҳами, сира билиб бўлмайди...
Бундай мудҳиш кечаларда уйдин чиқиш хатарлик.

Ситора

Қўрқма қизим, ҳа демасдин қайтишади... Таажжуб...
Бирор ёққа борадиган бўлса айтиб кетарди...

Соҳибжамол

Озор бермай, ухлашгандир деган бўлса керак-да...

Ситора

Хўп, бўлмаса ичкарига кириб ухла.

Соҳибжамол

Сиз ухланг.

Менинг уйқум қочиб кетди... Бир оз ишламоқчимен.
Ҳа, устознинг менга берган топшириғи жуда кўп...

Ситора

Кутмоқчимен дегин уни... Хўп, бўлмаса мен кириб
Пича ётай, мизғиб олай, бугун жуда чарчадим.
Керак бўлса уйғотарсен...

Соҳибжамол

Хўп бўлади, энажон.

Ситора ичкарига кириб кетади. Соҳибжамол хонтахта ёнида ўтириб, шам ёруғида
китоб ўқий бошлайди. Ҳар замон-ҳар замонда дафтарга нималарнидир ёзиб қўяди.
Гоҳо ташқаридаги шовқинга, ҳар хил товушларга қулоқ солади. Бир оздан сўнг
оҳиста қадам босиб Соғиндиқ киради.

Соғиндиқ

(Шивирлайди)

Соҳибжамол, ёлғизмисен?

Соҳибжамол
Улар қани?
Соғиндиқ
(Хунук кулиб)
Мозорда!..
Соҳибжамол
(Қўрқиб)

Нима, нима?

Соғиндиқ
Қабристонда!
Соҳибжамол
Алжирама, Соғиндиқ!
Соғиндиқ
Соҳибжамол, сенсиз ҳаёт — ҳаёт эмас мен учун,
Сенинг ишқинг ёққан олов ўртамоқда бағримни!

Соҳибжамол
Бу гапларни айтиш учун қандай тилинг боради?!
Ахир, менинг оғамсен-ку! Оға тутингансен-ку!
Ахир, оға синглисига бундай гапни айтгунча
Яхшимасми тириклайин қора ерга киргани!

Соғиндиқ
Қора ерга кирадиган мен эмасмен, бошқалар.
Сенга аввал нима деган бўлсам унут барини,
Оға эмас, ошиғингмен, менинг Соҳибжамолим!
Юр, кетайлик узоқларга, Бухорони тарк этиб.
Бухоронинг куни битди, эрта-индин ёв босур.
Иликхонлар яқинлашиб келмакдадир шаҳарга!
Юр азизим, юр гўзалим, фурсат ўтмай кетайлик!

Соҳибжамол
Аллақачон фурсат ўтган! Мен сен билан ҳеч қачон,
Ҳеч қаяққа бормаймен! Кет! Бўйинг гўрда чиригур!

Соғиндиқ
(Заҳарханда билан)
Бекам, унча катта кетманг! Сўнг пушаймон бўлурсиз!
Соғиндиқнинг гапларига қулоқ солмас экансиз,
Ҳалокатга юз тутасиз! Сино билан қўшмозор
Бўлиб юрманг!

Соҳибжамол
(Даҳшатда)
Нима дединг?!
Соғиндиқ
Мен отангнинг жосуси,
Айғоқчиси бўлиб келдим, нима билсам отангга
Хабар бериб турдим!

Соҳибжамол
Ҳайҳот!.. Ниқобланган жодугар!..
Соғиндиқ
Ошиғингга зарба бериш мақсадида, вазирнинг
Қизига ҳам заҳар бериб ўлдирган мен! Мен ўзим!

Соҳибжамол
Йўқол, жаллод!

Соғиндиқ
Энди навбат келди Ибн Синога!

Соҳибжамол
Валдирама! Йўқол иблис! Шунча разил эдингми?!

Соғиндиқ
Сени мендин тортиб олган рақибимга шафқат йўқ!
Ҳозир Сино қабристонда! Мен ўлдирган гўзалнинг
Мурдасини ёриб кўриб ҳақиқатни билмоқчи.
Хабар қилдим, отанг бошлиқ руҳонийлар, табиблар,
Қабристонга бориб ҳозир гўрга тиқар Синони!
Соҳибжамол, Синодин кеч! Рад эт унинг ишқини!
Мен билан юр, қулинг бўлай! Итинг бўлай умрбод!

Соҳибжамол
(Йиғлайди)

Шўрим курсун!.. Даҳшат!.. Даҳшат!.. Йўқол малъун кўзимдин!
Эна! Эна! Қаёқдасиз! Туринг!..

Соғиндиқ
Ҳали шундайми?!

Кўйнидан ҳанжар олиб Соҳибжамолнинг кўксига уради.
Сўзларимга кирмадингми,— мана! Мана, бўлмаса!
Синога ҳам йўқсан энди, менга ҳам йўқ!..

Соҳибжамол кўксини чангаллаб йиқилади.

Соҳибжамол
Дод!.. Эна!..

Соғиндиқ қочиб чиқиб кетади.

Туринг, эна!.. Чопинг эна!.. Даҳшат!.. Даҳшат!.. Ҳалокат!..
(Шошиб Ситора киради)

Ситора

Қонига беланиб ерда ётган Соҳибжамолни кўриб даҳшатга тушади.
Нима бўлди?.. Ҳамма ёғинг қон-ку, қизим, не бўлди?..
Ким... ким сенга ханжар урди?

Соҳибжамол

Уша... малъун, Соғиндиқ!..

Ситора

(Соҳибжамолни бағрига босиб)

Вой, ўлмасам!..

Соҳибжамол

Қизига ҳам...

Уша заҳар берган экан вазирнинг

Ситора

Э, худойим!..

Соҳибжамол

Мени қўйинг, энажон...

Бадбахт мени адо қилди... Мен... ўламен...

Ситора

(Ийглаб, Соҳибжамолнинг пешонасидан ўпиб)

Қизгинам!..

Ундоғ дема, Сино келиб тузатади...

Соҳибжамол

Синонинг

Ўзи хавф остида, эна, тезроқ боринг мозорга!
Сино қабристонда эмиш... Уни ҳалок этмоқчи...
Мени қўйинг... Мени қўйинг... бориб, азиз Синони
Ҳалокатдин қутқаринг...

Соҳибжамол ўлади.

Ситора

(Фарёд чекади)

Оҳ, бу қандайин кўргилик!

Парвардигор, адолатинг, мурувватинг қаерда!
Нима гуноҳ қилган эди бу муштипар, маъсума!

Ситора Соҳибжамолни авайлаб ерга ётқизади, устига чойшаб ёпиб кўяди. Хўнг-хўнг ийғлайди.

Болагинам қаёқдасен?!.. Болагинам қайдасен?..

Ситора сочлари паришон ҳолда, ташқарига чопиб чиқиб кетади. Мунгли музика фарёд қилади.

Парда.

Тўртинчи парда

Олтинчи кўриниш

Қабристон. Ваҳимали. Қуриган азим дарехтларнинг тарвақайлаб кетган сўппайган шохлари шамолда аста тебраниб туради. Қаппайган гўрлар, сағаналар хунук кўринади. Бойқуш ва бошқа жониворларнинг мудҳиш овозлари эшитилиб туради. Эски бир сағананинг тепасида шам ёнмоқда... Сағана ёнидаги бир қабрнинг нариги ёғида Сино билан Раҳмат енглари шимарилган ҳолда, мурдани текширмоқдалар. (Мурда қабрнинг орқасида бўлгани учун кўринмайди).

Сино билан Раҳмат энгашиб ишлашмоқда: Бир чеккада Чўли бобо билан гўрков турибди. Гўрков хотиржам, кетмон дастага суяниб, Синонинг ишини томоша қилмоқда. Чўли бобо эса кўрқиб, олазарак бўлиб атрофга назар ташлаб турмоқда. Сино билан Раҳмат мурдани текшириб бўлиб, қабрнинг бериги томониغا ўтишади.

Сино

Бўлди, олинг! Тезроқ кўминг!

Гўрков

Ҳозир гумдон қиламиз.

Мурдаларни кўма бериб ҳадисини олганмен.
Шундоқ бошлаб жойлайманки, аввалгидай бўлади.
Қандоқ кўмсам шундоққина қимир этмай ётади.
Буларда на эътироз бор, на қаршилиқ, на фарёд.
Хоҳланг уринг, хоҳланг тепинг, ғинг демайди мурдалар.

Булар шундай итоатли, бехархаша бандалар.

Чўлибобо

Кўп жаврамай тезроқ бўлинг!

Гўрков мурдани кўтариб ташқарига чиқиб кетади.

Гўрков

(Ташқаридан)

Ёрдамлашиб юборинг!

Ҳа, савоби тегар, бобо... Сиз ҳам бир кун келарсиз,
Ҳа, ўшанда қуръон ўқиб, ўзим бошлаб кўмамен.

Чўлибобо

Нафасингни совуқ қилма! Нафасингга дард теккур!

Гўрков

(Ташқаридан)

Бу дунёда ҳеч ким қочиб қутилмайди ўлимдин.
Ажал бирга туғилармиш туғилганда одамзод,
Умр бўйи эргаширмиш ажал инсон ортидин,
Ахир бир кун, пайти келиб, ҳалқумидин бўғармиш...
Абу Али Ибн Сино, ё гапларим хатоми?

Сино

(Бетоқат)

Хато эмас... тезроқ бўлинг, тонг ёришиб келмоқда.

Гўрков

(Ташқаридан)

Қани, бобо, ёрдамлашинг! Ана кетмон! Ана бел!

Чўлибобо гўрковга ёрдам бериш учун ташқарига чиқиб кетади. Уларнинг ўзлари кўринмайди, аммо сўзлари, тупроққа урилаётган кетмонларнинг товуши эшитилиб туради.

Сино

(Ғамгин, ўйчан)

Маълум бўлди... Демак, кимдир заҳар берган... Аммо, ким?..

Раҳмат

Менимча бу Соғиндиқнинг иши!

Сино

Қайдин биласен?

Раҳмат

Тахминим шу...

Сино

Тахмин билан хулосалар чиқариш
Мумкин эмас.

Раҳмат

Уша кун у беморнинг ёнида

Уралашиб юрган эди... Кўзимизни шамғалат
Қилиб заҳар берган бўлса ажаб эмас.

Сино

Тахминлар,
Гумонларга асосланиб, бир одамни қоралаш
Жиноятдир! Ноҳақ туҳмат қилиш гуноҳ, азизим.

Раҳмат

Бўлмаса ким?.. Менми?..

Сино

Сенден гумоним йўқ, мутлақо.
Мен ўзимга ишонгандек ишонамен сенга ҳам,
Заҳар берган бошқа одам... Топиш керак!

Раҳмат

(Қатъий)

Менимча,
Соғиндиқдин бошқа одам қилган эмас бу ишни!

Сино

Хўш, азизим, далил борми?

Раҳмат

Далилим йўқ... Хўш, нега,
Нега қочди агар унинг жинояти бўлмаса?!
Йўқ, вазирга айтиш керак, ҳақиқатни билсин у.

Сино

Ҳожати йўқ... Бу вазирнинг ярасига туз сепиш
Бўлур эди... Ўз азоби етиб ортар шўрликка...

Раҳмат

Ўзим бўғиб ўлдирардим заҳар берган топилса!

Сино

Энг муҳими аниқланди, виждонимиз покиза.
Демак, қизнинг ўлимига сабаб бўлган биз эмас...
Усти-бошини қоқишиб, гўрқов билан Чўли бобо киришади.

Гўрков

Қани, ҳаким, пулни чўзинг, иш тугади.

Сино

(Ҳамёнидан пул чиқариб гўрковга беради)

Мана, пул.

Тўққиз динор, тўққиз олтин, санаб олинг!

Гўрков

(Пулни санаб олади)

Бисмилло...

Сино

Аммо-лекин, бирор киши воқиф бўлса бу ишдин,
Биттамит ҳам соғ қолмаймиз!

Гўрков

Худо битта, гап битта!

Ким ҳам билар эди, ахир, атрофдаги мурдалар,
Буларда на қулоқ бору, на забон бор, бари гунг!

Булар энди бу дунёнинг ғийбатига қизиқмас.
Булар ғавго, ҳасад, игво, хиёнатни, жанжални
Ташқарида қолдиришиб, гўрга кириб кетганлар!

Ч ў л и б о б о

Ошнам дейман, гўрков эмас файласуфга ўхшайсен.

Г ў р к о в

Мурдаларнинг орасида истиқомат қилсангиз,
Файласуфга айланиш ҳам ҳеч гап эмас, бобожон!
Бошга ҳар хил хаёл келур мурдаларнинг ёнида,
Ҳаёт, ўлим, савоб, гуноҳ, жаннат, дўзах ҳақида
Ўйлай бериб бош қотади... Гўрда кимлар ётибди?
Тўғри ҳам бор, ўғри ҳам бор, гадо ҳам бор, бой ҳам бор!
Энди булар бир-биридан фарқ қилмайди,— баробар!
Энди булар фақат мурда! Фақат ўлик! Фақат ҳок!
Энди булар бир-бирига ханжар олиб югурмас.
Энди булар бир-бирининг ёқасидан бўғмайди!
Энди булар бир-бирига қасд қилмайди, шафқат ҳам!

С и н о

(Ўйчан)

Ҳа, ўликлар бу дунёнинг ғавғосидин хабарсиз.
Ҳасад нима, зўрлик нима, зулм нима билишмас.
Харом-хариш, алдаш, товлаш, разолату хиёнат,
Ғийбат, тухмат, чақимчилик мурдалардин узоқда...
Қани энди, шу ҳислатлар тирикларга хос бўлса!
Қани энди, тирикларнинг ичида ҳам низолар,
Талон-торож, ур-йиқитлар, босқинчилик йўқолса!
Қани энди, адолатли яхши замон келса-ю,
Мазлумларнинг елкасига офтоб тегиб яйраса!
Қани энди, етим-есир, ғарибларнинг нонини
Инсофи йўқ қурумсоқлар юлиб, тортиб олмаса!
Урушлардин тўкилмаса дарё-дарё бўлиб қон.
Кули кўкка соврилмаса шаҳарларнинг ёнгиндин!
Пайхон бўлган қишлоқларнинг тўзғимаса ғубори,
Инсонларнинг юрагини қопламаса ҳасрат, ғам.
Шаҳру қишлоқ обод бўлса, боғу роғлар гулласа,
Баҳра олса ёшу-қари, илму-урфон нуридин.
Саломатлик, роҳат, тинчлик, осойишта кун кўриш,
Бахту-толе одамларга азал-абад ёр бўлса!...

Ч ў л и б о б о

Қани энди, фаришталар битта омин деса-ю,
Шу орзулар, шу умидлар чиқа қолса рўёбга!

С и н о

Ҳа, бобожон, бу орзулар минг йилларнинг орзуси!
Башарият адолатни орзу қилиб келмоқда.
Адолатнинг, маърифатнинг, ҳақиқатнинг нуридин
Эзгуликнинг йўли равшан бўлсин дейди, одамлар!
Ҳа, бобожон, биз ҳам худди шу йўл билан борурмиз,
Одамларнинг бахти учун курашурмиз, жангдамиз!
Бизни ҳеч ким қайтаролмас бу муқаддас мақсаддин!
Золимларга, жаҳолатга, жоҳилларга, зулмга,
Хурофотга қарши кураш давом этур умрбод.
Етим-есир, оч-яланғоч, эзилганлар номига,

Туллар, қуллар, сотилганлар, жафокашлар номига,
 Отилганлар, осилганлар, сўйилганлар номига
 Зиндонларда чиритилган мазлумларнинг номига,
 Онт ичамен жанг қилишга бутун кучим борича!
 Мақсадига етолмасдан бу дунёдин кетганлар,
 Умри азоб, уқубатда фарёд чекиб ўтганлар,
 Қаҳрамонлар, баҳодирлар, азаматлар номига,
 Шу она Ер, шу Коинот, шу мавжудот номига,
 Онт ичамен: бутун умрим, бутун илмим, имконим,
 Истеъдодим билан элга ҳалол хизмат қилишга!

Узоқдан чопиб келаётган одамнинг оёқ товушлари эшитилади, ҳамма хавф билан
 оёқ товушига қулоқ солади.

С и т о р а

(Узоқдан)

Азиз ўғлим, Хусайн! Хусайн!.. Қаердасан, жон болам!..

Сочлари паришон, юзларида изтироб, Ситора киради, ҳаяжон билан Синони бағрига
 босади. Турганлар ҳайрон.

О ҳайрият, болагинам, омон-эсон экансен!

С и н о

Нима бўлди?

С и т о р а

Даҳшат! Даҳшат!.. Азиз ўғлим бу ёққа,
 Қабристонга келишингни нега мендин яширдинг?
 Сенга бирор нарса бўлса онанг қандоқ чидайдди?
 Улуғ ҳаким, онани ҳам ўйлаш керак баъзида!

С и н о

Уэр, она! Айтмагандим сиз безовта бўлманг деб.
 Ҳеч қиси йўқ, кўп куйинманг, ташвишга ҳеч ўрин йўқ.

С и т о р а

Йўқ, ўрин бор! Рақибларинг: руҳонийлар, жоҳиллар
 Шу томонга келмоқдалар, қасд қилишиб жонингга!
 Болагинам, қоч бу ердин! Вақт ўтмасин, тезроқ кет!

С и н о

Соҳибжамол қани?

С и т о р а

Уйда... Бир оз тоби қочибди... (Йиғлайди.)

С и н о

Нега йиғлаётибсиз?.. Е, бирор кулфат..

С и т о р а

Йўқ! Йўқ! Йўқ!..

Қисматингни ўйлаб туриб кўзларимга ёш келди. (Ешини
 артади).

С и н о

Соғиндиқдин дарак борми?

С и т о р а

Душман экан Соғиндиқ!

Р а ҳ м а т

Айтмадимми, Соғиндиқдин шубҳам бор деб!..

С и т о р а

У малъун,

Евуз экан! Жосус экан, жоҳилларнинг қўлида
Сенга қарши қаратилган ханжар экан!

С и н о

(Қаттиқ ҳаяжонда)

Ё раббий!

С и т о р а

Уша экан заҳар берган вазирнинг ҳам қизига.

Р а ҳ м а т

О, ярамас! О, муттаҳам!

С и т о р а

Ўзи айтиб берибди.

С и н о

Кимга? Соҳибжамолгами?

С и т о р а

Ҳа, ўшанга...

Р а ҳ м а т

О, жаллод!

С и н о

(Безовта)

Соҳибжамол қани ўзи? Нега бирга келмади?

С и т о р а

Соҳибжамол... келолмайди... (Йиғлайди.)

С и н о

Бирор нарса бўлдимиз?!

Узоқдан машъалларнинг ёруғи кўрина бошлайди, такбир садолари, бақириқлар эшитила бошлайди. Турганлар бу даҳшатли овозларга кулоқ солади, ҳаяжонда, таҳликада.

С и т о р а

Ўғлим дарҳол бу ердан кет!.. Кейин айтиб берамен!
Яқинлашиб келмоқдадир ўлаксахўр қузғунлар!

С и н о

Сизни ташлаб қаёққа ҳам борар эдим, онажон!

С и т о р а

Ялинамен! Елворамен! Икки қилма сўзимни!
Мени доғда қолдирмагил, азиз ўғлим, жон болам!

Ч ў л и б о б о

Ўғлим, кулоқ сол онангнинг сўзларига! Юр, кетдик!

С и т о р а

Менга ким ҳам тегар эди? Менда сира гуноҳ йўқ!
Улар сени ўлдирмоқчи, мени эмас, азизим.

Чўли бобо

Улар сени топишади, боришади орқангдин.
Қани, жигар, вақт ўтмасин, отлар тайёр турибди.

Сино

Илтимосим, яхши қаранг, она, Соҳибжамолга!

Ситора

(Ғамгин)

Хотиржам бўл, болагинам, иложини қилурмиз...

Сино

Раҳматжон, сен шу ерда қол, аёлларга ёрдам қил.

Раҳмат

Сизга оқ йўл! Қўп ўтмасдин орқангизден борурмен.
Дунёни юз айлансам ҳам сизни излаб топурмен!

Ситора

(Сино билан қучоқлашиб хайрлашади)

Хайр, болам, яна дийдор кўришгунча омон бўл!

Шовқин яқинлашиб кела бошлайди.

Овозлар

(Ташқаридан)

Тириклайин қўлга олинг, у даҳрийни, шаккокни!
Атрофини ўранг! Тўсинг! Яна қочиб кетмасин!
Тириклайин терисига сомон тиқиб ўлдиринг!

Гўрков

Қани, юринг бу томонга, хуфъя йўл бор бу ёқда.

Гўрков, Сино, Чўли бобо чиқиб кетишади.

Ситора

(Йиғлаб)

Парвардигор, ўзинг асра жаҳонгашта ўғлимни!

Шовқин кучаяди. Бир оздан сўнг, Абу Файсал бошлиқ Ибн Асрор, Камолиддин,
Қаландарий ва бошқа мулло, қаландар, дарвишлар ёпирилиб киради.

Абу Файсал

Қани Сино? Қани даҳрий? Қани шаккок, дўзахий?!

Ситора

Дўзахий сен! Сино эмас! Ибн Сино фаришта!

Абу Файсал

Кимсен, ўзинг?

Ситора

(Дадил)

Мен Синонинг онасимен!

Камолиддин

Алҳазар!

Абу Файсал

Ўғлинг қани?

И б н А с р о р
 Айт, жодугар!
 Қ а л а н д а р и й
 Қайси гўрга яширдинг?
 С и т о р а

Керак бўлса топиб олинг!

А б у Ф а й с а л
(Хассасини кўтариб, Ситорани урмоқчи бўлади)
 Ўлдирамиз, айтмасанг!

С и т о р а
 Қўлингни торт, қўлинг сингур! Ҳаё билмас, имонсиз!
 Мен Синонинг онасимен! Оқ сут берган онаси!
 Мен дунёга донғи кетган машҳур улуғ ҳакимнинг,
 Бухоронинг шуҳратига шуҳрат қўшган аллома,
 Файласуфнинг, донишманднинг онасимен, билиб қўй!

Абу Файсал ҳассасини тушириб тисарилади.

А б у Ф а й с а л
 Е алҳазар! Аёл эмас, урғочи шер, ялмоғиз!
 Ҳовлиқиб, ҳансираб, бир неча одамни орқасидан эргаштириб, Соғиндиқ чопиб
 киради.

С о ғ и н д и қ
 Ҳеч ерда йўқ! Қарамаган жой қолмади! Қочибди!
 А б у Ф а й с а л
(Ғазаб билан ҳассасини ерга уриб)

Топиш керак!

К а м о л и д д и н
 Қувлаш керак!
 И б н А с р о р
 Тутиш керак!
 Қ а л а н д а р и й
 Чопинглар!

Шу топда Раҳмат пайдо бўлади. Уни кўриб Соғиндиқ севиниб кетади.

С о ғ и н д и қ
 Ана, унинг яқин дўсти! Ердамчиси, шогирди!
 Сино қайда — шу билади! Айт, ярамас!
 Р а ҳ м а т
 Айтамен!
 Омонмисен? Тирикмисен? Ўлмадингми, ҳали ҳам?
 Қотил, сени қандай қилиб ер кўтариб юрибди?

Раҳмат зудлик билан кўнжидан ханжар олиб, ашин тезлигида Соғиндиқнинг юрагига
 уради.

С о ғ и н д и қ
(Кўксини чангаллаб ерга йиқилади)
 Войдод!.. Войдод! Ўлдим!..

Раҳмат

Улдинг!.. Буни қасос дейдилар!

Ҳамма ҳайрон, саросимада.

Абу Файсал

(Узига келиб)

Ушланг! Ушланг! Бу қандай гап? Улдирди-я, шўрликни!

Бир неча одам ўзига келиб, Раҳматнинг йўлини тўсмоқчи бўлади.

Раҳмат

(Ханжарини яланглашиб)

Йўлни тўсма! Жонинг керак бўлса агар йўлдин қоч!

Ҳамма кўрқиб, унга йўл беради. Раҳмат. қоронғилик кучоғига отилиб киради ва бир зумда кўздан ғойиб бўлади.

Абу Файсал

(Узига келиб)

Қувланг! Ушланг! Изланг! Топинг! Сино қўлдин чиқмасин!

Ҳамма шовқин-сурфн билан чошиб чиқиб кетади.

Ситора

(Уларнинг орқасидан қараб)

Тутолмайсиз! Узоқларга учиб кетди лочиним!

Бахти кулган, омади ёр, баландпарвоз шунқорим!

Абадият осмонидин нур сочади оламга!

Саҳнада нурга кўмилган, сочлари паришон, мағрур Ситора ёлғиз қолади. Музыка янграйди.

Парда.

Бешинчи парда

Еттинчи кўриниш

Орадан анча вақт ўтган. Сино эллик ёшлардан ошиб қолган пайт. Ҳамедон амири Шамс уд-Дауланинг ҳашаматли саройи. Шамс уд-Даула олтин тахтада ўтирибди. Унинг олдида Тожул Мулк билан бош ҳожиб Зулфиқор туришибди.

Тожул Мулк

Савдогарлар, заминдорлар, ҳунармандлар пул берди,
Фуқародин тўпланган пул, олтин-кумуш етарлик,
Бинобарин хазинангиз бойиб қолди, амирим...
Энди қарзу қурзлар учун, сарфу харжга тўланса
Жуда яхши бўлур эди...

Зулфиқор

Асқарларнинг маоши,
Ҳожибларнинг маоши ҳам тўланмоғи лозимдир!

Шамс уд-Даула

Мен розимен... Хазиначи сиз бўласиз Тожул Мулк,
Шарт эмасди мендан сўраб ўтиришлик!..

Тожул Мулк
Амирим,
Сиз саҳоватпеша бизга, сиз мурувватпарварсиз...
Шамсуд-Даула
Калта қилинг!..

Тожул Мулк
Валенеъмат, ҳамма бало шундаким,
Хазинанинг калити ҳам Ибн Сино қўлида!
Ҳа, мен фақир хазиначи, аммо, Сино хўжайин!..

Зулфиқор
Қулоқ солмас вазирларнинг, аъёнларнинг сўзига!
Ўзини хон, шоҳ ҳисоблар, бу келгинди Бухорий!

Тожул Мулк
Бутун давлат ишларини ўз қўлига олмоқда...
Сиз амирми, у амирми, билиб бўлмас, ҳокимим.

Шамсуд-Даула
Бўлмағур гап! Бу иғволар қачон тамом бўлади?!..

Зулфиқор
Ўэр амир, халқ ичида ҳозир Ибн Синонинг
Нуфузи ҳам, ҳурмати ҳам сизникидин баландроқ.

Шамсуд-Даула
(Бўшашиб, қорнини эзгилаб)
Бўлса бордир... Ўзимда айб... Уни ўзим кўтардим...
Уни ўзим вазир қилдим, бош вазирнинг ўрнига...
Чунки, унинг идроки зўр... Қобил барча ишга ҳам...
Энг муҳими: севади халқ... Ишонади фуқаро!..
Шу ишончнинг оқибати хазинамни бойитди...
Ҳа, халқ Ибн Сино учун маблағ берди, шубҳасиз...
Ҳа, мен уни билар эдим...

Зулфиқор.
Энди унинг хизмати
Тамом бўлди! Ўтиш керак энди унинг баҳридин!
Ҳожибларнинг хоҳишига сад бўлур у доимо!
Ибн Сино юришга ҳам, урушга ҳам қаршидир!..

Тожул Мулк
Энди уни вазирликдин озод қилинг!.. Айни пайт!

Зулфиқор
Ёки уни банди қилиб, солиб олтин қафасга
Газнавийга «ҳадя» қилинг!

Шамсуд-Даула
Маҳмуд уни ўлдирур...
Мумкин эмас! Ахир, мени даволаган табибни
Қандай қилиб юборурмен аждаҳонинг комига!

Тожул Мулк
Унда ҳайданг!

Зулфиқор
Гумдон қилинг!

Тожул Мулк
 Ё бадарға!
 Зулфиқор
 Ё сургун!
 Шамсуд-Даула

Ахир, мени у ўлимдан олиб қолди икки бор!
 Ахир, ўша шифо берди давоси йўқ дардимга!
 Адолатдин бўладими энди уни ҳайдасам?!

Зулфиқор
 Ундай бўлса биз кетурмиз!
 Тожул Мулк
 Ишламаймиз у билан.
 Шамсуд-Даула
 (Бўғилиб)

Хўш, нимага?!

Зулфиқор
 Пул бермади!
 Тожул Мулк
 Бир чақа ҳам бермади!
 Шамсуд-Даула

Шошилманглар! Ҳовлиқманглар!.. Мен сўзлашиб кўрайин...

Шамсуд-Даула қарсак чалади, мулозим пайдо бўлади.

Бориб айтинг, Ибн Сино ҳузуримга тез келсин!

Мулозим таъзим билан чиқиб кетади.

Тожул Мулк
 Улуғ амир, у нобакор сўзингизга кирмайди.
 Шамсуд-Даула
 Амир менмен! Менинг сўзим вожиб эрур барчага!
 Тожул Мулк
 У фирибгар ўрнингизни олишдан ҳам тоймайди...
 Шамсуд-Даула
 Бўлмағур гап!.. Бу гапларни ўйлаб топган ўзингиз!..
 Зулфиқор
 Ҳар ҳолда у жуда қайсар, ўз сўзидин қайтмайди.
 Тожул Мулк

Иғво қилиб, тухмат қилиб зодагонлар шаънига,
 Бирин-кетин ҳаммамизни йўқотмоқчи у баттол!

Сочи, соқоли ҳийла оқариб қолган Сино, вазирлик либосида, виқор ва салобат билан саройга кириб келади. Амир ўтирган жойида бош ирғитиб, Тожул Мулк ясама табассум билан, икки букилиб, Синога таъзим қилишади. Зулфиқор эса Синога хўмрайиб қарайди.

Шамсуд-Даула
 (Синога ўнг ёнидан жой кўрсатиб)

Қани, келинг!

Сино
 Миннатдормен. (Ўтиради)
 Шамсуд-Даула
 Булар сиздин хафароқ...

Сино

Сабабини айтишгандир?

Шамсуд-Даула
Пул бермабсиз буларга.

Сино

Ҳақларини олиб бўлган... Қолган эмас ҳақлари.

Зулфиқор

Бўлмагур гап!

Сино

Ҳужжатлар бор! Қўл қўйгансиз! Ва ёки,
Қўлингиздин тонасизми?

Зулфиқор

У аввалги ҳужжатлар...

Сино

Хазинани ўғирлашга ўрганишиб қолишган!
Барча хешу-ақраболар, барча қовму-қариндош
Хазинани талаганлар хазиначи орқали!

То жул Мулк

Тухмат қилманг, улуғ вазир...

Сино

Тафтиш шуни кўрсатди!

То жул Мулк

Ишончимиз комил эмас сиз ўтказган тафтишга!

Зулфиқор

Қайта тафтиш қилиш керак!

Сино

Минг бор тафтиш қилсак ҳам
Шу хулоса келиб чиқур!

Зулфиқор

Қиличининг дастасига қўл уриб, яна тортиб олади, дарғазаб.

Ишонмаймиз! Бизларни

Емон отлиқ қилиш учун уйдирилган бу тафтиш!
Мен доимо ҳалол хизмат қилиб келдим саройга!
Ун йилдирки, ҳукмдорнинг қўшинида ҳожибмен!
Жангу-жадал, ҳарбу-зарбда донг чиқарган қаҳрамон,
Довюракли, ўлимга тик қарайдиган жангчимен!
Мен ҳалолмен! Покизамен! Эндиликда эса сиз
Доғ тушурмак пайидасиз менинг буюк шаънимга!

Сино

Сиз қанақа қаҳрамонсиз, сиз қанақа жангчисиз,—
Мен улардин беҳабармен, аммо, поклик, ҳалоллик
Борасида сиздин, ҳожиб, қаттиқ шубҳа қилурмен!

Зулфиқор

(Бўғилиб, қиличига ишора қилиб)

Исбот қилиб берайинми?!

Сино

Ҳожати йўқ! Чиранманг!

Сиз икки минг аскар учун маош олиб, мингига
Тўлабсиз-у, қолганини киссангизга урибсиз!

Зулфиқор

Дарғазаб, қиличини қинидан ярим чиқариб, яна шарақлатиб ўрнига солиди.

Елғон! Елғон!

Сино

Аниқланди! Қўлимизда ҳужжат бор!

Бу ҳалоллик қаторига кирмайдику, бош ҳожиб?!
Тожул Мулк сиз...

Тожул Мулк

(Шошиб)

Харожатлар кўплигини билмайсиз!..

Айшу-ишрат, зиёфатлар, катта тўю-томоша
Қанча-қанча олтинларни гумдон қилур, билмайсиз!..
Ҳар йил Бағдод Халифаси совға-салом олади,
Катта туҳфа талаб қилур султон Маҳмуд Ғазнавий..
Ҳаммасига бож тўлаймиз,— шул сабабдин, мовлоно,
Ҳазинада пул турмайди...

Сино

Ҳадяларнинг ярмини.

Билдирмасдин уриб қолиб бойигансиз, Тожул Мулк!
Ахир сизда борми жиндак инсоф деган нарсасин?!
На амирдин ҳайиқасиз, на худодин қўрқасиз!

Тожул Мулк

(Ийғлаб, ўзини амирнинг оёғига ташлайди)

Туҳматлардин халос этинг бизни, улуғ ҳукмдор!

Шамсуд-Даула

(Ижирғаниб)

Ҳа, ўзим ҳам сезар эдим эгри қўллар борини..
Энди, майли, ўтган ишга саловат деб, буларга
Бир оз, бир оз ақча беринг... Кейин суриштурурмиз.

Сино

Бу пулларни берар экан хазинага қарз учун,
Йўл тузатиш, янги йўллар очиш, ариқ қазишлар,
Далаларга сув келтириш, шундай савоб ишларга
Сарф қилинсин бу ақчалар деб, шарт қўйган фуқаро.
Мен бу шартни бузолмаймен! Фуқаронинг умиди,
Орзулари топталсинми?!.. Алдайликми уларни?!..
Мумкин эмас, улуғ амир, теппамизда худо бор!
Давлатпаноҳ, рухсат этинг, мен ҳужжатлар келтирай.

Амир рухсат маъносида бош силкийди. Сино тез чиқиб кетади.

Тожул Мулк

Улуғ амир, бизни зинҳор қила кўрманг шарманда!
Агар хато қилган бўлсак тузатурмиз тез кунда.
Агар гуноҳ қилган бўлсак шафқат қилинг, кечиринг.
Ҳам жонимиз, ҳам қонимиз билан уни ювурмиз!

Амир бетоқат, қорнини чангаллаб, ижирганиб, ўрнидан туради.

Ш а м с у д-Д а у л а

Бундай гапни кўп айтгансиз қасам ичиб Тожул Мулк!

Т о ж у л М у л к

Бу сўнггиси! Бу сўнггиси, улуғ амир ишонинг!

Ш а м с у д-Д а у л а

Яна қорин оғриб қолди... Яна парҳез бузилди...
Кеча бир оз шароб ичдим... Қасофати шаробнинг...
Ибн Сино қайта-қайта тайинлади ичманг деб.
Қандоқ қилай, иложим йўқ, тўйиб кетдим жонимдин!..
Ғусса мени ўлдиради агар шароб ичмасам...
Мени қўйинг... Бу ишларга мени аралаштирманг...
Ҳолим оғир, ичкарига кириб бир оз ётайин...
Ихтиёрни сизга бердим, ўзларингиз ҳал қилинг.
Фақат менга тушмаса бас ҳукмингизнинг гуноҳи...

Тожул Мулк амирнинг қўлтиғидан суяб ичкарига олиб кириб кетади. Зулфиқор қарсак чалади, қуролланган олти навқар кириб саф тортиб туради. Бир оздан сўнг шошиб Сино киради.

С и н о

Мана ҳужжат!.. Амир қани?

З у л ф и қ о р

Менга беринг ҳужжатни!

Зулфиқор, ҳайрон бўлиб турган Синонинг қўлидан ҳужжатларни тортиб олиб, йиртиб ташлайди.

Мана ҳужжат!.. Мана ҳужжат!..

С и н о

(Дарғазаб)

Бу қандай гап, Зулфиқор!

З у л ф и қ о р

Бу сиз учун чиқарилган ўлим ҳукми! Бошланглар!

Навқарлар қилич яланғочлаб Синога яқинлашадилар.

С и н о

Агар мени ҳақ сўз учун ўлдирмоқчи бўлсангиз,
Мен тайёрмен! Аммо, кейин кўп пушаймон бўласиз!
Аҳмоқларнинг буйруғига бўйсунганлар тангрининг
Лаънатига, ғазабига дучор бўлур, шубҳасиз!

Навқарлар Синонинг дадил кўз қарашларига тоқат қилолмай, унинг салобати босиб, қиличларини қинларига солиб, Синога бош эгиб таъзим қилиб, орқага чекинадилар.

З у л ф и қ о р

(Ғазабли)

Бу нимаси?! Бу исёнми?!

Зулфиқорнинг ўзи қилич яланғочлаб, Синога томон юради. Навқарлар унинг йўлини тўсадилар. Зулфиқор тўхтайди, саросимада.

Кутилмаган ҳодиса!

Ичкаридан шошиб Тожул Мулк чиқади.

Т о ж у л М у л к

Тахт ёнида қон тўкишлик гуноҳ эрур, бош ҳожиб!
Амиримнинг фармойиши бошқачароқ...

Тожул Мулк қарсак чалади. Ичкаридан мулозимлар чиқади.

Бошланглар!

Мулозимлар, ҳамон ҳайрон бўлиб турган Синонинг устидан вазирлик либосини ечиб,
ўрнига эски тўн, эски кулоҳ кийгизадилар, қўлларига кишан соладилар.

Шундай қилиб, улуғ амир, вазирликдин тушдингиз!
Бу тақдирнинг найранглари... Бу худонинг хоҳиши...
Бу амирнинг фармойиши... Энди зиндон ичида
Барча қилмишларингизни бир-бир ўйлаб кўрурсиз!
Ҳа, гадодин шоҳ чиқмайди! Фуқародин хон чиқмас!
Бу дунёда ҳар одамнинг ўз ўрни бор азалдин...
Йўқ, бу сизга улуғ шафқат, чексиз ҳурмат белгиси!
Ғазабланган ҳожибларнинг тахтидин қутулиб,—
Қўйиб берсак улар сизни тилкапора қиларди!—
Энди осойишта илмий ишни давом этдириб,
Тугатурсиз банди зиндон бўлиб қолган умрни!
Энди давлат ишларига халал бера олмайсиз!..

С и н о

(*Дадил, мағрур*)

Қайда бўлмай, саройдами, зиндондами, бари бир,
Ҳиёнатга, жаҳолатга, барча зулму зулматга,
Зўрликларга, хўрликларга қарши доим, омонсиз,
Ҳайиқмасдин, таҳдидлардин, зиндонлардин, ўлимдин,
Курашурмен, олишурмен бутун умрим борича.

Тожул Мулк ишора қилади, навкарлар, мулозимлар Синони ўраб олиб чиқиб кета-
дилар, орқаларидан Тожул Мулк билан Зулфиқор чиқади.

П а р д а.

Саккизинчи кўриниш

Қалъадаги зиндонхоналардан бири. Кенг, кўримсиз.

Сино бир қадар озган, соқоллари ўсган. У эски бир кўрпача устида ўтириб хаёлга
чўмган. Олдида кичкина, эски бир хонтахта. Хонтахта устида довот, қалам турибди.
Хонтахта устида атрофда ёзилган, ёзилмаган қоғозлар, китоблар сочилиб ётибди.
Олим ҳамон иш устида.

Сино узоқдан келаётган ёқимли, мунгли овозларга маъюс қулоқ солади.

С и т о р а н и н г о в о з и

Уғлим улуғ алломасен, етук, зукко табибсен,
Беморларнинг аҳволини, хасталарнинг дардини,
Ғоят нозик иллатини жуда яхши билурсен...
Аммо, она юрагини, оналарнинг дардини,
Оналарнинг ташвишини ҳамон яхши билмайсен...
Бола бир кун азоб чекса, бу азобнинг дардини
Она бир йил тортиб юрар юрагини қон қилиб...
Ҳаловатсиз тунлар агар сени бир оз қийнаса,
Онанг шўрлик азобини торта-торта кул бўлур...

С о ҳ и б ж а м о л н и н г о в о з и

Ҳаётим гулшани гуллар хазонсиз,— навбахоримсиз.
Мунаввар айлаган дилни менинг порлоқ наҳоримсиз.

Вафо бобида мустаҳкам эрур Соҳибжамолингиз,
Суянган эзгу тоғимсиз, паноҳим, ғамгузоримсиз.

Синонинг овози

Жаҳонда бойлигим, бахтим, илинжим, давлатим сенсен,
Жудо қилма висолингдин,— бўлур Сино гадо сенсиз...

Сино охиста кўз ёшларини артади. Уридан туриб у ёқдан бу ёққа юра бошлайди.
Сўнг, ўтириб яна иш билан шуғулланиб кетади. Бир оздан сўнг, чойнакда чой, пиёла
кўтариб, зиндонбон Якзан киради.

Якзан

Узр, ҳаким, чой келтирдим... Чойи кабуд, дам еган.
Ишни қўйинг... Ахир, бир оз дам олиш ҳам керак-да!..

Якзан Синонинг ёнига ўтириб, унга чой қуйиб узатади.

Сино

(Чойни олиб)

Раҳмат бобо, миннатдормен... Хўш, дунёда нима гап?

Якзан

Не бўларди?.. Ўша ғавғо... Ўша, ўша ур-йиқит...
Ўша, ўша бош олишу ўша, ўша қон тўкиш...
Ҳе, азизим, тўхтардим бу дунёнинг ғавғоси!
Амирларки, бекларки бор, тўхтамайди қирғинлар...
У дунёда дўзах бор деб, қўрқитади муллолар,
Асли дўзах шу дунёда!.. Ғарибларга, очларга
Дўзах худди шу дунёда!..

Сино

(Кулиб)

Файласуфсиз, отахон!

Якзан

Сиз бу ерга келибсизки, ёзганингиз ёзган, ҳа...
Хўш, ишингиз қачон тугар?

Сино

Иш тугамас, бобожон.

Ҳа, инсоннинг умри тугар, аммо, иши тугамас...
Мақсадларим, армонларим, орзуларим жуда кўп,
Қани энди, ҳеч бўлмаса ярмига эришсам...
Ҳа, бобожон, умр тугаб бормоқдадир, шошурмен.
Ўйланурмен... Ҳаётимни, ўтмишимни ўйлаймен..
Қўнолғаси синдирилган қушлар каби паришон,
Ел учирган хазон янглиғ саргардонмен, сарсонмен...
Менинг умрим қувғинларда ўтиб кетди, во дариф...
Мен юрмаган жой қолмади, мен бормаган шаҳар кам...
Қизилқумни яёв кездим, қумда қолди изларим.
Жазиралар, бўронларда қораймишдир юзларим.
Гоҳ севинчга тўлди кўзим, гоҳ ёш тўкди кўзларим...
Давру даврон тўлқинида гоҳ юксакка юксалдим,
Гоҳ тубанга ирғитдилар замонанинг зўрлари...
Хоразмда, Райда бўлдим, Журжонда ҳам бўлганмен.
Неса, Козвин, Нишопурда, Хамадонда яшадим.
Ўз умримда кўп одамлар билан қилдим мулоқот.
Доноларнинг суҳбатини, мажлисини безадим.

Амирларга ҳамдам бўлдим, ҳурматландим саройда.
 Фақирларга улфат бўлдим, гадоларга ҳамтовоқ...
 Нажот топди қанча-қанча бемор менинг қўлимдин.
 Мен туфайли қанча гўдак омон қолди ўлимдин...
 Ҳа, бобожон, мен кўрмаган, мен бормаган манзил йўқ.
 Ҳамма ерда шоғирдларим, дўстларим бор, хурсандмен...
 Аммо, мана, оқибатда банди зиндон бўлдим...

Я к з а н

Йўқ!

Сиз зиндондин халос бўлиб бу даргоҳга келдингиз!
 Йўқ, йўқ бу ер зиндон эмас! Асли зиндон у ёқда!
 Бу зиндоннинг ташқариси зиндон эрур ҳақиқий!

С и н о

(Кулиб)

Гапингизда маъно тўла! Ақлингизга қойилмен!
 Аммо, лекин, юрак тўла армоним бор, бобожон!
 Жуда эрта жудо бўлдим севган Соҳибжамолдин...
 Бўлолмадим волидаи муҳтаромам дафнида.
 Хоразмда қолиб кетди ўғлим Али отасиз...

Я к з а н

Кўп куйинманг, улуғ ҳаким, ўтган ишга салават!
 Йўқ, азизим, сиз дунёда донг чиқарган ҳакимсиз.
 Сизни бутун етти иқлим тан олади, танийди.
 Сиз ҳеч киши ўз умрида бўлолмаган муяссар
 Улуғ бахтга эришгансиз... Сизни жаҳон олқишлар!
 Хору зорлар, етим-есир сизни жондин севади.
 Сиз уларнинг ҳакимисиз, содиқ халоскорисиз!
 Мана мени бахтсиз деса, ғариб деса бўлади.
 Бу дунёга бирор нарса қолдирмасдин кетурмен.
 Сўққабашмен, бола-чақа қилганим йўқ умримда.
 Урушларда ўтди умрим... Қанча беғу қанча хон,
 Амирларга аскар бўлдим, жангда ўтди кўп йиллар.
 Бутун таним чандиқ ўқдин, найза, қилич зарбиндин.
 Роҳатини хонлар кўрди, азобини биз тортдик.
 Ғарибларга ваъда қилиб у дунёда жаннатни,
 Узлари хўп маза қилур бу ердаги жаннатда.
 Айшу ишрат учун улар йиғадиган олтинлар,
 Фуқаронинг кўз ёшидин, ғарибларнинг қонидин!
 Мана ўн йил бўлиб қолди, зиндонбонмен бу ерда.
 Устимдаги кийим холос ортдиролган бойлигим.
 Саксон ёшда зиндонбонмен, шу эришган «мартабам»!..
 Ҳеч кимим йўқ, бир ғарибмен, ўлсам етиб ажалим,
 Топилмайди йиғлайдиган, кўмадиган одам ҳам...

Шу вақтда ташқаридан шовқин, дарбозанинг қаттиқ тақиллагани эшитилади. Якзан хабар олиш учун чиқиб кетади, кўп ўтмай, ҳовлиқиб қайтиб киради.

С и н о

Хўш, нима гап?

Я к з а н

Ҳисоби йўқ халқ, оломон зиндонни

Қуршаб олмиш... Улар сизни... сизни талаб қилмоқда!..

(Ҳаяжон билан ўрнидан туриб кетади)

Ё алҳазар!

Я к з а н

Дарвозани бузишмоқчи оломон.

Ташқаридаги шовқин борган сари кучаяди.
«Ибн Сино!», «Ибн Сино халос бўлсин зиндондин!»
«Ибн Сино, сизни кўрмак орзусида фуқаро!» деган сўзлар эшитила бошлайди.

С и н о

(Мағрур)

Ҳа, дунёда адолатни йўқотолмас золимлар!

Шу пайт зиндоннинг орқа томонидан Шамс уд-Даула, Тожул Мулқлар ҳовлиқишиб киришади, ёнларида соқчилар, мулозимлар. Шамс уд-Даула келиб, Синонинг оё-фига йиқилади.

Ш а м с у д-Д а у л а

Улуғ ҳаким, шафқат қилинг, хато қилдим, бад қилдим.
Қилмишимдин пушаймонмен, Шайхур Раис, кечиринг!

С и н о

Туринг! Туринг! Сиз амирсиз, мен бир фақир ҳакиммен.
Агар лозим, мақбул топса сизни тангри кечирур.
Туринг! Туринг ўрнингиздин!

Ш а м с у д-Д а у л а

(Ўрнидан туриб)

Миннатдормен, улуғ зот!

Сизни махфий қатл этди деб, ғазабланган оломон
Саройимга ўт қўймоқчи! Мени дорга осмоқчи!

Т о ж у л М у л қ

(Елвориб)

Тақдиримиз қўлингизда сизсиз бизга нажот йўқ!
Тезроқ чиқинг! Тезроқ чиқинг! Сизни кўрсин оломон!
Шундагина тинчланиши мумкин бўлур...

Ш а м с у д-Д а у л а

Илтимос!

С и н о

(Усти-бошига ишора қилиб)

Шу аҳволда халқ олдида қандай қилиб чиқурмен?..

Ш а м с у д-Д а у л а

Либос тайёр! Либос! Либос!

Т о ж у л М у л қ

Тезроқ либос келтиринг!

Мулозимлар шошиб-пишиб янги либос — вазирлик либосини келтирадилар. Тожул Мулқ бошлиқ мулозимлар Синонинг устидаги эски кийимларни ечиб ташлаб, вазирлик либосини кийгиштилади. Шу аснода Якзаннинг ёнида, «Алқонун»нинг беш жилдини кўтариб, Раҳмат билан Журжоний киришади.

Р а ҳ м а т

(Қўлидаги икки китобни Синога узатиб)

Мана устоз, тайёр бўлди ўша машҳур «Алқонун!»

Журжоний

Пирим, мана тамом оққа кўчирилди «Алқонун»!

Журжоний қолган китобларни ҳам Синонинг олдида турган кичкина хонтахта устига кўяди.

Сино

(Китобларни қўлига олиб кўзларига суртади, ўнади)

Боракалло шогирдларим, миннатдормен сизлардин.
 Қўлимдаги фан машъали сўнгани йўқ, сўнмайди.
 Токи инсон идроки бор, фаннинг порлоқ қуёши
 Тилка-пора қилиб ташлар жаҳолат булутини!
 Жоҳилларнинг найранглари, таҳдидлари ўтмади!
 Улар йўлда қолиб кетур, мен абадий йўлдамен!..
 Юздин ортиқ китоб ёздим, энг муҳими шу китоб!
 Бутун умрим, ҳаётимнинг натижаси, ҳосили,
 Неки билсам, неки қилсам шу китобга ёзилди.
 Бу табаррук китобимга «Алқонун» деб қўйдим ном.
 Авлодларга мендин мерос бўлиб қолур бу китоб!

Раҳмат

Юринг устоз, ташқарида сизни кутар бутун халқ!

Сино виқор билан қўлига «Алқонун»нинг бир жилдини олади, қолган жилдларини Раҳмат билан Журжоний кўтаради. Шу тариқа Сино, икки ёнида икки шогирди, тўғри халққа томон юриб кела бошлайди. Шамс уд-Даула, Тожул Мулк, мулозимлар бошларини ҳам қилиб, орқада, қоронғи бурчакда қолишади.

Ташқаридан халқнинг овози эшитилади:

«Абу Али Ибн Сино жаҳон тургунча турсин!»
 «Шону шараф бўлсин улўғ ҳаким Ибн Синога!»

Парда.

Дўрмон — Тошкент.
 Апрель — октябрь. 1979 йил.





Валентин Архангельский

ТАРИХНИНГ ЎТТИЗ ДАҚИҚАСИ

Эркин НОСИРОВ таржимаси.

ҲУЖЖАТЛИ ҚИССА¹

Бир йилча илгари Россиянинг ярмини айланиб чиққанида бу мамлакат уни ҳам ҳайратда қолдирган, ҳам ваҳмини келтирганди. Шунда, бу мамлакатдагиларнинг ҳаммалари Ленин номини тилдан қўймаётганларининг шоҳиди бўлганди. У ҳар маҳал одамлар:

— Ленин! Ленин! Ленин!— деяётганларини эшитиб турарди.

Ленин Накахиранинг назарида қандайдир афсонавий паҳлавон ва қаҳрамонга айланганди. У миллион-миллион одамларнинг тақдирига жавобгар бўлган ва тарих ғилдирагини айлантираётган сиймо бўлиб қолганди.

«Владимир Ильич Ульянов десангиз, ҳатто Россиянинг ўзида ҳам буни кам билишади. «Ленин» десангиз борми, бу ном бир марта газета ўқиган одамга ҳам танишлигини кўрасиз. Россияда қандай мажлислар ўтказилмасин ва қайси вақтга тайинланмасин унда Ленин қатнашади десангиз бас, зал тирбанд бўлиб кетади».

— Мен Ленин билан учрашувга ҳаракат қилардим. Бу йўлда ҳамма нарсага тайёр эдим. Мен, бу юксак мартабали одам қабул қилашини бир ой олдин айтишади, ярим ой қолганда эслатишади, нима хусусда гаплашини билан қизиқишади, бир ҳафта қолганда берадиган саволларини ёзма равишда талаб қилишади, кейин ўзингга қараб, ювиниб-таранишини талаб этишади. Бундан кейинги босқичда қатор маслаҳатчи, референт, секретарлар, бошлиқларга кўндаланг бўлишга тўғри келади, ниҳоят тартиб ва ўзингни босиб олишинг учун ҳашаматли қабулхонада бир оз сақлашади (бу қанчалар юксак шарафга эга бўлаётганинг ва тарихий лаҳзани ҳис этмоғинг учун зарур бўлади),

¹ Давоми. Боши журналнинг ўтган йилги 12-сониди.

шундан кейингина ҳазратга жуда ҳам яқин бўлган ходим сизни авлиёларнинг авлиёси ҳузурига бошлаб киради, деб ўйлардим.

Амалда эса буларнинг бари бошқача бўлиб чиқди. Машинага ўтириб, Кремлга келдигу тўғри Лениннинг кабинетига кирдик.

Ленин оддий одам экан. Оддий бўлганда ҳам жуда оддий. Ҳазрату доҳий, қаҳрамону раҳнамога ўхшайдиган ҳеч нимаси йўқ экан. Устид эскироқ қора костюм, ўрта бўй, чорпахил, миқти гавдали, сариқ соқол-мўйловли киши эди. Буниси расмлари орқали ҳам кўпчиликка таниш. Боши катта, ярғоқ, пешонаси мутафаккирлар пешонаси янглиг дўнг. Кўзлари қийиқ, нигоҳи эса ўткир. Майда ажинлар қоплаган, кўзлари порлайди, шўх чақнайди ва суҳбатдошидан сира ҳам узилмайди. Ленин сизнинг қанақа одам эканлигингизни кўриб-билиб турганга ўхшарди.

Накахира: «Мени қабул вақтидаги вазият ҳайратда қолдирди... Ленин бизни ўзининг қадрдон дўстларидай қабул қилди, қабул маросими фавқулодда содда ва самимий ўтди. Ленин гўё ўзининг набиралари ёки жиянларига гапирётгандай мулоим боқарди» деб таъкидласа Фусэ «Ленин, сизларни кўришдан беҳад мамнунман, деб қарши олди, революцион арбоблардан бирортаси ҳам менда Лениндай кучли таассурот қолдирмади, Ленин — большевизмнинг қалби буюк, синалган стра-теги», деб ёзганди.

Бу сўзларнинг бари япон матбуоти учун янги ва сира ҳам кутилмаган сўзлар эди. Фусэ билан Накахира ватандошларига гўё янги Россия бошлиғи билан суҳбат қуриш имконини бергандилар. Уларнинг репортажларини ўқиган японияликлар Ленин билан жаҳонни ташвишга солаётган муаммолар борасида суҳбат қуриб, кўзларига тикилиб, жозибадор жилмайиши билан кўргандай бўлдилар, содда, самимий, доно ва оддий инсонлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Владимир Ильичнинг ўша куни тушган сурати йўқмикин? Афсуски, йўқ. Япон журналистлари билан учрашувгача олдирган сурати 12 майга тааллуқли экан. Уша куни Кремлда Москвадаги биринчи совет пулемётчилари курсини ҳисоб бўйича ўн биринчи бўлиб битирувчиларнинг паради бўлган, уларни Ленин қабул қилганди. Шунда Қизил командирлар Лениндан эсдаликка расмга тушишни илтимос қилишганди. Мана Халқ Комиссарлари Совети биноси олдида ҳарбий кишиларнинг катта группаси турибди. Ҳаммалари, навқирон, устларида яп-янги ҳарбий форма, бошларида юлдузли фуражка. Расмнинг ўртасида Владимир Ильич. Устид қора костюм, мийиғида кулиб турибди.

Лениннинг бундан кейинги суратлари июлда олинган. Улардан бирида Ленин Коминтерн II конгрессининг делегатлари билан Петрограддаги Таврия саройи олдида турибди. Бир суратда Ленин қўлда гулдаста билан кулиб турибди. Мен фотокинокадрлардан иборат иккита қалин томни варақлаб чиқиб, Ленин гулдаста билан тушган сурат яккаю-ягона эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Ҳа, 1920 йилнинг 3 июнигача Ленин суратга тушмаган. Шунга қарамай Накахира китобида Лениннинг иккита расми бор. Улардан бири Лениннинг портрети, иккинчиси — Халқ Комиссарлари Советининг мажлисида тушган расми. Портретнинг ўнг томонида «В. И.» ҳарфлари ва «Л» ҳарфининг бош томони бор. Бу ҳарфларни ким ёзди экан? Расмдан Владимир Ильич тўғри, осойишта боқиб турибди. Бутун қиёфаси айниқса катта пешонаси ва кўзлари тафаккур ва маънавий қудратидан, характерининг мустаҳкамлигидан ва иродаси кучидан далолат бериб турибди. Расмнинг чап томони сал қорамтир кўринади, эски расмнинг бу нуқсони ҳам доҳийнинг ўзига хос қиёфасини таъкидлаб туради.

Шунда десангиз жуда ажойиб бир нарса маълум бўлиб қолди. До-

ҳийнинг Накахира китобидан жой олган бу расми мамлакатимизда 1924 йилгача ҳеч ерда чиқмаган экан! Расмий маълумотларга ишонадиган бўлсак шундай. Бироқ расм қандай қилиб 1920 йилда япон журналистининг қўлига тушиб қолди? Владимир Ильичнинг ўзи унга расмини совға қилмаганмикин? У гоҳо суратини тақдим этиб турарди. Бу суратни Петр Оцуп 1918 йилнинг 16 октябрида, Ленин яраланиб, тузалганидан сўнг кўп ўтмай олгани аниқ. Демак расмни ё у, ё Ташқи Ишлар Халқ Комиссарлиги ходимлари, чунончи ўзимиз билган Вознесенский тақдим этган бўлиб чиқади. Ё бўлмаса, биз кўрган манбаларда хато кетиб, расм 1924 йилгача босилган бўлиб чиқади. Хуллас, бу болада ҳам яхшилаб бош қотиришга тўғри келади.

Лениннинг кабинети ҳам соҳибига ўхшаб содда ва оддийгина эди. Ҳажман унча катта бўлмаган хона деворлариغا сарғишроқ қоғоз ёпиштирилган. Уртада ҳар бир идорада учратиш мумкин бўлган ёзув столи, устида папкалар, китоблар, газеталар. Кўк соявонли стол чироғи, шамдонга ўрнатилган шамлар. Бундан электр энергияси мунтазам бўлишига ишонч йўқлиги кўриниб турибди. Яна қаерда денг: Россияни электрлаштириш плани ҳақида завқ-шавқ билан ҳикоя қилаётган бош миистрининг кабинетида. Иккита телефон аппарати, ёғоч конторкалар, учи чиқарилган қаламлар, узун қайчи. (Японлар қайчини кўрганда, наҳотки шундай буюк одам конвертларни ўзи очса, деб таажжубда қолишди). Унг ва чап томонлари китоб ва қоғозларга тўла айланувчи жавонлар. Ёзув столига қўндаланг қўйилган стол ёнидаги катта чарм креслоларда япон журналистлари ва Вознесенский ўтиришибди. Жуғрофий хариталар, китоблар тўла шкафлар. Дераза ёнидаги катта гулдаста кабинетнинг ягона беазаги эди.

Кабинетдаги нарсаларнинг бари содда ва табиий эди. Накахира шунда ҳаяжони босилиб, ўзига келаётганини сезди. Кейинги пайтларда асаби ҳам бўлганича бўлганди ўзи...

Накахира Сибирь ва Уралдан бир амаллаб Москвага етиб келганидан сўнг анча кўргиликларга дучор бўлди. Йигирма бешга тўлган бу мухбир Ташқи ишлар Халқ Комиссарлигига келганида, Вознесенский бақриб бериб, унга узоғи билан бир ҳафта ичида Москвадан чиқиб кетишни тайинлади. Бўлмаса отиласан, деди. Халқ Комиссарининг ўринбосари Лев Карахан Вознесенскийдан бу янгиликни эшитиб, чиқиб кетиш муддатини икки ҳафтага чўзди. Чунки Накахира япон жосуси сифатида шубҳада қолганди-да!

Накахиранинг мухбир бўлиб келгани тасдиқлангандан кейин иш бошлаб, хабар ва мақолаларини жўната бошлади. Бироқ тарихга киришга муваффақ бўлолмади. Қағэкихлар ўлим талвасасига тушмадилар. Аксинча, «Россия халоскорлари» деб аталмиш қора кучлар биринкетин тор-мор бўла бошладилар. Янги ҳокимият кундан-кунга кучга тўлар, бақувват тортар, буни Накахира ҳам кўплар қатори кўриб турарди.

Тўғри, кун кечирини ҳам машаққатли эди. Накахира оч-наҳор яшарди. Озгина нон ва овқат олгани навбатларда турар, меҳмонхонанинг совуқ номерида кечасилари дийдираб чиқарди. Шунақа вақтларда кўзда ёш билан қиш кунларида ҳам бананлар пишадиган Хасуикэ қишлоғини эслар, бир-бирига қапишган уйлар узра нурини аямай сепаётган қуёш кўзи олдидан кетмасди. Устидаги кийимлари ҳам эскириб, жуда мазаси кетганидан мухбирга сира ўхшамай қолганди.

Накахира шундан кейин қочиниша аҳд қилди. Фарбга, Болтиқ-бўйига бориб, у ерда чегарадан ўтмоқчи бўлди. Темир йўлдан четга чиқмай кечалари йўл босди, кундузи пичан ғарамларида маъмурлардан ўзини панага олди. Тўғри қелган жойда — далада, пичан ғарида, жарда, ўрмонда, ташландиқ уйларнинг чордоғида тунади. Юзини ёмғир

ювиб, сочини шамол таради. У ҳаммадан ҳам ЧКдан чўчирди. Шу тариқа юзларча километр йўл босди, манзилга яқин қолди деганда ЧКнинг қўлига тушди. Кимлиги, қаёқдан келаётгани, нимага қочиб кетаётганини у ердагиларга дурустроқ тушунтириб беролмади. Усти-боши қай аҳволдалигини кўрганлар ҳам бари бир унинг сўзларига ишонишмасди. Хуллас, жосус сифатида яна ҳибсга олиниб, орқага қайтарилди. Бутирский турмасининг ёлғиз хонасида сақланди. Сўроқлар бошланганда англашилмовчилик бўлгани равшанлашди. Озодликка чиқди.

Накахира кузакда терлама касалига йўлиқиб қолди. Уни Москва яқинидаги ишчилар ва деҳқонлар даволанаётган санаторийга жойлаштиришди. Бепул даволашди. У гарчи кўп нарсаларга тушунмаса-да, янги тузумнинг афзалликларидан ҳайратда эди. Санаторийда уч ой даволанса-да, ундан бир иена ҳам талаб этишмади. У редакцияга кўрган билган воқеалари ҳақида материаллар жўнатиб турар, бироқ улар камдан-кам босиларди.

Мана энди у Ленин ҳузурнда! Большевиклар ҳукуматининг раҳбари, кагэкихларнинг бошлиғи у билан суҳбатлашяпти!

Накахира вужудига ўрмалаган қўрқувлар, ташвишлар, хуллас бир йил мобайнида унга тинчлик бермаган нарсаларнинг бари ана шу кабинетдан ташқарида қолиб кетгандай эди. Осойишта ва хотиржам тортиди қўйди. Большевикларнинг каттаси у Россияда дуч келган одамларнинг ҳаммасидан ҳам самимий, дилкаш ва содда инсон экан.



Биз қахрамонимизни қаерда қолдирувдик? Ҳа, айтгандай Сарапулда қолдиргандик. Накахира Кама бўйидаги қадимий рус шаҳарчасида кезиб, Қизил майдонда, Пушкин боғида бўлиб, пристандаги қизил аскарлар митингларида нотиклар сўзини тинглаб юрса ҳам Надежда Константиновна Крупская ёнгинасида эканлигидан беҳабар эди. Надежда Константиновна «Красная звезда» пароходида Маориф ишлари Халқ Комиссарлигининг вакили эди. Крупскаянинг сафарга чиқишини революциянинг бош лоқмани Ленин ташкил қилганди. Ленин рафиқасини сафарга тайёрларкан кабинетдаги харитани уйига олиб келиб, Волга ва Камада тўхтайдиган муддатларни ва жойларни белгилаган эди. Крупская бу ҳақда шундай ёзади:

«Сафар олдидан нималар қилиш кераклиги, аҳолига нима билан ёрдам қилиш, қайси саволларга кўпроқ тўхталиш, нималарга кўпроқ эътибор бериш лозимлиги борасида Ильич билан узоқ гаплашдик. Ильичнинг ўзи ҳам сафарга боргиси келар, бироқ ишни бир дақиқа ҳам қолдириш мумкин эмасди. Сафар арафасида (26 дан 27 ўтар кечаси) туни билан гурунглашдик, Ильич бизни вокзалга кузатиб чиқди (Курский вокзалига. Орадан бир неча кун ўтмай шу вокзалга Нижний Новгородда Накахира келган, у Крупская кетган йўлдан қайтганди — В. А.), ўзига мунтазам хат ёзиб туришни, бевосита ўзига қўнғироқ қилиб туришни тайинлади».

Япониялик журналист пароходда юқори палубада Крупскаянинг каютаси ёнидан ўтганида, кечки ҳаводан нафас олгани чиққан Надежда Константиновнанинг ёнидан ўтган бўлса ҳам ажаб эмас. Сўнгра у баржани кўздан кечириб, китоб магазинига бош суқди. Пристанлардаги бодрингхўрликдан озиб кетганига қарамай, одамларга лиқ тўла китоб магазини пештахтасига уриниб-туртиниб яқинлашди. Сотувчи — ёшгина йигит эди.

— Сизга нима берай? Уртоқ Ленин ҳақидаги китобларданми? — дўкончи йигит озғинлигидан чакак-чакак бўлиб кетган, сочи машинада олинган, қулоқларигина кўзга ташланарди. У гимнастёркаси усти-

дан камар таққан, ҳамма тугмалари солинганди.— Манавиларни ҳам кўринг.— Йигитча унга бир даста китоб узатди. Унинг бармоқлари узун, қўли ингичка, кўк томирлари шундоққина сезилиб турарди.

— Ташаккур.

Япониялик журналист дўстимиз китоб дўқонидаги йигитчага эътибор бериб, у билан суҳбатлашганида борми унинг «Асахи»га йўллаган биринчи материали Москвада эмас, балки Кама соҳилларидан жўнатилган бўларди. Чунки япониялик мухбир рўбарўсида ўшанда Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитетининг «Красная звезда» агитация-инструкторлик пароходининг китоб ишлари мудири Исаак Захарович Урецкий турганди. Исаак Урецкий бундан бир ҳафта муқаддам Қремлда Ленин билан учрашиб суҳбатлашганди. Буни қарангки, ордан бир йил ўтгач, Накахира ҳам доҳий билан унинг кабинетидеда ўттиз дақиқа суҳбат қурди. Исаак Урецкий қисқа вақт ҳукумат курьери бўлган, Ленинга Надежда Константиновнадан хат келтирган, жавоб хатни ҳам олиб кетганди. У Ленинга сафар жойлардаги аҳвол, халқнинг кайфияти, барча Совет ҳокимияти томонида эканлигидан сўзлаб берганди. Гимнастёркасининг ўнг чўнтагидаги ён дафтарда бошқа ёзувлар орасида Ленин ўз қўли билан ёзган Қремлдаги иккита телефоннинг номери бор эди.

Исаак Урецкий 12 ёки 13 июлда «Красная звезда» тўхтаб турган Қозон шаҳрига Лениннинг Крупскаяга жавоб хатини олиб келганди. Мана шу хат ва Ленин ўн бешинчи июлда йўллаган мактуб билан бир неча қисқа телеграммалар бизга қадрли бўлган кишилардан қолган ёдгорликлардир.

«Қадрли Надюшка! — деб ёзганди Ильич.— Хатингни олиб жуда хурсанд бўлдим. Мен Қозонга битта телеграмма бердим, жавобини ололмаганимдан кейин Нижнийга бошқа телеграмма жўнатдим, у ердан бугун «Красная звезда» 8/VII да Қозонда бўлиши керак ва у ерда камида бир сутка туради, деб жавоб қилишди. Мен ўша телеграммада «Красная звезда»дан Горькийга битта каюта берса бўладими, деб сўрагандим. Горький бу ерга эртага келади, мен уни Питердан ўша томонга юборишни истардим, нега деганда бу ерда анча асабийлашиб, хафақон бўлиб қолди. Сен ва бошқа ўртоқлар ҳам Горький билан бирга юришдан хурсанд бўласизлар, деб ишонаман. У жуда яхши йигит, сал инжиқлиги бор, бироқ бу арзимаган нарса.

Сендан ёрдам сўраб, гоҳ-гоҳ юборилаётган хатларни ўқияпман ва мумкин бўлган чораларни кўришга ҳаракат қилаяпман.

...Қаттиқ қучаман, тез-тез хат ёзиб қўнғироқ қилиб туришингни илтимос қиламан.

Сенинг В. Ульяновинг.

Н. В. Доктор айтганини қил: кўпроқ овқатлан ва ухла, ўшанда қишда ишга тўла яроқли бўласан».

Надежда Константиновна ўша ёзда Ильичдан олган хатларини кўп замонлар ўзида сақлади. У доҳийнинг ўлиmidан кейин мингдан ортиқ ҳужжатни Ленин институтига топширган бўлса ҳам ана шу иккита мактубни олиб қолганди. Бироқ кейинчалик буларни ҳам, худди юрагидан ўзиб олгандек қилиб топширди. Негаки, у Владимир Ильичнинг ҳар бир сўзи халқ мулки бўлиши лозимлигини чуқур тушунарди.

Ленинга даҳлдор бўлган нарсаларнинг бари барчамиз учун азиз ва муқаддасдир!

VII

«Мен Ленинни биринчи марта март ойининг бошида Учинчи Интернационал конгрессида кўрдим. Бўйи анча пастроқ, боши яроқ бу инсон минбарда кўринганида залдагилар кучли, гулдурос олқишлар

билан қарши олишди. Уни олишдан кўрсам ҳам ақл тўла қиёфаси менда кучли таассурот қолдирди... Ленин гўё аудиторияда лекция ўқиётгандай гапирар, бироқ унинг чуқур заковатга асосланган нутқида биророрта ҳам ортиқча сўз йўқ, гўё бошдан-оёқ революция алангаси билан йўғрилганди. Лениннинг бутун кучи ва бор ҳаёти ана шу революцияда эди. Кейинчалик Ленинни митингларда бир неча марта кўрдим, бироқ у билан бевосита ионнинг бошида, Кремль саройидаги кабинетида бўлганимда учрашдим».

(Накахира. «Қизил Россияда бир йил».)

Бу ердаги ғализликка аниқлик киритамиз. Накахира 1920 йил «март ойининг бошидаги» Учинчи Интернационал конгрессида иштирок этмаган, чунки бунақа конгресс бўлмаган. Москва советининг Коминтерн бир йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлган, унда Ленин чиндан ҳам нутқ сўзлаганди. Бу 6 мартда Большой театрда бўлганди. Накахира шундан икки ҳафта олдин Москва яқинидаги санаторийдан чиқиб, пойтахтга қайтганди. У бетобликдан соғайиб, биринчи борган жойи ана шу мажлис бўлганди.

Ушанда минбарда Ленин пайдо бўлди. Мажлисга тўпланган мингларча одамлар бирданига ўринларидан туриб, гулдуролқишлари билан зални кўтариб ташлагудай бўлдилар. Москва совети тимсолидаги революцион Россия ўз доҳийсини дил-дилидан олқишларди! Накахира эса умри бино бўлиб бунақа нарсани кўрмаганди. У ҳам барча қатори роса қарсақ чалди.

Ленин минбарда кўп бўлгани йўқ. У авансценага, одамларга яқинроқ келиб, нутқини бошлади. Накахира — устиларидаги кийимлари ҳар хил бўлган ишчи ва солдатлар, совуқ залда рўмолларига ўралиб ўтирган аёлларнинг нафасларини ичларига ютган ҳолда доҳийнинг ҳар бир сўзини жон-диллари билан тинглаётганларини кўриб турар, барчанинг кўзларида завқ, ғурур, меҳру муҳаббат, ишонч порларди!

Ленинга ишонч!

Накахира шунда ён дафтариغا ёпишди. Аввалига русча ёзди, сўнгра японча иероглифларга ўтди.

Ленин ўшанда нималар ҳақида сўзлаганди?

«Ўртоқлар, Коммунистик Интернационал ташкил қилинганидан бери бир йил ўтди. Ана шу бир йил мобайнида Коммунистик Интернационал шундай кутилмаган ғалабаларга эришдики, у ташкил қилинганда бундай бўлишини ҳеч ким кутмаган эди, деб дадил айтса бўлади.

...Бутун жаҳонда бизнинг «большевизм»га ўхшаган бесўнақай сўзлар тарқалаётганини бир кўринглар. Биз коммунистик партия деб аталишимизга, «коммунист» номи, илмий, европадан чиққан бўлишига қарамай бу сўз Европа ва бошқа мамлакатларда «большевик» сўзига нисбатан камроқ тарқалган. Энг кўп тарқалган сўзлардан бири бўлган бизнинг русча «Совет» сўзимиз ҳам бошқа тилларга таржима қилинмайди, ҳамма ерда русча айтилади.

...Дангал айтиш мумкинки, барча мамлакатларда коммунистик революция ғалабаси муқаррардир ва душманларимиз сафида иккиланиш, ишончсизлик қанча кўп бўлса... бизга шунчалар яхшидир.

Капиталистик ҳукуматларнинг ҳалокати муқаррардир. Чунки янги уруш муқаррарлигини барча кўриб турибди... Япония билан Америка ўртасида янги жанжал ва конфликтлар пайдо бўлмоқда... Хусусий мулкчилик негизида уруш муқаррардир.

Оламда гарчи сира ривожланмаган бўлса-да, онгли ишчилари Коммунистик Интернационалга қўшилмаган, ҳаммаслак бўлмаган биророрта ҳам мамлакат йўқдир. Коммунистик Интернационалнинг бутун дунёда ғалаба қилиш муддати унча олис эмаслигига гаров шундадир — бу ғалаба таъминланган». (Бу нутқ доҳий асарларининг 40-томига киритилган).

Накахира ватанига қайтганидан кейин эллик тўққизта рус репортажи ёзди. Улар «Осака Асахи» ва «Токио Асахи» газеталари саҳифаларида уч ой мобайнида чиқиб турди. Биз юқорироқда келтирилган парча олинган репортажлардан бири «Буюк доҳий Ленин» деб аталади. Советларга қарши иғволар авжига чиққан пайтдаги империалистик Японияда репортажга бундай сарлавҳа қўйиш учун бениҳоя довюррак бўлиш лозим эди. Накахира репортажида, Ишчи-деҳқонлар Россиясининг доҳийси қачон, қаерда ва қанақа оилада дунёга келгани, отаси мазлум деҳқонларга хайрихоҳ киши бўлгани, акаси подшоҳ Александрга қилинган суиқасдда иштирок этгани, Ленин томирида чинакам революционер қони мавжудлиги борасида ҳам тўхталганди. Владимир Ульяновга гимназияни тугатганидан кейин берилган характеристикада унинг ажойиб қобилияти ва бенуқсон хулқи қайд этилганди. Уқиш йилларида у илғор ўқувчилардан саналар: «битириш имтиҳонларида ҳаммадан ўзиб кетганидан олтин медаль билан мукофотланганди. Гимназияда ҳам, ундан ташқарида ҳам уни ҳеч ким ёмон демаган».

Ленин Қозон университетига ўқишга кирганидан кейин революцион ҳаракатларда қатнашгани туфайли ундан ҳайдалади. Шуниси ҳайратланарлики, дейилади репортажда, мактабдаги ўқиш йилларида итоатгўй бўлган ўсмир исёнкорга айланди. Бироқ бунинг ўз изоҳи бор. Унинг биографик маълумотларидан маълумки, акаси ҳукуматга қарши ҳаракатларга қатнашгани учун қатл этилганида Ленин гимназиянинг охири синфида ўқирди. Акасининг фожiali ўлими унга кучли туртки бўлди ва ўша пайтдан бошлаб унда революцион кайфият вужудга келди.

Ленин Сибирь сургуни пайтида «Россияда капитализмнинг ривожланиши» китобини ёзди. Саноатнинг ривожланиш йўллари тадқиқ этилган бу китоб Ленин номини машҳур қилди. Ленин деҳқонлар масаласини ўрганишда ҳам ўзининг зўр билимдон эканлигини кўрсатди. У социал-демократик партиянинг аграр программасини ишлаб чиқиш билан шуғулланганди.

Репортажда программа моҳияти қисқача баён этилади, «большевиклар ҳозирги пайтда помешчиклар, дворянлар ва черков ерларини мусодара қилиб, ерга бўлган хусусий мулкчиликни бекор қилдилар ва шу тариқа ленинча аграр сиёсатнинг асосий қондаларини амалга оширдилар», деб ёзади.

Репортажда шундан кейин Лениннинг тўқимачилик саноати ишчиларининг III Бутунроссия съездида сўзлаган нутқидан парчалар келтирилади. Накахира Японияда тўқимачилик саноати тез ривожланаётгани, тўқимачилар забастовкаларда актив қатнашаётганлари учун ҳам атайлаб шундай қилган кўринади. «Ленин, деб ёзади Накахира, биз аста-секин коммунизм тўла тантана қилган замонга етишамиз, ўшанда ошпаз аёл сиёсий арбобга айланади, деб кўрсатади. Инсоннинг қудратига ишонч, унинг қобилиятларини ривожлантириш — ленинча принципнинг ўзгинасидир».

Накахира Лениннинг шахси, рус революцияси ва жаҳон тарихи, халққа муносабати, ажойиб инсонлиги ҳақида тўхталади. У янги Россия раҳбарининг улкан обрў қозонишига сабабчи бўлган нарсаларни тушунишга, халқ меҳру муҳаббатига қандай сазовор бўлганини билишга интилади. «У кўпчилик русларга яхши ва ғамхўр отадир, рус кишилари Ленин заковати ва одамгарчилигига большевикларнинг раҳнамоси бўлгани учунгина эмас, балки оддий халқ вакили сифатида ҳам тан берадилар». Накахира турли жойларда ва турли одамлардан Ленин ҳақида «яхши, меҳрибон, ажойиб инсон», «халқ ишининг жонкуяри», «сезгир», «буюк» деган баҳоларни эшитади ва шундай хулосага келади: «Ленин номи энг буюк шахс сифатида бутун башарият ҳурматини қо-

зонадиган пайт, албатта келади. Ленин Антанта мамлакатларининг ишчи-деҳқон давлатига қарши қаратилган интервенциясини қайтарди. У мамлакатнинг ички томонидан ҳуруж қилган очарчиликдан чекинмади, машаққатлар кўзига совуққонларча тик боқди, ҳар тарафдан Россияга марсиялар айтила бошлаганда ҳам қаршилик кўрсатаверди. Бу ажойиб ва мустаҳкам позиция эканлигига икром бўлиш керак. Биз унда бамисоли чашмадагидай ўзимизнинг улуғворлигимизни кашф этдик. Россия бир неча ўн йиллардан кейин ўзи яратган Петр Биринчи, Пушкин ва Толстой ёнига Ленинни қўшгани билан ғурурланиши ажаб эмас».

Мана Накахиранинг сўзлари! У Москвага марсия тинглагани ва уни таърифлагани келиб, «коммунизмнинг тўла тантанаси», Ленин шахси ва ишларининг буюклиги борасида қалам тебратди. Император бошқараётган Японияда туғилиб, ўсиб, инсондан кўра худого кўпроқ ишонадиган бу киши материалистик тафаккур кишисига айланиб, ёрқин истиқболга нигоҳ ташлай олганди.

Буларнинг баридан Накахира қаҳрамон ва бенуқсон фаришта, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Мен Токиодан унинг китобини олиб келдим. Сўнгра уни таржима қилиб беришни Халқаро муносабатлар институтини яқиндагина тугатган Леночка исмли хушрўйгина қиздан илтимос қилдим.

Орадан бир кун ҳам ўтмай столимдаги телефон жиринглаб қолди.

— Мен бу материални таржима қилолмайман. Истамайман.

— Нимага, Леночка? — ҳайрон бўлдим мен.

— Баъзи бир бобларда бўлмағур гаплар кўп. Бунинг кимга кераги бор?

— Керак, Леночка, албатта керак. Борини таржима қилинг.

— Унақа тазйиқ қилмангда, бўлмағур нарсани таржима қилинг, деб. Айниқса Ленин ҳақида!..

Столдаги аппарат бир силкиниб жим бўлди.

Мен таржима билан танишиб чиққанымда Леночкага ичимда яна бир бор раҳмат айтдим.

«Асахи» газетасининг мухбири кўп нарсаларга тиши ўтмаганлиги рост эди. Бунда унинг буржуача қарашлари ҳам роль ўйнаганди, албатта. У Ишчи-деҳқонлар Россиясининг пойтахтидан олислагани сари революцион таассуротлари ҳам хира торта бошлаганди. Бунинг устига ёш, ҳаётий тажрибаси ҳам етишмасди. Унинг китобига ёзилган сўзбошида редакция номидан «муаллиф коммунист ҳам, капиталистик мафкура тарафдори ҳам эмас» дейилганди. Бу унинг снёсий маслаги қанақалигини, тўғрироғи, мустаҳкам эмаслигини кўрсатиб турарди.

Накахиранинг китобида соғлом фикрлар қаторида чалкаш ва ўта содда мулоҳазалар ҳар қадамда учрайди. Очигини айтганда, оқ гвардиячиларнинг варақалари ва япон матбуотининг реакцион органларидан олинган бўлмағур гаплар, ошкора ёлғонлар ва уйдирмалар ҳам бор. Шунинг учун ҳам Накахира китобида Россиядаги революция сал эртароқ бўлди, Ленин мабодо Маркс изидан бормоқчи бўлса мулксизлар оммасининг онги ошгунича сабр қилиши лозим эди, деган гапларни айтишгача боради, доҳийга қилинган тухъматларга ҳам ўрин беради. Хуллас, китобда буржуа газетаси мухбирининг позицияси мураккаб, чалкаш ва зиддиятли экани яққол кўриниб туради.

VIII

Театрдаги учрашув Накахирага кучли таъсир қилганди. У Ленинни яна кўргиси келарди. Ленин қатнашиши кутилаётган митинг ва мажлисларга албатта боришга ҳаракат қиларди.

Ажнабий мухбир сифатида, Накахира РКП(б)нинг IX съездида қатнашган бўлиши мумкин, деган тахмин ҳам йўқ эмас. 1920 йилнинг 3 апрелида Владимир Ильич Лениннинг эллик йиллигига бағишланган мажлисда ҳам иштирок этганига асос бор.

Шу мажлисдан тўрт кун кейин «Известия»нинг биринчи саҳифасидаги «В. И. Ленин юбилейига» сарлавҳаси остидаги терма материаллар орасида Шарқ интернационалистларидан бир группасининг Ленинга табриги босилган. Ундаги имзолар орасида Накахиранинг фамилияси ҳам бор. Мана ўша ҳужжат:

«Шарқ революцион ташкилотлари ва ишчи союзлари ўртоқ Ленинга қуйидаги табрик билан мурожаат қилишди:

«Туғилганингизга эллик йил тўлган кунда корейс, хитой ва япон меҳнаткашлари оммаси номидан сиздек революцион марксизмнинг йирик курашчиси, курашаётган халқаро пролетариатнинг гениал доҳийсини табриклаймиз ва сизни келгусида ҳам Осиёдаги халқ оммасининг озодлик кураши бошида кўришни истаймиз. Уларнинг ғалабаси — ба-шар озод бўлган эзгу кунни яқинлаштиради».

Накахира Фусэ билан бирга Шатурадаги электростанция очилишига борганида ҳам, Москва гарнизонининг полякларга қарши фронтга жўнаётган қўшинлари парадида ҳам Ленинни кўрганди.

9 майда Накахира редакцияга навбатдаги хабарни жўнатди. Унинг саккизта дафтар варағига ёзилган қўлёзма нусхаси архивда сақланиб қолган:

«5 майда Москвада, Театр майдонида Польша фронтга жўнатилаётган қўшинларнинг тантанали паради бўлди, ундан кейин «Польша ва рус халқларининг озодлиги учун» шиори остида ишчи ва деҳқон депутатлари Москва совети, фабрика- завод комитетлари, касаба союзлари ва Бутунроссия Советларнинг ижроия комитетининг қўшма мажлиси бўлди. Унда гулдурос олқишлар билан кутиб олинган Ленин нуқт сўзлади. У жумладан, Антанта ўз мамлакатларидаги пролетарларнинг қаршилиги туфайли Совет Республикасини бўғиб ташлаёлмаганидан кейин энди Польшани гиж-гижлаётганини кўрсатиб ўтди. Ғарбий Европа буржуазияси ана шу тўқнашувда ўз мамлакатларидаги ҳокимият учун курашяпти ва олдида рус ва Польша масаласини эмас, ўз тириклиги масаласини қўймоқда. Бироқ, иттифоқдошларнинг манфаатлари зиддиятлидир, улар ўртасида сира иноқлик йўқ. Французларга Польшанинг эски ҳолига қайтгани маъқул, Англия эса иқтисодий аҳволи нуқтаи назаридан парчаланган Россияга эҳтиёж сезмоқда, савдоси ва мустамлака сиёсати жиҳатидан Польшанинг заифлашишини ҳам истайди. Ленин иттифоқдош мамлакатларнинг ноиноқликларидан ташқари совет сиёсатининг ҳаққонийлиги ва мустаҳкамлигини ҳисобга олиб, Совет Республикаси ҳозиргидан ҳам оғир кунларни бошидан кечирганини, у ғалаба қилишини ишонч билан уқдирди... Мажлисда фронтга жўнаётган уч юзта Питер ишчиси иштирок этди. Фақат руслар эмас, балки поляк коммунистларидан ҳам анча киши тезда фронтга жўнаш истагини билдирдилар... Мажлисда Польшага қарши узил-кесил курашиш юзасидан резолюция бир овоздан қабул қилинди ва поляк ишчилар синфи шаънига қутловлар ёғилди».

Накахира бу сўзларнинг барини русча ёзганди.

Накахира Москвадалигида «Правда», «Известия ВЦИК», «Бедно-та» газеталарини мунтазам ўқиб боради, «Коммунистик Интернационал» журналин ва четда қолдирмайди. У Ленин билан боғлиқ воқеаларни сира ҳам назардан соқит қилмайди, одамларнинг ҳикояларини тинглайди.

У Москвадан қочиб бораётганида бир қулоққа қарашли пичан ғарамида яширингани ва қулоқ билан суҳбатлашганини эслайди. Бир

бурда нон олиш учун унга ёқадиган гапларни айтишга мажбур бўлганди. Қулоқ худо беҳабар большевикларни сўка кетди, худо буларнинг боплаб жазосини беради, деди. Накахира бу пайтда нонни еб, сутдан ҳўплаб турарди. Ора-сира гап ташлаб ҳам қўярди. Шунда сира кутилмаган бир иш бўлди. Накахира Лениннинг номини тилга олганида қулоқ Ленинни мақтай кетди, уни деҳқонларнинг раҳнамоси, большевиклар эса уни яхши тушунмаяптилар, деди. Кейин ўкириб йиглаб, граждандлар урушида икки ўғлидан айрилганини, кампири ҳам терламадан нобуд бўлганини айтди. Хўжалигининг мазаси кетибди. Унинг илгариги хизматкори, арақхўр ва бетамиз Тришка ҳозирда Советда катталардан экан. Унга сира ҳам кун бермаётганмиш.

Накахира ўша пичан ғарамида ўтирганида мулкдор, эксплуататор, революция туфайли бор-йўғидан айрилган одам Ленинни мақтаб, деҳқонларнинг раҳнамоси ва жонкуяри, деяётганидан роса ҳам таажжубда қолганди. «Бу руслар жуда ажойиб бўларкан-да, ўзи», деб қўйганди Накахира ўшанда.

Баҳорда Москвада бирдан Фусэ пайдо бўлиб қолди. Накахира уни ғойибона билса ҳам ўзини биринчи кўриши эди. Учрашганларида ватандошига таъзим бажо айлади, ёлғизлигим тугади, деб хурсанд ҳам бўлди, унга ҳаваси ҳам келди. Фусэ жуда башанг кийинганди. Русчани ҳам ўрнига қўярди, қўлидан келмайдиган иш йўқ эди. У Москвага тўққиз марта келган, унда ҳаммаси бўлиб, йигирма йил яшаганди. Шу йиллар ичида кўп нарсалар ёзган, китоб ҳам чиқарганди.

Фусэ тиним нималигини билмасди. У японларнинг «баданингда теринг бор экан бирор нима қилишга урин», деган мақолига амал қиларди. Вақти оз — Вознесенский унга бор йўғи икки ҳафта муҳлат берганди. Шошилмаса бўлмасди. «Осака Майнити» газетасининг Пекиндаги мухбири Нарасаки орқали Токио билан Осакага корреспонденция, репортаж, ҳисоботлар, ахборотлар кетма-кет жўнатилаверди. Гоҳо бунинг учун Москва — Иркутск — Владивосток, РОСТА бўлими, япон мухбири Курода номига, деган маршрут ҳам танланарди. Накахира кам ишлатган телеграф унинг ихтиёрида тиним билмай ишларди.

Фусэ апрелнинг охирида телеграф орқали юборган биринчи корреспонденциясида шундай деганди:

«Мен махсус совет вағонида келардим, бошқа поездга тушишимга ҳожат ҳам йўқ эди. Чегара станциясида менга нон билан қанд беришди. Бир неча ходималар «Интернационал»ни айтиб, вокзал ҳовлисини супуришарди. Ҳаммалари бир-бирларини ўртоқ дейишади. Мен ўзимни дарҳол янги дунёда ҳис қилдим. Яқиндагина жанглар бўлиб ўтган Ямбург билан Гатчинодан ўтиб, Петроградга яқинлашдик... Одамлар қайнаётган вокзалда айланиб юрдим. Чет элда Россиядагилар роса толиқишган деб, кўп гапирсалар ҳам мен одамлар чехрасида чарчоқ аломатларини сезмадим...

Ниҳоят еттинчида қизил пойтахтга етиб келдик. Шаҳар айландим. Унинг ташқи кўриниши чиндан ҳам ўзгарибди. Магазинлар ёпиқ. Олтин ҳал юритилган талай вивескалар олинган. Уларнинг ўрнига очилган совет магазинларида мусодара қилинган моллар карточкалар бўйича сотилаяпти. Бироқ улар кам. Гоҳо ҳунармандчилик моллари сотилаётган дўконлар кўриниб қолади. Ўзгариш кўпроқ одамлар психологиясида рўй берган. Ишчилар, аёл ишчилар, солдатлар ва болалар хушчақчақ, тетик ва мағрур. Рус камбағаллари синфига жуда хос бўлган эски ҳасад-ғасадлардан ному нишон йўқ. Буржуа типидagi одамлар камдан-кам учрайди... Рус халқи гўё қайта туғилганга ўхшайди. Ички аҳвол яхшиланиб бормоқда. Граждандлар уруши деярли тугаган. Совуқ ўтган, терлама битаяпти. Бироқ вайроналик билан очарчилик

ҳали ҳукмрон. Шунга қарамай умумий аҳвол мен ўйлаганимдан ҳам анча яхши экан».

Фусэ Накахира билан бирга РКП(б)нинг IX съездида қатнашган бўлса ҳам ажаб эмас. У ўзига нотаниш бўлган партия форумининг ишини диққат билан кузатади. Большевиклар ва янги ҳокимиятнинг бунёдкорлик фаолияти, уларнинг матонати, уюшқоқлиги, интизоми, идеалларига содиқлиги борасида завқ билан қалам суради. Уни айниқса Ленин қойил қолдиради, қаерда бўлмасин пролетар революцияси доҳийсига барчанинг улкан меҳру муҳаббатини кўради:

«Менинг Москвага келишим иккита буюк Бутунроссия съездида: партиянинг тўққизинчи съезди ва касаба союзларининг учинчи съездига тўғри келиб қолди. Олти юз минг коммунист аъзолари бўлган большевиклар партияси Совет ҳокимиятининг қалбидир. Ўзига уч миллион ишчиларни бирлаштирган касаба союзлари Совет ҳукуматининг таянчидир.

600000 большевик-коммунистлар зўр ғайрат ва нодир ташкилотчилик истеъдодига эга бўлган лидерлар раҳбарлигида ўтган икки йил ичида кўп нарса ўргандилар. Улар бениҳоя интизомли, синалган кишилардир. Барча идоралар, заводлар, казармалар, мактаблар, темир йўллар ва бошқа жамоат муассасаларидаги раҳбарлик вазифаларида ишлаётган бу кишилар Совет ҳокимиятининг мавқеини мустаҳкамлаганлар. Ленин, «бизнинг партия 600000 кишилик армия — пролетариатнинг коммунизм учун курашида авангарддир», деганди:

Совет Россияси ҳозирги пайтда ҳарбий вазифалардан тинч хўжалик вазифаларини бажаришга ўтаяпти. Хўжалик, айниқса транспорт жуда вайрон бўлган. Большевиклар кескин чоралар кўрган ҳолда ана шу қийинчиликни енгитишга астойдил интиломқдалар... Ленин большевикларга ана шу қонсиз уруш сўнгги граждандар урушига қараганда анча оғир ва узоққа чўзилади, капитализмнинг барча самаралари ва маданиятидан фойдаланган тақдирдагина хўжаликни янги негизларда ташкил қилиш мумкин, мутахассислардан жуда кенг фойдаланиш зарур, ҳарбий шижоат ва фидойилик билан ишламоқ даркор, интизом, садоқат ва ирода бирлиги душманни енгади, коммунизм даври келди, деб таълим бермоқда.

Бугун Ленин элликка тўлди. Унинг обрўси тобора ва борган сари ўсмоқда. Ҳар сафар минбарда кўринганида одамлар уни гулдурос оқишлар билан кутиб оладилар. Съезднинг бир мажлисида бир неча нотиқлар Лениннинг рус ва жаҳон революциясининг доҳийси сифатидаги хизматлари ҳақида сўзлайдилар. Совет Россиясининг халқаро аҳволи, деди Ленин коммунистлар съездида, ҳеч қачон ҳозиргидай яхши бўлган эмас. Энг қолоқ мамлакат бутун жаҳон капитализми ва империализмининг енгди. Биз бениҳоя уюшқоқ бўлганимиз учун ҳам енгиб чиқдик, душманларимиз эса доимо бир-бирлари билан уришишгани уришишган».

Фусэ телеграммаларни кетма-кет жўнатар, ўзи кечасию кундузи ишлар, дам олиш деган нарсани хаёлига ҳам келтирмасди. У Халқ Комиссарлари Советларининг раҳбарлари билан учрашиб турар, талай газета ва журналларни кўздан кечирар, ишчилар ва солдатларнинг митингларидан сира ҳам қолмасди. Архивда 1920 йил 8 майда Бутунроссия пролетар ёзувчиларининг съезди мандат комиссиясига «Япон журналистларидан Фусэ билан Накахирага иккита» таклиф билети сўралган ҳужжат сақланган. Унга А. Вознесенский имзо чеккан. Съезд, тўғрироғи кенгаш (вилоятлардаги делегатларнинг бир қисми келолмаганлиги сабабли съездни кейинроқ ўтказишга қарор қилинган, у октябрда ўтганди) 10—14 майда Никитский булваригади Матбуот уйида (бу

ерда ҳозир Журналистларнинг Марказий уйи жойлашган) ўтди. Унда бошқалар қаторида «Москвадаги япон журналистлари ва Япон пролетариати номидан табриклар» ҳам тингланди. Биз журналистлар номидан Накахира делегатларни табриклаганини аниқлашга муваффақ бўлдик.

Фусэ театрларда янги, пролетар санъати вужудга келганининг гувоҳи бўлди.

«Мени Совет Россиясидаги адабий-бадий ҳаёт жуда ҳам қизиқтириб қолди,— деб ёзади у.— Қўп адабий йиғинларда қатнашдим, машҳур композитор, пианиночи Скрябин вафотининг беш йиллигига бағишланган митингда ва яқинда вафот этган бутун дунёга таниқли олим Тимирязев хотирасига бағишланган митингда иштирок этдим. Шунда, қизил пойтахт ҳаётининг бу соҳасига нақадар жиддий эътибор билан қараётганига чуқур ишонч ҳосил қилдим. Маориф ишлари халқ комиссари Луначарский ва унинг ўринбосари профессор Покровский менга адабиёт соҳасидаги совет сиёсатининг асосий принципи — буржуа дунёсидан қолган мероснинг барча яхши томонларини сақлаш ва аста-секин унга пролетар руҳи бағишлаш, мавжуд буржуа майлларини қувиб чиқаришдан иборат эканлигини тушунтириб бердилар. Бу оқилона сиёсат рус санъатини вайрон бўлишдан қутқарди. Барча эски ўқув юртлари, музейлар, кутубхоналар, театрлар ва шунга ўхшаш муассасалар бутунлигича сақланибгина қолмай янги мазмун билан бойидилар ва талай янги даргоҳлар вужудга келтирилди.

Мен янги давр рус адабиётидаги баъзи бир нишонларни кўраяпман. Адабий журналларнинг саҳифаларида янги-янги номлар кўзга ташланаяпти... Пролетар ёзувчиларининг кейинги съездида ишчи ва деҳқон шоирлари ўз шеърларини ўқиганларини эшитдим. Жанговар ва революцион мавзулардаги шеърлар кўпчиликни ташкил қилар, уларда динамит, қўзғолон, қизил байроқ, завод сингари сўзлар учрарди. Пролетар диктатурасининг ёрқин орзуси шу тариқа амалга ошяпти: омондан қаварган қўллар шеърлар ҳам битаяпти.

Бир неча оқшом театрларда бўлдим. Шунда, театрлар мабодо яхши ишламаётган бўлсалар ҳам илгаригидан ёмон ишламаётганларига шахсан ишонч ҳосил қилдим. Шаляпин, Пирогов, Петров, Нежданова, Станиславский, Балашов ва театр оламининг солиқ чоризм давридаги бошқа юлдузлари ўз жойларида қолганлар. Уша ҳашаматли декорациялар, ўша нозик техника. Тўғри, залда катта ўзгаришлар бор. Зодагонлар ва бойлар ўтирадиган жойларда курткали солдатлар ва пиджакли совет хизматчилари (билетларнинг олтмиш проценти касаба союзлари, завод комитетлари ва совет муассасалари, ўн беш проценти хизмат юзасидан келган қизил аскарларга тарқатилади ва фақат йигирма беш проценти ташқарига сотилади) кўринишади. Мен Давлат Большой театрида одмигина қора рўмол ўраган деҳқон кампирлар подшоҳ ложасида ўтириб, балет томоша қилаётганларини кўрдим. Менга айниқса балет ёқади. О, рус балети! Бунда қанчалар назокат ва нафис санъат бор! Балет рус бадиасининг фахри эди. У ҳозирги Совет Россиясида ҳам шундай. Совет Россиясини фақат очарчилик, вайроналик, уруш мамлакати деб ўйлаганлар қаттиқ адашадилар. Ҳа, шундай. Бу ерда японлар ибораси билан айтганда «гуллар ҳам очилаяпти, мевалар ҳам пишяяпти».

«Гуллар ҳам очилаяпти, мевалар ҳам пишяяпти». Ҳа, Фусэ янги Россияда буржуа матбуоти жазавага тушган ҳолда ҳаммаёққа жар солаётган очарчилик ва вайронагарчилик ҳокимлигини эмас, балки бунёдкорлик ва тараққиёт нишонларини кўради, бундан мамнунлигини ҳам яширмайди. Миллий маданият хазинасидаги ҳеч бир нарса нобуд

қилинмай авайлаб асралаётганига, большевиклар ва Ленин бузувчилар эмас, балки бунёдкорлар эканига комил ишонч ҳосил қилади.

Фусэни икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар масаласи ҳам ҳаяжонга солади. «Мен бор нарсаларни ўз кўзим билан кўриб, обрўли совет доиралари билан суҳбатлашиб, иқтисодий шартномалар планлари билан танишганимдан кейин, ҳозирги пайтда Россия билан савдо муносабатларини тезда тиклаб, саноатимиз ва савдо сотиғимизга Россия бероладиган иқтисодий нафлардан фойдалана олиш имконини берадиган сиёсатни тезликда қўллаш керак, деган хулосага келдим. Биз бу масалада шошилишимиз керак...»

Фусэ 4 майда йўллар телеграмма бор-йўғи бир неча сатр бўлса ҳам мавзуси ўта актуал. Унда Сибирь ва Узоқ Шарқдан япон оккупацион қўшинларини олиб кетиш масаласи олдинга сурилган. «Тинч музокараларга йўл очадиган вазият яратмоқ учун, деб ёзади Фусэ, Япония ё чиндан ҳам эвакуацияни бошлагани, ё эвакуацияга қарор қилганини тегишлича баён этгани маъқулдир».



— Накахира-сан, Ленин номини илк марта эшитганингизни эслайсизми? Қанақа вазиятда эшитгансиз?

— Бу 1917 йилнинг баҳорида, «Асахи»га ишга киришим арафасида бўлганди. Бир куни собиқ рус тили муаллимим Монти Ямагути уйимга келиб, инглиз газеталарининг хабар беришига қараганда Петроградга эмиграциядан Ленин деган киши келибди, у таниқли рус революционери, ўта сўл кагэкихлардан экан, деди.

— Сизга Ленин асарларини ўқишга тўғри келганми? Қачон ва қайси асарларини ўқигансиз? Ҳозир сизда қанақа асари бор?

— Кўп асарларини ўқиганман, айниқса Москвада турганимда матбуотда босилган ва китоб ҳолида чиққан асарларини мутолаа қилганман. Уйга қайтаётганимда қиш совуқларида иситган эски одеялимга жуда кўп китоб, брошюра ва қўйин дафтарларни ўраб олгандим. Поездда одеялни ҳам, ундаги китобларни ҳам ўғирлатиб қўйдим. Улардан айрилмаганимда репортажларим анча қизиқарлироқ ва мазмундорроқ бўлур эди. Ҳозир менда Лениннинг «Нима қилмоқ керак?», «Давлат ва революция», «Материализм ва эмпириокритицизм» китоблари бор, улар анави шкафта турибди.

— Уларни ўқиб турасизми?

— Ўқиб тураман. Ахир мен Совет Иттифоқи бўйича мутахассис саналардим-да. Ленинсиз иш битмайди.

— Рус тилида яна нималар ўқиб турасиз?

— «Правда»ни. «Асахи»да ишлаган пайтимдан бери олиб тураман. СССРнинг иқтисодий географиясига ҳам қизиқаман, бу соҳага оид бир неча китобларим бор. Русчани ўқийман, деб дадил айта оламан, бироқ ёзиш билан гапиришда қийналиброқ қоламан.

— Айтмоқчи, революция туфайли вужудга келган дастлабки русча сўзларни Россияга бориб қолганингизда эшитганмидингиз?

— Қизиқарли савол. «Товариш», «ревком», «комиссар», «субботник», «контра», «рабфак», «паёк», «баста» сингари турлича ибораларни билиб олдим. Уша пайтлар анча жўшқин бўлганидан тил ҳам бунга монанд эди.

— Уйингизга қайтганингиздан кейин Россия ҳақида ҳикоя қилишингизга тўғри келдими?

— О, бўлмаса-чи. Россияга одамлар жуда ҳам қизиқишарди. Советлар, революция, унинг мақсадлари, большевиклар сиёсати ҳақидаги бор гапларни билишни исташарди. Айниқса, Лениннинг шахси қизиқти-

рарди ҳаммани. Редакция Токио, Нагоя, Иокагама, Киото, Хиросима сингари йирик шаҳарларда бир неча митинглар ва йигинлар ташкил қилди. Буларга халқ тинимсиз келар, юзларча одамлар йиғиларди. Мен уларга Россияга қилган сафарим ҳақида сўзлаб берардим. Ленин туғилганига юз йил тўлган кунда ҳам ўзимнинг районим, Наканода доҳий ҳақида доклад қилдим.

IX

Э шик тақиллаб қолди.

— Киринг.

— Бу сизга, ўртоқ Накахира,— бўсағада пайдо бўлган меҳмонхона ходимаси қалинроқ пакет тутқизди.

Накахира пакетни очаркан таажжубдан ҳайқириб юбораёзди. Унда «Осака Асахи» ва бошқа япон газеталари бор эди. Булар қандай келиб қолди? Қарахан билан Вознесенский бу ноғихоний тухфани ташкил қилишда озмунча қийналмаганларини Накахира қайдан билсин? Улар Копенгагендаги совет ваколатхонаси орқали Лондондаги Япония элчихонаси билан боғланишди ва шу элчихона ёрдамида «Осака Асахи»нинг у ердаги муҳбири Шиматани билан алоқа қилишди, унга Накахира соғ-саломатлиги, терлама билан оғриб, санаторийда даволанганини, ҳозир соғлиги яхшилигини, бу борада редакция билан оиласини хабардор этишни ва япон газеталаридан юборишни ташкил қилишни илтимос этишди.

Накахира ўзига нисбатан бошқа ғамхўрликларни ҳам кўрди. У Ташқи Ишлар Халқ Комиссарлигининг Шарқ бўлимидагиларга бир кунни кийим-боши эскирганлиги, янгисини олишга маблағи йўқлигини айтганди. Орадан кўп ўтмай унга бошдан-оёқ янги кийим-кечак беришди, бунда майда-чуйда нарсаларгача эътибордан четда қолмади. Бу хусусда шаҳар маҳсулот бўлимига ёзилган бир ҳужжат далолат беради. Унда япон муҳбири Рио Накахирага икки жуфт пайпоқ, фуражка, икита дастрўмол, битта стакан берилиши сўралганди.

Накахира бепул овқатланарди. Унга ҳарбий мактабда ойига олти минг сўм эвазига япон тилидан дарс беришни таклиф қилишди. Накахира рози бўлди...

Кунлар илиб, бўғотлардан олмос томчилар чакиллай бошлади. Хиёбонлардаги аргувон ва тераклар офтобда жамолларини кўз-кўз қила бошладилар. Ҳаммаёқда қушлар чуғури. Ўт-ўланлар кўзларни қамаштиради.

Май бошланди. Унинг биринчи кунни шанбага тўғри келганидан РКП(б)нинг IX съезди қарорига кўра Бутунроссия коммунистик шанбалиги деб эълон қилинди.

«Уша йилнинг биринчи май кунни шанба эди. Теварак-атроф байрам либосида. Кўзга кўринарли жойларда «Меҳнат — тинчлик гарови!» «Меҳнат очарчилик билан совуқни енгади!» деган шиорлар кўзга ташланади. Бутун мамлакатда шанбаликлар ўтказишга қарор қилинганди.

Шанбаликка фақат ишчилар эмас, балки идора ходимлари, магазин ва бошқа муассасаларнинг хизматчилари ҳам қатнашдилар. Ташқи Ишлар министрлигининг ходимлари ҳам четда қолмадилар. Бу қизиқарли нарса бўлганидан мен ҳам одамлар йиғиладиган жойга бордим. У ерда министрликнинг бўлим бошлиқлари ва ажнабий муҳбирлар тўпланиб туришган экан. Министр ўринбосарининг секретари раҳбарлигида тўрт қаторли колонна бўлиб, Курск вокзалига йўл олдик. Биздан кейинда румин коммунистларининг кичикроқ группаси, югославлар ва бошқаларнинг ташкилотлари аъзолари қўлда қизил байроқчалар би-

лан келишарди. Вокзалда бизларни вагонларга тушириб, шаҳардан уч миль наридаги мўъжазгина станцияга олиб боришди.

Нима иш қиламиз? Шунини ўйлаб турувдим ҳамки ҳаммамизни станция ёнидаги омборхонага олиб боришди. У ерда турган хизматчи:

— Қимга белкурак керак бўлса — белкурак, супурги керак бўлса — супурги олсин, — деди.

Мен белкурак олдим. Темир йўл шпаллари орасига тупроқ ташлай бошладим. Шунда беихтиёр равишда, олис Россияда темир йўлда қора ишчидай меҳнат қилаяпман-а, деган нарсга хаёлимга келди. Тақдирнинг аломатлигини қаранг. Ҳатто хурсанд ҳам бўлиб кетдим. Шанбаликлар ўтказиб туриш ғояси эса оригинал ғоя. Бу меҳнатдан энг унумли фойдаланиш бўлиб, одамлар бундан заррача тама қилишмас, ҳукумат бир тийин ҳам харажатга тушмасди. Шанбалик қатнашчилари эса бўш вақтларини яхшилаб ўтказадилар холос. Ақлий меҳнат билан доимий банд одамларга гарчи ҳафтада бир марта бўлса ҳам жисмоний меҳнат билан шуғулланиш — бўш вақтни яхши ўтказишдир. Соғлиқни сақлаш нуқтаи назаридан буни фақат табриклаш мумкин! Японияда ҳам шанбаликлар ўтказиб туриш лозим! Бу бекорчи чиновникларга фойдали бўлар, қаламкаш биродарларимиз эса асаб касалликларидан тезда фойра бўлиб кетардилар...

Шанбаликдаги ҳар бир одам ўзига ажратилган жойни тозалаши зарур эди. Ишни тамом қилмагунча ҳеч кимнинг дам олишга ҳаққи йўқ. Бунақа пайтда иш роса қизийди-да. Биз ўзимизнинг участкамизнинг анча-мунча жойини уч соатларда битказиб қўйдик. Шундан кейин ҳар биримизга бир фунтдан нон улашишди. Тушлик пайти ўтиб кетганидан қорнимиз ҳам очиб кетганди. Ҳар бир одам бир фунтдан нон олди, дердим ичимда, шанбаликда эса мамлакат бўйича юз мингларча одам қатнашди, бундан чиқди анча-мунча нон кетаркан-да. Нон деҳқонлардан атайлаб шу кунга бепул олинган. Кўп иш битди. Лениннинг мияси зўр! Уша кун кечқурун турли жойларда баллар ва спектакллар ташкил қилинди. У асосан шанбаликда қатнашганларга атаб уюштирилганди.

Ҳа, Лениннинг чиндан ҳам мияси зўр! Ленин менга жуда ҳам ёқади.

(Р. Накахира. «Қизил Россияда бир йил».)

Лениннинг чиндан ҳам мияси зўр! Владимир Ильич шанбаликлар ўтказиш ғоясига жо қилган теран фалсафа борасида биз тез-тез бош қотириб тураемизми? Ана шу шанбаликларда биз янги жамият қуриш, янги инсонни тарбиялаш воситасини, меҳнатнинг янги шакли — коммунистик меҳнат ғалабасини кўраемиз.

Бу эса Лениннинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган.

«Биз «ҳар ким ўзи учун, ёлғиз худо ҳамма учун» деган лаънати шиорни йўқотиш, меҳнатни фақат мажбурият деб санаш одатига, меҳнатга тегишли ҳақ тўланган тақдирдагина у тўғридир деган назарияга барҳам бериш учун ишлаймиз. Биз одамлар онгига, одатига, кундалик турмушига: «ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун», «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша» деган қоидаларни сингдириш, коммунистик интизом ва коммунистик меҳнатни аста-секин, бироқ оғишмай амалга ошириш учун ишлаймиз.

...Биз шанбаликларни ўтказиш, уларни ривожлантириш, ёйиш, яхшилаш, ахлоққа жорий этиш йўлида йиллар ва ўн йилларча меҳнат қиламиз. Биз коммунистик меҳнат ғалабасига эришамиз».

Накахира доҳийнинг бу оташин сўзларини «Москва — Қозон темир йўлидаги биринчи шанбаликдан Бутунроссия шанбалиги — маёвкага» мақоласида ўқиганди. Бу мақола 2 майда, «Первомайский субботник» деган бир кунлик газетада босилганди.

Шанбаликлар япон заминига насиб этмади. Лекин Накахира Россиядаги темир йўлда ишлаган ўша баҳор куни япон меҳнаткашларининг синфий кураш тарихига абадий кирди. Токиода биринчи марта Биринчи май пролетар бирдамлиги байрами сифатида нишонланди. Ушанда Уэно паркига беш мингдан ортиқ киши тўпланди. Улар сўз, матбуот, уюшмалар эркинлиги бериш, Совет Россиясидаги қўшинларни тезликда чақириб олишни талаб этдилар. «Жамоат осойишталигини сақлаш ҳақидаги реакцион полиция қонунининг 17-моддаси бекор қилинсин!», «Ишдан бўшатишлар тўхтатилсин!», «Иш ҳақининг минимуми ҳақида қонун қабул қилинишни талаб этамиз!» деган транспарантларни кўтариб бордилар. Накахира Москвадаги шанбалик хусусида ахборот йўллаган «Асахи» газетаси «Уэно паркидаги ишчиларнинг биринчи байрами гулдиракли булутлар остида ўтди. Унда ўн бешта ишчилар ташкилотлари иштирок этди. Курашсиз галаба бўлмайди — уларнинг шири шудир!» деган сарлавҳа остида митинг ҳақидаги мақолани босиб чиқарди.

Москвада Фусэ пайдо бўлгандан кейин Накахиранинг ҳаёти қувноқроқ ўта бошлади. Фусэ эпчил ва чаққон журналист бўлганидан Накахира ундан анча-мунча нарса ўрганди.

Улар тез-тез кўришиб туришарди. Меҳмонхонанинг совуқроқ хонасига киришганларидан кейин бир-бирларига сирли кўз қисишиб кўйишарди.

— Бошлаймизми, Накахира-сан.

— Маъкул, Фусэ-сан.

Шунда десангиз эшикка зумда тамба солиб, мебелларни бир чеккага суриб ташлашарди. Полга газеталарни тўшаб, каравотлардаги матрацларни олиб солишарди. Устига одеял, ёстиқлар тушгандан кейин қарабсизки япон хонадонидаги дзабутонли татамининг ўзи бўларди қоларди.

— Додзо Фусэ-сан, илтимос,— дерди Накахира хона соҳиби эканлигидан мамнун бўлиб.— Руслар айтганларидай ўзингизни уйингиздагидай ҳис этаверинг.

— Мабодо уйимда бўлсам нега столчада сакэлик графинчани кўрмаяпман?

— Графинчани Осакага, ўзимнинг уйимга борганингизда қўяман. Ҳозирча эса мана бунга қаноат қиласиз.

Шундан кейин у бисотидаги ярим шиша самогонни чиқарарди.— Охотний ряддан сотиб олувдим. Сотган одам қуввати эллик градус, деганди. Қиздиришда сакэдан қолишмаскан.

Улар «татами»да шу тариқа бир-бирлари билан ҳангомалашиб ўтиришар, ўзаро ҳурматларини жуда жойига қўйишарди.

— Фусэ-сан, Россияга қандай келиб қолдингиз?— сўраганди бир куни Накахира. Фусэ, шундан кейин, ўзи гувоҳ бўлган Петрограддаги октябрь қўзғолонидан кейин 1918 йилнинг бошида элчи Утида билан жўнаб кетгани, бу сафарги келишидан кўзда тутган режалари ҳақида гапириб берди. Ўз навбатида Накахира ҳам ҳамкасабасига аҳволи ва режалари ҳақида гапириб берди.

— Ватандошларимиз Россияга биринчи марта қачон келганларини биласизми?— Фусэ бирдан сўраб қолди.

— Қачон келишган экан?

— Тарихий йилномалардан маълум бўлишича, биринчи бўлиб Дэнбей деган киши келган экан. У, дарвоқе, сизнинг ҳамюртингиз — Осакадан. Дэнбейнинг кемаси денгизда фалокатга учраб, тўлқинлар уни Камчатка соҳилига чиқариб ташлабди. Кемадагиларни маҳаллий кишилар яхши қарши олишибди, сийлашибди, парваришлашибди. Уларни кимсану, қаерликсан, зотинг ким, деб суриштиришмабди ҳам. Дэнбей ҳам

сиз каби, бироқ икки юз йигирма йилча муқаддам Москвага Сибирь орқали келган. Фақат сизга ўхшаб офицерлар вагонда эмас, мингларча милни от аравада босиб ўтган. Ана саёҳату мана саёҳат!

— Ҳа, тасаввур қилиш қийин. Мен ҳанузгача Россия кенгликлари-га кўника олмайман. Узимни бамисоли чексиз океандаги қум заррасидай сезаяпман.

— Император Петр Бир япон савдогарини яхши кутиб олиб, совғасаломлар берибди. Унинг Япония ҳақидаги батафсил ҳикоясини тинглабди. Япония ҳақида бунчалик нарса эшитмаган бўлса керакда. У Дэнбейни Россияда қолдирибди, махсус фармон чиқариб, Дэнбейга яхшигина маош тайинлабди, «Россия бўйича япон тили муаллими» деган унвон ҳам берибди.

— Россия бўйича!? Жуда жарангдор унвон экан!

— Ҳа, шундай, азизим Накахира-сан. Русларга японча иероглифларни илк марта ўргатган киши Дэнбей бўлади. Айтмоқчи, уни энди япон дейиш ҳам қийин эди. Нега деганда руслар унга Гавриил деган ном қўйиб олишганди.

Дэнбейдан кейин Россияга Гонза ва Соза деган кишилар келишди. Улар ҳам пойтахтга келишди. Петербургда уларни императрица Анна Иоановна қабул қилди. 1736 йилда Россия Фанлар Академияси ҳузурида япон тили мактаби очилди. Унда иккала ватандошимиз дарс беришган. Гонза ҳаттоки япон тили грамматикасини тузган. Иккала муаллиф вафот этганларидан кейин руслар уларнинг юзларидан ганчли ниқоб нусхасини олишган. Бу ниқоблар ҳозирда Петрограддаги кунсткамерада сақланади.

— Рус музейида японлар ниқоби!— Накахира ҳайратини босолмади.

— Ҳа, буни ўз кўзим билан кўрганман.

— Гонза билан Созадан кейин бу борада ўзингиз турсангиз керак, муҳтарам Фусэ-сан,— ҳазиллашди Накахира.

— Афсуски, бир юз эллик йил кеч туғилганман. Бунга ўхшаган бешинчи воқеа Дайкокуй Кодаяга дахлдордир. У жуда ажойиб ва зўр одам эди. Япония бундай фарзанди билан фахрланса бўлади. Кодая сахий қалбли, теран ақлли, мулоҳазаси ўткир, соғлом фикр юритадиган киши эди. Ҳушёр ва сезгирликда, кузатувчанлик ва иқтидорда унга етадигани топилмасди. Узига нотаниш бўлган шароитга тушиб қолганида ана шу фазилатлари унга жуда иш берди. Бу туғма файласуф ва доно сиёсатдон Токугава даврининг охирида, Япония бутун оламдан ажралиб, якка қолган даврда яшаганди. Кодаянинг денгизда фалокатга йўлиқиши беихтиёр равишда Россия томон очилган дарича бўлиб қолди.

Унинг ғаройиб саргузаштлари ҳам ўтмишдошларининг саргузаштларини эслатади. Бу савдогар ҳам мол ортган кемасида келаётганида пўртанада қолиб, Камчатка соҳилига чиқиб қолади. Кодаянинг гувоҳлик беришича, мададга келган руслар кемадаги кишилар билан молнинг бир қисмини қутқариб қоладилар, қўлларидан келган ёрдамни аямайдилар, меҳру оқибат кўрсатадилар.

— Сиз, Кодаянинг гувоҳлик беришича, дедингиз. Нима, у хотиралар ёзиб қолдирганми?

— Ҳа, савдогар мусофирликда бўлган йиллари кундалик тутганди. Шу тариқа у авлодларига нодир тарихий ҳужжат қолдирди. Бу моҳият эътибори билан Россиянинг биринчи муфассал тасвиридир. Кундаликларда Россиянинг давлат қурилиши, географияси, одамларнинг ҳаёт тарзи, маишати ва ахлоқи ҳақида қалам суради.

— Бундан чиқди Кодаяни ўзимизнинг биринчи журналистимиз десак ҳам бўлаверарканда?

— Хоҳишингиз бўлса шундай.

— О, бу жуда ажойиб. Рус—япон муносабатларининг бошланғичида бизнинг ҳамкасабамиз турган экан-да!

— Биз Кодая туфайли бир олам ажойиб маълумотларга эгамиз. Уларни тез-тез эсга олиб турсак гуноҳ бўлмайди, империяни бошқараётганлар буни унутмасалар жуда ҳам соз бўларди. Рус—япон муносабатларининг бошланғичида бизнинг ҳарбий партиямиз уқтираётганидай қилич эмас, балки русларнинг ёрдам берамиз, деган маънода чўзилган қўли турган. Уларнинг сахий қалби, меҳмондўстлиги, нон-тузи турган. Нон-туз билан кутиб олиш эса Россияда қадим замонлардан бери катта ҳурмат ва юксак шараф белгиси саналиб келади. Руслар табиатан яхши ва тинчликсевар кишилар эканлиги Кодая қолдирган ёзувларнинг лейтмотивидир.

— Унинг тақдири нима бўлган?

— Сиз билан менинг тақдиримдан яхшироқ бўлган. Уша олис замонларда оддий халқ вакили ва маълумоти оз бўлган япон биродаримиз тасодифий равишда Россияга келиб қолган бўлса ҳам жуда баланд ҳурмат билан кутиб олинган. Биров танимайдиган исэлик бу савдогарни ҳам гўё императорнинг ёки сёгуннинг вакилидай Сибирда зўр қарши олишган ва дабдаба билан Петербургга олиб келишган. У Екатерина II нинг қабулида бир неча марта бўлган. Илтифотлар кўрсатилиб, мукофотлар берилган, уй-жойли бўлган ва давлат унга маош тўлаб турган. Амалдорлар, уй-жойли бўлган, министрлар ва бошқа катталар уни зиёфатларга чақириб туришган. Номини тезда ҳаммаёққа машҳур бўлиб кетган, пойтахтдагиларнинг тилидан сира тушмаган. Шунда десангиз катта амалдорлар ва олимлар бирлашиб туриб, ҳукуматдан японни юртига қайтаришни ва бунда уларга ёрдам беришни илтимос қилишган. Уларнинг илтимослари қондирилган. Екатерина II нинг шахсий буйруғига кўра махсус кема қурилиб, унда Кодая юртига жўнатишган.

— Махсус кема-я! Мана буни русларнинг сахийлиги ва олижаноблиги деса бўлади!

— Ҳа, руслар яхши одамлар, уларнинг ватани ҳам яхши.

— Хўш, савдогарни Японияда қандай кутиб олишган?

— Уни Японияда империя қонунларининг бузувчиси, ваҳшийлар билан муомала қилиб, ўзини ва миллатини оёқ ости қилган киши сифатида қаршилашган. Бунинг учун у ўлимга ҳукм қилиниши керак эди. Бироқ, сёгун уни ҳузурига чақиртирган. Бу Кодаядек оддий одамга сира кутилмаган шараф эди. Шундан кейин уни одамлардан олисда бўлган махсус ерга жўнатишган.

— Россияда нон-туз билан қарши олишсаю, ватанида сургун қилинса,— Накахира суҳбатга яқун ясади.

Икковлари жимиб қолишди. Фусэга нисбатан ёшроқ бўлган Накахиранинг юраги сиқиларди. Юртини соғинар, ота-онасини кўргиси келар, жонажон қишлоғи кўз ўнгидан нари кетмасди. Уйи олдидаги кичкинагина шопипояси, талантли расомлардан Сэсю, Хокусая, Утаморо, Хиросигэлларнинг асарларида тасвирланган она табиат манзараларини сира ҳам унута олмасди.

Хасуикэ қишлоғида ҳам баҳор уезддаги барча қишлоқларда бўлганидек сакуранинг гуллаши билан бошланади. Бўйи пастакроқ бўлган сакура дарахтининг гулга бурканиши ҳар сафар ажиб мўъжиза бўлади. Гўё осмондаги парқув булут дарахтга қўнгандай. Якшанба кунлари қимирлашга ҳоли келадиган кексалар ҳамда ёшлар сакура гулини кўриб дил яйратиш учун, боғу хиёбонларга тўпланишади, табиат оғушига чиқишади.

Талай байрамлар ўша пайтга тўғри келади. Баҳор учинчи мартда қарши олинади. Одамлар ибодатхона олдига нўхат сочиб, «уйга иқбол кирсину, шайтон йўқолсин», дейишади. 11 февраль империяга асос

солинган кун, ривоятларга кўра афсонавий император Дзимму, ўша куни тахтга чиқиб, япон давлатини тузган. Ороллар масаласига келганда эса бу ҳақда бўлак афсона бор. Қадимий худо Изанаги осмондан ерга тушса бепоён сувни кўрибди-да, сув кўпу ер кам, деб жаҳли чиқибди. Бир ухлаб олиб, кайфияти яхши бўлгандан кейин баҳайбат найзасини океанга ботирибди. Шунда тўлқинлар осмонга сапчибди. Найзасини олганда ундан тўкилган томчилар қотиб оролларга айланибди. 3 март қизчалар куни. 21 март баҳор байрами. Нақл қилинишича Будда ўша куни ерга тушиб, адашган бандаларни жаннатга етакларкан. Бир ҳафта мобайнида қўнғироқлар даранглайди, бонзалар оятлар ўқийдилар. 5 май ўғил болалар байрами. Бундан бошқа байрамлар ҳам бор...

21 майда Накахира билан Фусэ Чичерин ҳузурида бўлишди. «Асахи» газетасининг мухбири халқ комиссаридан:

— Японияга нисбатан сиёсатингиз қандай?— деб сўради.

— Биз ҳеч қачон мамлакатимизни кенгайтириш сиёсатини тутмаймиз, шунинг учун ҳам Японияга нисбатан битта — тинчлик сиёсатини тутамиз. Бошқа бировларнинг ишларига ҳам аралашмаймиз,— жавоб қилди Чичерин.

— Мабодо имкони бўлса, Япония билан тинчлик сиёсатининг шартлари қанақа бўлади?

— Япония Сибирдан ўз қўшинларини олиб кетиши, у ерда янги пайдо бўлган давлат — Узоқ Шарқ Демократик Республикасини таниши лозим. Бу давлат Совет Россияси билан Японияга кўприк вазифасини ўтамоқда.

— Сизлар ялпи агитация йўли билан жаҳон революцияси қилиш борасидаги аввалги сиёсатларингиздан қайтганларингиз тўғрими?

— ...Биз халқ етарли даражада онгли бўлган ва барча шароит революцияга олиб келган тақдирдагина революция бўлишини яхши биламиз. Совет Россияси ҳозирда ўзининг ички қурилиши билан банддир ва бунга шу қадар берилганки ҳорижда ташвиқот билан шуғулланишга вақти ҳам йўқдир.

Чичерин мухбирларда кучли таассурот қолдирди. У Фусэнинг сўзлари билан айтганда, бошдан оёғигача ғояга қаттиқ ишонган, сиртдан совуқ ва ҳар қандай масалага ғоявий принциплар нуқтаи назаридан қарайдиган, дипломатик масалаларни синфий кураш, майда миллатлар ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари, халқлар тенглиги нуқтаи назаридан ҳал қиладиган киши эди. Фусэ ўқувчиларга Чичериннинг кимлиги, қандай ишлаши, қаерда ва қанақа оилада дунёга келганлиги, революцияга қачон ва нима сабабдан қўшилганлиги, муҳожирликда қаерда истиқомат қилгани ҳақида ҳикоя ҳам қилганди.

У шундан кейин халқ комиссарининг Узоқ Шарққа муносабатини баён этганди. Чичерин Фусэга бу борада шундай деганди:

«Бизнинг сулҳ тузиш борасидаги талай таклифларимизни чет элдагилар заифлигимиз белгиси сифатида тушунмоқдалар. Бу нотўғри. Бизнинг сулҳ таклиф қилаётганимизга сабаб халқ оммаси хоҳишига кўра вужудга келган ҳокимиятимизга ҳар қандай босқинчилик ва агрессив интилишлар мутлақо бегоналигидир. Биз ҳеч кимга революцияни зўрма-зўраки равишда ёпиштирмоқчи эмасмиз... Бундаги зўравонлик ишни бузиб қўяди холос. Шунинг учун ҳам Япония биздан чўчимаслиги лозим. Биз Узоқ Шарқдаги осойишталикни куч ишлатиб бузишни ҳаёлимизга келтираётганимиз ҳам йўқ, бунга бизнинг Байкал билан Тинч океани орасида туташ давлат тузишга рози бўлганимиз далил бўла олади»...



Мен санаторийда ўтказган қиш, совуқ келган бўлишига қарамай, ҳар куни сайрга чиқардик. Рус кишилари табиатан очиқ ва олижаноб бўладилар. Улар менинг «Накахира» исмиمنى эслаб қолишга қўйналганларидан, «ўртоқ япон» деб мурожаат этишарди, менга хайрихоҳлик қилишар, иложи борица кўнглимни кўтаришарди. Мен озгина вақт топсам улар билан бирга бўлар, қор бўрон ўйнар, хуллас ҳордиқ чиқарардим.

Бу жиҳатдан руслар, чамамда, коммунистик воқеликка хос бўлган характер хусусиятларига эгадирлар, деб айтса бўлади.

Ишчи-деҳқон ҳукумати томонидан маҳсулотларни тақсимлашга доир ўрнатилган тартиб бўйича озиқ-овқат биринчи навбатда болалар муассасаларига, сўнгра касалхоналарга берилиши лозим эди. Санаторийга хилма-хил маҳсулотлар етарли даражада келиб турарди.

Хуллас, мен соғлигимни тиклаб олганимдан кейин Москвага раван бўлдим. Санаторийдан шаҳаргача ўн олти километр бўлса ҳам қор кўплиги ва поездлар кечикиб юришидан йўл учун ўн соатга яқин вақтим кетди.

Поезддаги ҳамма жойлар тирбанд эди. Бунга сабаблардан бири билетнинг нархи жуда ҳам арзонлиги эди. Шу важдан теваарак-атрофдаги деҳқонлар ҳар куни Москвага сут ва картошка элтиб сотишарди. Шунинг учун ҳам поездда оддий йўловчиларга қулайлик борасида гап бўлиши мумкин эмасди. Ҳукумат ўз сиёсатига амал қилган ҳолда билетларнинг нархини сира ҳам оширмаслиги реал факт эди. Нега деганда барча транспорт воситалари давлат томонидан миллийлаштирилган, нархлар оширилиши эса одамларнинг бир қисми хусусий савдо ишлари билан шуғулланишларига сабабчи бўлар, бу эса ишчи-деҳқон ҳукуматининг асосий сиёсатига зид келарди.

Мен ниҳоят Москвага етиб келдим. Эгнимда кир ёзги кўйлагим бор эди, холос. Ўша пайтларда ҳарбий институтда ўқитувчи сифатида иш бошлашим керак, шу сабабдан пальто, қишки кийим ва бошқа нарса-лар олишим керак эди. Бунинг учун махсус карточка зарур эди. Халқ Комиссарлари Советига қарашли ажнабийлар хўжалик бўлимининг бошлиғи, гоҳида эса халқ комиссари муовини қўл қўйган қоғоз билан товарлар тақсимоти бўйича бошқармага бориб, карточка сўраш керак эди. Мен халқ комиссари ўринбосаридан рухсат олиб, пальто, кўйлак ва галстукли бўлдим.

(Р. Накахира. «Қизил Россияда бир йил».)

X

Сабрнинг таги сариқ олтин», «Тақдир ҳаммага навбати билан кулиб боқади».

Телефон жиринглаб қолди.

— Ўртоқ Накахира, салом. Бу мен, Вознесенскийман. Илтимос, пастга, вестибюлга тушсангиз. Фақат тезроқ тушинг. Мен ўн-ўн беш минутларда етиб бораман.

— Нима гап ўзи?

— Кремлга борамиз. Бугун сизни ўртоқ Ленин қабул қилади.

Телефон шикирлаб жим бўлди. Овоз йўқолди. Қандай пайдо бўлган бўлса шунчалар тез йўқолди.

— Мен бўлсам трубкани қўлимдан ҳамон қўймасдим,— Накахира завқ билан ҳикоя қилишга тушди,— гўё ундан яна овоз чиқиб қолармикин, деган ўйда эдим. Сизга айтсам бу нарса айни ёздаги момоқал-

дироқдай бўлди ўзи. Ҳа, ўша июнь куниси менинг хонамда момоқал-дироқ гулдирари ҳисоби.

Мен Ленин билан учрашувдан умидимни узгандим. Уша йилнинг баҳорида Ленин бир неча журналистларни қабул қилганини билардик. Мен ҳам бу масалада министрликка ариза бергандим. Вознесенскийнинг қабулида бўлдим. Унга илтимосимни эслатиб турдим. Март, апрель, май ўтди. Чамаси, қатнайвериби жонига тегиб ҳам кетдим. Вознесенский бир кун жуда жаҳли чиқиб кетди шекилли, ҳеч қанақа учрашув ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, деб шартта кесди қўйди. Чунки, бошқа империалистик давлатлар мағлубиятга учраб, қўшинларини олиб чиқиб кетишаётган пайтда бизнинг давлатимиз Шарқий Сибирь билан Узоқ Шарқни ҳамон ишғол қилиб турарди.

Уч мартадан ортиқ бетини силасанг Будданинг ҳам жаҳли чиқади, дейдилар. Мен ахири кучим етмай таслим бўлдим. Бошқа иложим қолмади. Шундан кейин Фусэ икковимиз жўнаб кетиш ҳаракатини қила бошладик. Май ойида кетишга келишдик. Бироқ бизнинг бахтимизга (буни кейин, Кремлда бўлгандан сўнг билдик) кетишимиз бизга дахлдор бўлмаган сабаб билан кундан-кунга чўзилаверди. Жаноб Фусэ бундан асабийлашар, рухсат беришларини талаб этар, хатлар ёзарди. Бу хусусда ҳатто министрнинг ўзига ҳам мурожаат қилди. У шунақа довжурак одам эди.

Мана шу аснода десангиз Вознесенский кўнғироқ қилиб қолди... Мен ердаги қўлбола бўйрамни тезда йиғиштириб олдим. Ўзимга ҳам қараган бўлдим. Бисотимда бор-йўғи биттагина костюмим бор эди. Шанбаликка ҳам ўшанда боргандим, ҳарбий мактабга ҳам ўшани киярдим, театрга борганда ҳам. Латта ҳўллаб, ботинкамни артиб-суртиб олдим. Дурустроқ кўринсин деб галстугимни ҳам пича ҳўлладим. Шундан кейин зинадан пастга қараб учдим. Вознесенский вестибюлда соатига қарай-қарай бетоқат бўлиб юриб турган экан. Унинг эгнидаги кийими ҳам меникидан яхши эмас, кунда ишга киядиган костюмида эди. Шимиғижим, қўйлағи ҳам уринганди. Японияда бунақа кийимда вилоят мэрининг қабулхонасига ҳам йўлатишмаган бўларди. Бу ўша пайтда кийим-кечаклар танқис бўлганини кўрсатарди, албатта.

Йўл-йўлакай Лениннинг мени Фусэ билан бирга қабул қилмоқчи эканлигини билиб андак хафа бўлдим. Чунки унинг ҳузурига ёлғиз ўзим кирмоқчи бўлгандим-да. Фусэ ҳам огоҳлантириб қўйилган экан. У жуда башанг кийинган ҳолда келди.

Ленин Кремль ичидаги улкан саройда ишларди. Саройнинг битта девори Қизил майдонга қараганди. Биз то унинг кабинетига етгунча талай зал ва коридорлардан ўтдик, ҳар бир эшик олдида қўриқчи солдатлар кўринишарди. Ленин кабинетига қўшни бўлган улкан хонада жуда кўп аёллар ўтиришарди. Ҳаммалари берилиб ишлашар, машиналарнинг овози тинимсиз эшитилиб турарди. Мени сочларига оқ оралаган, букри бир аёл жуда ҳам ҳайратда қолдирди.

— Владимир Ильич сизларни кутаяпти, кираверинглар, ўртоқлар,— у мулойимлик билан шундай дея бизни усти оқ наMAT билан қопланган баланд эшик сари бошлади.

Эшик очилиб, биз Ленинни кўрдик.

...Демак, журналистлар кетиш тараддудига тушишган, нарсалар чамадонларга жойланган, виза тегиши билан билет олишни кутиб туришарди, холос.

Шунда уларни тўсатдан Кремлга чақириб қолишди. Нима бўлди ўзи? Владимир Ильич нечун япон журналистлари билан улар ватанларига жўнаб кетай деб турганларида учрашишга қарор қилди.

Биринчидан, хотирага оладиган бўлсак тўсатдан учрашишга қарор қилгани йўқ. Ленин Фусэ билан Накахира Москвада эканлигидан ха-

бардор эди. Биохрониканинг саккизинчи томида шу сўзларни ўқиймиз: «Апрель, 23 дан кейин. Ленин Ташқи Ишлар Халқ Комиссарлигининг «Осака Майнити» ва «Осака Асахи» япон газеталарининг мухбирлари К. Фусэ ва Р. Накахира ҳақидаги справка билан танишиб унга: «Япон мухбирлари ҳақида» ва «Архивга» деган ёзувлар қилади. «Кейин» дейилгани 24 апрелдан кейин бўлса керак. 24 апрелда эса Большая Дмитровкада Лениннинг эллик йиллигига бағишланган коммунистик кеча бўлганди. Япон журналистлари билан учрашувни эса кечиктириб бўлмасди. Аслида, учрашувнинг ўзи унчалик муҳим эмасди, дарвоқе, у ҳақда совет газеталарида ҳеч қанақа материал босилмаганди. Муҳими шу учрашувда Халқ Комиссарлари Совети раисининг Совет ҳукуматининг тинчликсевар интилишларини ифодалаган декларацияда эди.

Сибирь билан Узоқ Шарқда 175 минг япон солдати, қуруқликдаги армиянинг деярли ярми бор эди. Қўшинлар Дзимманинг: «Дунёнинг саккиз қирраси битта бошпанада бўлади» деган шиорини амалга ошириш иштиёқида ёнишар, бу эса барча мамлакатлар Японияга бўйсунishi керак, деган сўз эди. Русларга қарашли бой Сибирь ана шу саккиз қиррадан бир-иккитасини ташкил этарди.

Қизил Армия қисмлари Колчак қўшинларининг қолдиқларини тормор қилиб, март ойининг бошларида Верхнеудинскка етдилар. Шунда япон қўшинлари билан тўқнашув хавфи туғилди. Ангантага ҳам худди шунинг ўзи керак эди. Интервентлар 4 дан 5 апрелга ўтар кечаси Владивостокда ҳужумга ўтдилар. Бунда япон империалистлари хиёнаткорликнинг классик шаклидан фойдаландилар.

Ҳужум арафасида генерал Такаянаги ва кекса партия аъзоси Цейтлин иштирокида келишувчилик комиссиясининг мажлиси бўлганди. Цейтлин Приморье ҳукуматининг вакили сифатида қатнашганди. Ушанда вақтинчалик сулҳ шартномаси имзоланиб, тегишли нутқлар ирод қилинди. Генерал Цейтлиннинг қўлини қаттиқ сиқиб, абадий дўстлик ва тинчликда яшаймиз, деб ишонтирганди. Бироқ шартноманинг сиёҳи қуримасдан туриб, кечкурун соат тўққизда японлар ҳужум бошладилар ва эрталабга бориб, шаҳар уларнинг қўлига ўтди ҳисоби. Бошқа маъмурий уездларда ҳам худди шунақа бўлди.

Совет давлати бу борада жуда оқилона ва доно сиёсат тутди. У Польша ва Япония билан айни пайтда кураш олиб боролмасди. Ленин Советлар VIII съезди РКП(б) фракциясининг 1920 йил 12 декабридаги мажлисида сўзга чиқиб: «Биз Япония билан уруш олиб боролмаймиз ва Япония билан урушни орқароққа суриш эмас, балки иложи бўлса урушни йўққа чиқариш учун барча ишларни қилишимиз керак, чунки, тушунарли сабабларга кўра бунга ҳозирда қурбимиз етмайди»,— деганди. Узоқ Шарқ коммунистлари сабр-бардошли бўлиш, ўзни тутиш борасида жиддий кўрсатма олгандилар. Японлар билан муносабатларни кескинлаштиришга сира ҳам йўл қўйиб бўлмасди.

Накахира ҳам урушга қарши эди. Унинг Сибирдаги интервенциячи қўшинларга қарата ёзган варақа-мурожаати архивдан топилди. Бу ажойиб ҳужжат бўлиб, у Совет Россиясида бўлганида ёзган энг яхши материалларидан биридир.

«Ўртоқлар, япон солдатлари,— деб ёзганди Накахира,— 1918 йилнинг кузида сизлар гўё чехословакларга ёрдам бериш мақсадида Сибирга жўнатилдинглар. Амалда эса сизларни ўз мамлакатларини мустабид ҳукумат ва рус ҳамда ажнабий капиталистлардан озод қилиш учун курашган рус революционерларига қарши жанг қилгани юбордилар... Орадан кўп ўтмай ёлғон ваъдалар ўрнини... сибирлик бандит Семенов ва чор адмиралли Колчакка очикдан-очик ёрдам бериш эгаллади... Рус деҳқонига ўхшаб солдат формасини кийган япон солдати зиммасига бегона мамлакатда полициячилик қилиб, европалик капиталист-

лар иродасини амалга ошириш тушди. Интизомга бўйсунадиган япон солдати икки йилдан ортиқроқ урушнинг барча оғирликлари ва маҳрумликларини тортди, ўзига ўхшаган рус деҳқонининг қонини тўкди ва босқинчиларга рус ишчиси ва деҳқонидан революция туфайли эга бўлган нарсасини тортиб олишга ёрдам берди».

Накахира сўнгра яна шундай ёзади: «Мана, иттифоқчилар ва рус контрреволюцион генералларининг бор интилишларига қарамасдан... бутун Россия ва Сибирь яна революцион Москва атрофига жипслашди. Иттифоқчилар ўз солдатларининг рус халқига қарши курашишни истамаётганларини кўрганларидан кейин қўшинларини олиб кетишга шояшди. Улар эндиликда Совет Россияси билан музокарага киришиб, революцион рус халқини қурол кучи билан бўйсундиrolмаётганларига очикдан-очик иқдор бўлмоқдалар. Халқлари урушни истамаётганлари учун, ўзлари урушга чап бериб, Россияга японларни гиж-гижламоқдалар, бунда японлар ўмарилган нарсаларни қўриқчи ит янглиғ сақлаб беришларини ва озод рус деҳқони билан ишчисини бўғиб ташлашга сўнги бор уринишини истаяптилар. Қанчалар шармандали вазифа бўйнингга тушганини сезаяпсанми, япон солдати?»

Накахира шундан кейин ўзи ҳақида ҳикоя қилади. Қолчак ва иттифоқчилар ишғол қилган ерларда анча вақт бўлгани, ўшанда чоризм давридагидан ҳам баттар зулм қилинаётганининг гувоҳи бўлгани, чоризм адмираллари билан иттифоқчилар бунда японлардан асосий қурол сифатида фойдаланаётганларини уқтиради.

«Кейин Совет Россиясига, Москвага бориб қолдим. Мен ўшанда озод деҳқон билан озод ишчини, ҳамма барабар ҳолда меҳнат қилаётган, бойлар билан камбағаллар бўлмайдиган, ишлашни истамайдиган текинхўрлар яшашга ҳақли бўлмаган мамлакатни кўрдим. Мен барча фронтларда ўз душманларини тор-мор келтирган ва мамлакатидан ажнабий босқинчиларни қувиб чиқарган ажойиб Қизил Армияни кўрдим. Мен рус халқи янон халқини ўзининг биродари санашни ва у билан дўстлик ва тинч-тотувликда яшашни истаётганлигини билиб олдим...

Япон солдати капиталистларнинг қули, ёлланма полициячиси бўлиб қолишни истайдими ё озод инсон бўлишни хоҳлайдими шуни кўрсатадиган фурсат келди. Агар у қул бўлмаса даҳшатли қирғинни тўхта-тиб, бундан кейинги қон тўкишлардан бош тортиб, ўзидаги шармандали доғни ювиб ташлаши керак. Ҳар бир софдил япон шундай қилмоғи зарур. Қон тўкиш етар! Йўқолсин уруш! Япон деҳқони ўзининг тинч меҳнатига қайтадиган, буюк Совет Социалистик Республикаси билан қардошлиқда яшайдиган фурсат етди.

Совет Россиясида яшаётган японлар номидан «Асахи симбун» газетасининг махсус мухбири Рио Накахира, Москва, 1920 йил, 23 февраль».

1920 йилнинг апрель ойида оралиқдаги давлат — Узоқ Шарқ Республикаси тузилиб, у Байкалдан Тинч океангача бўлган территорияни эгаллаганди. Бу республика японларнинг Сибирь ичкарасига киришларини тўсиб қўйди. Япония рўбарўсида большевиклар турганини яхши билганидан Узоқ Шарқ Республикасининг Вақтли ҳукумати билан музокара олиб боришга мажбур бўлди. Бу ҳукуматга 1904 йилдан бери партия аъзоси бўлган Петр Никифоров бошчилик қиларди. Японлар янги давлатни таниганлари ва Забайкалье ҳамда Хабаровск районидан ўз қўшинларини олиб кетишларини расмий равишда баён этдилар. Уша йилнинг 14 майида Узоқ Шарқ Республикасини Совет ҳукумати ҳам таниди.

Узоқ Шарқ Республикаси Ленин донолиги ва зийраклигининг самарасидир. Едингизда бўлса доҳийнинг япон журналистлари билан суҳбати шундан бошланганди. Социалистик мамлакат чегарасида бутун

бир давлат тузишдек ишни қилмоқ учун гениал стратег, бениҳоя дадил бўлмоқ лозим эди. Яна қандай давлат денг — буржуа-демократик давлати! Бу давлат ўз конституцияси, ҳукумати, пойтахти, армияси, гимни, байроғи, пул системасига эга эди! Россия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми қарорида эса: «Узоқ Шарқ Республикасини советлаштириш ҳозирги вақтда мутлақо мумкин эмас, деб топилсин», дейилганди.

Бу давлат ташаббускори бўлган Ленин шундай қилмаса борми мустамлакаларни талон-торож қилиб, бойиб олган Япониядек қудратли душман билан уруш бўлиши турган гап эди. Бунақа урушга куч ҳам, маблағ ҳам бизда йўқ эди. Узоқ Шарқ Республикаси, менинг назаримда, ютилган урушдир. Бу урушда тинчлик билан, қон тўкилмай, бирор-та ҳам ўқ отилмай ютиб чиқилди.

Антанта мамлакатларидаги Совет Республикаси бўйнига сиртмоқ ташламоқчи бўлган президентлар, бош министрлар, дипломатлар иккала қўлларини бурниларига тиққанларича қолавердилар.

Ленин Совет Россиясининг тинчликсеварликдан иборат интилишлари, капитализм мамлакатлари билан амалий, иқтисодий муносабатлар ўрнатилган истагида эканлигини тушунтириш ва тарғиб қилишда ҳар бир имкониятдан биринчи навбатда матбуотдан фойдаланарди. Антанта мамлакатлари бунга қаттиқ қаршилик кўрсатишар, бутун жаҳонга очиқдан-ойдин, большевиклар Россияга борувчи ёки ундан келадиган кишиларнинг барига паспорт беришдан бош тортилади, дейишарди. Ҳукуматларга, ўз граждандарига большевиклар Россияси билан почта, телефон ва радиотелеграф орқали алоқа қилишни таъқиқлаш тайинланганди. Хуллас, ҳаммаёққа темир тўсиқ қўйилганди. «Антанта демократик капиталистлари»нинг бизни қуршаган қамали,— деб ёзганди Ленин,— чамаси, қаттиқ ҳаракатда. Улар Америка, Франция, Англиядаги маълумотли ишчиларни ёввойи большевизм билан таништиришдан, ёввойи большевизмнинг эса Гарбдаги ишчиларнинг муваффақиятларини билиб қолишдан чўчидилар».

Эстония билан сулҳ шартномаси тузилиб, Европага дарича очилгандан кейин аҳвол бирмунча ўзгарди. Ана шу даричадан биринчи бўлиб журналистлар фойдалана бошладилар. Улар Ленин билан учрашишни орзу қилишар, бироқ бунга етишолмасдилар.

Журналистлар орасида ҳақиқат излаб келадиганлари ҳам, шовшув кўтариш пайида келадиганлари ҳам бор эди. Шовшув тарафдорлари шунақангги уйдирмаларни тўқиб ташладиларки, бу борада эртактлардаги лофчилар ҳам ип эшолмай қолдилар. Улар «ишончи ва обрўли манбалар»га «таянган» ҳолда Россия урушга тайёрланаяпти, деган дастлабки ёлғонни тарқатишга тушишди. Биров юбормаган махфий телеграмма ва биров ирод этмаган нутқларга ҳам газеталардан жой бера бошладилар. Кремль вайрон бўлди, Москва ёндирилди, Совет ҳукумати қочишга тайёрланаяпти, сохта пуллар чиқараяпти, армиясини йигирма миллионга етказди, деган миш-мишлар ҳам уларнинг хом калларидан чиққанди.

Америкадаги «Нью-Йорк-таймс» газетаси бу борада ҳаммасидан ўтиб тушди. У Совет ҳокимиятининг ҳалокати ҳақида тўқсон бир марта хабар берди, олти марта Петроградни оқ генераллар ишғол қилишди, деган материал босди, Петроград эса қизиллар қўли остида бўлганида большевикларга қарши олти марта «қўзғолон» қилган эмиш. Бу газетанинг ёзишига қараганда Москва уч марта қўлдан кетишига сал қолибди, икки марта ёндирилибди ва яна икки марта қаттиқ таҳликага тушибди».

Буржуа матбуоти Ленин шаънига ҳам ёлғону бўҳтонларни аямади. Бир буржуа газетасида, ҳатто, Ленин революциядан кейин олти марта

қамалди, турмага ташланди, Рига, Ереван, Тошкент, Архангельск ва... Барселонага қочди, деган ёлғонлар босилди.

Владимир Ильич Ленин буржуа матбуотининг ҳунарларини жуда яхши биларди. Шу сабабдан буржуа мухбирлари қалам уриб, позиция ва қарашларимизни ўзгартиришмасин, деб юқорида айтиб ўтилгандай интервьюларни ўзи ёзиб берарди. 1920 йилнинг 18 февралда у иккита «сиртқи» интервью ёзиб берганди. Булар „Universal servise“ Америка информацион агентлигининг Берлиндаги мухбири Карл Виганд билан „Daily Express“ инглиз газетасининг мухбирига эди. Ленин америкалик журналистга бу суҳбат Америкадаги «юздан ортиқроқ бўлган» газеталарда тўлиқ босилишини шарт қилиб қўйганди. Океан ортидаги муттаҳам журналистлар текстга тегмаслик борасида ёзма кафолат берганликларига қарамай интервьюдаги сўнги саволга жавобни олиб ташлаганлар. Унда эса капиталистик тузум ўрнини социалистик тузум эгаллаши муқаррарлиги борасида гап кетарди.

Мана энди эса япониялик икки журналист Кремлда ўтиришарди. Улар Октябрдан кейинги кунларда бу ерда Ленин билан учрашган дастлабки японлар эдилар. Тўғри, Смольнийда яна битта учрашув бўлганди. 1918 йилнинг биринчи январда Япониянинг Петрограддаги элчиси бўлган виконт Утида бошқа ажнабий дипломатлар билан бирга янги ҳокимият бошлиғига Руминия вакили Диаманда ҳибсга олинishi муносабати билан норозилик билдиргани келганди. Айтмоқчи, буни учрашув деб ҳам бўлмасди.

Қосай Утида уйига қайтаётиб Харбинда Смольнийдаги учрашув ҳақида «Токио Асахи»нинг мухбирига янги Россиянинг лидери ҳақидаги шахсий таассуротлари ва иккала мамлакатнинг келгусидаги муносабатлари борасидаги мулоҳазаларини қўшган ҳолда ҳикоя қилиб берганди. 1919 йил мартнинг охирида газетда «Япония элчиси Утиданинг большевиклар билан муносабатга позицияси» ва «Лениннинг совуққонлиги» сарлавҳалари остида иккита материал босилиб чиқди.

Кейинчалик Ленин ҳузурида Сэн Қатаяма, Ундзо Тагиути, Хадзимэ Иосида ва бошқа японлар бўлишганди. Бироқ, қайтарман, япон журналистлари дохий ҳузурида биринчи бўлишганди. Улардан бири ҳозир барҳаёт, иккинчиси Қацудзи Фусэ эса 1953 йилда вафот этди.

«Токио Асахи» («Токионинг тонгги офтоби») газетаси хусусида алоҳида тўхталиш лозим. Кунчиқар мамлақати ҳисобланган Японияда Ленин номи биринчи марта ана шу газета саҳифасида пайдо бўлганди. Бу 1917 йилнинг 30 апрелида, Ленин эмиграциядан қайтиб, машҳур апрель тезисларини эълон қилгандан кейин бўлганди. Шундан бир кун олдин валиаҳд шаҳзода Япониянинг кейинги императори — Хирохито туғилган куни байрам қилинганди. Шаҳзодани Японияда ҳамма билар, Ленинни эса биров билмасди. Бироқ тез орада Ленин номи япон газеталарининг дастлабки саҳифаларидан бошқа барча номлар, жумладан император ва унинг болалари номларини ҳам сиқиб чиқарди. Орадан бир неча ой ўтгач, 10 ноябрда «Токио Асахи» газетаси «Россия ҳукуматини ағдарган большевиклар лидери, қўлга тушмас Ленин» сарлавҳаси остида Владимир Ильичнинг қисқача биографиясини босди. Газетда ўша пайтда таниқли журналистлардан Санко Ота ва Како Оба ишлашарди. Улар революцион воқеалар оқимини, большевиклар партияси сиёсатини тўғри, бўяб-бежамай ифода этишар, Ленинга бўлган меҳрларини яширишмасди.

Октябрдан кейин ҳам газета гарчи уйдирмалар ва бўҳтонларни четда қолдирмаган бўлса-да, анча соғлом мулоҳазалар ва башоратларни бериб турди. Унда «ультраэкстремистларнинг ҳокимияти мустаҳкам, жиддий ва кўпга боради», «бу ҳокимиятни уруш ҳам, иттифоқчи давлатлар ҳам қизиқтирмайди, тинчлик туфайли у барчасини барбод қи-

лишга тайёрдир», деган гаплар босилганди. Газетада ишчи-деҳқонлар ҳукуматининг тинчлик ва ер ҳақидаги декретлари, Антанта мамлакатларига аннексия ва контрибуциясиз тезликда сулҳ шартномаси тузиш ҳақидаги таклифлари баёни берилган, Россияда табақалар йўқ қилингани, ишчилар бойларнинг квартираларига кўчиб киришгани, имтиёз, унвон, деган нарсалар йўқолгани борасида ҳам материаллар чиққанди.

— Накахира-сан сиз Ленин билан бўлган учрашувдан кейин кўп ўтмай Москвадан жўнаб кетгансиз. Бирдан жўнаб кетишингизга нима сабаб бўлди? Халқ Комиссарлари Совети Раисининг қабулида бўлганингиздан кейин сизнинг мавқеингиз мустаҳкамланиб қолиши керак эди. Қолаверса, суҳбат баёни ҳам жуда самимий тусда эди.

— Мен Ватаним билан оиламни жуда ҳам соғингандим. Бунинг устига шошилишм зарур эди. Буржуа матбуотининг қонунлари аёвсиз бўлади, қолоқлар роса адабини ейди. Жаноб Фусэ тезда жўнаб кетди, гўё Москва меҳмонхонасидан уни ел учиргандай.

— Айтмоқчи, сиз у билан илгари ҳам таниш эдингизми?

— Йўқ. Москвада танишдик. Кейин, Японияда бир мартагина митингга учрашдик.

— Ленин билан учрашган бошқа ватандошларингиз билан-чи?

— Фақат виконт Утида билан таниш эдим. У билан Харбинда суҳбатлашгандим.

— Буни сезувдим.

— Қандай қилиб?— Накахира таажжубини яширолмади.

— Уша йиллардаги паспортингиздан сезувдим. Мен уни архивда кўргандим, унда Харбинда урилган бир неча муҳр бор эди.

Бу паспорт ҳам ажойиб ҳужжат бўлиб, ўзимизнинг паспортларга сира ҳам ўхшамайди. У ҳажми мактаб ўқувчиларининг дафтари ҳажмидан каттароқ бўлган икки варақ қалин қоғоздан иборат. Бош тарафининг чеккаларига гуллар ва ленталардан чиройли нақш ишланган. Варақлар японча, русча, инглизча ва хитойча ёзувларга, хилма-хил муҳрларга, маркаларга тўлиб кетган. Паспортдан Накахира «самурайлар зотидан чиққан, тўнғич ўғил» эканлиги маълум бўлади. Унда шундай ёзув бор: «Хуқуқли маъмурлар ва бунга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган барча шахслардан Владивосток билан Харбинга мухбир сифатида бораётган мазкур кишига бемалол ва бетўсиқ юришга рухсат бериш, шунингдек, зарурий муҳофаза ва ёрдам кўрсатишни сўраймиз. Император жаноби олийларининг ташқи ишлар бўйича давлат министри, III даражали орден кавалери, ҳуқуқшунослик доктори, виконт Мотоно, Тайсе даври 7-йил, 16 январь (1918 йил)». Демак, паспортга Мотононинг ўзи имзо чеккан экан! Бунга ё уша пайтдаги тартиблар қаттиқ бўлганлиги, ё «шонли самурайлар авлодига мансуб» Накахирага зўр умидлар бағишлагани сабабчи бўлган.

Бу ҳужжатдан Накахира юрган йўлни, тўхтаган шаҳарларни, кўчаларни ва ҳаттоки меҳмонхоналарни ҳам билса, бўлади. 1918 йилнинг 19 июлида бу паспорт Россиянинг Харбиндаги бош консулига «кўрсатилган». 1919 йил 14 майда эса Накахира Кобэга келган, 19 майда Владивосток портида регистрациядан ўтган, 31 майда Манжурияга жўнаган. Иркутскда бўлганида «Г. Д. Борисовнинг итальянча кўрасида» турган.



— Ҳа, мен айна вақтда Владивосток билан Харбинда мухбир бўлганман. Сиз, кечирасизу, нақ Шерлок Холмсдай менинг изимдан келяпсиз.

— Мабодо сизни қизиқтириб қолган бўлса яна у-буларни айтиб беришим мумкин. Сиз даволанган санаторийни ҳам аниқладик. У рус савдогари Патрикеевнинг собиқ дачаси бўлиб, ҳозирда Химки шаҳар касалхонасига айлантирилган. Бу шаҳар пойтахтга қўшилиб кетди ҳисоб. Сиз санаторийдан чиққандан кейин поездда Москвага келгансиз, китобингизда айтилганидай ўн соатча йўл босгансиз. Ҳозир у ерга метро қатнайди, йўлга ҳаммаси бўлиб бир неча минут кетади. Мен архивдаги материалларни ўрганиб, сиз даволанган палатани ва ўша пайтда ишлаган шифокорлардан баъзи бирларини аниқласам ҳам керак. Ҳозирча эса қизиқарли бир хатни топиб олдик. Бу — унчалар хуш кўрмасангиз ҳам сизга меҳрибончилик қилиб турган Вознесенскийнинг Қарахан билан бирга 1919 йилнинг 25 ноябрида Соғлиқни сақлаш ишлари комиссарлигидаги доктор Обух номига юборган хатидир. Доктор Обух эса Владимир Ильич Ленин ва унинг оиласини даволаган. Сиз билан ана шундай одамлар шуғулланишган, Накахира-сан!

— Ажойиб нарсаларни гапиряпсиз! Мен, табиийки, буларни хаёлимга ҳам келтирмовдим. Ўша хатда нималар дейилган экан?

— Япон граждани Рио Накахирага дилдан ғамхўрлик баён қилинган. Дипломатлар машҳур врачлар сизни тезда даволашга қабул қилиш борасида фармойиш беришни сўрашган, бунда санатория маъмурияти билан олдиндан келишиб қўйилганига суянишган. Энди эса бўлиниб қолган суҳбатимизга қайтайлик. Демак, Харбинда элчи Утида билан суҳбатлашгансиз. Бундан чиқди Ленин билан учрашувдан анча олдин у ҳақда қалам тебратган экансиз-да?

— Шундай бўлиб чиқади. Виконт Утида большевиклар лидерини ажойиб, кучли, жаҳон тарихида сезиларли из қолдирадиган инсон, дегани ёдимда. Кейинроқ, Кремлда бўлганимда мен бу сўзларни эслаб, элчининг фикрларига қўшилдим.

— Япония Компартиясининг асосчиларидан бири бўлган Сэн Катаяма билан ҳеч учрашганмисиз?

— Йўқ.

Сэн Катаяма Коминтерннинг бошқа машҳур арбоблари — немис Цеткин, америкалик Фостер, италиялик Террачини билан ўн минут Ленин тобути тепасида турганини биласизми? Катаяма Қизил Майдонда Кремль девори тагида, Ленин мавзолейига ёнма-ён жойда дафн қилинган. У совет кишиларига жуда ҳам азиз ва мўътабар бўлган жойдир.

— Оддий япон кишисига шунчалар шараф кўрсатибсизлар!

— Накахира-сан, халқингизнинг оддий ўғлига эмас, балки буюк фарзандига, социал адолат ва халқ бахти-саодатининг оташин курашчисига кўрсатилган шарафдир. «Ўзни революция ва коммунизм ишига бағишлаш — ҳаётим мазмуни ана шундадир... Мабодо мен коммунизм учун тер тўқолмасам ўлимни афзал кўраман». Бу «оддий япон» бошқа нарсани ўйламаганди ҳам.

— Ҳа, эътиқод — денгиздаги гранит қоя янглиғ яққол ифодаланган.

— Ленин билан учрашувингизни бошқа учрашувларга қиёс қила оласизми? Сиз халқаро журналист сифатида ўша пайтнинг сиёсий арбоблари билан мулоқотда бўлгандирсиз, албатта?

— Ҳа, албатта. Россиядан қайтганимдан кейин кўп ўтмасдан, яъни ёзадиганларимни ёзиб бўлганимдан кейин мени Германияга юборишди. У ерда бир неча йил бўлдим. Немис халқ партиясининг лидерларидан бўлган Густав Штреземан билан у канцлер ва Ташқи ишлар министри бўлиб ишлаётган вақтида учрашдим. Буларни солиштирадиган жойи ҳам йўқ. Штреземан такаббур, димоғдор, совуқ киши эди. Унда

Фусэ икковимизни ҳайратга солган Ленин фазилатларидан бирортаси ҳам йўқ эди. Ҳамсуҳбатига ҳурмат, эътибор, самимият, очиқлик деган нарсалар қайда дейсиз. Соддалиги ва камтаринлиги ҳам йўқ ҳисобда. У типик немис бюргери эди. Мухбирларни ёқтирмас ва бунни яширмасди ҳам.

— Накахира-сан, Ленин билан учрашувингиз журналистлик тақдирингизга таъсир қилдими?

— Бевосита таъсир кўрсатганда қандай. Гарчи у ҳал этувчи омил бўлса ҳам фақат бу учрашувгина эмас, Россияга қилган сафарим ҳам катта таъсир кўрсатди. Токио билан Осакада репортажларим деярли уч ой мобайнида газеталарда кетма-кет, ҳар бир сонда босилди, кейин китобим чиқди. О, буларнинг бари зўр тортиб кетишимга етарли эди. Мен йигирма олти ёшимда журналистикада Ленин туфайли таниқли бўлиб қолдим.

— Накахира-сан, Ленин ўзини адабиётчи, журналист, деб ҳисоблаганидан хабарингиз борми? 1919 йилнинг кузида у ўзини Совет журналистлари союзига қабул қилишларини сўраб ариза берганди.

— Қизиқ! Буюк давлатнинг бош министри журналистликка қабул этишларини илтимос қилса! Тарихда бунақа ҳодиса бўлганини эслолмайман.

— Ҳа, у журналистликка қабул қилинган ва 1919 йилнинг ноябрида Бутунроссия матбаа ходимларининг биринчи съездида фахрий раис қилиб сайланганди. Ҳозирда СССР Журналистлар Союзига аъзоликни билдирувчи 1-рақамли билет Ленин номига ёзилгандир.

— Журналистика билан шуғулланмаётганимга кўп замонлар бўлди, шундай бўлса ҳам сизнинг айтганларингиздан мамнун бўлдим. Менинг хотирамдан жой олган Ленин қиёфасига янги жиҳатлар қўшилди.

XI

Вақтни ҳеч қанақа тўсиқ тўхтатиб қололмайди».

Ленин девордаги соатга нигоҳ ташларкан жилмайиб қўйди. У гўё вақтнинг бир жойда тўхтаб қоладиган одати йўқ, деб узр сўрагандай, таассуфда қўлларини ёзди.

Уттиз минут тамом бўлганди.*

У Лениннинг қўлини оҳиста қисди-да, таъзим бажо айларкан доҳий самимий кулиб юборди. Владимир Ильич журналистларни эшиккача кузатиб бораркан нималарнидир эслагандай Накахирага мурожат қилди:

— Қарахан мамлакатимизнинг кўп жойларида бўлганингизни айтувди. Кўрган-кечирганларингизни бўяб-бежамасдан ёзинг.

— Яхси, ўртоқ Ренина-сан, хай, хай. Мен албатта, ёсаман. Яхси ёсаман.

— Мана, келишиб ҳам олдик. Энди хайр бўлмаса. Ватанингизга эсон-омон етиб боринг!

— Хай, хай, хай.

Япон журналистлари яна таъзим бажо айлаб, жилмайиб қўйишди. Меҳмонлар қабулхонага чиқишди. Уларни кутиб олган котиба аёл ўрнидан туриб яқин келди-да, кузатиб қўйди. Накахира устига оқ наMAT қопланган эшикдан олислаб, тарих томон одимлаётганини хаёлига ҳам келтирмасди.

Накахира узоқ умр кечириб келаяпти. У дунёга келганида Энгельс барҳаёт бўлиб, Золя, Роден, Клемансо, Римский-Корсаков, Клара Цеткин, Карл Либкнехт, Вильсон, Шаляпин, Горький, Пуччини, Драйзер роса кучга тўлган эдилар. Эйнштейн мактабда ўқиб (кейинчалик у

кашф қилган атом бомбаси Накахира ватанига ажал сочди), Пикассо, Бор, Жек Лондон оламга танилишмаганди. Австриянинг Браунау шаҳарчасида божхона хизматчисининг тўрт яшар ўғилчаси Адольф Шикльгрубер тинчгина ўйнаб юрарди. Мана шу Адольф катта бўлганидан кейин сайёрамизни иккинчи жаҳон уруши гирдобига тортиб, Гитлер деган номда башариятнинг тавқи лаънатига қолди. Накахира эса номлари юқорида зикр этилган одамларнинг баридан ҳам узоқ умр кўриб келаяпти. Унинг кўз ўнгида одамларнинг икки авлоди вужудга келди.

Накахира Ленин ҳузурда ўттиз минут бўлганди. У билан учрашувга қадар йигирма беш, учрашувдан кейин эса эллик тўққиз йил яшади.

Лекин, фақат ўттиз дақиқа учун, ҳа, Накахира-сан, ўттиз дақиқа учун «Осака Асахи» собиқ мухбирининг изидан совет журналистлари қидириб келишади. Сизни топишади ҳам.

Совет журналистлари наҳот унинг ҳузурига келишса? Нимага? Қайси иш билан? Аллақачон тарк этиши лозим бўлган, бироқ худолар жонини олмай келаётган бу серғалва дунёда унинг кимга ҳам кераги бор? Накахира ўзининг бошқаларга кераклигига ишонмай келарди. Бунга ишонч ҳосил қилганидан кейин унинг қонсиз юзи табассумдан ёришиб кетди. Нурсиз кўзлари ҳам чақнаб, порлади.

Энди йигирманчи йилларга қайтсак ҳам бўлар. Учрашувдан мамнун бўлган дўстларимиз Кремль зинапояларидан пастга тушиб келишаркан бағоят хушчақчақ эдилар.

Фусэ эса, Будда назар қилган одам бўлганидан меҳмонхонага келиши билан ичидан қулфлаб олиб, ишга тушди. Корреспонденцияси тайёр бўлгандан кейин почтага чопди. Шу тариқа сутка ҳам ўтмай Ленин билан учрашув ҳақидаги ҳисоботдан иборат телеграмма Москванинг эски заставасидан ўтиб, Волга бўйи, Урал тоғлари, Сибирь кенгликлари, Пекин шаҳрини, Сариқ ва Япон денгизларини ортда қолдириб Токиодаги редакция столига келиб тушди.

Ленин берган интервью!

Буржуа матбуотидагилар сенсациянинг фаҳмига етишади, қадрлашади. Шу вайдан ҳамма бараварига ҳаракатга тушиб қолди. Қўлёзмага бири-биридан ўткир бўлган «Номерга берилсин!» деган дастхатлар туша бошлади.

10 июнда Ленин берган интервью «Токио Нити-Нити» газетасида чиқди.

Хўш, бизнинг Накахирага нима бўлди? У ҳам иш билан банд эди. «Савой» меҳмонхонасининг дим номерида майкачан ҳолда, сочлари тўз-ғиганча ишлаб ўтирарди. Фусэ бир соат сарфлаган ишга у уч соат кеткизар, бироқ иши юришавермас, ёзганлари ўзига ёқмас, қайта ёзар, хуллас, роса қийналаётганди.

У материалнинг қораламасини бир амаллаб тугатди. Уқиб кўриб йиртиб ташлади. Учинчи, тўртинчи вариантлар вужудга келди. У эртаси куни пешинда ёзганига охириги нуқтани қўйиб, бирдан редакцияларида рус тилини ўзидан бошқа одам билмаслиги эсига тушиб қолди.

У Вознесенский ёнига югурди.

— Ўртоқ Арсений-сан, илтимос, ходимларингиздан бирортаси мақоламни инглизчага ағдариб берсин. Ҳақини тўлайман, пулим бор...

— Биз ажнабий мухбирларга бунақа хизмат кўрсатмаймиз,— жавоб қилди Арсений Николаевич бу илтимосдан бир оз ажабланиб,— бироқ на чора. Япон халқи ўртоқ Ленин нималар деганидан воқиф бўлмоғи керак. Ҳақи масаласига келганда пули ёнингизда тураверсин. Йўлингиз олис, ўшанда асқотади. Бироқ бир нарсани келишиб олайлик, қадрли Накахира-сан: Японияда инқилоб бўлганида сиз ана шу кели-

шувимизни эсга оласиз-да, совет журналистларига ёрдам кўрсатасиз. Балки у ҳам шунақа аҳволга тушиб қолар.

— Албатта, Арсений-сан, хай, хай, албатта. Мен албатта, қарашаман,— Накахира шошиб қолганди. Шу дақиқада Фудзи вулқони отилиб, жаҳон революцияси бошланишига ҳам рози эди.

Корреспонденция инглиз тилига таржима қилинди ва Накахиранинг қаттиқ илтимосига кўра Ташқи ишлар халқ комиссариатининг телеграффи орқали бериб юборилди. «Осака Асахи» газетаси редакциясидагилар Ленин билан интервьюдан иборат телеграммани олганларидан кейин унинг чинлигига шубҳа билдирдилар. Бу большевикларнинг ясамаси деб ўйладилар! Газетанинг Москвадаги мухбири олдиниға бедарак кетган, кейин пайдо бўлиб материаллар юбора бошлаган, сўнгра яна ўзидан хабар бермай қўйган эди. 10 июнда матбуотда Фусэнинг интервьюси босилгандан кейин улар шошиб қолишди. Иккала телеграммани бир-бирига солиштириб кўришса мазмунан ўхшаш. Шундан кейин Накахира юборган мақолани тезда тузатиб, цензурадан ўтказиб номерга туширишди. 1920 йилнинг 13 июнида, якшанба куни «Осака Асахи»нинг биринчи бетида «Ленин билан суҳбат» босилди. Икки кун кейин, 15 июнда у «Токио Асахи»да ҳам чиқди. Интервьюнинг мана шу варианты бизга маълумдир. Яна қайтараман, цензурадан ўтган варианты. Журналистнинг қаламига мансуб бўлган, доҳийнинг фикрлари бевосита баён қилинган вариант эса бизга номаълум эди.

Ленинга дахлдор бўлган нарсаларнинг бари биз учун азиз ва қадрлидир!

Бизнинг қиссамиз кульминация нуқтасига етди. Биз бу ерда моҳият эътибори билан Лениннинг янги асарига дуч келаямиз. Тўғри, у бизга бошқа юзларча ва мингларча асарлар сингари қўлёзма ҳолида эмас, балки буржуа газетаси мухбирининг ихчам ва моҳирона баёни шаклида намоён бўлаяпти. Лекин шунда ҳам Лениннинг бебаҳо фикри, сўзи, гениал шахси ўзини сездириб туради.

Архивдан топилган ва «Осака Асахи» газетасида босилган текстларни солиштириб кўрамиз. Уларнинг бир-биридан фарқи нимада? Буларда Лениннинг ўзига, суҳбат вақтида тилга олинган воқеа ва ҳодисаларга қарашларига алоқадор принципиал тафовутлар бор. Композицияда номувофиқлик, абзацлар ва айрим жумлалар конструкциясида ўхшовсизлик сезилади. Бу ўз-ўзидан тушунарли, нега деганда текст беш марта бир тилдан иккинчи тилга таржима қилинган. Чунончи, у рус тилидан инглиз тилига (Ташқи ишлар Халқ Комиссариатининг шарҳ бўлимида), инглизчадан япончага («Асахи» редакциясида), япончадан инглизчага («Soviet Russia» журналида), инглизчадан русчага (интервью «Известия»да босилганида) ва ниҳоят япончадан русчага — асарлар тўплами учун.

Энг муҳим нарсани айтиб ўтайлик. Цензура Накахира корреспондентиясидан Ленин фикрлари баён этилган иккита абзаци тўлалигича олиб ташлаганди. Яна битта абзац «таҳрир» қилинганидан Ленин фикри тўмтоқ ва мавҳумлашиб қолганди.

Буни бошидан бошлаймиз. Газетада чиққан вариантда Владимир Ильичнинг япон-совет муносабатлари характери ва Япония позициясига муносабати анча силлиқланган. Накахира шундай ёзганди:

«...Ленин Япония Совет ҳукуматининг тинч дипломатик тенденцияларига яқинлашиш истагини сира сездирмаётганидан норозилик билдирди», Совет ҳукумати эса «бундай яқинликни кўзлаб» ҳаттоки Узоқ Шарқда тузилган туташ давлатни таниганди».

Цензура (ёки редакциядагилар) буни шундай таҳрир қилишганлар: Ленин Япония позицияси юзасидан «чуқур таассуф билдирди» холос. «Таассуф», ҳаттоки «чуқур» бўлганда ҳам «норозилик» бўлмай-

ди. «Норозилик билдирди» деганда кескинлик, принципиаллик, позиция аниқроқ сезилади.

Сўнгра: «истагини сира сездирмаяпти» сўзлари ўрнига «тайёрлигини кўрсатмаяпти» сўзлари пайдо бўлган, «бундай яқинликни кўзлар» сўзлари бутунлай олиб ташланган.

Интервьюдан «совет» сўзи «ишчи-деҳқон» (ҳукумат ва ҳокимиятга келганда) сўзлари билан алмаштирилган. Император цензурасини «совет» сўзи жуда даҳшатга солган кўринади.

Владимир Ильич журналистлардан: «Япон деҳқонлари етарлича ерга эгамилар?» деб сўраган. Газетада эса: «Япон деҳқонлари эркин ҳолда ер эгалари бўла оладиларми?» дейилган. Бунда, гарчи саволнинг ўткирлиги сезилса ҳам бир оз мавҳумлашган, сиёсий жиҳатдан юмшатирилган, динамизми сустроқ. Ленин буржуа мамлакатларида ерга эгалликда «эркинлик» ҳақида гап бўлиши мумкин эмаслигини яхши биларди. Японияда деҳқонларнинг ерлари қанчалиги, у билан рўзгор тебратишга қодир-қодир эмаслигини энг ўткир ижтимоий масалалардан бири сифатида диққат-этибордан қочирмай келарди.

Давом этамиз. Қўлёзмада: «Бу ва бошқа масалалардан Ленин мамлакатимизга бениҳоя қизиқиш билан қарашини билиб олдик» (Ана шу «қизиқиш» журналистларда шубҳа уйғотган бўлиши ажаб эмас. Ленинни «яқин келажакда» Японияда большевизм вужудга келиши ҳақидаги фикр қизиқтиргани ёдингизда бўлса керак). Газетада эса: «Ленин япон халқининг ҳаётига чуқур қизиқаётганини бизга билдирди». Қаранг, қандай совуқ жумлалар. Цензура большевиклар лидерининг «Японияга бениҳоя қизиқиши» ўтказиб юборилса борми мухбир у ёқда турсин ишчилар ҳам «лаънати» большевизм вужудга келиши борасидаги фикрларга бориб қоладигандай қўрққан кўринишади.

Владимир Ильич Россияда революцион ҳаракат тараққиёти ҳақида гапириб дейди: «Иттифоқчиларнинг Россияни репрессия қилишлари кучайгани сари самодержавие-мустабид давлати вайроналари ўрнида коммунистик тузум барпо қилган ва шу тариқа социал тараққиётнинг оралиқ босқичларини ҳатлаб ўтган рус пролетариатининг революцион ижоди шунчалар кенг қулоч ёзади».

Ажойиб сўзлар! Бироқ улар газетадаги ҳисоботдан бутунлай олиб ташланган. Империядаги «самодержавие-мустабид ҳукумат»нинг содиқ малайи бўлган цензор уни ўчириб ташлагани аниқ. У менга бошдан-оёқ ҳарбий либосга ўралган, боқишлари совуқ, кулги нималигини билмайдиган, тошбағир одам бўлиб туюлади. Унинг назарида Накахира ақлдан озган, Ленин билан апоқ-чапоқ бўлиб олган. Коммунистик тузумни, тагин «самодержавие вайроналарида» вужудга келган коммунистик тузумни мақтаяпти. «Асахи»нинг Москвадаги мухбири большевикларга сотилган кўринади. Цензор ана шундай фикрларга бориб, бутун бир абзацнинг бошига етган.

«Осака Асахи» газетасининг ўзида шароит бундан ҳам мураккаброқ эди. Муҳаррир С. Тори истейфо берганидан кейин газетага консерватор Т. Нисимура бошчилик қила бошлаган, либералларнинг бари редакцияни ташлаб кетгандилар.

«Накахира Владивостокка жўнаган 1918 йил,— деб ёзганди Кадзитани,— «Асахи» учун шонли, шунингдек, машаққатли йил бўлганди. Тэраути ҳукумати интервенцияда Сибирнинг бир бўлағими ёки Сахалиннинг шимолига эга бўлмоқ хаёлида қатнашишга аҳд этганди. Матбуот эса бунга қарши чиқди, кескин бош кўтарди. 30 июлда Токиодаги марказий газеталар, ҳаммаси бўлиб эса мамлакатдаги элликта газета таъқиқлаб қўйилди... Редакция шундан кейин мамлакатнинг талай жойларида журналистларнинг чиқишларини ташкил қилди, уларда сўз эркинлиги ҳақида гап кетди. «Асахи» газетасининг директори Р. Мурая-

мага суиқасд уюштирилди («Мураяма кўчада рикшада кетаётганида унга ҳужум қилиб, қаттиқ калтакланади. Сосэн Тори бунга ўзини масъул сезганидан ваколатини топширди»,— деб эслайди Накахира). Редколлегиянинг таниқли аъзолари газетадан кетдилар, шундан кейин унинг раиси лавозимини миллатчи Т. Нисимура эгаллади».

Мана умри узоқ жумлалардан яна бири:

«Коммунистик ҳаракат шу пайтгача Шарқ мамлакатларида мустақкам негизга эга эмасди. Бироқ Англия билан Франция уруш пайтида ўзларининг мустамлака кўшинлари кадрларини ўша мамлакатларнинг кишилари билан тўлдирдилар. Улар эса, қайтганларидан кейин ўз юртларида большевизм уруғини сочажаклар».

Биз Лениннинг бу фикри ўша пайтда жуда актуаллик касб этганини биламиз. Бундаги «кўшинлари кадрларини... ўша мамлакатларнинг кишилари билан» деган сўзлар Накахирага хос сўзлардир. Фусэ эса буни Владимир Ильич нутқи услубига яқинроқ тарзда ифодалаган. У Лениннинг жавобини шундай ёзган:

«Чинакам коммунизм ҳозирда фақат Фарбда муваффақият қозониши мумкин, бироқ Фарб Шарқ ҳисобиға яшамоқда; Европадаги империалистик давлатлар асосан шарқий мустамлакаларда бойимоқдалар, бироқ улар ҳам айни пайтда жангга солиш учун ўз мустамлакаларини қуроллантирмоқда ва таълим бермоқда. Фарб бу билан Шарқда ўзига ўзи гўр қазимоқда». Бу жавоб аниқ ва равшанлигидан Фусэ суҳбатни стенография қилмаганикин, деган хаёлга боради киши.

Бадқовоқ цензор эса бу пайтда ўзининг қора қилмишлари билан овора эди. У Накахира корреспонденциясидаги ҳисобдан учинчи жумлани ҳам буткул олиб ташлаганди. Унда эса Ленин капиталистик тузумнинг ҳалокати ҳақида гапирганди. Корреспонденцияда шундай дейилган:

«Иттифоқчилар бизни танимасликни қанчалар чўзсалар ва интервенцияни давом эттирсалар бизга шунчалар фойдалидир, чунки империалистик ҳукуматларнинг бунақа сиёсати ўз фуқароларининг норозилигини вужудга келтиради ва капитализмнинг ўз халқидан қурбон бўлишга гаров бўлади».

Газетада бу жумланинг иккинчи қисми бутунлай тушиб қолганлиги бизга эндигина маълум бўлди. Жумланинг бошланишига «шундай деб ўйлашга асос борки», деган сўзларнинг тиркалиши Владимир Ильичнинг бу борадаги аниқ, тўғри, кескин позициясини бўшаштиришга, сустлаштиришга хизмат қилган. Ҳолбуки, Ленин ўзи яхши билган нарса борасида пайпаслаб, тахмин қилган ҳолда гапирмасди.

Ленин Эстония билан сулҳ шартномаси ҳақида гапирганда, буржуазия билан алоқа қилиш доимо мушкул, чунки у моддий манфаат кўришдан бўлак нарсани кўзламайди. Америка ҳам совет давлатига сулҳ тузишни таклиф қилди, бироқ яқинроқ танишиб кўрганимизда бу таклиф бошдан-оёқ талончилик характерида эканлиги маълум бўлди. Биз уни номақбул топиб рад этдик, дейди. «Биз ўзимизни заиф деб ҳисобламасликлари учун бундай хилдаги сулҳ шартномаларини принципал равишда имзоламаймиз»,— деган хулосага келади Владимир Ильич.

Цензор текстдан «буржуазия» сўзини олиб ташлаб, уни «мулкдор синфлар» билан алмаштирган. «умуман... доимо алоқа қилиш қийин» сўзлари эса «жуда қийин» сўзларига айланиб қолган. Яна ленинча фикрни бўшаштиришга, юмшатишга, кучини қирқишга уриниш, сиёсий ва ижтимоий мезонни анча пасайтиришга ҳаракат қилиш...



— Сиз совет журналисти Цветовга, учрашувнинг эртаси куни интервью тексти билан яна Кремлга бордим, Ленин уни ўқиб кўриб, «Ленин қарор қилди»... «Ленин бош тортди»... деган сўзларини ўчириб ташлади, дегансиз. Шу муносабат билан менда иккита савол бор. Биринчидан, чиндан ҳам шундай бўлганмиди? Иккинчидан, сизнингча, бундай ажойиб деталь Ленин қиёфасидаги қайси жиҳатлардан гувоҳлик бера олади?

— Уша пайтларда шундай тартиб ўрнатилганди: Москвадаги ваколатхоналари бўлган ажнабий журналистлар таниқли бирор арбоддан интервью олсалар ёзилган текстни унга албатта кўрсатишлари керак эди. Мен ҳам ана шу қоидага амал қилган ҳолда иш тутдим. Бироқ Лениннинг олдига иккинчи марта бормадим. Қўлёмани Вознесенскийга бердим. Бинобарин, Ленин айрим сўзларни қандай ўчирганини кўрмаганман, менга буни Вознесенский айтиб берган. Мен уни «Метрополь»да кутиб ўтирдим. У келиб менга Лениндан салом айтди ва «Берган ҳамма интервьюларимдан менга шуниси кўпроқ ёқади», деганини ҳам етказди. Ленинга интервью шаклининг бошқачилиги, савол-жавоб ҳолида бўлмаганлиги, ялпи текстга кабинетдаги жиҳозлар, хона соҳибининг самимийлиги, журналистларнинг ундан олган таассуротлари сингдириб юборилганлиги маъқул келган бўлса ажаб эмас. Жаноб Фусэнинг интервьюси эса савол-жавобдан иборат эди.

Менинг қўлёмандаги «букри кампир» деган сўз ҳам ўчирилганди. Бизни кабинетга ўша кампир бошлагани эсимда қолган. Вознесенскийнинг сўзларига қараганда қўлёмандаги ана шу жой Ленинга ёқмаган. Фусэ икковимиз Кремлдан қайтиб келаётганимизда ана шу «букри кампир» Ленин билан ҳамкорлик қилган коммунистик ҳаракатнинг курашчиларидан бири бўлса керак, деб ўйлагандик. Кейинчалик мен Лениннинг ажойиблиги ва инсонийлигини чуқурроқ таъкидлаш мақсадида «букри кампир» сўзларини қайтадан тиклаб қўйдим.

— Сизни эса афсуслантиришга тўғри келади, энди. Ушанда ҳеч қанақа кампир йўқ эди. Сизларни қабулхонада навбатчилик қилаётган ҳушрўй ва кўркама аёл, Халқ Комиссарлари Советининг котибаларидан бири бўлган Мария Игнатьевна Гляссер кутиб олиб, Ленин кабинетига бошлаган. Мен буни аниқлашга муваффақ бўлдим. Бу аёл ўша пайтда ўттизга кирган, сиздан уч ёш каттаю, Фусэдан етти ёш кичик эди. Гляссернинг сочига чиндан оқ оралаган ва анча букчайиброқ юарди.

— Эҳтимол, эҳтимол, тортишиб ўтирмайман. Демак, рус революциясида аёлларнинг сочи эрта оқарар экан-да. Хуллас, саволингизнинг биринчи қисмига жавоб бердим, деб ҳисоблаймиз. Энди «Ленин, қарор қилди»... сингари сўзларни нега ўчириб ташлаган, деган савол қолади. Мен бунда ўзимнинг шахсий фикримни айта оламан. Ленин назаримда, олим сифатида Маркс ва Энгельс назариясини, тарихий материализмни бошқа революционерларга қараганда яхши биларди. Бу назария эса ижтимоий тараққиёт айрим индивидларнинг ирода ва ҳаракатлари билан эмас, балки омма кучи билан бўлади, деб таълим беради. Ленин текстда ўз шахсига алоқадор жойларни олиб ташлаш билан бениҳоя камтарин эканлигини яна бир марта намоиш этди.



Япониялик мухбирлар Кремлга битта машинада келишган, Ленин кабинетида ҳам ёнма-ён ўтиришган.

Накахира текстдан Фусэни олиб ташлаган. У ҳам ҳақини кеткизмай ҳамкасабасининг номини тилга олмаган. Икковлари бирга келиб, ёнма-ён ўтиришиб, бир эшикдан чиқиб кетган бўлишларига қарамай ҳисоботларда ҳам, репортажларда ҳам, китобларда ҳам бирор жойда бир-бирларининг номларини тилга олишмаган. «Гўё ораларида қиш шамоли эсиб ўтгандай».

— Накахира-сан,— сўрадим мен,— ўшанда Фусэнинг номини нимага ўчириб ташловдингиз?

— Билмайман.

Шунда десангиз бирдан...

— Одатий рақобат,— таржимон Като-сан уй соҳиби эшитмасин, дегандай менга шивирлади.— Биздаги ахлоқдан хабарингиз йўқми?

Ҳа, бунга чиндан ҳам рақобат сабабчи эди! Муваффақиятни қайси аҳмоқ иккига тақсимлайди! Буржуа матбуотининг хизматкорлари бўлган япон мухбирлари унинг қонунларига амал қилган ҳолда иш тутгандилар-да. Уларнинг ҳар бири ўзи сенсанция қилишни хоҳларди. Бунда келишиб олган бўлишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунончи, кунни кўрсатиш масаласида. Масалан, сен учинчи июни, мен тўртинчи июни кўрсатаман, битта суҳбатдан иккитасини ясаймиз, ким билиб ўтирибди, деб.

Тажрибаси камроқ бўлган Накахира ҳар ҳолда ҳалолроқ экан. Ё бўлмаса, Фусэнинг номини чиқариб ташлашга вақти етишмаган. Унинг текстида ёнида шериги борлиги англашилиб туради. Масалан, «бизни Ленин томонидан қабул қилишимиз»... «биз жавоб бердик»... «бизни қадрдон дўстларидай қабул қилди»... ва ҳоказоларда бу нарса сезилиб туради.

Фусэ бу борада соддадил ҳамкасабасини ортда қолдириб, лақиллатиб кетгани ҳам аён кўриниб туради. Биз унинг кетиш тараддудида эканлиги, жўнайдиған кунини белгилаб юрганини биламиз. 3 июнда (эҳтимол учрашувдан олдин, эрталаб, балки ундан кейин) Москвадан Японияга жўнашга «мандат» олган, унда «Ташқи Ишлар бўйича халқ комиссариати барча маъмурлар ва муассасаларга гражданин Фусэга ҳеч қанақа тўсиқ бўлмасликлари»ни тайинлаганди. Бунақа ҳужжат Накахирага 25 майдаёқ ёзиб берилганди.

Вазият бирдан ўзгариб қолганидан кейин чапдаст мухбир бунақа омад ҳаётда бир марта келиши мумкинлигини зумда сизди. Олдинда шон-шухрат, катта гонорар, китоб, мартаба ўзини кўрсата бошлаганди. У, яқиндагина ўзи силаб-сийпаб юрган Накахирани унутди қўйди. Бироқ уни сира кўздан қочирмади, ҳушёрлигини бўшаштирмади. У инглиз ва рус тилларини яхши билганидан алоқа каналларидан мунтазам фойдаланарди. Шунинг учун ҳам унга Японияга телеграммалар жўнатиб туриши осон эди. У 5 июнда Москвадан йўлга чиқади. Ватанига қайтиб келганидан кейин илгаригидай Накахирани кўздан йўқотмаган ҳолда рус репортажларини ёзишга киришади.

Кунларнинг бирида бу мамлакатдаги энг йирик ноширлар ва муҳаррирлар ассоциациясининг журналистларга мўлжалланган ўзига хос номус кодекси қўлимга тушиб қолди.

Кодексда ифода этилган нарсалар япон матбуотининг реал воқеликдан қанчалар йироқлигини айтмайсизми. Япон матбуоти халқ манфаатларига алоқадор бўлмаган сиёсий мақсадлар ва вазифаларга хизмат қилади, ижтимоий ва иқтисодий муаммолардан кўз юмади, халқнинг эҳтиёж ва орзуларидан талмовсирайди, ҳаётни қинғир кўзгуда акс

эттиради. Буржуа журналистлари газета саҳифаларини капиталистлар ҳаётига оид янгиликлар, полиция ахборотлари, зодагонларнинг тўйлари, саёҳатлари, зиёфатларига оид нарсалар билан тўлдиради. Капиталистлар оламида сиёсий эътиқодлардан тортиб, порнографик ивюларгача сотилади, газеталар эса бу савдо-сотикда намуна ролини бажардилар.

Намуна кодекси билан танишувдан олдин Москва—Токио маршрути бўйича, самолётда йўл босиб ўтгандим. Йўлимиз олис бўлганидан биз, уч журналист — «Правда»чи Олег Скалкин, «Новое время» журналининг муҳаррири Павел Наумов (ҳозир у АПН правлениеси раисининг биринчи ўринбосари) ва бу сатрлар муаллифи мамлакат бўйлаб қилажак сафаримизни муҳокама қилишга тушдик. Бу ерга келишдан мақсадларимиздан бири Япониянинг ўша пайтдаги бош министри Такзо Мики билан учрашув эди. Шунда кейин нима қиламиз, суҳбат ҳақида биргаликда ҳисобот ёзамизми ё ҳар биримиз алоҳида-алоҳида ёзамизми, деган масала ўртага тушиб қолди. Халқаро журналист ўртоқларим биринчи вариантни маъқул кўрдилар. Мен бунда улар юкмини энгил қилмоқчи эканликларини тушуниб турардим. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Мана ҳозирда эса ушбу сатрларни ёзаяпману гўё самимий ва дилдан севиб қолган ўртоқларимга нисбатан беадаблик қилгандай сезаяпман ўзимни. Гўё совет журналистлари виждонли одамлар, деган фикрни тасдиқламоқчидай бўлаяпман.

Биз сал бўлмаса чалғиб кетаёздик. Япон журналистлари Ленин билан фақат бир марта суҳбатлашганларига комил ишонч ҳосил қилмоқ учун мен интервьюнинг иккаласини ҳам солиштириб чиқдим. Икковида ҳам Япония билан Совет Россиясининг муносабатлари, бунда Лениннинг ташаббускор бўлгани, Узоқ Шарқ давлати, Япониядаги ер ва синфий муносабатлар, оиладаги бола тарбияси, Антанта давлатлари таклифларининг «тинч» характери, Шарқ уйғониши, электрлаштириш ҳақида гап кетади. Буларнинг бари иккала материални бир-бирига ўхшатиб туради. Бироқ тафовут ҳам учрайди. Бу аввало интервьюларнинг шаклида кўзга ташланади. Накахира материални суҳбат ҳақидаги ҳикоя тарзида ёзган. Фусэ эса анъанавий шаклдаги савол-жавоб тарзида тузган. Накахираининг материалда революцион ҳаракат тарихи, Эстония билан сулҳ шартномаси ҳам тилга олинганди.

Шундай бўлса ҳам Ленинга қанақа саволлар берилганди? Улар қанча эди? Ленин уларнинг ҳаммасига жавоб қайтарганми? «Ленин ва Шарқ» тўпламида: «Фусэ саволлари ёзилган қоғозни олишга шошилди» деган сатр бор... Шу сатр мени тўхтатиб қўйди. Саволлари ёзилган қоғоз? Ахир у кўп сирларни очиб берадиган калитнинг ўзи-ку! Бироқ... бу қоғозни қайдан топиб бўлади?

Шунда бирдан омадим келиб қолса бўладими? У архивда бемалол ётган экан. Машилкада босилган. Тепасида қаламда ёзилган: «3/VI—20 йилда Фусэ ўртоқ Ленинга берган саволлар (қисман)» деган сўзлар бор.

Шундан кейин олти пунктдан иборат саволлар келади:

1. Япониядаги ишчилар ҳаракатига қандай қарайсиз.
2. Совет ҳокимиятининг яқин келажакдаги вазифалари.
3. Шаҳар пролетариати билан деҳқонларнинг мавжуд ўзаро алоқаларини қандай тасаввур этасиз.
4. Япон халқига истакларингиз.
5. Қоммунизм қаерда кўпроқ ривожлана олади — Фарбдами ё Шарқдами?
6. Социалистик ва буржуа мамлакатларининг яхши қўшничилик муносабатлари қанақа бўлади.

Фусэ саволларни машинкада ёзиб, иккинчи нусхасини ўзига олган-у биринчи нусхасини Ташқи ишлар комиссариатининг шарқ бўлимига топширгани эҳтимолдан холи эмас. У ердан танишиб турмоғи учун Ленинга берилган ёки суҳбат пайтида топширилган бўлса керак. Суҳбат тугагандан кейин Вознесенский қоғозни олиб кетиб, қалам билан тегишли ёзувни ёзиб, архивга топшириб юборган.

Олтита пунктдан Фусэ интервьюда ярми — иккинчи, бешинчи ва олтинчи саволлардан фойдаланилган. Қолганлари-чи? Улар суҳбат пайтида доҳийга берилганми? Қоғоздаги ёзувда саволларнинг «бир қисми» дейилган. Бу нечта, учтами ё кўпроқми? Кўпроқ бўлса уларга жавоблар, айниқса биринчи ва тўртинчи саволларга жавоблар «даҳшатли» материал саналиши турган гап бўлиб, Фусэ довиораклигига ҳам қарамай тез орада ватанига қайтишини ўйлаб ҳарбий цензорнинг жигига тегмасликни ўйлаб қолган бўлса керак.

Аниқлик киритилиши лозим бўлган охириги савол қолди. Ленин Накахира билан Фусэни қачон қабул қилган? Бунга учинчи июнда, деб жавоб қиламиз. Буни исботловчи аниқ ва равшан далиллар ҳозирча етарлидир. Накахиранинг қаламига мансуб бўлган интервьюнинг биринчи абзацда 3 июнь кўрсатилган. Бу бир. Кремль комендатурасига рўхсатнома берилиши сўраб ёзилган қоғозда ҳам шу сана бор. Бу икки. Фусэнинг саволлари ёзилган қоғозда ҳам шу кун ёзилган. Бу уч. Фусэга «Москвадан Японияга кетиши учун» берилган мандатда ҳам шу кун кўрсатилган. Буниси тўрт. Мабодо тўртинчи июнь борасида гап кетгудай бўлса Фусэ ўша куннинг ўзида:

а) Ленин билан учрашиб суҳбат қуриш; б) масъулиятли материал ёзиш (очиғини айтадиган бўлсак материал яхши ва сифатли ёзилган); в) уни редакцияга юбориш; г) Вознесенскийга кўмаклашгани учун миннатдорчилик билдириб хат ёзиш; д) эртасига, яъни 5 июнда Москвада жўнаб кетиш учун қолган ҳужжатларни расмийлаштириш; е) олис йўлга тайёргарлик кўришга сира ҳам улгурмаган бўларди.

Ниҳоят, бешинчи далил. Бу жуда янги штрих. Биохрониканинг саккизинчи томида, 617 бетда қисқагина ёзув бор: «3 июндан кеч эмас. Ленин стол календарининг 1920 йил 3 июнь варағига: В. 4 1/2 «trio» Мен календардаги ёзув ўша учрашувга алоқадор эмасмикин, деб ўйлайман. Чунки жуда кўп нарсалар тўғри келаяпти. «3 июнь» — тушунарли. „NB“ — Ленин тили билан айтганда ўта муҳим, ўта зарур, ўта керак, дегани. Чиндан ҳам шундай, японларни ўша куни қабул қилмаса бўлмасди. «4 1/2» — бу учрашувнинг кўзланган пайти. Накахира ҳам тушдан кейин учрашганларини материалида кўрсатганди. „trio“ га келганда эса улар Фусэ, Накахира ва Вознесенский бўлса керак (афсуски, Харламов бунга сиғмайди), қайтараман, буларнинг бари тахмин. Бироқ жони бор тахмин.

Ленин берган интервью чиққан газета сонини кўргим келиб қолди. Бунда Накахиранинг ёрдами тегмасмикин?

- Уэр,— ҳайрон бўлди у,— менимча бунинг сира ҳам иложи йўқ.
- Узингизда бирон нусха қолмаганми?
- Йўқ, албатта.

Шунга қарамасдан мен газетанинг ўша сонини топишга муваффақ бўлдим. У Токио архивларидан бирида бор экан. Газетанинг йиллар ўтиши билан сарғайиб кетган ва ҳилвираб турган саҳифаларини варақлайман. Накахиранинг корреспонденцияси саҳифанинг энг фахрли жойида, чапда, учинчи ва тўртинчи устунларда берилган. Ҳажми катта эмас — тўқсон тўққиз сатр. Унга «Ленин билан суҳбат» деб сарлавҳа қўйилган, қуйида, иероглифларни ўз ичига олган тўрт бурчак бўлиб,

ичида «Москвадаги мухбир Накахирадан 6 июнда Пекин орқали олинди», дейилган.

Мен бу газета саҳифасини олиб кетмоқчи бўлдим. Бироқ иложини қилолмасдан унинг фотонусхаси билан қаноатландим. Накахира ундаги мақола ва хабарлар устига каттагина қилиб имзо чекди. Бу бир рамзий нарсга бўлди. Саҳифаларда мингларча иероглиф бўлса ҳам унда Ленинга дахлдорлари барҳаёт эди.

Ленинга дахлдор бўлган нарсаларнинг бари биз учун азиз ва қадрлидир!

ХIII

11 июнда Накахира тушган поезд Москва вокзали перронидан йўлга чиқди.

«Вагон деразасидан Москванинг орқада қолиб бораётган манзараларига тикиларканман, бу ерда бутун бир йил яшаганим, хурсанд бўлиб, қийинчиликлар тортганимни ҳам ўйладим. Шунда ноғиҳон кўзларимга ёш келди-да, ўзимча:

— Кўришгунча хайр, Москва!»— дедим.

Бу сўзлар Накахиранинг ўттиз тўртинчи репортажидан олинган бўлиб, репортаж ҳам: «Кўришгунча хайр, Москва!» деб аталади. У Москва билан қайтиб кўришолмади. Шу важдан репортажга: «Алвидо, Москва!» сарлавҳаси мосроқ келарди.

Накахира Шарқ томон кетаверсин. Биз бўлсак «Осака Асахи» ўқувчилари кўлига тушган ўша июнь кунини хаёлан кўз олдимизга келтирайлик. Газетадан босмахона бўёқларининг ҳиди келиб, варақлаганда чиройли шилдираб турибди.

Ўша кун қандай эди?

Июнь ойининг ўн учинчиси эди. У дим ва намхуш кун бўлса ажаб эмас, нега деганда ёмғир мавсумидан кейин Японияда доимо шунақа бўлади. Газетадан куннинг неча соатга чўзилиши, қуёш қачон чиқишию ботишини, шаҳарнинг номдор кишиларидан ким-кимга унашиб, тўй қилаётгани, банклардаги катта ўғирликлар, дзюдо ғолиблари, мода, миллий таомлар бобидаги янгиликлар, «шаҳар ва жамоат хизматчилари» эрталаб идораларга кетишаётиб нималар борасида гурунглашганларини биллиб олса бўларди. Бироқ бу хабарларнинг кимга ҳам кераги бор?

Ўша кун Иодо дарёси қуйилишида, Ички Япон денгизи паст текслигида жойлашган ва одамлари иштаҳаларининг яхшилиги билан машҳур бўлган (шундай нақл юради) Осака қандай манзара касб этганди?

Ҳар ҳолда ўша кун бошқача бўлганди. У кечаги кунга ҳам, эртанги кунга ҳам ўхшамасди.

Япония Венециясининг (Осакани шундай ҳам аташади) кўчаларида газета сотадиган болалар тиним билмай учишар, одамларга газета дасталарини улашишаркан:

— Ленин! Ленин! Ленин!— деб ҳайқиришарди.

Ҳа, шундай. Бугун болалар ҳар қанча югуришса ва ҳайқиришса арзирди. Болалар ҳам ўзларини сира аяшмас, кўчаларни бошларига кўтаришарди:

Ленин билан суҳбат! Ленин билан суҳбат!

— Фақат «Осака Асахи симбун»да!

— Накахира-сан Кремлда бўлган! У ўзимизнинг шаҳардан! У Россиянинг бош комиссари билан гаплашибди!

— Ленин билан Накахира-сан — қадрдон дўстлар! Икковлари саке ва чой ичишибди! (Газета сотадиган болалар ёлғон қўшишса айб саналмас, чунки касбларида бу нарса керак бўларди).

— Ленин япон болаларини яхши кўраркан!

Шаҳардагилар тонг қолишди. Гўё ҳамма ақлдан озгандай эди.

Большевиклар Россиясининг раҳбари номи барчага таниш эди. Бу ном уч йилдан бери газеталарнинг биринчи бетларидан тушмай келарди. Бирок у ҳақда айтилмаган нарсалар қолмаган, қаёқдаги бўлмағур гаплар унга ёпиштириларди. Мана энди бу қизил қароқчи, москвалик диктатор, аёлларни умумлаштирувчи Ленин — газета саҳифасида мулойим ва самимий жилмайиб турибди. Ўзи ҳам япон деҳқонига ўхшаб кетади, самимий кулади, кўзлари порлайди. У ўзини жуда камтарин тутаркан, самимий муомала қиларкан. Шаҳарларидан борган оддий японни самимий кўтиб олибди. Япон на таниқли ва на бадавлат одам экан. Илгари божхонада оддий ходим бўлиб ишлаган экан... Ушани ўзи билан баравар кўриб, ёнига ўтказибди.

Шу бўлиши мумкинми?

Ленин японияликдан Япониядаги оддий одамлар аҳволини, деҳқонларга ер, ундан чиқадиган ҳосил етиш-етмаслигини суриштирибди. Демак, Москва гарчи олис ва Ленин рус бўлса ҳам японларнинг эҳтиёжлари ва машаққатларидан хабардор экан-да. Бир коса гурунч не-не қийинчиликлар билан қўлга киритилишини биларкан-да. Япон ишчилари, балиқчилари, деҳқонларини «буюк, ажойиб халқ», дебди. Японияда эса зодагонлар уларни ҳайвондан олиб ҳайвонга солишади, қулвачча дейишади.

Сира ақл бовар қилмайдиган воқеа! Бунақасини қулоқ сира эшитмаган!

Япон солдатлари Сибирь билан Приморьени ишғол қилишган бўлса ҳам Ленин тинчлик ва дўстликда яшашни истаяпти. Ҳа, бунақа одам ёмон бераҳм бўлиши мумкин эмас. Унинг шаънига айтилган бўлмағур нарсаларнинг бари ёлғон. Ленин яхши ва ҳақгўй, халқ орасидан чиққан ўзимизбоп одам. Советлар ҳам яхши, камбағалпарварлар ҳоқимияти.

Япониядаги кулбаларда ана шунақа гаплар юрарди.

Саройлару қасрларда-чи?

Зодагонларнинг саройлари, самурайлар авлодларининг саройлари, буржуаларнинг ҳашамдор уйлари, банкирлар ва судхўрларнинг идоралари, ҳарбий штаблар, хуллас тахт ва монархиянинг таянчлари бўлган ҳамма жойларда Фудзи вулқони ўн тўққизинчи марта отилгандай бўлди. Икки ярим аср жим турган муқаддас тоғ яна олов пуркай бошланди. Довул туриб, қуюнлар бошланди.

У ердагилар Ленинни ўлгудай ёмон кўришарди. Шунинг учун ҳам улар жазавага тушганларидан оғизларини кўпиртириб:

— Ленин! Ленин! Ленин! — дейишарди.

Худоба ялиниб-ёлбориб Ленинни бир балога гирифтор қилишни сўрашарди. Совдепияни ҳам ўлгудай қарғашарди. Худобехабар большевиклардан ўзинг асра, уларни ёндир, нобуд қил, уларнинг бошлиғи бўлган Ленинни жаҳаннамга сол, дейишарди.

Саройдагиларнинг ғазаблари беҳад, ўзларини қайга уришни билмасдилар. Газетанинг ўша сони тезда мусодара қилинсин, тезда ўтда куйдирилсин, ахлоқ муҳаррир ишдан ҳайдалсин, цензор дорга тортил-

син ё бўлмаса қўлига ханжар беринглар қорнини ўзи ёриб ташласин, мухбирга келганда эса Советларга сотилган бу лаънати ёзмакаш ҳарбий судга берилиб, турмада чиритилсин, деб аюҳаннос солишарди. Дарвоқе, бу Накахиранинг ўзи ким экан? У қайдан пайдо бўлиб қолди? Нега хавфсизлик ташкилотида унга тегишли материаллар тўпланмаган? Ота-онаси ким? Уни топиб сўроқ қилиш, қамоққа олиш лозим!

Редакция ўша куни қамал қилинган қалъани эслатарди. Нисимура қочиб қўшни Киотодаги синто ибодатхонага яширинди. Қаёққа қараманг ибодатхона бўлганидан кейин уни топиб бўлармиди. Телефонлар ҳам совуқ тундаги бўрилардек тинимсиз увилларди. Телефон қилганлар бақириб-чақиривар, ходимларни сўкишар, тирик қолмайсанлар, деб дўқ уришарди. Редакция олдида бир гуруҳ чапанилар ғалва қилишарди. Ҳа, айтмоқчи бу гаплар Японияда бўлаяптими? Одамларнинг бир-бирларига илтифоти, ҳурмати, самимияти таърифи бугун оламга ёйилган жойда-я? Ё фашистларнинг ур-йиқитлари авжига минган ўттинчи йиллар Германиясида бўлаяптими?

Осакадаги Фудзи тоғи бамисоли олов сочар, зодагонлар жазавада эдилар. Буларнинг барига газета саҳифасида Ленин кўрингани сабабчи бўлганди.

Газетадаги иккита ингичкароқ устунда иероглифлар. Унда буюк доҳий айтган ва ёзган нарсалардан озгинагинаси келтирилган. «Бироқ энг митти юлдузни ҳам таёқ билан уриб тушириб бўлмайди».



«Ўтган йили майнинг бошларида жаноб Рё Накахира редакциямиз топшириғи билан ҳозирги дунёнинг сирли мамлакати бўлган ўзаро қиргин урушлари кетаётган Россияга йўл олган эди. Ушандан бери у бедарак кетди, биз унинг ўлик-тириклигини мутлақо билмасдик. Шу йилнинг август бошларида биз Мўғулистондаги Маимаитиндан: «Ахир чиқиб олишга муваффақ бўлдим» деган телеграмма олдик. Табиийки, биз жуда ҳурсанд бўлдик ва 19 августда «Мухбиримиз НАКАХИРАнинг ватанига қайтиши» деган бош мақола босдик. Унинг мазмуни эса қуйида келтирилади. Унда биз мухбиримизни хилма-хил машаққатларга қарамай эсон-омон етиб келгани билан табрикладик ва унда Россиянинг жамоат мутлақо беҳабар бўлган чинакам аҳволини баён этишни талаб қилдик.

Совет Россияси ҳақида матбуотда кўринган мақолаларнинг аксариятида воқеалар ё коммунистик дунёқараш нуқтаи назаридан ёритилар, ё туристларнинг қурама кузатувларини эслатар, ё бўлмаса кўз ўнгимиздаги майда фактлардан ҳикоя қилар ва келажак нуқтаи назаридан қаралган Россиянинг чинакам аҳволи ҳақида ҳеч қанақа тасаввур бермасди. Биз ўша фикрлардан бирортасига ҳам қўшилолмасдик. Бу айниқса Россияга қизиқишлари зўр бўлган инглизлар, америкаликлар ва французларга дахлдордир. Улар шунинг учун ҳам Россия баёнига киришганларида беихтиёр равишда ўз мамлакатларининг манфаатларидан келиб чиқадилар.

Биз эсак, биринчидан, Россиядаги ҳақиқий аҳволни билишни истаймиз. Иккинчидан, бизни рус халқининг Японияга қандай қараши қизиқтиради.

Мухбиримиз Накахирага келганда эса у коммунист ҳам, капиталистик идеологиянинг тарафдори ҳам эмас. Биз унинг вазиятга қараб ва шахсий манфаатини кўзлаб ёлғон гапирмаслигини биламиз. Унинг ўқувчиларга Россиядаги чинакам аҳволни тасвирлаб беришига ишонамиз. Бу иш эса ҳозирча европаликлардан бирортасининг ҳам қўлидан

келганича йўқ. Накахира бир йил мобайнида кўп нарсаларни бошидан кечирган бўлса ҳам кузатувларидаги бетарафликни йўқотмаган.

Халқимиз ҳозирда гангиб қолган, қўшниси — рус халқи билан қандай муомала қилишни билмайди. Бунга сабаб унинг чинакам Россияни, унинг тараққиёти истиқболини билмаслигидир. Мабодо мухбиримиз Накахиранинг кузатувлари Империямиз давлат сиёсатини вужудга келтиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилса ўзимизни беҳад бахтиёр деб биламиз».

Накахира қаламига мансуб бўлган «Қизил Россияда бир йил» китоби у ватанига қайтганидан кейин «Осака Асахи» ва «Токио Асахи» газеталарида бостирган 59 репортаждан ташкил топган. Буларда ўзининг кузатишлари асосида Россия воқелигини акс эттиради. У ўқувчиларни ишчи-деҳқон ҳукуматининг ташкилотлари, муассасалари, Ленин, Луначарский ва бошқа ўзи жиддий равишда ўрганиб, яхшилаб билиб олган арбобларнинг қарашлари билан таништиради. Аини пайтда у ҳушёрлик билан таҳлил юритиб, Россияни танқидий равишда тасвирлайдики, бу кишида қаноат ҳосил қилади.

«Жаноб Накахира ўзининг газеталарда босилган мақолаларини тўлдириб, «Қизил Россияда бир йил» китобини яратди. Биз унинг китоби ажнабий муаллифларнинг китобларидан қолишмаслигини эътироф этамиз ва ҳозирги замон Россиясининг тўла манзараларини кўрсатиб берувчи бу асарни мутолаа қилувчилар дунёсига тавсия қилишдан хурсандмиз. 1920 йил, декабрь».

XIV

Япония ҳали Лениннинг асарлари билан таниш эмасди. Олисдаги Америкада, Нью-Йоркнинг сокин квартираларидан бирида, ватанидан 1914 йилдаёқ қувғин бўлган Сэн Катаяма саҳифаларни нероглифларга бирма-бир тўлдирмоқда эди. У «Давлат ва революция» асарини япон тилига таржима қиларди. Бу Лениннинг япон тилига таржима қилинаётган биринчи йирик асари эди.

У пайтда Японияда Коммунистик партия тузилмаган (у икки йил кейин вужудга келганди), ишчилар пролетар гимни бўлган «Интернационал»ни (улар бунини рус революциясининг беш йиллиги нишонланганда кўйлашганди) айтишмасди. Янги даврнинг 1926 йили календарларда пайдо бўлгунча анча-мунча вақт ўтди. Бу алоҳида аҳамиятга эга бўлган йил эди. Бунда биз империянинг минг йиллик тарихида японча йил ҳисоби бўйича янги давр — Сёва (маърифат ва тинчлик) даври бошланиб, бир тирик худо нариги дунёга ҳижрат қилиб, ўрнини иккинчи худо — император Хирохито эгаллаганини айтмоқчи эмасмиз. Йигирма олтинчи йилнинг ўзига яраша аҳамияти бор. Японияда шу йилдан бошлаб ленинизмга кучли қизиқиш бошланди, у тараққийпарвар одамлар ва жамоат арбобларининг ҳукмрон мафқурасига айланди. «Денгиз тўлқинини қўл билан тўхтатиб бўлмайди», «Кучли момоқалдиروқни эшитмаслик иложи йўқ» деганларидай ленинизм ҳам кенг тарқала бошлади.

Манави рақамларга эътибор беринг. Улар Ямато заминида ленинизм ғоялари ғолибона таралгани ҳақидаги дostonдай таассурот қолдиради кишида: 1921—23 йилларда учтадан асар, 1924—6, 1926—15, 1927—51, 1928—49, 1930—45, 1931—39 асарлар нашр қилинди.

Японияда реакция даври бошланиб, марксистик адабиётни ошкора нашр қилиш мумкин бўлмай қолган 1932 йилгача Лениннинг барча асосий асарлари чоп этилганди. Шунинг учун ҳам энди фақат Осака эмас, бутун империя ларзада эди. Революцион ҳаракат кучга тўлиб

борарди. Император ҳокимияти зулми остида эзилаётган япон жамиятининг кенг табақалари жонли ҳаётбахш чашма янглиғ Ленинга интилдилар. Япон ишчиси, балиқчиси, фермери, зиёлисининг столида Октябрь доҳийсининг тўла асарлари тўплами турадиган кун ҳам етиб келди. Бу кун бирданига келмади, албатта. Аввал Япония ривожланиб, қудрат касб этди, буни афсонавий Дзимманинг бир юз йигирма уч авлодидан бирортаси ҳам орзу қилолмаганди. Жаҳоннинг саккиз бурчагини битта бошпана остига ололмаса ҳам ҳар ҳолда шунга яқинроқ келди, аҳолиси бир неча юз миллион келадиган мамлакатларни босиб олди. Шундан кейин императорнинг «муқаддас» армияси тарихда биринчи марта денгизда ва қуруқликда қаттиқ мағлубиятга учраб, мамлакат атом бомбасининг таъмини ҳам тотиб кўрди, ҳарбий ҳалокат қанақалигини ўзида синаб кўрди, қирқ бешинчи йилда микадо саройининг олдида ўрта асрларга хос бўлган ўзини ўзи ўлдиришлар (харакири) авжига чиқди.

Микадонинг ўзига нима бўлди? У ҳам кўрадиганини кўрди. У худо бўлиб туғилиб, ўсиб, худодай бошига тож кийганди. Мамлакатга ҳам худодай ҳукмронлик қилди. Шунда десангиз одам бўлишга, ҳамма қатори синалишга мажбур бўлди. У ўзининг худо эканлигини расмий равишда рад этиб, халқига инсон эканлигини эълон қилди. Бир куни, 1946 йилнинг қиш кунда уруш туфайли вайрон бўлган пойтахтида ўз фуқароларига рўпара бўлди. Одамлар уни кўрганда ўзларини ерга таппа ташлаш ўрнига тарбиясизлик қилиб тескари қараб кетардилар.

Худоликни йиғиштириб, давлат ишларидан ҳам четлатилган, бироқ куни битаёзган император деган унвони қолган Хирохитонинг ўзи яхши кўрган иши — биология билан шуғулланишдан бўлак иложи қолмади. Океанда яшовчи жониворларни ўрганиш билан шуғулланган бошқа яна бир подшоҳ бўлганми ё бўлмаганми — билмайман, бироқ японлар императори бу борада анча-мунча ишлар қилди. Ҳатто дурустгина китоблар ҳам ёзди. Бу китоблар жуда кўплаб нусхаларда, боплаб безатилган ва тилла суви берилган муқоваларда нашр этилган бўлиб, энг зўр китоб магазинларини безаб турибди. Бори шу. Сёва даври халққа бирор манфаат етказмади. У тарих шажарасига энг давомли давр бўлиб қиради, негаки бошланганига эллик тўрт йил бўлди-да.

Японлар шоирона қилиб «нилуфар ороллари» деб атайдиган ватанларига ўртоқ Лениннинг бақувват китоблари маърифат ва ҳақиқат олиб келди, озодлик ва инсонга муносиб ҳаёт йўлини кўрсатди. Унинг нуридан олтин хризантемалар билан безатилган япон императорининг уйдаги туғ ҳам хира тортиб қолди. Деҳқон ва ишчининг йигирманчи аср гениал меъмори бирлаштирган меҳнат қуроллари — ўроқ ва болга давримизнинг муқаддас рамзи бўлиб қолди.

Бу Ленин давридир.



— Накахира-сан, Ленин вафот этган 1924 йилнинг январиди қаерда эдингиз?

— Софияда эдим. Германияда, Швецияда уч йил ишлаганимдан кейин уйимни соғиниб, редакция рухсати билан дам олгани уйимга кетаётгандим. Редакция бунда менга йўл-йўлакай Болқон мамлакатларига, Туркияга кириб ўтишимни шарт қилиб қўйганди. Мен у ерлардаги аҳволга кўз ташлашим керак эди. Ушанда биринчи тўхтаган манзилим Булғория бўлди. Болқондаги бу кичик мамлакат яқиндагина каттагина халқ қўзғолони бўлганидан ўзини яхши ўнглаб ололмаганди, шунисини эслайман. Шунда десангиз бирдан Ленин вафот этди, деган хабар келиб қолди! Бу қайғули хабарни мен худди ўзимнинг шахсий мусибатимдай қабул қилдим. Москва, Кремль, барҳаёт Ленин кўз олдимдан

кетмасди. Ҳа, мен индамай туролмасдим. Уша куни, 21 январь кечқурун Осакага телеграмма жўнатдим.

Мен ўша телеграммани қидириб топдим. «Ишчи-деҳқон Россиясининг буюк дохийси Владимир Ильич Ульянов (Ленин унинг таҳаллу-си),— деб ёзганди Накахира,— хаста эди, бу ҳақда тахминан бурноғи йилдан бери хабар бериб туришарди. У японча ҳисоб билан айтганда эллик беш ёшида вафот этди. Волгадаги Симбирск шаҳрида дунёга келди. Отаси қишлоқ муаллими эди, ўзи эса туғма революционерга айланди. У еттига тўлганида (бу ерда ва бошқа баъзи жойларда ноаниқликлар учрайди: отаси вафот этганида Ленин ўн беш ёшда эди) отасидан айрилди. Кейин Қозон университетига ўқиб, юридик билимларни ўрганди. Акаси Александр Шлиссельбергга ҳалок бўлганида унинг чоризмга нафрати аланга олди... У. Петербургда «Ишчиларни озод қилиш союзи»ни ташкил қилди, бу унинг революцион ҳаракатдаги биринчи қадами бўлди. Ленин аввал Плеханов билан социал-демократлар партияси сафида бўлди. Бу партия кейин эътиқодлардаги тафовут туфайли большевиклар ва меньшевикларга ажралиб кетди. Ленин биринчи группа — большевикларга бошчилик қилди. 1917 йил мартада Керенский ҳокимиятни ўз қўлига олганида Ленин зудлик билан ватанига қайтди. Ноябрь ойида большевиклар, ниҳоят, ҳокимиятни ўз қўлларига олишга муваффақ бўлдилар. Бироқ коммунистик давлатни барпо қилиш осонликча бўлмади. Россия ташқи ва граждандар уруши туфайли яна очарчилик ва ҳалокатга тўқнаш келди. Ленин 1921 йилда янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириб Россияни асраб қолди. Эндиликда у Ишчи-деҳқонлар Россиясининг рамзи бўлиб қолди. Унинг партия ичидаги таъсири зўрлигини яқиндаги ички ихтилофлар натижасидан кўрса бўлади: ленинизмга амал қилувчи асосий группировка қарши чиққан оппозиция мағлубиятга учради ва ҳатто Троцкий ҳам истеъфога чиқиб кетишга мажбур бўлди... Шундай қилиб, Ленин ҳокимияти мустаҳкам бўлиб қолди. Революциядан кейин саккиз йил ўтди, бироқ Ишчи-деҳқонлар Россияси Ленин издошларининг интилишлари туфайли бундан буён ҳам соғ-саломат яшайверади».

«Осака Майнити»даги некролог ҳам худди шундай руҳда ёзилган: «Энг буюк инсон бўлган Ленин вафот этди. Биз ҳеч бир иккиланмасдан уни даҳо деб эътироф этамиз. Жаҳонда Ленин номи таниш бўлмаган биророрта ҳам жой йўқдир... У урушдан кейин етишиб чиққан машҳур қаҳрамон, юксак обрўли ягона инсондир. Ленин марксист сифатида Маркс назариясини ҳаётий шаклларда мужассамлаштирди, ривожлантирди, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай ҳаётга татбиқ этди».

Бу сатрлар муаллифи Россия бўйича мутахассис бўлган Кацуэдзи Фусэ бўлса ажаб эмас. Реакцион буржуа матбуоти органлари ҳам цензуранинг мудҳиш чеклашлари мавжудлигига қарамасдан ўша кунлари Ленин ҳақида зўр эҳтиром билан ёзилган материаллар беришганди.

Совет мамлакати буюк инсон тобути қаршисида мотам тутди. Япония эса шаҳзоданинг тўйига ҳозирлик кўрарди. Ушал оғир январь кунларида у ясан-тусан билан банд эди. Ҳокимият тепасида турган партия монархия тузумини қўллаб-қувватловчи ғояларни тарқатар ва алангалатарди. Шаҳзоданинг никоҳи жаҳонга, айниқса исёнкор Европага империяда осойишталик ва муҳаббат ҳукмронлигини халқи итоатгўй ва императорга содиқ, императорнинг эса фикри-зикри севимли халқида эканлигини бир кўрсатиб қўймоқчи эди. Хуллас, ҳаммаёқ тинч ва сокин, ҳеч қанақа ғалва йўқ, япон миллати жипслашган ва ягона, демократи эди.

Шунда Япониянинг Цуруга портида бир воқеа бўлиб қолди. Яна шаҳзоданинг тўйи арафасида-я! Портуда мачталарига мотамли қизил байроқлар осилган ижкита кема пайдо бўлди. Булар Совет Россиясига

қарашли «Кишинев» ва «Индигарка» кемалари эди. Вилоят губернатори бундан хабар олганида, самурай авлодидан бўлишига қарамай, қўрқувдан ва аламдан питирчилаб, ўлишига оз қолди. Беш ой муқаддам бўлиб ўтган бир воқеа кўзда ҳамон чўғол бўлиб турарди-да. Ушанда Совет Россияси Қанто райондаги зилзиладан зарар кўрган меҳнаткашларига озиқ-овқат ва дори-дармон ортган «Ленин» пароходини юборган эди. Ушанда губернатор уни ким юборди, ким илтимос қилибди, большевиклар садақасини олгандан кўра бир-икки минг тоқнолик ўлиб кетгани маъқул, деб роса бўлари бўлганди. Ҳукумат ҳам большевиклар пароходини Япония портларига киритмаслик ҳақида қарор қабул қилиб, губернаторнинг фикрича жуда тўғри иш қилганди.

Губнатор қафасдаги аждардай телбаланарди. «Йўқолсин, тезда йўқотилсин!», деб ўшқирарди у. «Нимани йўқотайлик, жаноби олийлари» ўтақаси ёрилиб кетган ходим губернатордан қўрқа-писа сўради. «Пароходларни йўқот, аҳмоқ, пароходларни! Лаънати большевикларга бомба ташла!» «Бунга ҳарбий бошлиққа топширинг, жаноби олийлари»,— деди ходим яна эгилиб-букилиб. «Аҳмоқ, пўнғбош аҳмоқ! Мен қандай қилиб бундай буйруқ бера оламан? Ғалва пайтида Сибирда мингларча солдат сақласак ҳам Совдепияни бир ёқлик қилолмадик-ку... Энди қўлимиздан нима келарди. Мотам байроқлари йўқотилсин, олиб ташлансин!» «Командалар полиция элагидан ўтказилсин! Кемалар тит-пит қилинсин! Бажаринглар! Ҳар ярим соатда ахборот бериб туринглар!»

«Кишинев» ва «Индигарка» пароходларига полиция, жандармерия, изқуварлар, божхона хизматчиларининг кучайтирилган нарядлари ёпирилишди. Бунга губернаторнинг шахсий вакили бошчилик қилди. Ҳаммаёқ алгов-далгов қилинди. Жандармлар билан полициячилар бирор нарса топамиз деб роса бир соат ҳаммаёқни кавлашди. Пароходларнинг командаларига соҳилга тушишга рухсат текканидан кейин ҳам полиция бошқармасида яна текширув бўлди. Совет матрослари ҳар қанча оғир бўлса ҳам ўзларини йўқотмадилар ва чидаш бердилар.

Кемаларнинг капитанларига шахзоданинг тўйи муносабати билан салют бериб, тегишли байроқларни илиш буюрилди. Бироқ капитанлар 27 январь, якшанба кунини Москвада доҳий дафн этилишини билишарди. Кемаларнинг командалари мотам митингига тўпланишди, унда нутқлар сўзланди. Кемалар вафот этган доҳий хотирасига чўзиқ гудок чалиб, салют бердилар. Чеккасига қора тутилган қизил байроқчалар мачталарда ҳиллираб турарди. Оркестрдаги музикачилар «Интернационал»ни ижро этдилар. Губнатор бундан ўлгудай дарғазаб, жандармлар, полициячилар, изқуварлар, божхона хизматчилари совет денгизчиларига ҳамдардлик билдиргани келган ҳалойиқни тарқатолмай гаранг эдилар. Ҳа, жаҳон пролетариатининг доҳийси Ленин вафоти Япония меҳнаткашларини ҳам ларзага солганди.

12 февралда Совет ҳукумати номига қуйидаги телеграмма келди:

«СССРдаги ишчи ўртоқларга. Япония Меҳнат умумфедерациясининг XIII йиллик конгресси пролетариат озодлигининг энг буюк курашчиси, жаҳон тарихидаги биринчи пролетар давлатининг асосчиси ўртоқ Ленин вафоти муносабати билан барча совет ишчиларига чуқур таъзия билдиради. Ўртоқ Лениннинг асарлари ва таъсири дунёнинг барча мамлакатларидаги ҳанузгача капитализмнинг темир исканжасида бўлган мингларча миллион меҳнаткашларни доимо илҳомлантиради ва раҳнамолик қилади».

Яна мисоллар келтиришни истардигу, бироқ бундай мисоллар таърихий адабиётимизда озлигини таассуфланмай эътироф қилмасликнинг иложи йўқ. Мана ярим асрдан ортиқдирки, маълум фактлар нашрлардан нашрларга кўчиб юрибди. Булар «Ишчилар, қизил ёшлар ва қишлоқ

хўжалик федерацияси»дан Пекиндаги Совет мухтор вакили номига келган телеграмма ва биз юқорида келтирган таъзиядир. Бу иккала ҳужжат ҳам бебаҳодир, албатта. Шунинг билан бирга таниқли японшунос П. П. Топеханинг қуйидаги сўзларида асос борлигини айтиб ўтиш керак. «Бундай телеграммалар,— деб ёзган эди у,— япон ишчилари, зиёдчилари, ёшлари ва аҳолининг бошқа табақаларидан ҳам келганди».

— Нахахира-сан, тақдирингиз кейин қандай бўлди?

— Ҳаёт шамоли инсонга бўйсунмайди. Журналистга ҳам. Мен турли мамлакат ва қитъаларда кўп юрдим. Ишладим, ёздим. Бироқ ишим бирдан орқага кетди. 1931 йилда редакциядаги ўнг унсурлар билан тўқнашиб қолиб, ишдан кетдим. Мамлакатда қора реакция ҳукмронлиги йиллари бошланди, ҳарбийлар ҳукмронлиги ошди. «Япон руҳи» деб аталмиш қўпол милитаристик шовинизм, феодал инквизицияси, ижтимоий шавкат даражасига кўтарилган самурай фанатизми тарғиб этила бошлади. «Озодлик», «тенглик», «демократия», «ҳақиқат», «социализм» деган сўзларни ишлатиш ҳам таҳликали бўлиб қолди. Манжуриядаги Жанубий Манжурия темир йўл тадқиқот институтининг шимол (рус) бўлимига ишга жўнаб кетдим. Кейин Пекингга бориб қолдим. Япония урушда енгилганидан сўнг уйимга қайтиб келдим. Миллат фожиаси миллионлаб кишиларнинг шахсий фожиасига айланди. Мен ҳам кўпчилик қаторида эдим. Бутун умидларим барбод бўлди. Хотинимнинг юрти бўлган Вакаяма префектурасига кўчиб кетдим. «Асахи»нинг Москвадаги собиқ мухбири деҳқон бўлди. 1952 йилда Токиога қайтиб келдим.

— Ҳозир нима билан бандсиз?

— Ишлайман.

— Қанақасига ишлайсиз!?— мен мўйсафиднинг чуваккина жусасига тикиларкан, ўзимни босолмай қийқириб юбордим.

— Саксон бешга кирган бўлсам ҳам ишлайман. Қурилиш районида никоён, яъни ишчиман. Чуқур қазийман, қопда тупроқ ташийман, кўчат ўтказаман.

— Шунча ёшга кирганингизда ишлашга сизни нима мажбур қиляпти?

— Тирикчилик. Ейиш-ичиш, кийиниш зарурияти. Самы билан ўртада боламиз йўқ. Бизни ким боқарди?

— Сизнинг ёшингиздаги одамлар Совет Иттифоқида камида чорак асрдан бери давлатдан пенсия олиб келаётганларидан хабарингиз борми?

— Биламан, бироқ бу худди эртақдагидай эшитилади. Капитализмда кекса киши — ортиқча одамдир. Кўчада ўлсанг ҳам биров ёрдам қўлини чўзмайди.

— Тўқсонга яқинлашиб қолганингизда тупроқ ташиш ҳар қалай оғирмасми?

— Албатта енгил эмас. Бироқ мен ўрганиб кетганман, энди, айтганларидай, соябонимдаги қорнинг оғирлигини ҳам унчалик вазмин билмайман. Уйдан барвақт чиқаман. Ўзим билан озгина гурунч ва бошқа емиш оламан. Мен жисмоний меҳнатни севаман ва қадрлайман. Биринчи марта у билан Москвадаги қизил шанбалыкда шуғуллангандим. Ишчига бир кунда икки марта танаффус беришади, ҳар бири ярим соатдан, бири тушгача, иккинчиси тушдан кейин. Бу менга жуда мос келади. Тезда тамадди қилиб оламан-да, қолган вақтимни уйдан олиб келган китобни ўқишга сарфлайман.

— Синчковлингим учун узр, сизга қанча ҳақ тўлашади?

— Ойига олтмиш минг иен. Бу анчагина озроқ маош.

— Мен магазиндаги нарсаларни кўргандим, улар арзон эмас.

— Ҳа, нарх-наво ипподромдаги отлардай сапчиб турибди. Бир жой-

да тутиб бўлмайди. Магазинларда нарсалар тиқилиб ётибди, бироқ бир-икки ой ўтмасданоқ уларнинг нархлари ёзилган қоғозлари ўзгариб қолади. Қампирим икковимиз озига қаноат қилишга ўрганиб қолганмиз. Мана, уйимизни кўринг. Ундаги ҳамма нарса эски, ўзимизга ўхшаб ги-жирлаб қолган. Оч қолмаймиз, албатта, жиндай жамғармамиз ҳам бор. Уни ёмон кунга атаб қўйганмиз. Озуқа маҳсулотларидан бўлак нарса харид қилмаймиз.

— «Асахи» редакциясидан келиб туришадими?

— Йўқ.

— Мен унинг бош муҳаррири билан учрашишим керак. Унга айт-диган гапингиз йўқми?

— Ташаккур, ҳеч нима керак эмас.

— Япон журналистлари, умуман сизни йўқлаб туришадими?

— Бундан ўн-ўн бир йил илгари интервью олишганди.

— Нега ўша пайтда олишувди?

— Сизнинг революциянгизга эллик йил тўлувди.

— Ушанда нима ҳақда суриштиришувди?

— Ленин ҳақида.

— Яна нималарни?

— Бошқа ҳеч нимани сўрашмади.

— Ўзингиз Совет Россиясидан кейинги ҳаётингиз ҳақида сўзлаб бермадингизми?

— Гапириб бердим, бироқ бир сатриниям чиқаришмади. Ҳаётим-нинг кимга ҳам кераги бор, дейсиз.

Мен бари бир ўзимни босиб туrolмадим.

Эртаси куни «Асахи» редакциясига борганимда бош муҳаррир жаноб Хатага (дарвоқе у ҳам бу газетанинг Москвадаги собиқ мухбири) Накахира билан учрашганимни айтдим. Бунга у нима деркин, деб кутиб турдим. Хата эса пинагини бузмай: «Накахира? Ким экан бу Накахира?» — деб сўради. Жавобимни эшитгандан кейин чўнтагидан ён дафт-тарчасини олиб нималарнидир ёзиб қўйди.

Мен бўлсам бўш келмай бу борада одамларнинг фикрини тўпла-моқчи бўлдим. Японияда Накахира фамилияли кишини билиш-билмас-ликларини аниқлашга киришдим. Токиода, Канадзавада, Нагояда, Хи-росимада, Нагасакида, Нигатада фурсат келиб қолганда журналист-лар, университет профессорлари, вилоят ва шаҳарларнинг мартабали одамларидан «Япония—Совет» жамиятининг активларидан суриштир-дим. Киотода «Асахи»нинг ёшгина, бақалоқ, гирди шоҳдан ясалган кўз-ойнак таққан, галстукли, оппоқ кўйлаги терга пишиб кетган ва мени сал бўлмаса қадимий ибодатхонанинг руҳонийси билан қучоқлаштириб суратга туширишга ҳаракат қилган мухбиридан, Наканода қўшни уйда истиқомат қилувчилардан сўрадим. Бақалоқ журналист ҳам, унинг ҳам-касблари ҳам, олимлар ҳам — хуллас Японияда бирорта ҳам кимса Накахирани билмас экан.

— Накахира-сан, биздагилар тили билан айтганда ёшлигингизни бир эслаб, яна бир Россияга борсангиз бўлмайдими? Ҳозир сизни йўл-дан қайтарадиганлар топилмаса керак. Россия ҳозир қанақа бўлиб кет-ганини кўриб, уни илгариги, ўзингиз кўрган Россия билан муқояса қи-лардингиз. Владивостокда тезюрар экспрессга ўтирсангиз ҳам бўлади, у сизни Сибирь, Урал, Волга бўйи... илгарилари ўзингиз юрган йўллар-дан Москвага элтиб қўяди. Ажойиб саёҳат қилиб, бундан жуда катта завқ олардингиз. Янги дунёни кўрардингиз. Мамлакат ҳам, одамлар ҳам ҳозирда жуда бошқача бўлиб кетишган. Вақтни тежаб, Токиодан Москвага самолётда учса ҳам бўлади.

— Чиройли, жуда чиройли таклиф. Сиз дуруст агитатор экансиз. Бундан кўп йил олдин Харин-сан фамилияли киши тўсатдан уйимга

келиб Осакага боришни таклиф қилди. У ерда кўргазма бор экан. Икковимиз бордик. Совет павильонида айланиб юриб, у ердаги нарсаларни кўрганимда ҳайратда қолдим. Уларнинг қиёси йўқ. Бари жуда улугворлиги эсимда қолган. Чиндан ҳам янги дунё. Совет Иттифоқиға сафарга келганда эса таклифингиз учун раҳмат. Ҳозир қандай қилиб сафарга чиқаман дейсиз. Гарчи яхши отнинг тушига қариганида ҳам катта доvonлар киради, деган гап бўлса-да, энди бефойда. Менинг гулим тўкилиб битган.

— Шунда ҳам ўйлаб кўринг. Москва, Кремль, Ленин кабинетини ҳеч бўлмаса телевизорда кўрганмисиз?

— Москвани кўрганман, Лениннинг кабинетини эса кўрмаганман. Наҳотки, у сақланган бўлса?

— У миллий ифтихоримиз сифатида асли ҳолича сақланган. Стол ҳам, стуллар ҳам, бошқа жиҳозлари ҳам илгари қандай бўлса шундайлигича турибди.

— Ажойиб, ажойиб!

— Накахира-сан, совет кишиларига нима тилагингиз бор?

— Ен дафтарингиз билан ручкангизни берсангиз.

Мўйсафид суҳбатдошим гижирлаб турган столчага эгилди. Кўзойнак тақмади. У бурнини торта-торта русча сўзларни шошилмай, ҳафсала билан ёзарди. Қўли бир-икки сония тўхтаб, қоғоз узра қотиб қолади. Шунда юзидаги ажинлари қуюқлашади. Сўнгра ручкани яна қимирлата бошлайди.

— Додзо, илтимос, шуни босиб чиқаринг,— Накахира шундай дея ён дафтарчани менга узатди. Мен ундаги сўзларни ўқидим:

«СССР халқларига. Сизларга бахтли ҳаёт тилайман. 1977 йил, 31 июль. Р. Накахира».

Мен тонг отар-отмас тураман. Одатим шунақа. Бу пайтда уйимдагилар ухлашаётган бўлади, шунинг учун хаёлларим чегараси олисолисларга учади. Езув столимга ўтираман. Қўлимга япон газетасининг фотонусхасини оламан.

Бу ўша, июнь сони...

Иероглифлардан иборат ёзувларга кўз ташлайман. Е тавба, одамлар бу сирли ёзувни қандай ўқишаркин-а! Иероглифлар таёқчалар, чизикчалар, думчалар, бутчаларга ўхшайди. Баъзи бирлари қадимий китоблардаги жимжималарнинг ўзи.

Жовондан луғатни оламан, саҳифаларга кўз ташлайман. Иероглифларни сўзларга солиштираман. Шунда десангиз мўъжиза юз беради ҳисоб. Бояги таёқча, бутча, чизикчага ўхшаган иероглифлар аранг илғанадиган даражада ҳаракатга келгандай бўлиб, таниш шакллар касб этиб, ҳарфлар шаклида сафга тизила бошлайди. Ниҳоят сўз ҳам ҳосил бўлади!

Бу ўлмас сўз ўзига давр, олам ва башариятни жо қилгандир. Гўё буни кутиб тургандай деразадан қуёш нури тушди. У ялтирар, ярқирар, камалакнинг етти рангида товланарди. Арбатдаги эски уйларнинг томларини ярқиратиб, Моссовет биноси устидаги байроқни чўғлантиради. Байроқ янги нурафшон кунининг соҳиби сифатида пойтахт устида ҳукмрон эди.

Мен ўқиган ўлмас сўз эса, «Ленин» эди.

Константин Тенякшев



Русчадан Ҳ. НИЕЗОВ таржимаси.

ҲИССА¹

— Хат бор-йўғи ишора, у олинган. Албатта. Тўғри, анча кейин, йигирманчи июнда, Шеленбургнинг пўлат сандиғида, у якшанба куни тонготар пайтда Молотовга топширилиши лозим бўлган уруш эълон қилиш ҳақидаги нота тайёр турган пайтда олинди. Бу ҳарбий ҳаракатлар эрталаб соат тўртда бошланишини билардик, шунинг учун шундай вазият арафасида мамлакат бўйлаб ҳеч қанақа сафар хусусида ўйлолмадик. Ҳамма қаттиқ ҳаяжонда эди. Мен сени, Василийни, шубҳасиз, хотирладим, аммо салом ва бу ерда маълум вақтгача тўхтаб туришни илтимос қилишдан бошқа ҳеч нарса айтолмадим. Сиз билан «дўстим» орқали алоқа қилдим, ҳалиги, сеникига келиб турган бор-ку, ўша. Лекин шахсан эмас, балки ишончли одам орқали хабар олдим. Лекин ўша охириги сафар уни тополмадик. Худди сувга чўккандек тим-тирс бўлди-кетди.

— Демак, сиз бизнинг шу ерда қолишимизни истагансиз? — деб сўради Маргарита Францевна.

— Ҳа. Сени ҳам, Василийни ҳам.

¹ Охири. Боши журналнинг 11—12-сонларида.

— Билмадим, нима учун, лекин мен бунни сезгандим,— деди ҳижолатомуз тан олиб Маргарита Францевна.— Биз сизга керак бўлишимизни олдиндан сезгандим...

— Василийчи? Сенинг фаросатингга Василий қандай қаради?

— Жуда қизғин қувватлади. Тўғри, шошилиб уйга кетиб қолиб, поччамни ранжитиб қўймасмикинман, деган андишага борди.

— Қара-я, Василийнинг ўз қариндошларига бундай муносабатда бўлишини билиб ҳузур қилдим. Унда қон туйғуси кучли.

— У немис.

— Сен уни жуда соф бўёқлар билан суратлантиряпсан. Деярли идеал портрет.

— Яхши кўрадиган хола шунақа бўлади — ёмонини яширади, яхшисини оширади. Албатта, Василий, идеал киши эмас. Унинг камчилик — нуқсонлари бор. Лекин у кимда йўқ, беайб — парвардигор деган.

— Камчиликдан камчиликнинг фарқи бор,— деди Штиллер.

— Ҳақ гап,— дея рози бўлди Маргарита Францевна.— Василийнинг камчилиги, даставвал, ёшлиги. У соддадил, қувлик-шумликини билмайди. Қалласида ширин хаёллар тўлиб кетган. Бир куни иккаламиз ўтирибмиз, у шундай деб қолса бўлади: «Берлинни бир марта кўриш учун ҳеч нарсани аямасдим?» Ҳатто уни тушида кўрганмиш. Баъзан менадан: «Мен ҳақиқий немислар орасида яшашга арзийманми. Агар Берлинга бориб қолсам, Генрих поччам мени қабул қилармикан?» дейди.

— Хаёлпараст, дейсан-да,— деди Штиллер ўйланиб қолиб.

— Хаёлчан!..—

— Комендатурадагилар уни ишчан, серғайрат, ишнинг кўзини ўйловчи одам, дейишяпти.

Василий қайтиб келди, суҳбат, табиий, тўхтаб қолди. Тузланган бодринг билан помидор шундай хушбўй иштаҳани қитиқлайдиган ҳид таратиб юбордики, штандартенфюрер ҳамма нарсани унутди. Уларни бирин-кетин оғзига жўната бошлади, тишлардию, маза қилгандек мушукка ўхшаб афтини буриштирарди...

— Мана бундан ҳам бир татиб кўринг,— деди Василий Штиллернинг олдига каттакон кружкада тузланган бодринг сувини қўйиб.— Ичиб кўринг. Бу ичимликка фаришталарнинг ҳам ҳаваси келади.

— Бунни ичиб тарқатадиган кайфимиз бўлса экан,— дея кулди Штиллер.— Олдин маст бўлиш керак. Сен менинг эсимга ажойиб нарсани келтирдинг. Бу масалада баъзи бир нарсаларни ғамлаб қўйгандим.— Штиллер чамадонини очиб, ундан иккита тугунча олди: биттаси кичкина, бошқаси каттароқ. Бунда костюм учун бир кийимлик материал. Лекин муҳими бу эмас. У яна ўзининг катта чамадонини кавлаштирди-да, ундан икки шиша энг ҳақиқий «Наполеон»ни олди.

— Мен кўряпман, сизнинг программангиз жуда катта-ку,— деди Маргарита Францевна,— менинг эса хамирим етилиб қолди. Сизларни бу ерда қолдириб, ошхонага чиқиб кетаман, ўзларинг бир отамлашинглар.

— Пирогми? — дея қизиқиб сўради Штиллер.

— Пирог бўлганда қандоқ! — деди Василий, киприкларини сирли кўтариб.

Штиллер коньяк шишасини олди-да, тез ва билағонлик билан очди.

— Столга келиб ўтиринг,— дея у Василийни таклиф қилди.— Ҳаммаси сени мақтайди, қани кўрайлик-чи, амалда қайним қанақа экан.

Штиллер меъери билан ичишни биларди. Унинг ўзининг айтишича у ҳеч қачон, бу гапнинг умум истеъмолидаги маъносида, маст бўлиб қолган эмас. Спиртли ичимлик, аксинча, унинг ҳис-туйғуларини кескин-

лаштириб юборади. Тўғри, эртаси кун у маълум вақтгача ланж бўлиб, мутлақо касалга ўхшаб қоларди.

Шиша яримлагандан кейин Штиллер шошилмай Василийга савол бера бошлади:

— Комендатурада анчадан бери ишляяпсанми?

— Буюк Германия армияси қолгандан буён.

— Шварцманнинг бошчилигидами?

— Ҳа, мен комендатуранинг таржимони ҳисобланаман, лекин мени штурмбанфюрер Келлер ҳам ўз ишига жалб қилиб туради,— деб жавоб берди Василий, хавфсизлик хизмати ишларидан ўзининг бир қадар хабардор эканлигини шама қилиб.

— Шундай бўлса, менинг қадрдон қайним, партизанлар билан алоқадор немис капитани ҳақида сенинг фикрингни билиш мен учун қизиқарли бўлур эди. Яна иккинчи савол: шу пайтгача бу сотқинни қўлга туширишмаганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

— Немис капитани воқеаси, албатта, жуда кўнгилсиз ҳодиса...

Штиллер ўша онда Василийнинг гапини бўлди.

— Бу нафақат кўнгилсиз воқеа, бу фавқулодда ҳодиса, бундан фюрернинг атрофидагилар хабардор. Берлиндагилар Келлернинг сусткашлигидан норози, бу ҳам майли-я, баъзи ҳовлиқмалар, унинг бу ҳаракатида маълум ният бор, дейишяпти...

— Жудаям унчалик эмас,— деди Василий, ростакан жажли чиқиб.— Келлер ўша капитаннинг шахсини аниқлаш учун чора кўрди! Ҳатто жонини хатарга қўйди.

— Бу хатар нима билан ифодаланади?

— Чамаси партизанлар унга қарата ўқ узишган, лекин унинг бахтига теккиза олишмаган...

— Агар теккизишганида, ҳаммаси бир пул бўлиб қолар эди,— деди хунук тиржайиб Штиллер.— Штурмбанфюрернинг ўйиндан чиқиши немис капитани Келлернинг фантазияси, деб эълон қилишга имкон берган бўлар эди. Ҳозир эса, у ўйинда иштирок этипти, текширишни тўхтатиш мумкин эмас. Аксинча, афсонавий капитан билан янги-янги идоралар шуғуллана бошляптилар. Бу ерга қонунчилик ҳамда одил суд ҳомийси жаноб фон Гейнц келмоқчи.

— Ким у фон Гейнц? — дея қизиқиб сўради Золенбауэр:

— Гап шунда-да! Келлернинг бошига қандай бало келишини тушуниш учун «фон» деган мажбурий қўшимчаси бор Гейнцнинг кимлигини билиб олиш керак. Бу баджаҳл, пакана — бутун бир қатор ўлим ҳукми ёрдамида ашаддий орий деб ном чиқарган одам. Агар ишни Гейнцнинг ўзи олиб борадиган бўлса, натижа бутунлай аниқ бўла қолади. У юшатадиган ҳолатларни излаб ўзини қийнаб ўтирмайди.

Штиллер гапирар экан, қайнисини диққат билан кузатар, гапларини қандай тинглаётганини, хизмат билан боғлиқ махфий гапларни очиқ айтаётганига қандай муносабат билдираётганини назардан ўтказар эди. У қайнисининг ҳушёр тортганини, ҳаддан ташқари манфаатдорлигини илиб олаётгандек лаҳзалар бўлди, лекин бу ўткинчи нонаниқ сезги эди ва Штиллер оқибат-натижада бунга эътибор бермади. Қайф ҳам, ниҳоят мавзунинг ўткирлиги, қизиқувчанликни қўзғаш мумкин эди-да.

— Дим бўлиб кетди, боққа чиқсак қандай бўларкин? — деб таклиф қилди Генрих.— Маргарита олма-олхўриларини мақтаб ёзгани-ёзган, кўрмасам гуноҳ бўлар.

Улар пирог пишириш билан куйманиб юрган Маргарита Францевнани чалғитмаслик учун эшикни секин ёпиб, боққа чиқишди. Олмалар «мени узиб ол» дегандек етилиб пишган эди.

Бутоқларда оқ-сарик бўлиб етилган шигил меваларни тирговичлар аранг кўтариб турарди.

— Берлинда Келлер билан тез-тез учрашиб турган бўлсангиз керак? — деб сўради Золенбауэр.

— Келлерни мен биринчи бор кўришим,— деб жавоб берди Штиллер.— Лекин уни анча илгари орқаворатдан эшитиб юрдим. Бу унақа-мунақа одамлардан эмас. Василий! Унинг учун шундай кишилар ҳаракат қилишдики, сизу бизга ўхшаганларга бошқа пайтда қўл бериб сўрашмаган бўлар эди.

— Мен эшитдимки, унинг отаси йирик саноатчи эмиш.

— У яқинда ўлди. У чиндан ҳам бир неча миллион марка капиталга эга йирик саноатчи эди. У Америка ҳамда инглиз концерналари билан яқиндан алоқа қиларди. Иш энди Вилли — кичик Келлер қўлига ўтган.

— Ажойиб шахс бўлса керак?

— Сенга нима десам экан. Сиртдан совуқ, ҳатто бадбашара. Ориқ, ранглар, қовоғидан қор ёғадиган одам. Унга қарайсану, аллақандай дард уни ютиб юборяпти, деб ўйлайсан. Лекин оқил. Мен у билан гаплашганимда ҳузур қилдим.

— У билан қандай танишдингиз? — деб сўради Василий. У бу қулай фурсатдан фойдаланиб қолмоқчи бўлди: Курт Келлер билан таниш бўлмаган Штиллер қандай қилиб унинг укасининг калта оёғи бўлиб қолди — шуни аниқлаб олмоқчи бўлди.

Улар боғнинг топ-тоза қилиб супуриб қўйилган йўлкаларида сайр қилишди. Қуёш тезда пастга тушиб кетди: Бир соат ўтмасданоқ у дархтларнинг учига тегиб, дарров самода ғойиб бўлади. Қушларнинг чуғур-чуғури тинади, енгил шабадада шилдираб турган япроқлар жимиб қолади. Ҳамма нарса уйқуга чўмади.

— Қандай ҳаво! — деди ҳайратланиб Штиллер. Бу бензин дуди билан тўйинган Берлин ҳавоси эмас... Мени кечир. Сен мендан Вилли Келлер билан қандай танишганимни сўровдинг. Ҳеч қандай қилиб! Мен у билан таниш эмасдим.

— Ҳеч нима тушунмадим.

— Унда бир бошдан гапириб бераман.

Штиллер суҳбатдошини гапни айлантириб интизор қилишни яхши кўрарди. Унга яқин кишилар унинг бу хислатини яхши билишади ва сирлилик юзага чиққанда ўзларини ҳайрон қолганликка солишмасди. Василий бунга биринчи бор дуч келди, шунинг учун суҳбатнинг нишоби тўсатдан бошқа томонга бурилган пайтда, Штиллернинг назарида, у қотиб қолди. Штиллер кўнгилдагидек соддадил ҳамсуҳбат топганидан мамнун бўлди. Бу унга пишанг берди. Умуман у Маргарита Францевнанинг уйига тушганидан хурсанд эди. Бу ерда ўзини Берлиндагига қараганда анча хотиржамроқ ва бежавотирроқ ҳис қилди. Хизмат жойида, бутун улкан шаҳарда ҳам, ҳаммиша ҳушёр бўлиб туришинг керак, атрофиндагиларнинг ҳар иккитадан биттаси спортга қизиққанлиги учун, учинчиси ҳасад ҳисси билан керакли эрга бориб, устингдан чақимчилик қилиши мумкин. Генрих Штиллернинг эса, ҳасадгўйлари кўп эди. Париждан бебаҳо санъат асарларини олиб келганлиги, тезда хизмат поғонасининг юқорисига чиқиб олганлиги учун унга ҳасад қилишарди. У партизанларга, яширин ташкилотларга қарши Украина ҳамда Белоруссияда ўтказган бир неча операциялар уни ҳавфсизлик хизмати «рус бўлимнинг» омадли ходимлари қаторига кўтарганди. Омадсизлар эса, омадлиларни ҳаммиша кўролмайдилар.

— Диққат қилиб эшит. Бу сенга Курт Келлер билан тўғри муносабат ўрнатишингга ёрдам беради. Тўппа-тўғрисини айтаман, у бу ерда кўп турмайди... Бунинг ҳаммаси Келлернинг ўша немис капитани ҳа-

қидаги хабаридан бошланди. Шундай бўлганки, ўша капитан ёрдами билан рус самолётлари бизнинг танк қўшилмаларимизни бомбардимон қилишган. Яна ўшанинг иштирокида армия госпиталидан болаларни озод қилишган. Келлер бир гуруҳ офицерларнинг, шу жумладан госпиталь бошлиғининг гувоҳлигини илова қилган, уларнинг гапига қараганда, биз излаётган одам ҳақиқий немис бўлган. Бу хабар ҳаммани бесаранжом қилиб, ҳаловатини бузиб қўйди. Келлерга бу сотқинни тутиш буюрилди. Бироқ вақт ўтиб борарди, ҳеч қандай чора қўлланмади. Ҳар қалай, қўлланган чора ҳақида на Келлер, на унинг қўл остидаги кишилар хабар қилишди. Дастлаб бунга ҳайрон бўлишди, кейин ғазабланишди. Келлернинг хавфсизлик хизматининг дадил ва истеъдодли офицери сифатидаги фикр ўз ўрнини унга нисбатан шубҳага бўшатиб берди, ундан ҳамманинг ҳафсаласи пир бўлди. Келлери вазифасидан бўшатиш, ҳатто жавобгарликка тортиш ҳақида миш-мишлар тарқалди. Бу ваҳимали хабарлар унинг Берлиндаги қариндош-уруғларининг қулоғига етиб борди. Афтидан, улар хавфсизлик хизматидаги катта амалдорларнинг эшикларини ҳам қоққан бўлишлари керак. Буни эшитишган. Бироқ Келлери шундоқ олиб бошқа жойга, айтилик Берлинга ўтказиб қўйишнинг иложи қолмаган. Шу сабабли менинг бошлиғим Келлери ўзи қўйган тўрдан халос қилишга ёрдам беришни мендан сўради.

— Келлер ахир ақлли одам-ку! — дея елкасини қисди Василий.

— Менда ҳам худди шунақа фикр туғилган эди. Немис капитани ҳақида хабар қилишнинг нима ҳожати бор эди унга? Ҳайронман. Немис капитани кийимини кийиб олган партизан деганда-ку, олам гулистон эди.

— Менимча, у ақли кўтоҳлигидан қилмаган бу ишни, — деб қўйди Василий.

— Бундан чиқди, ақли кўплигидан қилган экан-да. Ажабо! Ақлавонлик бахтсизлик келтирган ҳоллар ҳам бўлади.

— Вилли Келлер учун ақлавонлик зиён қилмаса керак, — деди Василий суҳбатнинг бошига қайтишга уриниб. — У, сиз айтдингиз, ишни жуда яхши бошқаряпти.

— О, нимасини айтасиз! Жудаям яхши уддалаяпти. Лекин мен бошқаларнинг гапига қараб айтяпман буни. Келлернинг иши мендан йироқ. Аммо у ҳамсуҳбат сифатида менда яхши таассурот қолдирди. Чиндан ҳам ақлли.

— Сиз у билан суҳбатлашдингизми?

— Бу ерга жўнашимдан икки кун аввал. Мен ўзимнинг чорбоғимда эдим. Бирдан уй олдига иккита улкан «Мерседес» келиб тўхтади. Бор-йўғи битта ўрта бўй, касалчил одам тушди. Ўша Вилли Келлер экан... Атиги ярим соат ўтирди, бутун Келлерларни ҳозир ташвишга солиб қўйган одам ҳақида аниқ тасаввур олиш учун шунинг ўзи ҳам кифоя қилди. У Россиянинг жанубидаги ҳозир ҳамманинг оғзига тушиб кетган шаҳарчада сидир бўлиб қолган вазиятни текшириб билишга мени рағбатлантирди.

— Вазият мураккаб, — дея бошини тебратди Василий. — Лекин уни текшириб аниқлаш, ўз-ўзидан аёнки, қизиқарли бўлса керак. Агар сиз менинг камтарона хизматимдан фойдаланишни лозим кўрсангиз, ўзимни дунёда энг бахтиёр одам деб ҳисоблардим, почча.

Штиллер қайнисига яна диққат билан қаради. Василий унга аниқ ёқиб қолди.

— Раҳмат, Василий. Сенинг хизматингдан мен, албатта, фойдаланаман. Айтганча, Кавказ халқлари ҳақида, улар орасидан ўзаро нифоқ чиқиши ҳақида сен қандай ўйлайсан?

— Буларнинг ҳаммаси уйдирма,— деб жавоб берди хотиржамлик билан Василий.— Улар ўртасида ҳеч қанақа нифоқ бўлмайди.

— Мен ҳам бизнинг генералитетдаги олиймақом шахсларга худди шундай дедим. Улар бунин Россия бўйича мутахассис сифатида мендан сўрашган эди. Хўш, ҳар қалай, умуман халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисида сен нима дейсан?

Василий бир фурсат ўйланиб қолди.

— Бу масалани бутун теранлиги билан қамраб оладиган полотнонинг расмини чизиб беришни уйда қилолмасам керак... Балким менинг мулоҳазаларим бирмунча четга чиқиб кетар... Менда ҳаммадан кўра бир-бирини битта миллатга мансуб одамлар яхши билишади: русларни — руслар, немисларни — немислар, деган ишонч пайдо бўлди. Мен, масалан, сиз билан бизлар немис бўлганлигимиз учун ҳам ҳозир очиқ-часига гаплашяпмиз, деб ҳисоблайман... Келлернинг ёрдамчиси Хюгелнинг узук-юлуқ гапларидан билдимки, унинг бошлиги партизанларнинг олдига ўз одамини юборган, лекин у рус бўлган, албатта, у ердагилар тезда пайқаб қолишган.

— Хулоса қандай бўлади? — деб сўради Штиллер.

— Фикримча, агар биз, айтайлик, немислар орасида ўз одамимиз бўлишини истасак, унда уларга руслардан юборишимиз керак бўлади, бордию, руслар ҳақида муфассалроқ билмоқчи бўлсак, унда уларнинг олдига шарқлик миллатлардан бирон кимсани юбориш мумкин. Шарқ элатлари руслар учун ҳамон чигал бир нарса.

— Сенинг мулоҳазаларингда, болакай, улар гарчи бирмунча кутилмагандек қулоққа ғалати урилса-да, ҳақиқат зарраси бор. Демак, русларнинг ичига шарқлик миллатлардан юбориш керак-а? Қизиқ хулоса!

— Эҳтимол, мен янглишаётгандирман.

— Йўқ-йўқ. Бу ерда нимадир бор.

Остонага Маргарита Францевна чиқиб келди. У иссиқ тўр рўмолга ўралиб олганди — салқин тушиб қолганди.

— Уйга киришлар, мен чой тайёрлаб қўйдим. Олма пирог билан чой ичамиз. Хильдага қадрдон Генрихни рус пирогини билан меҳмон қиламан деб ваъда бергандим.

— Ҳечқиси йўқ, Россияни ўрганишни ақалли пирогдан бошласак бошлай қоламиз-да.

Штандартенфюрернинг насиҳатлари

КЕЛАСИ куни эрталаб Штиллер «Келлер ишини» текшира бошлади. Берлинда бу иш унга осон бўлиб туюлган, уни икки, жуда нари борса, уч кунда тугатиб уйга қайтишни мўлжаллаб қўйган эди. Василий билан бўлган суҳбат штандартенфюрернинг режаларини ўзгартириб юборди, Келлер билан учрашув эса, уни умуман каловлатиб қўйди. Штандартенфюрер немис капитани воқеаси билан бутунлай чува-лашиб қолган эди. Энг муҳими, унинг ўзи чиқарган хулосани мантиқан асослаб беролмади. Немис офицери унинг фикрича, Г. шахрига коммунистик яширин ташкилот томонидан ташланган бўлиб чиқаёзди. У қандайдир қўпоровчилик фаолияти планига эга, бу планлари эса, немис қуролли кучлари билан умумий курашнинг бир қисми эмиш. Агар шундай бўлса битта «капитан»нинг ўзини эмас, бутун яширин ташкилотни зарсизлантириш керак бўлади. Тағин қаерда денг! Берлиннинг ўзида,

империя хавфсизлиги бош бошқармасининг тумшуғи остида. Ана Келлер қаерга тош отган!

Штиллерга ахборот берар экан, у ҳовлиқар, аллақандай папкаларни олар, яна ёпиб қўяр, пўлат сандиқлар, шкафлар олдига ташланар эди.

— Утирсангиз-чи, ахир! — дея қаттиқ силтаб ташлади уни Штиллер.— Қоғозлар билан кейин шуғулланамиз. Олдин бу ерда «капитан»нинг пайдо бўлиши билан боглиқ бўлган барча нарсаларни бир бошдан тартиби билан баён қилиб беринг. Сиз марказга жўнатган хабарингиз билан бутун бўлимни қўрқитиб юбордингиз. Шов-шувга ўч одамлар ҳам топилди, улар оловни пуфлашга киришишди. Уларга бу «капитан» зудлик билан керак бўлиб қолди. Сиз бўлсангиз уни ўйлаб чиқариб қўйиб, ҳеч тутиб ололмайсиз!

— Мен партизанлар отрядини қуршаб олиб, яксон қилиб ташлашни таклиф қилдим,— деб жавоб берди Келлер.— Ҳарбий қўшилмалар кучлари билан. Бироқ буни менга рад этишди. Шундан кейин мен отряднинг ичига Иноземцевни юбордим.

— Хўш, бу комбинациянинг охири қандай бўлди? — масхараомуз сўради Штиллер.

— Иноземцевни ўлдиришди. Менинг ёрдамчим Франк Хюгелни ҳам.

— Содда қилиб айтилса — расво,— деб хотималади Штиллер.— Сабаби нима экан? Мен сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим.

Келлер асабийлашиб чаккасини артди.

— Иноземцев номзод бўлиб чиқмади шекилли-да.

— Нима учун? У тентак. бетайин, жисмонан ожизмиди?

— Мен бундай демасдим.

— Бўлмаса нима?

— Билмайман.

— Келлер, сиз Иноземцевнинг миллати устида ўйлаб кўрмадингизми?

— Нега ўйлаб кўрмас эканман? Биз агентни миллий белгиларига қараб бир неча бор танлаганмиз. Бизга рус керак эди.

— Фақат русми?

— Бўлмаса ким? — деди Келлер, ҳайрон бўлиб елкасини қисиб. У одам рус партизанлари турган ўрмонга борган. Инглизни юбориб бўлмайди-ку, ахир.

Штиллер такабурлик билан жилмайди.

— Сиз ҳатто қочиреқ қиялсиз. Ҳечқиси йўқ, буни хавфсизлик хизмати бошлигининг ижобий сифатлари сирасига қўшиб қўямиз. Иш бир ҳолатдаги бўёқлар билан бўялган бўлса ҳам майли. Хўш, буни мантиқий жавоб деб ҳисоблаймиз ва унга муносиб равишда риоя қиламиз. Демак, инглизни юбориб бўлмайди-ку, дейсиз.

— Ҳа, худди шундай.

— Нима учун инглизни юбормаслик керак экан?

— Мен гапингизга тушунмаяпман, жаноби штандартенфюрер!

— Ҳозир тушунтириб бераман. «Инглиз» деган сўзни мен сиздан кейин шартли такрорладим. У нафақат рус, лекин инглиз, итальян, француз бўлиши ҳам мумкин. Равшанми?

— Унчалик эмас.

— Масалан, рус агент Иноземцев ўрнига сиз партизан отрядига агент қилиб бирон бир шарқ миллатларидан, чунончи, озарбайжонни, тожикними ёки ўзбекними юбордингиз дейлик. Мен, руслар, масалан, тожикка қараганда рус агентни тезроқ фош қилади, деган гапдан келиб чиқяпман. Нима учун? Шунинг учунки, улар ўз халқлари психологиясини яхши билишади.

— Бу қизиқ фикр! Бу фикр нега менга олдин келмади! — деди сидқидилдан алам қилиб Келлер.

— Нимага шама қилаётганимни фаҳмляпсизми? Бизнинг сизга кўрсатма берганимиз «Нерон» ўрнига рус агентни эмас, балки биронта оснеликни юбориш керак.

— Лекин менда тайёргарликдан ўтган агент йўқ-да.

— Тайёргарликдан ўтмагани-чи?

— Бунақаси бор.

— Ким у?

— Бургомистримизнинг шофери. Бамаъни йигит...

— Жуда соз. Вазифа деярлик ҳал қилинди, деб ҳисоблаймиз... Энди менинг қайним ҳақида бир неча савол. Фақат сиздан илтимос, Келлер холис бўласиз. Тушунинг, агар менга, хавфсизлик хизмати ходими қизиқтирадиган бирон нимани яширсангиз, қош кўяман деб кўз чиқарган бўласиз.

— Гапингизга тушундим, жаноби штандартенфюрер. Мен ҳамма вақт Золенбауэрни, унинг атрофидаги одамларни орқасидан диққат билан кузатаман. Лекин иснод келтирадиган ҳеч қанақа нарса олингани йўқ. Бошқа бир нарса ҳайрон қолдириши мумкин: бу вақт мобайнида унга ақалли зиғирдек соя ташлаши мумкин бўлган ноўрин ҳаракатдан ўзини қандай қилиб сақлаб келолди — одамни тонг қолдиради. У жудаям хонанишин. Кечқурунлари ўзининг холаси билан гаплашиб ўтиришни яхши кўради.

— Фрау Васкиндер-чи? У ҳақда нима дея оласиз?

— О, бу гоят ҳурматга сазовор киши, ҳақиқий немис аёли. У ўз мамлакати билан фахрланади. Лекин унинг Германияга муносабатининг ўзига хос қирраси бор. У, масалан, айтадики, ватанимизнинг ҳарбий ва бошқа ютуқлари мени ўзига жалб қилади, дейди.

— Худди шундай деб айтдимми?

— Балки бундай сўзлар билан айтмагандир-у,— дея Келлер ҳижолат тортди,— лекин маъноси...

— Давом этинг, Курт, қулоғим сизда.

— Унинг сўзларининг маъноси шунга тўғри келади.

— Хўш, фрау Васкиндер ҳақиқий немис аёли.

— Ҳа-да! Лекин унинг гапларида носоғлом оҳанглар қулоққа чалиниб қолади.

Хўш, хўш! Буниси энди қизиқ! Қанақа «носоғлом оҳанг» экан? Марго ўз мушоҳадаларида ҳамиша оригинал бўлган. Бу билан у ўзининг қарам эмаслигини ва мустақиллигини кўрсатиб қўйишга интилар эди,— деди жилмайиб Штиллер.

— Гап шундаки, жаноби штандартенфюрер, фрау Васкиндер, герман давлатининг кучайиб кетганлигини умуман тан олиб, бизнинг барча муваффақиятларимиз буюк фюрер номи билан боғлиқлигини тан олгиси келмайди.

Келлер ўзининг бу дангал гаплари Штиллерга қаттиқ таъсир қилади ва у ўз қариндошининг адабини бериб қўяди, деб кутганди. Лекин...

— Курт, агарда Васкиндер хоним фюрер билан ҳаддан ортиқ очиқ фахрланса, бу сохта бўлиб туюлади, деган хаёлга бормадингизми. Ундан тилёғламаликда шубҳаланишлари мумкин эди. Ва яна: Агар у рейхнинг буюк ишлари билан ифтихор қилса — бу фюрерга, немис миллатининг буюк доҳийсига ҳурматдан эмасми? Қалай, менинг мушоҳадам сизга маъқулми?

— Буни ялтоқиликка буюрманг, мен сизнинг таҳлилингизга қойилман. Бу, менинг назаримда, «гапнинг асосий маъносига хушёрлик билан ёндашиш» дегани шу бўлса керак.

Телефон жиринглаб қолди. Келлер трубкани олди.

— Салом, жаноби майор. Ҳа, жаноби штандартенфюрер менинг ҳузуримда. Ҳозир сўрайман. Келлер Штиллерга қаради.— Комендант унинг ҳузурига қачон кира олишингизни сўраяпти.

— Айтинг,— деди кулиб Штиллер,— агар у яхши коньяк билан меҳмон қилса, ярим соатдан кейин ўша ерда бўламиз. Курт, сиз бу масалага қандай қарайсиз?

— Мен ҳамиша тайёрман. Майорнинг қазноғида ажойиб француз коньягидан бир шиша эмас, бир қанчаси сақланади.

Шварцман Штиллерни бирмунча босиқ, аммо қувонч билан кутиб олди.

Бу босиқлик меҳмонга ёқди, чунки бу унинг юксак мартабасини таъкидлар эди.

Кичкина стол хилма-хил шароблар билан безалган эди. Бу ерда француз коньяги ҳам бор эди.

— Агар мезбон эътироз билдирмаса, мен қайнимни таклиф қилсак дегандим. Менимча, у навбатчилар хонасида.

— Мутлақо, жаноби штандартенфюрер! Фикримиз бир жойдан чиқяпти. Узимнинг ҳам кўнглимга келиб туриб эди бу гап!

Кириб келган Золенбауэрни Келлернинг ёнига ўтқозишди.

— Коньякни қуйишдан олдин,— деди Шварцман,— мен сизларни шароблар билан таништириб чиқмоқчиман. Ўйлайманки, бу уларни биладиганларнинг эътиборини жалб этади.

Майор Штиллернинг олдига қадаҳ қўйди.

— Азизим Шварцман! — дея штандартенфюрер қўлини исёнкорона кўтарди.— Агар сиз чинданам бизнинг олдимизда бутун дастанни очмоқчи бўлсангиз, шаробни кичкина рюмкага эмас, катта қадаҳларга шундай қуйингки, суюқлик асло чегарага етмасин.

У атрофдагиларнинг ҳайрон бўлаётганликларини сезиб, жилмайди. Шварцманнинг шахсий қоровули қўшни хонадан биллур қадаҳларни олиб келди. Биллур ичида шароб камалакдаги барча ранглар билан товланди. Меҳмонларнинг димоғига узум ҳиди урилди.

— Бунга анча бўлди,— дея гап бошлади Штиллер,— мен хизмат ишлари билан Парижда турдим. Биз хотиним икковимиз битта квартира олдик, бутун партерни «Люсьен» деган романтик номдаги бар иш-ғол қилган эди. Ҳар куни эрталаб енгилгина нонушта қилиб олиб, барнинг эгаси — жаноби Бертраннинг олдига бораман. «Салом, жаноби Штиллер,— деб қарши олади у мени,— мана сизнинг грогингиз!» Мен ярим литрлик кружкада илитилган ширин винони ичаман-да, ишга жўнайман. Бу мени кечгача тетик тутиб юради. Умуман французлар биз, немис офицерларига, юмшатиб айтганда, унчалик яхши қарамайдилар. Агар Бертран менинг аслида кимлигимни билсаю менга прог олиб келмаган бўларди-я. Мен паришликлар учун коммерсант эдим. Шундай қилиб ўша Бертран, семиз, бир юз йигирма килограмм вазндаги салобатли киши, мени винога ҳурмат билан қарашга ўргатди. У, бу узумнинг қони, муздаклигида винода жон бўлмайди, деди. Бир куни у мени ноқулай аҳволда қолдирди. Мен унга биргалашиб портвейн ичайлик дедим ва уриштириш учун қўлимни узатдим. Кейин нима бўлди дейсизми? У мени уялтирди. «Наҳотки, йигитча, портвейн ёки вермут қадаҳга қуйилган бўлса уриштириб бўлмаслигини шу пайтгача билмайсиз? Сиз қаерда тарбия кўргансиз? деб қолса бўладими! Кейин менга бутун бир лекция ўқиб кетди. Маълум бўлишича, тоқай жумласига кирадиган виноларни фақат овқатдан кейин тортиларкан. Агар сизга шампан ёки мусаллас беришса, ўшанда чўқиштириш мумкин экан. Идишни, айниқса биллурий стакан, қадаҳларни сал-пал кўкартирилган сувда ювиб, тоза, охорланган сочиқ билан артиш лозим. У бошқа кўп майда-

чуйда нарсаларга ҳам эътибор қилди, улар ҳозир эсимда йўқ... Лекин мен суҳбат учун унча мос мавзу танламадим, чамаси...— деб Штиллер бирдан тўхтаб қолди.

— Ҳа, ҳа,— деб жавоб берди Шварцман.— Биз бу ерда деярлик жаннатдагидаймиз! Бунинг устига совуқ, қорни айтмайсизми. Иситадиган, руҳни кўтарадиган нарса бўлса бас, идиши қанақа, буни суриштириб ўтиришга фурсат йўқ.

— Умид қиламизки, бизнинг солдатимизга яқин пайтларда ана шундай қадаҳ кўтариш насиб қилгай,— деди ўйчанлик билан Келлер ва штандартенфюрерга саволомуз қараб қўйди.

Штиллер мужмал қилиб жавоб берди.

— Умид қилиш керак. Лекин бизнинг қўмондонлигимизнинг режалари катта, уларни амалга ошириш учун вақт керак. Утган куни мен кўзга кўринган бир қатор ҳарбий мутахассислар билан учрашдим, улар мени анча умидвор қилишди. Лекин, биринчидан, биз Кавказни рад қилмаймиз ва рад қилмаслигимиз лозим. Кавказ нефтсиз Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларига силжишимизни тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас. Бизнинг қўшинларимиз Қора денгизга чиқишлари ва соҳилда жойлашган қатор стратегик нуқталарни ишғол қилишлари лозим. Кейин уёғига Таман ярим оролини босиб олишлари, у ерга янги кучларни келтириб мустаҳкамлашлари керак. Навбатда Туапсе, Нальчик шаҳарлари турибди. Буларнинг барчаси битта фронтнинг истиқболдаги ишлари. Агарда бизнинг ҳаракатимизни бир қадар кенгроқ планда қаралса, унда... Жаноблар, бу гап қатъиян ўз ичимизда қолади, деб ишонаман! Асосий жанг бирмунча шимолроқда бўлади... Олдимизда Волгага чиқиш, йирик машинасозлик маркази — Сталинградни олиш, Кавказни шимол, мамлакат маркази билан боғлайдиган барча коммуникацияларни кесиб қўйиш вазифаси турибди. Агар бу вазифани бажара олсак, асосий режанинг ярмисини амалга оширган бўламиз. Гап шундаки, биз фақат рус армияси билангина эмас, барча халқлар билан жанг қиляпмиз. Партизанлар ғоят катта зарар етказмоқдалар. Темир йўлларда энг яхши қуроллар билан қуроллантирилган қанчадан-қанча сара бўлинмалар ҳалок бўлиб кетмади...

— Партизанларга нисбатан сусткашлик қилиш мумкин эмас,— деди Шварцман ва Келлерга таънаомуз қараб қўйди.— Уларга қарши йирик ҳарбий қисмларни ташлаш керак.

— Буларнинг барчаси қилинган, қилиб келиняпти,— деб давом этди Штиллер.— Бироқ бошқа чоралар ҳам зарур. Уларни назариётчиларимиз излашяпти. Бу ўринда бутун бир фан ишлаяпти. Лекин назариётчиларга партизанлар ичида рўй бераётган ички жараёнларни яхши билиш керак, даставвал партизанлик ҳаракатини ичдан бузиш усулларини уларга тавсия қилиш керак. Қурашнинг яна битта томони ҳам бор. Мен биз билан ҳамкорлик қилишга розилик билдирганлардан махсус бўлинма тузишни назарда тутяман. Булар асосан концлагерларга тушиб қолган ҳарбий асирлар. Уларнинг танлайдиган йўллари йўқ: ё мажолдан кетиб қийналиб ўладилар, ё бўлмаса бизларга маслакдош бўлиб омонат ҳаёт кечирадилар. Бундан бир неча ой муқаддам биз Россиянинг босиб олинган районларидан бирида «Рус миллатчиларининг жанговар иттифоқи» деб аталмиш ташкилот туздик. Унга Россиядан чиққан биттасини бош қилиб қўйдик. Дарҳол ана шу «иттифоқнинг» жанговар дружинасини тузиш масаласи кўндаланг бўлди. Кўп зўр беришлар натижасида унга уч юзга яқин ҳарбий асирни тортишга муваффақ бўлинди... Уларининг одамларига қараб ўқ отишга мажбур қилиш яна ҳам қийин бўлди. Энг муҳими — биринчи ўқни отиб олиш. Одамлар автоматни кўтариб қандай иккиланиб қолганликларини мен кўрганман. Уларига нисбатан душманлик аҳволига ўтиш жараёнини енгиллатиш

учун дружинага биз ўз солдатларимизни қўшдик. Шундан кейин у қандай бўлиши лозим бўлса, шундай ҳаракат қилди. Иккита операцияда қатнашиб ва ўзига қардоши хуни билан доғ тушириб, солдатлар энди дадилроқ ҳаракат қила бошлади. Бу орада биз ўз кишиларимизни олиб ташладик. Махсус йўналишдаги янги бўлинма шу тариқа туғилди.

— Жаноби штандартенфюрер, бу бўлинма охиригача бизга содиқ қолишига аминмисиз? — дея қизиқиб сўради Келлер.

— Бу саволга жавоб бериш мушкул. Масалан, шундай ҳодиса бўлганди. Шу йўсинда тузилган қисмни бошқа облағта партизанларга қарши операцияда қатнашиш учун юбордик. Партизан отряди дружина томонидан тор-мор қилинди. Биз ўз ҳисоботларимизда шундай деб хабар қилдик. Аслида эса, отряд тарқалиб кетиб, кўпчилик партизанларнинг қутулиб қолишига имкон берган. Бир ҳафтадан кейин у жанговар бирлик сифатида тикланиб, бизга қарши ҳаракат қила бошлади. Мана мен нимани ўйлайман. Агар славян бўлмаган, бизга анча яқин ва тушунарли халқлар психологиясини асос қилиб олинса, ана ўшанда, улар рейхнинг ашаддий тарафдорлари бўлишлари мумкин, деб ишонч билан айтса бўлади. Лекин биз бу ерда рус халқи билан — лашкарбошиларнинг бир неча авлодига жумбоқлигича қолиб келаётган халқ билан курашяпмиз.

— Бинобарин, сиз ҳалигига ўхшаган дружиналарнинг ишончилигига ишончингиз комил эмасми? — деб сўради Келлер. Унинг ўзи русларга, улардан чиққан агентурага ишонмас, немислар билан маҳаллий маъмуриятларда ҳамкорлик қилаётган — бургомистрларга, полициячиларга ишонмасди. Бу ишончсизлиги Иноземцев воқеасидан кейин яна кучайди.

Ҳа, менинг ишончим комил эмас, — деб тан олди Штиллер. — Лекин гап бунда эмас. Ҳозир, жаноблар, биз аҳолиси юз миллионларча келадиган улкан территориянинг хўжайинлари ҳисобланамиз ва бизнинг вазифамиз — уларни бошқаришни билиб олишдир. Даставвал, Келлер сиз билан бизнинг вазифамиз — жаноби Шварцманга ўхшаган офицерлар учун, босиб олинган вилоятларда маҳаллий маъмуриятлар билан бевосита шуғулланаётган одамларга кафолатнома тайёрлашдан иборатдир.

— Айни пайти! — деди комендант Штиллернинг фикрини илиб кетиб. — Лекин биринчи галда округимизни партизанлардан тозалаш керак. Қулай фурсат келган эди, мен бу ҳақда айтгандим. Ушанда биз йирик танк бўлинмасини жалб қилган бўлур эдик. Меникида генерал Шульцбергер меҳмон бўлганди — унинг қўшилмалари темир йўл станциясида вагонлардан туширилаётганди. Бу одам менинг амаким — генерал Шварцманнинг яхши дўсти, у ёрдам беришдан бош тортмасди. Лекин вақтни бой бериб қўйдик... Жаноблар, ишдан гаплашишни балким энди бас қилармиз? Улар билан шуғулланишга ҳали улгурамыз. Эшитишимга қараганда, жаноби штандартенфюрер, сиз санъатга жуда ҳам ишқивоз эмишсиз, айтилик, рассомлик асарларини заргари дейишганди. Менинг уйимга жўнатиб юборганимдан қолган, жўнатишга улгурмаганим кичик коллкциям бор. Полотноларни менга танлашиб юбормайсизми?

— Жоним билан! — деди жонланиб Штиллер.

Шварцман меҳмонни тўппа-тўғри кабинетдан кичкина, девордаги билинар-билинмас эшик орқали ярим доира залга олиб ўтди. Илгари бу ер, афтидан, кичик йиғилишлар учун хизмат қилган бўлса керак.

— Менинг галереям сизга маъқулми? — деб сўради Шварцман ҳаяжонланиб.

— Очигини айтаман, Хайнц. Расмлар дид билан танланган, шу билан сизни табриклайман.

— Мен мамнунман, жаноби штандартенфюрер! Сиздан шу баҳони олиш мен учун қанчалик муҳимлигини сиз тасаввур қилолмайсиз! Агар ўзингиз учун бирон нарсани эсдаликка танласангиз мен ўзимни бахтиёр ҳисоблардим!

— Бажонидил. Менга чиндан ҳам битта расм мўралаб қараган эди,— деди Штиллер, Виктор Михайлович Васнецовнинг бурчакда осилиб турган «Кўчманчи» деган асари олдига зипиллаб бориб. Чол билан кампир ўзларининг енгил-елпи юклари билан муз устидан Неванинг нариги соҳилига ўтишмоқда. Кексаларга уй ити раҳми келиб мўлтираб қараб турибди...

«Наҳотки, бу асл нусха? — дея ўйлаб қолди Штиллер, бу фикрдан қўллари қалтираб кетди.— Ё олло! Шу расмни қўлга киритса қандай омади келарди! Унинг учун бир эмас, бир неча юз минг долларни қуртдек санаб олиш мумкин эди! Лекин, ҳовлиқма, Генрих, ҳовлиқма... акс ҳолда ишнинг расвосини чиқариб қўясан».

— Агар рози бўлсангиз мана шу расмни олардим,— деди штандартенфюрер.

— Марҳамат! — деди Шварцман, мулозимат билан таъзим қилиб.— Сиз хурсанд бўлсангиз бас, мен хурсанд бўламан. Фақат бир нарсани назарда тутишингизни сўрайманки, бу асл нусха эмас, балки кўчирма.

— Лекин унга ишланган вақти ёзиб қўйилган-ку...— деди Штиллер ҳижолат бўлиб.

— Мутлақо тўғри. Кўчирмаси 1891 йилда олинган. Расм эса 1876 йилда ишланган.

Штиллерга алам қилганидан юзлари сўлжайиб қолди.

«Ажаб бўлди,— деди фикран комендант.— Тагин заршунослик даъво қилади. Сен ҳам менга ўхшаган бир комерсантсан-да».

— Расмни уйингизга юборишни буюрасизми?

— Ҳа, албатта,— деди Штиллер, олдинги шаштидан тушиб.

Бу пайт Келлер билан Золенбауэр ўртасида бутунлай бошқача гап бўлиб ўтди.

— Тан оламан,— дея гап очди Келлер. Шварцман билан Штиллер залга чиқиб кетишлари билан,— немис капитани ҳақида мен юборган хабар шунчалик шов-шувга сабаб бўлади, деб ўйламагандим.

— Ҳа, бу ишга жиддий аҳамият беришди. Гарчи у ҳеч нарсага арзимайди,— деди Василий.— Жин урсин ўша сотқинни. Унда, руслар айтгандай, нур тиг билан келиша олмади. Бунинг устига «капитан»ни саноқли кишилар билади.

— Шундай бўлса ҳам булутлар ёпирилиб келмоқда. Бу чигал воқеадан қандай қилиб чиқиб кетишимга ақлим етмай қолди. Менинг тақдирим қўлида одамга ялиниб-ёлбориш имконияти бор менда. Лекин бу бўштоблик деб баҳоланиши мумкин. Менга кўп кўнгилсиз сифатларни ёпиштиришади, улардан халос бўлиш осон эмас...

— Сиз оғир аҳволга тушиб қолдингиз! — деди ҳамдардлик билдириб Василий.

— Нимасини айтасиз. Берлиндан ёрдам кутиш ҳозирча беҳуда. Иложини шу ердан топиш керак. Қим иложини айтса, ундан миннатдор бўламан. Келлер яхшиликни унутадиганлардан эмас, бунга амин бўлинг!.. Сиз менга қандайдир ғалати қараяпсиз. Ё менинг аҳволимдаги одам яхшилик қилиш ҳиссидан маҳрум, деб ҳисоблайсизми? Маҳрум эмас! Ва буни худди сиз тасдиқлашингизни истардим.

Василий уялиб ерга қаради. Келлер ўз фикрини жуда ҳам очик гапирар эди.

— Қандай қилиб? — деб сўради Василий, Келлерга қарамай.

— Бизларнинг орамизда энг хабардор одам сизсиз. Сиз штандартенфюрернинг қайнисисиз.

— Мен поччам билан гаплашиб кўришим керакми?

— Худди мана шунни сиздан илтимос қилмоқчи эдим.

— Мен ҳаракат қилганим билан аҳвол ўзгарармикан?

— Агар қистайверсангиз.

Василий марказдан келган телеграмма текстини эслади: «Сизнинг Берлинда ўрнашиб олишингиз учун Келлер кўп фойда келтириши мумкин. Унинг саноатчилар билан алоқаси катта». Бинобарин, Келлерга ёрдам қилиш керак ва бу билан уни қарам қилиб олиш керак. Унинг яхшилик ҳақидаги сўзи оддий товуш эмас.

«Штандартенфюрер позициясига ҳужум қилиш учун менда қандай баҳоналар бор? «Петрни»—Артеми немис дейишяпти. Келлерни қутқариб қолиш учун бу тахминни рад қилиш зарур, Артеми рус ёки бошқа миллат вакилига айлантириш керак. Лекин буни қандай қилиб амалга оширса бўларкин? Артеми ким қайта чўқинтириши лозим. Сердечнийни тўрға илинтиришни уддасидан чиқилса яхши бўларди. Бу соғқин ўзининг қора ишлари учун хун тўлаш пайти келган, хунни Келлернинг ўзига тўлай қолсин...»

Штурмбанфюрер деразага қараганча жавоб кутарди.

— Бўпти,— деди ниҳоят Василий.— Мен сизга ёрдам беришга уришиб кўраман, жаноби Келлер.

Кабинетга Шварцман билан Штиллер кириб қелишди.

— Биласанми, Василий! Жаноби майор шундай илтифотли эканки, коллекциясидан менга яхши расмлардан бирини совға қилди. Уни олиб машинага солиб қўй. Дўстлар, бугунги планларинг қандай?

— Бизнинг планларимиз, жаноби штандартенфюрер, сизнинг планларингизга бўйсундирилган.— деди Келлер креслодан туриб.

— Ундай бўлса илтифотли мезбонимиз билан хайрлашамиз. Мен фоят мамнун бўлдим... Мени машинагача кузатиб қўйинг.

Ҳаво негадир бирдан ўзгариб қолди. Эрталаб бундан бор-йўғи бир неча соат илгари, ҳаво очиқ, булутсиз эди, қуёш порларди, ҳозир осмонда қўрғошиндай булутлар осилиб турибди. Ёмғир ёққанича йўқ, лекин ҳозир, шу топда ёғиб юборадигандай туюларди.

— Ажойиб, об-ҳаво ҳар ҳолда одамга қандай таъсир қилади! — деб нолиб қолди штандартенфюрер Келлерга, улар кўчага чиққанларида.—Ҳавога булут чиқди дегунча, менинг, юрагим сиқила бошлайди.— У штурмбанфюрерни қўлтиғидан олиб, четга бошлади. У Келлерга ниманидир айтиши керак эди. Золенбауэр машина олдида қолди. Уларнинг гаплари моҳиятини илиб олиш учун вужудини қулоққа айлантирди.

— Эртага эрта билан, Курт, «Нерон» билан шуғулланинг,— деб гап бошлади Штиллер.— Уйлайманки, партизан отрядига тегилмасин, деган буйруқ алоҳида операциянинг зарурлиги билан боғлиқ эканлигини тушунасиз. Хатда биз, табиийки, характерини баён қилолмасдик, биринчидан, шунинг учунки, у ўзида фавқулодда характер касб этади, иккинчидан сизнинг вазифаларингиз билан бевосита боғланмаган. Бу Марказнинг акцияси.

— «Нерон» менинг тасарруфимга кирмайдими? — деб сўради Келлер.

— Схема жуда мураккаб. Сизга ишониб топширилган хизмат маълум даражада акция билан бирикади. Лекин бу ҳақда сиз билан эртага муфассал гаплашамиз, ҳозир мен операциянинг фақат характерини, умумий йўналишини тушунтириб бера оламан.

«Мен нимага ҳодага ўхшаб қаққайиб турибман,— деб кўнглидан ўтказди Золенбауэр.— Улар «қулоқ солянти» деб мендан бад олишлари

мумкин. Келлер менга кўз ташлаб қўйди. Машинанинг ичига кириб ўтира қолай. Унинг усти очиқ, яхши эшитилади».

Золенбауэр орқа ўриндиққа ўрнашиб ўтириб олди.

— ...мана шунинг учун,— деган гап эшитилди Василийга,— «Абвер» томонидан тўппа-тўғри фронт чизиғи орқали агентага ташлаш муваффақиятсиз чиқпти. Биз нимани таклиф қиламиз?

Ён томонда турган енгил машинанинг шофери келди.

— Менга қара, Франц! Бизнинг комендатурамизга келган жаноб ким экан?

— У жаноб эмас, балки штандартенфюрер,— деб қатъий жавоб берди Франц.

— Унда нарироқ юриш керак экан!

Штиллер чет одамни сезиб қолиб, овозини пастлатди. Золенбауэр га сўзларни илиб олиш яна қийинлашди.

— Агент,— деб давом этди бу орада Штиллер,— отряднинг операцияларида маълум даражада қатнашади, бизнинг ёрдамимиз билан енгил ярадор бўлади ва мустақамланиш вазифаси билан орқа томонга йўл олади. Шунақа схема. Тажриба принципаал аҳамиятга эга. Биринчи ижрочи сифатида биз томонимиздан Россияда бир неча йил яшаган, бир қатор шаҳарларда ўз агентлари бор профессионал разведкачи танланди. Сизнинг одамингизга келсак, уни «Нерон» орқали қўллашга тўғри келади. Сиз менинг гапимга тушундингизми?

— Тушундим, жаноби штандартенфюрер.

— Қолганини эртага гаплашамиз!

Штиллерни кузатгач, штурмбанфюрер комендантнинг кабинетига қайтиб келди — у Берлин билан ҳозиргина телефонда гаплашиб бўлган эди.

— Жўнаб кетдими? — деб қизиқиб сўради Шварцман.

— Кетди,— деб қуруққина жавоб берди Келлер.

— Сиз нима дейсиз, жаноби штандартенфюрер жуда эзма эканми?

— Шундай бўлса бордир. Лекин сиз унинг гапларидан ўзимиз билмаган бирон бир янгилик, бирон бир муҳим гап сезиб ололдингизми?

— Ҳақиқатан! У кўп гапирди, ҳамма қизиқиб эшитди, лекин ҳеч нимани хабар қилмади. Ажойиб!

Тунда отилган ўқ

ЁМФИР шиваларди. Паст булутлар увадаларга ўхшаб ер устида, ўрмон устида сузиб юрарди.

Ўл, тайганчиқ йўлдан «Петр» осиназор, деярли одам бўйи келадиган қалин бўлиб ўсган паст-баланд буталар олдидан ўтиб, қўлмақлар ёйилиб ётган пастқамлик билан шаҳарга қайтиб келарди. Сўқмоқлар кўпайиб кетганди — қадам тегмаган йўлдан юришга келишилган, из қолдирма, акс ҳолда, душман сени ҳам, отрядни ҳам топиб олади, деб тайинлашганди.

Дарахтзордан «Петр» одатдагидай хотиржам ўтди. У жойлар таниш, тинч эди. Немислар бу ерга киришмасди, партизанларнинг мулкига ҳатто яқинлашишга қўрқишарди, шунинг учун ҳам у бирон кимсани тўсатдан учратиб қолиши мумкин эмасди. Шуниси ҳам борки, «Петр» дозорлар йўқ жойлардан ўтиб келарди. Шундай бўлса ҳам, унинг шу бугун негадир қўнгли ғаш, лагердан шаҳарга келаётганда, негалигини ўзи ҳам билмайди, қандайдир ташвиш юрагига ёпишиб олганди...

Кейинроқ, у дарахтлар сокинлиги қўйнига киргач, юрагидаги мужмал ғашлик ғойиб бўлди, «Петр» бирдан тушундики, хавотир бежиз эмас. Унда қандайдир аниқ оҳанг бор ва бу оҳанг Таняни эслаганда

рўй-рост жаранглайди. Илгари бу фикр келмасди, «кечаси, патруллардан қўрқмай, уни кутиб олиб, шаҳарга кузатиб қўйиш учун Татьяна жарга қандай келар экан? Василийнинг хатини олиб, қандай қилиб отрядга қайтиб келар экан? Бир ўзи ёлғиз. Қоп-қоронғи. Ёмғир, шамол. Ҳар бир қадамда хавф-хатар... Ҳозир у бу қандай қўрқинчли бўлганлигини равшан тасаввур қилди ва тушунди. Бирон нима ҳар шитирлаганда Танянинг юраги қандай музлаб қолганлигини ҳис қилди. Таня энди бегона эмаслиги, шунчаки алоқачи бўлмаганлиги, балки Таня бўлиб қолганлиги учун тушунди! Таня! Таня...

У мана шунақа ёмғирли кечаларда топшириқ билан юборганликларни учун ўзидан, бошқалар учун ҳам уялиб кетди... Дастлабки пайтларда Зубковадан буйруқ ўз вақтида аниқ бажарилишини ўзи талаб қилди, агар у йўлда ҳаяллаб қолса койиди. Ахир унга осон бўлмагандир, автоматга дуч келиб қолиш ҳолларида жони кўзига кўрингандир, немислар пойлаб юриб, изини билиб олиб, ундан фойдаланиб қолмасликлари учун қалин ўрмон ичида сарсон кезгандир...

Аммо, нима учун Таняни истисно қилиш керак экан? У ҳам қолган бошқалар сингари жангчи-ку. Урушда фақат ярадорларгина шафқатга сазовордирлар. Қўлингда қурол ушлашга қодирмисан — жанг қил. Разведка — бу иш, иш бўлганда ҳам унақа-мунақа иш эмас, балки сермашаққат иш! У нафас ростлаб олишни ҳам, отпускани ҳам билмайди. Сукунат, жимлик унга зиён қилади. Унинг учун доимо фақат эгарланган отдай гижинг бўлиб туриш, фақат бор кучни ишга солиш керак бўлади! Эркалик, ўз майлича иш тутиш, ўртоғидан шикоят қилишдек тентаклик ҳисобланади бу ишда, деди Петр, фикран. Ғамхўрлик кўрсатиш керак, албатта, эҳтиётлаш ҳам. Лекин шундай қилиш керакки, у ўзига нисбатан бировнинг эътиборини сезмасин...»

Петр хаёллар билан бўлиб ташвишни ўзидан нари ҳайдаб юборди, бу мажҳул туйғуни уни биринчи бор ғамгин бўлишга, азобланишга мажбур этган ҳижрондан кўрди. «Мана яна бирон чақирим ўтсам — жар бошланади ва унинг овози эшитилади: «Бу мен — Таняман!» — дея хаёлидан ўтказди «Петр», ўзини ишонтириб, кейин ёмғирдан жиққа ҳўл бўлган ўтларни шалоп-шулиб қилиб қадамини тезлатди. «Ҳеч нарса бўлмайди. Ҳаммаси илгаригидек. Ҳаммаси одатдагидек...»

Бир муддатга у тинчланар ва Таня билан учрашишни кўз олдига келтириб, ҳатто жилмаярди. Таня қоронғи тун қўйнидан чиқиб келади ва унинг қўлтиғидан олади. Худди бола етаклагандек, ёнбағир билан юқорига кўтариладиган сўқмоқдан етаклаб кетади. У Танянинг қўлини олиб, кафтига қисади, қулоғига бир нима деб шивирлайди. Ёмғирнинг шатир-шутирдан патрулларнинг қадам товушлари эшитилмай қолмаслиги, Таня гумроҳ бўлиб қолиб, «Петр»ни тўппа-тўғри немисларнинг олдига рўпара қилиб қўймаслиги учун секин-секин шивирлайди... Юқорига чиққач, гаплашиб бўлмайди. У ерда оёқ учида юриш, беш-ўн қадам босгач, тўхтаб атрофга қулоқ солиш керак. Жарда айтиб улгурилмаган сўз улар уйга кириб, эшикни тамбалаб қўйганларидан кейин айтилади...

Ёмғир тинмай ёғарди. Тун яна кўпроқ қоронғилашди, лекин «Петр» худди чакалакзордан эмас, балки очиқ даладан келаётгандек қатъий қадам ташлаб борарди. Башарти бирортаси ундан бу зимзиё тунда қандай қилиб йўл топиб келаётганини сўраб қолгудек бўлса, у қаттиқ ажабланган бўлар эди. У қўзини юмиб ҳам юра олар — уни оёқларининг ўзи ҳеч адашмай ўр-қирдан олиб ўтарди.

Мана ўрмон этаги. У бугун бу ерга иккинчи марта чиқиши. Эрта-лаб Василийнинг топшириғини адо этиб, бу ердан станциягача пиёда боришга, у ердан поездга ўтиришга тўғри келганди. Темир йўлда сафар қилиш, разведка ишлари программасига кирарди.

«Петр» вермахтнинг капитани сифатида немис офицерлари ичига кириб, сайрга чиқиб турар, қўшни купедаги офицерлар майда, баъзан эса, катта сирларни айтиб юборар эдилар. Булар Марказга жуда асқоргарди. Поезддаги учрашувлар немис қўмондонлиги чиндан ҳам Таман ярим оролини, Туапси ва кейин Нальчикни ҳам босиб олмоқчи эканлигини тасдиқлади. Охиргиси бугун бир танкчи билан гаплашганда маълум бўлди. «Петр» буни кечаси Василийга етказишни ният қилди.

Чакалакзор деярли йўл ёқасида тугади. «Петр» уни кесиб ўтди-да, жар томон шошилишч йўл олди. Жарлик кичик бутазордан бошланар, бу ер унча чуқур эмасди. «Петр» одатда буталарни ушлаб-ушлаб пастга тушар, табиий зинадан фойдаланар эди.

Бута ичида у тўхтади. Юрагини босиб олди, кўзларини жар қоронғилигига кўниктирди. Жарнинг таги тубсиздай, қанча тикилганинг билан кўриб бўлмасди. У ерда бирон кимсанинг бор-йўқлигини фақат қулоқ билан эшитиб аниқлаш мумкин. Ҳеч ким йўқ бўлса керак. Ҳар қалай «Петр»нинг қулоғига ҳеч қандай товуш эшитилмади. Кейин у бутанга тирмашиб, пастга туша бошлади. Шундагина овоз эшитилди:

— Кўрқмай тушавер, мен бу ердаман.

Бу Тая эди. «Хайрият,— деб кўнглидан кечирди у.— Бекорга ташвишланган эканман...» Бутани қўйиб юбориб, «Петр» пастга сакраб тушди.

Бу ерда уни Тая қарши олди.

— Кетдик! Дарҳол юқорига чиқиш мумкин эмас. Немислар яқин. Негадир бугун уларнинг уйқулари келмаяпти,— деди Тая ташвишланиб. Тўғри, буни унча-мунча одам пайқамаслиги мумкин эди, лекин «Петр» осонгина пайқаб олди.

— Улар кўпчиликми? — дея сўради у.

— Санаганим йўқ. Лекин, назаримда, олти киши. Этиклари билан баравар дўқиллатишади!

— Демак, гуруҳ-гуруҳ бўлиб юришибди экан-да?

— Шундай бўлса керак. Шаҳарда ҳам патруллар бор. Менинг эшигимнинг айвончасида кечқурунга қадар ўтиришди. Улар кетмаса-я, деб кўрқдим. Қоронғи тушиши билан жўнаб қолишди.

Тая олдинда, у кейинда, секин боришарди. Ахири юқорига кўтарила бошладилар. Жой «Петр» учун нотаниш эди, шу туфайли у зўрға йўл топиб юриб борарди.

— Шошилма,— дея огоҳлантирди Тая.— Оёқ товушингни эшитиб қолишади. Менинг орқамдан юр.

Ниҳоят у тепаликка чиқди-да, енгил нафас олди.

— Эй ана, энди бизнинг тор кўчамизга қўл узатса етади. Қичкина ялангликдан ўтамиз-да, тахта деворлар панасига яширинамиз.

Ялангликдан ўтишаётганда, аксига олиб, булутлар ичидан ой чиқиб қолди. Булутлар орасида бекиниб ётди-ётди-да, буни қарангки, ялангликка келганда лоп этиб чиқиб қолса бўладими! Бир лаҳзалик ёруғликда уларни кимдир сезиб қолди. Тор кўчадан шошилишч қадам товушлари эшитилди.

— Немислар!— дея пичирлади Татьяна — Тахта деворга етиб олишга улгурсак эди. Унг томондаги қоронғиликка бурил, мен уларнинг олдига бораман. Чалғитаман. Фрицлар иримчи бўлишади, жиннилар билан учрашиб қолишдан кўрқишади...

Улар тахта деворгача бирга чошиб ўтишди. «Петр» деворга ёпишиб олди, қоронғилик ичига шўнғиди, Тая эса, дадиллик билан олдинга, патрулларга пешвоз юрди.

Ой қандай тўсатдан чиқиб келган бўлса, шундай тўсатдан яширишиб олди. Яна қоронғилик ёпирилиб келди-да, унда Татьяна эриб кетди. Бир фурсат жимлик чўкди. Кейин бирдан манқа ҳайқирик янгради.

— Хальт!

— Ха-ха-ха! — деган овоз эшитилди ҳайқириққа жавобан.— Қўрқиб кетдиларингми-а, айлана қолайлар! Қўрқиб кетишибди! Ха-ха-ха! «Петр» нима бўлишини кутиб, қотиб қолди. Одатда Танянинг хаҳолашидан кейин, немисларни қарғаш бошланарди. Улар жиннини ўзларидан нарига қувишар ёки ўзлари ҳам қўшилишиб кулишарди.

Бу сафар қарғиш ҳам, кулги ҳам эшитилмади. Орага жимлик, сабрни тошириб юборадиган оғир жимлик чўкди.

Кейин бирдан автомат акиллади. Қисқа. Ёвуз тариллади.

...Петр Таняни яримвайрона уй девори тагида ётганини кўрди. Олдида ҳеч ким йўқ эди. Немислар тор кўчанинг ичкарисига кетиб қолишганди. Таня ҳали тирик эди.

— Сенга нима бўлди?

У ингради. Секин, аянчли инқиллади.

— Оғрияпти.

— Мен сени олиб кетаман!

— Керак эмас...

— Таня...

— Бу ердан кет... Улар қайтиб келишади...

Шундай бўлса ҳам «Петр» уни кўтарди, шилтаси чиқиб кетган ердан тайғана-тайғана олиб кетди...

Таня инграрди. «Петр» эшиккача юз-юз эллик қадам келадиган масофани ўтиш учун шошарди. У кейин жимиб қолди, «Петр» ҳовлига кирганда, Таня энди нафас олмасди...

Операция бошланди

ТАТЬЯНА Зубкованинг ҳалок бўлганлигини Василий эрта билан барвақт эшитди. Маргарита Францевна хабар қилди. Бу — зарба эди. Душман жанговар группанинг садоқатли, уддабурро жангчиларидан бирини сафдан чиқарди.

Вазият қандайдир тўсатдан оғирлашиб қолди... Уқ тасодифан узилган, — деди ичида Золенбуаэр, миясига келган пистирма ҳақидаги фикрини улоқтириб ташлаб. Агар планлаштирилган операция бўлганида, патруль алоқачини ўлдиришга журъат этмасди. Уни шундоқ тутиб олишардию, бутун калаванинг учини ситиб чиқаришарди. Лекин шундай бўлса ҳам, бу тасодифдан узилган ўқ группани оғир аҳволда қолдирди.

Зубкованинг ўрнига қўядиган бошқа одам йўқ эди. Ҳар ким ўзига юкланган топшириқни адо этарди. Урин алмаштиришнинг иложи йўқ эди. Шаҳардаги одамларнинг барчаси белгили, ҳар бир янги шахс ўзига эътиборни тортиши мумкин. Агар Марго холанинг уйида чет киши пайдо бўлса, бу Штиллерни, шу билан бирга бутун хавфсизлик хизматини дарҳол шўбҳага солади. Бўлмаса Артем билан учрашувни қандай уюштириш керак? Артемнинг шаҳарда туриши энди умуман мумкин эмас. Алоқани тиклаш учун чора топиш керак...

Василий таъби тирриқ бўлиб комендатурага келди.

— Ҳа, жаноби Золенбуаэр! — дея ялтоқланиб саломлашди Вайс.— Бизни энди, азиз дўстим, назарга илмай қўярсан. Ҳа, бўлмаса-чи... СС. штандартенфюрерининг қайниси бўлгандан кейин. Сизга қандай муомалада бўлишимизни буюрасиз?

— Майнавозчиликни бас қил! — деб жеркиб ташлади уни Золенбуаэр.— Ўзинг биласан-ку, менинг ҳаётимда қариндошчилик муносабатлари ҳеч қандай роль ўйнамаган. Сен учун, Вольфганг, мен ҳамма вақт Василий Золенбуаэр эдим ва шундай бўлиб қоламан.

— Кечир, Василий, мен сени хафа қилмоқчи эмасдим. Менинг сенга муносабатим ўзинга маълум. Нима янгилик бор дейсанми? Агар кечаси патруль аллақандай бир хотинни билмай отиб қўйганини ҳисобга олмасак, айтарли янгилик йўқ.

— Бу бизнинг уйимиз яқинида бўлган, мен ўқ овозини эшитдим...— Золенбауэр креслога оғир ўтирди.— Буни жаноби штандартенфюрер ҳам эшитди. Кейин ухлолмади.

— Бу Келлер учун яхши эмас.

— Қандай маънода?

— Бошлиқ уйқуга тўймаган пайтда, қўл остидагиларга нисбатан нижиқ бўлади.

— Бўлмаса, Келлернинг омади келмабди десанг-чи.

— Кейинги пайтларда унинг нуқул омади келмаяпти.

— Яна бирон нима бўлдими?

— Бўлганда қандоқ! Эсингдами, мушакбозлик ҳақида Вернер айтган гап? У маҳбусларни отишни назарда тутганди. Йўлда Вернер партизанларга дуч келиб қолган, орада отишма бўлган. Бутун группадан фақат Вернер тирик қолган.

— Вернер Келлернинг ёрдамчиси эмас. Менинг билишимча, буни Келлер яхши тушунади.

— Гап бошқа ёқда. Одамларнинг ҳалок бўлганлиги ҳақида бирон бошқа одам эмас, штандартенфюрерга Вернернинг ўзи ахборот беришидан кўрқяпти у. «Кейин нима бўлади,— дейди у,— ўйлаб кўрқиб кетасан одам!»

Василий навбатчининг гапини қандайдир паришонхотирлик билан эшитди.

— Мен зерикарли гапиряпманми?— деди Вайс бирмунча хафа бўлгандек.

— Жуда қизиқарли. Лекин менинг бугун ишим шунча кўпки, ҳаля поччам билан учрашишим керак...

— Янгиликни унга айтмоқчимисан?— дея жилмайди Вайс.— Бор айта қол. Мен сендан хафа бўлмайман, лекин шуни айтиб қўяйки, унга машина юборилди.

— Янаям яхши бўпти.

Василий кўчага чиқди. Поччасини кутиб олиш унинг кўнглида йўқ эди. У Артеми кўриб, унга топириқ бериши керак эди. Комендатура-ни айланиб ўтиб, Василий Фокиннинг уйига ошиқди.

Уни Анна Андреевна ичкарига киритди.

— Фалокат, Василий Иосифович!

— Биладан.

— «Петр»нинг кўнглини кўтариб қўйиш керак. Аҳволи ёмон...

— Ярадорми?

— Йўқ. Таня учун куйяпти. «Мен айбдорман!» дейди.

— Ҳаммамиз айбдормиз. «Петр» қаерда?

— Ичкаридаги хонада.

— Унинг олдига бошланг.

Петр дераза олдида букчайиб турарди.

— Салом!— деди Золенбауэр. У ўртоғи олдига бориб, уни орқасидан қучоқлаб олди.— Ҳаммасини тушунаман. Узингни ҳам, мени ҳам кўнглимни бузма. Мусибатга бардош бер, Артем... Оғир, лекин начора. Жанг давом этяпти, бизни нафас ростлашга қўймаяпти... ҳатто энг керакли одамнинг билан ҳам видолашишга имкон бермаяпти.

Василий дўстининг қўлини қисиб қўйди.

— Нима қилиш кераклиги эсингдами?

— Ҳа,— деб жавоб берди лаблари титраб «Петр».

— Такрорлайман. Эртага сен ўн беш-у қирқда Сердечнийнинг ҳузу-

рида бўлишинг лозим. Ун олтида Митрошкин билан учрашув: Кейин ғойиб бўлиш.

— Равшан... Кечир, мен довдираб қолаёзибман...— «Петр» қафтлари билан чаккасини қисди.— Ҳаммаси бажарилади.

— Ишонаман. Энди хайр!

Бўсағада тўхтаб, Василий Анна Андреевнага тайинлади:

— Диққат билан қулоқ солинг! Сиз ҳозир Тимофей Сидоровични кига борасиз, унга тайинлайсиз — унинг ёрдамчиси Аграфена Никитична келгинди поляк Қирпиченский билан гаплашиб олсин. У қандолат маҳсулотларини пайчи бўлиб сотишини унга таклиф қилган. Аграфена Никитична унга тушунтирсинки, шериклик қилиш учун бургомистрнинг рухсати керак, десин. Буни яхшиси эртага соат тўртда Сердечнийнинг квартирасида қилсин. Бу бирламчи. Иккиламчи, Аграфена Никитична Митрошкин билан учрашиб, унга, кундузи соат тўртда Сердечнийнинг олдига бир одам келади, у Кузовкиннинг қандолатхонасида сенинг ўрнингни эгалламоқчи десин. Ҳаммаси тушунарлими?

— Ҳаммасига тушундим.

Асқар Тўхтабоев

АСҚАРНИНГ ҳаёти ўз изига тушиб кетди. Унинг бир хил маромини ҳеч нарса буза олмайдиганга ўхшаб кўринарди. Эрталаб гаражга келар, моторни кўздан кечирар, агар бузилган жойи бўлса тузатарди. Кейин бургомистрни олиб келиш учун машинада кетарди.

Асқарни Г. шаҳрига юборишаётганида, у асл разведкачи ихтиёрига кетаётганини тайинлашган, Тўхтабоев нима иш қилиши кераклигини ўша разведкачи белгилашини айтишганди. Фақат у билан боғланиш қолган эди. Ҳаммаси ўнгидан келди. Дарҳол танишиб олишди ва Асқар биринчи топшириқ олди. Бу топшириқ бургомистр билан яқинлашиш, немисларнинг ишончини қозонишдан иборат эди. Мана ўшанда унча қийин бўлмаган операция амалга оширилиб, кўприкда «муқаррар» портлашнинг олди олинган, портлатгич қўйилган жойидан топиб олинганди. Бу нарса дарҳол Тўхтабоевнинг «баҳосини» ошириб юборганди.

Уни қандайдир жиддий ишга тайёрлашаётганини тушунар ва кўрсатма берилишини кутарди. Ҳар сафар у Василий билан учрашганида, унинг кўзларига қаттиқ тикилиб қолар — ҳал қилувчи фурсат келган келмаганлигини билишга уринарди. Бугун Золенбауэр билан навбатдаги учрашув. «У нима деркин унга? Яна ўша одатдаги «йўқ»ни такрорлармикин? Сабр-тоқат қилишни маслаҳат берармикин?»

Учрашув уч қаватли ўрта мактаб вайронасида бўлди. Кечқурун соат саккизларга яқин эди — ҳали кун ёруғ, лекин қоронғи тушиб келган эди.

Золенбауэр Асқарни «даҳлиз»да топди ва иккинчи қаватга чиқишга ишора қилди. Бу ерда учта хона сақланиб қолган, деразалари йўқ, лекин эшиклари бор, энг яхши томони шунда эдики, бу хоналарнинг деворлари омон қолган, ичидагини бегона кўзлардан яшириб турарди.

— Асқар,— деди Золенбауэр, улар юқорига чиқиб, ўзларини босиб олишгач.— Шаҳарга немис разведкачиси келди.— У Совет Иттифоқи бўйича мутахассис. Уни партизан отрядига юборишмоқчи. Менда, у ўрмонга бора туриб, сизни ҳам бирга олиб кетади, дейишга асос бор... Ҳа, шундай, улар буни келишиб олишган... Уларнинг мақсади, чамаси немис капитанининг кимлигини аниқлаш. Лекин разведкачининг олдига бошқа вазифа ҳам қўйилган, деб ўйлайман. Битта капитанни деб «мутахассисни» овора қилиб ўтиришмайди. Бу ерда нимадир бошқа жиддий-

роқ нарса бор. Сиздан Келлерга ўзингизни ёллашга имкон беришингиз талаб қилинади, соддароқ қилиб айтганда, қармоққа тушишингиз керак бўлади. Аммо шошиб, осонлик билан рози бўлманг. Келлер ўз талабасини қадрига етиб баҳолаш учун бир оз меҳнат қилсин.

— Демак, ҳақиқий иш бошланар экан-да,— деди жонланиб Асқар.

— Бошланади шекилли,— деб бошини силқди Василий.— Нима, кутиш жонга тегдими?

— Жонга тегди.

— Бўлмаса буни саволга жавоб деб ҳисоблаймиз: операцияда қатнашишга тайёрмисиз?

— Тайёрман, Василий Иосифович!

— Агар ҳали бошлашмаган бўлишса, сизни синовдан ўткази бошлашади.

— Келлер мени кузатиб юрибди,— деди Асқар.— Гапга солиб турди.

— Келлер билан бирга, айтиш мумкинки, бу иш билан яна бир неча одам шуғулланаётган бўлиши мумкин. Яхшиси, биз вақтинча учрашмаслигимиз керак. Шубҳа туғилишига баҳона топиб бермаслик лозим.

— Мен бир ўзим қоламанми? — деди хавотирланиб Асқар.

— Жуда озгина вақтга. Бунинг устига, бу ёлғизлик шартли бўлади. Сиз ҳамма вақт бизнинг кўз остимизда бўласиз.

— Башарти мушкул масалани кечиктирмай ҳал қилиш зарурати туғилиб қолса-чи?

— Биз ёрдамга келамиз.

— Лекин қаердан биласиз буни?

— Бургомистрнинг машинасида хиёбон томондан бозорнинг олдига борасиз. Қапоти очасиз, моторнинг у ёқ-бу ёғини кўриб, куймаланасиз, бунда машинанинг иккала эшиги очиқ бўлиши лозим.

— Муддати?

— Ун минутча.

— Бозорга бориш пайти?

— Эрталабдан бозор тугагунча. Бўладими?

— Мутлақо. Имкониятдан фойдаланаман.

— Уйлайманки, ҳожати бўлмайди. Ёллаш шу яқин кунларда бўлади. Назарга олиб қўйинг. Унутманг: иккала эшиги очиқ турган бўлиши лозим.

— Унутиб қўймайман.

Бутунлай қоронғи тушганда тарқалишди. Асқар вайронадан биринчи бўлиб чиқиб кетди. Василий бир муддат тўхтаб турди-да, кейин пастга туша бошлади. Йўлакда қадам товушини эшитди. Иккита одам тош йўлдан шошиб борарди. Этикларининг нағалларига қараганда, улар патруллар эди. Василий нафасини ичига олиб, ўзини панага урди.

— Кел, шу ерда бирпас ўтираемиз,— деди солдатлардан бири.— Озгина дам оламиз.

— Майли,— деб жавоб берди иккинчиси.— Тинч жой.

— Вайрона кимга керак?

Солдатлар зинага ўтиришди-да, папирос чека бошлашди.

— Чет ёқада ёмон,— деди иккинчиси.— Айниқса жар олди. У ерда доим жинни хотин ўралашиб юради.

— Энди у йўқ,— деб хўрсинди биринчиси.

— Ким йўқ қилди.

— Курт.

— Қанақа Курт?

— Ҳалиги бор-ку, отасини дафн этишга кетган бор-ку, ўша.

— Нега отди. Қўрқиб кетганидандир-да?

— Эҳтимол. Лекин қўрқадиган ери йўқ эди. Биз уни деярли ҳар

куни кечаси учратардик. Худди кўланкадек дайдиб юрарди. Нега уйда ўтиргиси келмасди — ҳайронман.

— Жинни-да?

— Бу тўғри. Ўша куни яна кимдир шаҳарда ивирсиб юрарди. Мен гапларини эшитдим. Нима деб гаплашишганини англолмадим. Русча валдирашарди. Овозларини ажратдим — эркак билан аёл. Куртдан: эшитяпсанми? — деб сўрайман. Йўқ, деб жавоб беради. Нега йўқ дейсан, ахир овоз икки кишиники-ку. У яна — йўқ! дейди. Кейин бурчакдан аёл чиқиб келди, сочлари ёйилган, алвастига ўхшайди. Яна хахотлай бошлади. Мен бу хотинни илгари кўргандим, Курт бўлса, ҳеч нимани билмасди. Унинг асаби бардош бера олмади. Автомат тепкисини босиб юборди. Бечорани қора қонига белади-да, орқасига қарамай қочишга тушди. Мен уни тўхтатмоқчи бўлгандим, йўқ, қайда! Учинчи кўчада аранг етиб олдим.

— Бундан чиқди, қаттиқ қўрқиб кетибди-да.

— Ҳа. Ахир уруш бошлангандан бери фронтда, бормаган ери қолмаган. Нималарни кўрмаган.

Василий қараса, солдатлар ҳали анча ўтиришадиган. Шошадиган ерлари йўқ. Қим ҳам тинч ва қулай жойни ташлаб, ҳар бир қадамда хавф-хатар юз бериши мумкин бўлган шаҳарга шошиларди дейсиз.

Василий қўлига гишт парчасини олиб, кўчанинг нариги томонидаги буталар ичига ташлади.

— Эшитдингми? У ерда кимдир борга ўхшайди, — деди биринчи солдат.

— Ким бўларди. Балки қуш-пушдир.

— Ўхшамайди... юр, бориб кўрамиз. Сен қўрқма. Шаҳарда жинни битта эди. Уни ҳам Курт йўқ қилди.

Солдатлар зинани ташлаб кетишди, шошилмай кўчанинг нариги боши томон юришди.

Уларнинг қадам товушлари ўчгач, Василий ўзининг пана жойидан чиқиб, вайрона орқали хиёбонга ўтиб олди. Бу ерда у бутунлай бехатар эди. Патруллар хиёбонга бош суқиб қарамасдилар. Овлоқ ердан ўзларини четга олиб қочардилар.

Бургомистр ҳукм қилинди

СОАТ 15 дан 30 минут ўтганда бургомистрнинг уйига енгил машина келиб тўхтади. Шофернинг ёнида капитан лавозимидаги немис офицери, унинг орқасида иккита солдат ўтирарди.

Моторнинг гувиллашини эшитиб, ўрта эшикдан Духовников мўралади.

— Бургомистр уйдами? — деб сўради офицер, машинадан тушаркан. Немис тилида сўради ва бу билан у Духовниковни титратиб юборди. У немислар олдида, айниқса офицерлар олдида довираб қоларди

— Йўқ!

— Йўқ!? Қизиқ! Қаерда у?

— Хизматда, хизматни адо этяпти.

— Гап шундаки, у хизматда йўқ. Жаноби Сердечний майор Шварманга шу топда керак бўлиб қолди.

Духовников нима дейишини билмай елкасини қисди.

— Билолмадим.

— Телефон борми? — деб сўради офицер.

— Худди шундай.

— Мен зудлик билан комендантга хабар қилишим зарур. — Офицер зинага кўтарилди-да, ичкари эшик томон юрди.

Дахлсиз бўйсуниб олати Духовниковдаги эҳтиёткорликни босиб кетди. Унинг йўлини тўсиш ўрнига, итоатқўйлик билан таъзим қилиб, офицерга йўл кўрсатиб ичкарига бошлади.

Телефон Сердечнийнинг хонасида экан. Кабинет катта бўлиб, чор атрофга жавон қилиниб, китоблар териб қўйилганди. Ашаддий китобсевар яшаркан бу ерда, деган таассурот қоларди кўрган кишида.

Бунча китобни кўриб «Петр» ҳанг-манг бўлиб қолди. Бир муддатга қаерда турганини, бу ерга нега келганлигини, ёнида ким турганлигини унутди. Полда, стол тагида, ҳатто китоб жавонларида винодан бўшаган шишалар юмалаб ётарди. Шишалар диван олдида ҳам уюлиб ётар, ҳатто «Петр»га керак телефон ёнида ҳам шиша турарди. У стол томон йўналди ва шу пайт Духовниковнинг секин йўталганини эшитиб қолди.

— Сен ҳали ҳам шу ердამисан? — деб сўради «Петр» немисчалаб, кейин русча қўшимча қилди: — Бу ердан йўқол!

Духовников таъзим қилганича орқасига тисланиб кабинетдан эмаклагандек чиқиб кетди.

«Петр» кенг креслога ўтирди-да, трубкани олиб, уни ҳарбий комендант билан улашларини илтимос қилди.

— Жаноб комендант, менинг саломимни қабул этгайсиз. Ким гапиряпти дейсизми? Сиз, агар мен ўзимни капитан Папке ва айни пайтда «Петр» десам, албатта, ҳайрон қоласиз. Бу исмлар сизга танишми? Ана қандай яхши! Энди ишнинг моҳиятига келайлик. Сиз бургомистр Сердечнийни қамоққа олибсиз. Сизга бир нарсани байлашиб олишни таклиф қиламиз. Бизнинг қўлимизда капитан Фокс бор. У хизмат кўрсатган жангчи, фюрер томонидан мукофотланган, рейх учун қимматли одам. Кузьма Петрович Сердечний эвазига Фоксни алмашамиз. Бу сизлар учун фойдали. Рус кишисига, тагин ўтмиши бетайин, сизга асл немис офицерини тавсия қиляпмиз. Агар бу масалани сиз ўзингиз мустақил ҳал қилолмасангиз ва ўйлаш, маслаҳатлашиш учун фурсат керак бўлса, биз кутишга тайёрмиз. Бироқ огоҳлантираман: Сердечнийнинг бошидан битта мўйи ҳам тўкилмаслиги керак. Акс ҳолда капитан Фокс сизни ҳеч қачон кўрмайди, жаноби комендант, немис офицерига ғамхўрлик учун у миннатдорчилик билдиролмай қолади. Сердечний қандай бўлган бўлса, у ҳам шундай жазога тортилади. Сизга яшашингизни тилайман!

«Петр» трубкани илди-да, йўлакка чиқди.

Бу ерда Духовников ёнида Митрошкинни солдатлар қўриқлаб туришарди. Афтидан у ҳозиргина келган ва нима бўлаётганини бошике-тига етолмаган эди.

— Хўш жонидан тасаддиқлар! — деди «Петр» русчалаб. — Сотқинлар! Шу ернинг ўзида отиб ташлардим, лекин халқ трибунали қилмишларингга яраша жазо беради. Ҳозирча ўз келажакларинг тўғрисида ўйлаб кўринглар... Кетдик, ўртоқлар!

«Петр» орқа ўриндиққа ўтирди, эшикни ёпди ва автомобиль шаҳарнинг нариги боши томон физиллаб юриб кетди.

Офицернинг сўзлари нес қилиб қўйган Духовников ҳушига келгунча ўн минутлар чамаси ўтди, кам эмас.

— Партизанлар... — деб сал эшитиладиган қилиб шивирлади. — Партизанлар...

— Ҳа, — дея бош силкиб тасдиқлади Митрошкин. — Ҳақиқий партизанлар. Тақдир улар билан учрашувдан асрамади. Энди яхшилик кутма. У нима деганини эшитдингми? «Шу ернинг ўзидаёқ бир ёқлик...»

— Отиб ташлардиям, — дея куйиб-пишиб уҳ торгди Духовников. — Унинг нимаси кетарди? Хўжайин бўлиб келди. Ўз уйидай буюради яна. Ёнингга кирадиган одам йўқ. Кўчада немис деганинг доригаям топилмайди...

— Энг ёмони шундаки, ўзингникилар қаердаю, бегоналар қаерда — билолмайсан,— дея мушоҳада қила бошлади Митрошкин.— Формаси немисча, Гитлердан ёмон гапирмайди немисчани. Бунақада асфаласофинга кетиш ҳеч гап эмас. Кетидан қувлайсан, ҳақиқий немис бўлиб чиқади, бошпана берасан, у эса худди ҳалиги партизанга айланиб қолади. Сирт-моқ! Яширинадиган жой тополмайсан. Мана шундай кўчада олдингга келади ёки ўз уйингга ҳам кириб келаверади. Тарс эткизиб отадию — сен иллолло деёлмай қоласан... Қочамиз, қочиш керак!

Митрошкин, худди чиндан ҳам қочишга отланаётгандек скамейкадан турди.

— Сенга нима бўлди? — деди Духовников қўрқиб кетиб.— Иккинчи марта келмайди.

— Бу ҳали номаълум. Балки у бу ерда сигаретини ёки зажигалкасини унутиб қолдиргандир. Биринчи сафар унинг ўқи бизларни четлаб ўтди, иккинчи соғ қўймайди. Тақдирни синаб ўтиришга ўрин йўқ.

— Яна келишга ҳадик қилади,— деб эътироз билдирди Духовников.— Ҳар қалай, бургомистрнинг уйи-ку, бу ер.

— Немис формасида у қаерга истасанг бораверади... Ҳозирча хайр, Терентий Лукьянович!

Митрошкин қўлини силкитиб, бургомистр уйдан нари кетди. «Бўлган воқеани жаноби штурмбанфюрерга бориб айтсаммикан? Ишонармикан? — шаҳар маркази томон юриб борар экан, ўйларди Митрошкин.— Кейинги пайтда у менга ёмон кўз билан қарайдиган бўлиб қолди. Сабаби нимада экан? Мен унга нима ёмонлик қилиб қўйдим. Нуқул Сердечнийни сўрагани-сўраган... Тўхта, тўхта!.. Бу қанақаси. Бундан чиқдики у бургомистрга ишонмайдими? Бўлди, худди ўзи! Мен, ахмоқ бўлсам, ҳар бир бурчакда Сердечний билан ошнализимни оғиз кўпиртириб гапириб юрибман. Йўқ, штурмбанфюрерга айтиш тўғри келмайди...»

— Салом Павел Гермогентович! — деди бирдан Золенбауэр унинг ёнида пайдо бўлиб.— Нимадан хафа бўлиб келяпсиз?

— Менми? — дея сесканиб кетди Митрошкин.— Нимадан хафа бўларканман?

— Мен ҳам шуни айтаман-да,— деди Золенбауэр кулиб.— Жаноби Митрошкин, нимадан ҳам хафа бўлиши мумкин. Ишлари яхши кетаётган бўлса, коммерсант Митрошкинга ҳамманинг ҳаваси келади. Шаҳарда олдинги фирма унинг корхонаси. Ҳатто биз, немислар, ишнинг кўзини биладиган одамлар, бозордаги нарх-навони тушунмасдик. Сиз бўлсангиз эпладингиз. Қаерга олтин кўмилганини сезиб олдингиз.

— Сиз ҳам хўп гапларни гапирасиз-да,— деди уялиб Митрошкин.— Қанақа олтинни гапиряпсиз. Шунчаки қора кун учун дегандек уч-тўрт танга майда чақа йиғсак нима бўпти?

— Қора кун учун танга-чақа йигмайдилар. Бунинг устига «қора кун» деганингиз ҳам қулоққа қандайдир ғалати эшитилипти. Сиз немис армиясининг мағлубиятини кутяпсизми?

— Нима деяпсиз, худо асрасин! Бироқ одамга бир нарса бўлиши мумкин. Мана ҳозиргина...

— Фақат ҳозиргина? — деди Золенбауэр, Митрошкиннинг кўзларига ўқдек тикилиб.— Нима содир бўлди, ҳозиргина?

Митрошкин нима дейишини билолмай, кўзларини филтилатди. У бургомистрнинг уйда кўрган немис офицерини айтсамми-айтмасамми, деб иккиланиб қолганди. Лекин оғиздан чиқиб кетдим — бас, уни қайтариб бўлмайди. Давом эттириш керак.

— Мен ҳозиргина немис капитани формасини кийган партизан командирини кўрдим.

— Шошманг, Павел Гермогентович! Сиз ҳазиллашяпсиз! Бизнинг

офицеримизни партизан деб юрган бўлманг? Бунинг устига партизанлар командири қандай қилиб шаҳарга кела олади. Бу ерда вермахт армияси хўжайин-ку. Ҳазилнинг таги зил-а, Павел Гермогентович!

— Мен ҳам шундай деб ўйладим. Қарангки, ўз кўзим билан кўрдим партизанни, тагин биттамас, балки учта. Ҳаммасида автомат бор.

— Балки улар бизнинг солдатларимиздир? — дея шубҳа билдирди Золенбауэр.

— Немислар русчани бундай гапиролмайдилар. Оламда халқ трибунали ҳақида гапирадиган, Духовников икковимизни немислар билан дўстлигимиз учун отиб ташлайман, деб дағдаға қиладиган немисни топиш мушкул бўлса керак. Мана шунақа!

— Демак, сиз уларнинг партизанликларига ва капитан — руслигига ишонасиз, — дея аниқлади Василий.

— Ишонаман!

— Биласизми, Павел Гермогентович, бу факт шунчалик муҳимки, мен хизмат бурчим юзасидан бу ҳақда майор Шварцманга ахборот беришим лозим.

— Ахборот бераверинг! Менга қолса фюрернинг ўзига ҳам айтинг. Менга бари бир!

— Бу қай пайтда содир бўлди?

Митрошкин капитан ўйдан чиққанида ичкаридан девор соат занг чалганини, у буни беихтиёр санаганини эслади. Тўрт марта занг урган эди.

— Соат роппа-росо тўртда.

— Сизнинг ажойиб хотирангиз бор экан, жаноби Митрошкин. Гоят хушёр экансиз. Мен мардлик ҳақида гапирмайман. Партизанлар командири билан учрашган ҳамма ҳам совуққон бўла олмайди. Бошлиқларга ахборот бераётганимда сизни ҳам муносиб даражада кўрсатишга ҳаракат қиламан, — деб ишонтирди Митрошкинни Золенбауэр. — Ўйлайманки, агар ҳозир айтганларингизни тасдиқлаб олиш зарур бўлса, бош тортмасангиз керак? Партизанларни ҳам, немис формасидаги капитанни ҳам айтиб берасиз.

— Албатта! Нимани кўрган бўлсам, ўшани айтаман... Мен шундай тушунаман — партизанлар катта хавф. Бизлар ҳаммамиз улар билан курашимиз керак. Хайр, жаноби Золенбауэр! Керак бўлиб қолсам, чақирарсиз!

Золенбауэр Шварцманнинг олдига дарҳол кирмоқчи эди, лекин уни Келлер ушлаб қолди, у қандайдир зарур иш билан комендатурага келиб қолган экан.

— Қаерларда юрибсиз, Золенбауэр? Жаноби ҳарбий комендант сизни қирқ минутдан бери қидиртиради.

— Ҳозир соат неча?

— Тўппа-тўғри йигирмата кам беш... Хўш, нима учун сизни вақт қизиқтиряпти? — дея сергакланди Келлер.

— Чунки бундан тўппа-тўғри қирқ минут олдин партизанлар бургомистрнинг уйига ҳужум қилишди.

— Қанақа ҳужум? Мен фақат Шварцманга Папке кўнғироқ қилганлигини биламан холос.

— Сердечнийнинг уйдан кўнғироқ қилган.

— Нималигини билмайман-у, лекин бу капитан сурбет бўлиб кетди, — деди жаҳл билан Келлер.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман, — дея сирли кулиб қўйди Василий. — Лекин муҳими бу эмас.

— Бўлмаса нима?

— Муҳими шуки, у капитан эмас.

— Менга қаранг, жаноби Золенбауэр, — дея ҳайрон бўлиб унга қа-

ради Келлер — Сиз хавфсизлик хизматидан кўп нарса биламан, демоқчи бўласизми?

— Ҳозирги фурсатда кўпроқ биламан.

— Сиз мени қуролсизлантиряпсиз.

— Аксинча, мен сизнинг қўлингизга қурол бермоқчиман.

— Бу энди кутилмаган нарса! — дея жонланиб кетди Келлер. Унинг кўзларидан ўт чақнади. — Қани, беринг ўша қуролингизни! У менга жудаям зарур шу топда.

— Жаноби штурмбанфюрер, агар мен ҳозир капитан Папкедан қутилишнинг аниқ йўлини кўрсатсам, нима дердингиз?

Ҳаяжонланиб кетган Келлер сигарет олиш учун чўнтагига қўлини суқди, қўллари унга бўйсунмасди — у сигарета пачкасини тушириб юборди, Золенбауэр уни ердан олиб, штурмбанфюрерга берди.

— Нима дер эдингиз? — дея такрорлади Василий.

— Бир умрга сизнинг олдингизда қарздорингизман, деган бўлар эдим.

— Шу сўзингизда турасиз. Уртамизда жентельменчасига келишув бўлди, унга хилоф иш қилмаймиз, деб ҳисоблаймиз.

— Офицер ва коммерсант шаъни билан онт ичаман!

— Миннатдорман.

— Қарзни узиш исталган пайтда ва исталган шаклда.

Василий кулиб юборди.

— Чек кўрсатиш биланми?

— Худди мана шундай.

— Ундай бўлса, мана олинг қуролингизни! Капитан Папке — бу рус партизани. Унинг Германияга ҳеч қанақа алоқаси йўқ.

— Э парвардигор! — деди Келлер қўлларини чайқаб. — Бу шунчаки ҳавойи гап эмасми?

— Бу — факт. Унинг исботи ҳам бор.

— Уни штандартенфюрерга айтиш мумкинми?

— Албатта. Жаноби Штиллерни мен ўз зиммамга оламан. Сизга эса, фақат оддий юридик миссия юкланади. Иккита шоҳидни чақириб сўроқ қилиш керак. Гувоҳларнинг исми-фамилиялари эртага айтилади.

Бу ўшамикан?

Эрталаб катта механик Франц Иосиф Целько Тўхтабоевга, унинг бугундан бошлаб бошқа хўжайин — обер-лейтенант Вайс ихтиёрига ўтганини айтди.

Бундай ўрин алмаштириш нима учун содир бўлганлигини Тўхтабоев билмасди, у олдинги хўжайини — бургомистр Сердечний қаёққа гоёиб бўлганлигидан ҳали беҳабар эди. Ўзгаришнинг сабабини Асқар сўрашга ботинмади. Цельке унинг қизиқиб қолганлигини ўзича бошқа нарсага йўйиши мумкинлигини андиша қилди. Бунинг устига, Асқарнинг унча-мунча ўзгаришлар юзасидан ўз тахминини гапириб юрадиган одати йўқ эди, буни гараждагилар яхши билишарди. Унинг машинадан бўлак ҳеч нарса билан иши йўқ, камтар ва индамас одам сифатида танилганди. Айни пайтда у қизиқса бўлардию, лекин сўрайлиган одам йўқ эди. Цельке бундан мустасно, Макс Лютке эса, русчани тушунмасди. Макс Люткедан нима учун сўраши керак экан? Шунинг учунки, гаражда Асқар дўстона алоқа ўрнатган бирдан бир одам эди у. Бу муносабат ўз-ўзидан, ҳеч қандай мантиқий сабабсиз пайдо булганди. Улар бир-бирларига бир оғиз ҳам гап қотишмади. Улар умуман таниш ҳам эмасдилар. Лютке слесарь, токарь яна нима бало бўлиб иш-

ларди. Тўхтабоев механик бўлиб ишларди. Улар фақат иш юзасидан бир-бирлари билан алоқа қилиб туришарди холос. Асқарга ҳамиша Люткенинг ёрдами керак бўлиб қолар, унинг станогиди Асқарнинг «мерседес»и деталлари тузатиларди. Сеҳргар Макс Лютке деталларни янгилаб берарди, шунда Асқар ва бошқа механиклар қойил қолганларидан тилларини тақиллатишар эди. Ўз навбатида, Лютке ҳам механикнинг шаънига мақтов ёғдиришда бахиллик қилмасди. Тўғри, ўзининг бутун ҳаяжонини битта сўзга, бўғиқ, қандайдир димоғ билан айтадиган «Гут!» сўзига сиғдирадди. Люткенинг юксак баҳосини тушуниш учун шунинг ўзи кифоя эди.

Сиртдан қараган одамга Лютке бесўнақай бўлиб туюларди. Ориқ, елкаси тор, чиллакдай қўллари узун эди, у қандайдир якка кифтлаб, оёқларини букмай, ёғоч оёққа ўхшаб тўғри босиб юрарди. Бироқ станок олдида борди дегунча, у бутунлай ўзгариб кетарди. Қаердандир эпчиллик, чаққонлик, чаптастлик пайдо бўларди. У шундай чиройли ишлардики, ундан кўз узиб бўлмасди. Бошқа механик ва токарларга Лютке лоқайд қарар, уларни назарига илмасди. Тўхтабоев бундан мустасно бўлди. У ёш механикни дарҳол кўз остига олиб қўйди, ишдан қўли бўшаган пайтларда унинг машинаси ёнига келар, Асқарнинг моторни тузатаётганини, унинг қисмларини чаптастлик билан тўғрилаётганини томоша қиларди. Бу ўринда у ўзининг яхши кўрадиган сўзи «Гут»ни айтмасди, балки фақат жилмайиб турарди.

Ҳар куни эрталаб улар гаражда учрашиб, бир-бирлари билан бошларини силкиб саломлашардилар-да, жой-жойларига тарқалишарди.

Гараж территориясини маҳбуслар супуриб-сидиришарди. Одатда қамоқхонадан эрталаб соат еттида ишга ҳайдаб чиқишарди, ўнгача улар ўз ишларини қилиб битиришарди. Лекин мана икки кунгача маҳбусларни тушликкача ҳовлида тутиб қолишмоқда. Асқар бунга эътибор қилди ва бу янгиликни кеча Келлер билан бўлган гап билан боғлади.

Келлер, ҳеч қандай гап йўқ, сўз йўқ, томдан тараша тушгандай қилиб, Асқарнинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолганлигини айтди. Келлер Тўхтабоевни кузатиб юриб, бир куни у билан Россиянинг ҳамда Асқар туғилиб ўсган тупроқнинг келажаги хусусида суҳбатлашганида айтган эди бу гапнинг даромадини. Келлер айтган эдики, Совет ҳукумати ўзининг сўнгги кунларини кўрмоқда, яна салгина бир зўр берилса, голибона рейх армиясининг зарбаси остида Россия қулайди. Шарқ халқлари вакиллари, жумладан Тўхтабоев аҳволини тушунишлари, ўзлари учун келажакка борадиган йўлни танлашлари лозим. Биз, голиблар биланми ёки мағлублар билан борасизларми. Йўлни танлаб олиб, ўзингизни сафда аниқ тасаввур этишингиз мумкин... Тўхтабоев йўлни танлагани учун у рейхнинг солдати бўлиб қолиши лозим. Одатдаги солдат эмас. Махфий!

— Шу яқин ўртада партизанлар отряди бор,— деб тушунтирди Келлер.— Немис капитани Папке ўша отряд билан алоқадорми ёки у ерда турадимиз— шуни аниқлаш керак. Хоинни топиб, ҳибсга олиш зарур.

— Партизанлар мени йўлатишармикан?— деб сўради Асқар, бўйинини қашиб.— Мен бургомистрнинг шофери бўлиб ишлашимни ҳамма билади.

— Бу ҳақда ўйлаб кўриш керак,— дея бошини тебратди Келлер. Афтидан, Тўхтабоевнинг немис маъмурияти билан алоқадорлиги унинг ўзини ҳам хижолат қилиб қўйган эди.

Кейинги сафар у гапни Асқарнинг вазифасидан бошлади

— Биласизми, сизнинг бажараётган вазифангиз маълум маънода партизанларнинг ичига кириб олишингиз учун ҳатто қулай келади.

— Партизанларга шофер керак эканми?— деб сўради Асқар ўзини гўлликка солиб.

— Партизанлардан ҳам, уларга бориб қўшилишни истовчи шахсларга керак. Бизнинг қамоқхонамизда қамоқдан қочишга икки марта уринган асир рус лейтенанти ўтирибди. Ҳозир яна қочишни мўлжаллаб, шерик излаётти. Унинг плани анча мураккаб. Ё бироқ кимса билан биргалашиб, дарвоза олдидаги навбатчини ўлдирмоқчи, ёки шоферлардан бири билан гаплашиб, машинасида қамоқхонадан олиб чиқиб кетишини сўрамоқчи. Лейтенант билан камерада бирга ўтирган одам бизга шундай деди. Уша лейтенант ёрдам беришингизни сўраб сизга мурожаат қилиши ҳам мумкин. Унинг илтимосини ерда қолдирмасликка, бирга қочишга розилик билдиришга ҳаракат қилинг. Кейин партизанларнинг ишончини қозонишингизда лейтенант сизга ёрдам беради...

Келларнинг режаси Асқарга маъқул бўлди. Ҳар қалай, у бу режани қабул қилди ва штурмбанфюрерни, агар у бургомистрнинг шоферини қочишда иштирок этишга таклиф қилса, лейтенантга ёрдам берман, деб ишонтирди.

Келларнинг таклифи энди равшан бўлишига қараганда, ўша лейтенантнинг нияти билан мос келарди. Умуман уларнинг ҳамма ишлари мос келарди — «қочиш» ланининг амалга оширилиши муддати ҳам. Штурмбанфюрернинг ҳаракати жуда ҳам жўн эди.

«Лейтенант» билан танишиш шу кун эрталаб бошланди. Асқар энди машина юваётган эди, унинг олдига новча, кенг елкали, сочлари похол рангидаги йигит келиб, ёрдамлашиб юборишини билдирди.

«Мана кўрдингми,— дея кўнглидан ўтказди Тўхтабоев,— операция бошланаяпти. Келлар унчалик сабрли эмас экан. Дарвоқе, у нимани ҳам кутарди. Барча иштирок этувчи шахслар тайёрлаб қўйилган бўлса...»

— Кел арта қол!— деди Асқар ва йигитга «мерседес»нинг капоти устида ётган латтани кўрсатди.

У дарҳол латтани олди-да, машинани ҳафсала билан артишга киришиб кетди.

«Қизиқ, у гапни қандай бошлар экан? Муҳими, нимадан бошлар экан?» Асқарнинг ўзи уни гапга солгиси келмади, Келлар ҳам бунақа топшириқ бермаганди. «Лейтенант» индамасди, Тўхтабоев ҳам индамасди. Маҳбус «мерседес»ни ярқиллатиб артиб бўлиб, Тўхтабоев турган ер томон юрди. Масофа дақиқа сайин қисқариб борарди.

«Ҳозир гап очади,— деди фикран Тўхтабоев.— Энг қулай фурсат». Лекин «лейтенант» унинг ёнига яқин бориб, шоферга савол берай деб турган пайтда, Цельке маҳбусларга, ҳовлининг ўртасига тўпланинглари, деб команда бериб қолди. «Лейтенант» латтани қўйиб, «мерседес»дан нари кетди.

«Балки мен адашган бўлсам керак, менга керакли одам бу эмасдир?— деб ўйланиб қолди Асқар.— Шунчаки тўғри келиб қолиши ҳам мумкин».

Асқар машинадан туриб маҳбусларни ҳовлидан қамоқхонага айлантирилган иморат подволига олиб кириб кетишаётганини кўриб қолди.

«Хўш нима қилти, яна бир кун кутсак кутамиз-да. Шошиб қаёққа ҳам борардик! Сиз бўлсангиз, жаноби Келлар, мени қандай қилиб лақиллатиш йўлини ўйланг».

Асқар гаражга кечқурун алламаҳалда қайтиб келди. Кун бўйи у вокзалга атиги икки марта бориб келди, қолган вақтда комендатура олдида турди — обер-лейтенант Вайсн — ўзининг янги хўжайинини кутди.

Шоферлар ётоқхонаси гараж территориясида эди. У иккита хона

эгаллар, жуда оддий қилиб жиҳозланган эди: каравотлару, кийим-кечак осадиган шкафчалар. Асқарнинг каравоти эшикка чиқаверишдаги дераза олдида эди. Илгари Асқар Сердечнийнинг уйига туташ бир кулбада турарди. Бургомистр ғойиб бўлгандан кейин уни ётоқхонага кўчиришди. Тураржойнинг ўзгаришидан Асқар ҳеч хафа бўлмади. Духовниковдан у шундоқ ҳам жирканиб юрар, маст Сердечний эса, ҳар куни шоферини обориб обкеларди.

Ётоқхонада кўз қувонмаса ҳам, бу ер тинч, озода ва энг муҳими, шоферлар ҳамиша Целькенинг назорати остида турардилар, бу Асқар учун катта аҳамиятга эга эди. Катта механик, афтидан, шофер ҳамда механикларнинг хулқи тўғрисида ҳар куни ахборот бериб турарди. Асқарга мақтов характеристикаси керак эди. У жудаям зарур эди унга. Келлер махфий топшириқ бериладиган одамни шу орқали танларди.

Одатда кечки овқатдан кейин Тўхтабоев ўзининг «мерседеси» олдига бориб, у ёқ-бу ёғини кўздан кечириб қўярди. Бугун кечқурун у ҳар кунгидек кўриб қўёлмади. Фақат ўзини машинани кўраётган қилиб кўрсатди, Макс Лютке уни ишдан чалғитди. Ҳамиша индамас бўлиб юрадиган Лютке бирдан сергап бўлиб қолганди.

Пайт пойлаб туриб, яқин орада ҳеч ким йўқлигига қаноат ҳосил қилган Лютке Тўхтабоевнинг ёнига келди-да, нималарнидир немисча-лаб тез-тез гапира бошлади. Асқар, турган гапки ҳеч нарса тушунмади, лекин Макс уни аллақандай хавфдан огоҳлантираётганини фаҳмлаб қолди — Макс жудаям ҳаяжонланиб кетган эди. Асқар русча тушунтиришни илтимос қилди. Анча уриниб, имо-ишора қилиб, русча, немисча, французча сўзларни аралаштириб, Лютке бир амаллаб Асқарга унга машина ювишга қарашиб юборган маҳбус оддий одам эмаслигини аңлатди. Цельке ҳамма вақт унинг олдида тик туради. У, Лютке бошқа ҳеч нарса айтолмайди. У умуман ҳеч кимга ҳеч нарса гапирмади...

Асқар Максга огоҳлантиргани учун миннатдорчилик билдирди-да, хайрлаша туриб Лютке яхши кўрадиган сўзни айтди:

— Гут...

У маъқуллаб бош силкиди-да, ётоқхона томон йўл олди. Асқар учун ғалати кун шундай тугади.

Шерик

Митрошкин ҳавотирга туриб қолди. Аграфена Никитичнанинг, аллақандай Кирпиченский деган одам Кузовкинга шерик сифатида хизматга кирмоқчи, деган хабари уни ғоят ташвишга солиб қўйди. Кирпиченский немисларнинг олдида бориб, тўғри келган одамга пора қистириши, ишда қатнашиш учун ёзма рухсатнома олиши мумкин эди. Илгари ҳамма нарсани Сердечнийнинг ўзи ҳал қиларди, энди Сердечний йўқ эди, бинобарин, рақиблардан Митрошкинни ҳимоя қиладиган тўсиқ ғойиб бўлганди. Кузовкинга ишониб бўлмайди, ақл-хушлари ўзларида бўлган кишилар, энг кутилмаган қилиқ чиқаришлари мумкин.

«Мен анчадан бери билиб юрибман, Кузовкин мен билан ғирром ўйин олиб борапти,— дея ўйлади Павел Гермогентович.— Уларнинг Валентина Ивановна билан қандайдир сирлари бор. Ертўлаларни бойликка тўлдиришапти, бу бойлик битта уларники эмас, унда менинг ҳам улушим бор-ку, ахир. Менга бериб келаётган пуллари, мен олишим керак бўлган пул олдида дарёдан томчи бўлиши мумкин. Бордюю ишга Кирпиченский келиб қўшиладиган бўлса, менинг даромадим яна камайиб кетади. Бу турган гап! Шундай қилиш керакки, у бизнинг ишимизга шерик бўлдмасин...»

Митрошкин шу хаёллар билан шакарпазнинг уйи томон юриб бо-

рарди. Унинг ҳар кунги маршрути бозордан бошланиб Кузовкиннинг боғчасида тугарди. Олдиниға у қадамини тез-тез ташлар, кейин секин-латар, уйнинг олдига келгач, Павел Гермогентович бутунлай тўхтаб қоларди. Йўлакка чиқиб, эшикни тақиллатишга унинг мажולי етмасди. У Кузовкиннинг: «чақирмагунимча меникига кирма!» деб огоҳлантирганини эсларди.

Ҳозир ҳам қадамини секинлатиб, Тимофей Сидоровичнинг уйига деразадан хўжайин кўринмасмикин деб хавотирланиб қараб қўйди. Шу пайт унинг кўзи Фокиннинг хотинига тушиб қолса бўладими. У йўлакка чиқиб кетаётган эди.

«Яна у бу ерга келди!— дея хўшёр тортди Павел Гермогентович.— Кунда шунда бўлиб қолди бу хотин. Наҳотки шунча кўп дунё ортирган, ташиб қелишга улгурмаяпти? Чолнинг ўзи касал, нариги дунё гадоригини кўраётган бўлса керак, мана бу Анна Андреевна бўлса, лақ-луқини яширишга уриниб ўляпти...»

Митрошкин эҳтиёткорлик билан таниш бута тагига ўтиб олди-да, писди. Утган сафар у шу ердан Кузовкин билан унинг келинининг гапини эшитганди. Балки ҳозир ҳам қулоғига бир нима чалиниб қолар. Тўғри, бу сафар дераза дерази эди ва ойнадан битта ҳам товуш ташқарига чиқмасди. Лекин деразани ёки эшикни очиб қўйишлари мумкин-ку, ахир — Фокина шакарпазникида меҳмон бўлиб қолиб кетмас!..

Узоқ кутишга тўғри келди. Бир соатдан кам эмас. Ахир эшик очилиб, Анна Андреевна кўринди. У уйдан чиқиб кела туриб, бирон шубҳали кимса йўқмиқан, деб у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради, фақат шундагина Валентина Ивановна билан хайрлаша бошлади.

— Хўжайин, иложи борича тезроқ етказсин,— деб илтимос қилди.

— Ҳаракат қиламан. Анна Андреевна. Тимофей Сидоровичнинг тоби қочиб қолди, дам оляпти. Усиз ертўлага тушиш қийин. Ҳа, майли, бир амаллармиз.

— Аграфена Никитична-чи, у ёрдам беролмайдими?

— Бунга — йўқ.

— Билмайди ҳамми?

— Билса керагу, лекин сездирмайди, У ақлли ва софдил аёл. Тилини тийишни билади.

— Бу яхши... Иложи борича ҳаракат қил, Валяжон! Тезроқ хабар қил.

Фокина Валентина Ивановнани бағрига босди, юз-кўзларидан ўпиб, йўлакдан пастга тушди.

«Бу нима экан?—деб ҳайрон бўлди Митрошкин—Булар ертўлага бирон муҳим нарса яширишяпти. Башарти, лаш-луш бўлса ҳам оддий нарса эмас. Шунинг учун ҳам уни бир ёққа оширишмоқчи. Шошилиш керак!»

Митрошкин эҳтиёткорлик билан паст тахта девордан ошиб тушиб, шаҳар марказига — комендатура жойлашган ерга йўл олди. Секин юриб борарди, у шундай секин юрардики, иш билан эмас, балки сайр қилиб юргандай кетиб борарди. У ҳамма нарсани ўйлаб пишириб олиши керак эди.

«Албатта, менга раҳмат айтишади,— дея ўйлади Митрошкин,— Ҳатто бирон арзимаган нарса билан мукофотлашади ҳам. Лекин шакарпазлик ҳам тугатилади-да. Торт ҳам, пирожний ҳам, бинобарин, даромад ҳам бўлмайди. Озми-кўпми, ҳар қалай даромад даромад-да. Демак, ўзим ўтирган бутоқни ўзим кесаман, тухум қилиб турган товукни сўйган бўламан. Олтиндан демайман, бироқ тухум, у ҳам бир нимага ярайди-да. Нима қилсам, ҳам раҳматнома оламан, ҳам товукни сақлаб қоламан?.. Кузовкинни сал кўрқитиб, ҳаменини очишга мажбур қилсам нима бўларкин. Мана шу ишим энг тўғри бўлса керак...»

Митрошкин комендатурага кириб борди-да, навбатчининг хонаси-га бурилди. Унга Вайс керак эди. Ҳамиша пулга муҳтож бўлиб юрадиган Вайснинг ўзгинаси керак эди.

— Жаноби обер-лейтенант! Сизга зарур иш билан келгандим,— деди Павел Гермогентович, ғоз туриб.

— Ошен корошо,— деди Вайс, русча гапирмоқчи бўлиб.— Их ха-бе клайне цайт (менинг вақтим оз). Андере момент (бошқа сафар кел). Понимайш?

Вайс ҳозир олдидан кетиб қолишини сезиб, Митрошкин гапнинг индаллосини айтишга қарор берди.

— Жаноби обер-лейтенант! Мен кўп пул топдим. Олтин топдим!

— Олтин!—«Олтин» сўзини Вайс барча тилларда тушунарди.— Қани олтин?

— Бир уйнинг ертўласида!

Вайс столдан туриб кетди-да, Митрошкиннинг олдига келди.

— Қанча?

Агар қанчалигини Митрошкин билганида! Ҳамма қийинчилиги шунда эдики, Кузовкиннинг ертўласи бегона кўзлардан пана, фақат шакарпазнинг бир ўзигина биларди унинг ҳисобини. Лекин бу мушкулоти обер-лейтенантга қандай тушунтирса экан? Тушунтириш ишни фақат чигаллаштиради. Аниқлик керак. Митрошкин найранг ишлатишга тушди. Саноғига етиб бўлмайди, лекин иккимизга етади, деган маънода кўзларини осмонга тикиб, қўлларини ёзди. Ўзини ажратиб қолдиргиси келмади, акс ҳолда сирни айтмаган бўларди.

Бироқ Вайсни насия кам қизиқтирарди. У аниқ ҳаракат қилишни, нақдини яхши кўрарди, хусусан гап пул устида кетганда. Тўғри, пул ҳақида полициячи унга ҳеч нима демади, лекин Вайс фикран маркалар ҳамда долларга ағдарди. Чунки ютқиқи шу маркалару долларлар билан тўлашга тўғри келади. Ҳеч ким стол устига қундуз ёқасини, кумуш чойнагини ва олтин узугини қўймаган. Ҳар ҳолда, Вайс буни ҳали кўрмаган. Анъанага хилоф иш қилишни у истамасди. Ертўлада пул бўладими, лаш-луш бўлсаям майли, Вайс булар учун ўттиз минг марка олса бўлгани. Еки ақалли йигирма минг бўлсаям бўлаверади — ўн минги билан қарзини узади, қолган ўн мингига қарта ўйнайди. Йирик пул тикишга вақт етган, обер-лейтенант токайгача қўрқоқ ўйинчилар сафидан чиқолмай офицерларнинг мазах қилиб кулишларини эшитади? Энди у стол устига маркаларнинг шундай қовурғаси синмаган пачкаларини ташласинки, ишонмовчиларнинг оғизлари очилиб қолсин.

«Агар манави Митрошкин ёки Митрушкин алдамаган бўлса,— дея ўйлади Вайс,— унда мен шу бугун бойиб қоламан. Фақат ақлни ишлатиб ҳаракат қилиш керак. Даставвал ҳеч кимга бу ҳақда оғиз очмаслик керак. Олдинги сафар комендант саноат моллари омборининг ҳидини билиб қолиб, Вайсни доғда қолдириб кетди. Бутун асл молларни Шварцман билан Қеллер бўлишиб олиб, унга чиқиндисинигина қолдиришди. Ҳозир улар ундан ўзиб кетишолмайди. Майор комендатурадан чиқиб кетишини кутиб туриш керак, кейин эса, Митрошкин ёки Митрушкин билан ертўлага ошиқиш лозим...»

— Мени хиёбончада кутиб туринг,— деди Вайс полициячига.— Операцияни кечқурун еттида бошлаймиз...

— Дада! Тез бўласизми! Кечки овқат вақти бўлиб қолди!— деди Валентина Ивановна, бош шакарпазни чақириб.

— Кетяпман!— деди Тимофей Сидорович.

Илгарилари бекаси тириклигида, Тимофей Сидорович дастурхонга унча шошилмасди. Ҳақиқий иштаҳа билан ҳеч қачон овқатланмасди, нонуштами, тушликми ё кечки овқатгами қайта-қайта чақирешлардан кейин борарди. Хотини бунга чидарди ва ўзининг Тимошасини ҳеч ма-

ҳал коймасди. «Келинчак» бошқача тартиб ўрнатди. Дастурхонга — дейилдими, демак ҳамма ишингни йиғиштиру хонага кир. Кузовкин командани бир-икки сафар у қулогидан киритиб бу қулогидан чиқариб юборди. Шунда нима бўлди денг! Валентина йиглаб юборди, бир ҳафта давомида хафа бўлиб юрди. Унинг назарида у қилган овқат Тимофей Сидоровичга ёқмагану, шунинг учун ҳам у дастурхонга келмаётгандай бўлиб туюлди. «Келинчак»дан кечирим сўрашга ва баҳона кўрсатишга тўғри келди.

Мана ҳозир Валентина Ивановна чақирувди — Тимофей Сидорович қўлларини сочиққа артиб дарҳол эшикдан кириб келди.

— Ҳўш келинчагимиз бизни нима билан хурсанд қилар экан? — деб кулиб сўради Тимофей Сидорович.

— Ҳзимизнинг пирожкамиз билан,— деб жавоб берди Валентина Ивановна.

— Бу яхши. Нонвой одамлар учун ёпган нондан ейиши лозим, бўлмаса нонвой бўлмай қолади.

— Бирон бошқа нарса пишириш ҳам мумкин эдию, лекин фурсат бўлмади. Анна Андреевна олиб келган телеграмманинг маъносини чиқардим. Икки саҳифа экан.

— Анчадан буён бунақаси бўлмаганди,— деб қўйди Кузовкин. Аммо мен нималигини суриштириб билмоқчи эмасман, кўрқма, фақат қувонаман. Биз сен билан бу ерда кунимизни бекорга ўтказмаяпмиз. Ростми, ахир, Валентина?

— Рост.

— Халқ олдида виждонимиз пок. Немис билан кўрққанимиздан апоқ-чапоқ бўлаётганимиз йўқ, балки заруратдан. Душман билан курашишда Қизил Армиямизга ёрдам бераяпмиз. Сеансинг қачон?

— Ярим соатдан кейин.

— Ҳўш, у ерда ҳаммасини тайёрлаб қўйдим.

— Фаҳмляпман. Сиз кеча ертўлада анча вақт қолиб кетгандингиз.

— Ваъдамни бажардим. Қўшимча йўлни тартибга келтириб қўйдим.

— У анча илгари тозалаб қўйилган эди-ку,— дея ҳайрон бўлди Валентина Ивановна.

— Тозалаб қўйилганлиги тўғри, лекин жиҳозланмаганди. Энди ҳаммаси жой-жойига қўйилди.

Тимофей Сидоровичнинг «энди ҳаммаси жой-жойига қўйилди» деган сирли гапини Валентина Ивановна, чиқиш йўлини тузатиб қўйибди, деган маънода тушунди.

— Қулфлайдиган қилган бўлсангиз керак-да?— деб сўради.

— У ерга қулфнинг кераги йўқ. Бемалол ўтиш мумкин. Бирон ҳодиса юз берса бемалол боравер, боққа чиқиб оласан, у ёғи кўча.

— Қўшимча йўлнинг ҳожати бўлмайди деб умид қиламиз.

— Умид қиламиз,— деб дудмал жавоб берди Кузовкин.— Лекин эсингда бўлсин. Агар эшикдан бегона одамни кўриб қолсам, «Яна қандай жин урган экан? Ҳозир очаман!» деб қичқираман. Сандиқни тепаман. Эшитасанми?

— Эшитаман. У ердан яхши эшитилади. Лекин сиз нега ҳар сафар буни тайинлайсиз? Ҳаммаси эсимда.

— Такрорлаш зарар қилмайди,— деди ҳижолат бўлиб Кузовкин.— Мен сенга айтадиган бўлсам, қандайдир тўсиқ қўйгандай, афсун ўқигандай энгил тортаман. Ҳа майли. Бу ҳақда энди бас қилайлик! Сенинг пастга тушадиган вақтинг ҳам бўлиб қолгандир. Кетдик!

Тимофей Сидорович сандиқни бир томон сурди, қопқоқни очди. Пастдан нам ва зах ҳиди келди.

— Пальтони олдингми?— деб сўради Тимофей Сидорович. Пальто пастда пештахтада илиб қўйилганлигини, уни Тимофей Сидоровичнинг ўзи илиб қўйганлигини ўйламай сўради. Бу ғамхўрликдан Валентина-нинг кулгиси қистади, ҳозир ҳам маккорона сўради.

— Худди шундай, олдим!

— Бўлмаса, ҳаракатга тушавер. Мен унгача хамир қориб тураман. Аграфена Никитична, эрталаб барвақт келаман деб дўқ қилиб кетган.

Оқшом тушиши билан кимдир эшикни тақиллатди. Қаттиқ ва зарда билан тақиллатди.

— Ким у?— деб сўради Тимофей Сидорович.

Жавоб ўрнида яна тақиллаган овоз эшитилди.

Тимофей Сидорович хамир қорарди, ишни тўхтатиб қўйиш хоҳиши йўқ эди. У, битта-яримтаси янглишиб келиб қолган, ҳеч ким очмаётганини кўриб, қайтиб кетади, деган хаёлга борди.

— Чироғи бору очмаяпти!— деган Митрошкиннинг овозини эшитиб қолди Кузовкин.

Бу янглишиб келиб қолган одам эмас, шериги кимндир бошлаб келган, овозига қараганда, немислар. «Тинтув!» деб ўйлади Кузовкин. Қўллари ўз-ўзидан хамирдан узилди. Пирожка ҳақида ўйлаб ўтирадиган вақт эмасди энди...

— Ким у?— деб такрорлади у, вақтни чўзиш ва бу билан Валентина Ивановна ишини тугатиб олишига имкон бериш учун.

— Очинг, Тимофей Сидорович!— деб буюрди Митрошкин.— Сизникига комендатурадан текширгани келишди!

— Ҳа, бу сизмисиз, Пашка! Узим ҳам билувдим, менинг яхшиликларим учун сен пасткашлик кўрсатишингни.

«Мен нима деяпман?— деб қўрқиб кетди Тимофей Сидорович,— Бунақага келишиб олмагандигу, Валентина ҳеч нарса тушунмайди-да, ертўладан чиқолмай қолади. Сигнал бериш керак, фурсат бой берилди. Энди қандай қилиб, «яна қандай жин урган экан, ҳозир очаман» деб бақираман? Аммо «келинчакнинг» ўзи фаҳмлаб қолса керак?»

Кузовкиннинг юраги қинидан чиқиб кетгудек бўлиб уриб кетди, ҳаво етишмай қолди. Худди кўкрагини омбур билан қисгандек бўлиб кетди. У қўлига ёпишган хамирни артиб қопқоқнинг олдига борди, бир силтаб уни кўтарди-да, пастга қараб хириллади:

— Яна қандай жин урган экан?.. Ҳозир очаман..

Ертўладан ҳеч ким жавоб бермади. Шунда Тимофей Сидорович энгашди-да, юқори зинага боши теккундай бўлиб қичқирди:

— Қоч, Валоюша, немислар!— деди қичқириб.

Эшикни ҳамон тақиллатишарди. Энди мушт билан урмай оёқ билан тепишарди.

— Оч деяпман, сенга!— деб ўшқирди Митрошкин.— Узингга ёмон бўлади!

Кузовкин қопқоқни ёпди, сандиқни жойига суриб қўйишга улгурмади. Эшикнинг занжири узилиб, ланг очилиб кетди. Хонага Вайс, Митрошкин яна икки солдат ёпирилиб киришди. Ҳаммаси ҳовлиққан, ғазабнок. Унга беланган фартугини ечаётган чолга кўзи тушиб, обер-лейтенант бирдан бўшашиб қолди-да, полициячига: «қаерга келиб қолдик ўзи» дегандай хафсаласи пир бўлиб қараб қўйди. Хўжайин унақа бойларданга ўхшамайди-ку. Лекин Митрошкин Вайсга таскин берди. Шаҳарда энг бой одам мана шу-ку, деган маънода кўзини қисиб қўйди.

— Бировни лақиллатиш гуноҳ эмас, лекин сенга ўхшаб аҳмоқ бўлиш, Пашка, бу энди бадбахтлик. Аҳмоқ ўла ўлгунча тузалмайди, деб тўғри айтишаркан.

— Хўш! Етар майнавозчилик!— деб хурпайиб олди Митрошкин, худди илон чақиб олгандай.— Иккимиздан қайси биримиз аҳмоқ—

ҳозир биламиз. Жаноби обер-лейтенант,— дея Вайс томон ўгирилди у.— Тинтувни бошлашга буйруқ беринг.

— Ертўланими?— деб сўради Вайс.

— Худди шундай, ертўлани.

Обер-лейтенант Кузовкиннинг олдига келди-да, талабчан оҳангда сўради:

— Олға Шинель!

— Бошла— деди обер-лейтенантнинг буйруғини гўё таржима қилиб Митрошкин.— Ертўлага туш!

— Сизларга керакми, ўзларинг тушаверинглар!— деди Тимофей Сидорович, Митрошкиннинг қўлини силтаб ташлаб.

— Яхшиликча сўраяпман сендан, Тимофей!— деб огоҳлантирди Митрошкин.— Яхшиликча.

— Мен ҳам яхшиликча жавоб қиляпман: ўзларинг тушавер. Сен, Пашка, туш! Ит ахир эгасидан олдин юради-ку. Ҳаммасини искаб чиққан бўлсанг керак.

— Тилингни тий, Тимофей!

— Немис унга сен ким бўлиб хизмат қилаётганингни билиб қолишидан қўрқасан-да-а?

Кузовкин ўра оғзига истамай келди.

— Хўш, нима дейсан?

— Туш!

Тимофей Сидорович ҳазар қилиб юрган фурсат келди. Немислар бир кун передатчикнинг «изига» тушиб қолиб, ўйни тинтув қилишга келишларини ўйлаб юрарди. Ўйлаб юрардигина эмас, ўзини душман билан учрашувга ҳозирларди.

Қўрқув ғойиб бўлди. Ҳаммаси ақл бовар қилмайдиган даражада оддий ва равшан бўлиб қолди. Ҳар куни бўлиб турадиган ҳодисадай ҳатто. Зинадан пастга тушади, Валентинага ўхшаб. Кейин у ердан, чуқурликдан туриб, Павел Митрошкинни чақиради, улар орқасидан пастга тушадиган қилиб чақиради. Улар ертўлага қадам босиб юрадилар, фақат ўн қадам...

— Битте!— деди Вайсга Кузовкин мулойимлик билан, ҳатто меҳрибонлик билан нарвон зинасига чақириб.

Тимофей Сидорович бир дақиқа иккиланиб турди-да, кейин нарвон зинасига босиш учун оёғини дадил кўтарди.

— Юринглар!

Вайс унинг орқасидан Митрошкинни, сўнг солдатни йўллади-да, охирида ўзи тушди. Қоронғиликда учта фонарча чарақлаб ёнди.

Портлаш

Маргарита Францевна боши оғриётганлигини баҳона қилиб, столдан турди. У ростдан ҳам ўзини сал ланжроқ ҳис қилаётганди. Лекин у бу туфайли хонадан чиқиб кетишга мажбур бўлмади. Йўқ. Балки Генрих қайниси билан ҳар иккаласи учун муҳим гап гаплашиб олмоқчи бўлаётганлигини, у ерда учинчи шахс ориқчалигини фаҳмлаб олганди. У рўмолини елкасига ташлади-да, ҳовлига чиқиб кетди.

Боғ уйқуга ҳозирлик кўраётгандай эди. Ҳаммаёқ жим-жит, қилт этган товуш, ҳатто ўзининг қадам товуши қулоққа қаттиқ эшитиладигандай эди. Маргарита Францевна аста қадам босиб, боғнинг этагига борди. У ерда Васкиндер ясаган кичкина эшак бор эди. Уни қарағай буталари кўздан яшириб турарди, унда бирон кимса безовта қилишидан хавотир олмай бемалол ўтириш мумкин эди. Кундузги гивир-гивирдан чарчаган Маргарита Францевна ўша ерга бориб ўтирди.

«Майли, майли гапларини гаплашиб ола қолишсин,— дея ўйлади у. — Биз бу учрашувни узоқ кутдик, энди ҳаммаси ҳал бўлса керак. Василий «поччасига»ёқиб қолди. Ҳар ҳолда Генрих уни ҳурмат қиляпти. У чиндан ўзининг қайниси деб ишонади. Ҳамма нарса қандай чи-галлашиб кетди!.. Ҳақиқий қайниси келиб қолиши мумкинлигини ўй-лаганингда қўрқиб кетасан киши. Бундай ҳодисани худо кўрсатмасин ишқилиб...

Боғ охирги уйқуга чўмди. Битта япроқ ҳам қилт этмайди дарахт-ларда. Ҳар замон бир замонда сезилар-сезилмас шамол эсиб, юзни си-лаб ўтади. Сукунат Маргарита Францевнани қандайдир хотиржам қил-ди, у олчага суяниб, кўзларини юмди.

У бир ёки икки дақиқа ана шу сукунатга ўз ихтиёрини берди. Бир-дан қаердан дир тахтанинг тақиллаган овози эшитилди. Гўё кимдир тахта деворни силкитгандай бўлди. Маргарита Францева кўзларини очди ва Фокиннинг боғида кимнингдир соясини кўрди. Фақат бека ва Маргарита Францевнага маълум яширин йўлдан соя йўлак томон ҳа-ракат қилди. Шу пайт осмондан булут парчаланиб, оймўма мўралади, шарпани ёритди. Боғдан аёл киши юриб борарди. У иккита чамадонни, жуда ҳам оғир бўлса керак, энгашиганича, иңқилаб аранг кўтариб бо-рарди.

Бу Анна Андреевна эмасди. Маргарита Францевнага нотаниш бошқа одам эди.

Қандай қилиб у боққа кириб қолди?— дея ўйлади Маргарита Францева.— Наҳотки тахта девор тагидаги йўл бошқалар учун очиб қўйилган бўлса? Нима учун Анна Андреевна бу ҳақда унга ҳеч нима демади?»

Бу пайт ичида аёл боғнинг ёруғлик тушиб турган жойидан ўтиб олди, йўлакка яқин борди. Эшик очилиб, нотаниш аёлни ичкарига ол-ди. Маргарита Францева эндигина «худога шукур, ўз одамимиз экан» деган хаёлга бориб турган эди, эшик яна очилди. Аёл Фокинларнинг уйдан чиқиб келди, энди у чамадонсиз эди.

— Йўқ, йўқ, Анна Андреевна! Мен албатта қайтиб боришим ке-рак. «Хўжалигимиз» сизникида ва мен хотиржам бўлсам ҳам бўлади,— деди у ҳаяжон билан.

— Албатта, хотиржам бўлавер! Лекин бундай юпун ҳолда кетиб бўлмайди. Шу ерда ётиб қола қол.

— Тимофей Сидоровични ташлаб-а?..

— У бир ўзи бўлса, яхши эплаштиради, сен эса, шубҳа туғдира-сан — қаерда эдинг, нима учун кечаси қайтиб келдинг?— дейиш-майдимми?

— Шундай бўлса ҳам қайтиб бориш керак. Ҳеч бўлмаса у ерда нима бўлаётганини ҳовлидан қараб билиб оламан-ку.

— Ҳеч нимани кўрмайсан, «меҳмонлар» кетиб қолишган бўлса керак.

— Даргумон.

— Унда ўзинг биласан, мен сенинг ўрнингда бўлганимда бормас-дим. Турган-битгани хатар.

— Майли. Тимофей Сидоровичдан хавотирдаман. Бирдан бирон кор-ҳол бўлиб қолса-я...

— Мен ман қилолмайман, албатта, лекин фотиҳа ҳам беролмайман. Кетдик!

Анна Андреевна нотаниш аёлни қўлидан етаклаб, ён томондаги сўқмоқдан тахта девор олдига олиб борди. Улар шовқин солмаслик учун шошилмай олдинга жилишарди. Ҳаммаёққа тарвақайлаб ўсган олма дарахти ёнида улар тахта девор томон бурилишди.

Ура оғизига қандайдир йигирма-йигирма беш қадам қолган эди. Бирдан ҳавони портлаш ларзага келтириб юборди.

— А-а-а-а!..— деб додлаб юборди аёл.

— Жим!— дея унинг оғзини қўли билан беркитди Анна Андреевна.

— Васкиндерлар уйи йўлагига Генрих Штиллер билан Василий югуриб чиқишди.

— Нима бўлди?— деб сўради ўтакаси ёрилгудай бўлган штандартенфюрер.

Маргарита Францевна йўлак томон ташланди. Генрих боғда қайнағачисини излайман деб Анна Андреевна билан нотаниш аёлни кўриб қолишини истамасди.

— Ё парвардигор! Бизни бомбардимон қилишяпган бўлишса керак!— деди Маргарита Францевна зинадан чиқаркан, қўлини Штиллерга узатиб у гўё паноҳ сўрарди.

— Агар бомбардимон бўлганида,..— дея унга таскин берди штандартенфюрер,— бу ерда нимадир ғалатиноқ иш бўлганга ўхшайди. Сен алангани кўрдингми?

— Ҳа! Ҳу ана у томонда...

— Бу портлаш,— деди Василий.— Бинобарин чуқурликдан. Ер тебранаётганига қараганда, менда шундай таассурот пайдо бўлди.

— Вой ўлмасам!— деб юборди Маргарита Францевна.— Наҳотки зилзила бўлса! Тезроқ уйга кирайлик. У ер хавфсиз.

— Ундай бўлмаса керак,— деди Штиллер.— Ҳозирча, менимча уй портлади. Биз Францияда иморат остига мина қўйганимизда худди шунақа бўлганди.

— Лекин бу ер Франция эмас. Юринглар уйга!

— Майли,— дея рози бўлди Штиллер.— Ҳа, айтганча, комендатурага кўнғироқ қилишимиз керак.

Улар емакхонага киришди, Штиллер дарҳол телефон томон юрди. Трубкани кўтаришга улгурмай, кўнғироқ жиринглаб қолди.

— Мен эшитаман... Ҳай бу сизмисиз Шварцман. Ҳа, ҳа... Демак, ҳар қалай портлаш. Қўпоровчилик деб гумон қиляпсизми? Бориб кўриш керак. Ҳар эҳтимолга қарши ўша жойни қуршаб олиш керак. Портлатиш ишини биладиган одамлардан олинг ўзингиз билан бирга. Воқеа содир бўлган жойга мен қайним билан бирга чиқаман.

Штиллер трубкани қўйди-да, пинғиллади:

— Тинч шаҳар дейишганди. Мана сизга тинчлигу ана ҳаловат. Отланинг, Василий! Сиз менга керак бўлиб қоласиз.

Улар кийинишди, уйдан шошилиш чикиб кетишди. Штандартенфюрер портлаш сабабини аниқлашга ошиқарди. Берлинга қайтиб кетиш олдидан юз берган ҳодиса ташвишга солиб қўйганди.

Василий ҳам хавотирда эди. «Нима бўлганикин? Қасдан қилинган портлашмикин?— дея уйлади у, Штиллер билан шаҳарнинг қоронғилаштирилган кўчасидан қадам ташлаб бораркан.— Мумкин эмас. Менинг буйруғимсиз ҳеч ким ҳеч қанақа операция ўтказа олмасди! Демак, одамларимиздан кимдир бу ишга қўл урибдими, бас — фавқуллода сабаб рўй берган... Бу кўчада ким туради? Наҳотки Кузовкин бўлса...»

«Бу нарсаларнинг ҳаммаси менда қандай акс этиши номаълум!— деб уйлади Штиллер.— Портлашни менинг бемалоллигимдан кўришлари мумкин. Шварцман — амалдор. У ҳодисани хавфсизлик хизмати-нинг беғамлигига, бинобарин менинг беғамлигимга тўнкаши ҳеч гап эмас. Келдим, гаплашдим, Келлерни хавфдан четга олиб чиқдим...— шу холос... Бу Келлер — бекорчи, ландовур. Унинг тумшуги тагида партизанлар нима қилиб юрибди — худо билади!»

— Мана етиб ҳам келдик!— деди Василий, ҳамроҳлари учун эмас, ўзи учун гапиргандек.

— Портлаш жуда қаттиқ бўлган, уй вайрон бўлибгина қолмай, йиқилиб тушган, ҳатто участканинг бир қисми чўкиб кетибди.

Ғишт, тахта уюмлари ёнида Шварцман билан Келлер айланишиб юрарди.

— Нима бўпти, билолдиларингми?— деб сўради комендантдан Штиллер.

— Комендатура ротаси солдатларидан Хегелманни сўроқ қилдик. У ташқарида қўриқчилик қилиб турган экан, иккинчиси ер остида қолиб ўлган.

— Асосий сабабни айтинг! Мени анқовларнинг тақдири қизиқтирмайди.

— Менинг тушунишимча, асосий сабаб, обер-лейтенант Вайснинг пала-партиш иш тутганлигида,— деди Келлер

— Обер-лейтенант бу ерга қандай қилиб қолибди? Сизнинг топширигингизни бажараётган эканми?

— Йўқ, Вайс бу ерда ўзбошимчалик қилиб келган,— деб тушунтирди Келлер ва комендантга савол назари билан қаради, бу билан обер-лейтенант Шварцман тобелигидаги офицер эканлигини шама қилиб.

— Солдат Кегельманнинг айтишига кўра, Вайснинг олдига полициячи Митрошкин келиб, бу уйнинг ертўласига қимматбаҳо нарсалар шу жумладан, олтин ва кумуш яширинган, деб айтган,— деди Шварцманга ахборот бериб.— Бу гапни обер-лейтенант эшитгану ғанимат бойликни топиб олишга қарор берган. У ёғига нима ҳодиса юз берганини айтиш қийин.

— Менимча буни тушунтириш мумкин,— деди Золенбауэр.— Бу уй остида кенг ертўлалар жойлашган. Булар омборхона, қазноқчалар бўлган. Омборхоналарнинг эшиклари темирдан бўлиб, қулфлаб қўйилган...

— Хўш, хўш,— дея жонланиб кетди Штиллер, қайниси гапни қаёққа бураётганини тушуниб.— Давом этинг, Василий мен диққат билан эшнтяпман.

— Шундай қилиб, айтиш мумкинки, Вайс билан унинг ёрдамчилари омборхоналардан бирининг ичига киришга ҳаракат қилиб, эшикни портлатишган, лекин портлатгич миқдорини ҳисобга олишмаган. Мана оқибати! Ғоят кўнглисиз натижа.

— Сизнинг фикрингиз қандай, Шварцман!

— Мен розиман! Даҳшат! Лекин бу, афтидан, шундай!

— Сиз қандай ўйлайсиз, Келлер?

— Бундан ортиқ сабабни тополмаймиз, бунинг устига — уни излашга ҳам ҳожат йўқ... Жаноби Золенбауэрга миннадорчилик изҳор қиламиз ҳолос. Аминманки, бундан буёнги текширишлар бу тахминни тасдиқлайди.

— Раҳмат, Василий, сен бизга катта ёрдам қилдинг,— деб қайнисига миннатдорчилик билдирди Штиллер.— Жаноблар марказга ҳам худди шундай хабар бериш керак, деб ўйлайман. Вайсни характерлаётганингизда, унинг очкўзлигини ҳам айтиб ўтинглар. Ва... интизомсизлигини ҳам.

— Менимча, обер-лейтенантнинг қиморбозлиги тўғрисида бир-икки оғиз қўшимча қилиш керак. У ҳамма вақт катта пулга ўйнар, гаваккал қилар, кўпинча ютқизар эди,— деди Василий шунчаки айтиб қўяётгандай.

— Буни, албатта қўшимча қилинглар. Холис ва чиройли ривоят ҳосил бўлади.

Золенбауэрга таклиф қилишади

Ходиса рўй бериб, Штиллернинг пайтавасига қурт тушиб шошиб қолди. Ақлли одам сифатида у, яна шунақа битта портлаш юз бериб қолса, унинг Россия бўйича мутахассис сифатидаги шаънига доғ тушиб қолишини тушунарди. Шундай бир иш қилиш керакки, аллақандай бир шакарпазнинг осмонга учган уйи штандартенфюрернинг обрўсини тушириб қўймасин, балки, аксинча, мустаҳкамласин. У, Штиллер, юз берган ҳодисанинг ҳақиқий сабабини аниқлай олар ва ҳатто тергов пайтида хавфсизлик хизматиға фойда келтириши мумкин бўлган қобилиятли одамни кашф қилиши ҳам мумкин эди.

Уйга қайтиб келишгач, Штиллер дарҳол Василийдан сўради:

— Василий, Берлинга ишга боришга қандай қарайсан.

— Агар очигини айтадиган бўлсам, буни мен анчадан буён орзу қилиб келаман. Мени фақат Берлинга боргач, ким бўлиб ишлайман, нима билан кун кўраман — мана шу дудмаллик ўйлатади холос.

— Бундай шубҳалар бўлиши табиий. Мен сени қўшни бўлимга тавсия қилмоқчиман. Ўзимга олай десам — ноқулай. Ундан ташқари қариндошга четдан туриб ёрдам бериш осон... Сен бизни Россиянинг Жануби-Шарқини яхши биладиган ва нефть бўйича мутахассис киши сифатида қизиқтирасан. Кейингиси ғоятда муҳим ҳозир. Жуда муҳим. Вазифа офицерники, даража, афтидан, энг дастлабки бўлади. Мояна ҳам шунга яраша берилади. Берлинга бир ҳафтадан кейин, жуда нари борса, икки ҳафтадан кейин чақириб олинасан.

Эрталаб Штиллер нонушта қилмай, немис капитани Папке иши юзасидан текширувни ниҳоясига етказиш, Г. шаҳрига сафарини натижалаш учун Келлернинг олдига жўнаб кетди. Натижа, табиийки, ижобий бўлади.

Василий «поччаси»ни кўча эшиккача кузатиб қўйиб қайтиб келди-да, Штиллернинг таклифини Маргарита Францевнага гапириб берди. Улар биргаликда олиб борган Берлинга «кўчириш» операцияси нима билан тугаганини у билиб қўйиши керак эди. Марго хола Василийнинг бўлажак «қариндоши» Хильда Францевна билан қандай яқинлашиши юзасидан у зарур маслаҳатлар бериши лозим эди.

— Сизни табриклайман,— деди Маргарита Францевна.— Сиз менинг жияним бўлиш ҳуқуқини олиш учун узоқ ва қаттиқ ҳаракат қилдингизки, мен бунга ҳатто ишониб қолдим.

— Табрикни сизга айтишга тўғри келади,— деб жавоб берди Золенбауэр.— Агар сиз бўлмаганингизда, Маргарита Францевна, ҳеч нарсанинг урдасидан чиқолмаган бўлардим. Штиллер мендан кўра кўпроқ сизга ишонади. Доимо ишонади сизга. Шундай экан, менинг қўриқловчи фариштам, операциянинг кўзга кўринмас иштирокчиси бўлиб қолинг.

— Миннатдорман...

— Хильда Францевна шахсида худди сизга ўхшаган дўст ҳамда ёрдамчига эга бўлишни истардим.

— Бунга орқа қилмасликка тўғри келади. Биз, гарчи опа-сингил бўлсак ҳам, ҳар хил одамлармиз ва оламнинг турли бурчакларида яшаймиз. Баъзи нарсаларда унинг сизга фойдаси тегиб қолиши мумкин, албатта. Ҳар қалай сиз унинг «жиянисиз» ва бинобарин, қариндошлик туйғуси унга ёт эмас.

— Ҳисобга оламан. Яна битта савол. Тўғри, у Берлиндаги «қариндошларга» дахлдор эмас.

Ҳаммасини сўрай беринг. Орадаги хира ва қоронғи нарсаларни аниқлаб олиш учун унча кўп фурсат қолгани йўқ.

— Сиз май ойида сизникига келган одамни яхши эслайсизми?

— Яхши эсласам керак.

— Унинг ташқи қиёфасини тасвирлаб берсангиз.

Маргарита Францевна ўйланиб қолди.

— Навқирон, баланд бўйли, оқмағиз.

— Белгиси-чи?

— Ранги жудаям очиқ, агар шундай дейиши мумкин бўлса, зиғир поядек очиқ.

— Елкалари кенгми?

— Ҳа, ҳа.

— Қирғийбурунми?

— Қирғийбурун...

— Бурнининг чап паррагида чандиқми, туғма доғчами бор.

«Уша,— деб қўйди Василий фикран.— Тўхтабоевнинг олдига келган йигитнинг ўзгинаси. Штиллернинг дўсти ана қаерга ғойиб бўлган». Энди улар уни «Нерон» деб аташади. Балки аввал ҳам шундай аташган бўлишса керак.

— Ҳаммаси мос келади,— дея бош ирғади Василий:

— Сиз уни кўрдингизми?— деб қизиқиб сўради Маргарита Францевна.

— Йўқ. Бошқалар кўришибди... У бу ерда кимларнидир келиб кўрибди...

— Демак, эҳтиёткорлигининг фойдаси бўлмабди-да. Кечаси келди, пичирлаб гапирди, чироқни ёқмасликни сўради...

— Сирлар эртами ёки кечми очилади,— деб қўйди Василий.— Маргарита Францевна, ажралиш олдидан қандай маслаҳат берган бўлур эдингиз?

— Маслаҳат?.. Билмадим... Дарвоқе, сизга баъзи нарсаларни айтмоқчиман. Фокинларнинг уйи олдига келиб қолган одамга эътибор қилинг.— Маргарита Францевна иккита чамадон кўтарган аёл ҳақида гапирди берди.

Василий Маргарита Францевнанинг қўлларидан ушлаб ўпди.

— Мени қанчалик севинтириб юборганингизни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Ҳозир менга алоқа шундай керакки! Бугун бу энг муҳим нарса.

— Мен ҳеч қанақа тушунтиришни талаб қилмайман. Лозим топсангиз айтинг. Балки менинг яна ёрдамим керак бўлиб қолар,— дея жилмайиб қўйди унга Маргарита Францевна, беғубор ва чиройли кулиб.— Ҳар ҳолда ажралиш кишини афсуслантиради. Ўзимнинг «жумбоқ» жиянимга ўрганиб қолган эканман. Ёлғизликда қийин бўлади менга...

— Нима учун ёлғиз қоларкансиз. Менинг ўрнимни «Петр» эгаллайди ва иш давом этади. У фрау Васкиндернинг ҳақиқий жияни.

— Мени бундай деб атаманг... Ет сўзларни ёмон кўраман.

— Афв этинг.

— Мендан аччиқланиб юрманг.

— Аччиқланаман? Мен ҳаммаси учун сиздан миннатдорман.

— Буниси яхши.

У кетиш учун, ўтирган стулидан турди.

— Маргарита Францевна, сиздан бир илтимосим бор. Фокинларникига кириб, Валентина Ивановна билан учрашмоқчи бўлганимни айтсангиз.

— Демак, сиз у ёш аёлни яхши танийсизми? Мен бўлсам унинг кимлигини билолмай юрибман... Кетяпман.

Радист Валентина Ивановна

Мargarита Францевна ҳақ бўлиб чиқди: Золенбауэр Валентина Ивановнани яхши биларди. Уни радистка сифатида, «Кузовкиннинг келини», эсли-ҳушли, бамаъни ёрдамчи сифатида биларди. Лекин уни ҳеч қачон кўрмаган, ташқи кўриниши ҳақида тасавури йўқ эди. Уни Золенбауэр жамалак сочини пешонасига тушириб, қолганини иккита қилиб ўриб орқасига ташлаб юрадиган, киприклари ингичка қизалоқ деб тасаввур қиларди. Нега бундай тасаввур қилишини тушунтириб беролмасди. Шунчаки хаёлан шундай оддий портрет чизиб олганди, уни бошқатдан чизишга ҳожат ҳам, хоҳиши ҳам бўлмаганди. Унинг учун ўз вазифасини аъло даражада бажараётган радист мавжуд эди, қош-кўзлари, сочи ҳеч қанақа роль ўйнамасди. Шуниси ҳам борки, радист разведка группасининг бошлиғи билан қизиқишга ҳаққи йўқ бўлгани каби, унинг ҳам радист билан қизиқишга ҳаққи йўқ эди. Василий билан Валентина Ивановна ўртасида Кузовкин ва Фокин, Фокин касал бўлиб қолгач, Анна Андреевна турарди. Энди фожиали ҳодисадан кейин, Василий ўзини радисткага «очишга» мажбур бўлди. У Штиллернинг таклифи ҳақидаги телеграмма текстини ёзиб чиқди, ўзининг ўрнига «Петр»ни қолдириш мақсадга мувофиқ бўлишини кўрсатди, яқин орада отряд билан алоқа қилиб, «Акбар»нинг «Нерон» билан иши қандай бораётганини аниқлашга ваъда берди. Кейин Валентина Ивановна билан учрашувга йўл олди.

— Унг томондаги хонага киринг, сизни кутишяпти,— деди Анна Андреевна, Василийни одинга ўтказиб юбораркан.

Дераза ташқарисидаги дарчалар ёпиб қўйилибди, ичкаридан эса парда туширилган. Нимқоронғида Василий дераза олдида ўтирган аёлни зўрға кўрди. Унда илгари тасавурида ҳосил бўлган белгилардан ҳеч қайсиси йўқ эди. Жамалаги ҳам, пешонасига туширилган сочи ҳам йўқ. Қалта қирқилган соч, пешонаси очиқ, кўзлари эса катта катта, кўк. Бу кўзлар Василийни ҳайратда қолдирди. У довдираб қолганидан хона ўртасида тўхтади.

— Ё раббий!— дея қичқирди аёл.— Наҳотки?.. Юра!

Энди у Валентина Ивановнани таниди. Оля-ку!

— Буни қаранг-а, мана менинг радистим ким экан. Мана мени катта ер билан боғлаб турган одам ким экан?!

— Мен, албатта, мен! Сен-чи, сен менинг номаълум бош шефим бўлсанг керак. Агар буни олдинроқ билганимда борми!

У Ольганинг ёнига келди, унинг қўлларини аста олдида, ўпди.

— Мен ҳам сен эканлигингни агарда олдинроқ билганимда борми...

Валентина Ивановна ғамгин жилмайиб қўйди.

— Сен билан менинг тақдиримда «агарда» йўқ. Уларни буйруқлар истисно қилади. Ёки буйруқлар энди бекор бўлдими?

— Бекор бўлгани йўқ... Ҳали узоқ вақт таъсирини йўқотмайди, айниқса менга нисбатан, асаблар бардош беролмай, маъюс бўлиб қолмаслик учун таъсир қилиб туради.

— Сенинг асабингми, Юра?— деб Золенбауэрга ишонмай қаради Валентина Ивановна.

— Нима, сен мени темирдан деб ўйлайсанми?

— Деярлик,— деди Валентина, қувноқ кулиб.— Ҳазиллашдим, албатта. Нима учун асабинг бардош беролмас экан?

— Фаҳмляяпсанми?

— Тимофей Сидоровичнинг ўлимини айтяпсанми?

У вужудида яшаб келаётган, ҳозир янги куч билан ўзини намоён қилган дардни яшириш учун тескари қаради.

— Тимофей Сидоровичнинг ўлими ҳам... Сен-чи? Сен фақат ҳозир тирилдинг-ку.

— Тасодифан,— дея қўшиб қўйди Валентина Ивановна.— Афтидан, Ольганинг ажали етмаган экан.

Валентина Ивановна стулни суриб қўйди-да, Василийни ўтиришга таклиф этди.

— Гаплашамиз. Эҳтимол, бу бизнинг ягона учрашувимиздир. Ёки мен бекор тирилдимми?

— Ҳазил қилма.

— Мен ҳазил қилаётганим йўқ. Ахир сен яқин кишиларингни ўлимини ўйлаганингда қайғурасан-ку...

У стулга ўтирди.

— Улим кўпайиб кетди. Тагин ҳаммаси қандайдир қовушмайди-ган...

— Ахир кураш кетяпти... Лашкар бехато бўлмайди,— деди Валентина Ивановна елкасини қисиб.

— Кураша билиш керак... Кучли ҳамда зарба емайдиган бўлиш керак.

— Уртоқлар ҳалок бўлгани учун ўзингни айбляяпсанми?

— Эҳтимол... Мен уларни жангда ўзини сақлашга ўргатмадим. Эҳтиёт қилмадим.

— Биз қанақалигимизни билмай, бизни кўрмай туриб қандай қилиб ҳам ўргата олардинг?

— Ҳатто кўрмасам ҳам, билишим шарт. Узлуксиз ўйлашим шарт... Ҳеч қандай баҳона билан жавобгарлик олиб ташланмайди.

— Гарчи бошлиқ бўлсанг ҳам, кимдир сен ҳаққингда ўйлашга мажбур. Мен, масалан, ўйлаганим йўқ. Фақат гоҳо ўзимга: «шефимиз қанақа одам экан?» деб савол бериб қўярдим. Фикран унинг қиёфасини чизардим. Назаримда у кекса, соқоли бутунлай оқариб кетган жудаям кекса бўлиб туюларди.

— Топган экансан...

Валентина Ивановна уялиб қолди.

— Сен кўп нарсани бошдан кечирдинг...

— Ким бошдан кечирмади... Уруш сени четлаб ўтиб кетдимми?

Валентина Ивановнанинг кўзларида ёш ҳалқаланди.

— Четлаб ўтмади...

— Сен мардонаворсан, Оля.

— Шундай бўлиб туюлса керак. Баъзан мен қиз болага ўхшаб ўкириб йиғлайман. Бошимни ёстиққа буркаб йиғлайман. Тимофей Сидорович эшитмасди, балки эшитса ҳам, эшитмаганликка солган бўлса керак ўзини.

— Шундай бўлса ҳам, сен, бари бир, мардонаворсан. Сени шундайлигингда топиб олганимдан хурсандман.

— Топиб олганинг йўқ: Ҳамма нарса тасодифан юз берди. Лекин бари бир мен хурсандман. Жудаям хурсандман, Юрий.

— Қизиги шундаки, биз ҳамма вақт ҳам жудоликни дарҳол баҳолмай олмаимиз.

— Сен мен тўғримда айтяпсанми буни?

— Кўпроқ ўз тўғримда.

— Йўқ, йўқ бунинг ҳаммаси мен тўғримда. Утмиш орқага қайтмайди, дейишга сенинг ҳаққинг бор, лекин мен сени тушунаман. Бироқ мен учун у қайтиб келди... Шу ерда, мана шу шаҳарда қайтиб келди... Бугун қайтиб келди. Энди мен уни бой бермоқчи эмасман. Истамайман.

Василий ўрнидан турди.

— Оля...

— Сен кетяпсанми?

— Йўқ.

— Кечир! Мен буйруқ амалдалигини унутибман.

— Сен бир нима хабар қилдирмоқчимисан?

— Кичкина ахборот. Жудаям шошилинч. Агар беролсанг...

— Мен радистман.

У ўрнидан турди, чамадонни очди, рацияни ишлашга тайёрлай бошлади. Буни қандайдир секин суръатда қиларди. «У қанчалик ўзгариб кетибди,— дея ўйлаб кетди Василий.— Олдинги Оляга ўхшатиш қийин. Наҳотки, вақт инсондаги қувватни сўндиришга қодир бўлса?.. Эки бу менинг босиқлигимга жавобмикин. Ҳозир мен Берлинга боришга таклиф қилинганлигим ҳақидаги телеграммани диктовка қиламан. Наҳотки у мени тан олишдан тўхташиб турган бирдан-бир сабаб шу эканлигини тушунмайди, фаҳмламайди? Ахир мен уни севаман-ку... Майли, ўзи ҳал қилсин. Агар у келажакдан умид қилса ҳам, кутишга тайёр бўлса. Агар...

Рациянинг чироқлари ёнди, Валентина аппарат олдига ўтирди.

— Мен тайёрман. Уқинг!

— Бугун,— дея ўқий бошлади Василий,— вақт ини кўрсатинг, Штиллердан Берлинга... бориб ишлашга оғзаки таклифнома олдим...

— Қандай? жўнаб кетиш?— дея тўхтади Валентина.— Бир минут тўхтаб туринг! Менинг нимагадир бошим айланиб кетди... Мен тушуниб олмоқчиман... Демак, сен Юрий, Берлинга борасанми? Катта, жиддий ишгами? Йўқ, ундай эмас! Жуда хатарли ишга! Ва шунинг учун... Наҳотки бу рост бўлса?.. Наҳотки мени деб?.. Яна адашиб кетдим... Агар бирон гап ўтган бўлса, айтавер, мен хафа бўлмайман,— деб у ўрнидан туриб Василийнинг олдига борди.— Мен тўғри топдимми?

Василий иккиланиб бош силкди. У ўз туйғусини Оляга айтишга ҳаққи борлигига ҳали шубҳаланарди. Бироқ Оля ҳаммасини тушуниб турарди.

— Ё раббий! Қандай бахт...

Василий иккала қўли билан унинг бошини секин кўтарди-да, кўзларига қаради.

— Бу жуда қийин, Оля! Жуда!

— Биламан қийинлигини...

Йўл ғарбга

Штиллер шаҳарга алламаҳалда қайтиб келди.

— Мени катта ишни тамомлаганим билан табриклашингиз мумкин,— деди у Василийга.

— Табриклайман,— дея бошини эгди Василий.

— Асосий ишдан ташқари, биз иккинчи даражали ишларни ҳам тугатдик. Немис капитани Папкенинг сенинг ёрдамнинг билан, албатта, бор-йўғи рус разведкачиси эканлиги маълум бўлди.

— У тутиб олиндимми?

— Бунинг ҳожати йўқ, азизим Василий. Бизнинг одамимиз ўрмондан чиқиб кетди, деб сигнал берган заҳоти у ғойиб бўлади.

— Эркин нафас оларканмиз, ниҳоят,— деди Василий ўзини шодликка солиб.— Улар жонимизга ҳам тегиб кетган эди.

— Энди эркин нафас олсанг бўлаверади. Узингни бу шаҳардан кетдим, деб ҳисоблайвер. Мен сенинг Берлинга ишга ўтказилишинга рухсат олдим.

Василий ўша куни кечасиёқ партизан отряди командири Ермолинга: «Дарҳол лагерни кўчириб, «В» квадратга олиб ўтинглар. «Нерон» билан «Асқарни» биринчи самолёт билан катта ерга юборинглар. Марказнинг қарорига биноан группага «Петр» раҳбар қилиб тайинланади. Унинг буйруқларини бажариш 18-август, соат 22 ю 00 дан бошлаб «мажбурий» деган буйруқни юборди. Охирида: «Алвидо, дўстлар!» деб қўшиб қўйди.

20-августда соат чорак кам бирларда шаҳардан беш чақирим четда немис бомбардимончилари пайдо бўлди.

Моторларининг гувиллашини эшитиб, Штиллер кўчага чиқди:

— Василий, Василий! Қара қандай даҳшат солиб келяпти!

Ўттизга яқин оғир машина қатъий суратда сафга тизилиб олган ҳолда жануби-шарқ томон учиб борарди. Чакалакзорга яқинлашгач, аста пастлаша бошлашди. Биринчи самолёт группадан ажралиб, ажал юкини ташлади.

— Ана кўрдингми, менинг қадрдон қайним! Сен кўриб турган нарса — операцияни охирига етказар эканман, унинг охирига мен қўядиган нуқта бўлади,— деди Штиллер.

Самолётлар бирин-кетин «чўққига» чиқиб бомбаларини ташлай бошладилар.

Қувноқ музика остида биз шаҳардан чиқиб кетамиз! Кечқурун бизни Берлин кутиб олади.

«Бу фақат музика,— дея ўйлади Василий. Отряд кечаёқ «квадратни ташлаб чиқиб кетган. Партизанлар олдинроқ кўчиб ўтишлари мумкин эди, лекин Ермолин «Нерон»ни катта ерга юбориш учун самолёт кутиб турганди. Энди «Нерон» Марказга бориб олди».

Самолётлар бомбардимон қилишда давом этарди. Бомба тушган жойда каттакон шуъла кўтариларди. «Чакалакни расво қиладиган бўлишди... Уни бу ерда ўстириш учун озмунча меҳнат сарф қилинмаган эди!— дея қовоғини уйди Василий.— Бироқ музикани охиригача эшитишга тўғри келади...»


У уйга кириб бир варақ қоғоз олди, столга ўтирди. «Нима ёзсам экан. Ҳеч қачон бундай қилмасликка тўғри келади!.. Нима?...» Ниҳоят бир неча оғиз сўз ёзди. Ҳаммаси бўлиб бир неча сўз: «Севаман. Жуда севаман. Агар кута олсанг, кут. Ю».

Хатни Маргарита Францевна қўлига берар экан, пичирлади:

— Буни Валентина Ивановнага, ҳар қандай вазиятда ҳам менинг рафиқамга бериб қўйинг...

Тамом.





ТАЛАНТНИНГ МУҲИМ ҚИРРАСИ

Кўп қиррали сўз санъаткори Назир Сафаров ҳақида гап кетса, дарҳол унинг иқтидорига хос характерли бир хусусият олмосдек ярқ этиб, кўз олдимизда учқунланади. Бу — унинг ижоди бошдан-оёқ ҳужжатлилик асосига қурилганлиги билан боғлиқдир. Шу хусусият адибнинг ўттизинчи йилларда китобхон қўлига теккан «Унутилмас кунлар» (1932) номли илк насрий китобидан тортиб, кейинги қатор асарларигача сингиб кетган. Энг муҳим ва эътиборли томони шундаки, санъаткор ҳужжатлиликни бадийлик билан омухта ҳолда, ялакат мағиздай яхлитликда яшаш ҳуқуқини олишига асосланади. Бу хусусият-

лар адиб ижодининг қаймоғи бўлган «Наврўз» романигагина эмас, ҳатто бадий тўқимага ғоят ўч, кескинлик, шартлилик ва томошабоп ўсуллари талаб қилишига кўра сахна асарининг пойдевори бўлган унинг драматургиясига ҳам чуқур томир ёйган.

Езувчи ўзбек халқининг тарихий курашлари эпопеясини эндигина ёппасига саводхон бўлиб келаётган халқимизга сахна орқали кўрсатишни орзу қилди. У дастлаб театрларимизнинг замонавий воқеликка чанқоқлигини ҳис этиб, Зиё Саид билан ҳамкорликда «Тарих тилга кирди» (1931) пьесасини ёзди.

Пьесада қўйилган мақсад драматик кескинликни таъминловчи характерлар аро кураш шаклидаги коллизия негизидаги ҳаракатда очилади. Ички душманлар фаолияти Бадрий, Наби қори, Мухлис афанди, Ғаффорбой, Хўжа Хўжаев, Таннозхон сингари салбий куч вакиллари воситасида юзага чиқади. Янги тузумни бунёд этаётган кишиларнинг жанговарлик руҳи советлар учун фидокорликлари Темир Саримсоқов, Қўрқмас, Зазванев, Меҳри ва бошқа халқ фарзандлари фаолиятида мужассамлашган. Шу қарам-қарши кучлар тўқнашуви асардаги бош ҳаракатни ривожлантиради. Уша йиллар учун характерли кескин ҳаётий лавҳаларга, инқилобий давр кишиларига хос хусусиятларнинг қамраб олинганлиги, конфликтнинг ўткир ривожланиши воқеалар ва образларнинг таъсирчанлигини оширган. Қаҳрамонлардан Рафиқ характери оригиналлиги билан ажралиб туради. Индивидуал суҳбатларга молик бу курашчан образ босмачиларга қарши мардона жангларда ўзини тутиши, оғир вазиятларда ҳам қизиқчилиги, учирма сўзлар билан душманни мазаҳ қилиши, жасурилиги билан эсда қолади, асарга қувноқ руҳ бағишлайди. Тарихий ҳақиқат йўлида жонбозлик қилган ватанпарварларнинг сўнмас иродаси, фидокорликлари Темир ва Қўрқмас образларида яхши ифодаланган. Тўғри, образларни индивидуаллаштириш санъати бир меъёрда эмас. Бунинг излари бош қаҳрамонларни тасвирлашда ҳам баъзан сезилади. Лекин кўпчилик образлар ҳаётий ва жонлилиги билан характерлидир. Шу маънода миллатчи зиёдиларнинг вакили Бадрий образи ўз индивидуаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Монолоғдан моҳирона фойдаланиш бу образ руҳиятини очишда, унинг таъсирчанлигини оширишда яхши натижа берган. Шу қаҳрамон тилидан тарихнинг уларнинг ўзлари устидан ҳукм чиқариши маҳорат билан акс этирилган.

Театр санъати халқимиз маданияти ва маънавий оламнинг ажралмас бир омилига айланиб келаётган бир даврда «Тарих тилга кирди» спектакли майдонга чиқди. Уша вақтда уни кўрганларни хотирлашларича, спектакль катта шов-шувга сабаб бўлди. Пьесани биринчи марта ўзбек сахна санъатининг дарғалари Маннон Уйғур ва Етим Бобожонов 1931 йил май ойида сахналаштиришган. Агар бу асарни замонавий кундалик воқеалар акс этган салмоқли асарлардан бири бўлганлигини тасаввур қилсак, спектаклга халқ оммасининг бўлган катта қизиқшини бир қадар англаш мумкин. Томошабинлар спектакль тугагач кўчага чиқиб, аллавақтгача тарқалишмасди. Кейинчалик бу асар рус ва тожик тилларида нашр этилди. Назир Сафаров пьесани ихчамлаштириш, образларга янада жило бериш борасида ижодий ишни тўхтатмади. Натижада пьеса 70-йилларга келиб республика театрларида янгидан сахна ҳаётини бошлади. Пьеса мавзунининг муҳимлиги, бадиий қуввати билан драма-

тургиямизда ўз ўрнини топди ва Назир Сафаровни драматург сифатида элга танитди.

Назир Сафаровни профессионал драматург эканлигини тан олдирган асари «Уйғониш» (1938) драмаси бўлди. Пьеса 1916 йилги Жиззах қўзғолони воқеалари асосида яратилди. Лекин асар мардикор олишга қарши кўтарилган стихияли халқ қўзғолонининг шунчаки қайди эмас, балки у меҳнат аҳли онгидаги революцион кураш туйғусининг шаклланиши ифодасидир. Мардикор олиш воқеаси пьесада халқ оммасини чор ва маҳаллий ҳукмдорлар дучор қилган икки томонлама зулмга қарши бош кўтаришга олиб келади. Драматург ғоявий ниятни очишда бой ва золим табақаларга қарши отланган Қудрат, Маҳкам, Алексей, Жайноқ, Содик, Мардонқул, Иқбол образларини алоҳида қунт ва меҳр билан тасвирлайди. Турлича ҳаётий таржимаи ҳолга эга бўлиб, уларнинг характери конкрет ҳаётий шароитларда, реалистик заминда ёритилади. Уларнинг ғоявий ниятларини бирлаштиришда ишчи синф вакиллари Қудрат билан Алексей муҳим ўрин тутди. Синфий тўқнашувларда қатнашиб Сибирь сургунининг азобини тортган Қудрат аини пайтда рус революционерлари мактабидан сабоқ олган дойурок ватанпарвар шахс сифатида гавадланади. Асар ҳаракати заминидagi драматик конфликт ривожиди, унинг ечимиди, пьесанинг яхлитлиги ва таъсирчанлигини таъминлашда шу икки образ ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Назир Сафаровнинг «Наврўз» романи жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинганч, яна шу нарса ойдинлашдики, драматург ўз пьесасининг кўпгина қаҳрамон ва воқеаларини реал ҳаётдаги конкрет фактлардан Жиззах қўзғолони чоғида бўлиб ўтган воқеалардан олган ва ўзининг ҳужжатчиликка амал қилиш усулига содиқ қолган. Бунинг роман воқеаларидан эпик кенгликда қад кўтарувчи пьеса қаҳрамонларидан бири Жайноқ мисолида ҳис этиш мумкин.

«Уйғониш» муносабати билан яна бир нарсани айтишни ўринли ҳисоблаймиз. Гап шундаки, иттифоқ миқёсида ҳам, бизда ҳам трагедия жанрини муносиб ривожлантирмай туриб, адабий асарларнинг эмоционал ҳаяжонлантирувчи кучини етарли таъминлаш, китобхон ва томошабин қалбига сўнмас қанот бағишлаш оғирлиги тўғрисида кўп ва зарур гаплар бўлаётир. Бунинг вақтида ҳис этган Назир Сафаров «Уйғониш» драмасини қайта ишлаб, уни трагик руҳини хийла чуқурлаштирди (бу айниқса Иқбол қисмати билан боғлиқ йўналишда сезилади) ва уни фожиа намунаси сифатида нашр эттирди. Адабиётга доир суҳбатларимиздан бирида материали трагедиябон бу асар ҳали шу жанр намунаси даражасига кўтарилмаганини, унда қолжия етарли мураккаб ва чигаллик савиясига олиб чиқилмаганлигини, қаҳрамонлар ночор ҳолатларда, ечиб бўлмас зиддиятларда очиб

маганлигини, руҳий азоб-укубатларнинг етарли эмаслигини драматургга айтдик. Шунда муаллиф бундай жавоб қилди: «Уйғониш»да трагедияга хос хусусиятлар маромига етмаган бўлиши мумкин, буни ёзувчининг жанр соҳасидаги бир ижодий тажрибаси деб қараш керак. Дангалини айтганда, трагедия жанрининг етарли ривожланмаётганлигига сиз танқидчилар ҳам айбдорсизлар. Чунки озми-кўпми бор тажрибали ўрганилиб, улардан керакли хулоса чиқарилмаётир. Ҳатто «Уйғониш»ни трагедия деб эълон қилганимга анча вақт бўлганлигига қарамай бу тўғрида биринчи фикрни энди эшитаётирман».

Адабиётимизнинг хусусан, драматургия-мизнинг истиқболни кўзлаб, танқидчиларга айтилган бу «гина»да адиб мутлақо ҳақ.

Ўзбек халқи тарихидаги курашлар этаплари, характерли босқичлари, эпопеясини яратиш устида драматург сурган навбатдаги ижодий қалам «Шарқ тонги» (1948) революцион драмаси билан якунланди. Пьесадаги етакчи образлар, воқеалар тарихийдир. Драматург Шумилов, Финкельштейн, Першин каби революционерлар ҳамда Коровиченко, Куропаткин сингари эски тузум вакиллари қаторида тўқима образларга ҳам мурожаат этади. Уларнинг тақдири революцион курашга, халққа муносабатлари билан боғлиқ ҳолда бадий ифодаланади. На фақат қаҳрамонлар, ҳатто тарихий фон ва давр руҳининг ўзи, ижтимоий ва сиёсий ҳодисалар, яъни типик шароитлар асарнинг бош драматик ҳаракатида муҳим омил бўлиб қатнашади. Революцион кураш пафосини ҳис этишга хизмат қилади. Давр ҳодисалари тарихий истиқболли тараққиётда, ривожланишда берилади. Инқилобий курашларнинг кишилар онгига таъсири, ундаги ҳал қилувчи аҳамияти таҳлил этилади. Пьесанинг тарихийлигини,

реализмини ана шунда кўраемиз. Пьеса сюжети негизда Тошкентдаги 1917 йилнинг март ва ноябрь ойлари орасида вақтли ҳукумат ҳамда Советлар — қўш ҳокимиятчилик юзага келган пайтдаги мураккаб тарихий воқеалар ётади: «Уйғониш»да революцион курашларга кўзғалган халқ, «Шарқ тонги»да уни ўлкамизнинг бир қисмида — Тошкентда галаба билан якунлайди. Тарихий ҳодисаларни бадий асослашда Мақсуд, Ялангтўш сингари тўқима образларнинг қизиқарли, индивидуал моҳиятли қилиб ёрқин гавдалантирилиши муҳим омилга айланган. Тўғри, асарда бош ҳаракатдан узилиб қолган ортиқча эпизодлар, реалистик жиҳатдан саёзроқ, детективнамо баъзи ҳолатлар бор. Лекин улар драмада етакчилик қилмайди. Драматургнинг Октябр революцияси воқеаларини эпик планда акс эттиришдек оламшумул мавзуга қўл уриши катта ижодий жасорат эди. Бундай жасорат урушдан кейин партия ва ҳукуматимизнинг мафкура масалалари бўйича чиқарган қарорлари руҳига, талабига мос тушиши билан янада қадрлидир.

Драматургнинг ижоди ҳамма вақт бирдек, силлиқ кетмади. Агар у партиямиз бадий ғоявий юксади, ижтимоий томондан залварли асарлар яратиш учун жиддий қақриқ ташлаган бир пайтда «Шарқ тонги» билан «Лаббай!» деб жазоб берган бўлса, драма соҳасидаги навбатдаги қадами «Ҳаёт мактаби» (1954) пьесаси унча муваффақият қозонмади. Қишлоқ ҳаётига, пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашаётган замондошларимиз образларини гавдалантиришдек зарур мавзуга бағишланган бу пьесада «конфликтсизлик назарияси» излари сезилади. Шунинг учун ҳам, талабчан ижодкор бу драмани асарларининг кейинги нашрларига киритмади.

Замонавий, айна кунлар кишилари ру-



Китобхонлар билан учрашув.

ҳиятини, уларнинг кураш ва ўйларини драматургия воситаларида бадий таҳлил этишдаги бу муваффақиятсизлик санъаткор руҳини туширмади. Аксинча у, қисса ва публицистика жанрларида ўнлаб ажойиб асарлар ижод этиш билан бирга, ўзини замондошларимизни сахна асарларида гавдалантиришга тинимсиз чоғлаб борди. Буни совет санъаткорининг эл-юрт олдидаги бурчи, давр талаблари тақозо этарди. Шу даъватга жавобан Назир Сафаров ишчилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Кимга туй, кимга аза» (1963) драмасини яратди. Муаллифнинг айтишича, пьеса негиздаги асосий масала — рационализаторлик кашфиёти атрофидаги курашлар, Тошкентдаги заводлардан бирида бўлиб ўтган. Ёзувчи шу воқеага бадий тўқималар асосида сайқал берган. Саҳнавийлик талабларига мувофиқ бадийлаштирган. Пьесадаги Ҳасан, Казаков образларида давримизнинг илғор кишиларига хос ахлоқий фазилатлар мужассамлаштирилиб улар муттаҳам, плагиатор Саид Камоловнинг ўғрилигини очиш жараёнида ҳаётий ва жонли гавдаланади. Асар драматизмга, эмоционал ҳолатларга анча бой. Ахлоқий поклик учун кураш, бунинг акси виждонсизлик ва нопокликни қоралаш мотивлари пьеса руҳига сингдирилган. Пьеса Муқимий номидаги музыкали драма театри сахнасида анча йиллар қўйилди. Лекин, танқидчилик асар коллизиясида жўн ўринлар, схематизм нуқсонлари мавжудлигини кўрсатди. Драматург бундан тегишли хулоса чиқариб, асарни қайта ишлади ва уни «Сув келтирган азия» (1975) номи билан сахнага тақдим этди.

Назир Сафаров Улуғ Ватан уруши жангларини бошидан кечириб, она юртга эсон-омон қайтган, гражданлик бурчини шараф билан ўтаган бахтли санъаткорларимиздан биридир. Унинг Яздон Худойкулов билан ҳамкорликда яратган «Лукаш ботир» дра-

маси ўзбек жангчи партизанлари образини бадий акс эттиришга бағишланган. Асар муҳим мавзунини бир қатор жонли образларда, ҳаётий ва таъсирли лавҳаларда очишга интилинганлиги билан диққатни тортади. Унда ҳозирда ҳам барҳаёт, прототиплари бор кишилар, фактик манбалар қамраб олинган. Бироқ пьесада ҳаётий фактларга бадий сайқал бериш, жангчи партизанларимизнинг қаҳрамонлигини мураккаблиги билан кўрсатиш маромига етмаган. Чамаси бундай нуқсонлар ҳаётий фактларга ортиқча қарам бўлиб қолиш, уларни натуралистик тарзда кўрсатиш майли устунлиги сабабли юз берган. Атоқли адиб ўзбек жангчиларининг чинакам ва ҳаққоний образларини саҳнавийлик воситаларида драматургияда муносиб гавдалантиришга яна қайтар деган умиддамиз.

Яқун тарзида шуни айтиш керакки, драматург пьесалари ёзилган саналар тартибини иккинчи ўрича суриб, уларга тарихий даврларни акс эттириш нуқтаи назаридан ёндашсак, шундай манзара кўз ўнгимизда намоён бўлади: халқимизнинг Улуғ Октябр арасидаги кураш ва интилишлари («Уйғониш»), социалистик революциянинг ғалабаси учун курашувчилар («Шарқ тонги»), советлар ҳокимиятини мустаҳкамлаш, синфий душман қолдиқларини тугатиш («Тарих тилга кирди»), фашист босқинчиларига қарши жанглар («Лукаш ботир»), илмий-техника революцияси даври кишиларининг орзу-ўйлари («Сув келтирган азия»). Демак драматург асарларида ўзбек халқининг инқилобий курашининг характерли онлари, бадий солномаси ўзига хос чизгиларда гавдаланади.

«Драматургия ва киносценарий,— деган эди А. Толстой,— сифат жиҳатидан бир хилдаги санъатдир. Улар турлича воситаларда гавдалантирилади. Лекин драматургиянинг асосий қонуниятлари бир хил-



дир». Давр талаби ва мана шу бир хил қонуният тақозосича Назир Сафаров кинодраматургиядан, сценарий ёзишдан четда қолмади. У ўзининг бу борадаги салоҳиятини «Элмурод» (А. Давидсон билан ҳамкорликда, 1957) сценарийсини ёзишда синаб кўрди. Сценарий муаллифининг бу мураккаб ижод соҳаси сирларини эгаллаб олишида ўзига хос бир босқич эди. У кейинчалик бир гуруҳ ижодкорлар билан ҳамкорликда «Осиё устида бўрон» (дастлабки номи «Ер фарзанди», 1964) кинофильмининг сценарийсини ёзди. Кинорежиссёр Комил Ёрматов томонидан экранлаштирилган бу асар ўзбек кино санъатига шухрат келтирди. Айниқса унда яратилган қалби дарё, йирик характер даражасига олиб чиқилган Ялангтўш халқнинг жасорат, тимсоли, сўнмас мардлик қўшиғи каби

қалбларга сингиб кетади. Шу образнинг номигина эмас, умуман фильмдаги барча қаҳрамонлар чеҳраларида, давр воқеаларининг мураккаблигида, уларнинг ривожланиш йўналишларида, ҳатто талқин этишининг айрим усулларида Назир Сафаров пьесалари акси, руҳи, изи, образларига ўхшаш белгилар барқ уриб туради.

Хуллас, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотининг лауреати, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Назир Сафаров драматургиямиз зиммасига замонамиз юклаган вазифаларни адо этишда ҳормай-толмай ижодкорларимизнинг олдинги сафида бормоқда.

Бердиали ИМОМОВ,
филология фанлари доктори

ҲАМИША ЖАНГОВАР

Жўжани кузда санаймиз, ҳосилни кузда йиғамиз, келгуси йил заминини кузда яратамиз, қиш озиғини кузда тайёрлаймиз... Эҳ-ҳе, кузда бажариладиган ишларнинг сон-саногини йўқ. Бошқа фаслларнинг «юки» ҳам енгил эмас. Ахир, жўжаларнинг кўп туғилиб, ҳосилнинг мўл-кўл бўлишини таъминлашда баҳору ёзнинг қандай хизмат қилиши ҳаммамизга аён-ку! Қаҳратон қишчи? Усиз ҳам тараққиёт бўлмаслигини яхши биламиз. Севимли шоиримиз Уйғун ёзганидек «ҳар фаслнинг ўз фазилати. Кумуш қишдан зумрад баҳордан қолишмайди кузнинг зийнати...».

Ҳа, худди шундай, бироқ жўжалар саналиб, ҳосил ғамлаб-ғарамлаб қўйиладиган палла бутун меҳнат аҳлининг асаблари тараңг тортилиб, кечани кеча, кундузни кундуз демасдан тер тўкадиган даврдир. У хусусан Ўзбекистонимизда алоҳида мураккаб, қийин, аини чоқда жуда масъулиятли шарт-шароитга тўғри келади. Гап шундаки, ёшу қари, ишчи-ю олим, ўқувчи-ю талабалар — барча-барчаси деҳқонлар билан ҳамдарду ҳамфикр бўлиб, дилида ҳам, тилида ҳам пахта дейди, ўнгида ҳам, тушида ҳам «оқ олтин»ни ўйлайди. Хуллас, барча шахарликлар пахтакорга айланиб қоладими, бу ўзига хос такрорланмас маъно, мазмун касб этади.

Ўлкамиздаги шоиру ёзувчи, драматургу мунаққид — барча қалам аҳли ўзларини мана шу маъно, мазмун моҳиятини ёритишга сафарбар этилган, деб билади. Газета-журналлар, радио, «зангори экран» уларнинг ижодий минбарига айланади.

Мана шундай маъно, мазмун моҳиятини ёритиб, ўқувчиларга завқ-шавқ, маънавий мадад бахш этишда отахон ёзувчимиз Назир Сафаровнинг ҳормай-толмай ёшларга хос ғайрат ва жўшқинлик билан қалам тебратиб келаётганлигини ғурурланиб ай-

тишга ҳаққимиз бор. Шунинг учун ҳаққимиз борки, у фақат очеркчилик, бадиий публицистикагина эмас, балки умуман ўзбек прозаси ва драматургияси тараққиётига муносиб улушини қўшиб келмоқда. Ҳатто айтиш мумкинки, отахон ёзувчимиз кўп ҳолларда мунаққид сифатида адабиёт майдонига чиқиб, фикрлар «жанги»га иштирок этади, бадиий муаммоларни ҳал қилишга, ёш ижодкорлар фаолиятини ёритишга фаол қатнашади. Бинобарин, Назир Сафаров кўпқиррали, тажрибали адибдирки, унинг қобилияти, истеъдодига хос хусусиятлар асос эътибори билан очеркчиликда, бадиий публицистикада намоён бўлди ва ҳозирда ҳам шундай бўлиб қолмоқда. 1974—1977 йилларда чоп этилган тўрт жилдлик асарларининг деярли ярми, 1978 йилда босилиб чиққан «Жасоратнинг давоми» деб номланган китоби очерклардан, публицистик чиқишлардан, мақола-лардан, лавҳалардан ташкил топган.

Назир Сафаров асарларида ҳам публицистик руҳ, тавсифийлик балқиб туради. Аниқроғи, қалб ҳароратига, қалб туғёнига йўғрилган публицистик руҳ, ҳақиқатни ёритишга қаратилган тавсифийлик тўғрисида сўз кетяпти. Зотан Назир Сафаров қайси бир мавзуга қўл урмасин, қайси бир қаҳрамон ҳаёти тўғрисида ёзмасин, барчасини ўз қалб призмасидан ўтказишга интилади. Интилиш эса оқибатсиз қолиб кетмайди. Ёзувчи ўқувчининг ҳамдарду ҳамкори, руҳий мададкорига, яқин дўсти, қадрдонига айланади. Пиروفардида бир-бирларининг диллари-ю тиллари туташиб, бирлашиб кетгандай бўлади. Бошқача қилиб айтганда ёзувчининг севинчлари, тотди туйғулари, аламли, дардли кечинмалари ўқувчига «юқади», ўқувчининг қалбини жунбушга келтиради. Баъзан бирданига жунбушга келтириб, чуқур таассурот

қолдиради, баъзан хотирада маҳкам ўрнашиб, сингишиб олади, лекин ҳеч қачон бепарволик кайфиятини уйғотмайди.

Хуллас, Назир Сафаров қаламига мансуб асарларда ёзувчи юрагининг катта ёки кичик «парчаси» бўлиб, нималари биландир тўлқинлантиради, ҳаяжонлантиради. Балки шунинг учун у мазмунли, миқти асарлар яратиб, жуда катта бадийи кашфиётларга йўл очиб бергандир. Балки шунинг учун қаҳрамонларни мадҳ этиб, уларнинг турмушини тадқиқ қилишни ҳамма вақт ниҳоясига етказмагандир. Негаки, юрак билан, қалб ҳарорати билан мақташ, мадҳ этиш тезда тадқиқот руҳига «пайвандланиб» қолмайди. Бундай «пайвандланиш»га озмунча вақт сарфланмайди. Назир Сафаров эса кўпинча долзарблик, фаоллик талабига мувофиқ иш кўриб, воқеа, ҳодисалар моҳиятини зудлик билан ёритишга одатлангандир.

Бундан унинг нималарни ютиб юрганлигини, қандай натижаларга эришаётганлигини тасаввур қилиш учун Турсуной Охунова ҳаётига бағишланган очерклари, мақолаларини эслатиб ўтиш kifозидир.

Ёзувчининг бу қаҳрамонга бағишланган биринчи очерки 1959 йилда чоп этилган.

Шундан буён йигирма йил ўтиб кетди лекин Назир Сафаров қандайдир йўллар билан ўз қаҳрамонини мунтазам равишда кузатиб борди, унинг фаолиятига бағишланган асарлар ёзишда давом этди. Фақат маҳсул ёзилган очерклариди, публицистик мақолаларидагина эмас, балки қишлоқ, колхоз, совхоз тараққиётига оид муаммоларни кўтариб чиқаётган пайтларда ҳам Турсуной Охунова жасоратини қаламга олади. Дарвоқе, «Узоқни кўзлаган қиз» деган қўламли очерк-қиссанинг яратилиши тасодифий эмас.

Диққат қилинг: худди шу муддат ичида, яъни кейинги йигирма йилда Назир Сафаров «Кўрган-кечирганларим»ни ёзиб, ўқувчиларнинг, мунаққидларнинг олқишига сазовор бўлди, Ҳамза мукофоти билан тақдирланди. Сўнгра «Наврўз» романи ўқувчиларга тақдим этилди. «Лукаш ботир» номли драматик асари юзага келди. Яна қанча очерклар, публицистик чиқишлар, мақолалар ёзилди, радио, телевидение эшиттиришларида мунтазам иштирок этиб борди...

Бу асарлар ҳам ўзига ҳос оламни ташкил этади ва уларнинг мағзини чақиш учун маҳсул тадқиқотлар битилса, ёзувчи қиёфаси янада ойдинлашади. Ҳозирча биз эътиборингизни Турсуной Охунова фаолиятининг Назир Сафаров томонидан қандай ёритилиши ва шу аснода қандай ўсиш-ўзгаришлар рўй берганлигига қаратмоқчимизки, шунинг ўзиёқ марҳаматли адабимиз қандай ижодий жасорат кўрсатаётганлигини намён қилади.

Назир Сафаровнинг ёзувчи сифатидаги кўзи, зеҳни шу даражада ўткир, зўр эканки, у турсунойчилик ҳаракатининг пахтачиликда тутган мавқеини тезда илғаб олиб, бу ташаббуснинг кенг қўлоқ ёзиши-

га сезиларли таъсир кўрсатди. Йиллар ўтиши билан ўша ташаббус келтириб чиқарадиган мураккабликлар, чигалликлар моҳиятини чуқур тадқиқ этишга бел боғлади.

Мураккабликлар, чигалликлар тахминан шундай саволлардан келиб чиқади: машина қўл меҳнатини енгиллаштиради, давлатга ҳам, халққа ҳам фойда беради, лекин нима учун уни бошқаришга кўплаб хотин-қизлар жалб этилмапти? Айб машинадами ёки хотин-қизлардами ёки уларнинг механизаторлик касбини эгаллашига монелик қилаётган кимсалардами? Балки уларнинг барчасида ҳам гуноҳ йўқдир? Балки бараварига жавобгардир? Нима учун баъзи колхозларда, совхозларда ўнлаб, ҳатто юзлаб хотин-қизлар «зангори кема»лар бошқаришни маҳсул мактабларда ўрганадилару, бироқ ҳақидир уларнинг кўпчилиги ўрганганларини амалга оширмайдилар? Балки механизмлар «тили»ни яхши ўзлаштирмагандир? Борди-ю, яхши ўзлаштирса ҳам, яна нималардир уларга халақит бераётгандир? «Зангори кема»ни бошқариш учун қандай қобилият, салоҳият, куч-қувват талаб қилинади? Механизаторлик касбининг сир-асрорлари нималардан иборат ва уларни идрок этиш учун қандай чора-тадбирлар кўриш керак!.

Худди шундай ёки шунга ўхшаш саволларни Назир Сафаров олдига ҳаётнинг ўзи кўндаланг қилиб кўяди ва уларга баъзан бевосита, баъзан бавосита, баъзан йўл-йўлакай, баъзан мунтазам суратда жавоб ахтаради.

Табиийки, бу иш билан фақат битта ёзувчи, фақат Назир Сафаров шуғулланапти, демоқчимасмиз. Негаки, очеркчилик ва бадийи публицистикада деярли барча ўзбек қаламкашлари меҳнат қилмоқда, бинобарин, улар ҳам Назир Сафаров билан ёнма-ён бормоқда. Яна шуниси борки, отахон ёзувчимиз классик адабиётимиз аъёнларини ижодий ўзлаштириш билан Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳқор, Ғафур Ғулумлар прозасидан таъсирланганини, аини ҳоқда барча ўзбек адилларининг тажрибаларидан баҳраманд бўлганлигини баралла айтади, ғурурланиб эътироф этади.

Вазиятга эътибор беринг: Назир Сафаров янги типдаги ўзбек совет адабиётини «гўдак»лигидан йўرғаклаб вояга етказганлар билан ёнма-ён яшаб, излаб, интилиб қалам тебратаётган адилларимиздан биридир. Утизинчи йилларнинг ўрталаридан янги ташкил этилган Ўзбекистон совет ёзувчилари союзининг масъул котиби бўлиб хизмат қилгани-чи? Шундан буён ўзбек қаламкашлари союзининг ижодий-ташқилий фаолиятида иштирок этиб келаётгани-чи? Бир неча йиллардан буён республикада Китобсеварлар жамиятининг раиси лавозимда фаоллик кўрсатаётгани-чи?

Сирасини айтганда Назир Сафаров ўтизинчи йилларда ҳам, Улуғ Ватан уруши даврида ҳам, тинч қурилиш пайтларида ҳам, ҳозирги замонда — илмий-техника ре-

волюцияси авжига чиққан шароитда ҳам — ҳамма вақт меҳнаткаш халқимиз билан ҳамнафасу ҳамкор бўлиб, она юрт равнақи йўлида тер тўкиб келмоқда, бирон лаҳза жамоатчилик фаолиятини тўхтатиб қўйган эмас ва бу унинг граждандлик, инсонийлик бурчини аъло даражада адо этганлигининг исботидир.

Айтайлик, олтмишинчи йилларнинг бошларида Назир Сафаров Ўзбек қизларининг «зангори кема»ларни бошқаришга оммавий суратда киришини ҳам мадҳ этиб, ҳам ғурурланиб, севиниб, қувнаб қалам тебратган бўлса, етмишинчи йилларга келиб, масалага кенг миқёсда қарашга интилиб, унинг мураккаб, чигал жиҳатларини ёритишга алоҳида эътибор бераётир.

Энди ёзувчининг конкрет мулоҳазалари билан танишайлик: «Гоҳи ўйлаб қолам. Аёллар зиммасидаги вазифалар эркакларникига қараганда неча бор оғир. Хўш, мана, айтайлик, Султонжон раис. Унинг ўзига яраша ташвиши бор, кўриб турибмиз. Турсуной чангга ботиб, терга пишиб, эртадан кечгача далада. Кечқурун уйга борганидан кейин беш болага овқат ҳозирлаш керакми, уларнинг кийимига қараш керакми, ҳатто битта пиёлани олиб келиб, олиб бориб қўйишни ҳам аёл бажариши керак. Шунга ўрганиб, одатланиб кетганмиз-да. Гўё эркак осмондан оёғини узатиб тушган».

Бунга жавобан Турсуной шундай дейди: «Мана, иккита қизимиз институтда ўқияпти. Биттаси расмочилик интернатига таълим олаяпти. Кичкина ширин қизимни интернатга топширганман. Бу шанба келишганди, улар билан гаплаша олмадим ҳам. Машинада пахта териб, кечқурун яна ўқишга элтиб қўйдим. Йиғлаб-йиғлаб кетишди».

Мана шундай ҳолатда меҳнат қаҳрамони деган номни оқлаш, заҳмат чекиш осон эмас, буни ёзувчи рўйи рост кўрсатади. Натижада Турсунойнинг матонати, саботи ўзининг бой, гузал, мураккаб мазмуни билан намоен бўлади ва унинг образида давримиз руҳи, ҳаёт тараққиёти қонуниятлари ўзига хос ёрқин ифодасини топади.

Назир Сафаровни шунинг учун олқиш-лаяпмизки, у Турсуной Охунова чинакам инсонлардек пайти келганда қувонади, севинади, кулади, пайти келганда эзилади, турмуш чигалликлари, зиддиятлари тўғрисида бош қотиради, пайти келганда меҳнат қийинчиликларидан зорланади, шикоят қилади, кўпинча зафарлар кучади, бироқ баъзан мақсадлари, орзу-умидларини амалга ошириш жараёнида муваффақиятсизлик дёрд-аламларини чекади, деган ҳукм-хулосаларни онгимизга сингдириш йўлидан бориб, ҳақиқат, адолат талабларидан бир қадам орқага чекинмаслик ғамини ейди.

Муҳтарам адибимиз нимани қўллаб-қувватламасин ёки танқид қилмасин, мана шу эътиқодга риоя қилади, шу эътиқодга суянади, шу эътиқод нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш муаммоларини тадқиқ этади.

«Реал ташаббуслар, ҳаётий қаҳрамонлар» деб аталган проблематик очерк-диалог фикримизни тасдиқловчи ёрқин мисоллардан биридир.

Очерк-диалог дейишимизнинг боиси шундаки, унда Назир Сафаров журналист Шароф Убайдуллаев билан суҳбатлашади, баҳслашади, фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашади.

Шундай фикрлар, мулоҳазалар ўртага ташланадими, улар ўқувчилар оммасида зўр қизиқиш уйғотди. Ахир, пахта йиғим-теримини механизациялаштиришга ким беварқ қарайди!

Ҳа Назир Сафаров билан Ш. Убайдуллаев ўртоқларнинг бу мавзунинг кўтариб чиққанларида эмас. Чунки, «оқ олтин»ни техника ёрдамида териб олиш муаммоси йиғирма-ўттиз йилдан буён кун тартибда турибди. Бинобарин, бу ғоятда мураккаб, қийин ва жуда масъулиятли муаммо бўлиб, уни ҳал қилишга конструктор олимларимиз, техника соҳиблари сафарбар этилган. Сафарбар этилган-у аммо ҳалигача бу борада ечилмаган жумбоқлар мавжудки ёзувчимиз ҳамда журналист дўстимиз диққат-эътиборимизни шуларга қаратади.

Пахта бизнинг фахримиз, миллий бойлигимиз, шарафимиз, шонимиз, номимиз, киядиган кийимимиз, лекин биз шуни биламизки, уни ҳар қанча ардоқламайлик, бари бир инсонни юскак баҳолаймиз. Ахир, инсон пахта учун эмас, балки пахта инсон учун, инсон бахт-саодати учун хизмат қилмоғи даркор-ку!

Назир Сафаров масалага шу жиҳатдан ёндашиб, пахтакор деҳқоннинг меҳнатини енгиллаштириш учун йиғим-теримни тўла механизациялаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлайди ва бу вазифани бажариш борасида қўлга киритилган ютуқлар, йўл қўйилаётган айрим нуқсонлар моҳиятини ёритишга киришади.

Дастлаб «зангори кема»ларнинг фазилатларини тўлқинланиб сўзлайди, уларни яратган олимларга, ишчи-хизматчиларга — барчасига чин қалбдан офаринлар айтади, етмишинчи йилларнинг охирига келиб бу машиналарнинг анча такомиллашганини зўр мамнуният билан қайд этади, бироқ замон талаблари йил сайин ўсиб бораёпти, илмий-техник революция кенг қулоқ ёзаётган шароитда пахта йиғим-теримида қўл меҳнатини жуда камайтириш учун имкониятлардан тўла фойдаланиш ҳақида мулоҳаза юратади.

Ҳа, терим агрегатлари кўпгина юмушларни бажаряпти, пахтакорларнинг оғирини енгиллатаёпти, бироқ уларни янада такомиллаштириб механизациянинг «оқ олтин» далаларида тўла ҳукмрон бўлишини таъминлаш учун ҳали анча-мунча чора-тадбирларни амалга ошириш зарурки, Назир Сафаров билан Ш. Убайдуллаев шу ҳақда сўзлайди.

Қандай чора-тадбирлар кўзда тутилаяпти?

Энг муҳими, аҳамиятлиси шундаки, деб ўқдиради улар, қишлоқ хўжалигида банд

бўлган барча механизмларнинг, «зангори кема»ларнинг куч-қудрати, имкониятларини ошириб-тошириб кўрсатишга зарба бериш керак. Чунки, ҳақиқат ва адолатга риоя қилиш ўсиш-ўзгариш, тараққиётнинг коммунистик мезонидирки, бу мезонга шак келтириш мумкин эмас. Ваҳоланки айрим масъул ходимлар, баъзи журналистларнинг айби билан сирти ялтироқ, ичи қалтироқ сохта рекордчилар, «сохта чемпионлар» юзга чиқди. Эмишки, улар терим машинасида мавсумда минг тонна «оқ олтин»ни дундўрибдилар.

Бундай кўрсаткичга эришишни орзу қилмаган олимлар ҳам, инженерлар ҳам, конструкторлар ҳам, пахтакорлар ҳам топилмайди, аммо орзу ҳамма вақт ҳақиқатга айланавермайди. Зотан орзу билан орзунинг фарқи бор. Орзунинг ҳаётий асоси мустаҳкам бўлса, у юзга чиқиши мумкин.

Назир Сафаров билан Ш. Убайдуллаев терим машинасининг барча имкониятлари, хусусиятларини атрофлича таҳлил қилиб, «минг тонначилик» ҳозирги шароитда ҳавойи орзу деган хулосага келади. Ҳавойи орзу эса ҳеч кимга наф келтирмайди. Осмонда муаллақ юришдан кўра ерга тушиб ҳақиқатнинг юзига тик қараш фойдалироқдир: «Хуллас, терим агрегати,— деб ёзди Назир Сафаров,— бир мавсумда биринчи теримда кунига 10 соат ишлаганда ҳосилдорлик 35 центнерли майдонда ўртача 117,6 тонна, 40 центнерни ташкил этган майдонда эса 134,4 тонна териши мумкин. Машина иккинчи теримда ҳам кунига 10 соатдан ишлаганда ҳосилдорлик 35 центнерли майдонда ўртача 47,5 тонна, ҳосилдорлик 40 центнерли майдонда эса ўртача 54 тонна пахта териши мумкин. Шундай қилиб, ҳосилдорлик 35 центнерли майдондан мавсумда бир машина билан ўртача 165,1 тонна, 40 центнерли майдонда эса 188,4 тонна пахта териш мумкин. Бу аслида бир машина учун нормал нагрузкадир».

Агар теримни бутунлай машина зиммасига юкланса, барча ютган бўларди. Ҳозирча бунга эришолмаганимиз сабабларидан бирини Назир Сафаров қуйидагича изоҳлайди: «Ҳисоб-китобларга кўра ҳозирги мавжуд машиналар тўла ишга солинса, теримни бутунлай машина зиммасига юкласа бўлади. Афсуски, ҳозирча бунга эришолганимиз йўқ. Бунга ҳам асосан нўноқ раҳбарлар монелик қилапти, уларнинг айби билан талабаларнинг талай вақти теримга сарф бўлаяпти... Ҳамма имкониятлар бўлатуриб, ўқувчиларни дарсдан қолдириш — ноинсофлик. Педагоглар яхши биладики, бир ойлик қолдирилган дарснинг ўрнини тўлдириш ниҳоятда мушкул, шу кемтиклик болаларнинг кейинги тақдирига, маънавий етуқлигига таъсир этмай иложи йўқ».

Кўряпсизки, ҳурматли адибимиз ўқувчи-ларга, талабаларга ачиниб, куюнганидан шундай деяпти. Уларнинг бугуниникина

эмас, балки эртасини, истиқболини ўйлаб гапираяпти. Иккинчи томондан пахта йиғим-теримининг халқ, ватан аҳамиятига эга бўлган жуда масъулиятли иш эканлигини эътибордан соқит қилаётгани йўқ. Нўноқ раҳбарлар ҳақидаги мулоҳазаларида ҳам жон бор. Улар тўқиб-бичиб берилган эмас. Аммо шуниси ҳақиқи, машиналардан тўла, унумли фойдаланиш фақат раҳбарларгагина боғлиқ деб бўлмайди. Ёзувчимиз ҳали терим агрегатида муайян нуқсонлар мавжудки, уларга барҳам бериш борасида инженер-техниклар, конструкторлар, завод коллективи анча-мунча бош қотириши, тер тўқиши зарурлигини бир неча бор эслатиб ўтадики, бунга ҳеч ким эътироз қилолмайди. Бундан ташқари, яхши машинани янада яхшилаш, тақомиллаштиришнинг ўзи алоҳида мустақил ҳал этилишини талаб қиладиган муаммодир. Яхши машинани яхшилаб бошқариш ҳам ўзига хос муаммодир. Уни запас қисмлар билан таъминлаб туриш-чи? Бу ҳам ҳазилакам муаммо эмас...

Бунга ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ўнлаб ўткир, мураккаб муаммолар кўшиладики, уларнинг баъзи қирраларини Назир Сафаров бир очеркида, бошқа қирраларини яна бир очеркида, яна туғиладиган муаммоларнинг қирраларини яна бошқа мақолаларида ёритишга интилади ва ҳар гал бу масалалар инсон тақдирига кўшилиб кетадиган муаммолар билан бирга тадқиқ этилади.

Тўғри, баъзан жуда ишонарли, чуқур тадқиқ этилади, баъзан баёнчилик учрайди, баъзан тавсиф билан тасвир «пайванд»ланади, баъзан «пайвандланмай» қолади, лекин ҳар қандай шароитда тадқиқот руҳи сезилади, ёзувчининг жон-жаҳди билан куйиниб дилдан мулоҳаза юритгани англашилиб туради.

Пахта йиғим-терими муаммосини тадқиқ этишда Назир Сафаров ўзбек бадий публицистикаси ва очеркчилигининг энг яхши анъаналарига асосланади, суянади.

Ҳа, ҳақиқий ижодкор барча қаламкашлар бунёд этган маънавий бойлиқдан, етуқ бадийи асарлардан баҳраманд бўлади ва шу тариқа ўзининг бойлигини, ўзининг асарларини яратади.

Ўзимиз, мулоҳазаларимиз куз фаслининг тасвири билан бошланганди. Фикримизни яқунлаётган чоғда ҳам ўша фаслни эсламоқчимиз. Негаки, гап шунчаки олтин куз эмас, балки ижод кузи, ижод маҳсулини мўл-кўл ҳосилини етиштирадиган пайт тўғрисида кетаётир.

Назир Сафаров ҳам ҳаётининг куз фаслига етиб келди ва бу пайтда янада етуқ, баркамол ижод меваларини етиштиришга қўлай имкониятлар пайдо бўлади.

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ,
филология фанлари доктори.



ИБН СИНО «ПОЭТИКА»СИ

Буюк аллома Абу Али ибн Сино, табиб, файласуф бўлиши билан бирга адиб ҳам эди. У ажойиб лирик-фалсафий шеърлар, тиббий дostonлар яратган.

Шунингдек, у адабиётшуносликка доир асар ҳам ёзган.

Абу Али ибн Синонинг бизгача етиб келган шу сирадаги асарларидан бири унинг «аш-Шифо» туркумига кирган «Фани аш-шеър» («Шеър санъати») китобидир. Маълумки, «аш-Шифо» тўрт қисмдан, яъни мантик, табиёт, риёзиёт (математик фанлар) ва илоҳиёт-метафизикадан ташкил топган. Бунда мантик тўққиз қисмдан, табиёт саккиз қисмдан, риёзиёт тўрт қисмдан, илоҳиёт бир қисмдан иборат. Китобнинг мантик бўлимидаги тўққизинчи қисми аллома ижод қилган «Поэтика» асаридир. Бу китоб араб тилида ёзилган бўлиб, икки бор (1953, 1966) Қоҳирада нашр этилган.

Ибн Сино «Шеър санъати» («Поэтика») асарини Аристотелнинг «Поэтика» ва Абу Наср Форобийнинг «Шоирлар санъати қонунлари» ва «Шеър китоби» асарлари асосида яратган бўлиши мумкин. Йирик араб файласуфи Абу Исҳоқ Яъқуб ал-Киндий ҳам бу хусусда асар ёзган. Лекин у илмий жамоатчиликка ҳамон номаълумлиги сабабли уни Ибн Сино асарига қай даражада таъсир кўрсатганлиги ҳақида аниқ фикр айта олмаймиз. Аммо Ибн Сино ал-Киндий асаридан хабардор бўлган, албатта.

Шу билан бирга олим ўша даврда юнон адабиётидан қилинган таржималарни ҳам кўздан кечирган. Чунки Ибн Сино бу ўз асарида юнон шеърияти турлари, унинг шакллари ҳақида ҳам баҳс этади.

Аллома шеъриятнинг назарий масалаларига бошқа асарларида ҳам тўхталган. Хусусан «аш-Шифо»нинг «Жавомеъ илм ал-муסיқий» («Музика билимига оид тўплам») деган қисмида шеърият ҳақида фикр юрилади. Олим бу асарнинг бешинчи мақола-сини ритм ва вазн масаласига бағишлаган.

Мақола беш фаслдан иборат (79—135-бетлар). Бу фасллар мавзу жиҳатидан муаллифнинг «Шеър санъати» асари рўҳига яқин, уни давоми деса бўлади. Масалан:

1) Нағмаларга ритм асосида сўзлар қўйилиши ҳақида.

2) Тил билан ритмдаги тақлид ҳақида.

3) Мувассал—уланган ва муфассал—ажратилган ритм туркумлари соғи ҳақида.

4) Тўртлик, бешлик ва олтилик ҳақида.

5) Шеър ва унинг вазнлари ҳақида.

Сўнгги фаслда Ибн Сино аруз вазни турларига тўхтаган. Ҳатто бу фаслнинг бошланиши ҳам «Шеър санъати» китоби муқаддимасига ўхшаб кетади.

«Шеър,—деб ёзади Ибн Сино бу асарида,—образли сўزلардан иборат бўлиб, ритмли, бир-бирига мувофиқ иборалардан таркиб топган ҳамда мисралари бир-бирига тенг, вазнлари қайтарилган, охириги товушлар бир-бирига ўхшаш бўлиб келган сатрларга айтилади».

Ибн Сино «Шеър санъати» асарини саккиз бобга ажратади ва буларнинг ҳар бирини фасл деб атади.

«Шеър ҳақида умумий тушунча, шеърий шакл ҳамда юнон шеър навлари ҳақида» деб аталган биринчи фаслда олим умуман шеъриятга баҳо беради, унинг тузилиши борасида тўхталади. Иккинчи фасл шеърда мавзу ва тақлид масаласига бағишланади. Учинчи фасл эса «Шеърнинг дастлаб пайдо бўлиш кайфияти ва шеър турлари ҳақида» деб номланади. Тўртинчи фаслга «Байтлар ўлчовининг мақсад-ғаразлар билан муносабати ва хусусан, трагедия ҳақида, трагедия бўлимлари баёни» деган сарлавҳа қўйилган. Бешинчида «Шеър, хусусан, трагедия тузилиш тартиби, унда ишлатиладиган эпосга хос бўлган образли гап бўлаклари ҳақида» фикр юрилади. Олтинчи фасл тартиб ва куйлашга қараб трагедия қисмларига бағишланган. Еттинчи фаслда «Шеър навларида ишлатиладиган сўзлар ва уларнинг мос келиши,

трагедия ва бошқа тур шеърларнинг унга ўхшаши ҳақида», саккизинчида эса «Шоирнинг камчилиги тўғрисида ва трагедиянинг ўзига ўхшаш турлардан афзаллиги ҳақида» каби масалалар ҳақида фикр юритилган.

«Шеър санъати» асарининг мундарижаси мана шундай тузилган.

Ибн Сино бу асарида дастлаб шеърга баҳо беради, унинг образли тузилганлиги ва унинг вазнлари ҳақида, ритми ҳақида тўхтади. Бунда муаллиф шеър образли сўзлардан тузилсагина дуруст чиқиши мумкин, деган фикрни таъкидлаб айтади.

Шунинг учун шеърят мантиқча алоқадордир, чунки, образли қилиб айтилган сўз киши руҳини ўзига бўйсундирадиган бир нарса бўлади, дейди Ибн Сино.

«Бу шундайки,— деб ёзади олим,— маълум бир ишлар кишига кўрилмасидан, улар ҳақида бирор фикр юритилмасидан ва уни танланилмасидан туриб, бу ишлар унга хуш келади, баъзиларидан эса киши ўзини тияди».

Ибн Сино шеърга баҳо бераркан энг аввало, унинг таъсир кучига тўхтади: Бир сўз билан айтганда, дейди у, бундай нарсадан одам безовталанади, лекин бу безовталиқ онгли равишда бўлмай, балки нафсоний-руҳий таъсирланганлик натижасида бўлади. Бунда унга ўша айтилган сўзлар тўғрими ё нотўғрими — буни фарқи бўлмайди.

Ибн Сино таъбирча шеърни шеър қилган нарса ташбеҳ — ўхшатишдир. Шу ҳолат булсагина шеър ўз вазифасини ўтай олади.

Кўпинча, дейди олим, шеър ўз таъсир кучини кўрсатиб, кишини безовта қилолса ҳам, лекин у бу иши билан одамда ишонч пайдо қилолмайди. Баъзида шеърда айтилган гапнинг ёлғондан иборатлиги очик-ойдин кўриниб туради. Лекин шуниси ҳам борки ёлғон бўлса ҳам, тақлид — ташбеҳдан нафс ҳаракатга келади.

«Шеър,— деб ёзади Ибн Сино,— одамларни таажжубга солиш учунгина айтилиши мумкин, яна шуниси ҳам борки, шеър ижтимоий бурч мақсадлари учун ёзилади.

Юнон шеърлари ҳам худди шу мақсадларни рўёбга чиқарган. Хитоба-риторика билан шеър шу мақсадларни амалга ошириш учун қатнашади. Лекин шуниси ҳам борки, хитоба-риторика тасдиқни ишлатади, шеър эса образли фикр қилишни ишлатади».

Бу ерда Ибн Сино шеърятдаги бадийликка алоҳида ургу бермоқда. Шу билан бирга олим шеърятда одамни ўзига тортадиган, баъзан уни ҳайратда қолдирадиган томонлар бўлишини, шеър эшитган одам унда айтимлоқчи бўлинган фикрга мойил бўлиб қолишини айтади.

Ибн Сино фикрича, бунда шоирнинг ўзига хос хийла — усул ишлатгани катта аҳамият касб этади. У шеърятдаги ўхшатиш, фикрни образлар орқали ифодалашга катта эътибор беради. Буни у шеър маъноларини безатадиган услуб, дейди. Бундай маънода бўладиган ажойблик шеърда ўша тақлид билан юзага чиқади.

Тақлид эса хаёл суриш, яъни фикрни образли қилиб ифодалаш билан содир бўлади. Ундан ташқари, Ибн Сино таъкидлашича, шеърятда кўпинча ё кишидаги ижобий томонни (муаллиф ибораси билан айтсак, таҳсинли томонни) ё бўлмаса салбий томонни (қабихлик томонни) кўрсатишга ҳаракат қилинади. Чунки, дейди Ибн Сино, бир нарсага тақлид қилинганда уни ё яхши томони васф этилади, ё унинг қабихлиги кўрсатилади.

Олим кўрсатишича, юнон шеърятда феъл-атворга қараб тақлид ишлатишни кўзлаганлар. Араблар эса, дейди у, икки вазҳдан шеър орқали одамлар руҳига таъсир этмоқчи бўлганлар, гўё шеър эшитиш орқали одамларга маълум бир эмоционал таъсир кўрсатилган. Иккинчиси билан эса одамларни таажжубга солмоқчи бўлганлар.

Юнонлар бўлса шеър воситаси билан одамлар феъл-атворига таъсир этишни мақсад қилиб олганлар, ё бўлмаса у шеърый асар ёрдами билан одамларни ўша кўзлаган — назарда тутилган мақсаддаги феъл-атвордан тийишмоқчи бўлишган.

Ибн Сино бу ерда юнонлар одамларни бу хил феъл-атвордан қайтариш учун баъзида риторикани, баъзида поэтикани ишлатганини уқтиради. Ибн Сино мана шу мулоҳазалардан кейин юнон адабиётидаги жанрларга тўхтади.

Юнонлар, дейди Ибн Сино, ўзларида пайдо бўлган муайян истак, орзуларини шеър билан ифодалашга интилганлар. Улар ҳар бир жанрга маълум бир вазн белгилаб, унда ўша мақсадни акс эттирганлар. Ана шундай вазнлардан бири трагедия ҳисобланади. Унинг гўзал ва ёқимли вазни бор, у ўзида барча яхши инсоний фазилатларни қамраб олган бўлиб, бу жанрда ана шу фазилатлар куйланади. Шу тариқа Ибн Сино бу бобда юнон адабиётда мавжуд бўлган шеърый навларга, уларнинг жанрларига тўхталиб ўтади.

Ибн Сино «Шеър санъати»нинг иккинчи боби шеърдаги мақсад — мавзулар ва тақлид — ўхшатишларга бағишланган.

«Арабларда,— дейди олим,— худди диёрини эслаш, севгили ёрини куйлаш, чўлу биёбонларнинг васфини битиш ва шунга ўхшаш нарсаларни куйлаш одатга айлангани сингари юнонларда ҳам шеърларни рўёбга чиқаришга ҳар бир навга тегишли махсус одатлари бўлган».

Ибн Сино фикрича, шеър, асосан, тақлидий фикр натижасидир. У уч хил йул билан юзага келади. Буларнинг биринчисига Ибн Сино лаҳн — гармонияни қўяди, ундан кейин калом-сўз келади. Бунда, албатта, образли қилиб айтилган сўз назарда тutilади. Шеърни юзага келтирадиган учинчи сабаб вазн ҳисобланади. Мана шу учта ҳолатнинг бир-бирига мос келиши натижасида шеър яратилади. Бусиз кўнгилдагидек шеър пайдо бўлмайди. Чунончи образли гаплар бўлиши мумкин, дейди Ибн Сино, лекин бу вазнсиз насрий сўзлар йиғиндиси бўлади, холос. Шу билан бирга бесўз қуруқ вазннинг ўзи ҳам маъ-

носиз бир нарсани вужудга келтиради. Шеърда образли фикр билан вазн уйғунлашиши керак.

Ибн Синонинг кўрсатишича, қадимда бир қанча файласуфлар, чунончи Сукрот, вазли сўзлар тизмасини тузганлар. Бу файласуфлар ўн тўрт ва ўн олти (триамер, тетрамер) вазли асарлар ёзганлар. «Бундайлар,— деб таъкидлайди Ибн Сино,— ҳеч маҳал шеър бўлолмайди, балки шеърға ўхшаш тизма сўзлар бўлиши мумкин».

Олимнинг фикрича Эмпедокл ўзининг физикага оид китобини вазнларга солиб ёзган. Лекин асар вазнга солинган сўзлар йиғиндисига ўхшаб қолган. Чунки унда шеърйи аломат сезилмайди. Шунинг учун ҳам Ибн Сино Эмпедокл билан Гомер ўртасида фақат вазнда ўхшашлик бор деган хулосага келади.

Ибн Сино шеърятни пайдо бўлиши ҳақида фикр юритганда Аристотель хулосаларига суянади.

Ибн Сино фикрича, шеърнинг пайдо бўлишига инсондаги тақлид, ташбеҳлар катта сабабчи бўлади, чунки бу ташбеҳлардан инсон лаззатланади. Олимнинг таъкидлашича тақлид бобида инсон тирик зотлардан энг kuchлиси саналади. Инсондаги бу хусусият эса анча фойдалидир.

Ибн Сино фикрича бу билан инсон бирор ўхшатиш воситасида маълум бир маънога ишора қилади. Бу ишоралар инсон фаолиятида таълим-тарбия ролини ўйнайди. Бундай тақлид ва ташбеҳлар воситасида инсон руҳан енгил тортиб, хушнуд бўлади. «Бунга сабаб,— дейди Ибн Сино,— тақлид ишлатилганида одамларнинг хурсанд бўлишидир. Чунки одамлар жирканч ва ифлос ҳайвонлар чизилган сувратларни кўрганида уни ўйлаб фикр юритиб, бу манзарадан хурсанд бўладилар. Агарда ўша сувратларни кўраётган одамлар ҳайвонларнинг асли ўзини кўришганидами, улардан жирканиб юз ўгирган бўлардилар. Бунда, хурсанд қиладиган нарса ўша чизилган сувратнинг ўзи ҳам эмас, чизилганлиги ҳам эмас, балки бошқа нарсаларга жуда усталик билан тақлид қилиниши сабаблидир».

Ундан ташқари, шеър яратилиши учун Ибн Сино фикрича, одамлар табиатида композиция ва куй ижод қилишга муҳаббат борлиги ҳам сабаб бўлади. Худди шу куйга муносиб вазн топиш учун изланилади. Инсон руҳидаги бундай ҳолатларга мойиллик ижод қилишга ундайди.

Шу тариқа, ҳам тақлид қилиш, ҳам ёшлигидан киши фаолиятини унга бўлган майли натижасида шеър яратилади. Олимнинг қайд қилишича, шеър яратиш истаги киши табиатида аста-секин сингиб, намоён бўлади.

«Аммо,— дейди давом этиб Ибн Сино,— шеър кўпроқ табиатан шоир бўлганларда қўққисдан ва табиий равишда яратилади. Шунда уларнинг ҳар бирида бўл-

ган табиий сезги ва иқтидорига кўра, ўз хулқи ва одатига асосан шеър яратиш хусусияти пайдо бўлади.

Шунда қайси шоир ифбатли ва покиза бўлса, улар яхши хулқ-атвор ва шунга ўхшаш фазилатлари билан тақлидга майл этганлар. Бордию шоирлар табиати паст, тубан хусусиятлардан бўлган бўлса, улар ҳажвга майл этганлар, шу тариқа улар ёлгонларни ҳажв қилишга ўтганлар».

Бу ерда Ибн Сино Аристотелнинг фикрини қайтаради. Бу фикр бир томонлама эканлиги кўриниб турибди. Чунки яхши шеърни ёзган шоир яхшию, ҳажв сатира ёзган шоир ўз объектига ўхшаш табиати ҳам паст, тубан, деган хулосага келиш нотўғри. Бу фикрнинг асосизлигини адабиётлар тарихида худди шу хусусда асарлар ижод этган қаламқашларнинг асарлари ва бугунги кунда бу борада яратилаётган намуналар тасдиқланди. Ибн Сино Аристотелнинг «Поэтика»сида баён этилган қуйидаги фикрга асосланиб, шундай нотўғри хулосага келган.

«Шоирнинг шахсий хусусиятларига кўра, шеърят ҳар хил қисмга бўлиниб кетди: шоирларнинг ўта мулойим — жиддийлари инсондаги ажойиб фазилатларни куйладилар, бунда улар ўзларига ўхшаган одамларни қаламга олдилар, уларга нисбатан анча енгил табиат бўлган одамлар эса нобакор, паст кишилар феъл-атворларини тасвирлаганлар, аввалгилари гимн ва мактовга сазовор бўлган қўшиқлар тўқиган бўлсалар, булар бўлса ўша нобакор, паст одамлар устидан истеҳзо билан кулинадиган қўшиқлар тўқиганлар». (Аристотель. Поэтика, М., 1957 г. стр. 49—50).

Ибн Сино асарининг кейинги саҳифаларида юнон адабиёти борасида Аристотель тўхтаган масалаларга бирма-бир муносабат билдириб ўтади. У бунда юнон адабиёти жанрларига ва уларнинг тарихий даврларда кечирган ўзгаришларига тўхтади.

Олим асарининг тўртинчи бобидан тортиб то охириги — саккизинчи бобигача трагедия хусусида фикр юритади. Бу жанрнинг ўзига хос хусусияти, қурилмаси, унинг мавзуси борасидаги мулоҳазаларини баён этади.

Умуман олганда Ибн Синонинг бу китоби Аристотелнинг «Поэтика»си асосида яратилган ажойиб асар бўлиб, ўз даври адабиётшунослигининг муҳим масалаларини қамраб олганлиги билан қимматлидир.

Ибн Сино бу асари орқали, аввало, қадимги юнон адабиётини тарғиб қилган ва шу муносабат билан ўзида туғилган фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташлаган.

Шу билан бирга бу асар олим яшаган давр адабиёти, адабиётшунослиги ҳақида қимматли маъна эканлиги билан ҳам катта аҳамият касб этади.

Абдусодиқ ИРИСОВ,
филология фанлари кандидати



ТАНҚИД
ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК

ДИЛШОДНИНГ «ТАРИХИ МУҲОЖИРОН» АСАРИ ҲАҚИДА

XIX асрда Ҳратепада туғилиб, Қўқонда яшаб ижод этган маърифатпарвар шоира Дилшод (Барно) ҳаётбахш ғазал ва мурабба, мухаммас ва маснавийлар муаллифигина бўлиб қолмай, ўз навбатида «Тарихи муҳожирон» автобиографик асарининг ҳам соҳибидир. Ўзбек ва тожик тилларида ёзилган бу асар адабанинг ҳикоянавислик соҳасидаги иқтидорини намойиш қилиш билан бирга, XIX аср ўзбек ва тожик халқлари ижтимоий, сиёсий ва адабий ҳаётининг айрим воқеаларини объектив баҳолашни билан ҳам характерлидир.

«Тарихи муҳожирон»ни тарих ва тақдир шажараси деб аташ мумкин. Чунки бу асар ўша даврда яратилган кўпгина тазкира ва тарих китобларидан фарқли равишда бевосита шоиранинг ўз кўзи билан кўрган ва бошидан кечирган воқеаларни баддий ифода этади. Асарда ўзбек ва тожик халқларининг ҳаёти XIX аср давомида рўй берган воқеалар халқ тақдирига бўлган оптимистик қараш кўтаринки руҳ билан аниқ ва изчил ёритилади.

«Тарихи муҳожирон» асарининг ўзбекча ва тожикча нусхалари мавжуд. Текширишлар ҳар икки нусха ҳам Дилшод қаламига мансуб эканлигини тасдиқлайди.

«Тарихи муҳожирон»нинг тожик тилидаги нусхаси биринчи мартаба тожик олими А. Мухторовнинг Дилшод дунёқарашига оид асарига илова қилинган тексти орқали таништирилган эди¹. Асарнинг ўзбекча нус-

хаси эса, шоиранинг Ўзбекистонда топилган «Сабот ул башар» маа «Тарихи муҳожирон» деб номланган қўлёзмасидан маълум¹.

Характерли томони шундаки, ҳар икки тилда ёзилган «Тарихи муҳожирон» мундарижа ва характер жиҳатидан бир-бирига яқин бўлиб, шоиранинг девон кўринишига яқин бўлган лирик мероси жамланган саҳифаларнинг ҳошиясига ёзилган. Уларни муқоясали ўрганиш мазкур асар текстидаги бир-бирига яқин, бир мазмунга эга бўлган саҳифалар билан бир қаторда воқеалар тизмасида айрим фарқларнинг ҳам борлигини кўрсатади. Яъни ҳар икки тилдаги нусха бири иккинчисининг кам-кўстиги тўлғазиб яхлитлик касб этади.

«Тарихи муҳожирон» асари автобиографик характерда бўлса ҳам унда замонанинг сиёсий воқеалари — хонлар ўртасидаги истилочилик юришлари, қирғин, вайронликлар реал ифодасини топган. Асар ана шу «воқеаларни ёшлик кўзлари билан кўриб... мушоҳада қилган жонли гувоҳ» тилидан ҳикоя қилинади. Унда тарихий воқеаларни реал тасвирлаш, образлар воситасида гавдалантириш кучлидир. Дилшод кўз ўнгида рўй берган ҳодисаларни бўрт-тирмай, бўймай баён этишга зришади. Натияжада у тарихий лаҳзаларни моҳият жиҳатидан тўғри талқин қила боради.

¹ Дилшод «Сабот ул башар» маа «Тарихи муҳожирон». Ўзбекистон Фанлар академияси Бёруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инв. № 1207; М. Қодирова, Дилшод (Ҳаёти ва ижоди), Тошкент, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1971; Дилшод. Танланган асарлар, Тошкент, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

¹ А. Мухторов. Дилшод и её место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX — начала XX вв., Душанбе, Изд-во «Дониш», 1969, стр. 191—204; Дилшоди Барно ва мероси адабий ӯ, Душанбе, нашриёти «Ирфон», 1970, саҳ. 35—50.

Асар асосан Қўқон хони Умархоннинг Уратепа устига юриши ва шу истилочиликнинг хунук оқибатларини ҳикоя қилиш асосига қурилган. Лекин асарда воқеалар доираси фақат муҳориба тарихи билангина чекланиб қолмайди. Дилшод хоннинг Уратепа устига қилган даҳшатли уруши ва кейинча зўрлик билан Қўқонга ҳайдаб олиб келинган Уратепа халқининг «Анджоннинг сув келар томонидаги Уттиз Адир» «мавзеига итوب қилиниши» воқеаларидан кейин ўзининг Қўқонда кечирган ҳаётини ҳам кенг ёритади. «Тарихи муҳожирон»да шоирнинг Қўқондаги ҳаёти тор шахсий маълумот доирасида қолмай, балки ўша даврдаги ижтимоий, маданий ҳаёт фониди қаламга олинади. «Тарихи муҳожирон»ни шоира ҳаётининг икки босқичи, биринчидан унинг уруш-талашлар оқибатида келиб чиққан сарсонлик-саргардонлик йиллари, иккинчидан Қўқонда турғун бўлиб қолган даврининг йилномаси деб айтиш мумкин.

Асардан шу нәрса англашиладики, тўрт девор ичида яшашга маҳкум этилган шоира ҳамisha эрк умидида бўлади, инсон ҳаётини безовчи нурга интилади. У эллик бир йил мактабдорлик қилиб кўплаб қизларни саводли қилиб чиқаради. Анбар отин каби талантларни пайқаб, уларнинг тарбиясига эътибор билан қарайди, камолотига умид боғлайди.

Дилшод тарихий лавҳаларни ҳикоя этар экан, ижодкор сифатида воқеаларни бири-бири билан муқояса қилади. Урта Осиёнинг Россияга қўшиб олинishi муносабати билан юзага келган янгиликларга катта эътиқод билан қараган шоира «бузғунчи нафс овораси» бўлмиш ўтмиш ҳокимларнинг зулмини қоралайди. «Оташ ароба»да юрти Уратепага икки мартаба боришга муяссар бўлган Дилшод «сафар асносида, қамал бўлган кунларимда Уратепа асирлари итоб бўлиб, узоқ йўлнинг даҳшатли азобида, чўд биёбонларда, пойи-пиёда ҳайдалиб юрганларим, жанг майдонидаги шўру-ғулгулалар, осиб ўлдиришлар ойнаи жаҳоннамодек бирма-бир кўзим олдидан ўтар эди» деб ёзади.

«Тарихи муҳожирон»да Қўқон ва Уратепанинг XIX аср адабий ҳаёти ҳақида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд. Дилшод ўз даври адабий ҳаётининг иштирокчиси сифатида бадий ижод билан шуғулланган жуда кўп шоир ва шоираларнинг номларини қаламга олади. Масалан, асарнинг тожик тилидаги нусхасида Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Фидоия, Баҳринисо, Ҳафиза

отин, Маҳин бону, Тўти қиз, Анбар отин каби шоирларни тилга олса, ўзбекча нусхасида Мазлума, Хайринисо, Умида каби талантларни эслайди. Уратепалик Саида бону, Кароматой, Мастураой, Фазилатбону каби шоираларнинг ҳам яшаганини қайд этади. Афсуски бу шоираларнинг кўпларининг ижодлари ҳали бизга маълум эмас.

Дилшод ижодининг ғоявий-бадий йўналишини ўрганиш шоирани прогрессив-демократик адабиётнинг вакилларида бири деб айтишга асос беради. У замондош шоира, олим, фузалоларнинг ижодий фаолиятини асосан объектив баҳолайди.

Шоира асарнинг ўзбек тилидаги нусхасининг охириги сатрларида келажакда, албатта, яхши замонлар бўлиши муқаррарлиги ҳақида фикр юритади. Бу эса унинг оптимистик дунёқарашидан далолат беради.

«Камина ва замон аҳли ул орзуйимда бўлгон замонларни кўролмас. Аммо албатта авлод ва ўрта замона аҳли ул замонга мушарраф ўлурлар. «Кемадагилар жони бир» деган мақол рост. Ушбу замонда нез ул келгуси замонга бормоқ сафарига чиқиб, бепоён баҳри уммон кема си ичра сафарда кетаётгон норасида ёш ҳамфикр замондош улфатларим беҳад кўпдир...»

Дилшод ўзининг бу асарини ёшлиқдан бошлаб узоқ кузатишлари асосида яратди. Унда шоирнинг ўз ҳаёт йўли ҳақида «то саксон саккиз ёшгача ойнаксиз хат кўриб, чок тикар эрдим» деб ёзганидан асарни XIX асрнинг охири, яъни 90-йиллар орасида яратилганлигини тахмин қилиш мумкин.

Биз, XIX асрнинг охириларида кўчирилган, юқорида қайд этилган ҳар икки нусхага таянч манба сифатида қараймиз. Тўғри қўлёзма баъзи камчилик ва нуқсонлардан холи эмас. Унда тугалланмай қолган жумлалар учрайди. Асарнинг бошланғич ва охириги саҳифалари йўқолганлиги туфайли унинг муқаддимаси ва умумий ҳажми бизга маълум эмас. Шунга қарамай асарнинг воқеалар қамровида ва ҳодисалар баёнида маълум бир эҳлитлик сезилади. «Тарихи муҳожирон» қаламга олган даври Уратепа ва Қўқонда юз берган воқеалар хусусида, Дилшоднинг ўз ҳаёти ва унинг атрофидаги кишилар борасида тўлароқ маълумот беради. Асарнинг қиммати ҳам шундадир.

Маҳбуба ҚОДИРОВА,
филология фаълари доктори





ҚАНОТЛИ ҚЎШИҚЛАР

Ўзбек совет болалар адабиёти тарихида кичкинтойларнинг сеvimли шоири ва драматурги Пўлат Мўминнинг ҳам ўз ўрни бор. У кўп йиллардан бери қалам тебратиб, талабчан китобхонларни мамнун этиб келади. Шоирнинг қатор тўпламларидан ўрин олган асарлари ғоявий чуқурлиги, бадий юксаклиги билан ажралиб туради. Шоир қувноқ замонамизнинг бахтиёр ёшлари ҳаётини, орзу-умид ва интилишларини жонли лавҳаларда гавдалантиради. У Ватанимизнинг гўзал табиятини, кичкинтой замондошларимизнинг маънавий дунёси, ҳис-ҳаяжонларини ишонarli ва таъсирли ифодалайди. Шоир бугунги бахтиёр ҳаётимизнинг гўзаллигини болалар ҳаёти, дунёси орқали тасвирлаб беради. Унинг катта эҳтирос билан ёзилган меҳнат, касб-ҳунар ҳақидаги шеърлари «...болаларни меҳнатни ҳурмат қилиш ва барча кишиларнинг бахт-саодати йўлида меҳнат қила билишга ўргатиш»да жамиятнинг ҳар жиҳатдан етук кишилари бўлиб етишувда муҳим тарбиявий роль ўйнамоқда.

Пўлат Мўмин ижоди мазмун ва жанр, услуб жиҳатидан ранг-баранг. У катталар учун ҳам, болалар учун ҳам бирдек ижод қилади. Айниқса у яратган қўшиқлар ҳаммага манзур бўлиб келмоқда. Шоирнинг катталарга бағишланган қўшиқларида она-Ватан меҳри, юрт гўзаллиги, меҳнат, ўзаро иззат-икром, севги ва муҳаббатга садоқат туйғулари кўтаринки руҳ, миннатдорлик ҳислари билан ифодаланади.

Шоирнинг ҳам катталарга, ҳам кичикларга қўшиқ ёзишининг боиси нима? Бу саволга шоир «Лирика» китобининг сўзбошисида шундай жавоб беради: «Менинг кичик китобхоним улғайиб, севги ёшига етганда ҳам, улар билан бирга бўлгим келади». Кўринадики, шоир болаларни ёшлиқдан бошлаб ҳис-туйғусини, завқини, тафаккурини бойитиб, парваришлаб боришни кўзда тутди.

Пўлат Мўмин айрим болалар шоирлари каби қўшиқ жанрига «қўли текканда»гина қўл урмай, балки кундалик ижодий иш, домий ижодий меҳнат сифатида қараб келади. Болаларнинг «чегарасиз катта» дунёси, онги, тушунчаси, ҳис-туйғуси, қарши шеърда маълум қонуи-қоидаларга риоя этишни талаб этади. Айни чоғда бир шеър, айниқса қўшиқ ўзига хос мусиқий оҳангдорликка, ритмик мувозанатга эга

бўлиши лозим. Бу ҳол болаларнинг шеърни тез ёдлашига, тез ва тўғри айтишига, осон тушуниб, «ҳазм» этишига имконият яратади. «Шоирнинг кичкинтойлар учун ёзган ҳар бир ашуласи ўзгариб турувчи ўйноқи оҳанги, қувноқ кулгуси, ритми, сўзларнинг тежаб ишлатилиши, турли хил шакллардан унумли фойдаланиши билан ажралиб туради» (П. Шермухамедов). Шу боисдан ҳам Пўлат Мўмин қўшиқлари муваффақиятли чиққан. Яхши, сермазмун қўшиқ болаларни зарarli иллатлардан омон саклайди, уларда олижаноблик, инсонпарварлик, коллективизм, дўстлик, гўзаллик, меҳнатсеварлик хислатлари камол топишига ёрдам беради. Энг муҳими, бола кайфиятини яхшилаб, унинг ақлий жиҳатдан ривожланишига, жамият ва оиланинг, коллективнинг фойдали бир аъзоси бўлиб шаклланишига йўл кўрсатади. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуратимиз бадий ижоднинг бу соҳасига алоҳида эътибор бериб келади. Ана шу мақсадда 1975 йилда Ўзбекистон Компартиясининг «Республикада қўшиқ санъатининг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари» тўғрисидаги қарори партиявий ғамхўрликнинг, катта эътиборнинг ёрқин зуҳури бўлди. Мазкур қарор кўпгина қўшиқчи шоирлар қатори Пўлат Мўминни ҳам янги-янги парвозларга илҳомлантирди. Пўлат Мўмин қўшиқларидаги ўзига хослик майин, шўх, баъзан кулги уйғота оладиган юмор мавжудлигида кўринади. Жумладан, «Салимжон — нимжон», «Икки қўйманг, ўқитувчим», «Уч баҳо, пуч баҳо» каби қўшиқларида шу ҳол кўзга ташланади. Шоир «Салимжон — нимжон» шеърини ҳазил қўшиқ дейди. Бу бежиз эмас. Негаки, характерида камчиликлари бор болаларни кўпроқ сатира ёки юмор орқали «тарбиялаш» яхши самара беради. Пўлат Мўминнинг кўпгина юмористик шеърлари қатори ҳазил-мутойиба характеридаги қўшиқлари ҳам шу мақсадни амалга оширишга хизмат этади. Унинг «Салимжон — нимжон» қўшиғи пайдо бўлганда, айниқса Салимжон исмли болаларнинг авзоий бузилгани маълум. Ҳатто уларнинг айримлари шоирга хат ёзиб, ўзларининг буюрқон эканликларини таъкидлаганлар. Шоир Салимжонни танқиддан кейин тузалганини «Салимжон энди полвон» деган янги шеърда кўрсатади.

Муаллиф биринчи қўшиқда Салимжон-

га ўхшаш дангаса, ишёқмасларни, китоб деганда ухлаб, офтоб деганда салқинни чоғловчи болаларни танқид қилиб, ҳазил аралаш уларни тарбиялашга даъват этса, кейинги шеърда:

Дўстларини таниган,
Губор кетган танидан,
Визнинг ўша Салимжон
Танқидларни тан олган,
Салимжон — ўғлон,
Салимжон — полвон, —

бўлганлигини қайд этади.

Бу икки қўшиқ жуда кўп болалар давраларида, радио-телевидениеда, сбор ва кечаларда бот-бот янгради, энг муҳими, болаларга сезиларли тарбиявий таъсир ўтказди.

Шоирнинг «— Хурсандмисиз?— Хурсандмиз!» лапарида эса, «А» ва «Б» синфларнинг ўзаро бир-бирини текшириши саволжавоб тарзида ҳал этилади. Оқибатда ана шу коллективлардаги камчиликлар ўзаро алоқа ва ҳамкорликда барҳам топганлиги намоён бўлади. Шоир масалани коллектив фаолиятида, коллектив воситасида ҳал этишга интилади. Одатда бундай хор бўлиб, коллектив ижро этадиган қўшиқлар бир-икки шахсни тарбиялашдан кўра каттароқ вазифани ўтайди. Бундай ўринларда шоир халқ оғзаки ижоди усулидан усталик билан фойдаланади. Бу ҳол болаларнинг қўшиққа бўлган ҳурматини янада оширади. Шоирнинг ўзига хослиги ҳам ана шу халқ услуби, шаклига янги маъно, янги мазмун бера олганлигидадир. Унинг «Кулча нон — гулча нон» шеърда бу нарса яққол кўринади. Масалан, халқ қўшиғида:

Ўтин тердим бир қучоқ,
Кулча ёпди бир ўчоқ
Ўғлига берди ёғлиқ кулча
Менга берди куюк кулча, —

дейилган бўлса, шоир:

Ойим ёпдилар кулча,
Е дедилар тўйгунча,
Кулчам ўхшар гулчага,
Юзим ўхшар кулчага, —

тарзида ифодалайди.

Лекин Пўлат Мўмин халқ қўшиғини айнан такрорламасдан, уни тўлдиришга, бойитишга ҳаракат қилади. Шеърга янги маъно ва мазмун беради.

Пўлат Мўминнинг кўп қўшиқлари ижтимоий салмоқдорлиги, болалар «фалсафаси» доирасида яратилгани, кенг қўламлиги билан ҳам эътиборни тортади. Шоирнинг «Пахта экиб донг таратган, меҳнат билан боғ яратган» деб бошланувчи қўшиғи шундай асарлар сирасига киради. Мазкур шеърни ёддан билмаган, йиғилиш ва тантаналарда мароқ билан эшитмаган ўқувчи кам. Шу хусусият унинг «Обод ўлкам» қўшиғига ҳам тааллуқлидир.

Пўлат Мўмин «Саёҳат — роҳат» шеърда болаларни саёҳатга чорлайди, шу баҳонада уларга она-Ватаннинг гўзаллиги, бойлиги, поёнсизлигини тушунтиради. Шеърда жонажон ўлкамизнинг гўзаллигини бои-

си — совет кишиларининг бунёдкор меҳнати туфайли эканлиги завқ-шавқ билан куйланади.

Пўлат Мўмин қўшиқларида яна бир муҳим хусусият бор. Бу — шоир қўшиқларининг ўзаро тўла қофияланганлиги оҳангдор ва мазмундорлигидир. Болалар шеърлятида, айниқса, қўшиқчилигида уларнинг тилига, дилига хос сўзлардан қофия топиш осон иш эмас. Бу — санъаткорлик. Бола дунёга келгандан бошлаб она алласининг мусиқий, майин оҳангларидан лаззатланиб улғаяди, унда эстетик ҳиссиётлар аста-секин пайдо бўла бошлайди. Ана шу рўхда вояга етган болалардаги бу қўтулғу туйғу вақт ўтган сари ривожланиб, камол топа боради. Бундай улғу туйғулар болаларни катта улғу мақсадларга етаклайди. Буни чуқур ҳис қилган шоир шеърнинг барча элементи мукаммал бўлиши устида жиддий ишлайди.

Мазмунлари хилма-хил,
Ақлингга қўшган ақл,
Дўстимдир жуда аҳил,
Фан йўлида нур — офтоб,
Бу китобдир, бу — китоб!

Ушбу «Китоб — ҳаммабоп» шеърдан келтирилган сатрлардан кўриниб турибдики, муаллиф қўшиқни тўлиқ ва раво қофияларда яратиш орқали ўқувчини китоблар оламининг сир-асрорларини сезишга, ундан баҳра олишга ундаётир. Бугина эмас, у баъзан қўшиқ ичидаги ўзаро қофиядош сўзлар ёки ибораларни ҳатто асар сарлавҳасигача олиб чиқади.

Жумладан, шоирнинг «Ленин бобомлар — менинг бобомлар», «Кулча нон, гулча нон», «Жавдирайди — додидирайди» каби қўшиқларида шу хусусият етакчилик қилади. Шу асосда у асар ғоясини, қўшиқ хулосасини баъзан сарлавҳанинг ўзига «қўйиб» қўяди ва уни аста-секин бандлар узра тўлдириб, очиб боради. Кўринадики, шоир яхши, мазмундор, оҳангдор қўшиқлар яратиш учун, унинг шаклига, қофияси ва тилига ҳам алоҳида эътибор беради. Оқибатда кичиктойлар табиатига мос бир бутун ажойиб қўшиқ туғилади. У катта ёшдаги адиб тилидан эмас, болаларнинг ўз тилларида юзага келади. Бу ҳол ҳар бир қўшиққа табиийлик, соддалик, жонлилик бағишлайди, толмас қанот беради. Пўлат Мўмин қўшиқларининг оммавийлиги, ҳар бир ўқувчи қалбига тез етиб боришининг сирини ана шунда. Пўлат Мўминнинг қўшиқчи шоир сифатидаги маҳорати кўпчилик ёш, бошловчи қўшиқчи шоирларга маҳорат мактаби сифатида аҳамиятли бўлиб, уни ҳар томонлама ўрганиш жоиздир. Бу эса ўзбек ва болалар қўшиқчилиги тарихини тараққиёт тенденциялари ва истиқболлини бир бутун, яхлит ҳолда умумлаштиришга йўл очади. Чунки қўшиқ, болаларнинг маънавий оламини бойитишда, эстетик кайфият бахш этишда, рўҳини, ақлий кучини ўстиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Соҳиба ИРИСХУЖАЕВА,
филология фанлари кандидати.



«МЕН ҲАҚИҚАТНИ СЕВАРДИМ...»

СТЕНДАЛЬ. «Қизил ва қора». Роман. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти — 1979.

Одатдаги ташвишли кунларнинг бирида Стендаль газеталарни варақлаб ўтириб, галати бир хабарни ўқиб қолади: Гренобль шаҳар суди Антуан Берте исмли навниҳол йигитни ўлим жазосига лойиқ топибди. Газетанинг ёзишича, Антуан Берте оддий қишлоқ темирчисининг ўғли бўлган. Қишлоқ руҳонийси романтик табиатли бу йигитга ҳомийлик қилган. Ун тўққиз ёшга тўлар-тўлмас ақли, заковати ва ўткир зеҳни билан танилган Антуан бутун вилоятга донғи кетган Мишу де Латур хонадонига тарбиячи бўлиб ишга жойлашади. Орадан кўп вақт ўтмай серҳаяжон, хушқомат, соғлом, ҳар бир хатти-ҳаракатида қизғин йигитлик қони гупириб турган тарбиячи билан ўттиз олти ёшга қадам қўйган сулув де Латур хоним орасида ишқий дoston бошланади. Қизғин эҳтирослар билан тўлиб-тошган бу дoston шиддат билан авж олаётган бир пайтда тўсатдан узилиб қолади. Сир кўпчиликка ошқора бўлиб, тарбиячи ўзи севиб қолган хонадонни тарк этишга мажбур бўлади. Бир пайтлар ҳомийлик қилган руҳоний шогирди Антуаннинг айбини тезроқ ёпиб юбориш мақсадида шоша-пиша диний семинарияга жойлаб қўяди. Ноаниқ сабабларга кўра

семинария эшиклари ҳам йигит учун тақа-тақ ёпилиб қолади. У ўзига муносиб иш излаб, Кордон исмли бадавлат кишининг хонадонига тарбиячи бўлиб хизматга киради. Яна ҳаммаси бошидан такрорланади; бу сафар Кордон хонининг шўх, шаддо, ҳазилкаш, ишқий романлар таъсирида тарбия топган қизи билан севги дostonи бошланади. Йигит яна ишдан ҳайдалади. Шу-шу, кучини қаерга қўйишни билмай юрган ишқипараст йигитнинг омади юришмай қолади, ишсизлик жонига тегади, ҳаётдан безади. Бахтсиз бўлиб қолишининг сабабларини де Латур хонимдан деб билиб, яшанба куни черковда ибодат қилаётганида унга тўппончадан ўқ узади ва сўнгра ўзини ҳам ўлдирмақчи бўлади. Лекин йигитнинг нияти амалга ошмай қолади. Антуанни судга беришади. У судда ўзини мафрур тутиб, айбини яширмайди, жазо берилишини талаб қилади. Улими олдидан: «Мен ҳақиқатни севардим... Лекин қани у?.. Ҳаммаёқда фақат риёкорлик ёки энг камида, фирибгарлик, ҳатто энг диёнатли, энг улуғ одамлар ҳам бундан мустасно эмас»,— дея жон беради.

Шапалоқдек келадиган газета хабари, аиниқса, Антуан Бертенинг ўлим олдида энтикиб: «Мен ҳақиқатни севардим...» деган оташин сўзлари қирқ олти ёшга қадам қўйган Стендални қаттиқ ҳаяжонга сол-

ган. Езувчи газетани қўлдан қўймай, ҳадсиз-ҳисобсиз хаёллар оғушига кўмилади. Эҳтимол, шу пайт унинг хаёлида Наполеон армияси сафида Россияга кириб боргани, сўнгра аччиқ мағлубият, Италияга қилган саёҳатлари, шаҳар мэри бўлиш ҳақидаги орзу-умидлари, севги изтироблари, романтик туйғуларининг чил-чил синиши, ҳаётнинг шафқатсиз зарбалари гавдаланган бўлса ажаб эмас. Нима бўлганда ҳам газета хабари жаҳон адабиётининг нодир асарларидан бири бўлмиш «Қизил ва қора» романининг ёзилишига туртки бўлгани аниқ.

Дидли китобхон газета хабарига келтирилган фактлар билан роман воқеаларини бир-бирига солиштирсан, улар орасида бир нозик ўхшашлик бор эканини сезиб олиши мумкин. Бу шунчаки юзаки ўхшашлик. Аслида романнинг ёзилишига туртки бўлган жиноят хроникаси баркамол ижтимоий-психологик роман даражасига кўтарилган.

Стендалнинг «Қизил ва қора» асарини биринчи бор ўзбек тилига Ҳасан Тўрабеков таржима қилди. Стендаль сингари буюқ санъаткорнинг маънавий интилишларини, бадий бўёқларини ўзига хос тарзда ўзбек тилида гавдалантириш фақат истёвдогли адиб сўзларининг қадрини тушунадиган таржимоннинггина қўлидан келади. Роман таржимасини ўқиб, яна бир марта Жюльеннинг оташин

севгиси, де Реналь хонимнинг изтироблари, қаҳрамонлар нафас олаётган муҳит, француз қишлоқлари, шаҳарлари тасвири тиниқ берилганини, энг муҳими, асарнинг руҳи тўғри англаниганини ҳис этамиз. Назаримизда, роман анча мукамал таржима қилинган.

Таржимон Ҳасан Тўрабековнинг ажойиб фазилати бор. У бирон асарни ўзбек тилига ўғирмоқчи бўлса, узоқ йиллар тайёргарлик кўради. Адибнинг ҳаёти ва ижодий йўли билан танишади. Адиб мансуб бўлган халқнинг тарихини ўрганади. Ниҳоят таржима қилинаётган асарнинг руҳига кириб олгач, иш бошлайди. Ҳасан Тўрабеков «Қизил ва қора» романи таржимаси устида беш йилга яқин ишлади. Айрим саҳналарини неча марта лаб қайта таржима қилгани ва қониқмаганининг гувоҳи бўлганмиз.

Жюльен тўппончадан икки марта ўқ узиб, де Реналь хоним ҳаётига қасд қилишда айбланиб, қамалади. Шунга қарамай, де Реналь хоним сал-пал ўзига келиб олгач, севгилисини излаб қамоқхонага келади. Жюльени кўргач, «ҳатто менга тўппончадан икки марта ўқ узганидан кейин ҳам сени севаман», деб ўборганини билмай қолади.

«Стоит мне только тебя увидеть всякое чувство долга, все у меня пропадает, все я — одна сплошная любовь к тебе, и даже, пожалуй, слово... «любовь» — это еще слишком слабо. У меня к тебе такое чувство, какое только разве к богу можно питать: тут все и благоговение, и любовь, и послушание... По правде сказать, я даже не знаю, что ты мне такое вешаешь... вот скажешь мне, что — бы я пырнула ножом тюремщика и я совершу это преступление и даже подумать не успею. Объясни мне это, пожалуйста — пояснее, пока я еще не ушла отсюда, мне хочется по настоящему понять, что такое происходит в моем сердце, потому что ведь через два месяца мы расстанемся... А впрочем, как знать, расстанемся ли

мы? — сказала она улыбувшись».

Таржимаси: «...Сени кўрган заҳотим, бутун бурчларимни унутаман-қўяман. Ҳамма нарса ғойиб бўлиб, бутун вужудим сенга нисбатан муҳаббатга айланади. Ҳатто, чамаси «муҳаббат» сўзи дилимдаги туйғуни тўла англата олмас ҳам керак. Сени шу қадар севаманки, менимча, фақат ҳудода нисбатан шундай туйғу ҳис этиш мумкин: бунда ҳаммаси бор, — сажда қилиш ҳам, севги ҳам, итоат ҳам. Очиғи айтсам, сенинг севгинг мени не куйларга солишини ҳатто ўзим ҳам тушунмайман... мана, агар қамоқхона назоратчисига пичоқ санчгин, десанг, мен дарҳол шу жиноятни қиламан, ҳатто ўйлаб ҳам ўтирмайман. Илтимос, бу ердан қиқиб кетмасимдан аввал шунини менга аниқроқ қилиб тушунтириб бер; дилимда нелар кечаётганини чинакамга тушуниб олмақчиман, зеро, икки ойдан сўнг биз видолашамиз... Дарвоқе, яна ким билсин, видолашармикимиз ҳали? — деди хоним жилмайиб».

Биз бу ерда сўзма-сўз таржима хусусида гапирётганимиз йўқ. Фақат Жюльен билан де Реналь хоним муомилаларидаги нозик нуқталар аниқ ҳис қилганлиги ва аниқ берилганлигини айтиб ўтмоқчимиз. Уйлаймизки, таржиманинг қиммати, ўзига яраша фазилат ва нуқсонлари яна махсус ўрганилар.

Адиб бу ўзига хос истеъдодли йигитнинг ҳаёт тўфонлари аро ижтимоий поғоналардан ҳатлаб бо- раётганини тасвирлар экан, уни жамиятдаги ўзи мансуб бўлган табақадан бошқа, алоҳида нуфузга эга зотлар орасига тушишини, сиртидан улуғвор кўринувчи бу жамиятнинг аслида қандай кимсалар эканлигини, уларнинг ҳаёти, ижтимоий фаолиятлари нима- лардан иборатлигини ишонарли воқеаларни чиқиш орқали ўқувчининг диққатига ҳавола қила боради. Шу тариқа Жюльен тушиб қолган де Реналлар хона- дони, улэр орқали шаҳар-

нинг ҳоким синфлари вакилларининг қиёфалари гавдаланади. Айниқса, Жюльен кекса кюренинг тавсияси билан жойлашган семинариядаги муҳит, дин пешволари ҳисобланган олий зотларнинг чиркин қилмишлари, уларнинг ғийбату фитналардан иборат турмуш тарзи ажойиб бўёқларда чизиб берилган. Семинария раҳбарларидан бири бўлғуси дин ҳомий- ларига панду насиҳат сифатида шундай дейди:

«— Станьте достойными папской милости святошью жизни вашей, послушаем вашим, будьте жезлом меж дланей его, — добавил он, — и вы получите превосходное место, где будете сами себе голова, никто вам указывать не будет, бесшменное место, на котором жалованье, оплачиваемое вам правительством, будет составлять одну треть, а две трети будет приносить вам ваша папства, послушная вашим наставлениям». Уларини оллонинг ердаги ноиблари деб кўрсатувчи бу кишиларнинг асл фалсафаси ана шунақа таъмагрилигу пулга ўчликдан иборат. Ғоятда ўзига хос бу жумлани таржимон шундай ўғиради: «— Худс йўлига ҳаётингизни бағишлаб, риёзат чексангиз, папанинг табаррук илтифоти- га мушарраф бўлғусиз, сиз унинг қўлига асо бўлинг, — дея қўшимча қилди у, ана шунда сиз бировнинг буйруғига бўйсунмайдиган ва ўзингизга ўзингиз бошлиқ бўладиган ажойиб ва сердаромад жойга эга бўласиз, бу жой сизга умрбод бериладурким, у ерда маошиниг учдан бирини ҳукуматдан олсангиз, қолган учдан иккисини сизнинг панд-насиҳатларингизга итоат этгувчи қавмингиз келтириб беради». Таржимон Ҳасан Тўрабеков дин пешвосининг бу гапларини таржима қиларкан, у қаҳрамон руҳини, муаллиф ниятини тўлароқ акс эттира оладиган сўзлар, иборалар топади, уларни муваффақи- ятли қўллайди. Яна шу тахлит бир жумла: «И священник уж там, безусловно,

первое лицо; никакой пир без него не обходится и почет ему отовсех, ну и все такое». Бу жумла мана шундай таржима қилинади: «У ерда руҳонийнинг олдига тушадиган одам бўлмайди, биронта тўй-хашам усиз ўтмайди, аллада азиз, тўрвада майиз бўлиб юради у: хуллас, хурматини жойига қўйишади». Бу ўринда, айниқса, биз таъкидлаб кўрсатган иборанинг ишлатилиши мақсадга мувофиқ бўлган. Шунингдек, романдаги (асар ўзбек тилига рус тили орқали таржима қилингани сабабли, биз таржиманинг русчадан ўзбек тилига ўғирлиши очаласини назарда тутяпмиз) қатор мураккаб стилистик жумлалар, психологик ҳолатлар тасвири акс эттирилган саҳифалар ҳам муваффақиятли тарзда ағдарилган. Романдаги: «— Вы смотрели на маркиза, как смотрят на картину: я не большой знаток по части того, что у этих людей называют вежливостью, скоро вы будете знать все это лучше меня, — но все-таки должен сказать, что вольность вашего взгляда показалось мне не очень учтивой», — жумласи ана шундай рус тилининг мураккаб стилистик жумлалари хилидан-дир. Таржимон уни шундай ўгиради: — «Сиз маркиза худди суратни томоша қилгандек қарадингиз, бу одамлар назокат деб атайдиган нарса ҳусусида ўзимни жуда билимдон деб ҳисобламайман, тез орада сиз буларнинг барини менадан яхшироқ билиб олгайсиз, лекин ҳар қалай шуни айтмоғим керакки, сизнинг унга тақаллуфсизлик билан тикилишингиз менга назокатдан анча йироқроқ туюлди». Бу ўринда таржимон жумладаги мазмунга шикаст етказмаган ҳолда ўзбек тилида ҳам ажойиб, тушунарли жумла тузади.

Роман таржимасида бундай устакорлик билан ўғирилган саҳифаларнинг кўпчилиги Ҳасан Тўрабековнинг таржима устида кунт билан меҳнат қилганидан, Стендаль ҳаётини, ижодини

жуда яхши ўрганганлигидан далолат беради.

Шунингдек, роман таржимасида баъзи камчиликлар, сўзма-сўз таржима оқибатида юзага келган айрим ғализ жумлалар ҳам учирайди.

Асарнинг илк саҳифаларида бундай сўзларни ўқиймиз: «Қуйидаги саҳифалар 1827 йили ёзилган, дея тахмин қилишга барча асослар бор». Стендаль ижодини кенг тадқиқ қилган Б. Реизов ноширнинг фикрига қўшилмай, бундай дейди: «Бу ҳақиқатга мос келмайди. Романга бевосита манба бўлган Берте устидан бўлган суд мажлиси 1827 йилнинг декабрида ўтган, айбдор 1829 йилнинг 23 февралда қатл этилган. Бундан ташқари романда 1829 йил, 1830 йилнинг биринчи ярми, Июль революцияси арафасидаги воқеалар куп марта тилга олинади». Б. Реизов «Қизил ва қора» романи 1829 йил март ойида ёзила бошлаганини аниқлайди.

Ёзувчининг ўзи роман сарлавҳаси остига, «XIX аср хроникаси» деб қўйган. Асарнинг ўзбекча нашрида эса «1830 йил хроникаси» деган сўзлар бор. Бу сўзлар қаердан олинган экан, билмадик, аммо асарда шубҳасиз, 1830 йилдан аввалги воқеалар тасвирланади. Романнинг бир бобидагина «1830 йилда шундай йўл тутар эдилар» дейлади. Демак, роман ниҳоятда замонавий, қайноқ воқеалар изидан ёзилган. Ҳатто, асарда шoir Беранженинг ноҳақ қамалиши ҳам акс этган. Б. Реизов романда 1826—30 йиллар воқеалари тасвирланганини айтади. Бу асарнинг ўзидан ҳам кўриниб турибди: бош қаҳрамон Жюльен Сорелнинг ўн тўққиз ёшидан бошлаб йигирма уч ёшгача кўрган-кечирганлари акс эттирилади. Демак, асарнинг ўзбекча нашрида «1830 йил хроникаси» деб хато айтилган.

Романнинг биринчи қисм, XXIX бобида эса аббат Пирар семинария талабаси Жюльенга мунофиқ одамлар ичида яшашинг қийин бўлади дейди. Айни пайт-

да у Жюльен табиатидаги мағрурлик ҳақида гапирди: «Только одно может тебе помочь, не полагаясь ни накого, кроме бога, который в наказание на твою самонадеянность наделил тебя тем, что неизбежно вызывает к тебе ненависть». Бу ерда русча таржимани ҳам унчалик яхши деб бўлмайди. Шу фикрнинг ўзбекчаси ҳам унча яхши: чиқмаган: «Сенга фақат бир нарса ёрдам қилиши мумкин: ўзингга бино қўйганинг учун жазо тариқасида сенга нисбатан муқаррар равишда нафрат кўзғатадиган хислатлар инъом этган худодан бўлак ҳеч кимга суянма». Бу жумланинг мазмунини бир амаллаб тушунса бўлади: «Сенга худонинг ўзи мадад берсин. Бўтам, баъзи ишларингдан сўзсиз, одамлар нафратланишади. Ўзингга бино қўйганинг учун худонинг жазоси бу». Биз бу вариантни мукамал демоқчи эмасмиз. Ҳар ҳолда жумла тахминан шундай тузилганда ўзбекча оҳанг кашф этади.

Стендаль асарлари ўзбек адабий, маданий ҳаётига афсуски, жуда кечикиб кириб келди. Унинг ажойиб асарларидан бири «Қизил ва қора» романи билан деярли бир вақтда ёзилган «Ванина Ванини» («Ванина Ванини ёки карбонарийларнинг пана областида фош қилинган сўнги вентаси ҳақидаги баъзи тафсилотлар») новелласи ўзбек тилида 1962 йилда Насим Тоиров таржимасида босилиб чиққан эди. «Қизил ва қора»нинг Ҳасан Тўрабеков томонидан таржима қилиниши эса нур устига аъло нур бўлди: бу асар ёш авлодга ҳам, катталарга ҳам ҳақиқат, маънавий камолот сари соф кўнгил, очик юз билан боришни ўргатиб, уларнинг энг яқин сирдоши бўлиб қолади. Жамиятнинг энг ўткир, ҳаяжонли муаммоларини чуқур бадиий таҳлил қилувчи Стендаль асарлари бугунги кунда ҳам қимматлидир.

**Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Маҳкам МАҲМУДОВ,
Тўрабой ИСКАНДАРОВ.**

Бош редактор: МИРМУҲСИН.

Редколлегия: УЙГУН, ЗУЛФИЯ, Ҳ. ҒУЛОМ, С. АЗИМОВ, И. РАҲИМ, И. ЮСУПОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Т. ТУЛА, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. АБДУСАМАТОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, Ҳ. УМАРБЕКОВ, Ҳ. УСМОНОВ, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ.

© Шарқ юлдузи, 1980.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 1.

Орган Союза писателей Узбекистана.

Ордена Трудового Красного знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1980.

Рассом А. Қамбаров Техредактор М. Мирражабов. Корректор А. Билолов.

Теришга берилди 25.10.1979 й. Босишга рухсат этилди 17.12.1979 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Физ. листи 15. Шартли босма листи 21. Нашриёт ҳисоб листи 19,06. Тиражи 210159. Р—03325. Заказ № 1748.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент, 700029. «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КУЧАСИ № 1.
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ — 320828,
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА, ОЧЕРК-ПУБЛИЦИСТИКА, САНЪАТ,
ХАТЛАР БУЛИМИ — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНКИД ВА АДАБИЁТШУНОС-
ЛИК — 332479, РАССОМЛИК — 330918.